

ОЛМОС УҒРИЛАРИ



Луи Буссенар

821.133.1
596

ЛУИ БУССЕНАР

ОЛМОС ЎҒРИЛАРИ

Роман

«MAX PRISTIL» налприёти
Тошкент – 2022

УЎК: 821.133.1-31

ББК 84(4Фра)

Б 96

Б 96 Луи Буссенар

Олмос ўғрилари [Матн] : асар / Луи Буссенар.

– Тошкент: «MAX PRISTIL», 2022. – 560 б.

Таржимон: Муҳаббат Исмоилова

Ёзувчи Луи Буссенарнинг «Олмос ўғрилари» аса-
ридаги воқеалар XIX асрнинг 80-йилларини қамраб
олади. Ўшанда бир катор колониал давлатлар олтин ва
олмосга бой ерларга эгалик қилиш учун аёвсиз кураш
олиб борган эди.

Муаллифнинг бошқа асарлари каби ушбу романи
ҳам ўткир сюжет ва саргузаштларга бой. Китобдаги
жасур, оқил ҳамда оккўнгил қаҳрамонлар ҳар қандай
ёшдаги ўқувчиларнинг қалбидан жой олади.


Ўзбек тилига илк бор таржима қилинган «Олмос
ўғрилари» сиз, азизларнинг китоб жавонингиздан жой
олади, деган умиддамиз.

N1 33500
3

ISBN 978-9943-7958-0-8

© Луи Буссенар, 2022

© «MAX PRISTIL» нашриёти. 2022



1108

*Ушбу меҳнатим маҳсулини мен учун доим
маёқ бўлган инсон — фарзандларимнинг
отасига бағишлайман.
Таржимон*

ОЛМОС ЎҒРИЛАРИ

БИРИНЧИ БОБ

Олмос кони. — Олмос талвасаси. — Нельсонс-Фонтейн. — Синиш қурбонлари. — Альбер де Вильрож ва дўсти Александр Шони. — Тўппончада отилган дуэль. — Жанубий Африка қиролларининг бойликлари. — Нотаниш мамлакатга қараб. — Сирли қотиллик.

* * *

Шу кун Нельсонс-Фонтейндаги олмос конида шовқин ҳар доимгига нисбатан кўпроқ бўлиб, ҳаёт қайнаётган эди. Орасида турли ирқ вакиллари, териси турли рангдаги одамлар бўлган олмос қидирувчилар доим ҳам тин олмай ишлашар эди, бироқ бугун улар қандайдир ғайритабиий, жазавага тушгудек аҳволда эдилар. Уларни диққат билан кузатган одам гап нимадалигини дарров тушунган бўларди.

Ёқимсиз жой, ялангоч қоялар ва кўплаб чуқур ўралар сабаб ушбу жой олмос конидан ҳам кўра тош конига ўхшаб кетарди. Қазилаётган ердан чиқаётган майда чанг ҳавода қалин булут ҳосил қилаётган бўлиб, вақти-вақти билан у, ҳатто куёшни ҳам тўсиб қоларди. Бу ерга келган ҳар бир одамнинг кўзига дарров ҳар бир чуқурнинг ости билан ер юзини боғлаб турувчи сон-саноксиз металл трослар ўрами ташланарди. Блокларга ўрнатилган бу трослардан юқорига, ер юзига тинмай ҳўкиз терисидан қилинган катта-катта халталарга солинган тупроқ чиқариларди. Париж қишлоқларидаги деҳқонлар ишлатади-

ган асбобга ўхшаш унча катта бўлмаган мослама челақ тўлар-тўлмас юқорига чиқариб берар ва у бўшатилиши билан яна оркага қайтарди.

Бутун ушбу жой худди ҳар бир катаги ўн квадрат метр бўлган баҳайбат шахмат доскасини эслатар эди. Катаклар олмосга бой ерлар билан ажратилган. Жуда чуқур қазилган ўралар тубида жулдур-жулдур кийим кийган одамлар чумолидек ишлаб ётишарди. Улар ерни кавлашар ва майдаланган тупрокни элакдан ўтказишарди. Уларнинг оқ, қора, сарик башараларини чанг, тупроқ ва тер қоплаган. Чармдан тикилган халта юқорига қараб ўрмалайди. Балки унинг ичида бутун бир бойлик ётган бўлиши мумкин.

Мана, ишлаб ётган блок шигиллашдан тўхтайди. Халтанинг ичидагилар стол устига тўкилади. Оқтанли хўжайин титраётган қўли билан тупрокни стол устига ёйиб ташлайди ва қимматбаҳо тош ялтираб қолмасмикин, деб оч назари билан қидйра бошлайди.

Текшириб бўлинган тупрокни кейин аравага солиб, тор сўкмоклар бўйлаб олиб кетишади. Одамларнинг аравани шундайгина жар-ёкалаб қандай бепарволик билан хайдаб кетишаётганига хотиржамлик билан қараб туришнинг иложи йўк: сирпаниб кетиб пастга учиб кетиш учун биттагина нокулай ҳаракат кифоя. Бирок бу олмос васвасасига учраган одамлар кўзи олдида тез-тез бўлиб турадиган бахтсиз ҳодисалар нима экан! Вақти-вақти билан бу ерларда ўпирилишлар бўлиб туради ёки тош кўчади ёки бўлмаса арава пастга учиб кетади. Дахшатли қичкириклар янграб, чарм халталар юқорига яна кўтарилганда унинг ичида мажакланган инсон танаси ётган бўлади. Хўш, нима бўлибди? Асосийси – олмос! Инсоннинг ҳалок бўлиши – арзимаган нарса.

Мана, қандайдир поляк қирк каратли олмос топди. Маклер шу заҳотиёқ унга беш юз фунт стерлинг таклиф қилади. Бирок омади келган поляк минг фунт стерлинг сўрайди, маклер бўлса елкасини қисганча нари кетади.

Мана ирландиялик. Унинг кўриниши очлик ва оғир

меҳнатдан қийналган одамникидек. У бирдан ақлдан озгандек сакраб кетади. Қийқиради, вой-войлайди, у ёқдан бу ёққа югуради ва ўзининг кельт тилида қаторлаштириб сўкиб кетади:

-- Арра! Арра! Бедарра! Биродарлар, ўлиб қоламан! Хурсандчиликдан ўзимни йўқотаяпман! Арра! Менинг болаларим энди бой бўлишади! Ўзим энди виски ича оламан! Етмиш беш каратли олмос! Бу беш минг фунт стерлинг дегани!

Бу янгилик бир зумда бутун қонга ёйилади ва одамлардаги олмос васвасаси яна кучайгандан кучаяди.

Мана яна кимдир, олдингиларга нисбатан оғирроқ одам, ўзининг титрогини яширишга уринади. Ҳаракатлари сустлашади. Ўзини совуққон кўрсатишга ҳаракат қилаётганига қарамай, у нимадандир ҳаяжонда. Кейин кутилмаган ғалати иш қилади: кўлининг панжаларидан ҳам чакқонроқ бўлган оёқ панжалари билан тошни пайпаслаб кўрмоқчи бўлади. Ўткир кўзлари билан тошни кўриб, дарров баҳолайди: бу ҳали жинсидан ажралмаган олмос эди.

Ишчи бир дақиқага ишини тўхтатади. худди оёғидан зирапча сугураётгандек ҳаракат қилиб, тошни кўлига олади ва тезлик билан оғзига яширади.

Бироқ буни ҳеч нарсани кўздан қочирмайдиган назоратчи кўриб қолади. Зум ўтмай у ўранинг тубида эди. У ишчини томоғидан бўғиб олиб, кучли мушги билан унинг бошига туширди.

— Оғзингни оч, аблаҳ ёки сени ўзим осиб қўяман!

Бироқ ўғри беҳуш ётибди. Назоратчи чўнтагидан бурама пичоқ чиқариб унинг тиғини ўғрининг маҳкам сиқилиб қолган тишлари орасига суқади ва пичоқни босиб туриб юзида ғалаба ифодаси билан унинг оғзидаги тошни сугуриб олади.

— Бу аблаҳни тепага чиқаринглар. Биринчи сафарига йигирма беш қамчи урилсин!

Бирок коннинг бой эканлигидан дарак берувчи бундай ходисалар одамларнинг иштаҳасини багтар кўзийди ва олмос қидириш олдингидан ҳам багтарроқ ҳаракат билан давом этади.

Олмослар Нельсонс-Фонтейнда бу ерга Тойтс-Пендан келган изланувчилар томонидан шу яқин орада топилган эди. Гринвич бўйича 24,30. шарқий узунлик ва 27.40. жанубий кенгликда, Грикаленд-Уэстнинг энг чеккасида, Апелсинранг дарёдан бир юз етмиш километр нарида жойлашган Нельсонс-Фонтейн шу пайтгача бугунлай номаълум жой эди. Энди эса, таъкидлашларича, у яқин кунларда бутун инглиз Кап мустамлака ерларидаги энг бой конларидан бирига айланади. Бирок мослама ва жиҳозларнинг яхши эмаслиги ва энг оддий қулайликларнинг ҳам йўқлиги сабаб бу ерда ишлайдиганларнинг аҳволига ҳавас қилиб бўлмайди. Агар бирдан бойиб олиш умиди бўлмаганда шундай қирқ даража иссиқда, мутлақо ҳавоси йўқ чуқурларда ишлайдиган одам топилиши амри маҳол эди. Бу ерларда сув йўқ. Бир челақ сувнинг нархи бир франк, ҳатто бир франк етмиш беш пенс туради. Лагерь атрофи эса ниҳоятда ифлос. Бу ерда ишлайдиганлар ўта бечорахол, шамолда тебранадиған кулбаларда ва бурда-бурда бўлиб кетган чодирларда яшашади. Шундай бўлса-да ҳокимият бу ерда ишлайдиганларнинг ҳавфсизлиги ва соғлиғи тўғрисида гамхўрлик қилади. Ҳар бир ўғирлик қилган одам – бунақалар бу ерда жуда кўп – агар уни қамчи билан уришга буюрилмаган бўлса, бу ерда бир неча кун мажбурий меҳнат қилиши лозим. Бу жазо одатда лагерни тозалаш ишларидан таркиб топади. Жазога маҳкум қилинганлар орқаларидан қўлларида ўқланган револьвер билан юрадиған полициячилар назорати остида иш қиладилар.

Бирок қанчалик кўп латта-путта, консерва кутилари, эски этик ва синган белкуракларни олиб чиқиб ташлаганлари сари, бир неча соат ҳам ўтмай улар яна пайдо бўлиб қолаверадиғанга ўхшайди. Одамлар бу ерга бойлик излаб

келишган бўлиб, улар энг оддий гигиена қоидаларига ҳам амал қилишмайди. Мол сўйишади ва унинг ичак-чавокларини шундай чодир олдига ташлашади; шундан сўнг бу ерга қораганлилар, хитойлар ёки итлар келиб ўша чиқиндиларга ёпишишади ва очкўзлик билан еб битиришади. Қолдиклар эса яна бутун лагерь бўйлаб ёйилиб ётади.

Бу ерда на томоқ эгригидан, на кўз касалликларидан, на яралар ва на бошқалардан кўркишади. ҳеч ким соғлиғи ҳақида ўйламайди. Баъзи бировлар аллақачон чодирлари остида ерга бутун бир бойликни яшириб кўмиб қўйишган. Ўзлари эса оёкяланг, йиртиқ-ямоқда юришади, қотган нонни араққа ивитиб ёйишади. Бу васвасага учраган одамлар учун ҳаёт мазмуни фақат биттагина нарсадан иборат – олмос. Олмос ялтираб одамларни ўзига шайдо қилиб қўйган.

Шунинг учун ҳам бу ердагиларга асло ўхшамаган тўрт одамнинг бу ерларда пайдо бўлиши ҳеч кимни ажаблантирмади. Улар иккита европалик ва иккита қоратанлилар эди. Уларнинг бари, айниқса европаликлар, ташқаридан кондаги одамларга асло ўхшашмас эди. Катта бўлмаган ушбу гуруҳнинг бошлиғи ўрта бўйли, ориқдан келган, сочлари калта қирқилган, қорачадан келган ўттиз ёшлардаги, қора соқолли, кўзлари ёниб турган йигит эди. Юз тузилишининг мутаносиблиги ва ҳаракатчанлиги унинг жанубликлардан эканлигини билдириб турарди. Бундан ташқари, унда алоҳида бир буюклик борлиги ҳам сезилиб турарди. Қўлидаги нарсалар ва бутун юриш-туриши унинг, одатда бу ердагилар унча эътибор бермайдиган қулайликларга ўрганганини кўрсатиб турарди.

Алоэнинг ички қисмидан қилинган шлем уни иссиқдан ҳимоя қилиб турарди. Белбоғи ва кўплаб чўнтаги бор курткаси йигитнинг узоқ саёҳатларга юриб ўрганганидан гувоҳлик бериб турарди. Тиззаси бурма қилиб тикилган оливоли рангидаги духоба шимининг почалари этиги ичига тикилган. Белбоғига эса унга ханжар ўрнида ҳам хизмат қиладиган катта пичоғини осиб олган. Бундан

ташқари, унда яна патронташ билан йирик калибрли икки стволли милтиқ ҳам бор эди. Ниҳоят, иккита чўнтагидан занжир осилиб турган бўлиб, бирида соат, иккинчисида эса никелли компас бор эди.

Иккинчи европалик ҳам худдий шундай кийинган бўлиб, унда ҳам худди шундай нарсалар бор эди. Бирок улар иккови ҳам ёшлари бир хил кўриниб, икковлари ҳам жанубликдек кўринсалар-да, икковларининг ўхшашликлари шу билан тугарди. Уларнинг биринчисининг кўйлаги ўзига қанчалик ўтиришган бўлса, иккинчисида оддийгина бўлиб кўринарди. Энг оддий кузатувчи ҳам бу фарқни битта қарашда сезган бўларди. Қисқача айтганда, уларнинг бири – хўжайин, иккинчиси – хизматкор эканлиги шундай кўзга ташланиб турарди.

Иккита қоратанлига келадиган бўлсак, уларнинг кўриниши ўзига хос эди.

Уларнинг кийимларини тасвирлаб берса арзирди. Бирининг эғнида фақат иштони бўлса, иккинчиси фақат кўйлак кийиб олган эди. Иккала кийим ҳам эски ва яғри чиққан бўлиб, аниқроғи жулдур-жулдур бўлиб кетган эди. Кўйлак кийиб олган қоратанлининг кўйлагига кўшимча яна тепаси йўқ похол шляпаси бўлиб, шляпаси унинг қалин, тўзғиб ётган сочларини беркитмаётган эди. Унинг белида – одатда камергерлар олтин калит осиб юришадиган жойда пичоқ осиб қўйилган, кулоқларида жез зирағи бўлиб, зирагининг ҳар бирига ўрик катталигидаги ақиқ бўлағи осиб қўйилган эди.

Иштон кийиб олиш бахтига муяссар қоратанлига келсак, у бошига анчоусдан бўшаган кичкина банка билан безаб олган тўкилган саватнинг тагини кийиб олган эди. Ўнг қулоғининг юмшоқ жойидаги тешигига трубкасини тикиб олган, чап қулоғининг юмшоқ жойи эса милтиқ гильзаси билан безатилган эди.

Иккала қоратанли ҳам ўз ясан-тусанларидан ҳайратда бўлишиб, бундай безаклардан маҳрум кон ишчиси бўлган бошқа қоратанлиларга осмондан келишиб қарашаётган эди.

Мен бу қоратанлиларнинг ҳар бири Африкада йирик ёввойи ҳайвонларни овлаш учун ишлатиладиган баҳайбат иккистволли қарабин осиб олишганини айтишни унутибман.

Иккала европалик ҳам кимнидир ёки ниманидир қидириб, атрофга кўз ташлаганча, секин кетиб боришар эди. Улар ниҳоят полисменга мурожаат қилишга қарор қилишди. Полисмен уларнинг саломларига мулойимлик билан жавоб бериб, уларни ичида олтига одам ишлаётган ўра олдига олиб келди.

– Жаноблар, у шу ерда, – таъзим билан деди у.

Йигит ўрадан чиқаётган қалин чанг орасида нимадир кўришга уриниб, ўранинг четига келди. Оёғининг остидан бир нечта тош думалаб, пастга тушиб кетди. Бу нарсаси ўра тубида ишлаётганларни юқорига қарашга мажбур қилди. Улардан бири кутилмаганда хурсандчилик аралаш ажабланиш қоришиб кетган овозда қичқириб юборди. У лиқиллаб ётган нарвон орқали юқорига шошилди ва қўлларини, юзи ва кийимларини қоплаган ифлосдан ҳеч бир хижолат тортмай, ўзини ёш европалик жентелменнинг кучоғига отди.

– Альбер!.. Альбер де Вильрож!.. Дўстим!

– Александр!.. Қадрдоним Александр! – деди бу ерга янги келган йигит ҳаяжонли товушда. – Ниҳоят сени топдим!

– Сен шу ердасан! Шу дўзахда-я! Мен билан бирга!.. Сени бу ерга қандай мўъжиза олиб келди? Қандай бахтли тасодиф?

– Мўъжиза ҳам эмас, тасодиф ҳам эмас. Мен Цезарь ўз ўғли Митридат устидан ғалаба қозонгандан сўнг айтган гаплари билан жавоб бераман: мен келдим, мен қидирдим ва мен топдим.

– Менинг ажойиб Альберим! Сен ҳали ҳам ўша-ўша қувноқсан! Демак, сен мени қидирдингми?

– Ва берилиб!

– Айнан нима учун?

– Биринчидан, сени кўриш учун. Кейин, сенга бойлигингни қайтариш учун, тўғрироғи иккаламиз ўз бойликларимизни қайтаришимиз учун...

– Иккаламиз? Наҳотки сен ҳам...

– Бутунлай хонавайрон бўлдим.

– Қандай қилиб?

– Ўша нарса-да. Аввалига сен ҳамма нарсангни йўқотдинг, кейин эса мен ҳам ҳеч нарсасиз қолдим.

– Бечора!

– Ҳамдардлигинг учун раҳмат... Бирок ҳозир иккаламиз анави жентелменларнинг диққатини тортаяпмиз. Менга ҳадеб тикилаверишларини ёқтирмайман. Кел, бир чеккага ўтайлик. Бирорта ўтирадиган жойинг, бирорта овлоқ, қўндонинг борми?

– Тўғри айғдинг: овлоқ ва қўндок бор. Кетдик!

– Яна бир гап. Мен сенга ҳамроҳимни таништирай. Сен ўзинг у ҳақида эшитгансан. Бу менинг эмиқдош акам Жозеф, Вильерждаги фермеримизнинг ўғли.

– Ҳа-а, демак бу – Пупон?

– Тўппа-тўғри. Бизнингча – Пупон, каталончасига – Жозеф... Энди кетдик.

Александр деб аталган йигит биринчи бўлиб йўл бошлаб ҳамроҳларини иш жойидан ярим километр нарида ўралар ва чодирлар орасида оқариб кўринаётган тор сўкмоқ йўл бўйлаб олиб кета бошлади.

Александр Шони тахминан ўттиз икки ёшларда эди. У дўстининг бутунлай акси. Катта-катта ҳаворанг кўзлари, оқ-сарик сочи, узун мўйлови, баланд бўйи ва атлетларникидек комати сабаб у деярли йўқолиб кетаётган қадимги Галлия халқининг вакилига ўхшаб кетарди. Бу ўхшашлик, айниқса ахлоқ маъносида кучли эдики, Александр Шони нафақат ҳаракатчан эди, балки жасур ва руҳан мард одам эди.

– Мана менинг овлогим, – чодир тешигини оча туриб деди у. – Манави эса қўндок. – Шундай дея туриб йигит

иккита ҳўкиз терисига ишора қилди. Терилар ерга коқилган қозиққа тортилган эди.

– Оддий ва арзонгина жиҳоз, – қувноқ кулги билан деди Альбер.

– Арзимаган гап: нақдига минг франк!

– Вой, жин урсин! Ишларинг бўлаяптими ўзи?

– Нима десам экан... Шу олти ой ичида мен зўрға учини учига етказиб кун кўрдим. Бахтимга икки ҳафталар бурун менга ўн минг келтирган ўрани топдим. Умуман айтганда, ўзига яраша.

– Мен сенга бойлик олиб келдим.

– Қанақасига?

– Икки оғиз гап билан айтиб бераман. Мен охирги йиллари Парижда жуда кам бўлганимдан хабаринг бор. Менга юрт кезишдан тегиб қолди. Ахир бежиз каталониялик эмасман. Мен Абиссинияда шерлар овладим, Сумагра ва Конгода бўлдим. Измаилияда эканлигимда бирдан ишончли вакилимдан хат олдим. Унинг хабар беришича молиявий кризис натижасида мен бор буд-шудимдан айрилганимдан. Шу заҳотиёқ Парижга қараб учдим, бор ерларимни сотиб қарзларимни уздим ва тез орада бир чакасиз қолдим. Бу операциялардан менга қолган нарса шу бўлдики, мен «Қарзларни тўлаш – бой бўлиш» деган мақолнинг ёлгон эканлигини тушундим. Албатта, ҳамма қарзларимдан қутулдим, бироқ ҳозир бошқа бировлар ҳеч нарса тўламай, худди чўчка билан савдо қилувчилардек бой бўлсалар, мен бир чакасизман.

– Ахир мен билан ҳам шундай бўлган эди-ку! Мен бор нарсаларимни, ҳатто кичкинагина ер-мулкимни ҳам сотишимга тўғри келган эди. Бечора онам учун зўрға икки ярим минг даромад қолдира олган эдим, холос.

– Мен эса Вильрождаги фермамни ушлаб қола олдим ва ундан йилига тоза уч юз франк зарар келиб турибди. Мана, кўрдингми, менинг ишларим қандай гуллаб-яшнааяпти! Бироқ, нимадир қилиб яшаш керак-ку! Чиновниклик хизмати эса мени қизиқтирмайди. Менимча, консулнинг ўрни ва супрефектнинг маоши обрўли, бироқ

кам ҳақ тўланадиган тунгги коровул мансабидан кўра жозибалироқ эмас. Шунда Аннада ғаройиб фикр туғилиб қолди...

– Анна! Ким у Анна?

– Жин урсин, Анна – менинг хотиним! Мен ахир уйландим! Сенинг хабаринг йўкми? Бу бутун бир тарих. Биз бир ярим йиллар бурун танишган эдик, шу якин орада – Трансваалда. У рухонийнинг кизи. Дўстим, у фаришта, дур! Битта жаноб Вандер деганлари... фамилияси аниқ эсимда йўк... хуллас, битта бур, юз квадрат мил ери бор ҳақиқий ёввойи, қизнинг қўлини сўраган экан. Аннанинг эса уни кўришга кўзи йўк эди. Биз бур билан тўппончада отишдик. Менинг ҳозирги қайнотам унинг секунданти бўлди. Рухоний! Бур роса ҳаяжонланиб, менга кийшик отиб қўйди ва ўк хурмагли Худонинг хизматчисининг қулогини тешиб ўтди... Бу кўполлик рақибимнинг уйланиш билан боғлиқ ҳамма ҳисоб-китобларини бузиб юборди. Шундан сўнг бир ҳафта ўтиб, мен мисс Анна Смитсоннинг бахтли умр йўлдоши бўлдим!

– Жуда яхши! – бор овози билан кулиб, дўстининг гапини бўлди Александр. – Энди хотининг берган ақлли фикрга ўтамиз.

– Жуда оддий. Грикаленд Голландияликларга тегишли бўлган 1750 йилдаёқ миссионерлар оқтанлилар яхши билмайдиган бу ерларда олмос борлигини исботлаб, бу ерларнинг харитасини тузиб чиқишганини сен балки билмасанг ҳам керак. Чиндан ҳам, короннлар, кафр ва бушменлар олмосни безак учун бўлмаса-да меҳнат қуроли сифатида ишлатишгани аниқланган. Бу ёввойиларнинг айтишича, уларнинг ота-боболари Грикалендга олмос учун боришган ва ундан тегирмон тошига ишлов бериш учун фойдаланишган.

– Сен шуларнинг ҳаммасини билиб олдингми? Ох, донишманд дўстим менинг!

– Мен эмас, хотиним билган. Бирор соат ичида у менга олмослар ҳақида лицейдаги ўқитувчим уч йил давоми-

да бергандан кўра кўпроқ маълумотларни айтиб берди. Ўқитувчим бизнинг миямизга куйганлардан мен фақат олмос — бу тоза углерод бўлиб, у кристалл ва саккизқиррали, ўн қиррали ва ҳоказо куб шаклида бўлиши ёдимда қолган эди. Мен буларнинг ҳаммасига ишонаман. Бирок биласанми, Анна шу ерларда, отаси ёввойиларга инжилни тарғиб қилиб юрган пайтда фургонда туғилган. Хотиним тўрт ёки беш хил маҳаллий лаҳжада гаплаша олади ва менга ишонавер, бу товушлар унинг оғзидан худди булбул сайрагандан ҳам кўра жарангли чиқади.

— Зўр-ку! — хитоб қилди Александр.

— Хотиним роса кўп саргузаштларни бошидан кечирган, бир марта эса исми Лакми бўлган бир қафрни даҳшатли ўлим азобидан қутқариб қолган. Сен ўзинг қоратанлилар миннатдор бўлишни биладиган халқ эканлигини жуда яхши биласан. Шундан сўнг Лакми пасторнинг оиласига боғланиб қолади. Бу уй ғилдиракда жойлашган ва доим йўлда бўлган. Мен Аннага уйланишимдан бир неча ой олдин бечора Лакми сил касаллигидан вафот этган экан. У қандайдир қудратли қабила бошлигининг авлоди бўлган экан. Жон бераётиб у ўз фариштаси, валинеъматига ўзи ягона қонуний меросхўр бўлган жуда кўп миқдордаги олмосларни совға қилибди. Аниқроқ айтганда бу — тегирмонтошига ишлов бериш учун мўлжалланган йигирма килограммча бўлган олмос экан. Бу ҳаммаси бир жойда яшириб қўйилган ва биз ҳозирок, шу дақиқада, кечиктирмай ўша ерга жўнаймиз. Капштатдаги француз консули сенинг шу ерда, Нельсонс-Фонтейнда эканлигингни айтди. Шунда мен ўз бойлигимни сен билан бўлишишим кераклигини ўйлаб қолдим. Сен доим менинг энг яхши дўстим бўлгансан ва мен каби фалокатга учрагансан. Шунинг учун, агар сен менинг омадимга шерик бўлсанг, бу табиий бўлади. Азизим Александр, мен шунинг учун ҳам бу ерга келдим. Мана, бор гап шу.

Александр ўйланганча жим қолди. Дўсти яна гап бошлади:

– Соков бўлиб қолдингми? «Тез кетдик!» демай-санми? Искирт ўрангни ва мана бу заҳарли хашаротлар бижғиб ётган мана бу чодирингни сотишга шошилмай-санми? Ёки менга ишонмаяпсанми?

– Ишонаман, ишонаман, аммо...

– Нима «аммо»? Менда ўша жойнинг харитаси бор. Тўғри, жуда ҳам аниқ эмас. Бироқ биз анойилардан эмасмиз, шундай харита билан ҳам эплаймиз. Бу харитани марҳум Лакмининг кўрсатмалари билан қайнотам, пастор Смитсон тузган. Буни у порох суюқлиги билан дастрўмолга чизган. Бу нарса бизга йўл кўрсатувчи бўлади ва хазинани топишимизга ёрдам беради. Менинг кўнглим яхшилиқни сезиб турибди. Менга ишон: сен Бель-Эрингни қайтариб оласан, мен эса Вильрожда жарлик устида қизил гранитдан саккизта минораси ва айвони бор қаср қураман... Сенга нима бўлди?

Александр худди пружина каби сакраб кетди. Қозикда турган револьверини олиб, ташқарига отилди.

– Жим! – шивирлаб деди у. – Бизнинг суҳбатимизга кулоқ солишаяпти!

Унинг ёнидан мастлардек гандираклаб, баланд бўйли одам ўтиб кетди.

– Ҳеч гап йўқ! – палаткага қайтиб киргач, деди Александр Шони. – Қандайдир пиёниста. Палатка ичига йиқилиб тушай деди.

– Эҳтиёткорлигингга қойилман. Бундай гапларни ҳаммага эшиттириб гапирилмайди. Бунинг устига, афтидан, биз яна Анна ҳайдаб юборган менинг рақибим билан учрашишимизга ҳам тўғри келади. Унинг ўзи ва иккита акаси мени ўлдиришга қасам ичишган.

– Ҳали шунақами? – дўстининг гапини кескин бўлди Александр. – У ҳолда мен сен билан бирга бўраман. Жин урсин, муштлашув бўлмоқчи ва менинг ягона ва энг яқин дўстим хавф остида-да, мен эса ёввойи чўчкадек инимда ўтираманми? Нима, мен аблахманми?

– Мана энди, ниҳоят, ўзингга келдинг! Ўзимнинг

эски дўстимни танияпман! Бирок, мен сени кўп ушлаб қолмоқчи эмасман. Бизга уч ой етади, кейин эса иккитадан бири: биз ёки бойлигга эга бўламиз, ёки ҳаммасини бошидан бошлаймиз. У ҳолда шунчаки уч ой йўқотган бўламиз ва хомхаёлларимиздан воз кечамиз. Бу нарсалар катта аҳамиятга эга эмас, шунинг учун фақат тўксон кун йўқотганмиз, деб ҳисоблаймизда, қайсидир бир ерни ўзлаштириш режасини ишлаб чиқамиз.

— Келишдик! Мен эртагаёқ ўз концессиямни (шартномамни), қурол-асбобларим, чодир ва олмосларимни сотаман ва жўнаб кетамиз!

— Нега эртага? Негача ҳозирок эмас?

— Харидор топиш керак.

— Харидор бор. Ҳозиргина ўтиб кета туриб, қандайдир савдогарнинг башарасини кўргандим. У консервалар ва кап-бренди сотаётган эди. Савдогарлар бор жойда, доим иш қилиш мумкин.

— Бу йигирмата ҳўкиз қўшилган катта фургоннинг эгаси бўлса керак. У кечагина келган эди.

— Бизнинг нима ишимиз бор? Ҳамма нарсангнни сот ва кетдик!

Савдогарни чакиртиришди ва у ҳам тезликда етиб келди. У олмосларни диққат билан текширди, ушлаб кўрди, тортиб кўрди ва ниҳоят, сотиб олди. Жихозларни ҳам, шартномани ҳам сотиб олди. Пулдан ташқари у Александрга бақувват, ёш, бирок асов отини ҳам берди. Француз отни зўр бошқара оларди.

Савдогар йигирма минг франк тилла бериб, жўнаб кетди.

Қоронги тез тушди ва иккита ерли аҳоли кузатиб кетаётган учта европалик, ҳаммалари отда, шовкин-суронсиз кондан шимол томонга, яъни Нельсонс-Фонтейндан бир неча километр нарида бошланадиган гарбий бечуанлар мамлакатига қараб йўл олишди.

Ҳаммани оғиздан-оғизга ўтган гап хайратга солган пайтда конда қуёш эндигина илк нурларини соча бошла-

ган эди. Ҳамма кечаси тунда содир этилган ёвуз қотиллик тўғрисида гапирарди. Ҳамма ишини ташлаб, лагерга, палаткаларга қараб югурди.

Терилари турли рангдаги одамлар баҳайбат фургон олдида шовқин солишар, бир-бирларини босиб, кичкиришарди. Одамлардан ҳосил бўлган деворни суриб, иккита полициячи фургонга чиқди. Қариянинг жасади қонга ботган ва кираверишни тўсиб турарди. Унинг кўзлари катта очилган бўлиб, оғзи қийшайиб қолган эди. Узун пичок кўкрагига сукилган, ташқарига дастасигина чиқиб турарди. Фургон остига қон томчилаб, сўйиб кетилган итнинг қони билан аралашиб кетаётганди.

Фургонда ўта тартибсизлик ҳукм сурурди: ҳамма нарса титкиланган, афтидан шошилиangan шекилли – ҳамма ерда қонли панжа излари бор эди. Сандик бузилиб, ағдариб ташланган, полда, афтидан галончилар сезмаган олмослар ялтираб ётарди.

Фургоннинг ичида, қалин парда орқасида кимдир инграрди. Полициячилар у ерда иккита аёл – бири оқтанли қиз ва кекса қоратанля аёлни топишди. Икковларининг ҳам оғизлари бойланган бўлиб, нафаслари қайтиб кетаётган эди. Полициячилар уларнинг оғизларини ечишди.

Оқтанли қиз жуда гўзал эди. Унинг даҳшатдан катталашиб кетган кўзлари ҳали ҳам жойида ётган жасадга тушди.

– Ота! Ота! – юракни зирқиратиб юборадиган товушда кичкирди у.

Шундан сўнг у ўрнидан туриб гандираклаганча бир неча қадам ташлади, сўнгра қўлларини силкиганча, чолнинг жасади устига йиқилди.

ИККИНЧИ БОБ

Омадли халқ. — Олтинга бой жойлар ва олмос кони. — Инглиз Кап колониясининг тарихи. — Инглизларнинг бурлар билан жанги. — Озод Апельсинранг дарё давлати ва Трансвааль республикаси. — Биринчи олмослар. — Қадимда кафрлар олмослардан нима мақсадда фойдаланишган. — «Жанубий Африка юлдузи». — Курук ва дарё конлари. — Босиб олиш сиёсати. — Жаноб Дютуанинг кўргиликлари. — Полициячи рассом. — Мастер Виль. — Полициячининг туши. — Пичок ва қини. — Из.

* * *

Одатда, бой давлатлар билан ҳам бой одамлар билан бўлгандек бўлади. Саноат ишлаб чиқариш тўғри ташкил этилган бўлсин, уларга тўғри раҳбарлик қилинаётган бўлсин — ишлар яхши кетиши учун буларнинг ўзи камлик қилади. Гоҳида шундай ҳоллар бўладики, энг қийин меҳнат билан ҳам эришилмаган мунаффақиятларга тасодиф туфайли эришиб қолинади. Одатда, омад деб аталадиган нарса кўп ҳолларда тасодифан юз беради. Инглизлар шунчаки «омади келган» халқ. Афтидан, Бирлашган қироликлар фуқароси қаерга ўз байроғини қадамасин, бахтли тасодиф уни ўз бағрига олишга шошилади, шекилли.

Англиядан кўчиб келган одамлар учун Австралиянинг иклими ва ишлаб чиқариш имкониятлари уларга мол боқиш ва даромад қилишларига шароит яратиб бердигина эмас, балки бу ерда олтин келтирадиган конлар ҳам бор эди.

Кўз кўриб кулок эшитмаган бойиш бошланди. Добрая Надежда бурнидаги инглизларни ҳам шундай омад кутиб турарди. Шундай пайт бўлган эдики, Сувайш каналининг қазилиши билан буюк Жанубий-Африка колони-

ясининг юлдузи сўниб қолиши мумкин бўлган бир пай-гда, кугилмаган ажойиб тасодиф сабаб бу юлдуз янада яраклаб кетганди: колонияда олмослар топилганди.

Воқеалар бизни тез орада анчадан бери цивилизация-ни кутиб ётган, кам ўрганилган давлатлар томон етаклаб боради. Шунинг учун ҳам биз ҳикоямизни давом этти-ришдан бурун тарих ва география соҳасида баъзи бир ту-шунтиришларни бериб кетсак, ўқувчиларимиз рози бўли-шади, деб ўйлаймиз.

Геродотнинг айтишича, эрамиздан олдинги 610 йил-да Добрая Надежда бурнини финикиялик денгиз сайёҳла-ри кўришган экан; эрамизнинг 121 йилида эса у ерга ге-нуэзлик ака-ука Вивальдилар етиб келишган экан. Бирок бурунни 1486 йилда Португалиялик денгиз сайёҳи Бар-толомео Диас очган. 1497 йил 20 ноябрда португалиялик денгиз сайёҳи Васко да Гама бурунни айланиб ўтган. 1497 ва 1648 йиллар орасида португалияликлар ва гол-ландияликлар у ерда ўз колонияларини таъкил қилиш-га уринадилар, бироқ бу муваффақиятсиз тугаган. Фақат 1652 йилдагина Нидерландия флоти жарроҳи Антоний Ван-Ризбек у ерда ўз корхонасини очади — қалъа қуради ва Кейптаун деб аталадиган шаҳарга асос солади.

Американинг мустақиллиги учун бўлган урушдан олдинок колония маҳаллий аҳолининг душманларча муносабатига қарамай, кўз кўриб кулоқ эшитмаган му-ваффақиятга эришади. Мустақиллик учун бўлган уруш давомида адмирал Эльфинстон ва генерал Кларк конли жанглар натижасида колонияни босиб олишади, бироқ 1803 йили уни Голландияга қайтаришади ва 1814 йили у яна Англияга ўтади.

Британия ҳукумати Голландия ҳукумати тизимининг бутунлай акси бўлган мустамлака тизимини қўллайди. Инглизлар колонларнинг эски имтиёзларини йўқ қили-шади, готтентотларни қулчиликдан озод қилишади ва голланд бурларининг гашини келтириб, маҳаллий аҳо-лини оқтанлилар билан бир қаторга қўймоқчи бўлишади.

Бурлар жуда кўп эди ва улар ўзларини голландлар деб ҳисоблашган. Жанубий Африка колонияси Голландиянинг бир бўлаги каби бўлиб, колонистлар ўз одатлари, анъаналари ва тилларини саклаб қолишган. Қоратанли аҳолининг озод қилиниши 1838 – 1839 йилларда содир бўлади, бироқ бурлар қўлларини йўқотганлари билан келишишни исташмайди ва Апелсинранг дарё ортидаги ерларга кўчиб кетишни афзал кўришади. Беш мингта одам кўчиб ўтади. Улар ўзларини мустақил деб эълон қилиб, Наталь колониясига асос солишади ва ўзларини Голландия ҳомийлигига топширишади. Бу ҳомийлик шунчалик мавҳум ҳомийлик бўлиб, уларни янги босиб олинишдан қутқара олмайди, қонли қаршилик кўрсатишдан сўнг Наталь ҳам Англия мустамлакаси деб эълон қилинади.

Бурлар енгилишган эди, бироқ улар руҳан чўкишмайди. Янги кўчиб ўтишлар уларни кўркита олмайди ва улар Преториус бошчилигида шарққа қараб юришади ва Апелсинранг дарёси эстагида жойлашишади. Англия эса бу жангда бурларнинг ғалаба қозонишларини истамайди ва бу янги жойни ҳам ўзининг ерларига қўшиб олади ва уларга бу жойни Апелсинранг дарё давлати деб аташ ҳуқуқини беради. 1848 йил 3 январда тегишли Декрет ишлаб чиқилади. Бурлар қўлларига қурол олиб қурашадилар, бироқ шу йили 2 августда машҳур Бум-Плаатсе жангида тор-мор бўладилар. Аслида, уларнинг бу бўйсунмас ўжарликлари Бирлашган қиролликларнинг босиб олиш режаларини яна бир марта бузишларига ёрдам беради. Улар ҳаммалари яна кўчишга ҳаракат қилиб, Трансвааль республикасини барпо қилишгани Вааль дарёсининг бассейнида қўним топишади.

Бироқ инглизлар ерли аҳолиси оқтанли мустамлакачиларнинг зулми остида бўлишни истамаган шунчалик кўп ерларни босиб олиб хато қилишганини тезда тушуниб қолишади. Инглизлар бурлар ўзлари билан бўйсунмас кафр ва базутлар ўртасида тўсиқ бўлишлари мумкинлигини тушуниб етадилар. Яхши сиёсатчи бўлган

инглизлар Апельсинранг дарё давлатидаги бурларга мустақилликларини қайтиб беришади. 1849 йил 22 февралда Блум-Фонтейнда Келишув имзоланади.

Голландия мустамлакачилари билан олиб борган урушдан ташқари инглизлар ерли халқ билан ҳам кучли кураш олиб боришарди. Англия ҳокимияти бир неча марта хавф остида қолган эди. Энг мурасасиз ва кўрқинчли рақиблар қафрлар бўлиб чиқишди. Уларнинг 1850 – 1853 йилларда бўлиб ўтган кўзғолонлари 1857 йили Ҳиндистонда бўлган кўзғолондан ҳам катта бўлган эди. Инглизлар бу кўзғолонни жуда катта қийинчиликлар ва қонли йўқотишлар ҳисобигагина тинчита олишади. 1858 йилда кўтарилган Мозеш бошчилигидаги базутларнинг кўзғолонлари жуда катта кўламда бўлиб, мустамлакачиларнинг ҳокимлигини хавф остига қўяди.

Трансваальнинг янгидан босиб олиниши ва зулуслар билан бўлган охириги урушга келсак, бу ҳақда қуйироқда кўпроқ гапирамиз.

Кўплаб босиб олишлар натижасида бутун Жанубий Африка – Апельсинранг дарёдан, яъни 29^ъ жанубий кенгликдан бошлаб қитъанинг жанубий чеккасигача Кап колонияси таркибига киради.

Ва, бу ағдар-тўнтарларга қарамай, у ерлар бари бир гуллаб-яшнади. Жуда ажойиб иқлим, яйловлар, ҳосилдор ер, мевалар – ажойиб ўлка! Маҳаллий констанс, шираз ва понтак винолари Европада катта обрўга эга ва анчадан бери Кап виночиларининг бойиш манбаига айланган.

Кап колонияси табиати жиҳатидан Австралиядан камроқ бой эмас эди. Австралия олтин конлари топилиши натижасида бирдан янада бойиб кетгани каби, Кап колонияси ҳам сочма олмос конлари топилгач, янада бойиб кета бошлади.

Бу қимматбаҳо тошни бу ерда биринчи марта 1750 йилда топишган эди. Бироқ ташкиллаштирган ҳолда олмос қазиб олиш фақатгина 1867 йилдан бошланади.

Йигирмага, ўттизта ҳукиз қўшилган катта фургонда мамлакат бўйлаб юрадиган ва ерли аҳоли фил суягига алмашадиган ҳархил арзон моллар олиб юрадиган бир маҳаллий савдогар бир куни исми Жакоб бўлган бир бурнинг фермасида тўхтайди. У кичкина болалар жуда ҳам ялтираётган тошларни ўйнашаётганини кўриб қолади. Бу олмос эмасмикан, деб ўйлайди Фермага қандайдир бир овчи келиб қолади ва у ҳам ўша фикрни айтади. Тўғри, на савдогар, на овчи олмосни илгари кўришмаган ва албатта, хато қилишлари мумкин эди. Бироқ бу сирли тошлар ойнани кеса оларди. Демак – олмос. Шунда савдогар ва овчи фермер билан келишув тузадилар. Овчи – унинг исми О.Рейли эди – тошларнинг ичидан энг катта ва энг ялтирайдиганини сотгани олиб боради. Сотилган олмоснинг пулини бур, фургоннинг эгаси ва овчи тенг бўлиб олишга шартлашадилар.

Тош чиндан ҳам олмос бўлиб чиқади ва у беш юз фунт стерлингга сотилади. Бу гап бутун колонияга чакмоқ тезлигида тарқалади. Бундан келиб чиккан хаяжон шунинг учун ҳам кучлироқ бўлдики, айти шу пайтда хайвонларнинг юқумли касаллиги сабаб подалар сийраклашган бўлиб, бозорларда, юнгнинг нархи тушиб кетгани учун мамлакатда ваҳима бўлиб турганда бойишнинг янги манбаи топилган эди.

Биринчи қидирувчилар биттада кўп олмос топишди, кафрлар эса ундан ҳам кўпроқ келтира бошлайдилар: улар олмосдан тегирмонтошга ишлов бериш учун фойдаланар эдилар. Олмос захиралари уларга авлоддан авлодга ўтар эди. Лондонда билимдонларнинг ҳайратига сазовор бўлган машҳур «Жанубий Африка Юлдузи» деб номланувчи олмос шундай йўл билан топилган дейишади. Уни ўн минг франкка сотиб олишган, кейин уч юз мингга сотилган, кейин эса яна саккиз юз эллик минг франкка қайта сотилган экан.

Шундан сўнг бутун Калифорния ва олтин топилгандан сўнг бутун Австралияни эгаллаб олган олтин васва-

сасидан сўнг олмос васвасаси бошланади. Биринчи олмос топилганига икки ой ҳам бўлмай, Пнильга беш минг одам бостириб келади. Олмоснинг оғирлиги 180, 186 ва 288 карат бўлган алоҳида нусхалари ҳам учрайди. Бироқ у қанчалик катта бўлса, шунчалик сарикрок бўлади.

Баъзи жойларда олмос ҳаддан ташкари кўп эканлиги маълум бўлади. Бирс-Нью-Пош ҳудудида саккиз ой давомида кетма-кет уч мингтагача, асосан йирик олмослар топилади. Бошқа бирорта конда бунчалик йирик ва бунчалик кўп олмос топилмаган эди.

Кутилмаган бу конларнинг топилиши Европада тушунса бўладиган хаяжон уйғотади. Умид ва умидсизликлар халқни 1873 йилгача хаяжонлангириб келади. Бу хаяжонларнинг даражаси топилган олмосларнинг кўлами билан ўлчанарди. Ўша йиллари Капштадтдан чиқадиган кемаларнинг ҳар бири ўзлари билан олти, етти миллион франклик олмосларни олиб кетарди.

Одамларнинг Европадан Жанубий Африкага кўчиб кетиши бошланиб, Вааль бўйлаб жонсиз ётган кенгликлар тезда одамлар билан тўлади. Кўплаб янги келганлар бу ерда омадсизликка дуч келган бўлсалар-да, барибир ҳар ҳолда фойдали бўлган эди: ниҳоятти бир ҳафталар ичида Пниль ҳудудида олмос изловчилар гуруҳи етмиш тўртта олмос топадики, шунинг ўзига йнгирма беш минг франк солиқ тўланади. Бу нарса ўша олмосларнинг нархи қанча бўлган бўлиши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Олмос изловчиларнинг шунчалик кўп бостириб келиши ҳокимият органлари тузиш лозимлиги масаласини юзага келтиради. Озод Апельсинранг дарё ҳукумати ва Трансвааль республикаси бу ишни ўз зиммасига олишади. Бирмунча вақт ўтиб, олмос изловчилар қандайдир жаноб Паркерни президент қилиб сайлашади. Сайлов Паркерда тўхтагани сабаби у маҳаллий шароитни яхши билар ва ҳамманинг ҳурматига сазовор инсон эди. Орасида жуда ҳам нозиктаъб бўлмаган одамлар кўп бўлган бу турли хил эътикоддаги одамларга бош бўлган Паркер

оддий конунлар кодексини киритади: бу конунлар асосан оғиздан-оғизга ўтган Линч суди конунлари эди: айб қилган одамларни қуёш остига қўйишар, ёки дарра билан уришар ёки дарёга чўктиришарди.

Бу президентлик ҳукуматининг ягона мақсади Олмос далалари Республикасини тузиш эди. Бирок тез орада шу нарса маълум бўладики, бунинг учун Трансвааль билан қурашиш керак бўлар экан. Бу нарса эса ҳали яхши ўзлаштирилмаган олмос саноғига салбий кўрсатиши мумкин эди.

Трансвааль кўз тикаётган бу ҳудудда инглиз фуқаролари камчиликни ташкил қилар эди. Қуролли тўқнашув бўлиш хавфи туғилади. Паркер ўрнидан олиниб, ҳукумат Кемпбелл исмли одам қўлига ўтади.

Қисқа вақтдан сўнг бу ерда маркази Блум-Фонтейнда бўлган Хоптоун олмос компанияси пайдо бўлади. Бирок рақиб корхоналар ўртасида жанжаллар бошланиб, Англия тинчлик ўрнатиш йўлини топади: у Фарбий Грикаленд деб аталувчи сочма олмослар ҳудудини босиб олади.

Бу тарихий воқеалар ниҳоясида ва олмос конлари ишларини тасвирлашдан олдин бир кизик тасодифни айтиб ўтиш керак бўлади.

Маълумки, Нант фармони бекор қилингандан сўнг, кўплаб француз гугенотлари оилалари Кап колониясига кўчиб кетишади. Французлар бурлар билан аралашиб кетиб, уларнинг ривожланиш ва цивилизациядан йироқ ҳаётлари билан яшай бошлашади. Француз муҳожирларининг наслидан бўлган жаноб Дютуа исмли кимса атрофдаги одамлар яқинида унча катта бўлмаган думалок кўл борлиги учун Дютуа-Пен деб атайдиган ўзининг фермасида хотиржам яшаб келарди. «Пен» сўзи товани англатади, бирок думалок сув ҳавзаларини ҳам шундай деб атай бошлашади.

Жаноб Дютуа Франция, ўз ота-боболарининг юрти ҳақида кўп ўйламас эди. Ҳақиқий октанли ёввойи сифа-

тида у, ҳатто дунёда шундай ажойиб мамлакат борлигини билмаган ҳам бўлса керак.

Кунлардан бир кун Дютуанинг олдига афтидан олмослар ҳақидаги гапларни ва бирдан бой бўлиб кетиш мумкинлигини эшитган бир гуруҳ одамлар келишади. Улар безбетлик билан фермада жойлашиб олишади. Дютуа шунчалик қўрқиб кетадики, кечаси олиб кетиш мумкин бўлган ҳамма нарса – ўрин-кўрпаси, нарсалари, пулини фургонга ташиб, оиласини солади-да, кўз ёши тўкканча ақлдан озиб қолай деган аҳволда боши оққан томонга қараб йўлга тушади. У шунчалик изини йўқотишга ҳаракат қиладик, у ёмон одамлар деб ўйлаган одамлари Дютуани топиш учун анча изланадилар. Кунлардан бир кун уни ахири топишганда бечора даҳшатга тушади. Маълум бўлишича, ўша одамлар унга тегишли ерни кавлаб олмос топишган ва ернинг эгасини фақат унга тегишли ерларни ҳалоллик билан сотиб олиш учун кидиришган экан.

Бироқ у одамлар ким билан иш кўришаётганини ҳали яхши билишмас эди. Дютуа шунчалик қўрқиб кетган эдики, у яна яшириниб олиб, кўринишни хоҳламайди. Харидорлар ҳеч нарсага эриша олмай қайтиб кетишади. Бироқ улар жуда ҳам бойиб кетишни истаётган эдилар. Бир қанча вақтдан сўнг улар яна қайтиб келишади ва бу сафар уларни омад кутиб турарди. Шуларни деб ўз уйини ташлаб кетган бу содда одам уларнинг ўзига бойлик таклиф қилиб келишларини ҳеч тасаввур қила олмайди. Бироқ ишонишига тўғри келади ва у харидорлар олдиндан тайёрлаб келишгани олди-сотди актига қўл қўяди. Шу акт бўйича у ўз ерини бир юз йигирма беш франкка уларга сотади. У бу нархнинг у сотган ердан кейинчалик олинган миллионлар билан таққослаганда қанчалик кулгили эканлигини билмасди.

Дютуа харидорлар бутун пулни унга олтин билан тўлашиб, ҳар бир олтин тангани қўлида ушлаб кўрган-дан кейингина эришган бахти қанчалик ҳақиқийлигига

ишонди. 1875 йиллардаёк унинг энг катта хурсандчилиги ана ўша бир оз йигирма беш минг франкни қайта-қайта санаш бўлганини айтиб юришарди. Сўзсиз, бу пуллар унинг авлодларига ҳам тўлиқлигича етиб борган.

Олтинни яхши кўриш бурлар орасида кенг тарқалган нарсა эди. Улар доим йигиб ётишади ва ҳеч сарф қилишмайди. Уларнинг орасида ота-оналарининг авлодлари йинганлари ҳам теккан кўплаб яхшигина бойлар ҳам бор. Улар ўз пулларини ҳеч айлантиришга қўйишмайди, балки идишларга солиб ёки ерга кўмиб қўйишади ёки хавфсиз жойларга яшириб қўйишади.

Энди эса, ўқувчимиз қонли бошланиш қисми унга маълум бўлган драманинг биринчи қисми бўлиб ўтадиган жойларнинг географияси, тарихи ва саноати ҳақида маълум бир маълумотга эга бўлгандан сўнг, биз яна ҳикоямизга қайтамыз.

Ўлдириб кетилган савдогарнинг кўриниши ҳаммада даҳшат ва кўрқув уйғотганди. Конда ўғирликлар кам содир бўладиган воқеа эмас эди, бироқ қотилликлар бўлмасди. Муттаҳамларнинг сон-саноғи йўқ эди, бироқ ўз ҳаёти учун кўрқиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмас эди. Жуда ҳам нозик ҳиссиётларга берилавермайдиган бу одамларнинг ўз ҳаётлари учун хавфни ҳис қилиб, қасос олишни талаб қилиб бақаришга бошлаганлари ажабланарли эмас эди.

Полициячилардан биттасигина ўта хотиржам эди. У биринчидан, одамларнинг жасадга қўл теккизишларига йўл қўймади ва фургонда ёйилиб ётган нарсаларга, тартибсизликларни бузишларига йўл қўймади.

Беҳушлиги энди жазавага ўтган бечора кизни ўзига келтиргунларига қадар полициячи хизматкор аёлни бирров сўроқ қилишга улгурди. Бироқ, аввалдан қутилганидек, аёлнинг ҳеч нимадан хабари йўқ эди. Кимдир кўпол қўллари билан уларни тутиб олиб, бойлаб ташлаганда у бекасининг ёнида ухлаб ётган экан. У инграш овозини эшитган хавотирланганча ёрдамга келишларини кутган, бироқ ёрдам жуда кеч келган экан.

Кекса қоратанли аёл айтганлари шугина эди.

Полициячи бошини шубҳа билан тебратиб қўйди, бироқ унинг тошқотгандек юзида ҳеч қандай хаяжонланиш излари кўринмаётган эди.

Аслида эса у чуқур хаяжонда эди. Гап шундаки, конда ҳамма оддийгина қилиб мастер Виль деб атайдиган мастер Вильям Саундерс ўз-ўзини — бунга ҳақи бор-йўклигидан қатъий назар — устомон, бироқ икtidори шу пайтгача юзага чиқмаган одам деб ҳисобларди. Унга алам қиладиган нарса шу эдики, у полицияда энг паст мансабни эгаллаган бўлиб, шу пайтгача у ўзига мансаб пишлапоясидан кўтарилишга имкон берадиган ҳодисани кутиб ётарди. Энди ҳозир унда шу имконият пайдо бўлган эди. Бирорта кафрни оғзига яшириб олган олмосни қайтаришга мажбур қилиш; бирорта оқтанлини ўғрилиқ қилганини тан олишга мажбур қилиш; бир нечта хитойликни ушлаб, сочларидан тортиб турмага тикиш; калтак билан жазолашаётганларга ёрдам бериш ёки лагердаги ахлатларни тозалашга ташланганлар устидан буйруқ бериш — шулар ҳам иш бўлибдими! Истаган қора ишчи ҳам буларни бажара олади.

Бироқ сирли ва қонли қотиллик сабабларини очиш кўриниб турган далиллардан тортиб сирли сабабларгача очиб ташлаш, ҳамма далилларни, арзимаган майда-чуйда жиноят белгиларини йиғиш, жиноятни очиб ташлашга ёрдам берадиган энг арзимас далилларни топиш, қотилларнинг изидан чопиш, у билан мардонавор курашиш, уни ушлаш, судга келтириш, ҳар тарафдан одамларнинг, бу Виль, ҳеч ким тенглаша олмайдиган Вильнинг ёлғиз ўзи бу ишни очган деган гапларини эшитиш, ўзининг расмини қўлга тушган жиноятчининг расми билан бир қаторда газетада кўриш — бундай нарсалар ҳар қандай шуҳратпарастликдан йироқ бўлган полициячини ҳам ҳаяжонга солган бўларди. Саундерс эса шуҳратпараст эди, бунинг устига ўз ишини ҳам севарди. У атрофдагиларнинг «Оломон қилинсин! Оломон қилинсин!» деган хайкириклари-

ни эшитди ва бу нарса у аллақачон ўз қулоклари билан губернаторнинг унинг ғалабаси эвазига ўзини Капштадт полициясининг бошлиғи қилиб тайинлангани тўғрисидаги буйруғини эшитаётган пайтда уни ўзига келишга мажбур қилди.

Полициячи виқор билан ўгирилиб, ҳаяжонда турган оломонни кўздан кечирди ва деди:

– Сиз уни оломон қилмоқчимисиз?.. Кимни?..

Бу оддий савол совуқ сув қуйгандек таъсир қилди. Атрофдан сўкишлар эшитила бошлади.

– Жимлик сақланглар, жентелменлар! – совуққонлик билан гапида давом этди Виль. – Бориб ишларингизни давом эттираверинглар! Сизларнинг хавфсизлигингиз тўғрисида биз қайғурамыз ва ўз вазифамизни бажарамиз. Менга келсак, ўзим бу ишни ҳал қиламан. Бунга ўз ному-симни тикаман. Худо кўриб турибди – сиз ҳали хурсанд бўласиз: мен сизларга бир ёки бир нечта дор ваъда қиламан!

Бир кайфиятдан иккинчи кайфиятга тез ўтадиган асабий одамлардан ташкил топган оломон чапак чалиб, баланд овозда бақирishга тушди:

– Гип! Гип! Ура! Яшасин Виль!

Полициячи фургонга қайтиб келиб, изланишни давом эттирди. Ҳамма ҳаракат натижасиз эди. Буни яхши тушуна туриб, Виль қотилнинг қонли изларини ўлчади, ўлдирилган жасаднинг кўксидан эҳтиётлик билан пичоқни суғуриб олди, пичоқ сопидаги фабрикантнинг номини ўқиди ва энди кетишга ҳозирланаётганда кўзи тасодифан кичкинагина бир нарсага тушиб қолди. Ажабланганидан у ҳатто титраб кетди.

У ҳалиги нарсани ердан олиб, чўнтагига яширди ва фургондан чиқаётиб, ўзига-ўзи мингирлади:

– Хў-ўш! Бошидан омадим келаяпти. Охиригача ҳам шундай бўлсин.

У полициячилар жойлашган бинога қараб йўналганда, унинг олдига баланд бўйли одам яқинлашиб, деди:

- Француз кечаси жўнаб кетгани сизга маълумми?
- Қанака француз?
- Мархум кеча ундан ер, олмос, жихозларини ва ҳатто чодирини ҳам сотиб олган одам.
- Биладан. Нима эди?
- Шошманг. Француз илгари конда ҳеч ким кўрмаган иккита оқтанли жаноб билан жўнаб кетди. Улар иккаласи йўл кийимида эдилар.
- Дўстим, бекорга вақтингизни сарф қилаяпсиз. Мен буларнинг ҳаммасини сиздан яхшироқ биладан.
- Шундай деб ўйлайсизми? Мен французнинг мархум хали олишга ҳам улгурмаган чодирининг олдидан нима топиб олганимни биласизми?
- Нима экан?
- Мана бу кинни топдим. Каранг-чи, у қариянинг кўксидаги пичокқа тўғри келмасмикин?
- Кўрсатинг-чи.
- Қин пичокқа тўғри келди. Хато бўлиши мумкин эмас эди – пичокнинг шакли ноодатий эди.
- Бу нимани билдиради?
- Кўп нарсани. Жуда бўлмаганда қотилликни француз ёки унинг шериклари ёки учовлари биргаликда қилган бўлишларини.
- Бўлиши мумкин, – секин деди полициячи.

УЧИНЧИ БОБ

Баобаба остида нонуштани кутиб. — Виль сайёҳатлар тўғрисидаги романларни кўп ўқиган. — Бўлғуси миллионерларнинг прожектлари. — Каталонияликлар «б» ва «в»ни қандай талаффуз қилишади. — Руҳонийми ёки канцеляриячими. — Ҳайдалишнинг ажойиб кўриниши. — Табиат болаларининг бегубор айёрликлари. — Сир.

* * *

Альбер де Вильрож Нельсонс-Фонтейнга келганда юз берган, ўша қонли воқеа деб аталган кундан сўнг орадан тўрт кун ўтди.

Биз ҳозир Альбер де Вильрож ва Александр Шонилар баҳайбат баобаба остида жойлашиб олганларини кўриб турибмиз. Дарахтнинг йўғонлиги айланасига йигирма беш метрларга етиб, у тўртта баҳайбат танадан иборат ва барглари жуда катта майдонга соя солиб турарди. Ўчоқда қандайдир хуштаъм дарахтнинг шохига сирилган ўртача катталиқдаги ҳайвоннинг танаси жизиллаб турар, табиатсевар одам бир қарашдаёқ бу нарсанинг кап ёввойи чўчкаси эканлигини билиб оларди. У ҳали жуда кичкина бўлса-да, козиқ тишлари қари тўнғизникидан узунроқ эди.

Альбернинг ҳамма ишларига бош-қош бўлган Жозеф милтиғини тозалар ва айни пайтда кўриниши иштаҳани очаетган ва ҳиди биз кийимларини юқорида тасвирлаган икки қоратанлини ҳайратга солаётган гўштга кўз ташлаб турарди. Бу икки қоратанлининг қорадан ҳам кўра тўқ жигаррангга яқин юзлари ерли халқнинг доим оч бўлган ошқозонини хурсанд қилаётган бу томошадан ёйилиб кетаётган эди.

Улар иккаласи ўз тилларида зулуслар озиқ тишлари учун кичкина фил деб атайдиган ёввойи чўчканинг гўшти ширинлигини муҳокама қилишарди.

Эгарлари ечиб қўйилган отлар эса тинчгина ўтлаб юришарди.

Альбер де Вильрож ниманидир, афтидан жуда кизик нарсани хикоя қилиб берапти; Шони эса дўстининг гапини бўлмай, фақат вақти-вақти билан унинг ҳатто ҳинд сеҳргарини ҳам йўлдан чиқазадиган ўткир гапларига қулганча диққат билан қулоқ соларди.

— Биласанми, дўстим, ҳаётда ҳамма нарса бўлади, — дерди де Вильрож. — Сен роман дейсан. Роман ҳам — ана ўша ҳақиқат. Инсон ҳаёлининг энг ишониш кийин бўлган хийлалари ҳам охир оқибат ҳақиқатга айланади. Мана, биз ҳам иккаламиз неча замонлардан бери шу ерда ўсиб турган мана шу баобабанинг остида ётибмиз. Мана шунинг ўзи ҳам сен ҳаддан ташқари дадил деб атаган менинг қарашларимни таъкидламайдими? Менга келадиган бўлсак, баҳс бойлашмайман. мен ҳар хил саргузаштлар учун туғилганман. Эсингдами, мен Гюстав Эмарнинг саргузаштлар ҳақидаги романларини ўқиганимда ёки Габриель Ферри, Дюплесси ёки Фенимор Купернинг одамни ўзига асир қиладиган драмаларини ўқиганимда лоҳас бўлиб кетардим?.. Буюк саргузаштталаб одамларнинг ғалабалари ҳақида ўқиганимда мен йиртилиб кетган варақларга ёпишиб қолгудек бўлар, юрагим уриб, ҳушимдан кетгудек бўлардим... Бу одамлар менга худди буюк жаҳонгирлар каби буюк туюлишарди... Олдида Соньоранинг бандитлари ҳам титраган Даҳшатли Пиндре, мардонавор инсон Рауссе-Бульбон... Анави Канадалик Бун-Розе билан ёнма-ён Буюк Ғарб бўйлаб от мусобақалари-чи? Мен қуёш қуйдирган водийларни, олтин худди чакмоқ каби ялтираётган, кизил танли шайгонлар кўриклайдиган конларни кўрардим; саҳрода ҳалок бўлган жангчиларнинг суяклари оқариб кўринадиган далалар, ёрдамга муҳтож одамни ўзига тортадиган бепоён ўрмонлар! Бутун ёшлик давримда ана шу жаннат ҳақидаги, севимли ёзувчиларим кўкларга кўтарган ва ўзига жалб қилган мамлакатлар ҳақидаги орзуларим мени тарк этмади.

— Баракалла, қадрдон дўстим! Агар сен чўл бўлмаган жойда, — биз бу ерда чинакам чўлдамиз, — агар лицей тарбияланувчилари олдида гапирганингда эди, шу заҳоти уларнинг кўксига олов ёккан бўлардинг... Бироқ менга келадиган бўлсанг, мен аллақачон бундай ёшдан ўтганман ва сенга очигини айтаман — биз ҳозир тушиб қолганимиз шароитда мен ҳеч қандай одамни ўзига жалб қиладиган жаннатни кўрмайпман.

— Эҳ, сен камгарин одам!

— Кел, соғлом фикрлашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Мен ниҳоят оддий Бос аҳолисиман, ва ҳеч қачон саргузаштларга ўч бўлмаганман. Мен содда одамман. Агар бирорта доим кемалар келиб кетадиган ва ёш болада нотаниш ўлкалар ҳақида ўйлар уйғотадиган порт шаҳарда, дарё бўйида туғилган бўлганимда бошқа гап эди. Узок ўлкалар доим сирли кўринган ва бундан қочиб бўлмайди. Бироқ менинг бутун ҳаётим одамлар сайёҳатлар ҳақида ҳатто орзу ҳам қилмайдиган жойда ўтган-ку. Мен бутун вақтимни уй-жойимдаги муаммолар ва Парижнинг юқори табақалари ҳаёти орасида ўтказганман...

— Мана энди сен Жанубий Африкага, бечуанлар орасига тушиб қолдинг, баобаба остида ўтирибсан, ёввойи чўчқани пишираёпсан ва ҳозир маза қилиб уни туширасан. Мана нима! Энди ҳамма нарса бўлиши мумкинлигини кўраяпсанми? Сен охириги чақангача хонавайрон бўлдинг ва тезлик билан виждонан ўз бойлигингни тиклашга қарор қилдинг. Бироқ сен ерга боғланиб қолган одам учун ғалати бўлган йўлни таниладинг.

— Гап йўқ! Парижда, камбағаллашиб қолган пайтимда танишларим мен билан учрашиб қолишганда ўзларини ноқулай ҳис қила бошлашди. Мен худди уларнинг ҳамёнларини олиб қочадигандек, кўрқиб туришарди! Ташлаб кетганим менинг олмос қонидаги еримга келадиган бўлсак, ақлини еган одам учун қай бири яхши: сен билан ўша улкан ғаладонни қидиришга боришми ёки истаган дақиқада ҳалок бўлишинг мумкин бўлган ўрада қолаверишми?

– Ўжарсан-да! Майли, овқатни еб олиб миллионлар мамлакатига қараб йўлимизни давом эттирамиз.

– Нега миллиардлар эмас?

– Марҳамат, миллиардлар мамлакати бўла қолсин. Менга унчалик кўп керак эмас. Вильрожни қуриб битирганимдан сўнг ва қўшни каштанзорни сотиб олгач ва азизам Аннага олмос гарнитур сотиб олиб берганимдан сўнг мен афсонавий Потемкиндек яшай бошлайман: олмосларни сочаман, ўнг-сўлимга қарамай ҳаммага тарқатаман. Тўғри, эркак киши ялтироқ тошларни осиб оладиган бўлса, бундан хунуги йўқ. Фақат бразилияликларгина шундай қилишади. Ювелир дўкони пештахтасига ўхшаб юриш уларга жуда ёқади. Мен олмослар билан отларимнинг юганини, итларимнинг бўйинбоғини безатаман.

– Сен ақлдан озибсан!

– Овқатга марҳамат, — яхши пишган тўнғиз гўштини бўлақларга кесиб қўйган Жозеф уларни овқатга таклиф қилди.

– Парижлик собиқ дўстларимиз ҳозир бизни кўришса эди! Қандай ҳазил қилишган бўларди, тасаввур қилаяпман... — деб қўйди Александр.

– Биз уларнинг устидан баттарроқ кула олган бўлардик... Улар урф бўлган қандайдир машҳур қахвахонага боришади ва нозиктабиат ошпаз пиширган гўшт бўлагини секин чайнаб ўтиришади. Кейин ҳазм қилишлари қийин бўлган бир стакан тахир вино ичишади, кечқурун эсатор ва ноқулай хоначаларга бўлинган катта залга бориб, қимир этмай ўтиришади. У ерда улар худди аллақандай Буддалар каби ўтириб олиб, кўчада бўяниб олган эркак ва аёлларнинг газчироклар остида учрашиб, бир-бирларига бўлар-бўлмас нарсаларни айтиб бераётганларини томоша қилишади ва ниҳоят ухлагани уйларига кетишади. Бу пайтда эса биз ажойиб табиатни томоша қилаяпмиз...

– Ва нонсиз овқат еяпмиз!..

– Бу ерда тоза ҳаво! Озодлик...

– Биз оддий суз ичаяпмиз...

- Қандай ажойиб дарахтлар!..
- Ва биз очик осмон остида уларнинг тагида ётамиз...
- Қандай гўзал гуллар!..
- Уларда чаёнлар ва мингоёқлар тикилиб ётибди...
- Қандай патлари чиройли кушлар!..
- Қандай дангаса ва искирт қоратанлилар...
- Ҳашаротлар бунча кўп! Улар шунчалик хилма-хил...

ки...

- Чивин ва чумолиларнинг кўплигини...

– Овқатга келинглар, – икки катта эркакни худди ёш болалардек кулдираётган суҳбатни бўлиб, чакирди Жозеф.

Одатда, Жозефнинг фикри бирорта жиддий нарса билан банд бўлмаса у «б» ва «в»ни ҳаммага ўқишга талаффуз қиларди. Бирок уни нимадир безовта қилаётган бўлса у, одатда ҳамма испанлар билан бўладигандек гапира бошлар эдики, бу икки ҳарфнинг ўрнини алмаштириб ташлар ва баъзан унинг нутқи ғалати эшитила бошларди.

– Тезроқ, месье Альвер ва месье Александр, -- деди у. – Гўшг собув қолади... – Шундан сўнг у икки қоратанлига ўтирилиб, чакирди:

– Ҳой! Обқатланасизларми? Ҳа, алватта! Унда обқатларингизни олиб кетинглар...

Қоратанлилар ўз овқатларини қизганчиқлик билан ейишар, суяклар тишларининг орасида шунчалик қирсиллардики, ҳатто тимсоҳлар ҳам балки ҳаваслари келган бўларди. Европаликлар ҳам овқатланишга тайёрланишган эди. Бирок бу муҳим ишни бошлашларига майдончанинг нарига бошида кўтарилган шовқин ҳалал бериб қолди. Шовқиннинг сабабини кўришга қалин ўсган ўтлар ҳалал бераётганди.

Бу қандайдир какофония эди. Уни бутун бир оркестр чалаётганди. Муסיқачилар маҳаллий найни, филнинг дандон тишидан ясалган сурнайни пуфлашар, барабан чалишар ва торли асбобларини тингиллатишарди. Бу

товушларга одам бўғзидан чиқиши мумкин бўлмаган чинкириклар ҳам қўшилиб кетган эди.

Учала оқтанли шошиб қолишган эди. Хавфга дуч келиб қолишларига доим тайёр бўлганлари сабаб, улар дарров кўлларига куроллари олишиб, кўлларида қарабинлари, бир-бирларига орқа килиб, курашга тайёр ҳолда жойлашиб олишди.

Бироқ уларнинг хавотирлари узокка чўзилмади. Кўз олдиларида ҳали ҳеч қачон кўрмаганлари томоша пайдо бўлганда улар қаттиқ кулиб юборишди. Бу товушни чиқарган қоратанлилар ярим доира бўлиб олиб, ўзларининг кутургудек ёввойи мусикалари билан европача кийиниб олган қандайдир бир жонзотни олдиларига солиб қувиб келаётган эдилар. Жонзот кутурган гуруҳ кийнаётган ҳайвонга ўхшар, у қутулиб чиқишга ҳаракат қилар, бироқ иложини қила олмаётган эди. Барабанларнинг шовқини найнинг йиғиси, торларнинг ғичирлаши – ҳаммаси унинг бошига урилаётган бўлиб, у оёғида зўрға турарди.

Александр, Альбер ва Жозеф, кулгидан ўзларини тута олмай, жанговар ҳолатларини ушлай олишмаётганди – бу одатда жуда кам учрайдиган ҳолат эди. Аслида қурбоннинг кўринишининг ўзиёқ Бирлашган Қиролликларнинг энг жиддий одамида ҳам кулги уйғотган бўлар эди. Парижда кам учрайдиган эллик ёшлардаги, юзлари шамолда қорайиб, териси кўчиб кетган идора хизматчисини кўз олдингизга келтиринг; ўша одамни баланд цилиндр кийган, ёқаси қатирма бўлиб кетган, енглари ялтираб турган кора сюртукда, узунлиги қандайлиги номаълум ёнғоқ рангли шим ва бутунлай тўзғиб кетган ботинка кийиб олганини тасаввур қилинг. Ўша одамнинг шоша-пиша чанг билан бирга ифлос ҳавони ютаётганини ҳам кўз олдингизга келтиринг. Унинг тана тузилиши девор соатининг қутисига ўхшарди: ана шу қутига юзини ажин босган ва кўзлари тўла кўркүв бўлган кал бошни ўрнатинг; шундай одамни Жанубий Африканинг маҳал-

лий аҳолиси олдига ташланг ва шунда сиз ҳозир бошини эгиб олганча, жилпанглаб ва қўлларини ҳар томонга ёзиб, қоратанлилар кўтарган бўрондан қочмоқчи бўлаётган одамни тасаввур қиласиз.

Ниҳоят ўша одам уч европаликни кўриб қолиб, ажабланганидан сакраб кетди ва изидан келаётганларга ортик эътибор бермай улар томон юрди.

– Сизларга тинчлик тилайман, кадрдонларим менинг!

– Сизга ҳам, – кулгисини босиш учун мўйловининг учини тишлаб, жавоб берди Александр.

– Худосизлар! Аблахлар! – бақирди нотаниш эркак.

У энди кетидан келаётганларга муштини кўрсатди.

Бирок, европаликларни кўргач, келаётганларнинг ўзлари ҳам тинчиб қолишган эди.

– Майли, жаноб, тинчланинг! – Ўз навбатида деди Альбер де Вильрож. – Менимча бу одамлар сизга жуда ҳам душман эмаслар. Сизга таҳдид солаётган ягона нарса – ёки гаранг бўлиб қоласиз ёки бир умр мусиқани ёмон кўриб қоласиз.

– Эҳ, ака, агар бу йўлдан тойганларнинг қалбларига инжил нуруни соча олганимда эди, бу азоблар, ҳатто ўлим ҳам мен учун арзимаган нарса бўлар эди. Бирок улар саркашлик қилишмаяпти!..

Бу гаплар инглиз тилида айтилган эди.

Шунда де Вильрож дўстининг қулоғига шипшиди:

– Ахир бу рухоний шекилли!

– Марҳамат қилиб айтинг-чи, уларнинг мақсадлари нима? Нимани хоҳлашмаяпти? – сўради Александр.

– Улар мени ўз ерларидан ҳайдаб юборишмоқчи. Мени, уларга ҳақиқий эътиқод нуруни олиб келган беозор одамни...

– Сизни ҳайдашмоқчи?

– Ҳа! Улар қироличанинг фуқароси ҳисобланишса-да, ўзларининг қонун-қоидалари билан яшашади. Агар сиз уларнинг олдига қуруқ қўл билан келган бўлсангиз, яъни алмаштириш учун маҳсулотлар солинган фурго-

нингиз бўлмаса, улар сизни «хурмат билан» чегарагача кузатиб қўйишади. Бунини ўз тажрибамда кўрдим. Мен бугун эрталабгина келган эдим ва дарров қайтиб кетишимга тўғри келаяпти.

— Бахтингизга улар сизга ҳеч қандай куч ишлатишмабди, — деди Александр. Бу бечоранинг устидан кулганига у энди ачинаётган эди.

— Бундай қила олмас ҳам эдилар. Шу яқин орада расмий идоралар идоралар бор. Бироқ мен ёлғиз ўзим ва бир чақасиз энди нима қиламан?

— Тинчланинг. Биз сизни ёлғиз қолдирмаймиз. Бизнинг камтарона дастурхонимизга марҳамат қилиб, биз билан сайёҳатимизда иштирок этишни хоҳлайсизми? Биз билан бўлсангиз ҳеч қандай мусиқадан қўркмасангиз ҳам бўлади.

— Бироқ, биродарлар, уларнинг ҳасисликларини қондирадиган бирорта нарсангиз бўлмаса бу ердан қимирлай олмайсизлар.

— Бундан ҳавотир олманг. Биз бундан бошқачаларини ҳам кўрганмиз. Шундай эмасми, Александр?

— Бўлмаса-чи! — совуққонлик билан жавоб берди Александр Шони. — Менга бу маскарад ҳазилга ўхшаб кўринаяпти. Шунчаки улар хурсандчилик қилишмоқчи бўлишган.

Бу қисқа суҳбат давомида октанлиларга ҳурмат аראлаш қизиқиш билан қараб турган оркестр аъзолари яқинроқ келишди. Кейин, афтидан, уларнинг сардори бўлган биттаси кўринишидан ўзи сардор деб ҳисоблаган Александр Шонига қараб, бузуқ инглиз тилида гапира кетди.

Бу учала европаликнинг юклари ва уларнинг хизматкорлари кўтариб турган захирадаги қуроллари қоратанли сардорга таъсир қилган эди. У имлагач, қалин ўсган ўтлар орасидан найзалар ва эски милтиқлар билан қуролланган бутун бир рота чиқиб келди.

Бу одамлар илиб олган кийимлар, тўғрироғи, латта-путталар айни пайтда уларга ҳам кулгили, ҳам ваҳ-

шиёна тус бериб турар эди. Сардор кулранг оқ пат сукиб кўйилган похол шляпа кийиб олган, эғнида чуруги чикиб кетган куртка, кўрсичкон терисидан тикилган калта иштон ва юқори томони қайилтириб кўйилган этик кийиб олган эди. У худди табиат яратган ўғил қандай қилиб кулгили карикатурага айланганининг ёрқин мисоли эди. Махаллий аҳолининг одати бўйича унинг ёқасига кутича, маржон, пичоқ, тамаки кутиси ва даструмол ўрнида ишлатиладиган шоколнинг думи осилган эди.

— Менинг октанли оғам бечуанларнинг еридан ўтишлари учун ҳақ тўлаши кераклигини биладими?

— Бажонидил. Фақат кимга тўлашим керак?

— Менга.

— Сиз кимсиз?

— Мен сардорман. Мени подшоҳ Сикомо юборди.

— Биласизми, ҳурматли жаноб, мен яхшиси жаноб Сикомонинг ўзига тўлайман.

Вакил аввалига ўзини йўқотиб қўйгандек бўлди, бироқ тезда ўзини тутиб олиб, деди:

— Менинг оғам менга кўк костюмини, кизил кўйлаги ва патли шляпасини беради.

— Менинг ҳеч қандай эски кийимим йўқ, азизим. Бошқа сафар келинг.

— Менинг оғам менга милтиғи ва порохини беради...

— Сизга керак бўлса оғангиз юз су беради ва истасангиз, дуо қилади. Бошқа нарсалар тўғрисида бўлса Сикомо билан гаплашамиз.

— Бироқ, сизни Сикомонинг олдига кузатиб қўйиш учун менга кўк костюмингиз керак.

— Биз буни биламиз: кўйлак, патли шляпа ва бошқалар. Бироқ биз сизнинг ёрдамингизга муҳтож эмасмиз. Шунинг учун нега мен сизга бу нарсаларимни беришга мажбур эканлигимга тушунмаяпман. Бу нарсаларни бера олмаслигимга мени мажбур қиладиган яна бир нарса борки, менда бу нарсаларнинг ўзи йўқ.

– Қанақасига? – ҳитоб қилди жаҳл билан бошлиқ. – Оқтанли жаноб фургонсиз сайёҳат қиладими?

– Худди шундай.

– Ва бу оқтанли жанобда фил суягига алмаштириш мумкин бўлган ҳеч нарса йўқми?

– Кўриб турганингиздек – йўқ.

– Унда нега бу ерга келгансизлар?

– Биз шунчаки айланиб юрибмиз. Соғлиғимизни мустаҳкамлаш учун.

– Ҳамма оқтанлиларда фургон бор ва ҳамма оқтанлилар фил суягини сотиб олишади. Нега сизлар бундай қилмайсизлар? Сизлар кимсизлар?

– Менга қаранг, дўстим, сиз ажойиб экансиз. Менинг ҳужжатларимни талаб қилмоқчи эмасмисиз? Бу сўроқни тўхтатсангиз, сиздан миннатдор бўлган бўлардим. Бу гаплар жонимга тега бошлади. Ва яна бир гап: сиз аввалига инглиз тилида зўрға гапира бошлаган эдингиз, энди эса бу ёввойи юрт аҳолиси учун ҳаддан ташқари тўғри гап-риб кетдингиз. Сиз балки, ўқишни ҳам биларсиз? У ҳолда мен сизга маълум қиламанки, менинг исмим паспортимда ёзилган ва бу муҳим ҳужжат айна дамда менга пнж бўлиб хизмат қиляпти ва милтиғимнинг ичида турибди. Агар уни ўқишни истасангиз, мен хизматингизга тайёрман.

Подшоҳ Сикомонинг элчиси бошини қуйи солди: у ўзини бутунлай йўқотиб қўйган эди.

– Оқтанли оғаларимизни Сикомонинг олдига мен ва менинг жангчиларим олиб борамиз.

– Сизнинг оқтанли оғаларингиз сизсиз ҳам буни қила олишади ва истаган ерларига бора олишади.

Шу орада Альбер де Вильрож Жозефга имо қилди. Йигит нари кетиб, бир дақиқадан сўнг отларининг жиловидан ушлаб қайтиб келди.

Европаликлар эгарга сакраб чиқишди ва қоратанли хизматкорларига кетларидан келишни буюришди.

– Менинг оғаларим ейишга овкат ҳам топиша олмайди ва дарёдан ўтишнинг ҳам иложини топа олишмайди, – ҳали ҳам кайтаришда давом этди қоратанлилар сардори.

Атрофдагиларнинг яқинлашишаётганини кўргач, Александр, Альбер ва Жозеф улар бирдан хужум қилиб қолишларини ҳисобга олиб, карабинларини тезлик билан ўқлаб олишди. Милтиқ қўндоқларининг шарақлаши ва учала европаликнинг юзларидаги қатъий ифодани кўриб қоратанлиларнинг сафи бузилди, найза ва милтиқлари пастга тушди.

Отини никташга тайёр турган Александр кўзлари билан руҳонийни излашга бошлади, бироқ у йўқ бўлиб қолган эди.

– Олға! – буюрди Шони.

Ва орқаларидан антилопалардек сакраб иккита хизматкорлари кузатиб келаётган учала отлиқ йўлга тушишди ва уларга ҳеч ким ҳалал бермади.

– Ёки мен хато қилаяпман – деди Альбер де Вильрож, – ёки булар энг бориб турган йўлтўсарлар. Нима бўлганда ҳам, биз уларнинг хизматларидан воз кечганимиздан сўнг улар бизга уруш эълон қилишади. Бошланиши жуда ёмон. Сен нима деб ўйлайсан?

– Сени қара-ю! – эътироз билдирди Александр. – Агар бизга қарши хужум бошлашса, уларни биттадан отиб ташлаймиз, вассалом... Руҳонийга келсак, ўзи йўлини топаверсин.

Руҳоний эса жуда яхши ўрнашиб олган эди. Яқинда кегидан қувлашган одамлар даврасида у ялпайиб олганча иштаха билан охиригача ейилмаган тўнғиз гўштини паққос тушириб қоратанлилар сардори билан қизгин суҳбатлашар ва бу суҳбат уларнинг орасидаги ғалати яқинликдан гувоҳлик бериб турарди.

Бу одамнинг яқинда орқасидан қувлаганлар орасида катта ғаъсири борлиги шундай кўриниб турарди.

Бу комедиянинг бари қонли фожианинг бошланиши эмасмикин?

ТҮРТИНЧИ БОБ

Қоратанлилар уларнинг ерларидан ўтиш учун ҳақ талаб килишади. — Француз тадқиқотчилари ҳақида. — Бошқа ҳеч нарсалари йўқлиги сабаб, уч француз ўз захиралари билан тўлашмоқчи. — Ерли халқ орасида очлик. — Ёввойилар билан ёнма-ён. — Филлар подаси. — Филларни овлашдаги хавф нимада? — Даҳшатли шароит. — Жозефнинг ҳаяжони унинг нутқиға таъсир қилади. — Ярадор гигантлар. — Александрнинг оти чўчиб кетади. Александрни фил босиб олади.

* * *

Ҳамма ҳам учала йўловчимизнинг режалари ақлсизлик, деб айтган бўларди. Нафақат борлиги гумон бўлган хазинани топиш фикри сабаб эмас, балки табиат ва одамлар томонидан яратиладиган енгиб бўлмас тўсиқлар борлиги сабаб шундай дейишган бўларди.

Гирт французча бепарволик билан бу баҳайбат китъанинг қай ерида кўмилгани номаълум бўлган қимматбаҳо тошларни кидириш учун ҳеч қандай йўлбошловчисиз, компас ва латтага чизилган кўпол харитадан ташқари ҳеч нарсага эга бўлмай туриб ва яна саводсиз бир кафрнинг кўрсатмаларигагина амал килиб йўлга тушиш кўп ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Ҳаммавақт ва ҳамма халқларда ҳам тадқиқотчилар ўз олдиларига, майли хомхаёл бўлсин, мақсад қўйиб, кўп ҳолларда янгиликлар қилганлар. Бирок номаълум нарсаларга иштиёқманд бўлган, Эльдорадо ҳақидаги афсонага ишонувчи одамлар, файласуфлар тошининг кашфиётчилари ва Шимолий кутбни очган одамларда уларга иш қилиш учун керак бўладиган ҳамма нарсалари бўлган.

Бизнинг уч французимиз эса ўзларига бутунлай нотаниш бўлган мамлакатнинг ичкарасига ҳеч қандай ўқ-до-

рисиз, овчилар яхши билгандек, истаган пайтда бузилиб қолиши мумкин бўлган курол ва Жанубий Африканинг офати бўлган цеце пашшаси бир неча соатда бемалол ўлдириши мумкин бўлган отлар билангина йўлга тушишганди. Қоратанлиларнинг сардори айтгандек, уларнинг ҳаво ёмон бўлганда яшириниб олишлари учун, йўл учун тўлашларига керак бўладиган ҳар хил лагга-путталарни олиб юриш керак бўладиган ғилдирак устидаги уй – фургонлари ҳам йўқ эди.

Шу ўринда айтиб қўйиш керакки, африкалик кўпгина подшоҳчалар ўз майдонларининг дахлсизлигига ўта қизғанчиқлик билан қарайдилар. Улар жуда ёвуз бўлганлари (мен бу ерда асосан экватор билан узоқ жануб ўртасида учрагиш мумкин бўлганлар тўғрисида гапираяпман) ва ўз ерларига сайёҳларни қўйгилари келмагани учун эмас, балки уларнинг ҳудудларини кесиб ўтаётганлари учун сайёҳлардан, одатда жуда баланд бўладиган, ҳақ талаб қиладилар.

Қанчалаб тадқиқотчилар бу соддадил ва очкўз золимларнинг ерларига қадам қўйишлари билан неча ойларгача қолиб кетганлар! Машҳур Ливингстоннинг ўзи, моддий имкониятлари тугагагандан сўнг ўз маршрутини ўзгартиришга, янги ва янги қийинчиликларни енгиб, бу меҳмондўст бўлмаган ерларни айланиб ўтишига тўғри келган. Бу ерлардан ўтиш солиғини тўлашга ёлғиз Стенлининггина кучи етган. Бироқ Занзибардан Конгогача босиб ўтган бутун йўлни ўликлар билан тўлдириб ташлаган Стенли Экваториал Африкани тинч йўл билан босиб олиш режасини барбод қилган.

У инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёмон иш қилган. Фаннинг дахл қилиб бўлмайдиган ҳуқуқлари бор, бироқ инсонпарварлик ҳуқуқларини ҳам рад қилиб бўлмайди ва инсонпарварлик билан фан ўртасида зиддият бўлиши мумкин эмас.

Тасмания аҳолисининг йўқ қилиб юборилиши, австралияликларнинг кириб ташланиши, Кап мустамлакаси

аҳолисининг оммавий отиб ташланиши, Узоқ Ғарбда кизилтанлиларнинг йўқ бўлиб кетаётганини эслатиб ўтиш шартмикин? Нега мен фақат олийжаноб ҳаракатлардан илҳомланидиган ва шиорлари «Юмшуклик ва ишонтариш» бўлган француз тадқиқотчиларининг шарафли номларини келтириб ўтмас эканман? Мен бу ерда Узоқ Шарқда инглизлар ўттиз йил излаган йўлни топган ва ўн миллион тонкинликларни бўйсундирган кўркмас Жан Дюпюини кўзда тутаяпман; мен ҳатто Сахаранинг қароқчилари ҳам ҳурмат қиладиган Солей ҳақида гапираяпман; Суматрада яшаб қолиб қизиққон малайларнинг дўстлигини қозонган серғайрат Брю де Сен-Поль-Лиан ҳақида, Фута-Жалон тадқиқотчиси Бапол, Мексикадан бутун бир кўҳна цивилизацияни олиб чиққан олим Дезира Шарне, Габондаги мустамлакамиз учун куллуқ қилишимиз керак бўлган жасур Бразза, бизга Таитини берган ҳукмдор Шессе, бизнинг тарихий коллекциямизни бойитган Альфред Марше ва Ашиле Рафре; Танганьика қирғоқларида ҳалок бўлган аббат Дебезе ва жаллод бўлишни ис-тамагани учун қурбон бўлган бечора Крволарни кўзда тутаяпман. Улар ўзларини истилочилар деб аташмаган; улар кўнсонли ва қуроқланган аскарлар билан пайдо бўлишмаган; улар ўзлари билан мустамлака ерларга ўқлар кўрнишидаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан келишмаган. Улар ҳақиқий тинчлик ва ривожланиш элчиси сифатида ҳаракат қилишган. Агар улар ўзларининг фанга фидойиликларининг қурбони бўлишган бўлса ҳам, ҳар ҳолда фанга иснод келтиришмаган. Аксинча, чунки юксак ғоялар учун буюк одамларнинг қони — фойдали шудрини қабидир.

Қаҳрамонларимизнинг фаолиятига келадиган бўлсак, бу фаолият бегараз бўлса-да, хавф-хатарлардан ҳоли эмас эди. Вильрож ва Шони тезроқ ҳаракат қилиб, ортиқча саргузаштларсиз, оқтанлилардан ҳимоя қилинаётган майдонни кесиб ўтишмоқчи эди. Уларнинг ўзлари билан ҳеч нарсалари йўқлигини эдга олсак, қийинчиликлар

икки барабар ортади. Бирок Альбер де Вильрож ташқи кўринишидан бегамдек кўринса-да, жуда кузатувчан эди; бунинг устига унганча бу ерларни ўрганганларнинг ёзганлари билан ҳам таниш эди. Шулардан келиб чиқиб, унинг назарида энг тўғри деб ҳисоблагани ҳамма қийинчиликларни енгишнинг йўлини топди.

– Биласанми, – Александрга деди у. – ҳозир йилнинг курук фаслининг айна ўртаси...

– Буни тушуниш қийин эмас, – тан олди Шони. – Ўтлар худди пилык каби. Барглари куриб ётибди, отлар эса чанг кўтаринишяпти.

– Мана, жуда яхши!

– Бунинг яхши эканлиги менинг хаёлимга ҳам келмабди.

– Ҳозир кўрасан. Бу куёшли юртда яшайдиган яхши одамлар ҳеч қачон бизнинг Лафонтенни ўқишмаган ва унинг «Ниначи ва Чумоли» масалини билишмайди.

– Ҳўш?

– Улар айна қийинчилик бўладиган вақт учун захира-лар тўғрисида ўйлашмаган. Оддий қилиб айтганда, уларнинг ейишга ҳеч ваколари йўқ ва улар ҳозир оч қоринга рақс тушишяпти.

– Биз ҳам улар билан рақс тушишимиз мумкин. «Бўш қорин кадрли»га тушамиз.

– Қўйсанг-чи! Милтигимиз бўла туриб-а! Наҳотки, сен филнинг кўзига ёки ҳеч бўлмаганда, юз метрдан туриб оддийгина антилопани ота олмайсан?

– Ота олдим ҳам дейлик.

– Мана, кўрдингми? Демак, биз бу ерга бу бечораларни кутқариш учун келган бўлиб чиқамиз. Биз ов қиламиз ва уларни гўшт билан таъминлаймиз. Уларнинг ерларидан ўтиш учун биз моддий нарсалар билан тўлов тўлаймиз. Агар уларнинг ошқозонлари маннатдорчиликни билмайдиган бўлса, у ҳолда мен бу мен эмасман. Нима дейсан?

– Ажойиб фикр!

– Демак сенга гапим маъкул? Мен ҳатто режаларимизни орқага суришнинг ҳам ҳожати бўлмайди, деб ўйлаяпман. Анави тепалик остидаги ҳаракатланаётган қора чизиқни кўраяпсанми? Бу қоратанлилар...

– Кўраяпман, – деди Шони отига чиқар экан.

Учала француз отларига камчи урганча, тепаликка қараб чоптириб кетишди.

У ердаги қоратанлиларнинг кўринишлари эса чиндан ҳам жуда бир аҳволда эди. Улар юзтача бўлиб, ораларида аёллар ва болалар ҳам бор эди. Ориқлаб кетган, эти бориб устихонига ёпишган бу бечоралар қандайдир ғалати ва кўрқинчли касаллик билан оғриганга ўхшашар эди.

Европаликларни кўриб улар хурсандчиликдан қичқира бошлашди. Тезликда айлана ҳосил қилиб, ерга чўзилиб ётиб олишди ва қўлларини қоринлари ва оғизларига олиб бора бошлашди, яъни дунёнинг ҳамма мамлакатларида «Мен очман» деган маънони билдирадиган ишорани қила бошлашди.

– Бечоралар! – бу кўриниш жуда қаттиқ таъсир қилган Альбер хитоб қилди. – Бечоралар, зўрға туришибди! Улар ўлишяпти!..

– Бўлмаса-чи! – қўшилди Александр. – Мана энди ов қилиб, кеч бўлмасдан уларга овқат бериш керак. Фақат мен бу ерда ёввойи қушлар кам, деб кўркаман. Қанчалик бечора мамлакат-а! Ерлар қақраб ётибди, булоқлар қуриган...

Бу бечоралардан бири бир нечта инглизча сўзни билар эди. Билганларига имо-ишоралар қўшиб, у ўзлари бир вақтлар гуллаб-яшнаган қишлоқ аҳолисидан қолган одамлар эканликларини тушунтирди. Улар билан қўшнилари ўртасида жанжал чиқиб, иккала томон ҳам қуролига ёпишибди. Жуда қаттиқ жанг бўлиб, улар ютқазибди ва душманлар уларнинг ҳамма ҳосилларини йиғиб-териблиб, қишлоқларига ўт қўйиб юборибди. Бу бахтсизликка қўшимча об-ҳаво ҳам қуруқ келибди. Яшаш учун ҳеч қандай шароит йўқ экан. Улар илдизлар, ёввойи ме-

валар, тошбақа ва ҳашаротлар кидириб, ўрмонларда юришар экан. Ернинг қуриб кетган қатламидан улар ёмғир кутиб яширинишган қурбакаларни кавлаб олишар экан. Бечораҳол овқат! Кўнлар очликдан ўлиб кетишибди. Уларнинг найзалари ва ўк-ёйлари шу яқин орада юрадиган ёввойи ҳайвонларни отиш учун ярамас экан. Бунинг устига уларнинг душманлари дарёнинг қирғоғига, айни фил ва каркидонлар сув ичиш учун келадиган жойга ўрнашиб олишган экан. Улар, ҳатто қуш уясини ҳам топиша олмас экан. Улар, одатда ҳали пати чиқмаган қуш болаларини толиб, уларни тириклайин ковуришар экан, чунки кучга кирган қушлар узоққа учиб кетар ва уларнинг орқасидан ов қилишнинг имкони йўқ экан. Чунки уларнинг, тўғри жуда эпчиллик билан отадиган таёқлари «ноббери»дан бошқа ҳеч қандай қуроллари йўқ экан.

Таржимон уларга йўлбошловчи бўла олиш хоҳишини билдирди. Улар қувонч билан рози бўлишди ва қоратанли хизматкорларга ов милтиқларини қолдириб ўзлари билан йирик калибрли карабинларини олиб, шу заҳоти жўнаб кетишди.

Камида бир соат давом этган яхшигина қийин бўлган ўтишдан сўнг улар, одатда сув ичишга йирик ҳайвонлар келадиган, бутунлай қуриб қолган дарёга етиб келишди. Шу ерда саҳро тугаб, баланд яшил девор бўлиб ўрмон бошланади. Бу чакалакзор ичига отда кириш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади. Улар отларни қантариб, шу ерда қолдиришди. Йўлбошловчи бутунлай жим юришни маслаҳат берди. Яқинда сув ичиш учун бу ерга филлар келади. Улар, албатта келишади. Уларнинг бу ерга келиши янги излардан кўриниб турибди. Овчилар дарахтлар орқасида ерга ётиб олиб, карабинларини ўклашди ва кута бошлашди.

Улар тайёрланишга ҳам улгурмай узоқдан яқинлашиб келаётган поезднинг товушига ўхшаш товуш эшитилди. Бу ўхшашлик паровознинг пишкиришига ўхшаш бир марсма йўталиб қўйиш билан яна ҳам ортарди.

Бу шовкин дарахтзор томондан, дарёга олиб борадиган чуқур ёриқлардан келаётган эди.

Альбер де Вильрож ҳаммадан яқин ётарди. У тирсакларига кўтарилиб, ўзидан эллик метрча нарида турган баҳайбат филга кўзи тушди. Ўртоғининг ўнг томонига жойлашиб олган Александр тез орада ялангликда яна саккизта филни кўрди. Улар кетма-кет тизилишиб келишарди. Уларнинг баҳайбатлигидан, бақувват тишларидан Александр уларнинг эркак фил эканлигини билди. Кичикроқ бўлган тўққизинчи фил қаторнинг охирида келарди. Бу тишсиз урғочи фил эди. Бурлар бундай филларни «earl sor» – «яланғоч бош» деб аташади.

Довюрак овчилар маҳлиё бўлиб қолишган эди. Улар бу баҳайбат филлардан ҳайратда эдилар. Филлар секин ва тантана билан, ерни зир титратиб ва чакалакни снаряд кучи билан синдириб, қадам ташлашаяпти. Сувга олиб борадиган текисликка чиқиб олган филларнинг кўриниши афсонавий эди.

Александр отиш учун қулай пайтни пойларди. Ерга маҳкам ёпишиб олиб, тирсагини букканча қўлида қарабини маҳкам ушлаб олиб у учинчи филнинг қулоғи ва кўзи ўртасидаги нуқтани нишонга олди.

Дўстидан кўра қизикқонроқ бўлган Альбер доктор Ливингстоннинг ибратли сўзларини эслади: «Филларни отмоқчи бўлган одам темир йўл орасида туриб, поезднинг овозини эшитсин ва поезд ундан икки-уч қадам нарига келгандагина қочсин. Ана шунда у ўзининг асаб тизими фил отишга қодирми ёки йўқлигини билади».

Каталониялик ўзи машҳур овчиларнинг китобларида ўқиган нарсалари ҳақиқат эканини кўрди. Қолаверса Ловайян, Андерсон, Вальберг, Болдуин, Делегортлар ҳам ўз ёзганларида ҳеч нимани кўпиртириб кўрсатишмаган.

Жозефнинг шароити эса отиш учун жуда ноқулай эди. У айна биринчи филнинг рўпарасида бўлиб, унинг фақат боши ва устунга ўхшаш қалин оёқларинигина кўраётган эди. Унинг кўкрагини кўра олса эди! Филнинг

бошига теккизиб аганатиш тўғрисида-ку гап бўлиши мумкин эмас — бу пулат зирҳни тешишга ҳаракат қилиш билан тенг эди.

Филлар тўдаси аллақачон кирғокда эди. Дарёнинг кенглиги йигирма метрларча эди, холос. Филлар сардорнинг юз ифодаси мулойим ва айни пайтда айёрроқ. У иккала кирғокқа кизикиш билан қараб қўйди, сўнгра эса кичкина кўзларини пирпиратиб, чуқур нафас олди. Унинг хартуми текисланиб, унинг пастки лаби осилиб тушган катта оғзини ва иккита суягини кўриб турган овчи томонга йўнала бошлади. Фил хавотирда эканга ўхшарди. У худди «Диккат» деяётгандек ўзиникиларга ўтирилиб қаради. Альберга тўнка халақит бериб, филнинг бу ҳаракатидан фойдалана олмади. Александр ҳам ўз томонидан Альбернинг бундай сузлиги сабабини тушунмай, ўзича «Нима жин уриб ота қолмаяпти?» деб гўнғиллаётган эди.

Сониялар соатларга ўхшаб кўринаяпти. Филлар бирмунча тинчланишган. Чанқов ҳайдаб, улар атрофга сув сачратганча сувга гушишади ва шу заҳотиёқ хартумлари билан сув олиб, ёнбошларига сепганча доимгидек ўйнаша бошлашади.

Ўрмон устида одамни гаранг қилгудек иккита ўк товуши янгради, ярим сониядан сўнг учинчиси ва унинг орқасидан оғрик ва аламдан бўкирган товуш янгради. Бу фил бўкираяпти. Бундай бўкиришни бир марга эшитган одам уни ҳеч қачон унутмайди. Гигантлардан бири худди чақмоқ ургандек бир сония қотиб қолади, кейин эса жон талвасасида ерга йиқилади.

Бундай усталик билан Александр ўк узган эди. Эҳтиёткор овчи сифатида у кимир этмай иккинчи ўқини асраб турарди. Қутурган филлар даҳшатдан пишқириб қочишди ва баугиниялар ўсиб ётган чакалакзор ичига кириб кўздан йўқолишди. Факат ҳамма филлар кетишмаган эди: улардан иккитаси оғир яраланган.

Жозеф ўз хўжайини билан бир вақтда ўк узган эди. У шундай ўзига қараб турган филга отган эди. Унинг кўк-

рагига теккиза олишига кўзи етмай, олди оёғига отган эди. У бундан ортиғини қила олмаган эди. Ҳайвон ўқиришда давом этиб, чўлоқланганча, тўда оркасидан югурди. Ҳозир унинг қонли изидан бориш мумкин.

Альбернинг омади келмаган бўлиб, шароити жуда жиддий, деярли умидсиз эди. У ўз қуролининг кучига ишониб филнинг елкасига қараб отган эди. Альбернинг фарази бўйича фил ўлиши керак эди. Бирок, Альбер соддалик қилиб бу ҳайвоннинг биринчи ўқдан ҳалок бўлиши қийин эканлигини билмаган эди. Фил овчини сезиб қолиб ҳали тутун тарқамаган томонга қараб югурди. Альбер уни иккинчи ўқ билан тугатмоқчи бўлди, бирок ҳайвон газаби оркасида икки баравар тезлик билан ҳаракатланаётган эди ва овчининг ўқи хато кетди. Йигит милтиғини ташлашга ҳам улгурмай, боши тепасида уни мажақлаб ташлашга тайёр бўлиб турган ҳайвон тебраниб турарди. Қочишнинг яширинишнинг ҳам иложи йўқ эди. У ўзини ҳимоя қила олиши амримаҳол эди.

Александр яшириниб ётган жойдан югуриб чикди. У, албатта, ҳар қандай эҳтиёткорликни бутунлай унутиб, дўстига ёрдам беришга шошилди. Альбер чўққайиб ўтирар ва бу ҳайвон учун яхши эканини тушунарди: ҳозир фил уни хартуми билан ўраб олади ёки оёғи билан мажақлаб ташлайди. У ёнбошига ўгирилдида милтиғини ерга қаттиқ тираб туриб, қаттиқ бақирганча, тепкини босди. Ўқ филнинг шундай кўксига тегди. Ўқ овозидан қулоғи битган, ўқ отилгандаги чакнашдан, овчининг бакиригидан кўркиб кетган фил бир зум тўхтаб, сўнгра ўгирилганча жўнаб қолди.

Иккала ўртоқ енгил тортиб хўрсиниб қўйишди. Мабодо хавфли душман қайтиб келиб қолса, деб карабинларини қайта ўқлаб қўйишди.

– Уф! – овозида асабий титроқ билан хитоб қилди Альбер. – Ниҳоят!

– Жин урсин! – дўстини кучоқлаб, жавоб берди Александр. – Баданимда чумоли ўрмалагандек бўлди. Менга у сени янчиб ташлаганга ўхшаб кўринди. Бутунмисан?

– Бус-бутунман ва ҳеч нарсани тушунмаяпман. Агар мен сал нарироқ сурилмаганимда ҳаммаси тамом бўлган бўларди. Мен энди баданимда унинг тумшугини ҳис қила бошлаган эдим. Булар қанчалик кучли экан. а! Баданида олтмиш беш граммлик иккита ўк борда, у йўғон-йўғон дарахтларни гугурт чўпидек синдириб ташлаяпти!

– Энди ҳозир нима қиламиз? Мен отганим тирикка ўхшамаяпти. Менимча у аллақачон ўлиб бўлган. Кел, яхшиси шунинг ўзи билан кифояланиб турамиз. Оч қолганлар учун тўйиб олишларига етарли нарса бор – қара, қанча гўшт!

– Ўлиб қолсам ҳам рози бўлмайман! Мен бу муттаҳам билан ҳисоб-китоб қилишим керак. У мени шунчалик қўрқитиб юборди – албатта алаимни олишим керак! Ва, менимча, у оғир яраланган. Унинг қолдиқлари қаерга кетганини билмаслик гуноҳ бўлади. Бироқ Жозеф ҳам отган эди. Жиддий яралаганига унинг ҳам ишончи комил. Мен эса уни яхши биламан – ўзининг отган нарсасини шундай гашлаб кетмайди. Ўзи қани? Эй, Жозеф!

Ҳаяжондан ҳансираганча, Жозеф пайдо бўлди. Унинг сочлари тўзғиб кетган, юз-кўзи тимдаланган эди.

– Эҳ, месье Альвер! – кичкирди у. – Месье Альвер! Мен вошимни вутунлай йўқотив қўйдим! Мен эплай олмаيمان дев ўйлагандим!

– Ўзингни бос. дўстим! Кўриб турибсан мен тирикман ва ҳеч нарса қилгани йўқ. Бироқ сен нима қилдинг?

– Ҳайбон шундай қаршимда турган эди. Мен уни отдим.

– Мен сенга олди оёғига отишни айтган эдим.

– Мен ҳам шундай қилдим.

– Тегдими?

– Бўлмаса-чи! У бақирди, кейин эса худди қуёнга ўхшаб қочиб кетди.

– Сен уни қувлаб етарсан-а?

-- Худо сақласин!

– Қанақасига? Сендек зўр овчи ўз ўлжасидан воз кечаяптими?

– Мен-ку уни қидиргани бораман, сизлар эса йўқ!

– Нега экан энди?

– Чунки мен сизни уйингизга соғ-омон олиб бормоқчиман. Мадам Аннага нима дейман? У менга сизга яхшилаб қараб юришимни тайинлаган.

– Жим! Биз унга ҳеч нима демаймиз. Кетдик! Мен анча ўзимга келиб олдим, сен ҳам «б» ва «в»ни алмаштирмай қўйдинг.

– Мен эса, – гап қўшди Александр, – отга миниб олсак тўғри бўларди, деб ўйлайман! Ким билади, ярадор филнинг орқасидан қувиш бизни қай ерларгача олиб боракин.

– Тўппа-тўғри!

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, бу уч кўркмас оғайнилар филлардан биттаси – қочаётиб ҳаммаёқда қонли из қолдирганининг изидан кета бошлашган эди. Улар ҳали беш юз метрча ҳам юрмай, Альбер биринчи бўлиб филни кўриб қолди: фил чангалзор ўртасида ётарди. У афтидан, жон бераётган эди: зўрға оғзидан чуқур-чуқур нафас олиб ётарди. У энди олдинга юришга ҳаракат қилмаётган, факатгина хартумини оғзига чуқур тикқанча ошқозонидан сув чиқариб, кўпириб кизил қон оқаётган яраларини юварди.

Александр олдинда кетаётган эди. У отни бўш қўйган бўлса-да, ҳар эҳтимолга қарши орқага қочишга тўғри келиб қолса, деб ўйлаб ҳам қўйган эди. У билан фил ораси ўттиз кадамча қолганда, фил уни сезиб қолиб, хартумини кўтарди ва даҳшатли бўкирганча, йигитга ташланиб қолди.

Альбер ва Жозефнинг отлари кўрқиб кетиб, чангалзор ичига қочиб кетишди. Александрнинг оти эса кўркувдан тўрттала оёғини ерга тираганча, туриб қолди. У қокиб қўйгандек турар. хириллар, эгаси бор кучи би-

лан қон чиққудек ниқтаётган бўлса-да, унга бўйсунитгани хоҳламас ёки бўйсунмаётгани.

Кўрқувдан тошдек қотиб қолган от фил жуда яқин келиб қолганда ҳам қимирламай туришда давом этди. Отлик филнинг факат бошини кўриб, отмоқчи бўлди. Агар ўқ бош чаноғининг қоқ ўртасига тегса, тешиб ўтмаса-да, ҳайвонни гаранг қилар ва йигит эгардан сакраб тушиб, чангалзорга яширина олиши мумкин эди. Бироқ шунинг устига от бошини тебрата бошлади ва бу нарса отликнинг нишонга олишига ҳалал берди.

Фил ундан қандайдир ўн қадамча нарида турарди.

Александр ўлими яқин эканлигини ҳис қилди.

Оқ каркидон. — У отни ҳам, отликни ҳам кўтариб кўяди. — «Шошмай тур хали!» — Зирапчалар коллекцияси. — Африка фили. — Филнинг тиши қандай жойлашган. — Портлаш. — Филни даволаш. — Филнинг бўйи қандай ўлчанади. — Қовурилган фил оёғи. — Фил хартумидан жарқоб. — Фил тишининг оғирлиги ва фил суягининг нархи. — Саккизинчи калибрли цилиндрлик ўқ учун ажойиб жой. — Қуритилган гўшт. — Тревога.

* * *

Ҳақиқатдан йироқ бўлган воқеа шароити дарров ўзгартириб юборди. Чангалзор ичидан йўлида ҳамма нарсани синдириб, оёқлари калта баҳайбат оппоқ хайвон югуриб чиқди ва тўппа-тўғри фил устига юра бошлади.

Бу оқ каркидон эди. Афтидан, уни отларнинг шовқини безовта қилган ва у тўнгиллаганча қочган эди.

Фил хириллаб, тўхтаб қолди.

Иккита баҳайбат хайвон тўқнашган бўлиб, бу тўқнашувнинг кучини тасаввур қилиш қийин эмас эди. Ўзининг энг хавфли душманини кўрган каркидон тасвирлаб бўлмайдиган ғазабга келди... У тўрттала оёғи билан ерга тиралиб, ўзининг хунукдан-хунук бошини эгди, кейин эса катта куч билан бошини кўтариб ташлаб, шохини жон бераётган филнинг қорнига тикди. Бўғик урилган товуш эшитилди, кейин тери қатламининг йиртилаётган товуши келиб, ерга филнинг бутун ички аъзолари отилиб чиқди. Фил ўнгдан чапга тебраниди, кейин хатто шу сўнгги дақиқада ҳам ўз душманини босиб янчишга ҳаракат қилиб, ерга ағдарилди. Бироқ каркидон, шундай кўпол хайвонда бўлиши, хатто кутилмаган чакқонлик билан нари кочди ва шундайгина Александрнинг отидан бир метрча нарида бўлиб қолди.

Олдингидан баттарроқ кўриб кетган бу тентак хайвон эса жойида турганча, бошини тебратишда давом этаётган эди. Ҳаммаёғи қон каркидон отга қараб отилди.

Ҳаммаси бир неча сонияда бўлиб ўтди. Каркидон ҳозиргина филга қилган ҳамласини қайтарди. Шундай кучга эга бўлган хайвон учун отлик ва от нима дегани! Отлик ҳам, от ҳам бир зумда осмонга отиб юборилди.

От осмонда бир ўгирилиб, ёрилиб кетган қорни билан ерга тушди. У ҳали ҳам оёғи билан уришга ҳаракат қилар, бироқ бефойда эди. Отликқа келадиган бўлсак, у йиқилмади ва бу унинг омади эди. Александр Шони совуққонлик билан турган эди. Каркидоннинг ҳамла қилаётганини сезиб, у карабинини отиб юбориб, узангида туриб олганча иккала қўли билан шохни ушлаб олган ва яхшигина гимнастикачи бўлгани сабаб, мушакларида кўтарилганди. Бир сониядан сўнг у дарахт устида хотиржам ўтирганча пастдаги кутурган каркидонни томоша қиларди. Каркидон эса ўз атрофида айланар, отнинг танасидан фил танасига, филдан отнинг танасига қараб югурар, уларга калла кўяр ва қон халқобида сирпанар эди. Шундан сўнг у афтидан ишимни тугатдим деб ўйлади шекилли ёки бундай ҳаракатдан чарчадими, хотиржамлик билан чангалзор ичига кириб кетди.

Шунда кутулиб қолишига ўйиндаги иккита муҳим кузир – яратганининг ўзи ва овчининг ўзини тута билиши – ёрдам берган йиғит ўзининг кутилмаган халоскори узоқроққа кетишини кутиб турди. Сўнгра жуда эҳтиёткорлик билан ўзининг юқоридаги бошпанасини қолдириб, пастга тушди ва карабинини кўтариб, кўздан кечирди. Унинг созлигига ишонч ҳосил қилгач, хотиржам бўлгандек, тилини тақиллатиб қўйди.

– Жин урсин, жуда ажойиб иш бўлди! – тўнғиллади у. – Мен отсиз қолдим. Бироқ айтиш мумкинки, ҳаммаси яхшиликка бўлди. Бу тентак хайвон яна баттарроқ хунар кўрсатиши мумкин эди. Бироқ ҳозир карабиним бор, қурол-аслаҳаларим бор, ўзимни ҳимоя қила оламан.

Йигит ўрмоннинг ичига кириб кетар экан, бирдан унга дарахтларнинг шоҳларини синдиришгаётганга ўхшаб туюлди.

– Жин урсин! – хитоб қилди у. – Нахотки яна бирор хайвон билан олишишимга тўғри келса! Қани, бу сафар шошмай тур-чи!..

Шовқин эса яқинлашиб келарди. Александр, ҳатто одамларнинг товушини ҳам эшитгандек бўлди. Альбер ва Жозеф учинчи филга рўпара келиб қолишган деган фикрдан унинг баданига титроқ турди.

Унинг хавотири кўпга чўзилмади, чунки тез орада унинг олдида шундай манзара намоён бўлдики, бошқа шароитда одам бундан роса қулган бўларди. Чакалақзорни фил ва каркидон эзиб ташлагандан кейин пайдо бўлган ялангликда от устида ўтирган Жозеф ва Альбер кўринишди. Бироқ уларнинг кўринишлари шундай аҳволда эдики!.. Жозефнинг бошида шляпаси йўқ, кийимлари парча-парча бўлиб кетган, юзи ва қўллари қонаб кетган. У устидаги минглаб қизил нуқталари сабаб ок рангини билиб олиш қийин бўлган отни зўрға ушлаб турарди.

Бу қизиққон каталонияликнинг ғазабини кўриш ва қўрқувдан ақлдан озаёзган отини қандай чиройли сўзлар билан сўкаётганини эшитишга арзирди. Жозеф отнинг жоловини қўлидан чиқариб юборган, юган йиртилиб кетган бўлиб, агар олдидан Александр чиқиб қолиб отнинг каншарининг пастки қисмидан ушлаб қолмаганда бу нима билан тугарди, ёлғиз яратганининг ўзига аён эди.

Дўстимизнинг қўллари эса бақувват эди ва от буни ҳис қилиб, дарров тўхтади. Устидаги отлик эса эгардан учиб кетиб, отни сўкканча, аламдан чиқа бошлади.

Альбернинг кўриниши ҳам ундан яхшироқ эмас эди. Фарқи шунда эдики, у ҳали ҳам отини бошқара олаётган эди. Каркидон бу ерда нималар қилганини кўриб, у қотиб қолди.

– Қаерлардан келаяпсизлар? – сўради йўлдошларининг кўриниши ҳам қулдириб, ҳам хавотирга солган Александр.

– Жин урсин бу тентак отларни! – дўстининг саволига жавоб берди де Вильрож. – Улар бизни тиканакзорга олиб кириб кетишди!

– Э. бунинг нималигини мен жуда яхши биламан! Шундай ажойиб жойга тушиб қолсанг, худди у ерда фақат найзалар ўсадиганга ўхшайди. Сен ниналар қадаб кўялиган ёстикчага ўхшаб қолибсан! Ҳаммаёғинга тикан кириб кетибди. Бунинг устига бу *Waght een beetje*.

– Қандай, қандай?

– *Waght een beetje*. Голландчасига бу «бир оз кутиб тур» дегани бўлади. Инглизчасига эса *Wait a bit*.

– Қанчалик ақллисан, а!

– Кўрдингми? Бирок шошмай гур, мен мана бу ярамас тиканларни суғуриб ташлашингга қарашиб юбораман. Бир оз сабр қил.

– «Бир оз кутиб тур»?.. Чиндан ҳам, бошқачасига айтиб бўлмайди!

Александр чўнтагидан унча катта бўлмаган йўлда ишлатиладиган асбоблар тўпамини чиқарди ва уларнинг орасидан ланцет олиб, ишга киришди.

Бу орада эса Жозеф каркидон бошлаб ташлаган фил ва отни худди билағонлардек кўздан кечира бошлади ва шу заҳоти унинг ичидаги ҳўкизлар урушининг қизгин ишқивози уйғонди.

– Гап йўқ – зўр иш қиливди, ажойиб иш! Агар ҳўкизнинг корнини шундай ёра олганда истаган пикадор ўзидан фахрлана оларди. Ҳамма «враво» дев қичқирган вўларди. Вунақасини мен ҳагто Варселонада ҳам кўрмаганман.

Александр дўстининг баданидан тиканакларни чаққонлик билан суғуриб олар экан, Альбер каталончасига, французчасига сўкиниб, турган жойида айланарди.

– Жим, жим! – дерди жайдари жарроҳ. – Сен бутун баданингда бутун Африка тиканакларининг тимсоли борлигини ҳагто тушунмаётган ҳам бўлсанг керак. Мана кара: мана бу балиқ тутадиган илмоққа ўхшаган эгилган ўткир пластинкалар «Бир оз кутиб тур» деб аталади.

– Ҳа, кутиб турасан, а! Сени ишонтириб айтаманки, бунга рўпара бўлганигда ўз-ўзидан тўхтаб коласан!

– Мана бу кичкина озиқ тишга ўхшагани ҳам сизни тўхтатиб турибди. Ундан қутулиш учун кескин ҳаракат қилсангиз у сизга ҳар бири беш сантиметр бўлган яна иккита тиканини тикади. Бу – *Naak en steek*.

– Секинрок! Жаллод!

– Мен *Naak en steek* деяпман. Мана *Motjihadga*, каттик ниналари бор, манави эса оддий мимоза, оқ тиканаклари бор; манави эса *Waght een beetje* ёки *Acacia detinens*, яъни ушлаб оладиган акация...

– Етар! Сен менинг баданимда ботаникани ўргана-япсан! Етар!

– Чиндан ҳам – етади. Мен энди Жозефга қарайман.

– Жин урсин! Бу тиканзорлардаги от пойгасидан сўнг ҳаммаёғим шундай оғриб кетаяптики, сен ўзинг нима қилдинг, деб сўраш ҳаёлимга ҳам келмабди.

– Жуда осон: битта ажойиб қаркидон ёрдам берди.

– Сен ҳали ҳам ҳазиллашаяпсанми?

– Мен истаган жарроҳлик клиникасининг директори-дан ҳам кўра жиддий гапираяпман. Жозеф, келинг, энди сиз билан шуғулланамиз.

Каталониялик анча сабрли чиқиб қолди, бироқ Альбер ўзини қўйиб юборди.

– Бу қандай бало бўлди ўзи? Бахтсиз ҳодиса! Анави рухонийни кўрганимиздан бери омадимиз келмаяпти! Кўзи бор экан шекилли?

– Майли, бўлди қил! Менимча, сен бундан баттарларини ҳам кўргансан, шекилли, ахир бутун дунёни кезиб чиққансан-ку! Шу арзимаган нарсага ҳам асабийлашасанми? Хотиржамлигинг қаёқда қолди? Қара, ахир ҳамма ўйлаганларимиз амалга ошмаяпти-ку! Овимиз омадли бўлди, йўл учун тўладик, анави бахтсиз бечораларга қанча нарса бердик... Жозефнинг тиканларини олиб ташлашга қўйиб бергин, кейин дарёга қайтамиз. Биз менинг филлим билан шуғулланганимизча, сен дарёда чўмилиб оласан.

Кейин эса мен сенга мана бу ажойиб хайвонимизнинг ёғини суриб қўяман. Яраларнинг битиши учун шу нарса энг яхши дори дейишарди. Кейин эса фил оёғидан пиширилган димлама еймиз... Сайёҳларнинг гапига ишониб бўладиган бўлса, бу жуда мазали бўларкан.

— Тўғри айтаяпсан, — деди Альбер. — Мана шу Худо қаргаган ерда ушланиб қолишимизни ўйлаб, мен асабийлашиб кетаяпман.

— Ушланиб қоламиз? Қанақасига ушланиб қоламиз? Нера?

— Ахир сен отсиз қолмадингми?

— Ундан ҳам яхши! Мен яёв юриб, ов ҳам қиламан. Бу билан бўйнимни синдириб олишга таваккал қилмайман. Бундан ташқари, шу якин орада ўзимга албатга от ҳам топаман.

Уларнинг суҳбатларини додлаганга ўхшаган бакирик овозлари бўлиб қўйди. Бу милтиқ овозини эшитиб, яхши овқатланиш умидида овчиларнинг изидан бориб дарё бўйида Александр отган хайвоннинг танасини кўриб қолиб, хурсандчиликдан қичқираётган қоратанлиларнинг овозлари эди.

Бизнинг жарроҳимиз эса асбобларини йиғиштириб қўйгач, қўлига карабинини олиб, қичқирик товушлари эшитилаётган томонга қараб йўл олди. Дўстлари ҳам чарчаган отларини етаклаганча, унинг кетидан кетишди.

Бечуанлар очликдан қийналиб кетишган ва очлик уларни шоширарди. Бироқ улар хайвон танасининг ҳақиқий эгалари келгунча кутиб туришди. Хурсандчиликдан ва балки, кутиш жараёнини енгиллаштириш учун улар ўзларининг жуда ажойиб, жазавага тушгудек рақсларини бошлашганди. Бизнинг европаликларимизга йўлбошловчи бўлиб хизмат қилгани эса хайвон танасининг олдида туриб, унга суқишга тайёр ҳолда, найзасини силкитарди. Бу баҳайбат танани кўриб европаликларимиз ўзларининг хайратларини яшира олмадилар. Сувдан худди кулранг гранит парчасидек баҳайбат филнинг танаси

чикиб турарди. Ҳиндистонда учрайдиган қўлга ўргатилган ёки ҳайвонотхоналарда кўрсатишадиган филларни бу ўз ватанида ўлган Африка фили билан таққослаб ҳам бўлмасди. Ҳеч нарсадан қўркмайдиган ҳар қандай одам ҳам бу даҳшатнинг олдида индамай тура олмасди. Филнинг бахайбат олдинги оёқлари киргоққа етиб турарди. Боши ерда ётар, қотиб қолган хартуми эса ўт устида чўзилиб қолган эди. Африка филига хос бўлган нарса сал чиққан текис пешонаси бўлса, Осиё филларининг пешонаси ўртасида чуқури бор. Ҳаддан ташқари кучли ривожланган кулоқларининг юқори қисми бўйнининг ярмини беркитиб туради, пастки қисми эса кўкрагигача тушади. Тери си ён томондан қулранг, бақувват ва худди ҳайвоннинг устига қўпол тўр ёпилгандек, чуқур бурушиқлар билан қопланган. Ёнбоши қалта ва қаттиқ, сийрак юнг билан қопланган. Танасининг бошқа қисмида юнг йўқ.

Унинг баландлиги тўрт метрдан кам бўлмаса керак. Бошининг орқасида турган одам кўринмайди. Ўнг томондаги дандон тишининг узунлиги деярли уч метрча эди. Чап тиши эса ўттиз сантиметрча қалта бўлиб, учи ёки синган ёки едирилиб кетганга ўхшарди. Бу ўзига хослик бизнинг европаликларимизни ҳайрагга солди. Бироқ агар улар филлар мамлакатаида узоқроқ яшаб, уларнинг одатларини яхшироқ билишганда ҳеч нарсага ажабланмаган бўлишарди. Филларнинг — эркагининг ҳам, ургочисининг ҳам, чап тиши ўнгдагисига қараганда қалтарок ва ялтироқ бўлади. Бунинг сабаби шуки, овқат ея туриб фил барглар билан қопланган шохларни хартуми билан тортиб, оғзига чоп томондан олиб боради. Шундай қилиб шохлар чап суягига ишқаланавериb, вақт ўтиши билан уни едириб юборади. Бундан ташқари, филнинг ерни айна чап суяги билан титкилаш одати бор. Гапнинг қисқаси фил — чапакай.

Қоратанлиларнинг сардори ҳали ҳам қўлида найзаси, гладиаторлар позасида турар эди.

– Бу ерда нима қилаяпсан? – инглизчалаб ундан сўради Александр. – Фил ўлдирилган, бутунлай ўлдирилган. Уни охиригача ўлдиришнинг ҳожати йўқ!

– Оқтанли бошлиқ, кетинг! Кетинг! – Жавоб берди бечуан.

– Нега?

Қоратанли Александр тушунмайдиган тилда нималардир деди ва бир қадам нарига ўтиб қўлидаги найзани мўлжаллаб туриб филнинг қорнига отди ва чакқонлик билан орқасига қочди.

Даҳшатли тарсиллаган товуш эшитилди. Филнинг териси йиртилиб, бир метр узунликда йиртиқ ҳосил бўлди ва кучли шовқин билан газ отилиб чиқди.

Альбер ва Александр хайратда эдилар. Бахтларига кўра, улар анча нарида туришган эди. Бироқ бечуаннинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турган бечора Жозеф дарёнинг ўртасига учиб тушди.

– Карай! – сўкинди у ўз тилида. – Бунинг қорнида торпеда бўлган шекилли!..

– Мана, – кулганча деди Альбер. – Йўлбошловчи бизга тўғри маслаҳат берганини энди тушунаяпман. Филнинг ўлганига мана ҳозир уч соат бўлди. Куёш эса ёндираяпти. Албагга, филнинг ичида газ пайдо бўлган ва териси худди барабан каби таранг тортилган. Куёйда бутун кун ётган фил танасини нина билан тешилса худди пушкадан отгандек бўлади, дейишарди. Мен бунини эшитгандим ва энди бу гапга бутунлай ишонааяпман... Майли энди, овкатланинглар! – бечуанларга қараб қўшиб қўйди йигит.

Бироқ бу бечоралар очликдан қанчалик кийналганларига қарамай, гўштга ташланишмади. Уларнинг бошлиғи филнинг хартумини кесиб олди, олдинги оёқларини чакқонлик билан ажратди ва филнинг бу энг мазали қисмларини ҳурмат билан европаликларга узатди ва шундан сўнггина ўзиникиларга белги берди.

Найзалар билан, пичоқ, болта, белкураклар билан қуролланган қоратанлилар ўз бойликлари тепасига тўп-

ланишди. Сўнгра кийинчилик билан филнинг қалин терисини ажратиб олишди. Улар очликдан ниҳоятда кийналишган бўлиб, нафсларини кондирити учун бир соат вақт кетди. Шундан сўнг, анча-мунча гўшт еб олиб, ичига кириб кетган қоринлари бир оз тўлишган бир неча қоратанлилар ўз тилларида ғалати, мунгли кўшиқ бошлашди.

Йўлбошловчи бу уч европаликка яна қандай қилиб миннатдорчилик билдиришни билмай, қум устига ётиб ухлаш ва ҳозиргина егани мазали овқатини ҳазм қилиш ўрнига кенг ва чуқур ўра казишга тушди. Ўра тайёр бўлгач, қоратанлиларнинг сардори унга филнинг оёғини солди ва устига кул, кўмир ва шох-шабба ташлаб, кўмиб қўйди. У афтидан, бу ерликларнинг одати бўйича буни бир кечага қолдирмоқчига ўхшарди.

– Қизиқ, мен отган филнинг бўйи қанча бўлган экан? – дўстидан сўради Шони.

– Менимча, буни аниқлашнинг иложи йўқ.

– Бор бўлса керак.

– Биринчидан, сенда ҳеч қандай ўлчов асбоби йўқ. Иккинчидан, филнинг танаси ёнбошлаб ётибди. Бирор нарса қила олиш мумкинлигини кўрмаётиман.

– Менинг карабинимнинг нишонида сантиметрлар чизилган, шунинг учун тери бўлагиде дециметрларни белгилаш кийин эмас. Кейин эса мен бу дециметрни камаримга кўчираман ва унда ўнта бўлак қиламан. Мана сенга бир метр.

– Бўпти. Ўлчов бирлигини яхши ўйлабсан. Бирок бу ҳали ҳамма муаммолар ечилди, дегани эмас.

– Шошилма. Мен филнинг битта оёғининг айланаси узунлигини ўлчаётиман. Бир метр ва тўксон сантиметр чиқади. Иккига кўпайтирамиз. Уч метр саксон сантиметр чиқади. Мана шу филнинг бўйи.

– Йўғ-ей, бўлиши мумкин эмас.

– Тўппа-тўғри. Узунликни ўлчашнинг бу йўлини машҳур тадқиқотчи доктор Ливингстон текшириб кўрган ва буни беҳато деб ҳисоблаган. Албатта, буни фақат ёши катта филларгагина татбиқ қилиш мумкин.

– Қойил, Александр! Зўрсан!

Шундан сўнг у ўзининг ўлчовларига қизиқиб қолган бечуанлар сардорига мурожаат қилди:

– Энди эса, дўстим, бизга жаркобингни тайёрла. Сенинг қардошларингнинг қорни тўйган бўлса, биз ҳали тўйганимизча йўқ.

Бечуан унинг нима демоқчи эканини тушунди эмас, балки пайқади ва паст оловда пишаётган хартум бўлагини кўрсатди.

– Жула яхши! Эътибор учун раҳмат. Агар мазаси ҳам хидига ўхшаган бўлса зўр овқат бўлса керак. Александр, Жозеф! Дастурхонга ўтиринглар!.. Филнинг хартуми чиндан ҳам зўр нарса экан! – Бир неча дақиқадан сўнг деди Альбер – Энди ҳамма хавотирларимиз босилиб, бу тўшт менга янгидан қувват бағишлагандан сўнг, ҳали кайфиятим бузилганидан ноқулай аҳволга тушиб кетаяпман.

– Бўлмаса-чи! Нега ҳам чекасан? Сен ҳатто чўмилишингга ҳам тўғри келмади, яраларинг ўз-ўзидан битиб кетади. Икки кундан кейин ҳаммаси ўтиб кетади! Бироқ юзинг худди йигирмата баджаҳл мушук билан уришган одамникига ўхшайди.

– Сен ҳақсан, ҳам чекишнинг ҳожати йўқ! Бунинг устига бошланишига ишларимиз ёмон кетаётгани йўқ.

– Энди бизнинг ҳам, ҳамроҳларимиз каби озиқ-овқат захираларимиз бор.

– Мен бошқа нарса ҳақида гапираяпман. Мен фил суягини кўзда тутаяпман.

– Чиндан ҳам! Менинг хаёлимга ҳам келмаганди.

– Унда менга кулок сол, ичи тоза одам! Сен отган фил суягининг оғирлиги қанча бўлиши мумкинлигини биласанми?

– Менимча, юз килограммача чикса керак.

– Камида. Фил суяги қанча туради, биласанми?

– Эсимда тургани рост бўлса, килоси ўн беш франк.

– Тўппа-тўғри. Юз карра ўн беш – бир ярим минг, агар арифметика аниқ фан бўладиган бўлса. Бундан келиб чиқалики, бу териси қалин ҳайвоннинг қулоғи ва кўзи ўртасига отган битта ўткир учли цилиндрик ўқнинг сенга бир ярим минг франк келтираяпти.

– Зўр! Қанчалик аниқ арифметик ҳисоб. Бироқ, менга бир нарсани айтишга рухсат берсанг...

– Эшигаман...

– Сен буларни кўтариб юриш кераклигини эсингдан чиқараялсан.

– Мен айнан шу тўғрисида гапирмоқчи эдим. Каркидон эҳтиётлик билан қорнини ёрган иккинчи филнинг жағи ҳам кам мол эмас ва демак, у ҳам пул туради. Жозеф отган филга келсак, биз хали уни ҳам топамиз ва у ҳақда алоҳида гаплашамиз. Нима бўлганда ҳам бугунги тонг бизга камида уч минг франк соф фойда келтирди.

– Бироқ бу бахайбат маҳсулотни ташиш масаласи...

– Бу бизнинг отларимизга боғлиқ. Биз эҳтиётлик билан тўртта фил суягини уларга ортамыз. Энг яқин станцияда уларни сақлашга топшириб, қайтганимиздан сўнг қайтиб оламыз. Унда эса икки йўлдан бири: ёки биз қидираётган хазинамизни топамиз ва бу фил суяқларини станция бошлиғига совға қиламыз. Ёки бўлмаса куруқ қўл билан қайтиб келамяз ва у ҳолда қаердандир фургон ва ҳўкиз топиб, бошқа топган нарсаларимизни ҳисобга олмаган ҳолда, молимизни ортиб олиб кетамиз.

– Ёмон эмас. Орқага қайтиш учун қурол-аслаҳа-чи?

– Бизнинг ажойиб бечуан дўстларимиз бу қандай қилинишини кўрсатиб беришади. Улар дам олиб бўлишди ва қарагин, гўштнинг қолганини қандай усталик билан ингичка қилиб кесишяпти. Нега шундай қилишаётганини тушунаялсанми? Улар бу гўшт бўлақларини энг қуёшли жойга осиб, бутунлай қуригунча ушлашади. Бу нарсани бу ерларда «бельтонг» деб аташади. Улар иккинчи филнинг гўштини ҳам шундай қилишади ва шу йўл билан ўзларига анча вақтга етадиган овқат йиғиб олишади.

Энди эса биз бу ерга қулай қилиб ўрнашиб оламиз. Менга ишонавсиз. Ҳозир кеч тушади, биз эса роса чарчаганмиз. Бечуанларимиз гўштнинг исини билиб келадиган ёввойи ҳайвонларни ҳайдаш учун гулхан ёқишади. Биз филнинг оёғи пишаётган чуқур яқинига жойлашамиз. Бу биз учун эртага овқат. Энда эса – ухлашга! Оғир ўтган кундан кейин тинч уйку бизга дам берсин.

Бироқ бу оддийгина истак амалга ошиши насиб этмаган эди. Бутун лагерь бутунлай тинчиганига ҳали уч соат ҳам бўлмасдан, ухлаётганлардан бир неча қадам нарида қаттиқ шовкин турди. Европаликлар ва қоратанлилар сакраб туриб қуроёлларини қўлга олишиб, ҳимоя позициясига туриб олишди. Отлар безовталаниб, арқонларини узишга ҳаракат қила бошлашди.

Шовкин борган сари ортиб борар экан, ва учала дўст шовкин-суронни бир амаллаб босиш учун уриниб, силларни қуриди.

Тўрт қарокчи. — Альбер де Вильержнинг қаҳрамонликлари олмос Ўғрилариининг юзларида ўчмайдиган бўлиб акс этган. — Ташлаб кетилган чодирда. — Яримгиппопотам ва яримбизонлар. — Руҳоний хазратлари. — Саноатнинг ўлаётган тармоғи. — Африкалик бандитнинг севгиси ва нафрати. — Ўғри, пиёниста ва қартабозлар. — Яна кафр қиролларининг хазиначилари ҳақида. — Клааснинг режаси. — Хат ва газетадаги мақола. — Фитна. — Ўликнинг жасади керак бўлган одам.

* * *

— Агар энди ҳам ана шу француздан кутула олмасам, мени жин урсин ва ҳаммамизнинг бўйнимиз узилсин!

— Қадрдоним Клаас, менимча, сиз яна ўзингизни рўёбга чиқмайдиган нарсалар билан овутаяпсиз.

— Корнелис, тилингизни қарға чўқисин! Сиз доим мен айтганимнинг тескарисини айтасиз! Қандайдир восвосликка учрагансиз...

— Бўпти! Ҳозиргина менинг бўйнимда Вельзевулнинг тирноқларини кўришни хоҳлаётган эдингиз, энди эса бошимга вабо келишни тилаяпсиз. Клаас оғам, сиз алжияпсиз.

Клааснинг кўз олди қоронғилашиб кетди.

— Мени тинч қўйинг! Нима, мен сизларга қиз боламанми? Мен учун одам сўйиш жўжани сўйиш билан баробар.

— Тушунаман, кафрни ёки готтентотни сўйиб кетиш... Бироқ европаликни сўйиш, биласизми, бу — бошқа гап.

— Шунақа денг-а! Мен унинг итини қандай ўлдирган бўлсам, ўзини ҳам шундай ўлдирдим. Бунинг устига кучугининг озиқ тишлари бор эди, ўзини ҳимоя қилиши мумкин эди. Хўжайини эса қўйнинг ўзи экан...

— Унда сиз нега ҳаяжонланаётганингизни тушунмаяпман. Мен сизни ҳеч бу аҳволда кўрмаган эдим. Сиз мени ажаблантираяпсиз ва ҳатто ҳавотирга солаяпсиз.

— Мени француз билан учрашув издан чиқарди, ер ютсин уни!

— У ҳолда савдогарни нима қилган бўлсангиз, у билан ҳам шуни қилишингиз керак эди.

— Унинг қандайдир бир шайтон эканини ўзингиз ҳам биласиз-ку. У ҳеч биримизга ўхшамайдиган кучли ва эпчил.

— Буни қўйиб тулинг! Мен сизни тушунмаяпман! Бу тентак сизни дуэлга чақирибди, сиз эса у билан отишиб, ўқингиз хато кетишидан кўрқиб бормаган тентаксиз. Бунинг устига яна ўзингиз ёқтирган қизнинг отасини ўлдириб қўяй дегансиз. Энди эса ўтириб олиб ракибингизни мактаб ёғибсиз ва у биздек мардоновор одамлардан юқори турилишини айтаяпсиз! Мен эса ҳеч қачон бундай деб ўйламайман! Сиз шунчаки кўр экансиз!

— Етар! Гапириб бўлдингизми? Бироқ у биргаликда биз ҳаммамизни қўшиб ҳисоблаганда ҳам кўрқиб кетмади ва сизнинг юзингизда бунинг етарлича исботи қолди. Корнелис, мисол учун сени олсак. Сен, ўзингча кеккайгансан, у эса шундай кўзингга револьвер ўқини санчиб қўйди...

— Баҳслашмайман, мўлжалга жуда аниқ отди. Хўш, нима қилибди? Мен ҳали у билан ҳисоб-китоб қиламан...

— Питер, сиз-чи? Нега яна бориб ундан қиличини сизнинг бошингизга уриб синдирилишни сўрамаяпсиз? Аҳмоқ! Шунинг учун ҳам сиздан жажим чиқаяпти, ахир аламингизни олиш учун сизда ҳамма имконият бор эди, сиз эса...

— Сиз афтидан, у жуда усталик билан орқага қочганини унутдингиз шекилли, — Клаас деб аташган эркак эъғироз билдирди. — Бутун уч ҳафта давомида бизнинг айёрлигимизни сезиб, тузоғимизга тушмай ва кўзимизга ташланмай юра олди. У худди бу жойларни биздан кўра

яхши биладиганга ўхшайди. Ва ниҳоят, қўлга тушишга қўйиб берганда, иш шу билан тугадики, иккита одамимиз ўша ерда қолди. Унинг ёнида яна у асраши керак бўлган аёл ҳам бор эди. Мен сизларни ишонтириб айтаманки, у одам эмас, иблиснинг ўзи!

– Сиз ундан қандай қилиб қутулиб қолганингизни билсак бўладими?

– Албатта! Мен қилган ишларимни айтиб бериш ва келажакдаги режаларим билан таништириш учун сизларни бу итнинг уйига таклиф қилганман.

– Гапиринг, эшитамиз.

– Яхши. Фақат сиз, руҳоний ҳазратлари, ҳеч қандай хавф-хатар йўқмикин, атрофни қараб келинг. Чунки сизнинг кўзларингиз мушукники каби ва эшитиш қобилиятингиз эса тоғ эчкисиники каби ўтқир. Унгача мен томоғимни чайқаб олиб, фикримни бир жойга жамлаб тураман.

Шу пайтгача жим ўтириган тўртинчи кимса ўрнидан туриб, худди овга чиққан йиртқич ҳайвон каби овоз чиқармай юриб, узоклашди.

Ҳали ярим тун эди. Тонг отгунча камида икки соат бор. Биз сизга тасвирлаб бераётган мажлис чиндан ҳам Клаас толиб гапиргандек – итнинг уйидек жойда ўтаётган эди. Бир нечта тахта бир амаллаб қоқилган, уларнинг орасидаги тешиқлар сомон қўшиб қорилган лой билан бир амаллаб беркитилиб, том ўрнига ярим чириган барглари билан беркитилган эди, холос. Жиҳози ҳам шунга яраша. Ўрин ўрнига бир тўплам барг, стуллар ўрнига буқанинг калла суяги – тирсак қўйиб ўтириш учун шохлари билан; стол ўрнига устида мой шам томчилаб турган пўстлоғи тозаланмаган тўнка. Учта баҳайбат узунстволли милтиқ деворга суяб қўйилган. Бу милтиқлар бир юз эллик йилдан бери ўз кўринишини ўзгартирмаган машҳур Голландия милтиқлари эканини билиш қийин эмас. Трансвааль ва Апелсинранг республикасида колонистлар бу милтиқларни авлоддан авлодга ўтказадилар ва ҳозирги за-

монавий техниканинг имкониятларига қарамай, улардан хали ҳануз фойдаланиб келишади.

Бу бечора қолоқ одамлар қилган ягона ўзгариш шу бўлгандики, улар тепкили тизимни киргизишган эди. Бунинг учун ҳам икки авлоднинг қаттиқ меҳнати кетган. Албатта, бу эски темир лом замонавий карабин билан ҳеч қанақасига баҳслаша олмайди, бироқ бурлар каби ажойиб мерганлар қўлида у жуда хавфли. Стол устида кап-бренди солинган катта буқанинг шохлари турар, ерда эса ҳар бирига уч ойлик бузокчани солиш мумкин бўлган сумкалар ётарди.

Бу бухайбат милтиқ ва бутун бир взводга ичириш мумкин бўлган арақ кетадиган бу шохлар эгаларининг гавдалари учун жуда мос келарди. Хонада ёшлари ўн тўққиздан ўттиз беш ёшгача бўлган учта паҳлавон бор эди. Бизоннинг гиппопотам билан чапишгани. Бўйлари олти футдан. Хунукдан хунук оёқ-қўллар ёпиштирилган узун, дуб-думалоқ, оғир гавдалари уларни бошқа аср ва бошқа тоифа одамларга ўхшатиб турарди. Қайноқ Африка қуёшида куйган юзлари Гвиана ва Катта Малай ороллари креолларига хос бўлгандек оқариб кўринмасди. Бу кенг ва соддадек кўринган юзларда йирик териси қалинларга хос бўлган кўполлик ва қаҳри қаттиқлик ҳам сезилиб турарди.

Учалаларининг эғида бир хил куртка ва учоқлари сарғиш чармдан иштон кийишган. Кўйлаклари тикандан илма-тешиқ бўлиб кетган ва ёғ қон доғлари бор — одам ва хайвонлар қони. Учала гигант ҳам бир-бирига жуда ўхшашади. Бироқ иккитасининг ҳеч ўчмайдиган алоҳида бир белгилари сабаб уларни чалкаштириб бўлмайди. Бу алоҳида белгилар. исми Клаас бўлган шахс шама қилган даҳшатли курашнинг натижаси.

Корнелис — кийшиқ. Унинг чап кўзи ўрнида, афтидан, мушкетдан отилган ўқ изи бўлса керак, кўркинчи бинафшаранг яра ўрни бор.

Питернинг бошида кошидан бошининг тепасигача худди фарк очилган каби ва сочини бир хил икки қисмга бўлган чандик кесиб ўтган. Бу чандикнинг кўриниши одамга мустаҳкам қўлдаги бакувват ханжарни эслатади ва айни пайтда синовлардан қўрқмайдиган мия чаноғини ҳам ёдга солади.

Клаас кайфияти йўқ пайтида айтган бир неча оғиз сўз бу иккала пластик жарроҳлик Альбер де Вильержоннинг асари бўлса керак, деб тахмин қилишга мажбур қилади. Уччалари индамай ўтиришибди: разведкачиларининг қайтиб келишини кутишаётган бўлсалар керак. Бирданига улар бир вақтнинг ўзida, бир хил аниқ ҳаракат билан шохни оладилар, очадилар ва баланд кўтариб, ҳайвонлар чанковини қандай қондирсалар. шундай товуш чиқариб, шохнинг ичидагини шундайгина томоқларига қуядилар.

Айни шу пайтда уларнинг шериклари ер остидан чиққандек пайдо бўлди. Унинг пайдо бўлиши мўъжиза каби эди: оллоҳнинг бу бандаларининг ҳар бири ўта зийрак эканликларига қарамай, шерикларининг яқинлашганини ҳеч бири сезмаган эди.

– Эҳе, руҳоний ҳазратлари! – баланд овозда кулиб, хитоб қилди қийшиқ Корнелис. – Қаердан пайдо бўлиб қолдингиз? Тўғри, менинг кўзим битта, бироқ у жуда яхши кўради ва менинг эшитиш қобилиятим эса истаган кафрникидан ҳам яхшироқ...

Кириб келган одамнинг юзида бир сониягина жилмайишга ўхшаш ифода пайдо бўлди, кейин эса шу заҳотиёқ ҳеч нарсани ўтказмайдиган никобга айланди. Бу одам қолган учта шеригининг бутунлай акси эди. Агар қолганларнинг бир қарашда бурлар эканлигини билиш мумкин бўлса, бу одамнинг юзидаги ҳар бир чизик у метрополия аҳолиси эканлигини кўрсатиб турарди.

Ушбу меҳмон шунчалик ориқ эдики, афтидан, совук ҳавода суяклари зиркираса керак. У худди гижжага ўхшарди ва оғирлиги юз фунтдан кўплиги амримаҳол эди. Эгнидаги гижим бўлиб кетган сюртук ва ёнғоқ рангидаги иштони унинг ориқлигини баттар чертиб кўрсатарди.

Рухонийнинг кийими бу ҳолатни тўлдириб турган баланд цилиндр билан янада ғалати ва кулгили кўри-наётганди. Бироқ унинг иккита кичкина тешикдан совуқ ўқрайиб қараб турган пўлат каби кулранг кўзларини, эжин босган соқолсиз юзини, юзидаги қотиб қолган ир-жайишини кўрганда одамнинг ҳазил қилиш хоҳиши ҳам йўқоларди. Худди лаблари йўқдек юмук оғзидан совуқ ифода уфуриб турар, юнгли катта кулоқлари эса бу ба-шара бир вақтнинг ўзида ҳам кулгили ва ҳам қўрқинчли қилиб кўрсатарди.

У Корнелисга ҳеч қандай жавоб қайтармай, бармоғи-ни шакиллатди. Чиккан товуш қастанъетнинг шиқирла-шига ўхшарди.

— Ҳеч ким йўқ, — паст овозда деди у, — гапирса бўла-ди. Нельсонс-Фонтейн конида хотиржамлик. Ҳали олди-мизда тонггача икки соат вақтимиз бор. Керагидан ҳам ортиқ.

— Бизни ҳеч ким эшитмаяптими?

— Мана энди! — бепарволик билан деди у. — Бизнинг кулбамизни кўриқлаб турган уч қатор тикан буталари орасидан қандай аҳмоқ ўтиб келади бу ерга? Сиз ўзингиз зўрға топган ўтиш жойини ким ҳам топарди? Ва ниҳо-ят, бир бечора рухоний учта энг хавфли бандит билан учраиши кимнинг ҳам хаёлига келади? Вақтни бекорга ўтказмайлик. Клаас, гапиринг. Бутун экспедициянгизни бизга тасвирлаб беринг, ҳеч нарсани қолдирманг. Мен ҳаммасини билишим керак. Бизнинг хавфсизлигимиз ва келажакда эришадиган бойлигимизнинг ҳимояси ишонч-ни талаб қилади.

— Бебаҳо сўзларни айтдингиз, рухоний ҳазратла-ри! Ишга ўгаман. Бизда ҳеч қандай маблағ йўқлигини қайтариб ўтишим шарт эмас, менимча. Сиз ишларимиз жуда ёмон кетаётгани ва бизнинг кичкина корхонамиз-га номаълум бир вақтгача ишсизлик хавф солаётганини мендан кўра яхшироқ биласиз. Олмосларни кам қазиб олинаётгани йўқ, — аксинча. Бироқ олмос қидирувчилар

эҳтиёткорроқ бўлиб қолишди. Маклерлар тиш-тирноғига курулганишган ва ёлғиз юришмайди, полициячилар эса олдингидан ҳам зийракроқ бўлиб қолишган. Ҳамма кўрқади, молларнинг олиб чиқиб кетилиши жуда қаттиқ кўрикланадими. Бу тошларни куч билан қўлга киритиш ҳақида ўйлашнинг ҳам ҳожати йўқ. Худди шундай қилиб оғирга айёрлик билан кириб олиш тўғрисида ҳам ўйлашнинг ҳожати йўқ: сизни шу заҳотиёқ тутиб олишади ва Линч ҳукмига тапшашади.

— Клаас, оғам менинг, сиз худди минбардан туриб гапирётганга ўхшайсиз!

— Жим! — кескинлик билан деди воиз. — Гапимни бўлмаг, бўлмаса гапимнинг учини йўқотиб қўяман. Гап шундаки, биз ўзимиз айбдормиз. Биз меъёрни унутиб қўйдик. Шундай эмасми, руҳоний ҳазратлари? Агар сиз бўлмаганингизда биз аллақачон дорда осилиб турган бўлардик. Бироқ сиз, қари мутгаҳам, сиз — бизнинг башоратчимизсиз. Сиз орқалигина биз ҳар куни, ҳар соатда қонда нималар бўлаётганини билиб юрдик. Қандай ишлар ва қачон қилиш кераклигини сиз бизга кўрсатиб турдингиз. Бунда сизга кўрқмай ўзлаштириб олганингиз сизнинг руҳонийлик хизматида эканлигингиз ёрдам берди. Бунинг устига яна сиз усталик билан ўзингизнинг диний фаолиятингизни ҳам олиб бордингизки, бирортаси бу Яратганинг хизматчиси Ғарбий Европадаги энг ифлослардан бири эканлигини сезгани ҳам йўқ.

— Кейин! — унинг гапини бўлди ичида ўзининг хизматларига тан берилганидан хурсанд бўлган руҳоний.

— Мен шунчаки бизга шу пайтгача раҳнамо бўлиб келган ва яхши ўйлаб топган режалари туфайли бизлар бойликка эга бўлганимиз одамга ҳурматимни бажо келтирмоқчи бўлаётган эдим...

— Бироқ, бу бойликлар мустаҳкам эмас! Агар сизлар бутун колониядаги энг инъиянста ва энг таниқли қартабоз бўлмаганингизда ҳозир сизлар лордлар каби бой бўлган бўлардингиз...

– Сиз-чи? Агар сиз ҳозир бизга такаётган ва яна бошқа ҳамма ёмон фазилатларга ёлғиз ўзингиз эга бўлмаганингизда эди, ҳозир сиз губернаторнинг ўзидан ҳам кам бой бўлмаган бўлардингиз.

– Нима ҳам килардик, – эътироз билдирди руҳоний. – Инсон – хато килишдан ҳоли эмас. Шунинг учун ҳам биз бир чакасиз ва келажакка умидсиз қолдик.

– Менда эса режа бор! Мен бу ерга Кейптаундан келганимни, у ерда охириги операцияларимиз натижалари бўйича келишиб олганимни аллақачон эшитгансизлар. Арзимаган пул. Бироқ мен тасодифан мистер Смитсон кизи ва куёви билан тўхтаган меҳмонхонага бориб қолдим. Бу аёл менда қандай таассурот қолдирганини тасвирлаб бера олмайман! У менинг тушларимга кириб чиқади. Ўша одам, ўша француз де Вильрож ҳам менда катта таассурот уйғотди. Дунёда ҳеч ким йўқки, мен ундан нафратланганимчалик нафратлансам. Эҳ, маза қилиб кўкрагига пичоқ тикиб, кавлаган бўлардим!

– Клаас, биродар, майдалашиб кетаяпсиз!

– Мен майдалашиб кетаяпманми ёки иккита нарса – муҳаббат ва нафрат, мени кўр қилиб қўйгани сабаб олмос ўғрилариининг кизиқишларини эсимдан чиқариб қўйдимми, яқинда ўзингиз кўрасиз. Мистер ҳам, Смитсон, унинг яқинлари мен уларнинг ёнгиналарида эканлигимга шубҳа қилишмади. Мен эса уларнинг ҳар бир қадамини кузатдим, уларнинг ҳаёти билан яшадим, уларнинг сирларини билиб олдим. Мен, қўпол одам, гўё фақат гиппотамнинг изидан боришгагина лойиқ оқтанли ёввойи, катта шаҳарда ўзимни шу саҳрода қандай эркин сезсам, шундай эркин сезиб юра олдим.

– Ниҳоят! Тангрига шукур!

– Гап шундаки, улар ҳам ҳеч қандай маблағсиз қолишди. Ва улар ҳозир дунёда ҳеч ким ишонмайдиган, мен эса ишонадиган гирт хомхаёлдан бошқа ҳеч нарсага умид қилишмаяпти.

– Айтинг, Клаас! – унинг гапани бўлишди қизиқиб қолган тингловчилар.

– Сизлар қаердадир Замбезида, унинг остонасидан узоқ бўлмаган жойга яширилган кафр қиролларининг хисобсиз хазиналари тўғрисидаги афсонани эшитганмисиз?

– Бечора ақлдан озибди, – унинг гапани бўлди руҳоний, – биз эса унинг аҳмоқона гапларини эшитиб, вақтимизни йўқотаяпмиз.

Клаас елкасини қисиб қўйиб, бемазадан-бемаза ичкиликни оғзига қуйди-да, совуққина қилиб гапиришда давом этди:

– Бойлик ҳақидаги сирни уларга кафр Лакми айтган. Сиз бу ажойиб одамни билардингиз. Мен уни ўчоқ устида ушлаб, оёғини қиздирган эдим, бироқ ҳеч нарса била олмагандим. Уларда эса бу жойнинг харитаси бор, буни яхши биламан. Ва улар ана шу хазинани топишларига ишончлари комил. Шу даражада ишонишадикки, ўша аблах Вильрожнинг ўзи хазинани қидириш учун йўлга чиқди. Мен уни кўздан қочирмай, билдирмасдан кетидан кузатиб бордим. У кеча кечқурун Нельсонс-Фонтейнда бўлди. Мен унинг ўша ерда бир француз билан гаплашганини эшитиб қолдим. Вильрож уни шерикликка олди. Ҳатто, уларнинг чодирда нима ҳақида гапиришаётганларига қулоқ сола туриб, бошимдан ўқ еб қолай дедим. Агар бир оз бўлсада бу гапларга шубҳам бўлганда, эшитганларим бу шубҳанинг таркалиши учун етарли эди. Хазина чиндан ҳам борлигига шубҳа йўқ ва улар хазинани албатта топишади.

– Ҳўш, демак, ҳаммаси тушунарли. Уларнинг изидан бориш керак, улар хазинани топишгандан сўнг уларни ўша юкдан халос қилиш керак. Энг осон йўллар ҳамиша энг тўғри йўл бўлган.

Клаас истехзо билан илжайиб қўйди ва қаддини ғоз тутиб, атрофдагиларга кўз ташлади.

– Уларнинг кетларидан судралиб юриш камлик қилади – уларни кузатиб юриш керак бўлади. Шундай нар-

сани ўйлаб топиш керакки, улар шуни қабул қилишсин. Бироқ бунинг иложи йўқ — улар бизни яхши танишади.

— Менга эса бу тўғри келади, — деб қўйди бандитнинг ўз-ўзига ишончи таъсир қилган руҳоний.

— Мен ҳам сизга умид қилаётгандим.

— Ва тўғри қилгансиз, дўстим. Мен эса, ўз томонимдан жон-жон деб бир пайтлардаги ёрдамчиларимиз, ғарбий бечуанларни кўриб келаман. Уларнинг орасидан бутун бир армия танлаб, французлар орқасидан қўйиб юбориш мен учун қийин бўлмайди. Шундай қилиб, французлар Жанубий Африканинг энг кучли каллакесарларидан ташкил топган фахрли қоровулларга эга бўладилар.

— Яхши. Мен бекорга сиздан умид қилмаган эканман. Французлар билан учрашув ва уларга қўшилиб олиш йўли жуда осон. Яқинда инглизлар билан кафрлар ўртасида уруш бўлади. Мен буни бир нарсага ишониб айтаяпман. Сизлар эса уруш уларни ўзларининг ерларидан ҳайдагани сабаб, шимолга қараб қочаётган бечора қочоқларни кузатаётган бўласиз.

— Клаас, зўрсиз-ку! Зўр ўйлабсиз!

— Ҳамма гап шундаки, — жавоб берди бандит, — менга кеча-ю-қундуз иккита нарса азоб беради. Севги ва нафрат олдидан мен ҳамма нарсага, ҳатто яхши иш қилишга ҳам тайёрман.

— Бу икки ҳиссиётга сиз очкўзликни ҳам қўшсангиз бўларди.

— Билмадим. Мен севаман ва нафратланаман ҳам. Гап шу, вассалом. Агар, бунга албатта умид қиламан, ўша аблах француздан хазинани тортиб ола билсак, уни бўлишишда иштирок этишани, албатта хоҳлайман. Бироқ, агар менга унинг кўкрагидан юрагини сугуриб олишга қўйиб беришса ва хотиралари мен учун ширин тушга айланган кимсани ўз ҳукмронлигимга ола олсам, мен ўз улушимдан воз кечган бўлардим.

— Жуда ҳам яхши! — деди руҳоний. — Мен бугуноқ йўлга тушаман, Бакалаҳарида йигитларимизни йигаман,

французларга етиб оламан, нима килиб бўлса ҳам уларнинг ишончларини қозонишга ҳаракат қиламан. Ўнг-у – чапга қарамай дуо ўқийман ва ниҳоят уларнинг ажралмас йўлдошларига айланаман. Сиз эса бу пайтда нима қилмоқчисиз?

– Корнелис ва Пинтер шу ерда қолиб мени кутишади. Мен эса Кейптаунга қайтаман.

– Ҳеч нарса тушунмаяпман!

– Икки оғиз сўз. Қисқа гапираман, чунки вақт кутиб турмайди. Вильержнинг хотинини шаҳардан кетказиш керак: у ерда аёл хавфсизликда. Бу ерга келсин. Йўлда унга ташланиб, ўғирлаб кетиш – арзимаган иш.

– Шубҳасиз шундай. Бироқ сиз уни қандай қилиб йўлга чиқишга мажбур қилмоқчисиз?

– Бу ҳақда эса, руҳоний хазратлари, сиз қайғурасиз. Мен ўзим ёзишни ҳам ўқишни ҳам билмайман, сиз эса ҳозирок менга хат ва газетага эълон ёзиб берасиз. Сизда қогоз ва ёзадиган нарса борми?

– Топилади.

– Яхши! Менга Вильерж гўё оғир яралangani учун кимгадир айтиб туриб ёздирган хатни ўқиб бсринг. Ахволи оғирлигини, унга қараб туришларига муҳтожлигини ёзинг. Хатни олиб бориб беришни мен ўзимга оламан. У хатни олгач, шу заҳотиёқ йўлга тушади.

– Хўп. Газетага мақола нима ҳақида?

– Савдогарнинг ўлими ҳақида. Ва айбни французга тўнкаш керак.

– Бунга ҳеч ким ишонмайди.

– Эълон матбуотда аёл шаҳардан жўнаб кетганининг эртаси кун чикади. Аёлнинг бирдан шошилиб жўнаб кетиши худди қочишга ўхшайди ва шубҳа туғдиради.

– Шошманг! Сиз ахир бутун бир тўда полициячиларнинг эътиборини тортасиз-ку.

– Нима бўлибди! Сиз уларнинг нималигини мендан яхши биласиз. Улар ёмонлик қила олишмайди.

– Режангиз қандай?

– Вильрожнинг колонияга кира олишини вақтинча бўлса ҳам тўхтатиб туриш. Хотини бизнинг қўлимизда бўлгандан сўнг ўз айбини исботлашга унинг вақти бўлмайди. Хотинини озод қилиш учун у ҳамма йўлини қилади, бироқ у ҳаракат қилишлари учун инглизларга ҳам бурларга ҳам мурожаат қила олмайди, чунки уни шу заҳотиёқ қотилликда айблаб, қамоққа олишади.

– Дўстим Клаас, айтганларингизга ҳеч қандай қўшимча қилишнинг ҳожати йўқ. Мана сизга иккала қоғоз. Газетага эълон узунасига тахланган, хат эса тўртбурчак қилиб. Алмашгириб юборманг.

– Хотиржам бўлинг. Энди эса дам оламиз. Тез орада савдогарнинг ўлдирилгани ва аравасига ўғри тушгани маълум бўлади. Мен ҳам ўша ерда бўламан ва полицияни янглиш йўлга солиб юборишга ҳаракат қиламан.

– Бироқ мастер Вильдан эҳтиёт бўлинг. Айтганча, фургондан бирор арзирлик нарса топдингизми?

-- Арзимаган нарсалар. Бироқ гап бунда эмас. Менга жасад, марҳум керак эди. Ва мен уни топдим.

Кеккайган, бироқ кағъий бўлмаган полициячининг ўйлари. — Олдиндан ҳис қила билишга ишонадиган одам. — Ёввойи хайвонлар концерти. — Ким пишқирди — арслонми ёки туяқуш? — Шокол ов қилади, арслон эса ўлжани олиб кетади. — Тажрибали овчининг янги қаҳрамонлиги. — «Ёрдамга!» — Шер оғзида. — Ёлгон (Алахлаш). — Филнинг оёғидан тайёрланган жаркоб. — Доктор Ливингстоннинг Жанубий Африка шерлари ҳақидаги фикри. — Ярадорнинг мастер Виль эканлигини таниган руҳоний ҳазрати олийларининг пайдо бўлиши.

* * *

Нельсонс-Фонтейндан бўлган полициячи мастер Виль ўзини Бирлашган Қиролликлардаги энг чаққон изкуварлардан деб ҳисобласа-да, ҳозир бошига тушган вазифа кутилмаган қийинчиликлардан иборат эканлигига тан беришга мажбур эди. Агар унинг ўз иқтидори тўғрисида гоътда юқори фикрда эканлиги уни бу, очигини айтиш керак, чалкаш ишга қўл уришга мажбур қилган бўлса; бу нарса аввалига, англо-сакслар учун гайри-оддий бўлган ҳол, унга қизиқ туюлган бўлса, аклини пешлаб ўйлаб кўрганда эса бу нарса совуқ душ каби таъсир қилганди.

Сирли қотиллик натижасида тугилган хаяжонлар бир неча дақиқа ичида босилиб, бутун қон яна ўзининг кундалиқ ҳолатига ўтди: белкураклар шиқирлай бошлади; трос бўйлаб ғичирлаганча чарм қоплар тепага чиқиб, пастга туша бошлади; тунгги ҳодиса бир дақиқага қалтирган одамлар илгаригидан-да кўпроқ тиришқоқлик билан ишлай бошладилар. Ташқаридаги нарсалар тўғрисида унча узоқ ўйламаслик учун бу ердаги одамларнинг ҳар бирининг ўз муаммолари етарли эди. Бироқ агар қотил-

ни шу ерда, айб устида тутиб олиб, оломон қилганларида, бошқа гап эди – у ҳолда бу кимсалар бир неча дақиқа айбдорни осишаётганини томоша қилиш учун тўхтаган бўлишарди. Конда ўйин-кулги, томошалар жуда кам! Ҳаётидаги ягона таянчини йўқотиб, етим қолган кизнинг кўз ёшлари билан уларнинг нима ишлари бор? Бу сирли драманинг ечими билан машғул полициячининг жуда ҳам ёқимли бўлмаган хаёллари билан нима ишлари бор?

Созтлар ўтиб борар, бироқ мастер Виль нима қилишни билмаётганди. Бунинг устига ҳамкасблари бу ўзига бино қўйган изкувар устидан кула бошлашди. Уларнинг қўпол ҳазиллари айни пайтда ўзига ҳеч қандай ишончи бўлмасада, йигит ўзини атай катъий ишонч билан тутишига мажбур қилди.

– Майли, майли! – тундлик билан деди у. -- Жўжани кузда санайдилар. Ишларингни қилинглар, мен билан ишингиз бўлмасин. Мен сизлардан маслаҳат ҳам, ёрдам ҳам сўрамаяпман. Менга таътил керак. Улар рад қилсалар ҳам, мен барибир ўрнашиб оламан. Қолган нарсаларни эса ўз қўлимга оламан...

Мастер Виль қаҳрамонона қарор қабул қилган эди. У сумкасига ҳамма керакли нарсаларни солиб, куролини тайёрлади ва отига миниб, йўлга тушди. У бутун олмос даласини айланиб чикди, ҳамма участкаларни қаради, ким кетган, ким келгани тўғрисида ҳаммадан сўраб чиқди ва конга ташқаридан бурлар ва французлардан ташқари ҳеч ким кирмаганига ишонч ҳосил қилди.

Бу ерда мингларча одам ишлаб, улар орасида ушбу жинойтда айблаш мумкин бўлган шубҳали одам етарли даражада кўп бўлса-да, изкувар тинмай ўша уч француз ва бурлар ҳақида ўйлаётган эди. Бу хаёлидан ҳеч кетмаётган ёпишқоқ фикр бўлиб, миясига ўтиришиб қолган эди.

«Нега бундай бўлиши мумкин эмас экан – ўйларди мастер Виль. – Ўша французлар келишди-ю, дарров ғойиб бўлишди. Бу ерда ишлайдигани ўлдирилган одам билан қотиқликдан сал бурун кўришган, тунда эса улар кўздан

йўқолишди. Булар ҳаммаси ёмон фикрларга олиб келаяпти. Бироқ, бошқа томондан, учала бур ҳам афтидан яхшигина муттаҳамлар. Улар нега бу ерга шунчалик киска вақтга келишди экан? Улардан бири менга пичокнинг кинини топиб берди. Нега? Менга ёрдам бериш учунми ёки мени чалғитиш учунми? Бироқ, мен булар ҳаммасини ечиш учун минг бир бўлакка бўлина олмайман-ку? Бурлар бўлинишиб ҳар хил томонга: бири – жанубга, иккитаси – ғарбга қараб кетишди. Французлар эса шимолга йўл олишди. Шимолда уларга нима бор? Мен нима бўлганда ҳам бир режа килиб олишим керак. Бу ерда кўп тура олмайман, акс холда ҳамманинг кулгисига қоламан. Ёки уларнинг, ёки буларнинг изидан бориш керак. Бироқ кимнинг? Бурларнингми ёки французларнинг? Мен кўпроқ французларнинг орқасидан, деб ўйлайман. Чунки қотиллик содир бўлган жойда топиб олган нарсам қотилга тегишли бўлган бўлиши мумкин, менинг бурларим эса бундай қимматбаҳо нарса олиб юриш учун ҳаддан ортиқ кўпол йигитлар. Демак, шимолга қараб жўнаймиз. Ўша ерда мен ҳақиқатни топаман».

Зўрға иккиланишдан тўхтаб, мастер Виль биз кўрганимиздек, қабул қилиши ниҳоят қийин бўлган қарорини мустаҳкамлашга бошлади. Иккиланиб қолгандан кўра хато қилган яхшироқ деб, у агар қидирувлари омадсиз – шундай бўлиши ҳам эҳтимол, – тугайдиган бўлса, хизматини йўқотиши мумкинлигини ҳам ўйламай, йўлга тушди. Ва – бундай нарсаларни тушунтира оладиган одам тушунтириб берсин, – бизнинг полициячимиз яхши сифатларга эга бўлган одам бўлсада, олдин кўнгли сезишларга ишонар ва ярмига янглишарди. Бироқ, афтидан, бу кўнгли сезишлар уни катта хато қилишга мажбур қилиши ҳам тўғри.

Уч французнинг изидан тушиш қийин бўлмади, чунки улар яшириниш ёки изларини йўқотишга уринмаган ҳам эдилар. Полициячи бу бепарволикда жиноятчиларнинг ашаддийлигининг исботини ва шу билан бирга,

улар ўзларини хавфсизликда деб ўйлаётганларини кўргандек бўлди. Англияга тегишли ерларнинг чегарасига-ча ниҳоят икки кунлик йўл бўлиб, мастер Виль французларни ҳукумат ўзининг алоҳида ҳуқуқларини қаттиқ кўриқлайдиган бегона ҳудудда ушлай олмасди. Бирок жиноятчилар – изкувар уларнинг жиноятчи эканликларига шубҳа қилмаётган эди, ундан қутулиб кета олмайдилар. Вильям Саундерс улардан бир қадам ҳам орқада қолмасликка, улар қочиб боришлари мумкин, ҳамма ерда уларни кузатиб юришга, охир оқибат улар эҳтиётсизлик қилиб инглиз ерларига қадам босишлари билан уларни ушлаб, қонун қўлига топширишга қарор қилди. Мастер Вильдек чиникқан одам учун вақт, масофа, камбағаллик, касалликнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ!..

Альбер де Вильрож ва Александр Шони филлар ўлдирилиб, зўр зиёфат бўлиб ўтган дарё бўйида бирдан кўтарилган шовкин сабабини дарров тушуна олишмади. Боғловда турган отлар осмонга сакраб, бўшаш учун бе-самар ҳаракат қилишди ва ниҳоят бир жойда қотиб қолишди. Бирок улар титрашар ҳамда тинмай ўрмон ёқасига қарашар эди. Ҳозиргина анча-мунча еган гўштлири натижасида оғирлашган қоратанлилар эса қаттиқ ухлаб туриб, энди зўрға кимирлашаётган эди.

Биргина йўлбошловчигина совуққон эди. Учала европалик ҳамма жасур одамларга хос хотиржамлик билан қўлларига қуролларини олишар экан, йўлбошловчи юзини оппоқ булутлар қоплаган ой зўрға ёритиб турган қалин ўсган чакалакзор томонни кузатишга ҳаракат қиларди. Бир неча дақиқа жимлик ҳукм сурди, кейин эса тун сукунати ичра йиргкич ҳайвон унинг тинчлиги бузилганда бўкирадиган товуш каби товуш янгради. Сўнгра бу қаттиқ гумбир-гумбир бўғиқ бўкиришга ўтиб, бу товушдан барглр ҳам титрай бошлади, ва бизнинг кўрқиб кетган эмас, бу нималигига қизиқиб қолган европаликларимизнинг ҳам қулогини қоматга келтирди.

– Шер... ёки туякуш, – бузук англиз тилида деги қоратанли йўлбошловчи.

– Қанақасига – туякуш? – Хайрон бўлиб сўради Александр. – Шу туякушми?

Унинг гапини қаттиқ шовқин товуши бўлиб қўйди. Ўтиб бўлмайдиган қуюқ ўтлар орасида товушлар бўрони кўтарилди. Ҳозиргина эшитилган бақирик бу бўрон учун сигнал экан. Бу товуш худди узокда эшитилган момакалдирок товуши каби кирғок бўйлаб гулдираб эшитилди.

Бу даҳшатли товушларнинг кучи шунчалик эдики, худди яқин орадан жуда қатта тезлик билан поезд ўтаётганга ўхшарди. Бу даҳшатли товушлар ўнгдан, чапдан келар ва сайёҳларимиз кўзга кўринмаётган бу мусиқачилар уларнинг қўналгалари атрофига жойлашганини яхши тушуниб туришганди. Уларнинг кўплигини сезиш қийин эмас эди.

Нихоят, фанфара ва бошқа пуфлаб чалинадиган мусиқа асбобларининг чинкирок товушига ўхшаган баланд ноталарда кичкирик товушлари янгради.

– Бу туякуш эмас! – Александрнинг қулоғига кичкирди йўлбошловчи. – Бу шер!

– Нега?

– Мен шоқолнинг овозини эшитаяпман. У шер овлашга чиққан.

– Битта шер шунча шовқин кўтарган бўлиши мумкин эмас. Беш-олтитадан кам бўлмаса керак.

– Сен ҳақсан. Бироқ уларни дарахтлардаги бельтонг ва ўрада димланаётган фил оёғидан тайёрланаётган жарқоннинг хиди ўзига тортаяпти.

– Бироқ сен айтаётган анави шер...

– У сардор. У буюк шер ва у фақат тирик ўлжани ейди. У ҳозир кийик ёки буйволни қувлаяпти. Шоқол уни худди ов ити каби уларнинг изидан олиб кетаяпти.

– Биз энди нима киламиз?

– Ҳеч нарса. Бизга ҳеч нарса таҳдид қилмаяпти. Шер бизга ҳамла қилмайди. Улар одамдан, айникса октанли одамдан жуда қўрқишади.

— Сен мени хайрон қолдираяпсан. Бирок бу муҳим эмас. Нима бўлганда ҳам, одамни бундай йўл билан уйғотиш жуда ҳам ёқимли эмас. Агар бу бакирокларнинг биттасинигина бўлса ҳам бундай қоронғиликда кўра олсам эди, уни жим бўлишга мажбур қилиш учун маза қилиб тўппончамдан отган бўлардим.

— Ана, қара!..

Ойни тўсиб турган булутлар тарқаб, ўтлок кундуздек ёп-ёруғ бўлиб кетди. Йигит ўзидан ўттиз қадамча нарида худди тўнкадек кимир этмай турган нарсани ва у нарса орқа панжаларида савлат тўкиб ўтирган шер эканлигини сизди.

Александр жуда ҳам ҳиссиётга берилувчан одам эмас эди, бирок ҳозир у ҳам шошиб қолганди.

Бу қанақаси? Унинг ўқларига ўзини бемалол тутиб бераётган ўлжа Африканинг буюк кироли, ўрмон ва водийларнинг даҳшати бўлган шерми? У, яъни тақдир тақозоси билан Калахари саҳросига ташланган камтаргина француз йигити буюк овчиларнинг қаҳрамонлигини қайтара оладими? Атиги йигирма соатча бурун ўзи баҳайбат, кучли, айёр, деярли зарба етказиб бўлмайдиган филни отган эди, энди шерни отадими?

Александр секинлик билан карабинини кўтарар экан, унинг миёсида тасвирлаш жуда узоқ бўлган шу каби ҳаёллар чакмоқ тезлигида пайдо бўлди. У нишонга олар экан, ҳайвоннинг бошининг қоқ тепасида мўлжални кўрди. Қурол йигитнинг қўлида икки сониягина кимир этмади, сўнгра қўндокдан олов чиқди. Кўз олдидида ҳали қуюқ тутун туриб, у ҳали ҳеч нарса кўрмаётган эди, олтмиш беш граммлик катта ўқдан яраланган баҳайбат шер эса ўн метрча олдинга сакраб, оғриқ ва алам аралаш товушда бўкирганча, ағанаб тушди.

— Александр, қойил! — бақирди Альбер де Вильрож. — Зўр отасан-да, жин урсин! Гаров ўйнайманки, сен бу ширингина мушукнинг қоқ қалласига тегдинг. Унинг биланглашини томоша қилгин! Башарасини бармоқлари

билан сиқишини кара, худди кўргошин бўлагини юлиб олмоқчига ўхшайди! Дўстим, бекорга ҳаракат қилмай кўя қол: бу ўқнинг орқасида ўн беш грамм нозик порох бор эди.

Отилган ўқ овози ҳамма ёввойи ҳайвонларни вақтинча жим бўлишга мажбур қилди. Улардан баъзилари, афғидан бу нима эканлигини яхши билишарди. Фақат яраси жуда оғир шергина борган сари гиниб бораётган товушда инграб ётарди. Александр патронини алмаштириб, иккинчи марта отиш учун ҳозирланганда ундан бир неча кадам нарида шохларнинг қисирлаши ва даҳшат тўла қичқирик эшитилди. Учала француз қотиб қолишди. Шерларнинг қанчалик яқин турганини эсга олсак, ёрдам сўраб бақираётган бечорани тамом бўлди, деб айтиш мумкин эди.

– Бу ёққа! Ёрдам беринглар! – қичқирарди у. – Ўла-япман!

Жасур, бироқ мулоҳаза қилиб ўтирмайдиган Альбер қичқирик овози келаётган томонга югуришга тайёрланар экан, елкасида Александрнинг оғир қўлини ҳис қилди.

– Дўстим, ўзингни бос! Аниқ кўриниб турган ўлимга бормоқчимисан?

– Бунинг устига бефойда, – қўшиб қўйди Жозеф.

– Ёрдам беринглар!

Қичқирик охириги марта эшитилиб, сўнгра жимлик чўкди.

Шундан сўнг оғир тана йиқилганда чиқадиган шовкин эшитилди ва оғзида қандайдир оқ масса кўтариб олган катта шер ўтлоқни кесиб ўтди. Учала йигит қотиб қолишди: улар мушук сичқонни кўтариб кетгандек снгилик билан шер осонгина кўтариб кетаётган нарса одам танаси эканлигини сезиб қолишганди.

Альбер ўйлаб ҳам ўтирмасдан карабинини ола солиб ва ҳатто нишонга олиб ҳам ўтирмай, ўқ узди!.. Ахир зарур бўлиб қолган дақиқаларда ўйлаб ҳам ўтирмай, тўсатдан ва бунинг устига аниқ қилиб қайси ҳақиқий овчи ўқ узмаган!

Ўқ овози шерни бирдан тўхташга мажбур қилди. У оғзидаги ўлжасини ташлаб, аста ўтирди. Бошини тўғри тутиб, оғзини катта очди ва кутилмаган рақибларига қараб кўрқинчли овозда бўқирди ва тирноқларини тириклик нишонаси кўринмаётган бечоранинг танасига ботириб, унинг беҳуш танасини ерга қориштира бошлади.

Альбер, Жозеф ва Александр хотиржамлик билан шерни нишонга олишди.

— От! — буюрди Александр.

Учала отиш биттадек қўшилиб кетди. Хайвон худди от орқа оёқларида тик турган каби бутунлай қаддини ростлаб, орқа панжаларида орқага тисарила бошлади, учтўрт кадам ташлаб, сўнгра йиқилди.

Йўлбошловчининг жон бераётган хайвоннинг олдига бормасликни сўраб ялинишларига қарамай, учала йигит ерда чўзилиб ётган бечоранинг олдига қараб югуришди. Альбер шерни ўлдирар экан, Александр ярадорни кўтариб гулхан олдига олиб келди. Бечоранинг бутун бадани қонга беланган бўлиб, афтидан хайвоннинг тиши ботган бир қўли осилиб ётарди.

Бир неча томчи совук сув уни ҳушига келтирди. У кўзларини очиб, ўзини қутқарган одамга кўз ташлади-да, яна юмиб олди. Шундан сўнг нималардир деб, алаҳлай бошлади. Қизиги шунда эдики, унинг алаҳлаб айтаётганлари ҳозиргина ўзи зўрға кутулиб қолган ҳодисага боғлиқ эмас эди. Афтидан уни қандайдир сирли қотиллик хотиралари қийнаётганга ўхшар, у қурбон ҳақида, Линч суди қоидалари ҳақида, полиция ва қотиллар ҳақида гапирарди.

— Бу бечорани нима қиламиз? — ярадор атрофида айланиша туриб, деди Альбер.

— Ўзим ҳам билмайман, — жавоб берди Александр. — Бир томондан биз уни ўзимиз билан олиб кета олмаймиз: минадиган нарсамиз ўзимизга ҳам етмайди, бироқ бошқа томондан уни ташлаб ҳам кета олмаймиз.

– Мен ҳам шундай деб ўйлаяпман.. Менимча, унинг қўли синган. Ҳозир шина қўйишга ҳаракаат қиламан. Кейин, агар ўтира олса, отларимиздан бирига ўтказиб, энг яқин станцияга олиб борамиз.

– Бирок бу ташландиқ жойда, яна шундай кечада у бу ерда нима қилиб юрган экан?

– Балки, қотиллардан қочгандир. Бу ерда бир гап бор.

– Балки бу виждони қийналаётган жиноятчидир? У ерда қолдирган одамларимиз турли-туман тоифадаги одамлар эканини эсдан чиқариш керак эмас...

Альбер нотаниш эркакнинг синган қўлини боғлаб қўйишнинг ҳеч эпини қила олмай, жаҳл билан қўлини силтади.

Шунда қоратанли йўлбошловчи унинг қулоғига шивирлаб деди:

– Бошлиқ, менга қулок сол ва бир дақиқа кутиб тур. Бу октанлининг қўлини мен бизлар қиладигандек қилиб боғлаб қўяман.

– Марҳамат! Мен уни бекор қийнаяпман, шекилли. Яхши ҳам яна ҳушини йўқотди.

Қоратанли дарахтзорни яна бир қўр қўздан кечирди, кейин эса йўғонлиги нотаниш эркакнинг қўлидек бўлган ёш дарахтни кўриб, унинг пўстлоғида бир нечта чизик кесди ва энгиллик билан уни сидириб олди. Кейин ана шу пўстлоқ билан ярадорнинг қўлини ўраб, лиана билан боғлаб қўйди.

Бу бизнинг жаррохларимиз кенг фойдаланадиган шинага ўхшаш содда, бироқ ақлли аппаратнинг қўйилиши ярадорга бир оз енгиллик берди. У қимирлаб, ичишга нарса сўради, ишоша-пиша бир неча қултум ичиб, шу заҳоти ухлаб қолди.

Бу пайтга келиб эса ўтлоқни тайёр бўлган жаркобнинг хиди тутиб кетганди. Жозеф бунга эътибор бериб, бутун бошларидан ўтган бу ҳодисалардан кейин оёқат егиси келаётгани, чунки бу воқеалар уйқусини қочириб, иштаҳасини бўғганини айтди.

– Сен тўппа-тўғри айтаяпсан! – деди Альбер. – Кеча эндигина еймиз деганда тайёр тўнғиздан воз кечишимизга тўғри келганди. Ҳозир мен ҳам фил оёғини татиб кўришимиз керак, деган фикрдаман.

Ҳеч тиниб тинчимайдиган қоратанли йўлбошловчи ўранинг устида ётган чўғларни олиб ташлаб, жуда ҳам эҳтиёткорлик билан ўрадаги ерли аҳолининг миллий таомини олди. Териси қалин ҳайвоннинг оёқлари шишиб кетиб, таниб бўлмас даражада бўлиб қолган эди. Бирок кўриниши иптэха очар даражада бўлиб, жуда мазали хид таралаётган эди.

– Ахир бу қироллар ейдиган овкат-ку! – оғзини тўлдирди туриб, хитоб қилди Альбер.

– Бу императорлар, ҳокимлар, набоблар овқати! – дўстининг гапини маъқуллади Александр. – Айиқнинг панжалари бир чақага арзимади!.. Трюфель билан пиширилган чўчка гўшти бунинг олдида бир чақага арзимади!..

– Йўк, замонавий Лукуллалар ҳеч қачон ўз дастурхонларида бундай ширин овқатни кўрмайдилар! Бундай нарсани ҳеч қандай олтинга сотиб ола олмайдилар...

– Фил каби шундай кўпол, танаси оғир ҳайвондан шундай нозик ва ажойиб овқат қилина олиши ақлга сиғмайди.

– Агар ўрмонлар кироли деб аталмиш тўрт оёқли ҳайвон ҳам мана шу овқатдан келаётган муаттар исни ҳидлаш учун келган бўлса ажабланмаган бўлардим.

– Чиндан ҳам! Мен мана бу овқатимизга берилиб кетиб, ёввойи ҳайвонлар ҳақида унутиб қўйибман. Йўлбошловчимиз октанлиларнинг кўринишининг ўзиёқ шерларни кўрkitиб юборади, деб таъкидлаган эди. Ўт устида думалаб ётган анави бечорага қаранглар – ана сизларга ишончли раддия.

Бу гаплар инглиз тилида айтилганди ва ўзини камситилган деб ҳисоблаган қоратанли йўлбошловчи ўзига хос овозда деди:

– Дауд исмли обрўли бир октанлини яхши эслайман. У шерларнинг кўрқок эканлиги ва улар кучсизларгагина ёпишишини яхши билар эди. Эчки ёки антилопани сўйиш ҳам қахрамонлик бўлибдими? Мен, масалан, Дауд ва Ма Роберларни Ньями кўлига кузатиб борган эдим. Кичкинагина буйволга иккита шер ёпишган эди. Буйволнинг онасига ёпишишга кўркишганди. Бироқ у шерлардан бирига ҳужум қилиб, шохига илиб олган ва биттада ўлдирган эди. Иккинчи шер эса кўрқокларча қочиб қолган эди. Бошқа бир сафар эса Дауд бута остида ухлаб ётган эди. У менинг қабиламдаги иккита эркак ўртасида ётганди. Улар оловни ушлаб туришни унутиб қўйишиб, олов ўчиб қолган экан. Бирдан шер келиб қолибди. У бўкира бошлабди, бироқ ўзидан бир неча қадам нарида ётган одамларга ташланмабди. У ҳатто бутазорда турган ҳўкизга ҳам яқинлаша олмабди. Шер октанли одамни кўриб нари кетибди, бироқ тонг отгунча бўкириб ётибди. Октанлилар ёввойи қушларни ота бошлашиб, уларни крааллардан узокларга ҳайдаб юборишганда оч қолган шерлар ўз болаларини сўйишга бошлашган, бироқ сенинг қабиланг одамларига тега олишмагани эсингда йўқми, ахир?

– Бу гаплар ҳаммаси тўғри, – деди Альбер, – бироқ шу бугун кечаси айни тескариси бўлди. Мен бу машҳур сайёҳатчининг фикрини жуда ҳурмат қиламан, бироқ афтидан, у доим ҳам ҳақ бўлган эмас. Ва, истиснолар доим ҳам бўлиб туради.

Мен қахрамонимизга таъна қилиш учун ёки ўқувчиларнинг ахборотига биноан эмас, шунчаки уларни доктор Ливингстоннинг Жанубий Африка шерлари ҳақида ёзганлари билан таништириш хоҳишига қарши бора олаяпман. Шунчаки, шундай ҳурматли одамнинг сўзлари хонасида ўтириб олиб гапирадиган сайёҳларнинг хато талқинлари ёки шер билан тўқнашув қандай хавф-хатарга тўла эканлиги тўғрисида нотўғри тасаввурга эга ёзувчиларнинг хикоялари хато эканлигини исбот қилишини хоҳлаяпман.

«Кундуз» кунлари, — деб ёзади таникли инглиз тадқиқотчиси, — шер қаршисида учраган одамни яхшилаб қараб чиқиш учун бир-икки сонияга тўхтайди. Сўнгра секин атрофда айлана бошлайди ва кузатишда тўхтамасдан, бир неча кадам нарига узоқлашади. Кейин эса қадамини тезлаштиради ва ўзича, энди кўринмаяпман, деб ўйлаган дамда худди куёнга ўхшаб сакраганча орқасига қарамай, тумгаракай бўлиб қочиб қолади. Кундуз кунлари, агар сиз унга тегмасангиз, у сизга ташланади деган хавф-хатар йўқ. Агар ой нур таратиб турган бўлса кечаси ҳам шундай. Ойдин кечаларда хавфсизлик ҳисси шунчалик эдики, биз ҳўкизларни жуда кам ҳолларда боғлаб қўяр эдик ва улар шундай биз ичида ётган фургонларимиз олдида ухларди; бироқ қоронғи ва ёмғирли кечалар, агар яқин орада шер бўлса, у отлар ва ҳўкизларга, албатта ташланади, деб ишониш мумкин эди.

Агар сиз шерни куппа-кундуз куни учратиб қолсангиз, одамлар орасида ёйилган гапларга қарамай, сиз жуда ҳам баҳайбат бўлмаган ҳайвонни кўрасиз. У шунчаки катта итдан сан йирикроқ ва итлар турига кирадиган ҳайвонни эсга солади. Унинг тумшуги итникига ўхшаб узун ва расмларда тасвирланадиган шерга асло ўхшамайди.

Шернинг ташки кўринишини одамлар ўзлари ўйлаб топган ҳар хил сифатлар билан тасвирлашади, унинг бўкирганини эса дунёдаги энг дахшатли товуш, деб аташади. Биз, албатта бу «ҳайвонлар подшоҳининг ажойиб бўкирганини» эшитганмиз, чўчиб кетиш мумкин, айникса тунда момақалдироқ овози билан бирлашиб кетса, агар жуда қоронғи бўлиб, ҳар бир чакмоқ чақишидан кейин худди кўзингиз ёругдан камалиб қолгандек сезиб, ёмғирдан оловингиз ўчиб қолган ва сизни ҳеч нарса: дарахт ҳам, милтигингиз ҳам, ҳимоя қила олмайди, чунки милтигингиз ҳўл ва биринчи ўқингиз натижасиз бўлади. Бироқ сиз фургонда бўлсангиз, бошқа гап: у ҳолда шернинг бўкирганини ҳеч қандай қўрқувсиз эшитаверасиз.

Туяқуш ҳам шундай баланд қичқиради, бироқ одамлар ундан ҳеч қачон қўркишмаган. Мен бу гапни бир

неча йил бурун айтгандим, бироқ бу гапни шубха остига олишган эди. Шунинг учун ҳам мен бу нарсани шер ва туякуш овозини эшитган европаликлардан яхшилаб сўраб олганман. Мен улардан шернинг бўкириши билан туякуш бўкириши ўртасидага фарқни аниқлаб бера олишадими ёки йўқми, сўраган эдим. Улар ҳеч қандай фарқни сезишмаганини айтишган.

Кўп ёввойи қушлар бўладиган ҳамма жойда шерларни тез-тез учратиш мумкин. Улар овга гуруҳда олти ёки саккизта бўлиб чиқишади. Бироқ, ҳар ҳолда, агар ов қилмаётган бўлсангиз, Жанубий Африкада шерга ем бўлгандан кўра, Лондон кўчаларида мажакланиб кетиш эҳтимоли кўпроқ. Мен кўрган ва эшитганларимга биноан, жасур одамни ҳеч нарса тўхтата олмайди...

Тонг отаётган, учала француз тунда ўлдирилган шерларнинг гўштини нимталаб, яраланган филни кидиришга тушишмоқчи бўлаётган эдилар.

Бемор ҳам уйғонди. У анча тинчиган бўлиб, ўзини қутқарганларга энди хотиржамлик билан қараётган эди.

Ҳеч кимникига ўхшамайдиган кийимидан таниш мумкин бўлган одамни хурсандчилик билан кутиб олишди.

— Йе! — ўзининг одатдаги мулозамати билан янги келган одамнинг олдига қарши чиқди Альбер де Вильерж. — Бу ўзингизми, руҳоний ҳазратлари? Сизни кўришдан хурсандмиз! Дайди мусиқачиларингиздан кочиб кета олишга эришингизми? Жуда яхши! Ўтиринг, овқатланиб олинг! Агар қорнингиз оч бўлса, бу ерда ейдиган нарсалар бор. Биз эса экскурсияга кетаяпмиз.

— Мингдан-минг ташаккур, жаноблар. Таклифларингиздан миннатдорман. Чиндан ҳам очлик ва чарчовдан қийналиб кетгандим.

Шундан сўнг у тасодифан ярадорга қараб қолиб, баданида турган титроқни зўрга босди.

« — Ҳм-м-м! — ўз-ўзига деди у. — Бу энди нимаси? Мастер Виль шу ерда!.. Наҳотки у нимадандир шубха қилаётган бўлса! Нима бўлганда ҳам зийрак бўлиб туриш керак!»

САККИЗИНЧИ БОБ

Полициячи ва бандит. — Йўловчиларга битта йўлбошловчи, битта айғоқчи ва битта душман қўшилади. — Калахари сахроси. — Тўйимли илдимева ва тарвузлар. — Бушменлар ва бакалахари. — Йўл-йўл ёввойи куатгининг ошқозони нимага ишлатилади. — Чанқов. — Булдурук кўриш — ёмон белги. — Сувсиз яшай оладиган тўртоёқчилар. — Каркидоннинг излари нимадан сўйлайди. — Калахаридаги кўринмас сув ҳавзаси. — Қуриган булоқ. — Фалокат.

* * *

Полициячи ҳам, сохта миссионер ҳам французларни қўлдан чиқармаслик тарафдори эдилар, шунинг учун улар дарров топишиб олишди ва бир-бирларини ярим гапдан тушуна бошлашди. Рухоний ҳазратлари — маълум бир вақтгача уларни шундай атаб турамиз, Жозеф ярадор қилган филни қидириб топишга кетган хўжайинларнинг йўқлигидан жуда усталик билан фойдаланди. У мулойим ва соддагина бўлиб, ақлли гапларни гапириб полициячини авраб ташлади. Полициячи эса, ўз томонидан миссионерни қўлга ола олганига ишончи комил эди.

Ўзининг ҳозирда жуда кучсиз аҳволда эканига қарамай, мастер Виль ўзини йўқотиб қўймаган эди. У миссионернинг суяқдор ёқимсиз гавдасини Нельсонс-Фонтейнда тез-тез кўриб турарди ва уни бу ерда учратиб, у ҳам ўзини таниганига ишончи комил эди. Демак, у бу ерларда, французлар уни шер оғзидан қутқариб қолишган пайтда у Калахари сахроси оғоналарида нималар қилиб юрганини миссионерга тушунтириб бериши керак бўлади. Бироқ мастер Виль ҳеч ҳам хижолат бўлаётгани йўқ эди. У ўзини кемасини Дурбанда ташлаб кетган америкалик денгизчи деб таништирди. Гўёки муҳтожлик уни полицияга ишга киришга мажбур қилган-у, бироқ паст мансабда юравериш унинг жонига теккан. Нель-

сонс-Фонтейнда қотиллик юз бериб, бошлик уни қотилларни топишга юборганда, у қочишга қарор қилган. У гўё бу иш унга ҳеч қандай фойда келтирмаслигини билган, агар омади келиб қолса обрў ва фойдаси бошлиққа тегар, омади келмаган тақдирда эса, унинг ҳамма қилган меҳнати учун мукофот фақат сўкиш бўлган бўларди. Шунинг учун ҳам у қочишга қарор қилибди. У Голландия ҳудудида ўтиб кетмоқчи бўлган эди, бироқ қандайдир кичкина дарёнинг саёз жойидан кечиб ўта туриб, адашиб қолади, ўрмонда адашиб қолиб ва ниҳоят, отини ҳам йўқотиб қўйиб, ҳолдан тойганча, қорнини қарқидон ёриб ташлаган фил ёнига ўзини ташлабди. У ўқ овозидан уйғониб кетиб, овоз келган томонга йўл олганда бирдан ўзини темир исканжага қисиб, ўрмон ичкарасига олиб кириб кетишаётганини ҳис қилибди. Сўнгра ҳушини йўқотиб, шу ерда, бивуакда ўзига келган эмиш.

Рухоний ҳазратлари ўзини полициячи томонидан айтилаётган бу ҳамма аҳмоқона ўйлаб топилган нарсаларга ишонаётганга солди. Ўзи эса ичида битта нарсани — бу исковуч унинг қотилликка алоқадор эканини биладими, ёки йўқми, деган гапни ўйлаётган эди. Бирдан полиция бошлиғининг хаёлига учта бур орқасидан чакқон изкувар қўйиш фикри келган бўлса-чи? Мастер Вильнинг ўзи айнан унинг орқасидан юрган бўлса-чи? Ҳақиқатдан йироқ бўлмаган бу тахмин аслида рухонийни зиғирча ҳам хавотирлантирмаётган эди. Умуман, айти пайтда унга ҳеч нарсаси хавф солмаётган эди, чунки улар Англия ҳудудида эмас эдилар ва полициячи ҳозир унинг ёнида бўлгани яхшироқ эди — бу нарсаси вақти келганда ундан қутулиш имконини беради.

Рухоний ҳазратлари тез орада бу ўзига бино қўйган жанобнинг гапларига жуда ишониб юборганини тушуниб қолди: уларда ҳеч шубҳа уйғотмаган ҳолда у доим французлар орасида бўлишга ҳаракат қиларди.

«Зўр-ку! — қулиб юборишдан ўзини зўрга босиб, ўйларди рухоний. — Агар Клаас, Корнелис ва Питер бунга

ҳақ тўлашганда бундан ортиқроқ ҳаракат қилиши ҳам керак бўлмасди. У бизнинг режамизнинг биринчи қисмини ўзи рўёбга чиқармаса ва савдогарни айти шу уч француз ўлдирганига амин бўлмаса, ўлай агар!.. Чиндан ҳам полиция – ажойиб идора! Бу тенгак ўзини қутқарганларни ҳам камашга қодир. Қарши эмасман! Марҳамат. Ҳар ҳолда у французлар билан қотиллик ҳақида баҳслашмайди. Бу томондан ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ».

– Менга қаранг, мистер Саундерс, – деди у. – мен сизнинг шароитингизга ачиниб кетаяпман. Сизнинг ушбу қийин шароитингизда бурлардан бошпана сўрашингизнинг ҳеч ҳам иложи йўқлигини жуда яхши тушунаман. Менинг ўзим ҳам бир бечора миссионерман. Менда кенг юрак ва бечора ёввойиларга чинакам эътиқод улашиш истагидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Мен Замбезигача етиб боришни режалаштираяпман. Назаримда, бизнинг сайёҳларимиз ҳам ўша ёққа йўл олишмоқчи. Мен билан қолинг. Агар истасангиз, бирга кетамиз, қайтганимизда эса миссионерлар бошқармаси – сиз у идоранинг бой эканини яхши биласиз, сизни тақдирлай олади.

Мастер Виль ўзининг режаларига жуда мос келаётган бу таклифни бажонидил қабул қилди. Унга дарров боғланиб қолган Альбер ва Александр ҳам руҳонийнинг режасини маъқуллашди. Улар қанчалик аблаҳга дуч келиб қолганларини тушунишдан ҳали йироқ эдилар.

Ва мана, иккита янги одам билан тўлган кичкина гуруҳ Калахари саҳросига қараб жўнади. Анча вақтга озик-овқат билан таъминланган (учинчи фил ўлик ҳолда тахминан ўн километр нарида топилган эди) қоратанлилар уларни яхши сўзлар билан кузатиб қолдилар. Қоратанли хизматкорларга ҳелсак, улар йўлда учраши мумкин бўлган ҳамма қийинчилик ва хавф-хатарни тарозига солиб, йўқ бўлиб қолишни лозим топдилар.

Машҳур Ливингстон билан танишув унда оқтанлиларга нисбатан ҳурмат уйғотган факат биргина йўл-бошловчигина уларни кузатиб боришга рози бўлди.

Сайёҳларимизда содда ерли аҳоли яхши кўради ан майда-чуйдалар йўқ эди, бироқ бу ажойиб йигит французлар уни сайёҳат тугаганда миннатдор қилишларига ишонди. У ўзиникилар билан хайрлашиб, 29ъ ва 20ъ жанубий кенгликлар орасида ётган чексиз чўл майдонини йўлбошловчи бўлиб кесиб ўтиш учун жўнаб кетди.

Бу хақиқий бечуан бўлиб, исми Зуга эди. Жойни яхши билиши сабаб у бу кичкина экспедициянинг тенги йўқ аъзоси эди, чунки қолганлар бу хавфли сайёҳатга бирмунча енгил қараб йўлга чиққан эдилар.

Чиндан ҳам, Калахари саҳроси қуюқ ўтлар билан қопланган бўлса-да, у ерда кўглаб турли-туман ўсимликлар ўсиб, нафақат қуюқ бутазорлар, йирик дарахтлар бор бўлса-да, бироқ у Сахарадан ҳам қуруқ ва сувсиз эди. Уни шунинг учун ҳам саҳро дейишадики, у ерда дарёлар йўқ ва булоқлар ҳам жуда кам учрайди. Бу саҳро у ер бу ерда қуриб қолган дарё ўзанлари бор ва турли-туман хайвонлар, жумладан организми кўп сув талаб қилмайдиган кийикларнинг турли хилларига бой бахайбат кенглик. Бу ернинг тупроғи қумли – жуда майда, ок рангдаги қум, яъни деярли тоза силиций. Қуриб қолган дарё ўзанлари бўйлаб сув ўтказмайдиган, қуёшда қотиб кетган, метиндек чўкинди жинслар ётади.

Ёмғирлар даврида бу ерда сув анча вақтгача сақланадиган табиий сув ҳавзалари пайдо бўлади. Кўп ва қуюқ ўсган ерлар орасида у ер бу ерда бутунлай яланғоч ва ёки ербағирлаб ўсадиган ўсимликлар билан қопланган жойлар учрайди. Бу ўсимликларнинг илдизлари жуда чуқур жойлашган, бироқ юқори қисмига қуёш таъсир қилиши сабаб, улар ғалати хусусиятларга эга. Масалан, уларнинг кўпининг илдизлари илдизмева кўринишида бўлиб, на овқат ва на сув бўлмаган қурғоқчилик даврида ҳам очликни ҳам чанқовни босади. Ниҳоят, ўзининг чидамлилиги сабаб бу ўсимликлардан бирининг толали илдизлари ўсимликка кўтарилиши учун намлик захираси керак бўлганда тугунакка айланади. Бу ўсимлик қовоқдошлар

туркумига киради. У ўзи ўсган тупрокнинг хусусиятига караб, кўринишини ўзгартиради ва еса бўладиган кип-кизил бодринглар беради. Ерли аҳоли «мокоми» деб атайдиган бошқа ўсимлик ер бағирлаб ўсадиганлар сирасига киради. У бир нечта йирик одам боши катталигида тугунаклар беради. Ерли аҳоли уларни жуда ўткир эшитиш қобилияти керак бўладиган ажойиб йўл билан топишади. Улар тош олишади, уни ерга уришади ва товушлардаги фарқ қаерда тугунак бор ёки йўқлигини кўрсатади. Ерли аҳолининг бу маҳорати товушлар оркали инсон танасининг қаерида ўзгаришлар содир бўлганини аниқловчи шифокорларимизни ҳайратга солган бўларди. Шу билан бирга бу ерларда ажойиб тарвуз ҳам учрайди. Туб аҳоли уни «кэмэ» деб атайди. Бу одамни тетиклаштирадиган ва айни пайтда қувват берадиган ўсимлик. Уни нафақат одамлар, балки ҳайвонлар ҳам яхши кўришади. Фил ва каркидон каби ўтхўрлар ҳам, шер, гиена ва шоқол каби йирткичлар ҳам ва ҳагто кемирувчилар ҳам табиатнинг ҳаммага ёқадиган бу инъомини қадрлашади.

Бу ерларда бушменлар ва бакалахари қабилалари яшашади. Баъзи этнографлар готтентоглар оиласига мансуб деб ҳисоблайдиган бушменлар уларни карликлар сирасига мансуб деб айтиб бўлмаса-да, паст бўйли бўлишади. Улар ҳеч қачон ер ҳайдашмайди, уй ҳайвонлари саклашмайди, улар — кўчманчилар. Улар зўр овчилардир, уларнинг бутун ҳаётлари тутган захотиёқ сўйиб ейишадиган ҳайвонларни таъкиб қилиш билан ўтади. Бушменлар яна йиғиш аёллар зиммасига кирадиган илдиз ва ёввойи меваларни ҳам ейдилар. Бушменлар одатда ориқ, чарчамайдиган бўлишади ва саҳрода яшайдиган араблар каби ўта чарчов ва мухтожликларга чидай оладилар.

Бечуанларнинг кондоши бўлган бакалахари қабиласидагилар эса аксинча, меҳнатсевар деҳқон ва чорвадорлардир. Улар кучли бўлмаган тупрок уларга жуда оз бўлган тарвуз ва ковокдан бошқа нарса бермаса-да, сабр билан ерга ишлов берадилар. Бу бечора одамларнинг

смишлари фақат илдишлар, бир оз дон-дун ва эчки сутидир.

Бешта европалик ва уларнинг қоратанли йўлбошловчилари шу сахро бўйлаб беш кун тентирашди. Улар кўп мухтожликни бошларидан кечиришларига тўғри келди. Ҳар куни ҳам оч қоринга уйкуға кетмаган бўлсалар-да, сувнинг йўқлиги уларни жуда қийнаётган эди. Улар отлардан бирига ортилган фил тишларини иккинчи куннинг ўзидаёқ ташлаб юборишга мажбур бўлдилар. Ҳаммани озиқ-овқат билан таъминлаш учун отга кўп ишлашга тўғри келарди, шунинг учун уни чарчатиб қўймаслик керак эди. Александр, Альбер ва Жозеф унга навбатма-навбат ўтириб ангилопа, бўйвол ва жирафаларнинг издан боришарди. Иккинчи от эса қўли жуда секинлик билан тузалаётган мастер Вильни олиб юриш учун хизмат қиларди. Рухоний ҳазратларига келсак, у ўзининг ипак цилиндри ва хилпираётган суюртугида худди энг муҳим эҳтиёжлар унга бегона одамлардек қадам ташлаб борарди.

Беш кун бурун Александр куаггу — бир туёкли, зебрага ўхшаган-у, лекин бир оз кичикроқ ҳайвонни отиб келди. Зебрани безаб турадиган йўл-йўл чизиклар куаггунинг фақат бўйни, боши ва ёнбошидагина бор, холос. Йўлбошловчи Зуга ҳайвоннинг ошқозонини ичимлик сув учун зўр идиш, деб бир чеккага олиб қўйди. Сўнгра ўша ошқозонни исқиртгина ҳовуздан тўлдириб олди; бу сайёҳатчиларга икки кун учун сув захираси эди. Охирги томчи сув ичилганига мана бир сутка бўлиб, ҳаммани чанқов қийнаётган эди. Айниқса, полициячига оғир бўлаётган эди: унинг иситмаси бор, қичкириб, алаҳлар ва бундан у ақлдан озиб қолди шекилли, деган фикр уйғонарди. Бу орада унинг ҳамроҳлари уни деб ўз ҳиссаларидан кечишиб, у бошкалардан кўпроқ сув ичди. Бу катта қурбон эди, бироқ бечора буни тушуна олмади. чунки у бутунлай ақлдан озган эди. Отлар зўрга судралишар, одамлар эса зўрга қадам ташлашарди — уларнинг томоқлари қакраб кетган, лаблари ёрилиб, тиллари чақа бўлиб кетган ва бошлари айланаётганди.

Зуга уларнинг кўнгилларини кўтаришга уринапти. У шу яқин орада булоқ борлигини, кечкурун яхши сув ичишларини айтади. Бироқ жойнинг харитаси булоқнинг яқинлигидан дарак бермайди. Кўзлари кўриб турган жойларнинг бари жонсиз ва бир хил эди. Ҳаммаёқда куриб кетган ўт, ҳаммаёқда курук кум уюмлари, жонсиз бута ёки бужмайиб ётган дарахтлар. Ортиқ тарвузлар йўқ, сувли бутанақлар йўқ. Саҳронинг бечора аҳолиси бир томчи бўлса-да суви бўлган ҳамма нарсани аллақачон йўқ қилиб бўлишган.

Альбер де Вильрож аввалги сайёҳатлари туфайли Жанубий Африкани яхши билади, бу умидсиз ерларнинг сири унга таниш. Умидсизликка тўла ҳаракат билан у йўлбошловчига қанотларини пирпиратиб учаётган булдуруқлар галасини кўрсатди. Умуман айтганда, булдуруқлар касофат (мудхиш) қушлардир: улар хашаротлар билан озиқланиб, сувсиз, қакраб ётган ерларда ҳаёт кечиради. Сайёҳларимиз йўлларида булдуруқдан бошқа ҳеч қандай қушни учратишмади.

– Сардор, сабр қил! – унга жавобан пичирлади йўлбошловчи. – Сабр ва умид қил!

– Дўстим Зуга, ўзинг қарагин: ахир бу ердаги ҳамма тирик жонзотлар деярли сувсиз яшайдиганлар сирасига киришар экан. Афсус, биз бундай ҳислатга эга эмасмиз! Мана, кара, яна битта штейнбок. Мана йўллар. Ва жембокларнинг бутун бир подаси. Эрталабданок факат буғу, куду, спрингбок, жайра ва туяқушларгина учраяпти. Бу лаънати жонзотларнинг худди саламандра қаби шундай иссиқ жойларда бемалол яшагини ўзинг яхши биласан.

Йўлбошловчи жилмайиб қизилмия илдизидек курук бармоғи билан янги тушган катта ва чуқур ҳайвон изини кўрсатди.

– Каркидон, – оддийгина қилиб дели у.

– Шундай бўлса нима? Бу нимани билдиради?

– Бу шуни билдирадики, сен ҳозиргина санаб чиққан ҳайвонларинг сувдан эллик-олтмиш мил нарига узокла-

шишлари мумкин, каркидон эса сувдан етти-саккиз мил нарига кетмайди. Мана, кара!

– Мен узоқда жирафалар подасини кўраяпман.

– Анави чапга қараб қочаётган гну антилопаларчи?

– Нима бўлибди? Бу ерда тўртоёқлилар кўп. Буйволлар, зебралар ҳам бор.

– Ҳа, бироқ жирафалар, гну, буйвол, зебра ва каркидонлар бор жойда етти-саккиз мил узоқ бўлмаган жойда сув ҳам бўлади.

– Дўстлар, – босиқ товушда хитоб қилди Александр, – яна бир оз чиданглар! Менимча, биз қутулдик.

Худди шу нарсани сезган отлар ҳам бошларини кўтариб, тезроқ юра бошлашди. Одамларда эса умид уйғониб, икки баробар ортиқроқ ҳаракат қила бошлашди. Шу ҳолда улар яна уч соат йўл юришди, кейин эса бутунлай ҳолдан тойган одамлар ҳам, отлар ҳам чакалакзорда, буталар ва қип-қизил гуллар билан қопланган кўзоқлилар оиласига кирувчи дарахтлар орасида тўхташди.

– Шу ерда! – тантана билан деди Зуга.

– Бироқ мен фақат кумни кўраяпман! – овозида умидсизлик билан деди де Вильрож.

– Сув! Сув! – деб хирилларди мастер Виль.

Қоратанли йўлбошловчи бу кумли, тоғорани эслатадиган ўртаси сал чуқур сайхонликни тўғри топган экан. Унинг ўртасини ҳайвонлар топтаб ташлаган бўлиб, кўп-лаб туёқларнинг изи бор эди. Оқтанли шериклари қийналиб кетишганини кўриб турган Зуга тиззасига ўтириб олиб, қўли билан кумни сура бошлади.

– Нима қилаяпсан? – сўради Александр.

– Қудук казияпман. Ёрдам бера оласанми?

– Албатта. Нима қилишим керак?

– Мен қилаётган нарсани. Кавла! Бироқ сенинг кўларинг нозик ва жуда заиф. Тез орада қонаб кетади. Қиличинг билан кавла.

– Шунда сув чиқара оламизми?

– Ҳа.

– Ишончинг комилми?

– Кучи қолмаган одам қанча ишона олса, шунча имоним комил.

– Ҳато қилаётган бўлсанг-чи?

– Янги булок учрамагунча яна уч кун юришга тўғри келади.

– Биз учун бу ўлим билан тенг.

– Октанли сардор, хотиржам бўл, бу ерда сув бор. Қара, кум ҳўл бўлиб борапти.

Чанқашдан боникалардан кўра камроқ азоб чекаётган Александр бу суҳбат давомида қўлини қовуштириб ўтиргани йўқ. Ундан ўрнак олган Альбер, Жозеф ва миссионер ҳам бор кучлари билан қазिशга тушиб кетишган эди. Ҳатто, мастер Виль ҳам эмаклаб келиб, соғлом қўли билан ерни тирнай бошлади.

Улар шундай қилиб юқори қисми икки квадрат метр, чуқурлиги ҳам шунча бўлган чуқур қазишди. Тез орада Зуга уларга ўранинг сув ўтказмайдиган қалин қатламга эҳтиёт бўлишларини, акс ҳолда сув бир зумда йўқолиб, қайта чиқмаслигини айтиб қўйди.

Йўлбошловчи адашмаган эди: ҳаваскор ер қазувчилар ана шу қатламга етишганда ҳамма томондан аста-секин тоза, тиниқ ва муздек сув сизиб чиқа бошлади, бироқ у пастдан, чуқурнинг қаттиқ тубидан эмас, деворларидан чиқаётган эди.

Сайёҳатчилар қаттиқ чарчаб кетишган эди. Уларнинг назарида қимматбаҳо ичимлик уларнинг нафсларини тўйдирадиган даражада тўпланиши учун юз йиллар кетаётгандек бўлиб туюларди.

Шундан сўнг қуёш киздириб ётган Африкада бошқа ҳеч қандай азоб билан солиштириб бўлмайдиган чанқов хиссини бошидан кечирган одамларгина ҳис қила оладиган хурсандчилик бошланди. Ҳар қандай эҳтиёткорлик эсдан чикди. Кўп терлаганларидан қонлари қуйилиб кетган, домна печи температурасидек иссиқдан ички аъзолари қуриб, ориклаб кетган бу бечоралар бу обихаёт ман-

басига отилишди ва уларни ҳаётга қайтараётган сувни ёввойи хайвонлар каби ютокиб ича бошлашди.

Йўлбошловчи ҳаддан ортик ичиб қўйиш улар учун ўлим билан тенг бўлиши мумкин бўлган ҳолда қудук олдида тиззаларида турган бу одамларни деярли куч билан нарига олиб кетди.

Шундан сўнг отларни ҳам тўйдириб суғоришди ва Александр бир неча соатгина бурун борлигини ҳеч ким билмаган бу чиндан-да обихаёт бўлган қудук қуриб қолишидан кўрқиб, қуаггининг ошқозонини сувга тўлдириб олди.

– Сен эҳтиёткор экансан, – жилмайиб, деди йўлбошловчи. – Бу яхши хислат! Сен буюк сардорсан. Бироқ хотиржам бўл – эртага эрталаб бу ерда сув яна тўла бўлади. Бизга етади. Кейин эса хайвонлар босиб ташиламасликларини учун чуқурни қўмиб қўямиз. Энди эса овқатланамиз.

Бутун тушликни бир неча бўлак қотган гўшт ва иккита қовурилган булундуруқ ташкил қилди. Уларни маза қилиб иштаҳа билан еб олганларидан сўнг, ухлагани ётишди. Гулхан ёқишди, тун жуда тезлик билан қираётган эди.

– Мен жуда ҳам ҳамма нарсага кизикавермайман, – одатда одамлар уйкуга кетаётиб секин гапирадиган товушда деди Александр, – бироқ мени бу бизнинг ажойиб Зугамиз биз учун тушунарсиз бир ҳолда топган бу ажойиб сув манбасининг келиб чиқиши жуда ҳам кизиқтираяпти. Қўринишидан бу жойлар теп-текис, баландлик, чуқурликлар ҳам. Йўқ, шунинг учун, одатда артезиан қудуклар сув оладиган ерости оқимлари тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Бу ерларда қум орасидан силқиб чиқадиган сув юқорига чиқа олмайди. Ниҳоят... Бу ерда бир сир бор ва мен буни ҳеч топа олмаяпман...

– Сиз бу сув қумлар орасида йўқолиб кетадиган чашмадан келаяпти, деб ўйламаяпсизми? Калахари бўйлаб афтидан, яқин кунларгача қўплаб дарёлар ўтган бўлса керак. Қуриб қолган ўзанларни қўп учратаямиз. Мен

тўғрироғи ернинг пастки, яна ҳам чуқурроқ қатлами сувни ўтказмайди ва шу билан унинг буғланишига ҳалал беради, деб ҳисоблардим. Шунчаки бундай қум билан қопланган сув ўтмайдиган қатлам сатҳида ўзгаришлар бор деб тасаввур қилинг. У ҳолда чуқурроқ жойларда қум сурилиши билан сув чиқади. Мен сизга шунчаки ўзимнинг фикримни айтаяпман.

– Рухоний ҳазратлари, сиз ҳақ бўлсангиз керак. Тушунтириб берганингиз учун миннатдорман. Шунини деб ухлай олмаётган эдим... Жаноблар, хайрли тун.

Ухлаб ётганларни йўлбошловчининг алам ва оғриқ билан чинқирган товуши уйғотиб юборганда куёш эндигина чиқиб келаётган эди.

Фалокат юз берганини ҳис қилиб, ҳаммалари сакраб туришди. Юз берган ҳодиса бўлиши мумкин ҳодисалардан энг даҳшатлиси эди: булоқ бутунлай қуриб қолган эди.

– Жин урсин! – ғазаб билан хитоб қилди Александр. – Бундай ёвузликни ким қилди? Одамми ёки ҳайвонларми? Яхшиси менинг кўкрагимда шундай тешик қилишса бўларди!..

– Биздан икки қадамгина нарида бўлган ерга сув ичиш учун ёввойи ҳайвон келганига мен ишонмайман, ҳеч қандай из ҳам йўқ – деди ҳайратда қолган Альбер.

– Бу ҳаракатланувчи қумда нимани кўрмоқчи эдинг? Уларда из қолмайди... Шошма-чи, битта от ечилиб кетибди. Балки ҳамма ишни ўша қилгандир?

Бу ҳамма бахтсизликларнинг устига сув солиб қўйилган қуаггининг ошқозони ҳам бўм-бўш ва ёрилган ҳолда ерга булғаланиб ётарди. Унинг йиртиғи худди кемирувчининг тишининг ишига ўхшарди.

Александрнинг бутун эҳтиёткорлиги бекор бўлган эди: Сув захираси қолмаган эди.

ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

Отларни ёқтирмайдиган одам. — Разведкачи. — Бушменлар краали — Одамлар қон'ичишади. — Қандай қилиб чанқовни босиш мумкин. — Бушменлар қудукни қандай қавлашади. — Сувни туяқуш тухумида сақлашади. — Мастер Виль йўлга чиққанидан пушаймон. — Рухоний ҳазратлари мухтожликни қандай қилиб енгил ўтказаяпти. — Сахродаги бир томчи сув. — Пикаколу чақиши. — Қахрамонона фидокорлик. — Чамбок.

* * *

Содир бўлишида афтидан, от айбдор бўлган бу тузатиб бўлмас фалокатни кўриб, одагда совуққон бўлган Александрнинг қони қайнаб кетди. У карабинини чиқариб, нишонга олди ва жониворни отишга шайланди. Бироқ Альбер тезлик билан унинг қуролини четга олди.

— Аклингни еб қўйибсан! — деди у дўстига. — Битта фалокат камми? Отлар бизга керак бўладигина эмас, бусиз иложи йўқлигини эсдан чиқараяпсан.

— Агар улардан бирортаси биз билан қўпол ҳазиллашмаса. Отлар билан омадимиз келмаяпти. От сабаб мени фил янчиб ташлай деган эди, сен ва Жозефни чангалзорга олиб қочиб кетишди — зўрга қутулиб қолдинглар, энди эса яна отларни деб сувсизликдан ҳалок бўлай деяпмиз!.. Йўқ, чиндан ҳам буниси энди ортиқча. Уларни ўлдириш керак!..

— Бўлди қил, тинчлан! Сенинг отларга бўлган нафратинг ортганини кўриб турибман...

— Мен чиндан ҳам уларни анчадан бери ёмон кўраман, бироқ энди уларни ўлгудек ёмон кўраман.

— Карай! Мен бу гапингга қўшилмайман. Отлар — сайёҳатчилар учун зарур бўлган ёрдамчилардир. Айтганча, мен ҳозир разведкага бораман. Сизлар менинг ор-

тимдан боринглар ва тезроқ: куёш ҳаммаёқни қиздириб юбормасдан вақтдан фойдаланиш керак. Зуга, сен нима дейсан?

— Тўғри, оқтанли бошлиқ. Йўлга туш. Бироқ эҳтиёт бўл, чунки биз ҳозир бушменлар еридамиз, улар эса оқтанлиларни кўрганда ҳар қандай ёвузликка тайёр.

— Нега?

— Чунки яқинда бу ерларга оқтанли ва яримоқтанлилар келиб, одамларни сотиб олишган...

— Қуллар билан савдо қилувчиларми? — ғазаб билан хитоб қилди йигит. — Бироқ мен бу ифлос касб тақиқланган деб ҳисоблардим.

— Афсуски, бундай эмас. Қоратанлиларнинг бошлиқлари арақ учун, тамаки ва матолар учун бу ернинг аҳолисини ўғирлаб, уларни юзлари оқ ва узун соқоли одамларга беришади.

— Агар улар мени шулардан бири деб ўйлашадиган бўлса, мен ўзимни оқлашим қийин бўлади. Бироқ ўша жаллоблар яхшиси менинг олдимга яқинлашишмасин. Ҳар ҳолда, маслаҳатинг учун раҳмат. Мен кетаяпман. Тез орада кўришгунча.

Бир оз ўтиб ҳаммалари қалин ўсган ўтлар орасида йўқ бўлиб кетган отлиқнинг кетидан йўлга тушишди.

Биринчи ўтиш жойидан жимгина ўтишди. Александр бошини солинтирганча хаёлга берилганди. Жозеф унинг изидан индамай изма-из келарди. Орқада эса судралганча тундлик билан миссионер келаётган бўлиб, охирида ўз қилган ишидан пушаймон бўлиб, бу оккўнгил жиноятчилар олдида қарздор эканлигини ҳис қилиб келаётган мастер Виль борарди.

Пешин пайтида тўхтаб, овқатланиб олишди. Овқат бемаза эди. Сувсиз ейилаётган қуриган гўшт томоқда тურიб қолаётган эди. Худди зигирпоянинг дағал толасини чайнашаётганга ўхшарди. Бунинг устига Альбернинг йўқ бўлиб кетгани ҳавотирга солаётган бўлиб, кун жуда исиб кетган бўлса-да, ушланиб қолмасликка қарор қилишди.

Оғир ўтган кундан кейин кеч курди. Тўхгашларига тўғри келди. Гулхан ёкишди, Жозеф овкатланиш учун нималардир гайёрлади, бироқ ҳеч ким овкатга қўл чўзмади. Альбер хақидаги ўйлар уларни қийнаётган эди. Александр чанков ва чарчовдан қийналиб кетган, бироқ бир жойда ўтиролмаётган эди. От туёқларининг товуши келганда тун қоронғилиги ва ёввойи хайвонлар билан дуч келиб қолиш хавфига қарамай, у дўстини қидириш учун йўлга отланган эди. Альберни кўрган Александр ва Жозеф хурсандчиликдан кичкириб юборишди. Чарчовларини ҳам унутиб улар ўзларини Альбернинг кучоғига отишди.

– Дўстим, бизни роса ҳазотир олдирдинг. а! Соппасоғ, буг-бутунмисан? Қандай янгиликлар бор? Сув топдингми? Гапирсанг-чи!..

– Очиги, ўзим ҳам билмайман, – ерга сакраб туша туриб, қувноқлик билан деди Альбер. – Мен кишлоққа ўхшаган бир ерга бориб қолдим. Менинг у ерда пйдо бўлишим одамларни саросимага солиб қўйди. Тўхта-чи. Гап шундаки, мен отни ҳолдан тойдириб қўйдим. У ҳозир йиқилади. Эҳтиёт бўл, чангак бўлаётганда сени тегиб юбормасин. Ўша пайтда уни ўлдириб юбормаганимиз учун шукур қиламан, чунки менга роса ёрдам берди. Ҳозир яна бир хизмат қилади. Тушунишимча, сизлар чанқовдан қийналиб кетибсиз.

– Тўппа-тўғри. Менинг гагиришга кучим ҳам йўқ. Чаккам сиқиб кетаяпти.

– Мана, мен сизларга ичишга нарсa олиб келдим.

– Чинданми?

– Албатта, чиндан! Жуда ҳам ширин ичимлик эмас, бироқ қоронғида ичса бўлади. Мен эса кундузи ҳам ичдим.

– Шунинг учун шунчалик қувноқмисан? .. Бера қол!

– Марҳамат. Бироқ мен сенга бир нарсани тушунтириб...

– Ҳеч қандай тушунтириш йўқ. Тез бера қол. Ҳаммасини ичаман. Ҳатто, у қон бўлса ҳам.

– Мана, ҳаммасини ўзинг айтиб қўя қолдинг. Мексикада, Сонорада биз доим шундай қилардик. Мен шундай шароитда қўп марта отнинг қонини чиқариб, ирганаётганимни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, тўғри венасидан ичишимга тўғри келган. Мен ҳозир ҳам бу бечора отнинг бўйнидаги венасини тешиб, ўша ерга ёпишиб, қонини ичдим. Бу менга дарров қувват берди. Ярасига мимоза баргларини босиб қонини тўхтатдим. Баргни олсанг, яна қон оқа бошлайди, ичиб олса бўлади. Албатта, ўлгудек қўнглинг айнайди, бироқ бошқа иложи йўқ. Ҳозир оёғини боғлайман... Тайёр. Топдингми?

– Йўқ... Бундай қила олмайман... Қон ича олмайман...

– Бўла қол... От ўлиб қолаяпти... Кўраянсанми, у хириллаяпти!..

Рухоний ҳазратлари юзини қумга босиб, қорнини ерга қилиб ётар, бироқ Альбернинг бирорта ҳам сўзини ўтказиб юбормаётган эди. У ўрнидан турди ва гандираклаганча жон бераётган отнинг олдига бориб унинг бўйнидан кучоклаб олиб, худди вампир каби қонини сўра бошлади. Ниҳоят отдан узилиб, ярани бармоғи билан босиб туриб, қон чаплашиб кетган юзини Жозефга ўгириб, бўғик товушда деди:

– Сизнинг навбатингиз. Агар ўлиб қолмаган бўлса.

Каталониялик бир сония иккиланиб турди. От кескин ҳаракат қилиб, сохта миссионернинг бармоғи тешиқдан сирғалиб кетди ва ерга узун қон оқими отила бошлади. Альбер отнинг бошини тиззаси билан ушлаб туриб, деди:

– Ичсанг-чи... Қон оқиб кетаяпти, бу сен учун ҳаёт!.. У сизларнинг томирингиздан оқиб кетаяпти...

Жозеф ўзини зўрга мажбур қилиб бу даҳшатли ичимликни узун-узун қилиб тортди ва Александрга ишора қилди. Бироқ Александр боши билан рад қилди.

– Йўқ, мен ҳеч қачон ича олмайман, – тасвирлаш қийин бўлган ирганиш билан деди у.

– Бироқ, ўзинг ўйлаб кўр, қони кам болалар ва аёллар кушхонага бориб эндигина сўйилган молларнинг қонини стаканлаб ичишади-ку!..

– Балки шундайдир! Бироқ мен... Мастер Виль, сиз ичсангиз ичинг.

Полициячи бу таклифни қайтаришга мажбур қилиб ўтирмади. У ҳам лабини отнинг бўйнига босди. шу пайт консизлашиб қолган жониворнинг танаси тиришиб кетди. Бу ҳаракат гўё ҳаётнинг ўлимга нисбатан норозилиги, охирги титроқ, охирги хириллаш эди. Қон оқишдан тўхтади: олийжаноб жонивор ўлган эди. Тўртта одамни кутқариш учун у ўз қонини берган эди.

– Бечора от! – деди таъсирланиб кетган Александр. – Агар ўзи билмаган тарзда бизнинг олдимизда гуноҳкор бўлган бўлса ҳам, у шу йўл билан ўз айбини ювди. – Шундан сўнг у Альберга ўгирилиб, сўради: – Хўш, сен нималарни кўрдинг, гапир-чи. Қишлоқни кўрдингми? Тўполон кўтарилдими? Ўша яқин орада сув бўлиши керак. Мен жуда кучдан қолдим, бироқ бир сутка яна чидай оламан.

– Мен чиндан ҳам қандайдир чайлаларни кўрдим. Бизнинг Европада, ҳатто итлар ҳам бундай жойларда яшашни исташмаган бўларди. Ўша ердан беш юз метрлар нарида йигирматача аёлларни учратдим. Улар жуда бечораҳол аҳволда эдилар. Мени сезиб қолишиб, улар ҳар бирлари ўнтача туякуш тухумини саватларга солиб, қочишга тушишди. Мен уларга егиб олиб, тинчитмокчи бўлдим, бироқ бари бефойда бўлди. Уларнинг бирортаси ҳам менга жавоб бермади, бирортаси менинг ишораларимни тушунишни истамади. Қизиги шундаки, эркаклар бир нечтагина экан. Улар менга душманларча эмас, бе-парволик билан қарашди. Бироқ улар ҳам мени тушунишмади ёки тушунишни исташмади. Қайғиб кегичимга тўғри келди.

– Бошлик, – деди Зуга, – бу кишлоқда бушменлар яшайди. Сен учратган аёллар эса туякуш тухумининг

пўчогида сув ташиганлар. Бушменлар бизга сув бериш-майди, тухум пўчокларини эса шундай яширишганки, уларни ҳеч ким топа олмайди. Бироқ бу ҳеч нарсани англа-латмайди. Мен ўзим булок топаман ва сизлар чанковин-гизни боса оласиз. Қуёш чиққунча йўлга чиқиб, бушмен-ларга етиб олиш керак. Ким билади, улар сиз ҳам Дауд каби одам эканлигингизга, қораташли одамларни сотиб олмаслигингизга ишонишгач, сизларга ёрдамга келишар.

Йўлбошловчи тўғри айтаётган эди. Бушменлар чин-дан ҳам кулжаллоблари босиб келишидан ва ҳатто бегона бечуанлардан ҳам кўрқишади ва шунинг учун ҳам сувдан анча йироққа жойлашишади ҳамда уни қердан олишла-рини айтишмайди. Табиий ўз-ўзини асраш хисси уларда шунчалик ривожланганки, улар сув солинадиган идишни ерга кўмиб қўйиб, шу ерда гулхан ёкишади. Ичиш учун сув керак бўлиб қолган ҳолларда улар жуда ғалати усул-ни қўллашади. Бироқ бошқа иложилари йўқ бўлиб, доим сергак бўлиб юришларига тўғри келгани учун уларнинг бошқа йўллари йўқ ҳам. Аёллар халта ёки саватларга йиғирма— йиғирма бештадан туяқуш тухумини, тўғри-роғи тухумнинг пўчоғини солиб олишади. Бу пўчокларда бармоқ тикиш мумкин бўлган катталиқда тешиқлар ки-линган. Бу пўчокларда улар сувни сақлашади. Улар кум билан беркитилган булокқа бориб, қўллари билан чуқур қавлашади. Қаттиқ қатламга етиб борганда узунлиги ет-миш сантиметрча бўлган ичи бўш қамиш олиб, унинг бир учига бир бойлам ўт боғлашади ва шу учини чуқурга тикишади. Шуни қилиб бўлгач, улар чуқурни яна кум би-лан тўлдиришади, бироқ қамишнинг иккинчи учи ташқа-рида қолади. Қамиш найнинг ана шу бўш учидан қийин-чилик билан, бироқ сув кўтарилмагунча аста-секинлик билан ҳаво торта бошлашади. Оғизларидаги сувни эса улар бир хўплам, бир хўпламдан туяқуш тухумининг пў-чоғига йиға бошлашади. Улар сувни пўчок ичига туфла-майдилар, балки сомон чўпи орқали туширадилар.

Бу усулнинг канчалик ажойиблигига ҳамма ишонч хосил қилиши мумкин. Фақат бунинг учун сув оқиб турган идишдан анча нарида турган шишани сув билан тўлдириб кўришга ёки сув тўлдирилиши керак бўлган идишга диагонал ҳолда қўйилган бирорта шохча орқали сувни ўтказишга уриниб кўриш керак бўлади.

Етарлича сув захираси йиғиб олингандан сўнг, аёллар уни яшаш жойларига олиб кетишади ва яхшилаб қўмиб қўйишади. Душманлар ёки бошқа ерликлар келса келаверсин – у бутун қишлоқни хонавайрон қилиб, бугун атрофни қавлаб чиқсин, бироқ сувни топа олмайди. Мана шу масала бўйича бушменлар ҳақида сув йўқлиги улар учун энг зўр ҳимоя эканлиги тўғрисида бир ҳикояни гапириб юришади.

Бир куни бушменлар қишлоғига сувсизликдан азоб чекаётган бечуанлар келиб, сув сўрашади. Бушменлар, сув йўқлиги, уларнинг ўзлари сув ичмасликларини айтишган. Уларнинг ёлгон гапирётганларига ишончлари комил бўлган бечуанлар бу меҳмондўст бўлмаган мезбонларнинг адабини бериб қўймоқчи бўлишади. Улар сувсизликдан азоб чекканча кеча-ю-кундуз қоровулчилик қилиб сув ахири чиқади деб кутишади. Шунчалик ўжарликларига қарамай, бир неча кунлик азобдан сўнг ваҳимага тушиб қолишади.

– Як! Як! – ваҳимада қичкиришади улар. – Бу ердан тез кетиб қолиш керак! Булар одам эмас!

Бушменлар эса бу қутилмаган меҳмонларни боплаб алдашган, ўзлари эса ҳар куни ўз ерости захираларидан сув ичиб туришган.

Бизнинг бечора сайёҳатчиларимиз Альбер борган қишлоққа етиб боргунча яна бошларидан кечирган қийинчиликлар ҳақида кўп гапириб ўтирмаймиз. Фақат уларнинг деярли тўхтамай азоб билан яна ўн беш соат юришганини айтиб ўтамиз. Улар озми, кўпми ўтириб қолишадиган бўлса, яна ўрниларидан туриб кетишга қучлари етмаслигини яхши тушуниб туришарди.

Мастер Виль ҳар доимгидан ҳам кўпроқ аҳмоқона режаси ва ўзбилармонлиги учун ўзини ўзи лаънатлаётган ва Нельсонс-Фонтейндаги камтаргина мансабини соғинаётган эди. Энди бу ўз-ўзига ишонган, келажакка умид билан боқаётган, яқин кунларда номи ҳамма ерда машҳур бўлишига ишонган изқувар эмас эди. Айни пайтда у ўзи яшаган муҳитга яна қайтиш учун ҳатто ўз ҳамкасбларининг кулгисига қолишга ҳам рози эди. Бу нима экан, бир стакан сув учун у, Вильям Саундерс, жинойтчилар билан бир қаторда истаган ишни бажаришга тайёр эди.

Рухоний ҳазратлари эса бутунлай бошқа масала эди. Мана кимни куч-қувват тарк этмаган эди. Афтидан, жуда бўлмаганда ташқаридан қараганда, одамзодга керак бўладиган энг оддий эҳтиёжлар ҳам бу одам учун ётдек эди. Ҳамроҳлари унинг иродасидан ҳайратланишдан тўхташмас, соддаликлари сабаб, қандай ифлос одамга дуч келиб қолганликларига шубҳа ҳам қилмай, унинг бу хислатини эътиқодидан кўришар эди. Бу аблаҳ эса ҳар кеча бирмунча вақтга маълум бир масофани ушлаб уларнинг орқаларидан келаётган ўзининг қоратанли маслакдошлари олдига борар, улардан йўқлиги сабаб бечора французлар, полициячи ва йўлбошчилари жуда азоб чекаётган нарса — озиқ-овкат ва сув оларди.

Бу сохта миссионерни қизиқтирадиган ягона нарса кафр кироллариининг хазинаси эди. У хаёлан Замбесзида эди. У ерда у қимматбаҳо тошларнинг ялтирашини кўрар, унинг режасига кўра уларга эга бўлиш унинг ўзи ва ҳамтовоқларига зориқиб қутилган бойликни берарди. У ўлим ўз ишини жуда секинлик билан қилаяпти, деб ўйларди. Учта французнинг бирида бўлган харитага эга бўлиш учун у ҳар қандай ифлосликка тайёр эди. Бироқ хаританинг йигитлардан айнан қайси бирида эканлигини у билмасди.

На Альбер, на Жозеф ва на Александр сайёҳатларидан мақсад нима эканлиги тўғрисида оғиз очишмас ва агар Клааснинг айтганлари бўлмаса, бандит ҳеч нарса-

дан шубха килмас эди. У ўзининг ҳамтовоқлари французни ўлдиришади, деб ўйламаган ҳам эди. Аксинча, у жуда эҳтиёткор ва кўпни кўрган французлар, ҳатто харитани ўзлари билан олмаганлар, деб ўйлашга ҳам тайёр эди. Улар харитани яхшилаб ўрганиб, эса сақлаб қолган бўлишлари ва керакли жойга келгач, усиз ҳам бемалол ишларини тугатишлари мумкин эди.

Уларни ўлдириш керак эмас, аксинча агар ҳозирги оғир аҳвол давом этаверса, уларга ҳатто ёрдам бериш зарур эди.

Ҳамма нарсанинг, ҳатто азобнинг ҳам ниҳояси бор каби, бутунлай ҳолдан тойганларида йўловчиларимиз бушменларнинг қишлоғига етиб келишди. Эркаклар, афтидан, овга кетишган шекилли, қишлоқда октанлиларнинг пайдо бўлиши аёллар ва болаларда одатдаги қизиқиш аралаш кўрқув уйғотди.

Худди бронзадан қилинган каби бақувват Зуга бу муҳтожликни нисбатан енгил ўтказган эди. У оёғини зўрга босаётган Александрни суяб келарди. Ҳовончада тарик янчаётган аёлга қараб, у икки марта ялинчоқ овозда сўради:

– Метце! Метце! (Сув! Сув!)

Аёл бошини кўтарди. Унинг кўзларида ачиниш ифодаси пайдо бўлди, бироқ тезда ўзини босиб олиб, ҳатто ўз ҳиссиёти кўришиб қолганидан уялгандек ҳам бўлиб, берилганча ишида давом этди.

– Эй аёл, – деди йўлбошловчи, – бу октанли одам – қоратанлиларнинг дўсти. У ва унинг ҳамроҳлари ҳам Даудга ўхшаган одамлар. Улар саҳронинг жангчиларини кулликка олиб кетишмайди. Улар Калахарининг очликдан ўлаётган жангчиларига овқат бериб боқишди. Уларга ичишга сув бер.

Александрнинг оёқлари чалкашиб кетаётган эди. Унинг бақувват организми бўшашиб, ўлимга маҳкум эди. Альбер ва Жозеф алахлашар, мастер Виль эса хирилларди. Ёлғиз сохта миссионергина ҳаммага ҳиссиз ўткир кўзлари билан қараб ўтирарди.

– Эй аёл, – қайтарди Зуга, – бу октанлиларга ичишга сув бер. Мен улар учун ўз конимни бераман.

Бушмен аёл индамай ўрнидан турди, чайлага кириб бир неча дақиқадан сўнг иккита муздек сув тўла туяқуш тухумининг пўчоғини олиб чиқди.

Йўловчилар сувни ютоқиб ичишди. Бироқ йўлбошловчи уларга сувни ўлчаб берди. Сал ўзларига келгач, миннатдорчилик айтишга зўрга тиллари бориб, шу заҳоти чуқур уйқуга кетишди.

Бир соат ҳам ўтмай уларнинг уйқуларини кулокни тешиб юборгудек чинқирик бузиб юборди. Оёғини кўрсатиб чинқираётган бола устига иккита аёл энгашиб турарди.

– Уни нимадир чакиб олди, – деди аёл зўрга.

Шундан сўнг у болани қўлига олди ва қаттиқ ўпиб, европаликнинг қўлига берди.

Кичкинтойнинг оёғи аллақачон шишиб чиккан бўлиб, чақилган жойда оч жигарранг тери устида кулранг доғ пайдо бўлган эди. Иккита кичкинагина яра устида икки томчи ёқутдек қон оқиб турарди.

– Пикаколу зотли илон чаккан, – ғамгинлик билан деди Зуга. – Дауднинг ўзи ҳам бунга қарши чорани билмасди. Аёл, боланг энди ўлади.

Шу пайт чайладан бир қари чол чиқиб келди. У боланинг оёғини кўриб, бошини чайқади ва таъкидлаб, деди:

– Пикаколу чаккан...

У бошқа ҳеч нарса демади ва жимгина заҳарнинг таъсирини кузата бошлади. Болакайнинг оёғи борган сари шишиб борар ва оқ доғ сонигача етган эди.

Боланинг онаси ерда ўтирганча, тинмай кичкириб йиғлаётган боласини бағрига босиб индамай кўз ёш тўкарди.

– Унинг албатта ўлишига сен аминмисан? – сўради Александр.

– Ярим соатдан кейин. Бу илоннинг чакишига қарши восита йўқ.

– Қасам ичаманки, бу бечора аёлнинг бизнинг миннатдорчилигимизга қатга ҳақи бор. Мен унга қарзимизни узишга ҳаракат қиламан... Альбер, – дўстига қараб мурожаат қилди йигит, – бизнинг куйдириш учун ҳеч нарсамиз йўқ, мен ҳатто ўчоқ ҳам кўрмайман. Менга патронингдан порох солиб бергин. Сен эса, Зуга, аёлга айтгинки, мен боласини ўлим чангалидан қутқариб қолишга ҳаракат қиламан, бироқ бу жуда оғриқли бўлади.

Боланинг онаси индамай болакайни оқтанли одамнинг қўлига тутқазди ва унга меҳр ишонч билан қараб қолди.

Александр ўзининг йўл анжомлари ичидан ланцетини олиб, илон чаққан жойда иккига чизик кесиб четини қайириб қон оқиши учун босиб турди.

Сўнгра бир сония тараддудланиб, бечора онанинг кўзларига қаради, унда кўз ёш тўла ёлвориш ифодасини кўрди, сўнгра тигроқ босиб ётган болага қаради.

Альбер дўсти нимани ҳис қилаётганини сезиб, юраги тортишиб кетди. Унинг ранги оқариб кетган бўлсада, бироқ ўз ҳаёти билан таваккал қилаётган дўстини тўхтатиш учун ҳеч бир ҳаракат қилмади.

Александр қўркувини енгиб, яралардан бирига лабини босди ва қонни сўриб-сўриб, вақти-вақти билан оғзидагини туфлаб ташлай бошлади. Рухонийнинг ҳам, полициячининг ҳам аралашishiлари бекор кетди. Уларнинг гапларига қулоқ ҳам солмай, жавоб ҳам бермай Александр иккинчи ярага энгашиб, у ердан ҳам қонни сўриб олиб, туфлай бошлади. Бир оз ўтгач, етарлича сўриб ташланди, деб ҳисоблагач, Альберга ўгирилиб, деди:

– Порох! Олов чак! Пиликни ёк...

Альбер дўстининг нима қилмоқчи бўлганини тушуниб, олдиндан ҳамма нарсани тайёрлаб қўйган эди.

Александр ярадор оёқни маҳкам сиқиб туриб, яралардан бирига озгина порох сепди ва унга одатда олов ёқишда ишлатиладиган пиликни яқинлаштирди. Бирдан порох лов этиб, оппоқ тутун кутарилди ва ҳамма ёқни

куйган гўшт хиди тутиб кетди. Бола типирчилаб, бақирди.

— Яхши! Қани яна!

Александр кичкина беморнинг кичкириғига қарамай, ушбу операцияни икки марта қайтарди.

Бечора бушмен аёл французга яна савол аломати билан қаради.

— Умид қил, аёл, — юмшоқлик билан деди у. — Боланг яшайди.

Йигитнинг гапларини бирдан янграган хохолаш овози бўлиб қўйди, кулги кетидан эса одамникига ўхшамаган кичкирик эшитилди.

Александр ўзини илон чакиб олгандек кескин ўгирилди. Бор кучи билан болага қараб чопаётган, бўйнига оғир кунда осилган қоратанлини қўриб, қотиб қолди. Бу пайтга келиб болакай йиғлашдан тўхтаган эди. Қоратанли уни қўлига олиб, баланд овозда қичқирди ва болани маҳкам кучоклаб олди.

Шу пайт яна арранинг ғичирлашига ўхшаш кулги овози эшитилди ва бечора бушменнинг орқасига гиппотамнинг терисидан ишланган узун чарм қамчи тушиб, қонли из қолдирди.

ЎНИНЧИ БОБ

Қуллар билан савдо килувчилар. — Чамбок нима? — Унга шундай қилиш керак! — Гуноҳни ювиш. — Миннатдорлик. — Қоратанлиларнинг ҳимматлари. — Қишлоқда байрам. — Ерли аҳолининг зиёфати. — Илдизлар, ниначи, капалак курти. калтакеёсак, тошбақа ва қурбақалар. — Аҳл билан ўрнатилган печка. — Тўқилган идишдаги пиво. — Катта овга тайёргарлик.

* * *

Европаликлар Александрнинг қаҳрамонларча ва ақлсизлик билан қилаётган ишини кузатишаётган, ўлаётган боланинг онаси эса алам ва умид билан боласига тикилиб турар экан, водийда ҳимоясиз краалга томон қараб келаётган одамларни ҳеч ким кўрмай қолди. Юзлари ҳайвонники каби тишларигача қуролланган мулатлар кўриқлаб келаётган, қўллари орқага қилиб боғланган, оёқлари эса ўлимга ҳукм қилинганларники каби боғланган қоратанлилар зўрга судралишиб келишарди. Бечора қоратанлилар чарчов ва сувсизликдан қийналиб кетишган эди. Уларни ўта ваҳшийлик билан иккитасини битта қилиб бўйниларига узунлиги уч метр ва иккала учида айриси бор устунлар ташлаб боғлаб қўйишган эди. Бир-бирлари билан шундай қилиб боғлаб қўйилган қоратанлилар қайрилиш, ҳеч бўлмаганда бошларини ўгириб қараш имкониятидан ҳам маҳрум эдилар. Уларни чамбок билан уриб, ваҳшийлик билан ҳайдаб келишар экан, бечора қоратанлилар ҳар қадамда қоқилиб, судралишиб келишарди. Бунинг устига орқаларида майда болаларини осиб олган бир нечта аёллар ҳам иккита-иккитадан қилиб бойланишган бўлиб, уларга ҳам шундай инсонга ҳос бўлмаган муомала қилинаётган эди.

Бу одам подасини ҳайдаб келаётган пасткаш қул жаллоблари европача кийиниб олишган эди: эгниларида

куртка ва пахтали иштон, кенг соябонли похол шляпа ва шпорли этик бор эди. Уларнинг шафқатсизлик ифодаси қотиб қолган башараларини, ҳатто цивилизациялашган мамлакагда учратиб қолсангиз ҳам даҳшатга тушган бўлардингиз Бу ёввойи ва ташландиқ саҳрода эса улар шунчалик жирканч эдиларки, тасвирлаш қийин.

Александр, Альбер, Жозеф ва ҳатто мастер Виль ҳам ўз кўзларига ишонмай қолишди. Қанақасига! XIX асрда, Англияга тегишли ерларда ҳали ҳам одам савдоси билан шуғулланадиган бадкирдорларни учратиш мумкинми? Ва бу даҳшатли одамларнинг томирида ярим ана шу ўзлари сотадиган қоратанли одамларнинг қони ва ярим оқтанлиларнинг қони оқади! Қанчалик жирканчлик!

Ҳали ҳам ўзида ҳозиргина ўзи қутқарган болакайнинг онасининг сокин қарашини ҳис қилиб турган Александр, одатда вазмин одамлар бундай пайтда ўзларини ушлай олмайдиган ҳолатга тушди. Ҳозиргина у боланинг ҳаётини қутқариш учун ўз ҳаёти билан таваккал қилган эди. Ҳозир унинг фидокорлигига шундай муносабатда бўлишганда у ортиқ ўз вазминлигини ушлай олмади.

Хивич билан урганларидан бўкириб юборган бўлса-да, юзи хурсандчиликдан ёришиб кетган бу қоратанли қутқариб қолинган боланинг отаси эди. Табиатнинг ўгли бўлган бу қоратанли ўзининг ўткир кўзлари билан узоқдан бу ерда нима бўлаётганини кўриб, оқтанлининг қилган ишини тушунганди. Бор кучини сарф қилиб, бўйнидаги қўллик белгисини синдириб, боласига қараб чопганди. Соқчи мулат эса ўзини у қочишга ҳаракат қилди, деган шубҳага борганга солиб, уни чамбок билан урди ва бечора отанинг хурсандчилик кўзёшлари қон билан аралашиб кетганда қулиб юборди.

Бу аламли хурсандчилик французга худди тарсакидек таъсир қилди. У қаддини ростлаб, зўравоннинг олди-га келиб қўлидан чамбогини тортиб олди ва ўша чамбок билан ўзининг юзига шундай урдик, унинг башараси шу заҳоти қон билан қопланди.

– Бу оқтанли Европадан! – бўғик овозда деди мулат.
– Бу чинакам оқтанли!

– Ҳа, аблах, мен оқтанлиман ва мен Европаликман ва ҳозир сен менга ҳаммаси учун жавоб берасан! Тиз чўк, ифлос! Сен озодликдан маҳрум қилган ана шу одамлар олдида тиз чўк!

Қасос яқинлигини кўрган қоратанлилар хурсандчиликдан бақириб юборишди. Бироқ шароит хавфли эканлигини сезган бошқа қул жаллоблари курашга тайёрланишди.

– Қуроолларингизни ташланглар, акс ҳолда мен мана бу ифлосни отиб ташлайман! – буюрди уларга бир сўзли қасоскор. – Альбер, Жозеф, уларни нишонга олинг! Қимир этганининг пешонасига қараб отинг!

Филларга мўлжалланган йирик калибрли карабинларнинг стволларининг оғзи ўзларига қаратилганини кўрган қул жаллоблари ўзлари ҳозир бу нотаниш оқтанлиларнинг қўлида эканликларини тушунишди ва шундан сўнг қўлларидаги қуроолларини ерга ташлашди. Яхши ҳам шундай қилишди, чунки бизнинг икки каталониялик оғайниларимиз Альбер ва Жозеф шундай аҳволда эдиларки, яна бир оз ва улар қул жаллобларини сиртлонни отгандек, отиб ташлардилар.

Ўқувчиларимиз учта тасодифий одам бир зумда мулатларнинг қаршилик қилишга бўлган хоҳишларини ўлдиролганларига ҳайрон қолишмасин. Бу ваҳший одамлар кўзи олдида тоза оқтанлиларнинг обрўси шунчалик баланд эканлиги, қони кўшилган одамлардан, айниқса португалияликлар ва ерли халқ аёлларидан пайдо бўлганлардан анча юқори туришини билиб қўйиш керак. Бу қони кўшилган одамлар ўзлариникининг олдида ўта ваҳшийлар, бироқ европаликнинг кўринишининг ўзиёқ уларда унга нисбатан ҳурмат уйғотади.

– Энди эса, – деди Александр, – ҳайдаб кетмоқчи бўлаётганингиз мана бу одамларни озод қилинг! Бўшатинг уларни! Тезроқ!

Мулагнинг баданигина азият чекаётганда у индамаётган эди. Бирок ҳамёни завол кўраётганини сезиб, у хаяжонланиб кетди ва савдолашишга ҳаракат қилиб кўрмоқчи бўлди. Очкўзлик кўрқувдан кучлироқ бўлади.

-- Бирок, ижозат беринг, октанли сеньор, бу одамлар менга тегишли. Мен уларни сотиб олганман... Ва улар учун жуда қиммат ҳақ тўлаганман. Мен уларни шох Сикомонинг акасидан сотиб олганман. Мен уларни Ваальга, бурларга етказиб олиб боришим керак. Уларга у ерларда яхши бўлади. Ичадиган ҳам ейдиган ҳам нарса йўқ саҳрода уларга бу қандай кийинлигини кўриб турибсиз... У ерда эса буларга ғамхўрлик қилишади. Ҳурматли октанли сеньор, агар мендан уларни сотиб олмоқчи бўлсангиз, сизга арзон қилиб бераман. Умид қиламанки, индамай туриб одамни чув туширмасангиз керак. Истаган пайтингизда, қанча хоҳласангиз тўлашингиз мумкин. Октанли одамнинг сўзи муқаддас.

– Эҳ, сен ярамас! – Бақирди бу гап-сўзлар жонига тега бошлаган Александр. – Шошмай тур, мен сенга ҳозирнинг ўзидаёқ тўлайман! Ортиги билан! Ҳозир юзингга чамбоқ билан олганинг закат эди. Шошмай тур, ҳозир тўлиқ ҳисоб-китоб қиламиз.

У боядан бери кўлида қисиб турган чамбоқ билан у аблахни ура бошладики, бечора нафаси қайтиб, кечирим сўраб ялина бошлади.

– Бу одамларни ечиб юбор, – буюрди Александр.

Бечора туткундагилар душманлари қуролсизлантирилганини кўриб ва озодликни ҳис қилиб, хурсандчиликдан кичкира бошлашди. Уларнинг баъзилари бу ерда «қуллик устуни» деб аташадигани туткундагиларга кийдириладиган ёғоч кундаларни синдиришга ҳаракат қила бошлагандилар.

Буйруғи тўла-тўқис адо этилишини истаган халоскор қоратанлиларга кимирламасликни билдириб, имо қилди. Шундан сўнг у еган қалтагидан сўнг оғир хансираётган мулатнинг қулоғидан ушлаб қатор бўйлаб олиб юриб,

ҳамма тутқундагиларни, бириинчи навбатда эса аёлларни озод қилишга мажбур қилди. Бир қўлларига катта ошхона пичоғи ушлаб олган Альбер ва Жозеф иккинчи қўллари билан биттадан мулатни ушлаб олишган, ҳатто мастер Виль ҳам соғ қўли билан қаршилигига қарамай, кейинги мулатни ушлаб олган эди. Фақат руҳоний ҳазратларигина олтинчи мулатга ҳайрон бўлиб қараб турарди. Бироқ бу охирги мулат, шериклари бўйсунганини ва тутқундагиларни озод қилишгаётганини кўриб, сўзсиз бўйсуниб қўя қолди. У ўзи камар билан калтакланмаганидан хурсанд эди.

Ўн беш дақиқа ҳам ўтмай адолат қарор топди – тутқундагилар озодликка эришишди. Кундаларни бир тўдага ташлашди ва оқтанлиларнинг фикрини уққан Зуга гулхан ёқиб «қуллик устун»ларини оловга ташлади. Бушменлар қувноқ рақсга тушиб кетишар экан, олти қулжаллоби уларга тундлик билан қараб туришарди.

– Сизлар одамзоднинг энг муқаддас ҳуқуқини поймол қилдинглар! – уларга қараб кескинлик билан деди Александр. – Сиз бу одамларни озодликдан маҳрум қилдингиз. Мен сизларни бу одамларга талашга ташлашим мумкин эди, бироқ биз жаллод эмасмиз! Мен сизларнинг қуроллариңизни олиш билан кифояланиб қўя қоламан. Тўрт томонингиз кибла. Йўқолинглар!

Мулатларнинг руҳи тушиб кетган эди. Улар ўзларини бажонидил бўлак-бўлак қилиб ташлашга тайёр бушменларга қўрқа-писа кўз ташлаб, бошларини солинтирганча, ҳамма қуролларини ташлаб, секин кета бошладилар.

Александр йўлбошловчини чақирди.

– Манави милгик, қилич, пичоқларни йиғиштириб, одамларга бўлиб бер – уларда ўз ҳаёт ва озодликларини ҳимоя қилишлари учун керак қуроллари бўлсин.

Шундан сўнг у қўлига илиқ ва юмшоқ нарса текканини ҳис қилиб, кескин ўтирилди: унинг шу пайтгача газабдан оплоқ бўлиб турган юзига нурли жилмайиш югурди:

у ухлаб ётган болалари устига энгашиб турган бушмен ва унинг хотинини кўрди.

Бушменнинг юзи бахтиёрликдан ёришиб кетган эди. Юзидан кўзёшлари окиб тушаётган, у кўзёшларини тўхтатмаётган ҳам эди. Ва ана шу ҳақиқий дурдан кўра минг баробар киммат бўлган дурлардан бири Александрнинг кўлига томган эди.

Шу пайт Жозефнинг қувноқ товуши эшитилди:

— Карай! Энди ву ўлаксалар кетив, вушменлар уйга кайтгандан сўнг озгина ўйнаса ҳам вулади. Шундай эмасми, мистер Альвер?

Чиндан ҳам ўша кун қишлоқда катта байрам бўлди. Бушменлар ўзларининг октанли халоскорларининг ҳурматларини муносиб равишда жойига қўйишмоқчи эдилар. Улар дастурхонга ўзларида бор нарсаларнинг барини қўйишди ва европаликлар шундай овқатларни кўришдики, дунёда шундай нарсалар борлигини улар ҳатто тушларида ҳам кўришмаган эди.

Фақат ғалати эмас, балки бизнинг дўстларимиз хавфсирабгина қараб қўйган овқатлар жуда кўп эди. Аввалига «лапанес» деб аталувчи капалак курти солинган ўтлардан чиройли қилиб тўқилган ликопчалар кўлма-қўл тортилди. Бушменлар бу овқатга очкўзлик билан ташланишди. Сўнгра меҳмонларга иккинчи овқат тортилди. Бу ширин шилимшик парда билан қопланган қандайдир бир ҳашаротнинг личинкаси эди. Ҳашарот «мопанес» деб аталарди. Ерли аҳоли бу ҳашаротлар яшайдиган дарахтни ҳам шундай аташади. Дарахтнинг европача номи — баугиння. У жуда ҳам чиройли, бироқ ғалати хусусияти борки, шу сабаб барглари кам соя беради. Куннинг иссиқ вақтида барглар юмилиб қолиб, қуёшга фақат томирлари кўришиб туради. Бу баргларнинг қаватида эса еса бўладиган кичкина ҳашаротлар ўзларига яшашга жой топадилар. Альбер ҳазиллашиб «енгил майда қисқичбакалар» деб атаган бу ковурилган ниначилар бизнинг европаликларимизга сал ёқди. Куритилган катта калтакесакларнинг

кўринишининг ўзиданок Жозефнинг кўнгли айланиди. Бироқ айланасининг узунлиги бир метрча бўлган мева унга жуда ёқди. Бушменчасига у «маркуз» деб аталар экан. Унинг сувли юмшоқ қисми оғизда эриб кетар ва сметанани эслатар экан. Кейин картошкага ўхшаган, бироқ ширин «камерос» ва «киамало» деб аталган меваларни ейишди. Уларни қайнатилган ҳолда тортишган бўлиб, бир неча кундан бери иссиқ овқат емаган меҳмонлар уни катта иштаҳа билан ейишди.

Оқтанлилар на капалак курти билан, на калтакесаклар, на личинкалар билан қизиқишди, бироқ тўйимли ўсимликларга қойил қолишди ва янги овқатни олиб қиришганда уларнинг қоринлари тўйган эди. Ундан келаётган хушбўй хид иштаҳани баттар қитиклаб, гўштсиз овқатларни нари суриб қўйишди.

Альбер ҳеч бир хижолат қилиб ўтирмасдан ўртача катталикдаги бузоқ гўшти бемалол сиғадиган идишнинг қопқогини очди. У ерда олтига тошбақа бор экан. Улар устидаги косаси билан қайнаётган бўлиб, хушбўй ўтлар қўшилган эди.

– Ура! – хитоб қилди каталониялик. – Тўғри, калтакесак ҳам одамнинг дўсти, бироқ қайнатилган ҳолда! Яшасин тошбақалар!

– Курбақалар ҳам! Яшасин курбақалар! – иккинчи қозонни оча туриб, хитоб қилди Алесандр. – Мана булар ҳақиқий французча овқатлар. Уларни рад қилиш бу одамларни хафа қилиб қўйишигина эмас, ошпазликка қарши жиноят бўлган бўларди. Жаноб инглизлар, – руҳоний ҳазратлари ва полициячига қараб мурожаат қилди у. – Марҳамат қилмайсизларми?

Бироқ бу ажойиб овқатга ўрганмаган Бирлашган Қиролликларнинг иккала фукароси ҳам юзларини буриштиришди.

– Жаноблар, бекор қиласизлар, гапимга ишонаверинглар. Нельсонс-Фонтейнда мен бу овқатларни кўп еганман ва очиги, бундан мазалироқ нарсани билмайман.

– Тошбақа ва қурбакалар якинида боткоклик ерлар бўлган олмос далаларида кўп учраши мени ажаблантирмайди, – деди Альбер, – бироқ улар бу ерга қандай келиб қолишган, тушунмаяпман.

– Мен сенга тушунтириб бераман. Бироқ бир нарсани айтиб ўтишим керакки, бушменлар бу овқатни менинг хитой ошпазимдан кўра ширинроқ тайёрлашар экан. У буларни шундайгина идишда қайнатиб кўя қолар эди, булар эса афтидан, духовкага қўйишар экан, шекилли.

– Қанақасига – духовкага? Мен бу ерда ҳеч қандай духовкани кўраётганим йўқ.

– Мана энди! Наҳотки мен сенга Жанубий Африкани тасвишлаб беришим керак бўлса? Сен уни шимолдан жанубгача, шарқдан ғарбгача кезиб чиққансан. Мен эса бу пайтда Нельсонс-Фонтейндаги участкамдан бошқа ҳеч қаерда бўлмаганман!

– Шундай бўлса-да!

– Ахир бу жуда оддий-ку. Ҳов анави конус шаклидаги тепаликни кўраяпсанми? Сен уни кулба деб ўйлаётган бўлсанг керак? Хато қиласан, дўстим. Бу чумолининг уяси. Бизнинг бушменларимиз уянинг тагидан тешик қилиб, ўша ердан олов тикишган ва чумолиларни ўлдиришган. Кейин у ерни яхшилаб гозалаб, ажойиб печга айлантиришган. Ундан бутун кишлок фойдаланади. Ҳамма овқатини қайнатади. ковуради, хохлаган нарсасини пиширади.

– Ҳўп майли, бироқ бунинг қурбақа ва тошбақага нима алоқаси бор? Тўғри, улар ажойиб экан. Бироқ уларнинг қатталигига қара. Айникса, қурбакалар. Агар уларнинг овозлари ҳам ўзларига ўхшаган бўлса шернинг ўкириги билан туякушнинг кичқиригини босиб кетса керак. Мана бунга қара.. Бўрдоқи товукдан кичкина эмас. Маза-си ҳам ёмон эмас экан.

– Маҳаллий аҳоли уларни... Мана, эсимдан ҳам чикиб кетибди.

– Уларни бу ерда матламетло деб аташади, – деди шу пайтгача оғзини фақат овқат ейиш учун очаётган руҳоний ҳазратлари. У олдидаги овқатни худди ичида қурти бор одам каби еяётган эди.

– Ҳа, ҳа -- айнан матламетло! Раҳмат сизга, руҳоний ҳазратлари. Туб аҳоли уларни осмондан тушади, деб ўйлайди.

– Осмондан ёғилган чалпак! Ва тоши ҳам оғир!..

– Эҳ сен, Яратганга ишонмайдиган Фома! Ҳар ҳолда йилнинг ёмғирли фаслида улар қаттиқ ерларда пайдо бўлган қўлмакда яшашади. Қурғоқчилик бошланганда эса матламетло бугалар остида жой қилиб, кейинги ёмғиргача ўша ерда яшайди. Улар фақат ёмғирда чиқишади, бу ерларда эса ёмғир ойлаб бўлмайди. Ии тўқиши керак бўлган каттақаон ўргимчак эса бундан фойдаланиб қолади: у ўз ини билан қурбақанинг уясига кирадиган йўлни тўсиб қўяди. Бирок бу қурбақани чивинлардан ҳимоя қиладди. Шундай қилиб, бушменлар овга чиқишганда у ерда ўлжа топишларини библиб ўша пардани кўтармай қолмайдилар. Уларнинг осмондан ёғилиши ҳақидаги афсонага келсак, мана унинг тарихи. Ёмғир ёғишидан олдин бўладиган момақалдироқ пайтида қурбақалар ўз инларидан ўрмалаб чиқишади ва худди бақироқ маймунларга ўхшаб, баланд овозда қуруллай бошлашади. Бушменлар эса момақалдироқдан ўлгудек кўркишади. Бундай пайтларда устиларига каросса ёпиниб олиб кулбаларидан чиқмай ўтирадилар. Баланд қуриллаган овозлар уларни хайратга солади, чунки улар фақат осмон жонзотларигина шундай баланд овоз чиқаради, деб ишонадилар. Тошбақаларга келсак, улар ҳам қуриб қолган қўлмак тагида тўпланган қумларда яшашади. Агар уларни бугунгидек зиёфатга таклиф қилишмаса, ёмғирлар бошлангунча улар чуқур уйқуда бўлишади.

– Чиндан ҳам ғалати мамлкат! – жаркопни маза қилиб туширар экан, тўнғиллади Жозеф. – Ҳамма нарса ерда: илдизлар, сув, ҳайвонлар; сувни туяқуш тухуми-

нинг пўчоғида ташишади, пивони тўқилган идишларда олиб келишади. Мана бу тахир нарса – пиво-ку, тўғрими? Шундайми, месье Александр?

– Тахир? – Александрнинг жаҳли чиқиб кетди. – Ахир бу жўхори пивоси-ку! Ажойиб пиво!..

– Бу пиво энг яхши Страсбург ва Мюнхен сортлари билан беллаша олади, – кўшиб кўйди Альбер. – Бироқ мени унинг идиши ажаблантираяпти. Ахир булар тўқилганку! Улар ўсимлик толасидан қилинган. Бироқ, қаранглар, қандай нозик! Бутунлай сув ўтмайдиган қилинган!

Зиёфат ярим тунгача чўзилиб, европалик меҳмонлар шу пайтгача ҳали кўришмаган рақслар билан тугади. Агар бу гаройиб тана ҳаракатлари бўйича ҳукм чиқариладиган бўлса, уларнинг қувончларини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмасди. Ахир бир ҳафтагина бурун бу бечора одамлар овга чиқиб Португалиялик мулатлар – қул жаллоблари билан иттифоқ тузган душман қабила томонидан тутиб олинган эдилар. Бироқ сеҳрли озодлик ҳисси ибтидий одамлар билан ҳам, цивилизацияга эришган одамлар билан ҳам қандай мўъжизалар яратмайди!

Кечаси маза қилиб шўх рақсга тушганлари ва бунинг устига тўйиб овқатланганларига қарамай, ҳаммалари эрталаб бардам уйғонишди.

Ҳамма соғлом эркаклар кетган катта ов қулжаллоблари бостириб келгани туфайли барбод бўлган бўлиб, бушменлар нима бўлганда ҳам хурсандчиликларини давом эттиргилари келгани учун, янги дўстларини катта овга таклиф қилишди. Қурғокчилик туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилигини бошидан кечиришаётгани учун улар овга чиқишлари зарур эди ва уни юзлаб, балки минглаб ҳайвонлар «хопо»га тушадиган катта ов билан тугатишмоқчи бўлди.

Бизнинг уч биредаримиз ўзларининг шимол томонга қараб олган йўлларини қанчалик давом эттиргилари келмасин, қилинган таклифни рад қила олмадилар. Уларнинг ўзлари ҳам бир неча кун қишлоқда қолиб, биринчидан:

куч тўплаб олиш учун, иккинчидан кслажакда ёрдам беришларига умид қилаётганлари бушменлар билан дўстликни мустаҳкамлаб олиш учун ҳам бир оз вақтларини хотиржам ўтказишга муҳтож эдилар.

Мастер Виль ўзининг ярадор қўлини рўкач қилиб, қишлоқда қолиш хоҳишини билдирди. Тингловчилар йўқлиги сабаб шу пайтгача ваъз айтмаган рухоний ҳазратлари ниҳоят ўз иқтидорини намоён қилиш вақти келгани сабаб барча бушмен аёл ва болаларни эътиқод йўлига даъват қилишга бошлади. Бу нарса унга ов сингари қизиқарли машғулотдан бош тортишига имкон берди ва у ҳам қишлоқда қолди.

Олхўридан тайёрланган маҳаллий арак «муцуни» ичиб олган бушменлар эса тезда овга тайёргарлик кўришга тушиб кетишди Бунга икки кун кетадиган эди.

Европаликлар бу қирқ саккиз соатни фойдали нарсага сарф қилмоқчи бўлишди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Икки хил кўрадиган одам. — Ҳиссиёт ҳақида. — Йўқотилган медальон. — Облава. — «Хопо» нима дегани. — Антилола, жирафа, буйвол, зебра ва бугулар. — Овчилар байрами. — Жанубий Африка ҳайвонларининг йиғиладиган жойи. — Ваҳима. — Калтаклаш. — Куаггу ўлдирилганда нима бўлган эди. — Тимсоҳ билан юзма-юз. — Ўлим хавфи.

* * *

— Дўстим Жозеф, биласизми нима, бу ирим-сиримларингизни бушменларга совға қилиб юборинг! Оқтанли одам кўрган тушидан шунчалик кайфияти бузилганини энди кўришим!

— Тушдан дейсизми, месье Александр? Карай, яхши-си даҳшатли тушдан, денг.

— Даҳшатли туш бўлса ҳам. Ахир уйғонганингиздан кейин кўрганларингиз ҳаммаси йўқ бўлди-ку, тўғрими?

— Нималар деябсиз! Улар ҳаммаси ҳали ҳам шундай кўзимнинг олдида турибди. Биласизми, биз каталонияликлар икки хил кўришга ишонамиз.

— Бушмен ва бечуанлар уларнинг сеҳргарлари ёмғир чакира олишига ишонадилар! Аслида, улар ҳақлар. Уларнинг сеҳргарлари бир неча ҳафта давомида қуёш, ой ва юлдузларга дам солганларидан кейин, эртами, кечми ёмғир ёға бошлайди...

— Ҳа, месье Александр, бироқ биласизми...

Александр кулиб юборди.

— Альбер, сен ҳам ёмон туш кўрдингми? — сўради у дўстидан. — Худди баликка ўхшаб жим ўтирибсан; рангинг ҳам оппок, худди Жозеф тушида кўрган арвоҳнинг юзига ўхшайди. Эҳ, сиз тоғликлар! Сиз қаерда тугилганингиз ва қаерда эканлигингизни эсингиздан чиқариб юборибсиз! Сизлар куюк туманда, Вальтер Скот қаҳра-

монлари – ҳар хил гномлар, жин ва ажиналар билан бирга изғиб юрибсизлар. Биз Жанубий Африкада эканимизни унутманг. Бу ерда ҳамма арвоҳ ва шарпаларни қўл билан ушлаб кўриш мумкин ва бизнинг Эски Дунё афсоналаримиз бу ерга етиб келмаган.

Ҳар доим кувнок юрадиган Альбер де Вильрож ҳам бугун нимадандир хавотирда эди.

– Эҳ, дўстим Александр, – деди у тунд овозда, – баъзида ақл кучи билан тунда кўрилган туш сабаб пайдо бўлган кўркувни тарқатиб юбориш мумкин. Бирок бу тушлар таъсирчан одамларга ёмон таъсир қилади.

– Хў-ўш! Мана яна битта кўркиб кетган одам!..

– Истаганингча кулишинг мумкин! Биз жанубликлар асабий одамлармиз ва баъзи кечинмалардан ўзимизга келиб олишимиз кийинроқ бўлади. Мана бу биз тагида ётган бахайбат мимозага қарагин. Сенга унинг нозик оч яшил баргларининг ҳар хил об-ҳавога таъсирчанлиги билан тунгги сирли тушлар кийнаётган менинг рухим ўртасида қандайдир бир умумийлик борга ўхшаб туюлмаётими?

– Биласанми, сенинг гапларингда метафизика билан ботаниканинг аралашмаси борга ўхшашлиги ва мен ҳеч нарса тушунмаяпман.

– Ҳозир тушунтираман. Кечагина мана шу ажойиб дарахт қандай улугвор кўринаётган эди. Шохлари тепага, осмонга кўтарилиб турганди, нозик барглари эса қуёшнинг ўпичларини маза қилиб қабул қилаётган эди. Бугун эса у касалга ўхшаб кўринаётди, шохлари осилиб қолибди, барглари буралиб қолган, хуллас – касал дарахт.

– Ҳа, ахир момақалдироқ якинлашашди. Мени ҳам эски бод касалим қийнай бошлади, бироқ мен ҳеч ҳам мимоза эмасман.

– Демак, сен айтмоқчисанки, ўсимликлар бир неча кун ё соат олдиндан ҳар хил табиат ҳодисаларини ҳис қилишлари мумкин? Сенингча, инсон ҳалокатни олдиндан ҳис қила олмайдими?

– Албатта, ҳис қила олмайди! Сабабни натижа билан чалкаштирмайлик. Мимоза ҳаво электр токи билан тўйингани учун бужмайиб қолади. Сенинг ақлингни эса...

– Менинг ақлимни тушимда кўрган нарсам жароҳатлади ва унинг назарида у хавф яқинлашиб келаётганини сезаяпти.

– Ҳа, бироқ атмосферадаги электр токи ва момақалдироқ – бор нарсалар, сенинг хавфинг эса тўқиб чиқарилган.

– Сен буни билмайсан!..

– Сен шунчаки касалсан, дўстим. Сени безгак тутаяпти ва шунинг учун бўлар-бўлмас гапларни гапираяпсан.

– Ундай эмас. Эътибор бергин, сайёҳатимиз бошлангандан бери ҳамма ишларимиз тескари бўлаяпти.

– Мен бундай демаган бўлардим! Тўғри, ҳар хил саргузаштларга учрадик, бироқ уларнинг ҳаммасидан яхши чиқиб кетдик. Ва, жуда секинлик билан бўлса-да, сайёҳатимиздан бўлган мақсадимизга яқинлашаяпмиз.

– Мен буни гапирмаяпман. Мен билан бир марта ёкимсиз ҳодиса рўй берган эди. Мен буни сенга айтмоқчи ҳам эмас эдим, бироқ бугун эрталаб эсимга тушиб кетди ва ҳаммаси кечаси кўрган тушим таъсирида бўлди. Нельсонс-Фонтейндан кетаётганимизда мен Аннанинг портрети солинган медальонимни йўқотиб қўйгандим. Айнан қаерда, қайси жойда ва қайси дақиқада йўқотганимни билмайман. Балки, анави савдогарнинг фурғонида эканлигимизда бўлган бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, эртаси куни севгилимнинг расмига қарамоқчи бўлганимда заҳир узилиб, медальон эса йўқлигини кўрдим.

– Албатта, бу катта йўқотиш, баҳслашмайман, – юмшоклик билан деди Александр. – Бироқ, дўстим Альбер, сен фақат суратни йўқотгансан, асли эса қолган ва у йўқотганингни ўрнини тўлдиради. Албатта, бу қайғули ва ёкимсиз, бироқ тузатса бўладиган нарса.

– Мен бунга кўндим. Жин урсин, кичкина бола эмасман, ахир. Бироқ, гапимга ишон: ўзимни минг тинчланти-

ришга уринганим билан Анна гўтрисидаги юрак ташлигимни ҳеч нарса тарката олмаяпти.

– Айрилиқнинг табиий натижаси.

– Шунга ишонгим келаяпти. Бирок бугун кечаси Аннани туш кўрдим. У ёрдам сўраб ялинаётган, шундай даҳшат билан қичқираётган эдики, терга ботиб уйғониб кетдим. Бошим қарсиллаб, юрагим турсиллаб уйғондим... Бунинг устига шу пайт Жозеф келиб қолди, унинг кўриниши ҳам меники каби эди. У ҳам айни пайтда Аннани туш кўрибди. Бир ҳолатда эмиш. Сенга нима бўлди? Рангинг оқариб кетди...

– Ҳечқиси йўқ. Мен билан бўлиб туради... Асаблар... – жавоб берди Александр ва ўйлаб қолди: «Бирдан улар ҳақ бўлишса-чи? Мен Анна де Вильрож хонимни билмайман. Бирок у кадрдон дўстимнинг хотини ва мен уни ўз синглимдек яхши кўраман. Ахир мен ўзим ҳам унинг жуда қийин ахволдалиги ва ёрдамга чақираётганини туш кўрдим-ку?...»

Дўстига эса у деди:

– Дўстим, хотинингга ҳеч нарса даф солмаяпти. У отаси билан катта маданий шаҳарда яшаяпти. Бизга келадиган бўлсак, биз аниқ бир вазифани бажаришимиз керак. Иродасизлик қилишга ҳақимиз йўқ, олдинга ва фақат олдинга қараб юришимиз керак. Сахро баъзан энг кучли одамларни ҳам бўшаштириб қўяди, бироқ бу ўтиб кетади. Биз эса икки кундан бери ҳеч нарса қилмаяпмиз. Яна ҳар хил сиқилишлар. Албатта, бу ҳам таъсир қилди. Энди қўзғалишимиз ва олдинга қараб ҳаракат қилишимиз керак. Кафр қиролларининг хазинаси яширинган махфий жойга қараб йигирма тўрт соат яёв юрамиз ва ҳаммаси унутилиб кетади.

– Айтганча, иккаламиз ёлғизлигимизда мана шу масалада сенга икки оғиз гап айтмоқчи эдим.

– Марҳамат! Рухоний хазратлари қолган-қутган гапларини айтиб олаяптилар. Мастер Виль эса худди бир

умр шу билан шуғуллангандек. унга ёрдам бераёпти. Гапиравер, биз Жозеф билан эшитамиз.

– Харитани яна бир марта яхшилаб ўрганиб чиқишимиз керак эди.

– Менга бунинг кераги йўқ, мен хотирамга ишонаман. Ўша жойнинг ҳар бир чизиги – дарахтлар ҳам, базальт кўрсаткичи ва бутун орол – кўз олдимда турибди. Буларнинг ҳаммасини ёддан айтиб беришим мумкин.

– Сен-чи, Жозеф?

– Биласизми, менинг бошим бундай нарсаларга ишламайди! Агар ўша ерда бир мартагина бўлганимда эди, кейинги сафар боғланган кўз билан ҳам топа олган бўлардим. Сизлар кетаверинглар, мен эса сизларнинг изингиздан бораман. Менга ўша жойни узоқдан кўрсатиб қўйинглар. Агар у жой яланг қоянинг чўққиси бўлса, мен калтакесакдек чиқиб бораман. Агар шўр сув ёки чучук сувга шўнгиш керак бўлса – марҳамат. Агар ўрмонга кириш керак бўлса – марҳамат. Ботқоққа – марҳамат. Ботқоқда мен бизнинг Канигудаги қорларда юргандан кўра яхшироқ юраман. Бироқ мендан бу бўяб ташланган, бу тушуниб бўлмайдиган нарсаларни тушунишни талаб қилманглар. Мен рад қиламан. Бу сизларнинг ишингиз, сизлар ҳатто лотин тилини ҳам ўргангансизлар...

– Майли, – деди Александр, – нима ҳам қилардик. Англизимча, Жозеф топографияни ёмон кўрар экан.. Бироқ биз ажралишни кўзда тутмаётганимиз учун, бу нарсанинг борди-келдиси йўқ. Энди менинг маслаҳатимни эшит: ана шу харитани йўқ қилиб юборайлик. Нималар бўлиши мумкинлигини Худо билади. Биз касал бўлиб қолишимиз мумкин, бизларни ярадор қилишлари, асирга олишлари мумкин, бу ҳужжат эса бегоналарнинг қўлига тушиши мумкин эмас.

– Агар истасанглар, – деди Жозеф. – Уни менга ишонинглар мумкин. Хавф туғилиб қолса мен уни дарров йўқ қилиб юбора оламан.

– Яхши фикр! Мана, ол. Ва бизнинг ҳамма бойликларимиз сенинг қўлиңда эканлигини унутма.

Хопо — ерли халқнинг ҳайвонларни тутадиган катта тузоғини тайёрлаш учун керак бўлган кирк саккиз соат ўтиб кетган эди.

Французларни расман тақлиф қилиш учун бушменлар гуруҳи тўлиқ ҳарбий формада келди. Тез орада ов бошланиши керак эди.

Рухоний хазратлари ва мастер Валь ўз машғулоти билан шунчалик банд эдиларки, яна қишлоқда қолиш истагини билдиришди. Александр, Альбер ва Жозеф бир дақиқада тайёр бўлишди ва уларни яхши жойларга қўйиб, уларга керак бўладиган ҳамма нарсани мухайё қилишлари керак бўлган бушменлар билан кетишди.

Жанубий Африка ҳайвонот оламини бор бўйи билан бемалол кўришлари мумкин бўлган бундай катта овда қатнашиш иштиёқи бу учта тажрибали овчини ўзига тортаётган эди, албатта бироқ бу нарса ҳам уларнинг кечаси кўрган дахшатли тушларидан чалғита олмади.

Айниқса, Жозефнинг жуда кайфияти йўқ эди. Унинг юзаки қувноқлиги ҳеч кимни алдай олмаётган эди. Бу ажойиб йигит ҳамроҳлари билан бирор қорхон бўлиб қолмаслиги учун доим уларни кўздан қочирмасликка ҳаракат қиларди.

Қўшни қабиладан овга тақлиф қилинганлар узокқа, ўз жойларига кетиб қолганлари учун ёш болалардек хурсанд бушменлар ўзларининг янги дўстларига хопо нималигини тушунтириб бердилар ва французлар бу осонгина ускуна нималигини дарров тушуниб олдилар.

Баландлиги икки метр бўлган қозикдеворни тасаввур қилинг. Қозиклар лианалар билан боғланган ва ерга маҳкам ўрнатилган. Ҳар бир шундай қозикдевор узунасига уч километрдан тўрт километргача чўзилган ва бирорта тешиги йўқ. Улар водийга ўрнатилган бўлиб, катта лотин рақами Y шаклида ўткир бурчаклари бирлашган бўлиб, бўш учлари орасидаги масофа бурчакнинг бир томонининг узунлигига тенг. Бироқ бу томонлар тенг эмас ва бурчак ҳосил қилмайди. Улар учрашиши мумкин бўл-

ган нуктадан етти-ўн метр нарида улар бир-биридан йигирма метрча масофада параллель ҳолда кета бошлайди. Шундай қилиб йўлак пайдо бўлади. Бу йўлак юзаси йигирма квадрат метр ва чуқурлиги тўрт метр бўлган чуқурлик билан тугайди. Ҳайвонлар пайдо бўлиши мумкин бўлган томонда ва қарама-қарши – ҳайвонлар қочишга интиладиган томонда – чуқурнинг четларида йикитилган дарахт таналари ётибди ва ҳар қандай қочишга интилиш – бефойда. Чуқур устини ўт ва барглари билан яширилган енгил тўшама беркитиб туради ва қозиклар орасига тушиб қолган ҳар бир ҳайвон чуқурга тушиши тайин.

Овни ҳайдаб борувчилар иложи борида кўпроқ йиғилдилар ва узоққа, беш-олти километр нарига кетадилар. У ерда улар катта ярим доира ясаб, аста-секинлик билан Ҳурамининг очик асоси томон йўналадилар. Шунинг орасида улар бор овозлари билан қичқирадилар. Уларнинг овозлари ҳамда улар найза ва қалқонларини уриб чиқараётган шовқиндан кўрқиб кетган ёввойи ҳайвон уларнинг орасидан ўтиб кетишга ҳаракат қилмай, улар томонга қараб югуради. У ҳопо томонга ўқдек учиб югуради ва қозикдевор орасига тушиб қолади. Баъзан ҳайвон деворлар яқинлашаётганини кўриб орқага қайтмоқчи бўлади, бироқ кеч бўлган бўлади. Яқин атрофда пистирмада овчилар ўтирган бўлишади. Улар худди шайтондек бирдан пайдо бўлишади, найзаларини силкитиб, қарамасдан ҳам ҳайвонларга тика бошлашади, олдида биттагина йўл бўлган ҳайвонлар эса тор йўлакка югуриб кириб қолиб, ўрага тушишади. Ўра шу кетишда тўлмагунча, улар бир-бирларининг устига тушаверадилар.

Бушменлар бу шовқин-сурон ва кайфи чоғлик билан ўтадиган овнинг ҳамма кутилмаган ҳодисалари содир бўладиган айнан ана шу жойга учала французни қўйишганди.

Ҳопо шундай ўрнатилганки, битта қозикдевор очик жой бўйлаб, иккинчиси эса ўрмон бўйлаб чўзилган. Шу сабаб европаликларимиз катта дарахтлар соясининг

салқинида яширина олишга эришдилар. Энди тўрга на-
факат ўрмон қушлари, балки одатда саҳрода яшайдиган
қушлар ҳам тутиларди.

Узоқда қуюқ чанг кўтарилгани кўринганда са-
бр-тоқат билан қутилган икки соат ўтган эди. Афтидан,
бу ўрнидан қўзғатилиб, қўрқувдан эслари чиқиб кетган
ҳайвонлар чопаетган эди. Кейин бир-биридан бир хил
узоқликда бўлган қора нукталардан ташкил тошган пунк-
тир чизигига ўхшаган нарсалар кўринди. Нукталар оқ қумда
аниқ ажралиб кўринарди. Узоқдан шовқин эшитилди — ов
бошланди.

Нукталар олдида ғаройиб бир енгиллик билан сакраб
ажойиб блюбоклар келишарди. Мана, шохлари хавфли,
жуни кўкишранг, катга оёқлари айланасига ўттиз санти-
метрга етадиган нақсон. Нақсон бу ерларда қамдан-қам
учрайди, у устида ўзининг қўпол оёқлари билан ажабла-
нарли тарзда югуриб юрадиган ботқоқда яшайди. Яна
югурганча бир нечта туяқуш ҳам келаяпти. Майда қадам
ташлаганча жирафалар тўдаси ҳам келаяпти. Бўйи етти
метрга борадиган бу ғалати ҳайвонлар чопаетганда қич-
кина бошларини ғалати қимирлатадилар, бўйинлари эса
қўрқувдан биланглайди. Бирдан қўрқиб кетиб, улар бир
тўда бўлиб олишади ва қутурғудек бўлиб зебра ва қуаг-
гулар устига ёпирилишади. Тез орада бугулар, уларнинг
ортидан қўзлари қонга тўлган қутурган буйволлар пола-
си кўринади.

Бироқ энг кўпи антилопалар эди. Ҳайратда қолган
европаликлар олдида антилопаларнинг ҳар хил турла-
ри, ҳар хил тоифалари пайдо бўлиб, улар бу ғайритаби-
ий томоша сабаб ўзларининг овчи эканликларини ҳам
унутишди. Ҳайвонлар шу пайтгача бунчалик шовқин
кўтаришмаётган эди. Улар ҳайвонларнинг шунчалик кўп
эканиги, ҳаммаси аралашиб кетганидан бир озгина бе-
зовта бўлиб туришганди, ҳолос.

Шу орада ов ҳайдовчиларнинг ярим айланаси
аста-секинлик, бироқ қатъийлик билан торайиб боради.

Уларнинг қичқириқлари борган сари аниқроқ эшитилиб, буйволдан ташқари ҳаммаси беозор бўлган ҳайвонларнинг ҳавотири даҳшатга айлана боради. Олдиндагилар қозикдеворни кўришади, тўғри чизик олдинги қатордагилар олдида горизонтни тўсиб қўяди.

Ҳайвонлар айланиш қилишади, метеор тезлигида иккала қозикдевор орасидаги майдонни кесиб ўтишади, бироқ ҳар сафар орқадаги итариб келаётган оқим таъсирида борган сари ичкарига кириб боришади.

Бу ерда антилопаларнинг ҳамма тури бор. Унча-мунчага таъсирланавермайдиган табиатшунос ҳам уларнинг турли-туман зотини, юнгининг ялтираши, бошинини чиройли ўрнашуви ва кўрқув тўла кўзларини кўриб ҳайратдан қотиб қолган бўларди. Бўйи зўрға эчкига етадиган оловранг-қизил гризбоклар; қизғиш товланадиган оқ кийиклар; катталиги отга ўхшагани учун отга ўхшаш деб аталадиган антилопалар; узун шохлари худди найзага ўхшаш ўтқир бўлгани учун, ҳатто шердан ҳам кўркмайдиган орикслар ва бошқа яна турли-туман ҳайвонлар бир-бирини итаришиб, пешоналари билан уришганча, кўрқувдан бир-бирларининг устига сакрашиб, йиқилиб, туриб кўрқувдан кўзлари кўрмай қолганча чопишда давом этишаётган эди.

Бироқ табиатан жуда ҳам вазмин бўлмаган буйвол, зебра ва куаггилар бу ақлдан озган поданинг кетидан кетишни исташмаяпти. Қозикдеворлар ораси яқинлашаётганини кўриб, улар олдинга юришни исташмаяпти. Улар орқага кескин бурилиб, ов ҳайдовчиларнинг устига қараб югуришмоқчи. Бироқ шу пайтда овчилар пайдо бўлишади. Улар учала европалик билан ерга суқилган шох-шаббалар билан тўсилган пистирмада ўтиришган эди. Энди улар бирдан сакраб туришиб, баланд овозда шовкин солишади ва ёрқин рангларда бўялган найзаларини силкитиб, уларни тўппа-тўғри ҳайвонларнинг кўзларига тикмоқчи бўлишади.

Европаликлар милтикларини тайёр қилиб туришади. Ҳозир кириш бошланади.

Одамларнинг кўриниши ҳайвонларни ўлгудек қўрқитиб юборади. Буйволлар ўқирганча бушменларга ташланишади, бироқ улар испан тореадорларига хос чакконлик билан ўзларини олиб қочишади. Зебралар баланд овозда кишнаб, оёларини тапиллатишади. Бироқ найзалар учиб келиб ҳайвонларга санчилади. Куаггилар ёғочни тишлари билан гажиб ташлашга ҳаракат қилишади.

Бир нечта ўқ овози эшитилиб, қаттиқ жароҳатланган иккита буйвол, зебра ва жирафа ерга жонсиз ағдарилишади.

Шунда ов ҳайдовчилар югуриб келишади. Улар аввалгидан ҳам ёввойироқ ва қаттикроқ қичкиришади. Ҳайвонлар даҳшатга тушишади ва ниҳоят ўрага қараб югуришади. Жирафалар, буйвол, туяқуш, антилопалар бир-бирларининг устига чиқиб кетганча, бир-бирларини эзадилар. Бутун бир шохлар ўрмони – тўғри, ўткир учли, нозик, бақувват, узун, буралган, спираль тарзидаги шохлар! Ва улар ҳаммаси ҳаракатда, чалкашиб кетган, синади, қисирлайди! Сўнгра эса – даҳшатли оғриқ натижасида ҳаммаёқни бўкирик овози тутиб кетади!

Ўранинг устини беркитиб турган тўшама тушиб кетади ва ўра шу заҳоти тўлиб кетади. Бу тартибсиз қочишни энди ҳеч нарса тўхтатиб қола олмайди. Орқадагилар олдингиларни туртишади, олдиндагилар йнқилаверишади. Даҳшатли манзара!

Бироқ қоратанли овчилар омадлари келганидан маст бўлиб, хурсандликларидан қийқиришади. Европаликлар ҳам берилиб кетишган ва зарядларини аяшмаяпти.

Александр ҳозиргина куаггани оғир яралади. У ҳайвоннинг ошқозонидан яқиндагина йўқотганларининг ўрнига меш қилмоқчи эди. Бироқ ҳайвон қутурган буйвол қозикдеворда қилган тешиқ орқали қочиб чиқиб кетди. Шунда Александр ҳам тешиқдан ўтиб ўлжасининг орқидан кета бошлади, ўлжа эса ўрмонга қочиб кетди. Алек-

сандр куагтанинг оқсокланаётганини кўриб, етиб оламан деб ўйлади. Бир оз ўтиб у аста-секин ўрмоннинг ичига кириб кетди ва балчикли кўл олдида пайдо бўлди. Куагга ўзига келиб олиш учун сувга тушди, овчи эса отиш учун яхши вақт деб, милтигини тўғрилай бошлади. У оёғини йиқилган дарахт танасига қўйди: у тирсагини тиззасига қўймоқчи эди, чунки қаггиқ югуришдан сўнг қўллари бўшашиб қолган эди.

Бирдан оёқлари остидаги дарахт қимирлаб, у мувозанатини йўқотиб қўйди ва қоқилиб кетиб, деярли тиззасигача ботқоққа ботиб қолди. У йиқилган дарахт деб ўйлагани унақа бунақа нарса эмас, бахайбат тимсоҳ экан. Унинг ширин уйқусини бузган овчининг эҳтиётсизлигидан жажли чиққан тимсоҳ ўзининг катта оғзини очиб, айбдорни ютиб юбормоқчи бўлди. Бироқ бахайбат тишлар тикилган бу даҳшатли ўлконни кўрган Александр ўзини йўқотиб қўймади. У яна карабинини олиб тимсоҳнинг шундайгина бўғзига қараб отди.

Бироқ бу қадимий калтакесаклар шунчалик яшовчанки, даҳшатли ярасига қарамай, тимсоҳ ботқоққа ботиб қолгани учун жойидан қимирлай олмаётган йигитнинг олдига яқинроқ кела олди.

Иккинчи ўқ янгради. Ўқ, порох, пиж — ҳаммаси бахайбат махлуқнинг шундай қорнига кириб кетди ва оғзи ёпилди.

Тимсоҳ ниҳоят ўлди, деб ўйлаган Александр ботқоқдан чиқиб олишга ҳаракат қила бошлар экан, тимсоҳ яна ўзининг даҳшатли жағини очиб қолди. Шунда овчимиз карабинининг стволидан ушлаб олиб кучининг борица тимсоҳнинг бошига урди. Бироқ қўндоқ сирпаниб кетиб, шундай тимсоҳнинг жағи орасига кириб қолди. Жағлар ёпилди. Куролини суғуриб олиш учун Александрнинг қилган барча ҳаракати бекор бўлди. Тимсоҳ ниманидир тишлаб оладиган бўлса, бўлди. Унинг жағини очишга мажбур қилиш учун уни болта билан бўлак-бўлак қилиш керак бўлади.

Йигит кучини бекорга сарф қила бошлади. У энди дўстларини ёрдамга чақирмоқчи бўлганда, товуши бўғзида қолди. Шони нимадир томоғидан бўғаётганини ҳис қилиб, қутулиш учун қўлларини кўтарди, бироқ кимдир уни орқасидан тортиб кетди. Александр боши ерга текканини ҳис қилди. Нафаси тикилиб, у ҳушидан кетди.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Тажриба алмашиш. «Маймун одамлари»нинг совғаси. — Бечуан оилаларининг сонсиз-саноксиз шохлари. — Калашари аҳолиси тузни қандай қилиб топишади. — Александрнинг йўқлиги. — Тревога. — Бесамар қидиришлар. — Александр асирликда. — Португалиялик мулатлар. — Маразнинг таклифи. — Дахшатли кўрқитиш. — Очкўзлик ва Ёвузлик. — Ташлаб кетилган краал — Октанлининг жазоланиши — Дахшатли қийноқ. — Қозикдевордаги тешиқ.

* * *

Альбер ва Жозеф Александр яраланган хайвоннинг изидан кетганини кўришганда хавотирланиш уларнинг хаёлларига ҳам келмаган эди: улар дўстларининг жуда эпчил ва эҳтиёткор овчи эканлигини яхши билишарди.

Кутилмаган ов уларни ҳам қизиқтириб қўйган бўлиб, бушменлар билан улар ҳам ўрага қараб югуриб кетишди. Айни шу пайтда эса Александр тимсохни отган эди.

— Аха! — деди Альбер. — Бу дўстимиз Александр, у ҳали ҳам ҳимояланишга кучи бор бирорта хайвон билан курашаяпти, шекилли.

Гапирган гапи ҳақиқатга қанчалик яқинлиги Альбернинг хаёлига ҳам келмаётган эди.

— Олдига боришимиз керак эмасмикан? — таклиф қилди Жозеф.

— Ноқулай бўлади, — деди де Вильрож. — Агар ҳаммамиз кетсак, мезбонларимиз хафа бўлишлари мумкин. Ахир улар бизга обрўли жойларни ажратишди. Бир оз кутайлик, ўзи келиб қолади.

Бу орада бушменлар ўлжани бўлишга тушиб кетишган эди. Бўлиш ўта адолат билан қилинарди: ҳар бир овчининг уйида нечта одам борлиги ҳисобга олинарди. Айни пайтда ов жуда омадли бўлгани учун ҳар бир оила анча-мунча овкат захирасига эга бўлаётган эди.

Бирок бу ҳаммаси эмас. Қўшни қабиладан бўлган жангчилар бушменларга чин дилдан миннатдорчилик билдириш учун улар билан ўз тузларини бўлишишларини айтишди. Бундан ҳамма хурсанд бўлиб кетди. Чунки бу нарса нима эканлигини яшаш учун муҳим бўлган бу нарсадан анча пайт маҳрум бўлганларгина тушунади. «Маймунлар» шарафига миннатдорлик сўзлари янгради.

Бушменлар нима учун ўз меҳмонларини маймунлар деб атаганларини тушуниш учун ҳар бир бечуан қабиласи қандайдир ҳайвоннинг номи билан аталишини билиш керак. Масалан, «бакуана» дегани «аллигатор одамлари», «батлапи» — «балиқ одамлари», «батаус» — «шер одамлари», «баногас» — «илон одамлари» деган маъноларни билдиради. Бечуанларнинг катта оиласини ташкил қилувчи ҳар бир сонсиз-саноксиз майда қабилалар эса бошқа номга эга: бангузакетлар, бахорутлар, баролонлар, бамангутос, батуанос, бакоас, баметларос ва ҳоказо. Қабилаларнинг ҳар бири Узоқ Ғарбдаги қизилтанлилар ўз тотемларидан қанчалик кўрқсалар, бу қабилаларнинг ҳар бири ҳам ўзларининг қабилалари номига эга бўлган ҳайвондан шунчалик кўрқишади. Бу ҳайвонни нафақат ўлдириш мумкин эмас, унга ёмон муносабатда бўлиш ҳам мумкин эмас. Ва, ҳар бир қабила ўзининг алоҳида, ўзига хос бўлган рақсини шу ном билан атайди. Шунинг учун ҳам ерли халқдан унинг қабиласининг номи нима эканлиги сўралмайди. Унинг «бина»си — рақси қандай эканлиги сўралади. Ва у шерни, илонни, гоппопатам ва бошқаларни «рақс» тушиб беришини айтади. «Маймун одамлари» ёки бакатлас қабиласи охириги вақтларда гўштга муҳтож, бирок тузга бой эди. Аслида «бой эди» дейиш агар бу қимматбаҳо нарса қайси йўл билан топилишини ҳисобга олинадиган бўлса, нисбатан эди.

Шўр сувли қўлмақлар бутунлай қуриб қолиб, жуда муҳтож бўлиб қолган вақтларида тузни тузли қўллар бор бўлган Калахари саҳросининг ичкарисидан ўз елкаларида олиб келмаган тақдирларида ерли халқ мана бундай

йўл тутади. Улар ботқоқликда ўсадиган ўзига хос камиш ва «цитла» деб аталадиган ўсимлик шохини йигиб, уларни ёндиришади ва яхшилаб кулини олишади. Кейин ингичка ва эгилувчан барглardan ағдарилиб тушган ари уясига ўхшаш кенг воронка ясашади ва бу оддий усулда ясалган нарсанинг ичига бир қават ўт солишади. Сўнгра кулни сув билан тўлдирилган қовоқ ичига солишади ва секин-аста воронка ичига сола бошлашади. Кул солинган сув филтрланади ва буғлана туриб, эритма ичидаги туз ажралиб чиқаради.

Бушменлар вақтинча бўлсада, энди туз йўқлигидан келиб чиқадиган ҳар хил ошқозон касалликларидан қўркмасалар ҳам бўларди. Бир нарсани айтиб ўтиш керакки, организмга туз етишмаслиги, худди фақат азот билан тўйинган овқат каби бўлиб, ошқозон фаоллигини сусайтиради ва бу овқатнинг яхши ҳазм бўлмаслигида кўрилади. Фақат бу ерлик одамлар эмас, балки европаликлар ҳам бу касалликдан азият чекишади. Бу касалликдан энг яхши дори — бир қошиқ туз ва касаллик шу заҳотиёқ ўтиб кетади.

Альбер ва Жозеф қоратанлилар бир-бирларини қандай қутлаётганликларига қараб туриб, нима гаплигини тушунмасалар ҳам, уларнинг қувончларига қўшилишди. Бирок Александрнинг анча йўқолиб кетгани энди уларни жиддий хавотирга сола бошлаган эди. Бундай, ҳар қадамда қутилмаган хавф туғилиб қолиши, истаган дарахт, ўсимлик, гул, ҳашарот ўлимга олиб келиши мумкин бўлган ёввойи мамлакатда нотинчлик ҳисси тез орада қучли хавотирга айланади.

Қоратанлилар ҳам мардонаворлиги ва кучи учун яхши кўриб қолганлари октанли сардорнинг йўқлигини сезиб қолишди.

Ҳамма Альбер ва Жозефнинг атрофида йиғила бошлади. Уларнинг юзлари ташвишли эди. Александр қутқарган боланинг отаси қўллари билан ҳаракатлар қилиб, ҳаммадан кўп гапирарди. У бутун гуруҳнинг бошида

туриб қозикдевордан ошиб ўтди ва ўрмон тарафга қараб кетди. У вақти-вақти билан тўхтаб, бегона овоз эшитилиб қолмасмикин деб ўрмон шовкинига қулоқ солиб, кейин эса бошини силкиб, ерга энгашиганича эзилган ўтлар ва бошқалар, ҳатто кўра ҳам олмайдиган қумдаги изларга яхшилаб қараб, йўлида давом эта бошлади.

Шундай қилиб улар ҳар бир нарса Александрнинг бу ердан ўтганини исботлаб турган ботқоққа етиб келишди. Александр отган тимсоҳ кўзлари бақрайганча ёнбошига ўгирилиб ётарди. Унинг бақувват жаглари ҳали ҳам қарабин қўндоғини сиқиб турар, узун тишлари ёғочга темир михдек қадалиб турарди. Қоратанлилар болта билан тимсоҳнинг бошини майдалаб, милтиқни олишди. Хавотирдан ранглари оқариб кетган Альбер ва Жозеф юрак ютганча атрофни диққат билан қараб чиқишарди.

Улар энди дўстларининг тимсоҳ билан курашганини кўз олдиларига келтира олаётган эдилар. Бу ҳайвоннинг қандай баҳайбат эканлигини кўрганларида уларнинг ҳаёлларига даҳшатли фикр келди. Тимсоҳ Александрни еб қўйган бўлиши эҳтимол эди.

Бушмен уларнинг нима ўйлаётганларини билиб, хавотирларини тушунди. У аста бошини чайқаб, тимсоҳнинг тишларида қон изи йўқлигини кўрсатди. Яна ҳам ишончлироқ бўлиши учун тимсоҳнинг қорнини ёрди. Албатта, у ерда одам бемалол сиғиши мумкин эди, бироқ ҳайвоннинг қорни бўш эди.

Ботқоқ жойларда ҳам ҳеч қандай из қолмаган эди. Бироқ бир неча метр нарида, қаттиқ ерда излар кўп экан. Ўтларнинг усти худди бу ерда қатта ҳайвон ўтгандек ёки оғир танани кўтариб ўтилгандек эзилган эди. Бир нарса қизиқ: эзилган ўсимликлар бир ерда сув қуйилгандек бўлиб, баргларида ҳали ҳам томчилар ялтираб турарди.

Бушмен пояларни кўздан кечирганча бир неча қадам ташлади, энгашиб, ўсиб ётган ўтлар орасида кўздан йўқолар экан, ўгирилиб қараб орқасидан қолмасликни ишора қилди. У тахминан ярим соатлардан кейин қайтиб келиб,

Альбер ва Жозефга ўта қайгули назар ташлади. Сўнгра у нихояги биттагина «лекоа» деган сўзни айтди. «Лекоа» «октанли одам» деган маънони билдирар эди. Шундан сўнг у олти қоратанлига ўзларини еттинчиларини қидираётган каби тутишни буюрди ва «макоа» яъни бир нечта қоратанли, деб қўшиб қўйди.

Альбер ерли халқ кўп ишлатадиган бу иккита сўз нимани англатишини жуда яхши билар эди. У дўстини бир нечта октанли ўғирлаб кетишганини сеза бошлади.

Де Вильрож йўлбошловчилари Зуга кишлоқда қолганига тоза пушаймон бўла бошлади. Бирок Зуга эмблемалари антилопа бўлган қабилага мансуб бўлиб, овда иштирок эта олмасди. Ва бу ажойиб йигит бир нечта инглизча сўзни билар ва бушменлар Александр тўғрисида нима дейётганларини Альберга таржима қилиб берган бўларди.

Бушмен эса европаликлар ҳамма нарсани билишни истаётганларини ўзи ҳам тушуниб турарди. У имо-ишора билан уларга қуролларини тайёрлаб туришларини айтиб, ўзининг ҳамроҳларини чақирди ва яна ўтлар орасида энгашиб, ҳамроҳларидан орқада қолмасликни сўради. Бу ердан уч юз метрлар нарида кенг яланглик бўлиб, у ерга катта дарахтларнинг сояси тушиб турарди. Ялангликда ўт кам эди. Тақаланмаган отларнинг кўплаб изи ва шошилиш ташлаб кетилган чайланинг қолдиқлари дарров кўзга ташланарди.

Шундан сўнг сирли отликларнинг турли томонга кетишгани кўринди: излар олти хил томонга қараб кетган эди.

Альбер отлардан бири бошқаларига кўра чуқурроқ из қолдирганини кўриб, у иккита отликни кўтариб кетган, деган хулосага келди.

Юраги орқага тортиб кетган бўлса-да, кўрган нарсасидан бир оз снгил тортди. Александр балки яралангандир, бирок у тирик, деган хулосага келди. Сирли ўтрилар уни ўлдиришмаган экан, демак хали умид бор.

Альбер дўсти қандай фалокатга учраганини тушунишдан йироқ эди.

Александр деярли хушидан кетган эди, бироқ юзига совуқ текканидан ўзига келди. Кўзини очиб юзига флягадан сув сачратаётган нотаниш одамни кўриб, ҳайрон бўлди.

Александр кўрқоқ одамлардан эмас эди, бироқ юзида кўндаланг кетган кип-қизил тиртиги бор бу одамнинг хунукдан-хунук юзини кўриб, титраб кетди. У аблаҳ португалиялик ва унинг ҳамтовоқларини таниган эди. Улар ҳаммаси шу ерда бўлиб, Александрга нафрат билан тикилиб туришарди.

Асир ўрнидан турмоқчи бўлди, бироқ унинг оёқ-қўллари боғланган бўлиб, бирор ҳаракат қила олишнинг иложи йўқ эди.

Юзи тиртиқ одам Александр ўзига келганини кўриб унга сув сачратишни тўхтатди ва унинг бўйинини сиқиб турган камарни ечиб олди.

– Ниҳоят ўзингизга келишга қарор қилдингиз, а, оқтанли гўзал йигит? – бузилган инглиз тилида деди у. – Мен бўйинингизни қаттиқ боғлаб юборган эканман, шекилли. Бироқ, ҳозир хушингизга келдингиз. келинг, гаплашиб оламиз.

Александр нафрат билан сукут сақлади.

– Негадир бугун овозингиз анави қоратанли молларни биздан осонлик билан тортиб олган кундагидек баланд эмас. Карабин таққан дўстларингиз йўқми? Сиз ёлғизсиз, бутунлай ёлғиз... Ва тўлик менинг ихтиёримдасиз... Жимсизми? Нима ҳам дердим, ихтиёрингиз! Мен эса сизни гапиришга мажбур қила олиш йўлини биламан. Сиздан жим бўлишни сўрашимизга тўғри келмаса бўлди, чунки ҳозир сиз кулранг тўтиқушдек гапдон бўлиб кетасиз.

– Ҳаракат қилиб кўр, – хотиржамлик билан деди Александр.

– Аввал менга қулоқ солинг. Ўша кунни сиз мени чамбок билан яхшигина қиздирган бўлсангиз ҳам, мен

сиздан гинада эмасман. Мен виждонли савдогарман ва ҳамма ишни тинч йўл билан ҳал қилишни яхши кўраман. Сиз эса мен ва шерикларимга молни керакли жойга етказиб беришимизга ҳалал бердингиз ва бизга катта зарар келтирдиз. Сиз унинг ўрнини тўлдирасиз, шундайми, оқтанли сенъор?

Александр елкасини қисди.

— Сиз афтидан, дам олиш учун сайёҳат қилиб юрибсиз, шекилли, а? Бундан қилиб чиқадики, сиз бойсиз. Менга диққат билан кулоқ солинг ва тезлик билан ҳал қилинг, чунки ҳар бир дақиқа ганимат. Дўстларингиз сиз йўқ бўлиб қолганингизни сезиб, сизни қидиришга тушишади, биз эса -- жуда бўлмаганда бугун, улар билан мунозара ўтказишни истамаймиз. Бизда элликта қоратанли бор эди. Агар истасангиз, биз уларни қонунга ҳилоф тарзда тутиб олганмиз, деб ҳисоблай қолинг. Бироқ уларнинг ҳар бири ўртача қирқ фунт стерлинг турарди. Бизга Кейптаундаги банкирингиз номига ана шу миқдордаги пул учун чек ёзиб беринг. орамиз очик ва агар истасангиз, дўст бўлиб хайрлашамиз.

Александр хохлаб қулиб юборди. Тадбиркор мутахҳам ўзини йўқотиб қўйди.

— Сен телба экансан-ку, — истехзо билан деди француз. — Биринчидан, менинг ҳеч қандай пулим йўқ. Бунга сенга шунчаки, билиб қўйишинг учун айтаяман, чунки пулим бўлган тақдирда ҳам сен бир чақа ҳам ола олмаган бўлардинг. Кейин, менга айт-чи, бирорта аслида йўқ бўлган банкир номига чек ёзиб беришимга менга қим ҳалал берган бўларди?

— Бироқ, — эътироз оҳангида деди португалиялик, — биз ҳам ўқиб, ёза оламиз ва шаҳардаги ҳамда дарё бўйидаги ҳамма банкларни яхши биламиз. Биз ҳамма ишларимизни ўша банклар орқали битирамиз.

— Инглиз банклари учун қандай шараф! Бироқ, бу гапни гўхтатайлик. Айтайлик, сен менга ишондинг, мен эса сенга тўлаш учун иложи бор ҳамма нарсани қилдим,

чунки мен ҳатто аблахларга ҳам қарзини қайтариш керак, деб ҳисоблайман. Бироқ, наҳотки мени сенинг гапларингга ишонадиган даражада тентак, деб ўйлаётган бўлсанг? Агар мен сенга пул берсам, сен мени қўйиб юборасанми? Еган калтакларингдан башаранг шу пайтгача шишиб ётгани учун мenden аламингни олишга ҳаракат қилмайсанми?

Мараз ўзининг режаларини билиб қолишгани учун газабга келди. Сохта хотиржамлиги шу заҳоти йўқолди. У ўз асирига очкўзлик, алам ва қасос ўти аралашиб кетган назар билан қаради.

— Оқтанли! Оқтанлининг ўғли! Аблах чет эллик! — Газабдан бўғилган товуш билан бўкирди у. — Топдинг. Чиндан ҳам мен сени чек ёзишга мажбур қилиб, кейин сени ўлдириб, итдек ўлдириб юбормоқчи эдим. Бироқ олдин хипчин билан тоза калтаклаган бўлар эдим! Сенинг оқ теринг бўлак-бўлак бўлиб учиб чикарди. Майли, сендан пул ола олмайманми? Майли, шундай бўла қолсин. Бироқ, мен нима бўлганда ҳам сендан қасдимни оламан. Шу ҳам бўлаверади.

Александр ҳар доимгидек вазмин турарди. Ташқаридаги одам унинг олдида тайёрланаётган қайғули драманинг бош қаҳрамони турганини тасаввур ҳам қила олмасди. Агар унинг оёқ-қўллари ланалар билан маҳкам боғланганини ҳисобга олинмаса, у одамсимон маймуннинг қилиқларини томоша қиляпти, деб ўйлаш мумкин эди.

— Қўрқоқ, — хотиржамлик билан деди у. — Қулнинг ўғли! Олибсотар! Сен одам танаси билан савдо қиласан! Сен менинг бошимдаги бир толага тегиб кўр-чи, ҳозир мени қидириб юрган дўстларим нима қилишларини кўрасан. Аҳа, мараз, титраялсанми? Сен эса режангни бажариш учун шошил. Шошила қол, чунки ҳаммангизнинг ҳаётингиз хавф остида, мен улар учун бир рейс ҳам бермаган бўлардим.

Муллат газаб отига минди. У бақирганча, Александрга ташланди. У эса, ҳаёг билан видолашиш вақти келди, деб унинг юзига тупурди. Бироқ мулат ҳозир бундай муомала алам қиладиган ҳолатда эмас эди. У шерикларига имо қилди ва улар асирни ушлаб, тезлик билан ўрмон ичига олиб кириб кетишди. Бу ерда улар олтига эгарланган ажойиб қап отлари ўтлаб юрган ялангликка чиқишди. Александрни шу отлардан бирининг бўйнига жойлаштиришди. Унинг душмани эса эгарга сакраб чиқиб, қолганларга бир нечта қисқа буйруқлар берди, ҳамроҳларига қаерда учрашишларини айтди ва ҳаммалари ҳар тарафга қараб от елдириб кетишди.

Оғда чопиш уч соатча давом этди. Ниҳоят, от ўртасида думалоқ қозикдевори бор кенг, очиқ ялангликка етиб келди. Бошқа юки енгилроқ бўлган отлар илгарироқ келган бўлиб, эгарлари ечилган, юганлари бўшатишган бўлиб, у ер бу ерда ўсиб ётган ўтларни еб юришарди.

Александрни ерга туширишди. Унинг бутун танаси қакшаётган эди. У бир пайтлар ташлаб кетилган қўрални кўрди. Қулбалар ёқиб кетилган бўлиб, фақат истехком иншоотлари сақланиб қолган эди. Ҳар хил ташландиқ нарсалар яқингинада бу ерда одам кўп бўлганини билдириб турарди. Афтидан, Александр озод қилган бушменларни бир неча кун шу ерда сақлашган бўлса керак.

Французни қизиқ ётган ерга, шундай қуёш нури остига келтиришди. Уни чанков кийнаётган эди. Португалиялик ириллар, оғзидан кўпик сочиб, кўзлари қонга тўлган эди.

– Ҳўш, ярамас оқтанли, – бақирди у, – энди мулатнинг қўли остида эканлигинини тушундингми? Энди, агар мулат истаса, ҳаммаси учун сенга қайтаради... Фоизи билан... Дўстларинг узокда, менинг терим эса ҳалигача ўзим билан. Мен сени гапиртиришнинг йўлини биламан, деб айтгандим, а? Ҳозир сен менга чекка қўл кўйиб берасан. Кўрасан!..

Унинг ҳамроҳи биз юқорида айтиб ўтганимиз бир қучоқ « бир оз кутиб тур» тиканини олиб келди. У тиканларни отлардан бирининг думига боғлади, от эса оғриқдан бутун гавдаси титраб кетди.

— Яхши! — деди мулат. — Энди мана бу оқтанли сеньорни эгарга ўтқазинглар. Яхшилаб бойланглар. Мана шундай... Ўзингиз ҳам отларингизга ўтиринглар. Ҳар бирингиз қўлингизга чамбоқ олиб отни ҳам, отликни ҳам истаган ерига уринглар... Менга қара, оқтанли, сен бир соат от миначасан ва менинг одам тар сени уришади. Кейин яна қайтарамиз. Чекка қўл қўймагунигча. Бошланг!

Отни бўшатишди. Озодликни ҳис қилган от осмонга сакраб, кутургудек кишнади. Сўнгра тўрт оёғига туриб олиб, тепинди, сўнгра ўгирилиб, шаталок отганча югуриб кетди. Тез орада у қозикдеворгача етиб борди, бироқ у жуда баланд бўлиб у сакраб ўта олмади ва майда қадам ташлаб юра бошлади. Мулатлардан бири қон чиққунча уни чамбоқ билан урди. Кутилмаган қалтак ва оғриқдан от сакраб кетди. Бу кескин ҳаракатдан унинг ёнбошига тиканлар санчилиб, кейин баданига қира бошлади. От ақлдан озгудек бўлиб, қаёққалигини ўзи ҳам билмай чопиб кетар экан, устида ўтирган одамни тишлашга уринарди. Бироқ бунинг иложи бўлмаётганди. Жаллодлар етиб келиб, унинг сағриси ва бўйнига уриб уни ҳар қанақасига сакрашга мажбур қилишди.

Ниҳоят ҳаммаёғи қўпириб кетган, бурун тешиклари кенгайиб, оғир-оғир нафас олаётган, кўзларида даҳшат қотиб қолган от ялангликнинг ўртасига қайтиб келди ва туёқларини ерга уриб, яна бутунлай ақлдан озгандек, тўғри қозикдеворга қараб учиб кетди.

Унинг ҳар бир югуришидан Александрнинг азоблари кучайгандан кучаяётган эди. Унинг бутун бадани лианалар билан маҳкам боғланган бўлиб, мушаклари мана ҳозир ёрилиб кетадиганга ўхшарди. Кўз олдини қонли туман босган, қулоқлари шангиллар, томоғи қуриб, ўпкасига ҳаво етмаётган эди.

Александр бирдан тасирлаган овозни эшитиб, нимагадир қаттиқ урилди, кутургудек югуриш эса баттарроқ бўлди.

От эс-ҳушини йўқотгудек лагерга қараб югурди. Қозикдевор устига бомба тушгандек силжиб, тикандан азобланиб кетган бечора ҳайвон боши оққан томонга югуриб кетди.

Александр бу қийноқ от йиқилиб қолмагунча давом этишини тушунди.

Кайгули кайтиш. — Азобли кутиш онлари. — Тунгги байрам. — Лагерда байрам. — Найзалар ва бушменларнинг захари. — Нгуа — ўлдирадиган захар. — Ерли халкнинг мусикаси. — Гурра ва жум жум, рабукенлар ва ромельпо. — Рақс. — Яхши рақс туша оладиган одам яхши уруша оладиган ҳам бўлиши керак. — Жангчилар изга тушишди. — Дахшатли ўч. — «Бироқ оқтанли сардор қани?» — «Ким мени яхши кўрса, оркамдан!»

* * *

Альбер де Вильерж шу заҳотиёқ унга икки баробар юк кўтарган бўлиб туюлган отнинг кетидан кетишга қарор қилди. Бошидан кечирган кўплаб қийинчиликлар ва саргузаштлар Альберни кўркмас қилиб қўйганди. Аргентинанинг пампасларида у таучосларнинг қаттиққўл мактабини ўтаган, Узоқ Ғарбнинг охириги траперлари ва Мексика Соньорисининг овчилари билан яқин алоқада бўлиб турар, саҳрони яхши билар эди. Шунинг учун ҳам у кўп ўйлаб ўтирмай, руҳоний ҳазратларини мастер Виль билан қолдириб, ўзи Жозеф билан дўстини олиб қочганларнинг оркасидан тушмоқчи бўлди. У бир оғиз сўз билан ўз режаларини йўлбошловчи Зугуга тушунтирди, бироқ у кутиб туришни маслаҳат берди.

Дўсти бандитлар қўлида бўлиб, жон ҳолатда ёрдам сўраётган пайтда кутиб туриш! Кутиб туриш! Битта шу сўзнинг ўзиёқ қизиққон йигитни сакраб кетишга мажбур қилди. Ташқаридан хотиржам бўлиб туюлаётганига қарамай, унинг ранги оппоқ оқариб кетган ва асабийлашганидан титраётган эди.

— Оқтанли сардор, менга ишон. — ҳурмат билан таъкидлади Зуга. — Бугун сен бир ўзинг кетасан, эртага эса сен билан бушменлар боришади. Қоратанлиларнинг миннатдорчилиги нима эканлигини кўрасан.

— Нега бугун эмас?

— Чунки бугун лагерда байрам. Ва ниҳоят, яқинда қоронғи тушади ва кидиришининг ҳеч қандай имкони бўлмайди. Бироқ вақтни йўқотмаймиз. Оқтанлини олиб қочганларнинг отлари кўп чопа олмайди, улар тезда чарчаб қолишади. Чунки бушмен истаган отдан кўра тезроқ чопади. Мен ҳам сен билан бораман, чунки ўша оқтанли йигит қоратанли одамларнинг дўсти.

Альбер бу гапларнинг тўғрилигини тан олди ва бой ўлжани кўтариб олганча шовқин билан лагерга қайтаётган овчиларнинг орқасидан кетди.

Девор олдида орқасида боласи билан бахтли аёл жилайиб турарди. У афтидан, бу ерга овдан қайтаётганларни биринчи бўлиб кутиб олиш учун келган бўлса керак. У ўз боласига чексиз меҳр билан қарар ва вақти-вақти билан қора кўзлари билан иккала европалик ва Зугуга қараб кўяр эди.

Альбер уни таниди: у пикаколу чақиб олган болакайнинг онаси эди. Аёл эса иккала каталонияликнинг ранги оқаргани ва улар билан учинчи оқтанли йигитнинг йўқлигини сезди.

— Оқтанли одам қани? — овозида хавотир билан сўради у.

Унинг олдида эри югуриб келди.

— Хотин! — деди у. — Оқтанлини олиб қочишди. Найзаларни тайёрла. Заҳар тайёрла. Мен оқтанлини қидиришга кетаман. Буюк сардорга кўлини кўтарган одам ўлади. Бора қол!

— Эшитдингми, — тантана билан деди Зугу. — Оқтанли сардор озод қилинади. Унинг душманлари эртага ўлишади. Бушмен шундай деди.

Хавотирланиб кетаётган Альбер бушменлар европаликлар учун тайёрлаб қўйишган кулбага қараб кетди, Жозеф эса руҳоний ҳазратлари ва мастер Вильни қидиришга кетди. У бу иккаласига ов қандай бахтсизлик би-

лан тугаганини ғазаб билан гапириб берди ва бири-биридан кўрқинчли бўлган режалар туза бошлади.

Сохта миссионер ва полициячи хавотирланиб қолишди, бунга ҳар икковининг ўз сабаблари бор эди. Бироқ Жозеф миссионернинг руҳида очкўзлик уйғонганини сезмади; у руҳоний ҳазратлари Александрни топиш учун ҳамма ёқни ағдар-тўнгар қилишга тайёрлигини, чунки унинг ва ҳамтовокларининг кўзи олдида Александр киши ишонмайдиган бойлик ҳақидаги сирни биладиган одам эканлигини билмасди. Полициячи эса у ўзи ушламоқчи бўлиб юрган жиноятчини олиб қочишди, деб ҳисоблаётган эди. Мастер Виль вақтни ўтказмай ёрдам олиб келиш учун инглизларнинг худудига ўтиб келиш ва бутун провинциянинг тит-литини чиқариш кераклигини таъкидлай бошлади.

– Нима бўлганда ҳам менга ишонаверинг, – деди миссионер. – Тўғри, мен жуда ювош одамман ва қон тўкиш ҳақидаги ҳар қандай фикр менда нафрат уйғотади, бироқ мен ҳаётимни тикишга тўғри келса ҳам, сизларнинг қидирув ишларингизда иштирок этаман.

– Мен эса, – деди мастер Виль, – битта қўлим хали ҳам ишламаётган бўлса-да, иккинчиси, Худога шукур, етарли даражада бақувват. Оёқларим ҳам бақувват. Ва етарлича ақлим ҳам бор. Исталган дақиқада мен сизлар биланман.

Жозеф бу гаплардан хурсанд бўлиб кетди.

– Демак, дўстлар, эртага эрталаб йўлга тушамиз. Карай! Тезроқ тун тугаса эди! Бу маразларни яқиндан кўргим келиб кетаяпти. Мен улар учун кўз кўриб қулоқ эшитмаган бир жазони ўйлаб қўяман. Месье Александр учун ҳали улар жавоб берадилар!

Айни пайтда тунги зиёфат учун тайёргарлик кўриляётган эди. Ҳамма ёқда катта ўчоқлар ёқилган, пиво солинган тўқима ликопчалар қўлдан-қўлга ўтарди. Қоратанлилар фил каби ичишарди; хаммаларини худди тарантул қақиб олгани каби ракс тушишарди.

Бошқа пайт бўлганда Альбер бу хурсандчиликларни маза қилиб томоша қилган бўларди, бироқ аynи пайтда у бундай хурсандчиликдан йироқ эди. У кулбасидан чиқиб, у ёқдан бу ёққа юриб, лагерни айланиб чиқа бошлади ва бушменнинг хотини заҳар ва найза тайёрлаётган қапа олдидан чиқиб қолди.

Африкада ҳам. Австралияда ҳам ерли халқ, одатда бу ўз-ўзини химоялаш қуролининг тайёрланишини қатъий сир сақлайдилар ва заҳарнинг тайёрланишини октанлиларга кўрсатишдан қатъий бош тортадилар.

Бир томондан қиладиган иши йўқлиги, бир томондан қизиққани учун йигит ичкарига кириб борди. Аёл ўз валинеъматининг дўстидан ҳеч нарсани яширишни лозим топмади ва ўзининг даҳшатли ишини давом эттираверди.

Қаттиқ дарахтдан қилинган, узунлиги бир метрдан ошмайдиган камонга ёғ суртиб, буғунинг томиридан қилинган янги ип тортди. Сўнгра қоплон терисидан қилинган ўқдонда сақланаётган найзаларни олди ва уларни ерга териб чиқиб, диққат билан кўздан кечирди. Улар оддий камишдан, лекин жуда усталик билан ясалган эди: содда ишчилар учун яхши найзалар яшаш — номус иши. Бу ердагиларнинг найзалари Жанубий Америкалик ҳиндуларнинг узунлиги деярли икки метрга етадиган найзалари каби жуда узун эмас. Бушменларнинг найзалари деярли тўрт баробар қисқа. Бироқ улар қандай ясалган!.. Олти-етти сантиметр узунликдаги учлик кертиклари бор думалок суяқдан иборат. У камишнинг ковак учига жуда ҳам қаттиқ бўлмаган ҳолда ўрнатилади. Ўқ тирик жонзотга текканда камишни бемалол суғуриб олиш мумкин, учлик эса танада қолади. Учликнинг ён томонида темирдан ясалган ва жуда ўткир илгак бўлиб, у учликни суғуриб олишга йўл қўймайди. Илгак ва учликнинг кертикларига заҳар сурилган бўлади.

Бушменнинг хотини бурчақда турган лойдан ясалган идишни олди ва унинг ичидан бу ерликлар «нгуа» деб аташадиган капалак қуртидан ўттизта олди. Уларни қо-

воқ пўчоғининг устида бўлақларга бўлиб, ичини алоҳида қилиб қўйди, терисини эса ташлаб юборди. Ана шу ички аъзолардан аёл кичкина юмшоқ шарча ясади ва уни ҳамма найзаларга — суякдан қилинган учи ва темир илгакларга бирин кетин суриб чиқди ва уларни тартиб билан ўқдонга тахлаб қўйди.

Нихоят у ишини тугатди.

Альбер бу заҳарнинг дахшатли таъсири ҳақида эшитган бўлса-да, бироқ ҳозир бунга шубҳа билан қараётганди.

— Агар улар бечора Александрни қутқариш учун ишонаётган нарсалари шунинг ўзигина бўлса, мен яхши-си ўзимнинг карабинимга суянаман, — ўзича тўнғиллаб қўйди у.

Бушменларнинг тилини билмагани учун у аёлдан ҳеч нарсани сўрай олмади. Бироқ аёлнинг бармоқларига ёпишиб қолган нарсаларни қанчалик берилиб тозалаётганини кўриб, унинг ишончсизлиги сўна борди.

Альбер йўлбошловчини қидиргани бормоқчи бўлиб турганда унинг ўзи қулбага кириб келди. Аёлнинг нима иш билан машғуллигини кўриб, у сўюниб кетди.

— Хотин, — деди у, — яхши иш қилибсан — Нгуа тайёрлаб қўйибсан. Октанлини олиб қочганлар ўлишади.

— Нима дединг? — сўради Альбер.

— Бу — нгуа, — жавоб берди қоратанли. — Нгуа — дахшатли нарса. У қоплонларни шу заҳотиёқ йиқитади. Агар хартумига теккан бўлса фил тез орада ўлади. Шер эса бу заҳардан шунчалик қутуриб кетадики, ўлишидан олдин ер ва дарахтларни ғажиб ташлайди. Нгуа суртилган ўқ одамга тегса у шунчалик огрикни хис қиладики, ерда думалаб, ўз баданини шила бошлайди ва онасидан кўкрагини беришини сўрайди: унга худди яна қайтадан ёш бола бўлиб қолганга ўхшаб туюлади. Ёки у қутуради. Бу ҳолда у лагердан узокларга, ўрмон ичкарисига қочиб кетади ва ўша ерда вафот этади. Оғзидан оппоқ кўпик келади. Октанли бошлиқ учун ўч олинади.

– Бушмен ва бечуанларда бошқа захар йўкми?

– Албатта бор: пикаколунинг ва сизлар аллақандай номлар билан атайдиган ўсимликларнинг захари. Бироқ у захарлар кийнамай дарров ўлдиради, нгуа эса – қасос захари.

Тун кириб, зиёфат авжига чиққан эди. Гулханга кучоқ-кучоқ қилиб ташланаётган қамишларнинг қисирлашига эркакларнинг ҳайқириги, аёлларнинг чинқириклари ва болаларнинг ўткир кичқириклари қўшилиб кетган эди. Жинсидан ва ёшидан қатъий назар ҳамма маст эди. Умумий шовқинни жум-жум, гурра ва бошқа маҳаллий мусиқа асбоблари чиқараётган, тасаввур қилиб бўлмайдиган какофония босиб кетган эди.

Гурранинг кўриниши камонга ўхшайди. У қуш патига маҳкамланган торлардан иборат. Патнинг стволига тешиқ қилинган бўлиб, устаси унга худди дудкага пуфлаган каби, бор кучи билан пуфлайди. Оркестрда ўнта ана шундай гурра бўладиган бўлса шунчалик шовқин кўтариладики, ҳатто одам кўркиб кетади.

Рабукен – устига учта тор тортилган узун учбурчак тахта. Харраги йўк ва торлар резонатор бўлиб хизмат қиладиган кавариққа тортилган. Бу мусиқа асбоби гуррадан ҳам ажойиб.

Бироқ энг ажойиби – ромельпо. Бу куаггининг териси таранг қилиб тортилган кавакли тўнка. Мусиқачининг қўлида иккита тўкмоқ бўлиб, у бор кучи билан тинмай ана шу терига уради. Бу асбоб бутун дунёдаги барабанлардан ҳам кучлироқ шовқин беради.

Раққослар ҳам оркестрга муносиб. Мусиқанинг шовқинидан жазавага тушган одамлар айлана бўлиб туриб олишади. Ҳаммалари деярли яланғоч. Ҳар бирининг қўлида таёқ ёки болгача ёки найза. Ҳар бири ўпкасининг кучи етганча бақиради. Кейин ҳаммалари бир вақтнинг ўзида бир оёқларини кўтаришади ва бир вақтнинг ўзида битга уришади. Бу улар ҳаммаси бирга қиладиган ягона ҳаракат. Кейин эса – ҳамма бош-бошига нима қилса қила-

ди! Қандай тана ҳаракатлари, қандай товушлар! Ҳар бир мусиқачи берилиб бошқа оҳангни чалаётган оркестрни, ёки ҳар бири истаган рақсни ижро этаётган балет, ёки ҳар бири ўзича ашула аётаётган хорни тасаввур килинг ва шунда ҳам сиз бу лагерь одамларининг хурсандчилигини ташкил қилаётган товуш ва ҳаракатларни кўз олдингизга келтира олмайсиз. Уларнинг қўллари ва бошлари ҳар томонга силкинади, ҳаммалари кучи борица кичкиришади; оёқлари билан ерни тепаётган раққосларни чанг ўраб олади. Уларнинг рақсларидан кейин ерда чуқур излар қолади.

Вақти-вақти билан доира ичидан битта раққос чикиб келади. Ҳозир у якка ўзи ўйнамоқчи. У бирорта ўзи ўйлаб чиққан алоҳида бир рақсни намоёиш қилади ва атрофдагилардан олқиш олади.

Раксда фақат ёшлар иштирок этмайди. Жанубий Африка Терпсихорасининг катталар ўртасида ҳам, ёшлар орасида ҳам ихлосмандлари бор. Бу рақслар одамни қанчалик чанқатиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Пиво солинган идишлар қўлма-қўл ўтиб, охириги томчисигача ичилади

Альберга Александрни топишга ва уни ўтирлаганлардан қасд олишга ваъда берган бушмен ўзининг юрагида ўти борлиги билан эътиборни гортарди. У вақти-вақти билан доирадан чиқарди. Оғир нафас олиб, бурун катаклари кенгайганча у Альбернинг ёнига келди ва қаддини мағрур ростлади. У бу билан «Қара ва завқлан! Қарагин, мен қандай буюк жангчиман! Хотиржам бўлавер, шундай яхши рақс тушадиган одам, яхши кураша олади ҳам!» – деяётгандек бўларди.

Бирок бу гимнастика Альберда хавотир уйғотаётган эди. У бу одамлар эртага эрталаб ҳагто кимирлай ҳам олишмайди, деб бежиз безовта бўлмаётган эди.

Бирок Альбернинг бутун хавотири бекор экан, чунки ҳали куёш чикмай туриб бушмен ўз укаси билан ўрмон ичкарисига кириб кетган, Зуга орқали эса Альберга уйда қолиб, унинг қайтишини кутишни буюрганди.

Альберга алам қилди. У овчилар билан бирга кетмоқчи эди. У дўстини кидиришни бегоналарга ишонганидан энди пушаймон қила бошлади. Жозеф, мастер Виль ва рухоний ҳазратлари ҳам унинг бетоқатлигини тушунишди. Улар ҳам шу заҳоти жўнашни хоҳлашаётган эди.

Бироқ йўлбошловчи қоратанли овчиларнинг одатларини яхши билгани учун европаликларни лагерда ушлаб қолиш учун қоратанлиларнинг ўз режалари бор, яхшиси уларга халал бериш керак эмас, деб, ҳамма ҳаракатни қилаётган эди.

— Сабр, бошлиқ, сабр! — тинмай қайтарарди у. — Одам тун бошлангунча қайтишини айтган — демак, қайтади. Хавотир олма!

Альбернинг лагерда у ёқдан бу ёққа юриш ва соат ва дақиқаларни санашдан бошқа иши қолмади.

Зуга ҳақ бўлиб чиқди. Узоқда, хопо томонда одамлар кўринганда қуёш дарахтлар орқасига ўтаётган эди.

— Отлиқлар! — бақирди кулбалардан бирининг томига чиқиб олган Жозеф. — Мен отларни кўраяпман!

— Бўлиши мумкин эмас! Сен янглишаяпсан! Бу овдан кейин омон қолган антилопалар бўлса керак.

— Карай! Мен нима деяётганимни яхши биламан! Бир дақиқадан сўнг булар от эканлигига ўзингиз амин бўласизлар.

— Уч, тўрт, беш... Бешта от... Шошманглар, отлиқлар иккитагина. Мана, улар тўхташди. Отлар ортиқ юришни исташмаяпти. Э, йўқ! Ёнбошларида найза билан юриб келишмаяпти!

— Месье Александр-чи? Сен уни кўраяпсанми?

— Юзларни ажрата олмаяпман -- офтоб шундай кўзимга тушаяпти. Йўқ, месье Александрни кўрмайпман. Аҳа, булар ахир кечаси кетган иккитаси-ку!

Альбер алам билан бақириб юборди:

— Мен уч марта тентакман! Мен аблахман! Ахир қандай қилиб мен ўзим қилишим керак бўлган ишни бегоналарга ишониб топшириб қўйдим! Дўстимни қутқариш

учун югуриб кетишнинг ўрнига мен шу ерда қўл ко-
вуштириб ўтирдим!

Жозеф янглишмаган эди. У кўрган иккита отлик чин-
дан ҳам бушменлар эди. Улар отларини найзаларининг
учи билан никтаб, тез келишарди. Ва яна ҳамма кап от-
ларидек тартибга ўрганган учта от ҳам уларнинг кетлари-
дан келаётган эди.

Отлиқларнинг кўриниши ачинарли ҳолда эди. Бош-
дан оёқларигача уларнинг эгниларида қон қотиб қолган
эди. Иккалаларининг ҳам юзлари газабдан қийшайиб кет-
ган эди. Қоратанлилардан бирининг — айнаи Александр
қутқарган боланинг отасининг елкасида аёллар туяқуш
тухумининг пўчоғини солиб юрадиган халга бор эди. Би-
роқ бу халтада идишлар эмас, янги сўйилган одам калла-
си бор эди.

Бушмен ерга сакраб тушиб, одам боласи қодир бўл-
маган товуш чиқарди. У тез ҳаракат билан юқини бўша-
тиб, каллаларни сочидан ушлаб дахшатдан қотиб қолган
Альбернинг оёғи остига иткитди.

— Мана, қара! — шайтон каби кулиб, қичқирди қора-
танли. — Сен уларни танияпсанми? Сана! Улар ҳаммаси
шу ерда. Бирортаси ҳам кетмаган.

Альбер, жирканишини енгиб, каллалардан бирига қа-
ради ва чамбокнинг изини кўрди, бу из икки кун бурун
Александр португалиялик мулатнинг юзида қолдирган из
эди.

Альбер шу заҳоти ҳамма нарсага тушунди. У дўсти
кулжаллоблари қўйган тўрга илинганини тушунди. Бу
аблахлар, афтидан, ўз отларини яшириб қўйиб, ўзлари
тинмай лагерни кузатиб туришган, ўзларини қийнаётган
касос ўтини ўчириш учун қулай фурсат келиб қолишини
кутиб, ов ва овчиларни диққат билан кузатиб юришган.

Ва Александр яраланган антилопанинг орқасидан қу-
вишни бошлаганда ана шу қулай шароит туғилиб қолган.

— Бироқ Александр-чи? Октанли сардор кани? — бўғиқ
товушда хитоб қилди Альбер. — Гапир!

Қоратанли гўё унинг гапларини эшитмаётгандек эди. Альбер унинг ўлжаларига нега етарлича эътибор бермаётгани унга тушунарсиз эди ва у вақти-вақти билан орасида кулиб қўйганча ўзининг бир хил оҳангдаги ашуласини бошлади.

– Ярим октанлилар қуёш ботадиган ўлкадан келишган. Уларни узок-узокларга олиб кетиш учун улар қоратанлиларни алдов билан ўгирлаб кетишган. Қоратанлилар бўйниларида куллик устунини олиб юришарди. Улар бир умрга Калахари саҳросини ташлаб кетишлари керак эди. Бирок ҳақиқий октанли одамлар келишди... Худди Дауд каби октанли, қоратанлиларнинг ҳурматли отаси. Ҳақиқий октанлилар куллик устунини синдириб, бушменларни озод қилишди. Оқтаълилар – буюк жангчилар. Уларнинг сардорлари Дауд каби меҳрибон. У ўлаётган болани қутқариб қолди. Октанли сардор меҳрибон, бироқ эҳтиёткор эмас. У кулжаллобларини ўлдирмади ва улар бушменларга озодлик бергани учун уни ўгирлаб кетишди. Бирок бушменлар – буюк жангчилар. Уларда нгуа – қийнаб ўлдирадиган заҳар бор. Нгуа заҳари суртилган найзалар уларнинг ҳаммасини ўлдирди. Улар қийналишди, энди қайта ҳеч қачон гапирмайдиган оғизлари билан улар оғриқдан роса бақиришди. Уларнинг каллалари лагерга осиб қўйилади. Бушменлар довжорак. Улар октанли одамларни яхши кўришади.

Бирорта сўзини ҳам тушунмаган бу қўшиқни Альбер сабрсизлик билан тинглади. Яхши ҳам, қўшиқнинг ҳамма сўзларини таржима қилиб турган Зуга бор экан.

Бушмен мулатларни улар ўзларича бежавотир деб ҳисоблаб ухлаб ётган жойларидан топганини ҳам айтиб берди. У мулатларни қандай лозим топган бўлса, шундай жазолаб, Александрни ҳидира бошлабди. У ўз инстинктига ишониб у ақлдан озган отнинг изига тушибди, бироқ боласини қутқариб олган одам ўша отга бойланган эканлигини билмабди. У октанли сардор мулатлардан қочиб, болқа йўл билан лагерга келган, деб ўйлаган экан.

Ҳозир энди у бутунлай ўзини йўқотиб қўйган бўлиб, тинмай ўлиб ётган мулатларни сўкарди.

Альбер бир дақиқага ўзини йўқотиб қўйди, бироқ тезда бутун жасорати яна қайтиб келди. Кетишга тайёргарлик кўриш учун унга бир дақиқа кифоя қилди. Қурол-яроқ, сув, ўқ-дорилар ўралиб, зехнли бушмен оқтанлиларга керак бўлиб қолади, деб хайдаб келган отларга ортилди.

Тез орада тун бошланди. Қулжаллоблари ўз ўлимини топган ва Александрнинг излари йўқолган, ташлаб кетилган лагерга тезроқ етиб бориш учун тезлик билан йўлга тушишга қарор қилинди.

— Жозеф, тезроқ бўл! Кетдик! Кетдик! Мастер Виль, сиз-чи? Сиз-чи, рухоний ҳазратлари? Борасизми ёки қоласизми?

— Мен сизнинг ихтиёрингиздаман, — жавоб беришди ҳар иккала инглиз. — Менга ишонаверинг.

— Мен ҳам сени қолдирмайман, — деди бушмен. — Тунда сахро беҳавотир эмас. Менинг оқтанли валинсьматим шернинг тирноқларидан ёки илон чақишидан азобланишини истамайман. Кетдик!

Шиддатли отда чопиш. — Чармдан қилинган қўлкишанларнинг аркондан қилинганидан афзаллиги нимада. — Александрнинг орқасидан тимсоҳлар кидиришяпти. — Александрни еб қўяй дейишди. — Яхши иш учун жазо. — Овга кийиладиган куртканинг ичига ўралган тикан дастасини нима учун ишлатиш мумкин. — Тимсоҳ жазоланди. — Ерли халқ отларни қандай ҳайдайди. Заҳарланган найза. — Кулларнинг қутқарувчиси ўзи кулликка тушиб қолади.

* * *

Александрни бойлашган отнинг танасини тиканаклар шилиб ташлаган бўлиб, у кўзлари чакчайганча, оғир нафас олиб, орқасига қарамай метеор каби югураётган эди.

Битта шу отнинг юришигина бу саҳро жойлардаги сукунатни бузаётган эди. Фақат гоҳ-гоҳда узоқда канотларини қокканча булдуруқлар тўдаси осмонга кўтарилар ёки бир нечта антилопа ўтиб қоларди.

Александр боши билан отнинг умурткасига уриларди; унинг боши оғирлашиб кетган, оғрир ва у ёқдан бу ёққа қимирлаб ётарди, у ҳатто нима бўлаётганини яхши тушуна олмаётган ҳам эди. Унинг чаккалари қисирлаб, қуёш нури шундай кўзига тушаётгани сабаб у кўрмай қолган эди. У кўзини юмишга бекор уринар, чунки ковокларининг олдида қизил доирачалар турар, кўзларига чанг зарралари кириб кетаётган эди. Унинг боши айланиб, кўнгли айнади.

Бироқ Александр ҳушини йўқотмади. Ўзи билан юз берган ходисадан олдинги ва кейинги бўлган ҳамма нарсани у аниқ эсларди. Ҳаммаси миридан-сиригача худди даҳшатли тушдек кўрмаётган кўзларининг олдида турганди. Бироқ бу йигит организмнинг ва иродасининг кучлилиги шу даражада эдики, у қўл ва оёқларини боғлаб

турган нарсани узиб ташлаш учун энг охирги ҳаракатни қилди. У бор кучи билан эгилиб-букилиб арқонларни ечишга уринди, бироқ натижа бўлмади. Қайтага отга ортиқ азоб бериб, от қоқилиб кетгудек бўлди, Александрнинг ўзи эса ҳушидан кетди.

Бироқ тимсоҳ билан жангда ҳушини йўқотганда бўлганидек, ҳозир ҳам у совуқ ва оғриқдан ўзига келди. Шони ўзини худди сувга отиб юборишгандек сизди. Кўзини очиб кулранг-яшил массани кўрганда унинг нафаси тикила бошлади, кулоқлари шовқиндан битиб қолиб, уни йўтал тутди. Бироқ кўзлари ювилиб, кумдан тозаланди ва у беихтиёр қилган бир неча култум сув уни ўзига келтирди. Ҳуши ўзига келиши билан, дадиллиги ҳам қайтди. У ўзи чиндан ҳам сувда эканлигини кўрди. Бироқ от устида жуда ноқулай ётгани учун қирғоқни кўра олмаётган эди. От сузиб борар ва борган сари сув чуқурлашиб борарди. Александрнинг боши бир сувда бўлса, бир юкорида бўла бошлади. У бўшана олмас, бироқ ҳар сафар тепага чиқар экан, кейинги шўнғишда нафаси тикилиб қолмаслиги учун ўпкасини ҳавога тўлдириб олар эди.

Қўлларидаги кишан чиндан ҳам сал бўшашдими ёки унга шундай туюлдимиди? Йўқ, чиндан ҳам шундай эди. Йигит мулатлар уни лассодан қилинган камарлар билан боғлашганини эслади. Сувда камарлар бўккан. Яқинда улар чўзила бошлашади. Бир неча дақиқадан сўнг эса у қўлларини бўшата олади.

От эса кўндалангига кўлни кесиб ўтаётган эди. Вақти-вақти билан у оёғининг тагидаги ерни йўқотиб, сузиб кетар, бироқ сал ўтиб яна қаттиқ ерга чиқиб олар эди. Мажбурий чўмилиш отни тинчлантириб, кучга тўлдираётган эди. Александр от сувдан чиққандан кейин янги-дан чопиш бошланишини сезиб, фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Қуёш арқонларни бир зумда қуритиб ташлайди ва унда озодликка бўлган умид ҳам чиппака чиқади. Бир сонияни ҳам ўтказмай, йигит охирги кучини

бекорга сарфламасликка ҳаракат қилиб, яна ўзини у ёкда бу ёкка ташлай бошлади.

Камар ниҳоят бўшаша бошлади ва мана, Александрнинг гимдаланиб, шишиб кетган қўллари бўшади. У сал бўлсада чўзилиб, қотиб қолган аъзоларини қимирлата олиши мумкин бўлди. Бу азобли ҳаракатларнинг натижаси қанчалик кам бўлмасин, йигит чуқур нафас олиб, умид уйғонаётганини ҳис қилди. Бироқ бу умид жуда ҳам қатъий эмас, чунки узоқ вақт боғлиқ бўлган қўллари увишиб қолган бўлиб, ишга тушишни хоҳламаяпти. Кўкариб кетган панжаларида қон ортиқ айланишни хоҳламаяпти.

Александр бирор жойи чиққан ёки синган бўлиши мумкинлигидан кўрқа бошлади. Уни бир дақиқагагина тарк этган хавотир ҳисси яна ҳам чуқур бўлиб қайтиб келди.

Бундан ташқари, анча тинчигандек бўлиб кўринган от қутилмаганда кўрқиб кетгандек ҳаракатлар қила бошлади. Оёғи сувнинг тагига етганда у икки оёғида туришга ингилар, пишқирар ва олдинга қараб ҳаракат қиларди. Александр ҳамма от минувчиларга таниш бўлган сўзлар билан уни тинчигмоқчи бўлар, бироқ от борган сари нимадандир қаттиқроқ кўрқиб бораётган эди.

Мана, қўлларидаги увишиш ўтаётгандек. Александр панжаларини ҳаракатлантира олаяпти, қон айланиши яхшиланаяпти. У иккала қўли билан отнинг ёлига ёпишиб, унинг бўйнига ўтириб олади. Хавотир билан горизонтга тикилади. Қирғоқча узоқ эмас — эллик метрча нарида қамишзорлар бошланади. Кўк қарқаралар ва орасида худди фейерверк каби яраклаб пуштиранг фламинго бўлган кулранг турналар галаси шовкин билан юқорига кўтарилади. Фақат шугина узуноёқлилар қушларнинг улар қанчалик қанотлари билан шовкин кўтаришмасин, қанчалик қулоқни тешгудек қичқиришмасин, ҳар қанақасига ўрганган отни бунчалик кўрқитиб юбориши мумкин эмас эди.

Александр сув юзасида ғалати ариқчаларни кўриб қолади: уларнинг асоси кенг бўлиб, ариқчалар ҳаракат қилиб, ҳамма томондан яқинлашиб келаяпти ва яна қатъий тартибда. Шубҳага ўрин қолмаган эди – улар интилаётган марказ от ва унинг устидаги чавандоз – худди сув-ости кемалари флотилияси ўзи ўраб олган кемага ҳужум қиладиган каби.

От кўрқувдан қотиб қолган, бироқ илгаригидек устидаги тирк юкини тишлашга ҳаракат қилмаяпти. У одамнинг ярим озод бўлганини ҳис қилиб, ўгирилганча унга ақлли кўзлари билан қарайди ва унга «Мени кутқар» дегандек қаттиқ кишнаб юборади.

Сув юзасида пуфакчалар пайдо бўлиб ёрилади, ҳавода эса баланд овозда қичқирганча сув қушлари учиб юрибди. Сув юзида бир нечта ғалати қора нукталар кўрилади ва шу заҳотиёқ кўздан гойиб бўлади.

Александр ўз шаронитининг даҳшатини ҳис қилади ва бутун танасини титроқ босади. Худди тажрибали бошлиқ раҳбарлик қиляётгандек бир маромда яқинлашиб келаятган бу флотилия тимсоҳлар тўдаси эди!

Шер панжалари орасида ўлиш, филнинг оёғи остида ёки бизоннинг шохи устида бўлиб қолиш – буларнинг бари бирдек даҳшатли ва ҳар қандай ботир ҳам бу ҳақда сесканмасдан ўйлай олмайди. Шундай бўлса-да, истаган кўрқмас овчи йирик ҳайвонни овлаш учун кам ўрганилган мамлакатга кетаётганда ўз хоҳиши билан, кўра-била туриб шундай таваккал қилади. Бироқ овчининг қуроли бор. Қурол унга – албатта у асабларини жойига қўйиб, ўзини йўқотиб қўймаса, катта устунлик беради.

Бироқ ўзининг кучсиз, қуролсиз ҳис қилиш, оёғингдан чарчаб кетган отнинг сағрисиغا боғланган бўлиш, деярли бир сутка, яна кўзни олгудек қуёш нури сотида овқатсиз қолиш – ишонинг, бу ҳолда энг тобланган одам ҳам ҳажжонланиши мумкин.

Бунинг устига шер, фил, ҳатто йўлбарс ҳам кўп ҳолларда одамни кўрганда ҳадиксираб қолишади ва бу нарса

кўп ҳолларда овчига қийин вазиятдан чиқиб кетишига ёрдам беради. Бироқ очкўзликнинг тимсоли бўлган, фақат ўлжаси нима бўлишидан қатъий назар, уни ютишнигина ўйлайдиган тимсоҳ, ҳеч қандай ҳалиқсирашни билмайди.

Тимсоҳнинг огзига тушган бечора унинг ўткир тишлари баданига кадалаётганини, суяқларини синдираётганини сезади. Охирги дақиқаларида баҳайбат огиз уни чайнаётганини ва ютаётганини эшитади.

Александрда ҳеч қандай қурол йўқ. Ҳеч қандай. Унда ҳатто оёқларини эзаётган ипларни кесиш учун пичок ҳам йўқ. Тимсоҳлар эса борган сари яқинлашиб, жағларини юмиб-очишяпти. Улар баъзан бир-бирларига урилиб кетиб, такиллаган товуш эшитилади.

– Буни қара-я, – пичирлади бечора Александр, – бу қийноқни қисқартириб ҳам бўлмайди! Улар ҳозир мени еб ташлашади, мен эса ҳеч нарса кила олмайман. Ҳеч нарса!.. Хўп, майли, яхши иш қилганим учун азоб тортаман. Мен афсусланмайман. Мен одамларга озодликларини қайтардим. Бечора бушменлар октанли одамларга яхши муносабатда бўлишади... Бу менинг цивилизация ишига қўшган ҳиссам бўлади. Альбер, ойи, алвидо!

Шу пайт жуда баҳайбат тимсоҳ сувдан ярим чиқиб Александрнинг қўлини тишламоқчи бўлди. Александрнинг бахтига сув отнинг корнидан келаётган эди. Александр шундай баланд овозда бақириб юбордики, бечора от қаттиқ сакраб, тимсоҳни орқа оёғи билан тепди ва бир неча дақиқага ерда ҳам, қуруқликда ҳам яшайдиган ҳайвондан нари бўлди.

Бироқ кескин ҳаракат сабаб тиканаклар яна отнинг танасига санчилиб, у яна кутургудек жазавага тушди.

Шу пайт Александрнинг хаёлига ажойиб фикр келиб қолди.

«Асбоблар!.. Ахир менинг асбобларим ўзим билан-ку!..»

Чўнтагини кавлаб, асбоблар солинган ғилофни олиш, ланцетни топиб, оёқлари боғланган арқонларни кесишга бир дақиқагина кетди.

«Демак, мен ҳимоялана оламан... Жуда бўлмаганда қўлларим ва оёқларим билан... У ёғига ким билади. Агар бу лаънати отнинг кучи етса, балки ҳали қутула оларман...»

Қирғоқ аста-секин яқинлаша бошлади. Тимсоҳлар икки-уч метр нарида эди. Уларнинг баъзилари афтидан нимадандир чўчиган, жуда бўлмаганда ҳайрон эди.

Фақат биттаси, Александрни ушлаб олай дегани олдинга интилаётган эди. Бироқ Александрда умид уйғонган бўлиб, унинг қўрқмас галл табиатига хос бўлган қувноқлиги ҳам қайтган эди.

– Зўр фикр! – қувноқлик билан хитоб қилди у. – От устида одамга ўхшаб ўтирган эканман, менинг қандай мазали эканлигимни тотиб кўрмоқчи бўлаётган бу махлук билан бир ўйнашсам-чи? Бироқ тезроқ! Аввалига отни икки оёқли тимсоҳлар боғлаб қўйган мана бу тиканлар боғламиндан озод қиламиз. Умид қиламанки, улар ҳали менга жавоб беришади... Шундай! Тайёр! Энди қурбон қилишга ўтамиз – куртка билан хайрлашиш кепрак. Бошқа иложи йўқ! Ўз терингни йўқотгандан кўра курткани йўқотган яхшироқ.

Александр оёқларини йигиштирди. Энди у отнинг устида чўккалаб ўтирарди. У тўғри қилганди: тимсоҳлар истаган маҳал унинг оёғини тишлаб олишлари мумкин эди. Йигит курткасини ечиб унга бир боғлам «бир оз шошмай тур»ни ўради ва кимираммай туриб қолди.

Унга бу ҳолда кўп туришига тўғри келмади. Йиртқич очкўз судралишда давом этиб, ўзининг баҳайбат оғзини очди. Шунда Александр хотиржамлик билан қўлидаги бўҳчани ўша оғизга тикди.

Та-ақ! Худди сандикнинг қопкоғи ёпилган каби товуш эшитилди. Тимсоҳ шу заҳоти айланиб, ўгирилиб, сувга шўнгий бошлади.

– Мана сенга, ярамас! – хитоб қилди Александр.

Ахволининг ўта оғирлигига қарамай йигит ўзини кулгидан тўхтата олмади. Тимсоҳ, албатта тиканларни

ютиб юборган ва тиканлар энди унинг томогини сидираётган эди. У оғзини ёпа олмаётган ва кутургудек аҳволда сувда думини ликиллатиб, афтидан бўғзига сув тикилиб қолишдан кўркқанча сув юзига чиқишга ҳаракат қиларди.

Бу маза қиладиган манзарани кўп томоша қилиб ўтирмасдан, йигит отини ниқтади ва от уни аввалига сазликка, сўнгра эса қуруқ ерга олиб чиқди.

— Афтидан кутулдим, шекилли! Бу тимсоҳлар анчагача тушимга киришса керак!.. Майли, кўрамиз шароит қандай экан. Жуда ҳам қувонарли эмас, бу шароит! Жуда бўлмаганда каерда эканлигимни билсам эди... Бу кутурган от югуравериб, энди зўрга нафас олаяпти, мени эса лагердан ўн беш милча нарига олиб кетди, агар бундан кўп бўлмаса. Бечора дўстим Альбер! Менинг Жозефим! Улар тоза ҳавогир олишаётган бўлса керак! Отга дам бериш керак. Биринчи бўлиб шуни қилиш керак. Бирок қалласига менинг ёлғиз ўзимни шу ерга ташлаб кетиш келиб қолмасдан аввалига уни яхшилаб тушовлаб қўйиш керак. У ўт еб тура қолсин, мен эса ҳаёлан овқатланиб оламан. Жин урсин, кучим йўқ... Зўр фикр! Агар бирор илдиз топмасам, қоратанлилар ҳам, маданиятли одамлар ҳам бирдек қиладиган бир ишни қиламан, фарқи шундаки, африкаликлар коринларини лиана билан маҳкам боғлаб олишади, европаликлар эса узоқ вақт рўза тутишларига тўғри келганда камарларини битта тешикка қисқартирадilar.

Бахтга кўра Александр бу даражага етиб келишига тўғри келмади. У Жанубий Африка сахро ҳаётининг қийинчиликларига ўрганган бўлиб, бошидан кечирган қийинчиликлардан ҳулоса чиқаришга ўрганган ва қоратанли ҳамроҳларининг фойдала маслаҳатлари ёдида эди.

Номлари ва хусусиятларини у билмайдиган ҳар хил ўсимликлар орасида у яшил чигирткаларни кўриб қолди. Улар қалин, гўштли, кўриниши ғалати бўлган барглار устида секин ўрмалаб юришарди.

«Шошма-чи! – ўйлади Александр. – Мен бу чигирткаларни биламан. Бизнинг Зуга уларни кўриб қолганда, улар яшайдиган ўсимликларнинг остини казиб, доим нимадир топарди. Қазिश!.. Бироқ нима билан қазийман? Ҳечкиси йўқ, белкуракнинг ўрнини шох боса олади».

Александр ўз фикрида янглишмаган эди. У биринчи учраган дарахт шохидан синдириб олди-да, шох ёрдамида ерни қазий бошлади ва ярим соатлик меҳнати натижасида одам боласининг боши катталигидаги кўриниши ҳам, мазаси ҳам шолғомга ўхшаб кетадиган, бироқ ундан мазалироқ ва сувлироқ тугунакни топди. Топган нарсасининг ҳаммасини маза қилиб охиригача еди ва ўзига келиб олгач, отнинг олдига қайтди. От ҳолдан тойган ҳолда ерда чўзилиб ётарди.

– Ҳа-а! – тўнғиллади Александр. – Энди отдан айрилиб қолишим етишмаётганди! Бўлди, дўстим, тезроқ тура қол! Эрталаб чопганимиздек чопишимизга тўғри келади, фақат бошқа йўналишда – жанубга қараб. Ахир биз лагердан шимолга қараб кетаётган эдик. Менда компас йўқ! Соат ҳам! Ҳеч нима йўқ! Ҳа, айтгандек, йигирма минг франклик тиллам бор. Жозефнинг сумкасида ётибди. Деярли етти килолик ўлик юк...

Александр отни силади. От бошини кўтариб ўрнидан кўзгалишга ҳаракат қилди, кейин эса яна чўзилиб олди.

Александрнинг сабри тугай бошлади.

– Қани! – қичқирди у ва тилини тақиллатди. – Бу қимирлай ҳам олмаяпти-ку!.. Ҳеч бўлмаса юган бўлса эди! Нима ҳам қилардим, жуда бўлмаганда охирги чорани қўллаш керак.

Александр қўлига таёқ олиб отнинг сағрисиغا урди. От ўрнидан турди.

Александр унинг устига чикиб олиб, оёқлари билан ёнбошига ура бошлади, ҳатто ланцетининг учини тикиб олди, бироқ отни юришга мажбур қила олмади.

Александрнинг кучи қолмаётган эди. У бирдан Кап мустамлакасида фургон ҳайдовчилар хачирлари бўйин

бермаганда қиладиган ишларини эслаб қолди. У ерга сакраб тушиб, қўлида тупрок олиб отнинг кулогига сепди. Сўнгра яна отнинг устига чикиб унинг кулокларидан ушлади-да бор кучи билан силкий бошлади.

Бу ноодатий ва шафқатсиз тадбир дарров таъсир қилди. От бир неча кадам ташлади, сўнгра тезлаша бошлади ва ниҳоят бир маромда юриб кетди.

– Нима ҳам қилдим, – файласуфона оҳангда ўз-ўзига деди Александр. – Бирерта дарахт тагида тунни ўтказаман, эрталаб эса лагерга етиб бораман... Отнинг аҳволи яхши эмас, ўзим ҳам кийналиб кетдим. Бир неча соат уйку иккаламиз учун фойдали бўлади.

Бироқ Александрнинг ҳеч омади келмаётган эди. Худди ушбу қора кунда унинг бир гами устига бошқаси келиши тақдир китобларида ёзиб қўйилганга ўхшарди.

Бошининг устида нимадир чийиллаб, қандайдир нарса шундай отининг бўйнига тушганда Александр тунни ўтказиш учун ҳаммаёкка қараб, от устида силкиниб юрганига бир соатдан ошган эди. От худди чакмоқ ургандек шу заҳоти жон берди.

Александр отини нима ўлдирганига қараб энди ўзи яна янги даҳшатли хавфга дуч келганини тушунди: бу учига заҳар суртилган бахайбат найза эди. Ерли аҳоли бундай найзаларни катта хайвонлар, қисман каркидонлар юрадиган сўкмоқлар тепасига осиб қўйишади. Найза дарахт шохига ошириб ўтказилган арконда осиглик туради; бўш учи бўлса ерга суқиб қўйилган қозикчаларга боғлаб қўйилади. Хайвон арқонга тегиб кетганда унинг устига бўйи бир ярим метр, эни эса катта одамнинг оёғи қалинлигида бўлган оғир найза тушади. Ёғоч учига заҳар сурилган пойнак кийдирилган бўлади. У бўшгина кийдирилган бўлиб, найзадан осонлик билан ажралади ва хайвоннинг қорнида ушланиб қолади.

Агар оғи сал тезроқ юрганда, найза Александрнинг устига тушган бўларди.

Захар ортикча эди. Чунки огир ёғочга ўрнатилган темир пойнак отнинг умуртқасини синдириб юборган эди.

— Буни қаранг-а, менга кавалерияда хизмат қилиш мумкин эмас: мен отларга бахтсизлик келтираман! Майли, унда пиёда юришга ўтамиз. Тунни шу ерда ўтказаман, эрталаб эса яёв давом этаман. Хозир эса гулхан ёкиш керак, чунки отимнинг гўшти, албатта ўрмондаги ҳамма йиртқичларни ўзига тортади. Яхшиям чақмоқтошим бутун қолибди. Демак, ҳаммаси жойида. Кечки овқатга бир бўлак қовурилган от гўшти еб, ухлашга ётаман.

Шундай шовқин-сурон билан ўтган кундан кейин, тун тинч ўтди. Александрни эрта тонгда кулранг тўтиқушларнинг кўп овозли хори уйғотиб юборди. У сакраб туриб, кечаси тушган туман натижасида қотиб қолган баданини қиздириб олмоқчи, бироқ бундай қила олмади: уни гўё ерга михлаб ташлашгандек эди.

Унинг хаёлидан кеча бўлиб ўтган воқеалар бирма-бир ўтди. Унга худди даҳшатли воқеалар ҳали ҳам давом этаётгандек, ёки оёқ-қўллари ишламай қолгандек туюлди ва ҳали ҳам ухлаб ётмаганига ишонч ҳосил қилиш учун у бақирди.

Александрнинг бақиригига жавобан қаттиқ қичқириклар эшитилди ва у атрофини увода кийимлар кийиб олган, эски милтиқлар билан қуролланган кўплаб қоратанлилар тўдаси ўраб олганини кўриб, даҳшатга тушди. Бу одамлар унинг ухлаб ётганидан фойдаланиб, боғлаб қўйишган эди.

Бироқ энди Александр ҳеч нарсадан ҳайрон қолмаётган, ҳеч нарса унга таъсир қилмаётган эди. У қилт этмай бу пасткаш душманларни кўздан кечирди, бироқ улар миссионерни биринчи марга кўришгандаги, ўша маҳаллий аҳоли эканлигини таниб қолиб ажабланди.

— Мендан сизларга нима керак? — қатъий қилиб сўради у. — Мени ушлашга қандай ҳақингиз бор? Мен сизларга нима қилдим?

Шунда бир нечга инглизча сўзни биладиган сардор сурбетлик билан йигитнинг ёнига келиб, деди:

– Оқтанли одам кунботар томондан келган савдогарларга тегишли кулларнинг куллик устунини синдириб ташлади. Бушменлар савдогарларни ўлдиришди ва менинг одамларим ортиқ кул сота олишмайди. Мен ўз одамларимга на кўйлак, на кап-бренди, на курол-аслаха бера олмаяпман. Оқтанли одам менинг одамларимни камбағал бўлишларига олиб келгани учун энди унинг ўзи кул бўлади. У тарик ва жўхорини ўзи туяди ва эркакларга хизмат қиладиган аёлларга ҳамма нарсада ёрдам беради. У Кейптаунга энди ҳеч қачон қайтиб бормади. У энди кул, унга кунда кийдиринглар.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Бўлмагур нарсаларга ишонадиган одам. – Бушменлар европаликларнинг соқоллари уларга ўрмонда йўқолиб қолмасликларига ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар. – Из. – Қизил патли найза. – Цеце пашшаси. – Ғаройиб қуролсизлантириш. – Ғоят кучли режа. – Плот. – Бўрон, момақалдирак, сув тошқини. – Отларнинг отиб ташланиши. – Ҳалок бўлдик! – Яна сотқинлик. – Ҳалокатли безгак хуружи.

* * *

Кул жаллоблари йўқ қилингандан сўнг олдиндан ҳамма нарсани кўра биладиган бушмен юборган отларга миниб олган Альбер, Жозеф, мастер Виль ва руҳоний ҳазратлари отларини йўрттирганча Александрнинг изини топиш мумкин бўлган томонга қараб кетишарди. Зуга жиловидан тортиб кетаётган бешинчи отга юқларини жойлашган, на иссиқни, на чарчасини биладиган иккала бушмен эса бутун карвоннинг бошида лиёда кетиб боришар эди. Жанубий Африканинг аҳолиси, айниқса Калахарида яшайдиганлар ўзларининг чарчамай тез юра олишлари билан ажралиб турадилар. Шунчалик тез юрадиларки, улар энг бақувват ва чидамли от билан мусобақалашишлари мумкин.

Иккала католониялик ҳаммаёқни диққат билан кузатишар, руҳоний ҳазратлари индамай қотиб ўтирар, мастер Виль эса хаёлга берилиб кетган эди. У, айниқса ҳозир ана шу аҳмоқона ишни бошлагани учун ўзини ўзи сўкиб кетар, бу ишдан ҳеч қандай натижа чиқмаслигига ишониб қолган эди. Бошқа томондан эса, доим хавф-хатарга ва муҳтожликларга тўла бу ҳаёт унинг жонига тега бошлаган эди. Учала французнинг хотиржамлиги, улар ўзларини мавқеларига муносиб тутишлари, қилган яхши

ишлари – ҳаммаси бизнинг полициячимизни йўлдан ураётган эди. Ниҳоят, уларнинг шимолга томон юришларидан бўлган сирли мақсадлари ҳақида бир огиз ҳам гап очилмаган эди. Бу мақсад мастер Вильга бутунлай тушунарсиз эди; у французларни кўз кўриб кулоқ эшитмаган кийинчиликлар ва битмас-туғанмас хавф-хатарга ундаган нарсани эканлигига ҳеч ақли етмаётган эди.

Уларнинг Нельсонс-Фонтейндаги қотилликка алоқадорликларига келсак, мастер Виль ўзининг биринчи фикрида қолган эди: асл англосакс бўлган мастер Виль ажабланарли тарзда ўжар эди.

«Credo quia absurdum» – «Бу ақлсизлик бўлгани учун ишонаман» – бошқа далиллари қолмаганда дейишган экан қадимги донишмандлар. Мастер Виль бу учала французнинг қотил эканликларига бу ишонч аҳмоқона бўлгани учунгина ҳам ишонарди.

Тўғри, у буларнинг шунчаки оддий жинойтчилар эмасликларини тан оларди; бироқ бу олий ва бенуксон ташкилот бўлган полиция бундан ҳам аломат ва сирлироқ бўлган ҳолларни билади ва мастер Виль агар французлар ҳеч бир ёмон ниятсиз ҳаракат қилган бўлсалар – уларнинг ёмон ниятли одам эмасликлари кўрнниб турибди, – у ҳолда уларнинг бошқа ниятлари бўлган. Мастер Виль бу топишмоқ устида тинмай бош қотираётган бўлса ҳам ҳеч нарсани ҳал қила олмаётганидан тутакиб кетаётган эди. Шунинг учун ҳам у бизнинг кўркмас сайёҳатчиларимизни ёмон кўриб қолган эди. Унинг полиция қондалари ва бичиб тўқилган фикрлар билан тула ақли бу учала мардонавор калбнинг буюклигини тушунмас эди. Доим жамиятнинг энг пастки қатламлари орасида бўлишга, фақат жинойтларни кўришга, доим кимдандир шубҳа қилишга ўрганган полициячи одамнинг виждонли бўлиши мумкинлигига ишона олмади ва ишонишни ҳам хоҳламади. Аксинча, ўзининг шахсий хислатлари билан оломондан юқорироқ турган ҳар бир кимсада у ёки ақли носоглом бўлган ёки ярамас бир кимсани кўришга одат-

ланган бўлади. Полициячи инсоннинг иллатларини яхши тушунади, бироқ ҳамма буюк инсоний хислатлар унинг учун нотаниш.

Бу ерда яна ўзининг қўпол хазиллари билан рухоний хазратлари бор.. У полициячини ўзига тўлиқ бўйсундириб олган. Агар мастер Вильни оклаш учун сабаб топиш керак бўлса, тентакликни оклаб бўлса агар, – бу унинг ҳалоллиги эди.

Хуллас, полициячи кавалькадада иштирок этаётиб, ўзидан жажли чиқиб кетаётган ва ўзи айбини оча олмаётган жиноятчиларни лаънатлаётган эди. Альбер де Вильрож ва Жозеф хавотирланиб кетишаётган, Зуга ва иккала бушменнинг эса ишончлари комил эди. Альбер бушмендан нима учун у ишларининг муваффақиятли туғашига шунчалик ишончи комил эканини сўради. Бушмен жавоб берди:

– Буюк октанли сардор йўқолмайди – унинг ҳам сизники каби соқоли бор.

Отлар секин йўртиб кетарди. Александрнинг изини кидираётган разведкачиларимиз фақат тун киргандагина кидирувни тўхтатишга қарор қилишди. Эрталаб эса, куёшнинг биринчи нурлари пайдо бўлиши биланок кидириш ишлари яна бошланиб, бутун кун давом этди.

Александрни кидираётган гуруҳ уни тимсоҳлар еб кўйгудек бўлган кўлнинг қирғоғида эди. Александрнинг оти қўриқиб кетиб, ўзини сувга отган жойда отнинг излари хали сақланиб қолган эди.

Альбер дўсти нега отни сувга туширганини ҳам, у қайси томонга йўналганини ҳам тушуна олмади. У Александр нега бу йўналишни танлаганини ҳеч тушуна олмаётган эди: бу йўл уни Нельсонс-Фонтейнга олиб бориши мумкин эди, бироқ унинг дўстлари бўлган лагерга эса бутунлай тескари эди.

Дўсти шундай хавфли кадамни қўйишга мажбур бўлган экан. уни жуда хавфли бўлган душманлар қувлаган бўлишса керак.

Александрни кидириш ишларини тўхтатиб, иккинчи тун бошланди. Қуёш чиқиши билан эса Зуга ва бушмен бутун қўл атрофини айланиб чиқишди ва нариги қирғоқда оёқ излари билан Александр сугуриб олган тугунакнинг чуқурини ҳам топишди. Нарироқдаги излар эса найзадан ўлган от ётган жойга олиб борди. Йирткич ҳайвонлар ғажиб ташлаган ҳайвоннинг скелети атрофида кўплаб ялангоёқларнинг излари бор эди. Афтидан, бу ерда кўп ерли аҳоли бўлганга ўхшарди. Қизиқ! Александрнинг этигининг бемалол ажралиб турадиган изи шу ерда турарди. Ялангоёқларнинг изи эса шимол томонга кетган бўлиб, шимолга қараб оқадиган энсиз ва чуқур дарё қирғоғида йўқолиб кетган эди.

Альбер, бушмен ва Зуга ўз кўзларига ишонишмаётган эди. Улар ҳар бир эзилган ўтни, ҳар бир чуқурни диққат билан қараб чиқишди, бироқ ҳаммаси бекор: ҳеч нарса топа олишмади.

Қаттиқ хавотирга тушган Альбер де Вильрож алам билан дўстини қоратанлилар ўғирлаб, дарёга олиб кетишган, деган хулосага келди. Ва афтидан, бу ўғирликни яшириш ва улар қайси томонга кетганларини кўрсатмаслик учун муҳим сабаблар бўлган бўлса керак, чунки улар йўлларини — тепага қарабми ёки қуйига, оқим бўйлабми, қайикда давом эттиришган. Тез орада ҳўл кумлар устида тўртта қайик қолдирган из бу тахминни тасдиқлади.

Битта сохта миссионергина бир зумда ҳамма нарсани тушунди: у ерда ётган кизил патли найзани топиб олди ва бу топган нарсаси уни титратиб юборди.

— Мана, гап нимада! — истехзоли жилмайиб, пичирлади у. — Афтидан, бу нарса қаердан келиб қолганини мен биламан, шекилли. Бу ўқ менинг бечуан дўстларимдан бирининг ўқдонидан тушиб қолмаган бўлса агар дўзахга тушай. Улар бу найновни тутиб олишган ва олиб кетишган бўлса керак. Бу энди ишни анча осонлаштиради. Унинг ёнини яхшилаб кидиришди ва агар харита унда бўлса, менинг қўлимга тушади. Агар харита унда бўлма-

са, у ҳолда анави иккитасининг чўнтагида нималар борлигини билишга ҳаракат қилиш керак. Майли, ҳозирча ҳамма ишлар жойида.

Мараз миссионер найзани Альберга узатиб, қўшиб қўйди:

– Бу найза, месье, сизнинг тахминингиз тўғри эканлигини тасдиқлайди. Қоратанлилар ана шу дарё бўйлаб қаергадир сузиб кетишган. Менимча, бу дарё Замбезининг ирмоғи.

– Сиз бунга аминмисиз?

– Худди шундай дея олмайман. Бироқ сизга шунга айтиб қўйишим лозимки, мен бу ерларда биринчи марта бўлаётганим йўқ. Бу жойнинг умумий кўриниши, кескин қиялиги ва дарёнинг шимол томонга оқиши – булар ҳаммаси мен янглишмаётганимни билдиради.

Сохта миссионернинг бу сўзлари Альберда умид уйғотди. Балки, ўйлади у, Александр турган жойини аниқлай олиб, Виктория шаршараси томонга қараб йўлга тушган ва қоратанли йўлбошловчи топган бўлиши мумкин. У балки яраланган, ёки шунчаки чарчаб, ҳаммол ёллаган бўлиши мумкин. Бироқ, учала дўст агар кутилмаган бирор ҳодиса сабаб бир-бирларини йўқотиб қўйишса, ҳар бирлари, вақтни ўтказмай экспедициянинг мақсади бўлган жойга қараб кетаверади, деб келишишмаганмиди, ахир?

Тўғри, Александр ўта эҳтиёткор, пухта, ишнинг кўзини билладиган одам сифатида ўзининг шу ерда бўлганини ва унинг қайси томонга кетганини кўрсатадиган нимадир қолдириши керак эди. Бироқ, балки бу ишни қилишга унга нимадир ҳалал берган бўлиши мумкин. Бу нарсалар якин орада бошқа жойда топилади деб умид қилиш керак.

Хуллас, дарё оқими бўйлаб шимол томонга қараб юришга қарор қилишди. Қоратанли қайиқчилар бу кирғокдами, бошқа биридами, қаердадир, албатта тўхташлари керак эди.

Йўлга тушишганига кўп ўтмай иккала қоратанли ҳам безовталана бошлашди.

– Нима гап? – диққат билан япроқларга қарай туриб, сўради Альбер.

– Цеце, сардор! Цеце! Тезрок жўнаб қолиш керак! Сувдан нари кетиш керак, йўкса отлар ҳалок бўлади...

Альбер бу даҳшатли ҳашарот ҳақида кўп марта эшитган эди, йўлбошловчининг сўзларидан сесканиб кетди. Чиндан ҳам отлиқларни ғинғиллаганча отларга ёпишиб олган хира пашшаларнинг куюк тўдаси ўраб олган эди.

Худо қарғаган бу ерлардан қочиш!.. Ҳа, бироқ бу Александр ўтган бўлиши мумкин бўлган ягона йўлни ташлаб кетиш дегани! Қолиш керакми? Бироқ бу отларни йўқотиш дегани. Қоратанлиларнинг пирогалари билан фақат отларгина беллаша олади-ку!...

Ва ниҳоят, барибир кеч бўлди: бир дақиқа ҳам ўтмай бу даҳшатли ҳашаротлар ҳар бир отни юзта жойидан чакиб ташлаган эди, уларнинг ҳар бир тишлаши эса ўлимга олиб келади.

Нима қилиш керак? Тақдирнинг янги бир зарбаси тушганда нима қилиш керак? Икки ёки уч суткадан сўнг, балки ўн икки соатдир, ва бу бахтсиз ҳайвонлар йиқилиб қолади, уларга ёрдам беришнинг эса иложи йўқ. Капдаги Англияга қарам ерлар ва Экватор ўртасидаги Жанубий африкада яшовчи сон-саноксиз ҳашаротлар орасида энг хавфлиси сўзсиз, Цеце пашшасидир. У шу даражада хавфлики, ҳатто ерли аҳоли ҳам бундай ерлардан кўчиб кетишади, ёки мол боқишдан бош тортишади.

Цеце чиқарадиган заҳардан одамнинг кўрқишига ҳожат йўқ. Бу заҳарнинг ўзига ҳослиги шундаки, у одам ва ҳайвонлар учун зарарсиз. Бироқ ит, от ва ҳўкиз – саёхатчи ва колониистнинг биринчи ёрдамчилари бўлган бу ҳайвонлар шу заҳоти ҳалок бўлишади. Ҳайвон қанчалик соғлом бўлса, заҳар шунчалик тез таъсир қилади.

Цеценинг игнаси йўқ. У чиқарадиган заҳар унинг узун тумшугининг асосида бўладиган без таркибида

бўлади. Унга овқат керак бўлганда у ўқ тезлигида ўзи мўлжаллаган ерга бориб тумшугини тикади ва бир оздан сўнг сўриб олган кондан шишган ҳолда учиб кетади. У чаккан жойда эса сал-пал қизиллик ва енгил қичишиш қолади.

Ҳали айтиб ўтганимдек, одам, ёввойи ҳайвонлар ва — ғалати нарса! — ҳали онасини эмадиган бузоқларга це-ценинг чақиши умуман таъсир қилмайди.

Ҳўкизга келадиган бўлсак, агар у ишлайвергани ва тўйиб овқат емасликдан нозиклашиб кетган бўлса, захарланганлик белгилари бир неча кундан кейингина билинади. Ҳайвоннинг кўзи ва бурнидан кўп суюқлик келади ва пастки жағи остида шиш пайдо бўлади. Ҳўкиз тез оза бошлайди, айтиш мумкинки, одамнинг кўзи олдида тамом бўла бошлайди: мушаклари бўшашади, ичи кела бошлайди, овқатланмай қўяди, скелетга ўхшаб қолади ва сал ўтиб, ҳалок бўлади. Агар ҳўкиз семиз бўлса, захарланганлик белгилари жуда тез ривожланадди.

Цеце пашшаси чакқандан бир неча соат ўтиб, худди биринчи бўлиб бош мияси лат егандек, ҳайвонда бош айланиши кузатилади. Ҳайвон бир жойда туриб айлана бошлайди, мунгли оҳангда маърайди, кўрмай қолади ва ўн икки, ўн беш соатлар ўтиб, ҳалок бўлади.

Ҳайвоннинг ичини ёриб кўриш бутун ички аъзоларида парчаланиш бўлганини кўрсатади. Бу кўзга зўрға кўринадиган чақишнинг қандай оқибатларга олиб келишини ўз кўзи билан кўрмаган одам, буни кўз олдига келтира олмайди.

Ит ва отларда ҳам шу нарсалар кузатилади ва организмнинг парчаланиши худди шу ҳолда кечади. Бутун уй ҳайвонларидан фақат эчкигина одам ва ёввойи ҳайвонлар каби бу пашшанинг чақишидан азоб чекмайди. Цеце пашшаси бошқа ҳамма ҳайвонлар учун офат бўлган Замбези қирғоқларида яшайдиган қабилаларнинг кўнчилигида эчки ягона уй ҳайвони эканлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Шу пайтгача бу дахшатли захарга қарши дори топилмаган, олимлар эса цеце захарига таъсирчан бўлган баъзи уй хайвонларига кўп жиҳатдан ўхшаш бўлган ёввойи хайвонларнинг иммунитетини нима билан боғлиқлигини аниқлай олишмаган. Кўринишидан, уй ҳўкизи билан ўрмон буйволининг ўртасидаги, зебра билан от ўртасидаги ва ниҳоят, қўй билан эчки ўртасидаги фарқ арзимасдек! Бунинг устига: эмадиган бузоқ онасини эмаётган кучукча каби ҳозирча онасини эмар экан, цеце захаридан қўрқмайди. Иқлимга ўрганганлик ва ҳеч қандай эмлаш қутқара олмайди. Агар пашша хайвонни енгил чаққан бўлса ва агар, албатта бу жуда кам бўладиган ҳолат, у ўлмаса, барибир иммунитет ҳосил бўлмайди, уни цеце кейинги сафар чаққанида, албатта ўлади.

Альбер отлари албатта ва жуда тезлик билан ўлиши кераклигини, чунки улар соғлом эканлигини яхши тушуниб турарди. Шунинг учун ҳам улар ҳали тирик экан, фойдаланиб қолишга — уларни бутун карьерга қўйиб юборишга қарор қилди. Уларнинг умри санокли экан, асраб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Агар уларнинг юришини тезлаштирса балки Александрни олиб қочганларга етиб олиш, жуда бўлмаганда, уларга яқинлашиш мумкин бўлар.

Юқоридаги режани амалга оширишга киришилиб, отларни ниқташди ва улар у ер бу ерда бугалар ўсиб ётган қирғоқ бўйлаб елиб кетишди. Бироқ, бахтга қарши жойнинг табиати тезда ўзгарди. Қуруқ қум ва тошлардан ташкил топган каттиқ ер ўрнига қуюқ лиана ва сув ўтлари билан қопланган устидан ўтиш қийин бўлган чўкинди қумлар бошланди. Отлар ҳар қадамда қоқилиб, ботиб қолиб, ёввойи ўсган бу ўсимликлар орасида йўқ бўлиб кетишар, отликлар эгарда зўрға ўтиришарди.

— Бизнинг орқамиздан лаънат юрганга ўхшайди! — додлаб юборгудек бўлиб хитоб қилди Альбер. Унга пешонасига аччиқ тақдир ёзиб қўйилганга ўхшаётганди. — Қани, ҳамма отдан тушсин! Барибир бу жойлардан на

отда, на яёв ўтиб бўлади. Қайикларимиз йўқ. Биз эса нима қилиб бўлса ҳам яқин икки соат ичида дарёнинг қуйи томонига бориш йўлини топишимиз керак.

– Плотми? – сўради Жозеф.

– Мен айнан шу ҳақда ўйлаётгандим. Бу ерда ёғоч етарли. Дарахтлар ҳам йўғон эмас, тез оқиб кетади.

– Тўсинларни нима билан боғлайсиз? – ўз навбатида сўради миссионер.

– Лианалар нима учун?

– Улар бақувват эмас...

– Отларни ўлдирамиз. Уларнинг териси бақувват. Тасма қиламиз...

– Тўгри! У ҳолда ишга киришдик!

Қўркмас ҳамроҳлари томонидан далда берилган қоратанлилар билан иккала инглиз чакалакзор орасига отилишиб, дарахтларни ағдара бошлашди. Сўнгра уларни узунаси ва йўғонлиги бир хиллигига қараб танлашди. Энди уларни бирлаштириш қолган эди.

Ҳаммалари ишга шунақанги берилиб кетишган эдики, бу ишларнинг бир қисми бир соатга қолмай тугатилди.

Зуга ва бушмен отларни сўйиб, тилкалашди ва захарланган гўштни дарёга ташлаб юбориб, терисидан узун-узун тасмалар кесишди. Ҳеч ким бир дақиқа бўлса-да, дам олиш ҳақида ўйламади, ҳеч ким ўзини билдираётган очлик ўйламади, ҳеч ким яқинлашиб келаётган қуюқ булутларга, момақалдирок товушига, йирик ёмғир томчиларига парво қилмади. Ҳамма жонсарақлик билан ишларди. Бу табиат ҳодисаси ўзига ҳос бўлган шиддат билан қутураётганди.

Бироқ ҳеч нарсага қарамай, плот ясалди. Сузишни шу заҳотиёқ бошлаш катта эҳтиётсизлик бўлган бўларди, чунки тун қоп-қоронғи бўлиб, дарахтларнинг тепасида қуюқ булутлар осилиб турарди. Момақалдирок овози қулоқни қар қилгудек бўлиб, минглаб чакмоқ нури дарё сувининг устини кесиб ўтгандек бўлди. Қалин чакалак-

зорни бўрон тўзғитиб ўтди. Ёмгир бизнинг кенгликлардаги аҳоли, ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдиган жалага айланди. Бу шундай нарса эдики, майдони йигирма беш квадрат мил бўлган сув омборидаги сув ташқарига чиққан каби эди.

Сувнинг бунчалик кўпайишидан дарёдаги сув бир зумда кўтарилди. Яна бир неча дақиқа ва жала сув тошқинини чақирган бўларди. Сув шундай ҳам одамнинг кўзи олдида кўтарилаётган ва чакмоқ ёруғида унинг борган сари тез оқаётгани кўриниб турарди. Олдинга қараб тезроқ ҳаракат қилиш керак эди. Агар йўлда сизни тўлқин ағдариб юбориши мумкин бўлса, жойингизда қолиш ундан ҳам хавфлироқ эди: ҳар бир дақиқада юлинган дарахтларни иргитиб юбораётган оқимда ҳалок бўлиш мумкин.

Альбер плотнинг ўртасида турарди. Унинг ёнида эса ҳар доимгидек қотиб ва тунд ҳолда миссионер турарди. Унинг эғнидаги сюртуғи куруқ суяк баданига ёпишиб қолган эди. Орқа ва олдинда эса узун таёқлар билан қуролланган иккала қоратанли туришарди: бу омонат плотни бошқаришни улар ўз зиммаларига олган эдилар. Жазеф ва мастер Валь ҳали қирғоқда бўлишиб, эндигина плотдан жой олмоқчи бўлишаётган эди.

Шу пайт йигирмата батарея берган залпнинг овозини босишга қодир момақалдироқ овози эшитилиб, булутларни ҳайдаб кетди. Ҳаддан ташқари кучли довул дарахтларни ағдариб ташлади, улар шовкин билан ағанашди ва плот бирдан кўзғалиб, дарё оқизиб кетаётган синган ёғочлар орасига ўқдек учиб тушди.

Лианалардан тўқилган арконни ушлаб турган полициячи йиқилиб тушди. Шунинг орасида у арконнинг узилган эмас, ўткир пичоқ билан қирқиб қўйилганини сезиб қолди. Мастер Виль денгизчиларнинг сўзлари билан каттиқ сўкина бошлади. Айни пайтда плотнинг узоққа кетиб қолаётганини кўрган Жозеф ҳам каттиқ бақириб юборди. Шубҳа йўқ: дўсти оқим олиб кетаётган омонат

тўсинлар устида калкиб кетаётган пайтда у энди мастер Виль билан курукликда қолиб кетади.

Бу пайтда миссионер ҳаммага бир-бир қараб чиқди ва ўзларининг хатарли ишлари билан машғул икки қоратанлининг плот сузишга бошлаганда у қилган ғалати ҳаракатини сезишмаганига ишончи қомил бўлди ва хотиржамлик билан қўлидаги пичокни буклаб, чўнтагига солиб қўйди ва яна жойида қотиб туришда давом этди.

Қизиқ: Альбер ҳеч нарса кўрмаётганга ўхшарди. У табиат ҳодисасининг авж олаётганига бепарво эди. У тиззасига ўтирганча бошини қўллари билан ушлаб олган ва ҳатто иккита ҳамроҳининг йўқлигини ҳам сезмаётган эди. У, ҳатто кучли оқим плоти у ёқдан бу ёққа отаётганини ҳам сезмасди.

Миссионер унинг бу аҳволига қизиқиб қолиб, елкасига тургди. Альбер бошини кўтариб, ҳеч нарса кўрмаётган кўзлари билан унга тикилди ва уни танимагандек бўлди. Шу орада чакмоқ чақиб, бу ғалати драматик сахнани ёритди. Узун таёқ билан ишлаётган Зуга ва бушмен бирдан икки оқтанлининг йўқ бўлиб қолганини сезиб қолишди. Бироқ улар бир оғиз ҳам сўз айта олишмади — уларнинг бутун диққати қилаётган ишларида эди. Аслида, тўхташнинг ҳам иложи йўқ эди — оқим жуда кучли эди. Бирорта тўғри келадиган жойда тўхташ учун мумкин бўлган дақикани кутиш керак. Виждонли қоратанлилар ўз ҳамроҳларини ташлаб кетишни, ҳатто ҳаёлларига ҳам келтиришмаётган эди.

— Месье! Месье де Вильрож! — Альбернинг елкасига борган сари каттиқроқ туртиб, дерди сохта миссионер.

Бунга жавобан аянчли инграш эшитилди. Альбер туришга уринди, бироқ номаълум касаллик билан оғриган йигит ҳуштак каби чяқаётган нафасдан бошқа ҳеч қандай тириклик белгиси бўлмаган ҳолда тўсин устига йиқилди.

— Жуда яхши! — совуқкина ничирлади рухоний ҳазратлари. — Энди шу етишмаётган эди. Бу йигитчада ҳавфли безгак хуружи бўлаяпти. Бу нималигини мен жуда яхши

биламан. У нариги дунёга жўнашига юздан тўксон фоиз имконияти бор! Бироқ у ҳолда мен меросхўр бўламан! Агар бу донги кетган харита унинг ёнида бўлса, арзийдиган мерос. У ҳолда мен бу кафр кироллариининг хазинаси қаерда ётганини билиб оламан. Агар ҳужжат унинг ёнида бўлмаса, нима бўлади? У ҳолда мен нима учун арконни кесдим? Агар унинг чўнтаклари бўш бўлса, уни даволаб тузатиш керак бўлади. Иложи бўлармикин? У яшаши, ўзининг хизматкорлари ва тентак полициячини қидиришни бошлаши керак. Бунинг учун учинчи французни олиб қочган қоратанлиларга етиб олиш керак. Менда, шундай қилиб бутун бир армия бўлади ва бу кўркмас французлар ортиқ қаршилиқ кўрсата олмайдилар.

ҲАМОНЧИ БОБ

Ўқувчи ниҳоят де Вильрож хоним ва унинг отаси билан танишади. — Олмос далаларига! — Жанубий Африка бўйлаб. — Дилижансга қилинган босқинчилик. — Никобли бандитлар. — Яна ўлдирилганлар. — Ифлос комедия. — Клааснинг янги қилмишлари. — Пастор оғир ярадор. — Ташлаб кетилган лагеръ. — Ғалати учрашув. — Яна битта қурбон. — Нельсонс-Фонтейнлик савдогарнинг кизи. — Икки етим.

* * *

Альбер де Вильрож каттиқ иситмада тўлқинларга ўйинчок бўлган плотда йиқилган куни ботаётган қуёш нурлари Брек дарёси қирғоғида бўлаётган драматик сахнани ёритди.

Қуриб ётган ўтлар орасидан ўтган одам кам юрадиган йўлда тўрт от қўшилган карета тез юриб кетаётганди. Бу карета бу ерларда мустамлака пайдо бўлгандан бери Капда фойдаланишадиган бахайбат фургонларга қараганда анча кичик ва енгил эди. Чап томондаги шатакчи отда катта этик ва оқ шлем кийган аравакаш типпакчи ўтирарди. У камчинини шарақлатиб, вақти-вақти билан чап елкасига ташлаб қўйилган тасмага осилган мис сурнайга пуфлаб қўярди. Бутун кун иссиқдан қийналиб кетган извошчи эса ҳозир анча совуб қолган ҳавони ютоқиб симиради.

Уларнинг икковларининг ёнбошида йирик калибрли револьвер осилган бўлиб, иккалалари атрофга диққат билан қараб кетишарди.

Каретада ҳаммаси бўлиб иккитагина одам ўтирарди: қари чол ва ёш аёл. Баланд бўйли, орик, бошидаги оқ сочлари сийрак ва соқоли қиртишлаб олинган қария ҳаммага яхши таниш бўлган протестант пастори эди. Унинг ҳамроҳи эса гўзал, олтинранг сочлари жингалак ва

кўккўзли инглизлардан бўлиб, унинг юзи эски пайтларда очилган атиргул рангига таққослашган рангда эди.

Узоқ давом этган саёҳатдан чарчаганлигига карамай, аёлнинг юзида чарчоқ аломатлари йўқ эди. Бироқ ҳар дақиқада юзида хавотир аломати пайдо бўлар, оғзининг четида ажинлар пайдо бўлиб, кўзларида ёш кўринарди.

— Ота! — Отлар юришини секинлаштирганда ғамгин товушда деди у. — Ота, нега биз имиллаб юрибмиз? Тез орада тун киради, биз эса аллақачон лагерда бўлишимиз керак эди.

— Айна, азиз болам менинг, сабр қил. Биз одам кучи етиши мумкин бўлган ҳамма нарсани қилдик. Тўхтамай юрибмиз. Биз ҳатто почтадан икки сутка олдин...

— Тўғри, бироқ Альбер мени роса уч ҳафтадан бери кутаяпти. У яраланган... Балки, у аллақачон тирик эмасдир. — Йиғлаганча дейди аёл.

Қария ажин босган юзидан оқиб тушган кўз ёшларини артиб, кучерни чакирди:

— Дик!

— Ҳа, мистер Смитсон!

— Биз ҳозир қаердамиз?

— Тахминан Пемпин лагеридан ўн мил наридамиз.

— Кечгача етиб борамизми?

— Худо хоҳласа, жаноб. Ва отлар ҳаром қотмаса.

— Қуёш ботгандан сўнг ой ёруғида ҳам юраверасизми?

— Умид қиламан.

— Йўлни яхши биласизми?

— Мистер Смитсон, йўналишни яхши биламан. Бироқ йўл хатарли эмаслигига қафиллик бера олмайман, — секин жавоб қайтарди кучер. — Биласизми, мен ёш хонимни чўчитиб юборишдан кўркмаганимда эди...

— Жим! — хавотирланиб унинг гапини бўлди қария. — Кетдик! Тезроқ ҳайданг. Мен сизга икки баравар тўлайман! Шеригингизга ҳам. Агар отлар йиқилиб қолса, лагерда бошқасини сотиб оламиз.

– Раҳмат, ота! – Отасининг қўлини меҳр билан ўпиб, хитоб қилди аёл. – Раҳмат! Сен шундай меҳрибонсан! Мени Альберга яқинлаштираётган ҳар бир дақиқа учун сени дуо қиламан. У тирик, шундай эмасми? Биз уни даволаймиз, у тузалиб кетади!..

Ўқувчи кўриб турганидек, Клааснинг ғояси тўлиқ амалга ошганди. Биз сизга айтиб ўтган бу мараз ва унинг оғалари Питер ва Корнелисларнинг биз руҳоний ҳазратлари сифатида танийдиганимиз сирли шахс билан учрашувларидан сўнг, Клаас вақтини бекорга ўтказмаган эди.

Нельсонс-Фонтейн конида савдогарни ўлдириб кетишгандан сўнг бир неча соат ўтиб, бизнинг бур Кейптаунга жўнаб кетганди. Севги, нафрат ва очкўзлик ҳаракатлантираётган бу одам Бельфарга елдай учиб кетди. Олмос кони ва бу кичкина шаҳарча ўртасидаги баҳайбат масофа орасида у ҳамма ерда ўз одамларини топа олди, ҳар бир лагерда чарчаган отлар ўрнига янгисини алмаштирди ва бир ҳафта ичида аҳоли яшайдиган бу икки маскан орасидаги тўрт юз тўқсон километрни босиб ўтди.

У горлар, жарлар, ўрмонларни кесиб ўтди, дарёлардан кечиб ўтди, Крамерс-Фонтейнни орқада қолдирди, Апельсинранг дарёнинг ирмоғи – Стейнкопф-риверни кечиб ўтиб, Кемпбелс-Дорп лагерида от сотиб олди. Кайбуни кечиб ўтиш унинг ҳаётига зомин бўлай деди. У мажбурий чўмилиб олиш билангина қутулди ва сувда отини йўқотди. Бакхуздан у Хоптсунгача борди, одам ёлғиз ўзи чиқишга кўрқадиган серқоя тоққа чикди ва чарчовдан тамом бўлган ҳолда Рудкилга – лагерьгача етиб борди. Икки кундан кейин у Ричмондда эли, у ердан Викторияга қараб кетди ва на кундузи, на кечаси тўхтамасдан ниҳоят Бельфорга етиб келди. У шу даражада қийналиб кетган эдики, бировларнинг ёрдамисиз отдан туша олмади: унинг оёқлари шишиб кетган эди. Оёғидан этикларни ечиш учун уларни кесиб олишга тўғри келди. Бельфорддан Кейптаунгача бўлган тўрт юз эллик километрни у темир йўл орқали босиб ўтди. Поездда маза қилиб

дам олиб, борадиган жойига кетиш вақтида қандай тетик бўлган бўлса, шу ҳолда етиб келди. Деярли минг километрлик, ундан беш юзи – шунчалик қийин бўлган йўлни, балки бутун дунёда бунчалик қийин бўлган йўл бўлмаса керак, масофани у тўққиз кун ичида босиб ўтганди.

Колонияларда ҳам, метрополияларнинг искирт жойларида ҳам бир хил обрўга эга бўлган пулга сотиладиган газеталардан бирида у жухуд савдогарнинг ўлдирилганлини ҳақида билдириш чиқартирди ва де Вильрож хонимга эса руҳоний ҳазратлари унинг эри оғир ярадор бўлгани ва уни Нельсонс-Фонтейнда қутаётганини ёзиб берган хатни юборди. Кутилганидек, бу хабар бечора аёлга чакмоқ ургандек таъсир қилди.

– Ҳозирок жўнаймиз! – Хатдан таъсирланган отасига деди у.

Бу ердаги ҳаётнинг ҳамма хавф-хатарига ва етишмовчиликларига ўрганган миссионернинг кизи Анна бундай сайёҳатнинг масофаси ҳақида ҳам қийинчиликлари ва хавф-хатари ҳақида ҳам ўйлаб ўтирмади. Узоқ йўлга отланишга доим тайёр бўлган мистер Смитсон қизининг истагига сўзсиз рози бўлди. Бундай ҳаракатга бизнинг Европа давлатларимизда яшайдиган ҳар бир одам ҳам дарров рози бўлмасди.

У кутиб ўтирмасдан тезликда қизи билан темир йўл орқали Бельфорга чикиб кетишди. Уларнинг орқасидан изма-из кузатиб юришга аҳд қилган Клаас ҳам тез орада ўша ерга етиб келди.

Миссионер одатда йўловчиларни олмос ўлкаларига жуда секинлик билан олиб борадиган усти ёпик извошлардан қочмоқчи бўлди. Бундан гапшари, у қизи шубҳали одамлар орасида сайёҳат қилишини ҳам истамаётган эди. Шунинг учун у Бельфорда уни қизи билан у куёвини топишини мўлжаллаётган конга олиб боришга иккита аравакаш билан яхшигина нархга келишиб олди.

Сайёҳатнинг бу иккинчи ярмини, у жуда оғирлигига қарамай, ёш аёл хотиржам ва катъийлик билан ўтказ-

ди. Кўнглидан хавотири аримаётган де Вильрож хоним биттагина нарсa — борадиган жойларига тезроқ етиб боришлари ҳақида ўйлаётган эди. Аравакашлар ҳам унинг қатъияти ва тугамас гайратидан ҳайратда эдилар.

Мана Ричмонддан юз километр узоқлашишди. Сайёҳатчилар шошилишаётган эди, шунинг учун ўзларидан олдин Клаас ўтган йўлни танлашди. Улар Брек-риверда эдилар. Бу дарё бири Викториядан, иккинчиси — Ричмонддан бошланадиган иккита ирмоқдан ҳосил бўларди. Улар Хонинг-краалда қўшилиб кетади ва кондан анча юқорида Апельсинранг дарёга қуйилади. Қишда бу дарё жуда айқирган бўлар, ёзда эса уни кўплаб қўллар таъминлаб турмаса, бутунлай саёз бўлиб қолган бўларди.

Отлар жуда чарчаган эди. Бироқ қисман йўловчиларга ёкиш учун, қисман ўзи ҳам лагерга тезроқ етиб боришни истагани учун аравакаш отларга бақириб, вақти-вақти билан уларни хипчин билан уриб турарди.

Карета икки километрча юргач, орасида йўл ҳам деб бўлмайдиган илонизи бўлиб кетган сўқмоқ зўрга кўриниб турган қуюқ чангалзор орасига тушиб қолди. Қуёш борган сари пастлаб борар, соялар қуюқлашган эди. Чарчаганиданми, йирткич ҳайвонларга дуч келиб қолишдан кўрқибми, отлар юришини секинлаштирди.

— Олға! — бақирди аравакаш.

— Тўхта! — кимдир буталар орасидан кўпол овоз билан буюрди.

Аравакаш бу буйруққа эътибор бермай отларни ниқтади, кучер эса бу пайтда тезгина револьверини ўқлаб олар экан, револьвер барабанидан қарсиллаган товуш эшитилди.

Отлар олдинга қараб интилиб, баланд овозда кишнаб юборишди. Уларга афтидан шу яқин атрофда ўтлар орасида турган отлар кишнаш билан жавоб беришди. Сўнгра ўнгдан ва чапдан отилган револьвер товушлари эшитилди. Аравакашнинг остидаги бошини ўқ тешиб ўтган от ерга ағанади. Аравакашнинг ўзи эса саккиз метрлар на-

рига учиб тушди. У кимираммай ерда ётиб қолди: унинг оғзидан қон окарди. Кучер олов кўрган жойга қараб, тусмоллаб отарди. Ўлган от ушлаб қолган қолган учга от бир-бирларини оёқлари билан тепар ва карета ағанаб тушай деяётган эди.

Яна ўқлар отилиб, буталар остидан европача кийинган ва бошларига кўзларигача туширилган кенг соябонли шляпа кийиб олган бир нечта одам чиқиб келди. Улар баланд овозда «ура» деб бақирдишди, каретадан эса дахшатли қичкирик эшитилди. Кучернинг томоғини ўқ тешиб ўтган бўлиб, у ерга, отларнинг оёғи остига йиқилди.

Шунинг орасида қароқчилар йўловчиларга қурол ўкталиб, уларга тезлик билан каретадан тушишни буюришди ва улар агар қаршилик кўрсатгудек бўлишса, шу заҳотиёқ отиб ташлашларини билдиришди.

Каретадан инграш товушлари эшитилди.

– Жин ургурлар! – тўнғиллади қароқчилардан бири.
– Нахотки ҳаммасини ўлдириб қўйган бўлсак?

– Ҳм-м! – мингиллаб деди бошқаси. – У ерда ҳеч ким кимира эмаяпти.

– Клаас товукқа қўл тегизмасликни буюрган эди!.. «Кучерни ўлдилинг, аравакашни ўлдилинг, жонингизга тегадиган бўлса қарияни ҳам тугатинг, бироқ аёлга қўлингизнинг учини ҳам текизманг, акс ҳолда каллангизни оламан!» деган эди.

– Қани у найновнинг ўзи? Ахир у бу ерда томоша кўрсатмоқчи эди-ку! У бизни қочириб юборгандек қилиб, ўзини бу ажойиб аёлни қутқариб қолган довюрак кимса қилиб кўрсатмоқчи эди.

– Нима бўлганда ҳам ана шу на Худодан ва на шайтондан кўрқадиган йигит шундай ишларни қилмоқчи бўлиши гаройиб!

– Албатта! Унинг ўрнида мен кўп гапириб ўтирмаган бўлардим! Бу гўзални кўтариб олиб қочиб кетган бўлардим... Вассалом!

– Бироқ биз бу ерда боғчадаги қўриқчидек кўп тура олмаймиз!..

– Эй, сизлар! Охирги марта айтаяпман! Чикинлар ёки биз каретани болта билан чолиб ташлаймиз! – пишкирди биринчи қароқчи.

Бирдан каттакон от миниб олган яна биттаси етиб келди.

– Йўл беринглар! – бақирди у. – Йўл беринглар! Йўл беринглар, аблахлар ёки ҳозир ҳаммангизни ичак-човоғингизни ёриб ташлайман! Орқага! Йўқолинглар бу ердан!

– Мана, ниҳоят Клаас ҳам етиб келди! Мана у, «халоскор»! Майли, кетдик, комедия тамом!

Отлиқни кўрган қароқчилар чиндан ҳам даҳшатга тушишди ва шоша-пиша қуюқ чакалакзор ичида кўздан йўқолишди. Бу пайтда от пойгасидан кейин бўладигандек хансираб нафас олаётган бур отидан сакраб ерга тушиб ундан кўрқиб кетиб орқа оёқларида тик турган отлар томонга қараб югурди.

– Лекин йигитларим ёмон ишлашмабди, – ўзига ўзи деди у. – Кучерни ўлдиришибди. Ўзига ёмон. Аравакаш-ни ҳам ўлдиришибди! Бу бекор бўлибди. Энди мен каретада қизнинг ёнида ўтириб кетиш ўрнига отларни ўзим бошқариб кетишим керак бўлади. Майли, кейин етказиб оламан. Бироқ, бу нима! У тентаклар менинг буйруқларимни ўта бажариб юборишмадими? Қария худди уни сўйишаётгандек бақариши керак эди, мен эса ҳеч нарса эшитмаяпман! Аёл, албатта ҳушсиз ётган бўлса керак. Қани, ичкарида нима бўлаётганини кўрайлик-чи!

У ўлган отнинг шатак қайишларини кесиб олиб, қолган отларни нарига олиб кетди. Уларни дарахтга боғлаб қўйиб, карета ичига кирди.

Бу ер қоп-қоронғи эди. Бур қўллари билан пайпаслай бошлади ва қанчалик орсизлигига қарамай, қўлида ёпишқоқ нарсани сезиб, бадани титраб кетди.

– Қон! – хитоб қилди у.

Ҳаракатсиз ётган танани кўтариб каретадан олиб чиқиш ва ерга қуйиш унинг учун бир сониялик иш эди. Шомнинг охириги нурларида у ҳушсиз ётган мистер Смитсонни таниди. Унинг кўкисида қизил доғ бор эди.

– Қиз-чи? Агар уни ўлдириб қўйишган бўлса, уларнинг ҳолига вой!

– Ота! Ота, каердасан?

Каретанинг ичкарасида оқ жусса кўринди. Анна чиқишга ҳаракат қилаётган эди. Унинг кўзлари даҳшатдан олайиб кетган эди! Шу пайт бур бошини кўтарар экан, Анна уни кўриб, қотиб қолди.

– Клаас! – пичирлади у. – Клаас!

– Сизнинг содиқ қулингиз, хоним! – унинг одатдаги кўполлигига ҳеч ёпишмаган ҳаяжон билан деди йигит. – Ҳеч нарсадан кўркманг. Сизларга ёпирилган қароқчилар қочиб кетишибди. Бахтга қарши, мен жуда кеч келиб қолдим.

– Отамга нима қилдингиз?

– У шу ерда. Яраланган... Оғир эмас деб умид қиламан... Ҳозир унга қарайман. Бу борада ниманидир тушунаман...

Янги ғамдан адо бўлган, қутилмаганда бу бурнинг пайдо бўлиб қолганидан ҳайрон қолган Анна унга сесканиб қараб турарди. Бу найнов эса ўзига ҳос бўлмаган назокат билан ярадорга қарай бошлади.

– Бечора жентелменнинг аҳволи оғир, – бошини тебратиб, деди у. – Ўк шундай юрагига тегибди...

– Бироқ у яшайди. а? У яшайди, деб айтинг!

– Билмадим. Умид қиламан. Бироқ уни тезда лагерга етказиб олиб бориш керак, у ёғини кейин кўрамиз. Хоним, илтимос, каретага чикинг. Мен жентелмени ёнингизга жойлаштираман ва жўнаб кетамиз.

Клаас гапида турди. Тўрт соатлик юришдан сўнг карета Пемпин – краал девори олдида тўхтади.

Сайёҳатчиларимиз, одатда кўрикчи итлар бегоналарни кутиб оладиган вовуллашлар ўрнига, молларнинг ҳар

хил товушда маърашлари ўрнига, одам товушлари ўрнига бу ерда ўлик жимликка дуч келишди. Девор баъзи жойлари ағанаб тушган, кулбалар вайрон қилиниб, ёкиб ташланган, ҳаммаёқда ой нури зўрға ёритиб турган синган бўлақлар — хуллас бу ердаги ҳамма нарса «станция»да бахтга қарши бу ерларда тез-тез бўлиб турадиган фалокат содир бўлганини айтиб турарди.

Бу даҳшатли манзарани кўрган де Вильрож хонимнинг юраги тортишиб кетди. Нахотки отаси энди ҳеч қандай ёрдам ола олмай ўлиб кетаверади? Ҳатто, бу ерда отларини алмаштириб олишга умид қилган ва ушланиб қолиш режасига кирмаган бур ҳам энди безовталигини яшира олмаётган эди.

У атрофида йигирматадан кам бўлмаган хўкизлар хотиржам ётган баҳайбат фургонни кўрганда кувончдан бақириб юборди. Ташлаб кетилган лагерь бошқа ўтқинчилар учун бошпана бўлиб хизмат қилаётган экан, балки улар бирор ёрдам бериша олар.

— У ерда ким бор? — кучли малай акценти билан хитоб қилди найза билан қуроқланган одам — афтидан, хайдовчи шекилли.

— Хўжайинингга айтгинки, яраланган жентелмен ва ёш аёл тез ёрдамга муҳтож.

— Менинг хўжайиним йўқ.

— Бу ерда нима қилаяпсан?

— Мен бекамни Кейптаунга кузатиб кетаяпман. У олмос далаларидан қайтиб келаяпти.

— Тўнка! Хўжайининг борми ёки бекангми — менга фарқи нима! Бекангга бориб айт!

— Яхши. Кетаяпман.

Ғилдирак устидаги уйда чироқ ёниб, кираверишда келишган аёл кўринди.

— Ким бўлсангиз ҳам ўлим тўшагида ётган одамга ёрдам беришдан бош тортманг, — заиф овоз билан аёлга мурожаат қилди Анна. — Жон бераётган отасига ачинишингизни сўраётган қизнинг оҳига кулоқ тутинг, илтимос қиламан.

– Марҳамат, ичкарига кириб, жойлашинглар, – оддийгина қилиб деди нотаниш аёл.

Клаас бечора миссионерни худди ёш бола каби қўлида кўтариб фургонга чиқиб, уни бордон устига қўйди.

Нотаниш аёлнинг юзида чуқур ачиниш ифодаси пайдо бўлди. У қўлларини йиғлаётган де Вильрож хонимга чўзиб кучоғини очди ва уни кўкрагига босди.

– Хоним, афсус, – деди у, – бизни тўқнаштирган тақдир икки баравар даҳшатли – сизнинг отангизни кароқчилар ярадор қилишибди, менинг отамни эса уч ҳафта бурун Нельсонс-Фонтейнда деярли кўзимнинг олдида ўлдириб кетишди.

Бу сўзларни эшитган Клаас сесканиб кетди ва фургоннинг эгасини янада диққат билан кузата бошлади. Ўзининг қанчалик сурбетлигига қарамай, бу мараз титраб кетганди. У ҳозир яқинда Нельсонс-Фонтейнда ўзи тунаган фургонга тушиб қолган ва ҳатто пичоқ тиккан савдогари қайси бурчакка ағанагани ҳам ёдида эди.

– Ахир бу ўша чолнинг қизи-ку! – пичирлади у, бироқ тезла ўзини ўнглаб олди. – Жин урсин, у бу ерда нима қиляпти? Мана буни учрашув деса бўлади!..

– Бечорагинам менинг! – деди аёлнинг ҳамдардлигидан таъсирланиб кетган Анна. – Ва сиз энди бошингиз оққан томонга кетаяпсизми?

– Мен Кейптаунга қайтиб кетаяпман. Ишламоқчиман. Яшаш учун пул топмоқчиман... Бироқ сиз...

У «Сиз ҳам яқинда етим бўлиб қоласиз» демоқчи эди – чунки мистер Смитсон ҳали ҳам ўзига келмаган эди. У зўрга нафас олар, лаблари конли сўпик билан қопланган эди. Унинг катта очилган қотиб қолган кўзлари ҳеч нарсани кўрмас, ёноқлари ичига ботиб кетган эди. У жон талвасасида эди.

Талваса узок эмас, бироқ азобли бўлди. Сўнгра охириги талваса бўлиб, қария қўлларини кўкрагига қўйиб, турмоқчи бўлди ва йикилиб, жон берди.

Ёш аёлнинг қайғусини тасвирлашнинг иложи йўк: у эри ҳам оғир яраланган, балки вафот ҳам этгандир, деб ҳисобларди. Шундай қилиб, у оталар ичида энг яхши бўлган отаси билан бирга ҳаётидаги ягона суянчиги бўлган кимсани ҳам йўқотди.

Клаас ёввойи одам эди. У фургон ўртасида бу қайғу саҳнасига тентаклардек қараб турар ва худди айикка ўхшаб у оёғини бу оёғига алмаштириб Аннани овутиш учун қўполгина ҳаракат қилиб, бу билан қизни баттар қайғуга солиб, қўрқитиб юбораётган эди. Клаас ҳеч қандай пушаймонни ҳис қилмаётган эди. У ўзи ўлдирган икки қария ҳақида худди гап ўзи ўлдирган иккита антилопа ҳақида гап кетаётгандек ўйларди. Унинг назарида ейиш учун ҳайвонни ўлдириш ва унинг ишларига ҳалал бераётган одамни ўлдириш иккаласи бир хил нарса эди. Шунинг учун у миссионернинг жасади ерга қўйилиши ва ўз режасини амалга оширишни давом эттирадиган вақт келишини сабрсизлик билан кута бошлади. У инглизларнинг худудида экан; шошмасликка аҳд қилди ва тезроқ бу жойни ташлаб кетиш ҳақида ўйлай бошлади.

Тез орада фургон бекасининг ўзи унга бу имкониятни берди. Аннанинг Нельсонс-Фонтейнга, эрининг олдига кетаётганини билиб, у чин юракдан деди:

– Менинг исмим Эстер. Менинг оилам йўк ва бу дунёда якка ёлғизман. Менга опа бўлинг. Кейптаунга бораманми ёки олмос конига қайтиб бораманми, менга барибир. Фургонимда ҳамма нарса бемалол. Ахир бу бизнинг дўконимиз эди. У ерга сизни мен олиб бораман. Опажон, розимисиз?

Анна пичирлаганча зўрға миннатдорлик сўзларини айта олди. У кўз ёшларига эрк бериб, бу ажойиб қизнинг бағрига ўзини отди ва меҳр билан кучоқлаб олди.

«Яхши! – қўлларини ишқалаб, ўзига ўзи деди бур. – Фургонни мен бошқараман ва агар у конга борадиган бўлса, бўйним узилсин. У мен қаерга хоҳласам, ўша ерга боради. Аёллар эса буни сезишмайди ҳам. Тан олиш ке-

ракки, акамиз Питер жуда омадли. Мен хотин қидирган эдим, иккитасини топдик. Бўлишамиз. Питерга – жухуднинг қизи, менга эса – инглиз аёл. Корнелис эса шошмай турсин. Унинг башарасини револьвер безаб ташлаган. Демак, ҳаммаси яхши кетаяпти. Энди кафр кироллари-нинг хазинасини топниш қолади».

ИККИНЧИ ҚИСМ

КАФР ҚИРОЛЛАРИНИНГ ХАЗИНАСИ

БИРИНЧИ БОБ

Кондаги олишув. — Тарсаки билан мустаҳкамланган сўкишлар. — Ноодатий дуэль. — Револьверга қарши пичоқ. — Бир стакан сув учун бир стакан қон. — Сэм Смит. — Соф ҳолда топилган нархи эллик минг франкли, ёнғок катталлигидаги олмос. — Уч марта ўқ отиш ва учта оғир яра.

* * *

— Карай! Сиз маразсиз!

— Мен? Мен — маразман! Мен-а?

— Ҳа, сиз! Бўйингиз икки метр бўлиб ва гиппопотамга ўхшасангиз ҳам мен буни тўғри кўзингизга қараб айтаялман. Кучингиз ҳам ҳўкизникидан кам бўлмаса керак. Мен эса яна қайтараман, сиз — мараз одамсиз! Мараз! Мараз!

— Ахир мен сизни муштим билан бир ураман — ва бу дунёда йўқсиз!

— Қўлингиз калталиқ қилади!

— Пешонангиздан отиб ташлайман!..

— Қўлингиз калталиқ қилади!.. Сиз жуда қаттиқ бақираяпсиз. Мен сизнинг юзингизга қараб мараз деялман, сиз эса кўрkitиб бақираяпсиз. Муштумингизга ҳам, револьверингизга ҳам тупурдим, америкалик чўчка! Мараз ва манман! Агар ҳўрматли жентелменлардан бирортаси менга пичоғини бериб турса мен сизни Чикаго чўчкаси каби сўйиб ташлардим.

Бу сўзлар бошига ёғилаётган баҳайбат одам қутургудек бўлиб бақирганча уни сўкаётган бўйи беш фут ҳам бўлмаган одамнинг устига отилди ва бир қўли билан уни ушлаб, ёш боладек боши устига кўтарди ва қаерга отишни билмай, кўзлари билан жой қидира бошлади.

Бироқ кичкина одам кўркмас чикиб қолди. У душманининг ўйланиб қолган дақиқаларидан фойдаланиб унинг гоҳ у юзига, гоҳ бу юзига ура бошлади.

Шарак! Шарак! Иккита қаттиқ тарсаки худди бу ерда тарелка синдиришаётгандек, жаранглаб кетди ва бу ғалати манзарани кўриб турган одамлар ажабланиш ва ҳайратдан бақириб юборишди. Кичкина одам эса туширган тарсакисига қоникмади. У баҳайбат эркакнинг кўкрагига оёғини тираб туриб бор кучи билан итарди. Мастодонтнинг қўлида латта-путта қолди, унинг кичкина эгаси эса юлқиниб, снгил сакради ва ҳеч нарса қилмагандек оёғига туриб, кулганча, хитоб қилди:

– Карай! Баъзида чулдур-чулдур кийиниб олиш ҳам ёмон бўлмайди! Сиз нима дейсиз, жентелмен? Бироқ, балки сиз чинакамига ўйнамоқчидирсиз? У ҳолда менга пичок беришсин. Мен бу тентакнинг ҳамма ичакларини ташқарига сугуриб олиш мажбуриятини оламан. Жин урсин!.. Бу мараз ким билан тўкнаш келганини билмаяпти! Мен унга Барселонада тореадор бўлган одам билан талашиш қандай бўлишини кўрсатиб қўяман!

Атрофда кулги кўтарилиб, гап ота бошлашди:

– Бу француз ҳақ гапни айтаяпти!

– У француз эмас, у испан!

– Барибир, у довюрак йигит ва бежиз Дикнинг адабини бермади.

– Барибир ахлоқона иш бўлди. Дик каби жентелменларга тегиб бўлмайди!

– Унинг башарасига тушириш керак!..

– Йўқ, нега экан энди? Бу йигит – француз – қандини урсин!..

– Ҳеч ҳам-да! Дуэлга чикиб, қондаси билан отишишлари керак эди!

– Ахир мен ўзим шуни сўраяпман-ку, жин урсин! – гап ташлади нотаниш одам. – Наҳотки, мен бу беорнинг адабини берганим учун мени биров уришса? Бироқ, айтинг-чи ким кимни хафа қилди? Мен бу ерга чўнтагимда

бир пулсиз, заиф ҳолда келган эдим. Бироқ камбағаллик айб эмас, менимча? Менга стаканда сув беришаяпти, бу мараз эса стаканимни ағдариб, менинг юзимга қараб қулаяпти. Ва ҳаммасига сабаб унинг – шубҳасиз ўғирланган, олтини бор, менда эса ҳеч нарса йўқ! Жентелменлар, ахир истаганингиз хоҳлаганингиз маза қилиб унинг бошини ёрган бўлардингиз. Мен эса бошқача қилиб қасос оламан. Мен унинг қорнини ёриб, бир стакан қонини сизиб оламан. Мана шундай!

Бу сўзларни қарсақлар товуши босиб кетди ва ҳамма энди нима бўлиши тўғрисида гаров ўйнай бошлашди.

– Дуэль! Тўғри! Тўғри! Яшасин! Мен қўркмас французга ўйнаймаан!

– Дик учун юз фунт стерлинг!

– Қабул қилдим!

– Француз учун икки юз фунт!

– Дик ундан котлет ясайди!

– Бўлмаган гап! У Дикни чўчка қаби сўйиб ташлайди!

– Аллақачон шундай қилиш керак эди! Дик деганлари бу ерда ҳамманинг жонига теккан! У одам эмас, ҳайвон!

– Қаранглар, қаранглар, у револьверини қандай ўйнатаяпти! Болақай ўгирилишга ҳам улгурмайди, Дик унинг бошидан дарча очиб қўяди!

– Ҳеч ҳам-да! Биз бунга йўл қўймаймиз! Яккама-якка олишув бўлиши керак. Ҳалол олишув! Бизнинг қонда бундай қизиқ томошани ҳар куни ҳам кўравермаймиз. Агар Дик ютадиган бўлса, шу заҳотиёқ уни тошбўрон қиламиз.

Юзи оливоли рангидаги, бошига шляпа, калта куртка ва кенг шим кийиб олган қандайдир мексикалик олдинга чиқиб сигаретасини ташлади, ҳаммага кўрсатиб шляпасини ечди-да, французга қараб, деди:

– Кабальеро, менга илтифот қилиб сизнинг секундантингиз бўлишимга рухсат бермайсизми?

– Мен буни ўзим учун шараф деб ҳисоблайман ва миннатдорчилик билан қабул қиламан.

– Жаноблари пичоқ сўраган эдилар. Мана менинг буклама пичоғим. Кимнингдир ичак-човоғини ёриб ташлаш учун бундан яхшироқ нарса йўқ.

– Сиз жуда илтифотлисиз, жаноб. Миннатдорман, ка-
бальеро.

Ўзи совуқ, лекин чиройли сарик соқолли инглиз гап-
га аралашди.

– Фақат пичоқ билан қуролланган жентелмен қўли-
да револьвери бор мастер Дик билан дуэлда олиша ол-
майди. Мен бу иккала ҳурматли жанобларга боксда куч
синашишларини таклиф қиламан.

Ҳар томондан Дикни сиқиб кела бошлашди. У энди
ўзи нима хохлаётганини ҳам билмай қолди ва деди:

– Бокс, револьвер, пичоқ – менга барибир, мен уни
ўлдирсам бўлди.

– Менга келсак, – деди француз, – дуэль қондаси
бўйича қурол танлаш ҳуқуқи менга тегишли, чунки мен-
га алам ўтказилган ва мен пичоқни танлайман. Сиз эса
хоҳлаганингизни танланг. Менга барибир, мен сиздан
бир стакан қизил винонгиздан сизиб олсам бўлди. Шош-
манг, менга бир фикр келди. Жентелменлар, маза қилиш-
ни истайсизларми?

– Албатта, истаймиз! Шунинг учун келганмиз!

– У ҳолда, мана мен нима таклиф қиламан. Биз рақиб-
лар бир-биримиздан йигирма беш қадам нарида тура-
миз ва яқинлашмаймиз. У отаверсин, мен эса пичоқ ишлата-
ман.

Ўз пичоғини таклиф қилган мексикаликки-
на ниманидир тушунадиган одамдек маъноли қилиб кулиб қўйди.
Бироқ французга тикканларнинг юзлари ўзгарди.

Француз эса баланд овозда деди:

– Жентелменлар, мен ҳозир сизларга ҳеч қачон кўр-
маганингиз бир нарсани кўрсатаман. Мен ўз қуролимни
ишга солишдан олдин бу одамга менга уч марта отиш
ҳуқуқини бераман. Унга учта ўқ совға қиламан. Биттаси,
мен француз бўлганим учун; иккинчиси – у маст бўлгани

учун; учинчиси – у қўрқаётгани учун. Хотиржам бўлаверинглар: у теккиза олмайди. Менга келсак, мен пичокни тўппа-тўғри унинг томоғига, очик турган ёқасининг четига тикаман. Ва буни ўрнимдан кимирламай туриб қиламан. Қачон бошлаймиз, жентелменлар? Мен тайёрман.

Бу охириги сўзлар йиғилганларни бутунлай ром этди. Улар дунёнинг ҳамма тилларида ўз қўллаб-қувватлашларини билдиришди. Хотиржамлиги америкаликнинг қони қайнаётганики бўртгириб кўрсатаётган довиюрак йигит қахрамон даражасига чиқиб қолганди.

– Яна бир гап! – давом этди у. – Сизлар мистер Дик деб атаётган шахс менга ота туриб хато кетади ва кўп идиш-товокларни синдиради. Шунинг учун ундан гаров эвазига маълум бир суммани талаб қилиш керак ёки мен буфетнинг олдида турмаслигим керак, чунки бу жойнинг эгаси етказилган зарарни коплаб беришни сўраб қолиши мумкин. Бироқ мистер Дик жон бергандан кейин буни ким тўлайди? Мен сизларни огохлантириб қўйдим: менда бир чақа ҳам йўқ.

Кўз кўриб кулок эшитмаган ўзини бундай тута олиш ҳаммани ҳайратга солганди. Ҳамма кичкириб, оёқларини тапиллатди. Уч марта «ура»лаб кичкиришди ва секундантлар қадамлаб масофани ўлчай бошлашди.

Бу ерда тўпланган европаликларнинг кўпчилиги инглиз ва немислар эди; кадрдон ерларидан камбағаллик ҳайдаб келган ирландияликлар ва бир нечта бельгияликлар эди. Эчкисоқол америкаликлар ҳам бор эди, мексикаликлар, Венесуэла ва Аргентинадан келганлар, юзлари сариқ, узун сочлари тугун қилиб боғланган хитойлар ҳам бор эди. Замбези бассейнига уларни бу ерларда яқинда бўлиб кетган одамларнинг ҳикоялари келтирган эди. Бу ҳикоялар Гринвич бўйича 25.41° шарқий узунлик ва 17.41° жанубий кенглик орасидаги Виктория шаршарасидан бошланадиган бой сочма конлар ҳақида эди. Айтишларича, олмос ва олтинлар у ерларда кўплаб учрар ва қидирувчилар у ерларга кам боришар экан. Ҳамма томондан

одамларнинг югуриб келишлари учун шунинг ўзи етарли эди. Улар мингтадан кам эмас. Улар ерни қазийдилар — ҳозирча муваффақиятсиз — ва ўзларини юлатиш учун охирги пулларини ҳар хил ўтқир ичкиликларга сарф қилишади.

Бугун қонда ишлашмаётган эди. Бу худосизлар дам олиш куни тўғрисидаги қонунга қатъий амал қиладилар. Ҳамма тушунадиган дин нуқтаи назаридан эмас, балки кимор ўйинлари ўйнаш ва иложи борида кўпроқ ва ҳатто иложи борида ҳам кўпроқ ичкилик ичиш учун бу одатга амал қиладилар.

Хуллас, нима бўлганда ҳам бўлғуси шаҳарнинг бош қурилиши бўлган беш бурчакли чодир одамга тўла эди. Англосакслар жуда яхши кўрадиган ҳар хил аптека дори-дармонлари наркотик ва одекалон хидлари билан кўшилиб ғалати хид таратаётганди. Кўкиш рандаги шампанское солинган шишалар оғзидан отилаётган тикинларнинг шовқини эшитилар; бўялмаган дарахтдан ясалган столлар устида вино кўлмак бўлиб ётар; ҳатто органик химия тушуна олиши амримаҳол бўлган ичкиликнинг ҳар хил турлари хид таратиб ёниб турар ва булар ҳаммаси энди оддий ичимликларга мослаша олмайдиган пиёнисталарни хурсанд қиларди.

Ҳозиргина тасвирланган ва шубҳасиз ўлимга олиб келадиган жанжал ҳам ана шу ҳавфли ичимликларни кўп ичилганининг натижаси эди...

Жанжалнинг сабаби, кўриб ўтганимиздек, арзимаган нарса эди: шунчаки бу ерга келганларнинг бири, балки тасодифандир, биринчи марта кўриб тургани бошқа бировнинг стакандаги сувини тўкиб юборибди. Бироқ бу каби ҳар хил одамлардан иборат компанияларда, одатда ҳамма ҳаяжонда бўлади, истаган ишини қилиши мумкин, энг арзимаган нарса катта бир ҳодисага айланиб кетиши мумкин.

Бундан ташқари, бу пиёниста — америкалик. Ўзлари ҳақида ўзларини «ярим тимсоҳ, ярим от» деб атайдиган

янкиларнинг қўпполлиги ва безлигини билган ҳар бир одам ана шу арзимаган ҳодисанинг катталашиб, жанжалга айланиб кетганига ҳеч ҳам ажабланмайди. Америкаликнинг ўрнида бошқа биров кечирим сўраган бўларди. Бирок америкалик факат кулиб қўйди. У чайнайдиган тамакисини жаглари орасига олиб, пишқирганча нотаниш одамнинг шундоқ оёғига қоп-қора тупугини тупурди. Гўёки, бу факат сув ичадиган бечора яна нимаси! –дегандек. Бунинг устига бўйи ҳам бир қарич, огирлиги ҳам эллик кило ҳам чикмаса керак! Агар бундай габаритдаги одамнинг камида юз минг доллари бўлмаса, унинг баҳоси нуль, нулдан паст, у кана, бир уриб қутулиш керак бўлган ёпишқоқ ҳашарот.

Аввалига ҳамма шундай деб ўйлаётган эди. Бирок бу ҳашарот қаршилиқ қилаяпти, кучини ва кадр-кимматини кўрсатаёпти. Рақибини ҳақорат қилаяпти, устидан кулаяпти ва баларасига солаяпти. Ва ниҳоят, у бу баҳайбат хайвонни ўлдирмоқчи ва унга яккама-якка олишувнинг шундай шартларини тақлиф қилаяптики, ҳамма, факат у доим саҳийлик билан меҳмон қилгани учун америкаликка содиқ бўлган бир нечта одамдан ташқари ҳамма бу ҳашаротга ҳурмат билан қараяпти.

Кичкина французнинг тарафдорлари тинмай унга ичкилик, закуска ташишяпти, уни қўллаб қувватлашга ҳаракат қилишяпти; улар йигитнинг америкаликка қарши тура олишини исташяпти, улар гаровда ютказиб қўйишларидан кўрқишяпти. Йигит эса ҳурмат билан уларга миннатдорчилик билдираяпти, бирок уларнинг нарсаларини қабул қилмаяпти. У фақат мекискаликнинг сигаретасини олиб, чуқур тортаяпти ва чодир ичида девор бўйлаб арқон тортаётган – томошабинлар арқон ортида туришади, – ушбу жойнинг эгасига совуқ назар билан қараб турибди.

Америкалик катта очилган оғзига прог қуяр экан, дуэлга тайёргарлик кетар экан, жанжал натижасида узилган суҳбат давом этарди:

– Сэм Смит шу ерда эканлигини биласизми? – ранги ибодатхона дарвозасининг бронза рангига ўхшаб кетадиган аргентиналикдан сўради йиртиқ-ямоқ кийинган ирландиялик.

Бу шивирлаб ваҳима билан айтилган ном қизиқиш ва ажабланиш уйғотди.

– Сэм Смит?..

– Ҳа ўша, дўстим! Қароқчиларнинг императори, шубҳали дунёнинг монархи, биз бирор қизиқ нарса топиб олганимизда тортиб оладиган аблахларнинг буюк сардори.

– Жим! Жим бўлинг! Сэм ҳақида бундай гапларни гапириш хавфли – унинг мингта қулоғи бор!

– Сиз уни кўрдингизми? У шу ердалигини қаердан биласиз?

– Худойим-ей, ахир у бирор иш чиқариш мумкин бўлган жойда ҳозируюнзирку. У Нью-Рашни тозаллади, кейин Олд-де Бирсдан ўлжа олиб кетаётган дилижансни тўхтатди, уни кейин Нельсонс-Фонтейнда кўришган. У ерда қандайдир савдогарни сўйиб кетибди, дейишади.

– Жентелмен, аниқроқ айтиб беринг.

– Ҳозир. Аввал дуэлни томоша қилиб олайлик.

Шундан сўнг қизиқиб кетаётган белгиялик гапга қўшилди:

– Мессье, унинг шериклари ким эканини биласанми? Анави учта бур, дейишади.

– Валлдан бўлган колонистлар – Клаас, Корнелис ва Питерларми?

– Ўшалар.

– Янглишаяписиз. Сэм Смит одатда бир ўзи ишлайди. Тўғри, ёрдамчилари бор. Улар хожаларига жуда содиқ ва у вақти-вақти билан уларга суяк ташлаб туради...

– Уни ҳақиқий жентелмен дейишади...

– У лордлардек саҳий.

– У филдек кучли.

– У судхўрдек қизганчик.

– Хуллас у ҳаммадан ёмон ва ҳаммадан яхши!

– У қаерлик? У ким?

– У ҳақида ғалати нарсаларни гапиришади. Гўёки у Австралиядаги кароқчилар тўдасининг сардори бўлган экан. Беш юзтадан ортиқ одами бўлиб у Худодан ҳам шайтондан ҳам қўркмас экан. Улар ҳалдан ортиқ бой бўлишган экан. Генерал-губернатор лорд ўзининг бутун бойлиги билан уларнинг олдида камбағал экан. Бироқ, бахтга қарши, уларнинг ишлари орқага кета бошлабди.

– Бахтга қарши, дедингизми?

– Мен яқинларини шилиш санъати нуктаи назаридан келиб чиқиб айтаяпман. Сэм у шуғулланадиган тармоқда ишсизлик юзага келиб қолишини мумкинлигини кўрибди. Шунда у Жанубий Африкага келиб олмос ва олтин конларида қазиниш усули устида ишлашга қарор қилибди.

– Бироқ у ҳақида бундай гапларни гапириш учун сиз уни яхши танишингиз керак?

– Мен уни икки марта шундай шароитда кўрганманки, буни тез орада эсдан чиқара олмасам керак.

– Илтимос, айтиб беринг.

– Агар бу сизни қизиқтирса, бажонидил айтиб бераман. Бироқ дуэл бошланганда сиз мени огоҳлантириб қўясиз. Мен французга тикдим. Агар у ютса мен сизни грог билан меҳмон қиламан. Қовоқхонамизнинг хўжайини бундай грогни биз Замбезида кум юва бошлаганимиздан бери ҳали тайёрламаган.

– Баракалла! Сиз ҳақиқий жентелмен экансиз!

– Мен Сэмни биринчи марта уч ҳафта бурун кўрган эдим.

– Иккинчи мартачи?

– Кеча эрталаб.

– Қаерда?

– Бу ердан икки милча нарида. Бироқ мен сизни огоҳлантириб қўяй: агар сиз гапимни бўлаверсангиз, мен сизнинг қизиқишингизни кондира олмайман. Сабр қилинг. Менинг айтмоқчи бўлган гапимни икки оғиз сўз

билан айтса бўлади. Мен Виктория шаршарасидан қайтиб келаётгандим: у ерга қоялардаги жойларни текшириш учун борган эдим. У ерда олтин бор. Чарчаганимдан оёғимни зўрга кўтариб келаётгандим, бироқ хурсанд эдим, чунки барибир нимадир топган эдим. Белимда анчагина олтин бор эди ва бундан ташқари, сумкамда катталиги иккита муштумдек келадиган соф ҳолдаги олтин ҳам бор эди.

– Зўр-ку! Ундай ёнғоқнинг оғирлиги ўн икки килоларга боради.

– Ўн олти деяверинг, дўстим. Тоза олтин. Францияда бундай олтиннинг грами уч франк. Менинг ёнғоғимнинг нархи эллик минг франк эди...

– Арра! – хитоб қилди ирландиялик. – Бунинг учун бир умр ичса арзийди.

– Хуллас бугалар орқасидан кимдир менга кескин оҳангда тўхташни буюрганда мен ўзимча қўшиқ айтиб кетиб бораётган эдим. Албатта, тўхташни хаёлимга ҳам келтирмадим. Фақат револьверимни қўлимда маҳкам сиқиб, қадамимни тезлашгирдим. Бирдан ўқ товуши янгради. Револьвер ушлаган қўлимда кучли оғриқ сезиб, револьверни тушириб юбордим. Уни ўқ тешиб ўтганди. Шу пайт чакалакзор орасидан яхши кийинган дароз одам чиқиб келиб, шундоқ менинг олдимга туриб олди, қўлида иккистволли карабини бор бўлиб, ўнг томондаги стволдан ҳали ҳам тутун чиқиб турганди. Аблах, менга қараб думалагудек кулаяпти. Яна менга шундай қараяптики, титраб кетдим. «Қайсар, – дейди у. – Агар менга кулок солиб тўхтаганингизда ва мен билан разведкангизнинг натижаларини бўлишганингизда револьверингиз ҳозир ёнингизда бўларди. Бундан ташқари, олтинингизнинг ярми ўзингизда қолган бўларди. Ҳозир эса энди чўнтақларингизни бўшатишга тўғри келади».

– Сиз қаршилиқ қилмадингизми?

– Қаршилиқ қилиш? У карабинидан калламга отиб, ҳозир мени сизга бу ҳикояни айтиб бериш завқидан мосу-

во қилган бўларди. Мен дарров унинг гапларига бўйсундим, чунки у жентелмен шошилаётган эди. У менга яна иржайиб туриб деди: «Яхши, дўстим! Кейинги сафар Сэм Смитни учратганингизда ёдингиздан чикмасин: унинг хар бир хохиши буйруқ билан тенг!» Мен эса ундан хайқдим, ишонинг, кўрқиб кетдим ва унга дедим: «Жаноб, ишонинг, мен кимлигингизни танимадим». У эса бақира кетди: «Қанақасига? Наҳотки, бу ерда кимдир менга ўхшамокчи бўлса? Менинг рухсатимсиз кимдир бу ердаги конлардан солиқ олаяптими? Битта мен, буни яхшилаб эслаб қол: битта мен ва ёлғиз мен полициянгизга ва Линч судингизга тупураман. Агар менинг ракибим бўлса, кўркмасдан менга айт ва қасам ичаманки, мен ўзим уни Линч суди билан жазолайман». Мен эса «Йўқ, жаноб! Шунчаки мен сиз бошқа бирор ерда банд бўлсангиз керак, деб ўйлагандим» дедим.

Шунда у яна каттикроқ кулди, менинг ёнимдаги ҳамма нарсамни тортиб олиб, ерга бирозгина олтинли қум ташлади ва хуштак чалиб отини чақирди. Бир сакраб эгарга ўтириб, отини никтади. Хайрашаётиб, менга деди:

«Энди мен сени биламан. Олти ойгача сенга ҳеч ким тегмайди. Манави майдани кўғариб ол – кўнгилчан бўлганим учун сенга қолдираяпман. Кейинги сафар мен билан бўлишишинг кераклигини эслаб қол» Шу гаплар билан у кўздан ғойиб бўлди, мен эса жойимда аҳмоқ бўлиб, қоним қайнаганча қолавердим.

– Қони қайнаса бўладиган нарса экан!

– Довюррак йигит, гап йўқ!

– Иблис! Иблиснинг ўзи! Сиз ҳам ҳали унга дуч келасиз.

– Кўрамиз. Кейин нима бўлди. Иккинчи учрашув тўғрисида гапириб беринг.

Ҳикоячи худди бу ёкимсиз учрашув тўғрисидаги хотирани ҳайдамоқчи бўлгандек ўзига анчагина спиртли ичимлик қуйиб олдида, гапида давом этди:

– Мен сизга ҳали айтиб ўтганимдек, иккинчи учра-

шув кеча эрталаб шаршарадан икки километр нарида бўлиб ўтди. Мен янги разведкадан қайтиб келаётган эдим. Бу сафар олдинги галчалик омадли бўлмади. Чўнтагимда бир грамм ҳам олтин йўқ эди, овқат захираларим ҳам аллақачон тугаганди. Очликдан қийналиб, оёғимни зўрға босиб келаётган эдим. Шунда йиқилиб, назаримда одам оёғи тегмаган жарга сирпаниб кетдим. Шунчалик қаттиқ йиқилдимки, ҳушимни йўқотдим ва хаёлан конлар билан ҳам, омадим келганда ўзимга ўзим қиладиган зиёфатлар билан ҳам хайрлашдим. Ва бирдан совуқни ҳис қилиб ўзимга келдим. Кўзимни очдим ва худди туман ичра менга қараб турган баланд бўйли жентелменни кўрдим. У ишшайиб турарди. Қалин ўсиб кетган соқоли бутун юзини тутиб кетган эди. У пешонамга яқин орадаги қўлмақдан ҳўллаб келган латтани босиб, бутун баданимни қаттиқ-қаттиқ ишқалади.

«Қалай, қария? – деди у. – Мен шу яқин орада булдуруқларни овлаб юрганим сизнинг бахтингиз. Бўлмаса, ана уни қаранг, қанча калхат юрибди. Сизни тириклайин чўкиб ташлашарди».

Мен мингирлаб унга миннатдорчилик билдирдим ва у менга тутган кап-бренди флягасига лабимни босдим. Шунда у яна қувноқлик билан деди:

«Мана бу сут сизни тетиклаштиради! Энди конгача етиб ола оласиз. Бугун кечкурун овқатланиш учун пулингиз борми?!»

«Бир шиллингим ҳам йўқ, жаноб!» – дедим мен.

У эса деди:

«Ҳечқиси йўқ, ғам еманг. Менда пул бор. Мана буни олиб, менинг сеглигим учун ичинг»,

Шунда у патронташидан кичкина чарм халтача чиқариб ундан катталиги ёнғоқдек олмос олди ва менинг қўлимга тутказди. Сўнгра милтигини олиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Мен унга миннатдорчилик билдиришга ҳам улгурмадим.

– Олмос-чи? – ҳар томондан бакира бошлашди.

– Ахир ҳозир ўша олмосга ичаяпмиз, жентелменлар!

– Ва бу яна ўша Сэм Смит эдими? Шундайми?

Баланд «ура» товуши жавобни эшитишга ҳалал берди. Дуэлянтлар ўз ўринларини эгаллашган эди. Уларнинг орасини секундантлар яхшилаб ўлчаб чиққан йигирма беш метр ажратиб турарди.

Шу пайт чодирга янги мижоз кириб келди. Бу ўрта бўйли одам эди. Унинг кийимлари йиртилиб кетган, юзида яқиндагина бошидан кечирган қийинчиликларнинг изи бор эди. Нотаниш одам бўшаган стуллардан бирига ўтирди, тирсагини вино тўкилган стол устига қўйиб, бошини кўллари орасига олди ва чарчов ёки касаллик сабаб кимирлай олмаётгандек, турган жойида қотиб қолди. Бироқ дуэлнинг бошланишида шундай шовқин бўлаётган эдики, унинг пайдо бўлганини ҳеч ким сезмай қолди.

Америкалик Дик бир неча томчи новшадил ичиб олган бўлиб, бу уни ўзига келтирган эди. У энди ўзининг жойини эгаллаб, револьверини қараб чиқди ва сигнални кута бошлади. Нариги томонда эса кўлида буклама пичоқ билан кўркмас француз турарди.

Хонага жимлик чўккан, бир нечта таъсирчан томошабинларнинг нафас олишигача эшитилаётган эди.

– Бошлайсизми? – ўтқир томонини тирсаги томонга қилиб узун пичоғини қўлига ёни билан қўйиб, совуққина қилиб сўради француз.

– Яхши! – деди америкалик.

Секундантлар тезгина четга ўтишди. Улардан бири интервалларни бир хил қилиб, уч марта чапак чалди.

Дик револьверини кўтариб, ўқ узди. Шу заҳоти синган идишнинг жаранги ва французнинг қувноқ қулгиси эшитилди.

– Мўлжални бир фут баланд олдингиз, мастер Дик! – истехзо билан деди у. – Ўқингиз шишага тегди.

Ҳаммаёқдан «баракалла» ва «жим бўлинглар» деган овозлар эшитилди. Дик чуқур хўрсиниб, яхшилаб мўлжалга олди ва иккинчи марта тепкини босди. Тутун

тарқалгач рўпарасидаги рақибининг олдингидан ҳам баттар кулиб турганини кўриб, унинг ранги оқариб кетди.

– Бунақа қилишда сиз ҳамма нарсани синдирасизку... Менинг калламдан ташқари, албатта. Мана ҳозирнинг ўзида тешик қилганингиз менинг шляпамдан ташқари йигирма долларлик нарса жамғардингиз. Бироқ бу муҳим эмас. Битта тешик кам, битта ортик -- нима фарқи бор? Бироқ, эҳтиёт бўлинг, биттагина отишингиз қолди. Менинг пичоғим эса нинадек ўткир.

Стел олдида бошини қўллари орасига олиб ўтирган одам бу истехзоли товушни эшитиб, сесканиб кетди.

Америкаликнинг юзи бўздек оқариб кетган, бўйнидаги томирлари бўртиб, арқонга ўхшаб қолган эди. У қаттиқ сўкинди, оғзидаги тамакисини туфлаб ташлади ва оёқларини икки марта қаттиқ тапиллатди. Ўзини қўлга олиш учун бор кучини сарфлаб, револьверини пастга туширди, сўнгра секин пастдан юқорига қараб мўлжалга ола бошлади. Буларнинг ҳаммасини у аниқ мўлжалга олиш ва рақибини баттарроқ хавотирга солиш учун секинлик билан қилди. Унинг қўли бир сония қотиб қолди, сўнгра тепки пастга туша туриб, ўқ овози янгради. Француз бўкириб юборди, кескин ҳаракат қилиб, йиқилди ва кўпчилик у ўлар ҳолатда яраланди, деб ўйлади; сўнгра чакмоқ чақиб, қаттиқ хуштак товуши эшитилди.

Америкаликнинг томоғидан худди айиқнинг бўғзидан чиқадигандек бўкириш эшитилди. Қўлларини юқорига кўтарганча у ҳаммаёғи қон бўлиб, ерпарчин бўлиб йиқилди ва тириша бошлади. Рақибининг қилг этиб титрамаган қўли билан отилган буклама пичоқ унинг томоғига тегиб, тешиб ўтган эди.

Бу қонли яккама -- якка олишувнинг голиби ўрнидан гурди ва гурур билан америкаликнинг ўқи унинг бошида қолдирган шилинишни ҳамма кўришига қўйиб берди.

– Борди-ю шундай бўладиган бўлса деганларидек, – агар мастер Дик мўлжални бир сантиметр паст олган бўлганда ҳозир мен туёқларим осмонда бўлиб ётган

бўлардим. Бироқ мен бир тутам сочимнигина йўқотдим ва шилиниш билан кутулиб қолдим.

«Ура» товушлари янгради. Бир қанча вақт қотиб қолган одамлар хурсандчиликни бошлаб юборишди. Довюрак французни кучоклаб, табриклашди, ҳагте гаровда ютқизганлар ҳам уни ўпиб қўйишди. Бироқ ақлдан озган оломон уни бошлари узра баланд кўтаришганда у, афтидан ўз кўзларига ишонмай унга қараб қотиб қолган янги келган одамни кўриб қолди.

– Месье Альбер! – хитоб қилди француз. – Месье Альбер! Бу сизмисиз?

– Жозеф! Менинг ажойиб Жозефим! – ўрнидан зўрга тураётиб, пичирлади нариги йигит.

Бироқ бу кутилмаган драматик саҳна кўринишига яна биттаси қўшилди. Чодирнинг эшиги очилиб, оқ шлем кийиб, елкасига карабинини ташлаб олган баланд бўйли йигит шахдам қадамлар билан кириб келди. У худди алахлаётгандек турган оломонга қизиқиш билан қарай бошлади.

Учта овоз бир пайтда жаранглади. Биттаси Жозефнинг оғзидан чиқди, иккинчиси Альбер де Вильрожни ки эди, учинчиси эса оломон орасидан чиқди.

– Александр?

– Месье Александр?

– Сэм Смит! Шахсан ўзи!

ИККИНЧИ БОБ

Қойилмаком зарба. — Уч дўст. — Яна бирга — Хавфли тушунмовчилик. — Ифлос айблов. — Альбер де Вильержнинг кўриниши иккита ифлосга ёмон таъсир қилади. — Қуршовда. — Баррикадага! — Полотнодан қилинган уйнинг бомбардировка қилиниши. — Омадли ҳимоя. — Ёриб ўтиш. — Орқага чекиниш. — Лагерда. — Ҳарбий ҳаракаларнинг давом эттирилиши. — Александр гап орасида дўстларига уч юз мингта олмоси борлигини эълон қилади.

* * *

Дикнинг жасадини оёқ-қўлидан кўтариб чодир орқасидаги харобазорга чиқариб ташлашганда шовқин ҳали босилмаган эди.

Бу орада мексикалик хотиржамлик билан пичоғини ҳали ҳам қон отилиб ётган кўркинчли яранинг ичидан сугуриб олди, уни артди ва хайрат билан бошини чайқаб, деди:

— Қойилмаком зарба! Қандай гўзал! Бу кабальеро — эпчил йигит экан ва мен унинг секунданти бўлганимдан фахрланаман.

Шу дақиқада кириб келган одам қон тегиб кетмаслиги учун ўзини четга олиб кочди.

— Бу нимаси? — жарагдор овозда сўради у. — Бу ерда бировни ўлдиришаяптими?

— Ҳа, сенъор, — чакқонлик билан жавоб берди мексикалик. — Бу ерда ўлдиришаяпти, бироқ виждонан. Ажойиб дуэль! Кеч келганингиздан афсуслансангиз арзийди...

Ўқувчи аллақачон Жозефни таниган бўлса керак. Ғалабаси уни юқорига олиб чиқиб, қандайдир бақувват, бироқ маст бўлган олмос кидирувчининг елкасига ўтказиб қўйди. Чарчаб кетган сайёҳатчида у ўзининг эмикдош акаси Альбер де Вильержни таниб қолди, ҳозиргина ки-

риб келган одам эса Александр Шони эканлигини кўриб, дўстлари билан тезроқ кучоқлашиб кўришиш учун, у бор кучи билан атрофидагилардан қутулмоқчи бўлди. Бу билан у оломоннинг диққатини ўзига тортди. Бу диққатга қизиқиш кўшилиб кетди, кейин эса даҳшат кўшилди, чунки кимнингдир ҳитоби эшитилди:

– Сэм Смит!

Буни аввалига тунаб кетилган, уч ҳафтадан сўнг дуэль бошланишидан олдин тўғрисида гап кетган сирли шахс-томонидан қутқарилган ўша ирландиялик айтганди.

Александр олдида ҳамма сурилиб унга йўл бераётганига эътибор қилмади. У Жозефни кўриб, овозини эшитган ва унақа-бунақа ажабланмаган эди. У ҳали Альберни кўрмаган эди, бироқ унинг овозини эшитиб, титраб кетди, тез-тез қадам ташлаб унинг олдида борди ва кучоқлаб олди:

– Альбер! Менинг азиз Альберим! Ниҳоят сени топдим! Кўрнишингни қара! Ҳечқиси йўқ – сен тириксан, бу асосийси!..

– Ҳа, азизим Александр, тирикман... зўрға тирикман!.. – заиф товушда пичирлади де Вильрож. – Мен ярим мурдаман... Жуда қийналиб кетганман...

– Бўлмаган гап! – хитоб килди Александр. – Сенинг очликдан ўлишингга қўйиб қўйишар эканми?! Жозеф! Жозеф қани! Менимча, мен уни кўрдим... Унинг овозини ҳам эшитдим.

– Месье Альбер, мана мен! – бақирди ниҳоят уни ҳеч қўйиб юборишни истамаётган фанатларнинг қўлидан зўрға қутилган каталониялик. – Карай! Ниҳоят!

– Бу нимаси? Месье Альбер зўрға турганини кўрма-псизми? – Жаҳли чиқиб кетган Шони муштуми билан столни шундай урдики, стол қимирлаб кетди. У яна бакира кетди: – Ҳой, бу ернинг бирорта эгаси борми? Бу ёққа келсин! Тезроқ, бўлмаса ўзим бораман!

Қовоқхонанинг эгаси пайдо бўлди. У шляпасини ечиб, уни доим қўпол ва кеккайган ҳолда кўрган мижозларни ажаблантириб, юмшоқ товушда сўради:

– Хизмат? Жаноблари нима истайдилар?

– Мен жаноби олийлари ҳозирок манави жанобга егулик ва ичкилик келтиришингни хоҳлайман. Эшитдинг ва ҳаммасини тушундинг. Бор, нарсаларнинг энг яхшисини келтир. Ҳаммаси учун ўзим тўлайман.

– Афтидан, бугун Сэм Смитнинг кайфияти яхши, шекилли! – деди аввалроқ ўзининг бу машҳур қарокчи билан учрашувини гапириб берган одам.

– Бу йигит айнан ўшалигига ишончингиз комилми? – сўради ирландиялик.

– Мен ўзим ўзим эканлигимга қанчалик ишонсам, бу ҳам шунчалик ўша. Ҳозир ўзингиз ҳам у мени таниганини кўрасиз.

– Агар билсангиз у ҳозир ёлғиз ва биз уни ушлаб олиб, бемалол адабини беришимиз мумкин, – деди ирландиялик.

– Ҳаракат қилиб кўринг-чи. У сизни гугурт чўпидек синдириб ташлайди.

– Бирок биз уч юзтачамиз, агар билсангиз...

– Йўқ. Мен тирик эканман ҳеч ким бу одамга қўлини теккизмайди.

– У сизни тунаб кетгани учунми?.. Агар билсангиз...

– Жонимга тегиб кетдингиз! «Агар билсангиз»! Етар! У мен бой бўлганимда гунаб кетган. Кейин эса менинг ҳаётимни қутқарган ва қанча олган бўлса деярли ўшанчани берган ҳам. Агар камроқ берган бўлса, у ҳолда қилган яхши ишининг ўзи ҳам қанча туради?!

Александр ҳамма ерда ўзини уйдагидек ҳис қилиб ўрганган эди. Айни пайтда у дўстига ғамхўрлик қилиш билан шунчалик банд эдики, ўзининг ҳозир бу ерда турган одамлар орасида унинг номи одамда кўрқув ва ҳурмат уйғотадиган қарокчи сифатида танилганини билмас эди.

Бирок, мана унга диққат билан қараётган одамни сезиб қолди.

– Сиз ҳам шу ердасиз? – хитоб қилди Александр.

– Ҳа, менман, мастер Сэм Смит. Сизни кўришдан бағоят хурсандман.

– Нима дедингиз?

– Мастер Сэм Смит...

– Дўстим, сиз янглишаяпсиз. Менинг шахсим хусусида эмас, менинг исмим хусусида...

– Қанақасига? Ахир жарликда мен беҳуш ётганимда топиб олган сиз эмасмидингиз? Сиз мени ҳаётга қайтардингиз ва менга ажойиб олмос совға қилдингиз.

– Майли, агар ана ўша кичкинагина совгани ва менинг ўрнимда ҳар бир оддий одам қилган бўлиши мумкин бўлган яхшиликни эсламоқчи экансиз, бемалол. Бироқ, жуда бўлмаганда, менинг камтарлигимга озор еткизманг.

– Бироқ бу бизнинг биринчи учрашувимиз эмас эди.

– Сиз мени ажаблантираяпсиз...

– Яхшилаб эсланг! Сиз ҳатто мендан озгина қарз олган эдингиз...

– Қарз?

– Мен сиздек жентелмендан ҳеч нарса талаб қилмаيمان. Сиз балки эсингиздан ҳам чиқарган бўлишингиз мумкин: кўпчилик билан муносабатда бўласиз, ахир...

Бу охириги сўзлар кўпчиликнинг кулгисини қистатди, бироқ Александрнинг жаҳли чиқиб кетди, бошига қон урди.

– Менга қаранг, мухтарам жаноб, сиз янглишаяпсиз – кескин оҳангда деди у, – менинг қарз оладиган одатим йўқ ва бундай ҳазилларни ёқтирмайман...

– Бироқ, мастер Сэм Смит, ижозат беринг...

– Яна бир ва охириги марта сизга айтаялман: сиз янглишаяпсиз. Сиз тинмай мени бошқа одамнинг номи билан атаяпсиз. Жонимга тегди. Бу инглизча ном, мен эса французман ва исмим Александр Шони.

– Алдаяпсан, муттаҳам! – чодир ичидан кимдир қўпол овозда бўқирди. – Бу обрўли жентелменларни алдайман деб овора бўлма. Биз сенинг ҳамма лақабингни яхши биламиз. Балки, сенга керак бўлганда ўзингни француз

деб атарсан, бироқ Линч суди сени ўтри ва қотил сифатида жазолайди! Сэм Смит, мени эшитаяпсанми?

Александр котиб қолди. Бироқ кўпга эмас. У тезда ўзини тутиб олди. Ғазаб билан кичкириб, худди арслон каби сакраб турди ва ўзини йўқотиб қўйган томошабинларни суриб, овоз келган томонга ўтди ва бурчакдаги стол олдида ўтирган иккита бахайбат одам олдида пайдо бўлди. Уларнинг иккаласининг ҳам юзлари чандик ва яралар билан тўла бўлиб, икковлари тишдан тирноғигача қуролланишган, икковларининг жуда кучли экани кўриниб турарди. Юқоридаги гапларни айтгани афғидан тўғри гапиришдан ҳам кўра асов отларни ҳайдашга ёки фургон ҳайдашга ўрганган эди. Гапира олиш учун у олдиндан бир шиша кап-бренди ичиб олган эди. Унинг бир кўзи йўқ бўлиб, бир пайтлар кўзи бўлган жойни хунук чандик кесиб ўтган эди.

Унинг оғайнисининг эса бутун бошини чандик кесиб ўтган бўлиб, бу чандик сочини худди фарқ каби иккита тенг бўлакка бўлиб турарди. Бунинг яхшилаб урилган қилич изи эканлиги дарров кўзга ташланарди. Бу йигит ҳам худди от каби ичар ва шишадошининг ҳар бир гапига маъқуллагандек, бошини силкиб қўярди.

Уларни чодирнинг орқа қисмидаги орқа эшикдан киргизиб юборган қовоқхона эгасидан бошқа ҳеч ким, бу иккаласи қаердан пайдо бўлиб қолишди, ичкарига қандай кириб келишди – айтиб бера олмасди.

– Эҳе! – деди меҳмонлардан бири уларни кўриб. – Ахир булар бур Корнелис ва унинг акаси Питер-ку. Уларнинг катта акалари Клаас қани?

Ҳар томондан пичирлаб айтилган «бурлар»... Корнелис»... «Питер» деган сўзлар эшитилди.

Бу кўринишдан пайдо бўлган таассурот Сэм Смит исмидан кейин пайдо бўлган таассурот каби эди.

Устиларига бостириб келган французни кўриб, иккала гигант ҳам пичоқларини суғуриб, ҳимояга тайёр бўлишди.

– Мени қотиллик ва ўғирликда айблашга кимнинг ҳадди сигди?

– Менинг ҳаддим сигди! – жавоб берди бир кўзли Корнелис.

– Мен эса қайтаришга тайёрман, – гап кўлиди Питер.

Юзи олдингидан ҳам баттар оқариб кетган Александр тезгина энгашиб, оғир табуретни кўлига олди ва бор кучи билан ака-укаларга қараб отар экан, баланда овозда бакирди:

– Ёлгон айтаяписизлар, аблахлар! Мен қўлимни сизларнинг ифлос юзларингизга уриб кир қилмоқчи эмасман -- мана сизларга тарсакининг ўрнига.

Оғир табурет столга тегиб, синиб кетди. Унинг бўлаклари иккала гигантга тегиб, бахайбат гавдаларига қарамай, иккаласи ҳам чўчиб тушишди.

Тасвирлаб бўлмайдиган шовқин кўтарилди. Бир нечта одам – тўғри, улар жуда ҳам кўп эмас эди, дарров Александрнинг атрофини ўраб олишди, бошқалар эса Александрни ёқтирмай қарай бошлашди. Бу ёқтирмаслик ҳар дақиқада душманликка айланиб кетиши мумкин эди.

Биринчи гуруҳ одамларнинг ичида Жозефга ўзининг пичогини бериб турган мексикалик ҳам бор эди. У ердаяна тушуниб бўлмаётган хатонинг айбдори ирландиялик ҳам бор эди. Жозеф қаердандир каттакон белта топиб олиб, энди ҳозир дўстининг ёнида турарди. Ўзининг заифлигига қарамай, ҳатто Альбер ҳам шу ерда эди.

Қизик – унинг пайдо бўлиши иккала бурга ҳам Александрнинг табуретидан кўра кўпроқ таъсир қилди.

– Граф! – пичирлади Корнелис.

– Худди ўзи! – таъкидлади ҳайратда қотган Питер.

– Питер, бардам бўл! Бизга уни иблиснинг ўзи юборди!

– Тўғри, Корнелис. У бу ердан тирик чиқиши керак эмас.

Оёғида зўрга турган бу одамнинг пайдо бўлиши уларда кўрқув уйғотган эди.

– Дўстлар! – кичкирди Корнелис. – Мен айтдим ва яна кайтараман бу одам – Сэм Смит! Ўғри Сэм Смит! Қотил Сэм Смит! Сиз ҳозиргина ғолиб деб шарафлаганингиз йигит унинг шериги. Мана бу учинчиси эса – уларнинг хўжайини. Кўринишидан зўрга турган бўлса ҳам, улар бунга содиқ. Дўстлар! Сизларга балки ҳеч қачон қайтарилмайдиган имконият берилаяпти: Сиз нафақат ўз конингизни, балки бошқа конларни ҳам бу кароқчилардан қутқаришингиз мумкин! Нега улар сиз шунчалик кийинчилик билан топаётган нарсангизнинг энг катта қисмини олиб қўйишлари керак? Қани, бошланг! Улар кўркинчли эмас! Уларни ушлаб, осиш керак! Арконни мен бераман!

– Мен ҳам сенга бир нарса бераман, мараз! – бақирди Александр ва тезлик билан карабинини ўклади.

Бироқ шу пайт бир нечта одам ғазаб билан Александрга караб отилишди. У бу одамларга караб, ўзининг шароити жуда оғир эканлигини англади. Агар у ва дўстлари қўлга тушадиган бўлишса, тамом бўлишади. Бу ўхшамаган жирканч айбловга ҳамма ишонади. Бу ерда эса бировнинг устидан Линч суди қилиб, ҳукм чиқариш учун оддий шубҳа ҳам етарли.

Александр орқасига тезгина ўгирилиб, ҳали ортга чекиниш мумкин эканлигини кўрди. Оёқлари ерга тикиб қўйилган бахайбат столни ушлаб суғуриб олиб, устида турган шишалари билан ағдариб ташлашга бир дақиқа кифоя қилди. Бу апил-тапил ясалган баррикада олдида синган шишалар ҳаммаёққа сочилиб кетди.

Ҳали ҳам Сэм Смитни таниганига ишониб ўтирган ирландиялик, яқин келиб, деди:

– Жентелмен! Хуллас, сиз менинг ҳаётимни қутқардингиз. Мен сизларни шундай ўлдириб юборишларига йўл қўя олмайман. Краалга чопинг. Чодирнинг орқасида юз метр нарида. Ўша ерда отлар ҳам бор. Мана менинг револьверим. Ўртоғингизга беринг – ҳеч қандай қуроли йўқ экан. Алвидо, жентелмен. Энди иккаламизнинг ора-миз очик.

Александр револьверни қўлига олиб, Альберга берди ва ярим овозда деди:

— Мен яхшилик қилганим учун яна айбдор бўлиб қолдим. Агар шу тентакни жарликда қолдириб кетганимда мени катта йўлдаги қароқчи деб билишмаган бўларди ва бу ифлос ишларга дуч келиб ўтирмасдим. Майли, дўстлар, чекинамиз! Ҳали бу йигитлар билан ҳисоб-китоб қиламиз. Кейинги сафаргача!

Афдарилган стол бостириб келаётганларни бир дақиқа ушлаб қолди, бироқ улар тезда ўзларига келиб, яна ҳужумга ўтдилар. Иккала гигант йўлбошчилик қилаётган бўлиб, тинмай бўкиришарди. Ҳаммаёқдан пичоқлар яраклаб, ўқланаётган револьверларнинг товуши эшитилди. Ҳозир бу учала француз сўйилиб, отиб ташланади. Уларга йигирмага кўндоқ қаратилган бўлиб, шошилиш керак эди.

Мексикалик шундай девор тагида турарди. Унинг қўлида пичоқ ялтираб кетди; у чодир парусинасида катта тешик йиртди.

— Бу ёқа, кабальеро! Бу ёқа!

Альбер ва Жозеф вақтида очилган тешикка қараб югуришди.

Александрга келсак, хавф ошган сари унинг ўзини тутиб тура олиши ҳам ортиб бораётган эди. У бирдан бир неча дақиқа ютиш имконияти борлигини кўриб қолди. Бироқ бу хавфли эди: ўқлар ёнғинига чидаш бериши керак эди. Ҳечқиси йўқ. Александр бунга рози бўлди.

Чодирни ерга қазиб киргизилган иккита узун тирговуч ушлаб турар, юқоридан эса улар баҳайбат соябоннинг спицаларига ўхшаш дўғалар билан мустаҳкамланган эди. Агар тирговучни йикита олса, у озод.

Александр милтигини кўтариб, каклик отаётган овчи хотиржамлиги билан икки марта отди. Бироқ у тирговучларга қараб, ва бунинг устига сочма ўқ билан ўқ узди. Тирговучлар пайраҳадек сочилиб кетди. Баҳайбат по-лотно ҳужумга отилаётганларнинг устига тушиб уларни

ёпиб қўйди ва улар чиқишга жой ахтариб, типирчилай бошлашди.

Бир неча марта револьвердан ўқ отилди, бироқ улардан шовқин ва тутун чикканидан бошқа ҳодиса бўлгани йўқ.

Крааль ирландиялик айтгандек, чиндан ҳам чодирнинг орқасида юз метр нарида экан. Душманлари брезентнинг остидан қандай чиқишни билмай, бакиришиб, швкин-сурон солишиб, брезентни пичоклар билан тилиб ташлашар экан, бизнинг уч французимиз краалдаги мустаҳкам химоя остига етиб боришди. Шароитлари қанчалик жиддийлигига қарамай, чодирга нима бўлаётганини, тўғрироғи, чодир остида ичкиликдан маст бўлиб, аламдан ўзларини қаерга қўйишни билмаётган, бакир-чакир қилиб, ўзларини ҳар-томонга уриб, пичоклари билан чодирни кесиб юборишаётганини кўриб улар ўзларини кулгидан тутиб туриша олмади. Чодир остидагилар ҳеч қанақасига чодир остидан чиқиша олмаётган эди.

Крааль очиқ эди. Душманлари айна устиларига тушган қопқондан кутулиб хурсандликдан бақира бошлашган пайтда французлар у ерга кириб боришди. Краалнинг ичкарисида отхона бор эди. У қалин тўсинлардан ясалган бўлиб, ҳақиқий қалъа эди. Бу ерда қуршовни бемалол ўтказиш мумкин. Ўн иккита кучли от ва улар орасидаги, айниқса иккита қаттаси хотиржамлик билан дон чайнашарди. Бу отларни афтидан Корнелис билан Питер минишган бўлса керак.

— Ҳа-а, бу ерда биз хавфсизликда бўламиз, — деди доимги яхши кайфияти қайтган Александр.

Шундан сўнг бу ҳодисалар бўлиб ўтар экан, ҳали бирор гап айтишга ҳам улгурмаган дўстларига қараб деди:

— Сизлар қаердан келиб қолдинглар ўзи? Альбер, сен жуда ҳам озиб кетибсан. Бу сенинг ошпазингга яхши гап келтирмайди. Сиз-чи Жозеф? Мен сизни бир америкаликни нарига дунёга кузатиб қўяётган лайтингизда кўриб қолдим. Жуда чиройли чиқди!

– Месъе Александр, мен сизни доим қидирдим.

– Биз эса сени қидирдик.

– Демак, биз учаламиз бир-биримизни қувлабмиз-да.

Мен ҳозир тўғри Виктория шаршарасидан келаяпман.

– Мен эса, қандай қилиб, ўзим ҳам билмайман, сизнинг изингиздан бориб бутун саҳрони кесиб чиқдим.

– Альбер, сен-чи? Нега жимсан? Қани, қовоғингни оч-чи!

– Мен безгакдан азоб чекдим. Ҳали ҳам яхши тузалганим йўқ. Агар ҳозир тирик бўлиб, шу ерда эканман, бунинг учун йўлбошловчимиз Зуга ва ажойиб бушмендан миннатдорман. Улар мени қандайдир дарёнинг қирғоғидан топиб олишибди... Мен чала ўлик ҳолда эдим.

– Руҳоний ҳазратлари-чи? Мастер Валь?

– Уларга нима бўлганини билмайман. Ҳеч нарса билмайман.

– Қоратанли дўстларимиз-чи?

– Улар қаердадир шу яқин орада бўлишса керак.

– Жуда яхши. Улар бизга бу ари уясидан чиқиб кетишимизга ёрдам беришади. Бироқ энди гаплашиш етар.

Бу пайтда краал дарвозаси олдида қаттиқ шовқин кўтарилган эди:

– Смитга ўлим! Қароқчига ўлим! Уни осиш керак!

– Улар тинчишни хоҳлашмаяпти. Демак, бундан келиб чиқадики – мен аблаҳ эканман: меҳнаткашларнинг ўлжаларини тортиб оламан!

– Бу, менимча, бурлар томонидан қилинаётган ифлослик бўлса керак.

– Мен ҳам шундай деб ўйлаяпман. Улар мени нимада айблашаётганини эшитдингми?

– Жуда ҳам эмас. Мен шунчалик бўшашиб кетганман-ки, яхши тушуна олмадим.

– Ўлим! Ўлим! – деб қичкиришарди дарвоза ортида.

– Хуллас, ҳаво айнаяпти, – деди Александр. – Бу жинивойларни қитиклаб қўйиш керакка ўхшайди, қўрғошин етарли. Уларни ўлдирмоқчи эмасман, бироқ озгина сочма

ўқ ва улар ўзларига келиб олишади. Ўқларни эса биз ўз жонимизни асрашга тўғри келиб қоладиган шароит учун сақлаб қўямиз. Бу эҳтимолдан ҳоли эмас.

Александр отхонанинг эшигини қия очиб карабини-нинг қўндоғини чиқариб, ўқ узди. Шовкин бирдан тўхтади ва ёпирилиб келаётганлар бирдан худди чумчук галасидек ҳаммаёққа таркалиб кетишди. Бирок тез орада жавоб ўқи узилиб йирик калибрли ўқ бир сониягина бурун Александр турган жойдаги тўсиннинг ичига кириб кетди.

– Эҳе! – деди Александр қўркувдан ҳам кўра ажабланиш билан. – Мана улар жавоб ҳам қайтаришаяпти. Улар бизнинг батареямизнинг овозини ўчиришмоқчи. Бу ўқ овозини ва калибрни танияпман. Бу бизнинг бурларимиздан бириники. У менинг ҳам кўзим кўр бўлиб қолишини хоҳлаяпти. Демак, ҳаёт учун эмас, ўлим учун кураш! Бирок ҳали улар бизни енгишгани йўқ. Тўрт соатдан сўнг биз бу ерда узоқда бўламиз. Улар нимани хоҳлашаяпти? Тўғри, биз улар учун яхшигина ўлжа бўлган бўлардик. Шунда улар шу пайтгача тушларида ҳам кўрмаган зиёфат уюшгиришган бўларди.

– Бу билан нима демоқчисан?

– Улар менинг чўнтагимдаги олмосдан ҳам хазар қилишмаган бўларди, демоқчиман. У ерда менда икки юз – уч юз минглик олмос бор.

УЧИНЧИ БОБ

Йигирма минг франклик олтинини йўқотган одамнинг қувончи. — Жозеф ўз хохишига қарши сапёр бўлади. — Оқтанли одам қоратанлиларда кулликда. — «Том тоғанинг кулбаси»нинг тескараси. — Унга куллик кундасини кийгизишганда паришлик нималарни ўйлайди. — Ўт қўйиш хавфи. — Тешиш. — Девор ағдарилиб тушади. — Ҳарбий айёрлик. — Агар ёнаётган зигир толасини отнинг қулоғига тикилса бундан қочоқларга нима фойда. — Александр ва унинг ўхшаши. — Яна Сэм Смят.

* * *

— Уч юз минг франк? — сакраб кетиб хитоб қилди Жозеф. — Уларни нима қиласиз?

— Менми? Ҳеч нима. Бу қимматбаҳо тошлар шол бўлган одамга ёғочоёқ қанчалик керак бўлса, менга ҳам шунчалик керак.

— Сен мабодо кафр кироллариининг хазинасини топмадингми?

— Сен нима деб ўйлайсан? Бўлиши мумкин.

— Зўр-ку! — деди Жозеф. — Йигирма минг йўқотган эдингиз — мана унинг ўрнига сизга.

— Йигирма минг? Буни қаердан олдингиз?

— Мен олмадим, мендан олишди...

— Ҳа, мана гап нимада?! Бу Нельсонс-Фонтейнда мен ўз ерим учун олган пулми? Бечора Жозеф! Мен сизнинг елкангизга бу ортиқча юкни осиб қўйганим учун ўзимни неча марта қойидим. Бирорта мард йигит сизни бундай юкдан халос қилганидан хурсандман.

— Мард йигит? Ахир мен ву маразни... Ўйлаш ҳам қулгили...

— Нима сизга қулгили туюлаяпти? Ҳозирги шароитимизми?

– Мен вуни айтмаяпман. Бироқ мени тунав кетган у мараз сизга жуда ўхшайди. Икки томчи субдек ўхшайди. Мени кечиринг, месье Александр!

– Ээ! Унда ҳаммаси тушунарли!.. Кеча мен ёрдам берган бу тентак ҳам табиат менга ўхшашликни ато этган муттаҳамни учратган ва мени ўша одам деб ўйлаган...

– Вемалол хато қилиш мумкин, месье Александр. Ишонаберинг.

– Мен ундан жаҳлим чиқаётгани йўқ. Бунинг устига у бизга нисбатан жуда чиройли иш қилди. Альбер, револьверинг борми?

– Ўқланган ҳам, – жавоб берди Альбер.

– Яхши! Жозеф, сизда-чи?

– Менда фақат мана бу болта бор.

– Ҳозирча етади. Эҳе, ишлар ёмон! Жозеф, эҳтиёт бўлинг!

Ташқаридаги девор итаришга дош бера олмай ёпирилиб келаётганлар ғалаба қозонгандек қичқириб ва бўкириб, ўртасида отхона турган ҳовлига кириб келишди.

– Бўлди, жанг қилишми – жанг қилиш, – бепарволик билан деди Александр. – Альбер, сен ҳозир жуда бакувват эмассан. Сен бизнинг чекинишимизни тўсиб турасан.

– Демак, биз кетишга ҳаракат қиламизми?

– Ва кетамиз. Ёки сен шу ерда бутунлай қолмоқчимисан?

– Ҳеч ҳам.

– Унда менга қулоқ сол! Анави йигитни огоҳлантириб қўйгин.

Альбер ўқ узди. Ёпирилиб келаётганлардин бири йиқилди: сочма ўқ унинг ярим калласини ўпириб кетган эди.

– Зўр!

– Қаршилиқ қилишаётгани ҳам йўқ.

– Тўғри. Демак, улар йккиланиб қолишди. Мулоқатни шу тарзда олиб боравер. Биз эса Жозеф билан йўл очамиз. Уларни қўп ўлдирма. Ўқни ҳам аягин. Бу одамлар

биз яхши иш қилаяпмиз, деб ўйлаётганлари ёдингдагн чикмасин. Улар ер юзини одамхўрдан тозалаяпмиз, деб ўйлашаяпти. Улар мен унга фақат ўхшашимни билишмайди.

– Мен бу аблах бурларни бир кўрсам эди!..

– Улар афтидан энди сен билан иш қилишни иташмайди, шекилли... Синаб кўрдик, етар! Энди улар эҳтиётроқ бўлишади!..

Александр гапида давом этар экан, ишсиз ҳам турмаётган эди. У чиндан ҳам бурларга тегишли бўлган иккита йирик отни эгарлади.

– Бу хайвонлар роса чидамли бўлишса керак. – деди у. – Сен биттасига ўтирасан, мен эса – иккинчисига. Шунда Корнелис ва Питер бизни бўшгина, тезда тамом бўладиган хачирда кува олишади. Бу биз учун икки қарра фойдали ва биз бундан фойдаланиб қолишимиз керак. Сиз эса, Жозеф, мана бу катта тўриқ отга ўтирасиз. Менимча, у бўрондек учса керак... Нима гап, Альбер?

– Ҳеч нарс! Бакироқлар иккиланиб қолишди. Мушталарини ўқталиб, бақиришаяпти, бироқ яқин қелишга юраклари дов бермаяпти.

– Яхши. Тўққизта от қолаяпти. Керак бўлиб қолганда, улар бизга йўл очиб беришади. Томошани кўрасизлар! Энди эса, Жозеф ҳозирча сиз билан сапёрлик ишларини қилиб турамиз. Сиз сапёрликда хизмат қилганмисиз?

– Йўк, месье Александр.

– Ҳечкиси йўк. Ҳозир кўрасиз, бу кийин эмас. Бу ерда қанча инструмент борлигини қаранг: белкураклар, чўкич, болта, ҳатто арралар ҳам бор экан. Элликта одамга етади... айтганча, сиз икковларингизда бир чақа ҳам йўқ-ку. Нима бўлишини эса ҳеч қим билмайди. Мени хурсанд қилинглари: ҳеч бўлмаса бир ҳовучгина мана бу чўнтагимни тешиб юборай деяётган тошларни олиб қўйинглари Керак бўлиб қолганда уларни гўшт, нон ва вискига алмаштириш мумкин... Гап-сўзсиз, илтимос... Бу ҳаммамизники. Шундай бўлсин. Энди эса, Жозеф, иккаламиз деворларни

ясаб турган мана бу бир нечта тўсинни ажратамиз. Бирок, майли, ҳозир жойида тура қолсин: бир тепса бўлди, ҳаммаси йиқилиб тушади.

– Тушундим, месье Александр. Агар бу аблахлар яқин келинса, виз уларнинг воцларига шу деборни йиқитамиз, ўзимиз эса отларга ба қочдик.

– Худди шундай! Сиз туғма сапёрсиз, Жозеф ва ҳарбий ишларни яхши тушунасиз... Демак, ишни бошладик!..

Жозеф эпчиллик билан болтада ерга тикилган устунларни чопар экан, Александр арра билан куролланиб олиб эҳтиётлик билан чорчўпларни арраларди. Тешикнинг кенглиги тахминан уч метрча бўлиши мумкин эди. Бирок деворнинг ҳар бир кесилган қисми керак маҳалда бирдан йиқилиши керак эди.

Альбер дўстининг жисмонан ўта кучли эканлигини биларди, бироқ шунда ҳам Александр ҳозир қилаётган ишдан у ҳайратда эди ва буни дўстига айтди.

– Ҳа-да! – деди Александр. – Охирги пайтларда мен оғир иш қилишга ўрганиб кетдим.

– Қандай қилиб?

– Ахир биз Калахарида кутилмаганда ажралиб кетганимиздан сўнг хўжайинларим мени қўл қовуштириб ўтиришга қўйишмади.

– Хўжайинларинг?

– Гапириб ётибмиз, гапириб ётибмиз, мен эса ҳали сизларга кулликда бўлганимни гапириб берганим йўқ.

– Сен қул бўлдинг? Сен-а?

– Бу қуёшли мамлакатнинг ҳар бир аҳолиси каби. Менинг оқ терим ва европалик эканимга қарамай, мен «куллик тўсини» деб аталадиган кундани бўйнимга осиб юрдим. Жуда ёмон нарса ва ёмон иш! Бунинг устига яна чамбоқ билан калтакланишлар.

– Бирок бу қабихлик! Кўз кўриб қулоқ эшитмаган нарса!

– Шундай, бироқ бу бор гап. Хўжайинларим қоратанли бўлишгани менинг бахтим бўлди. Агар оқтанлиларда

бўлсам аллакачон ўлиб кетган бўлардим. Нима бўлганда ҳам, мен анави португалиялик мулатлар молдек сотишга олиб кетаётган бечора бушменларни кутқарганимдан жуда бахтлиман.

– Бу мулатлар ўлганидан хабаринг борми?

– Улар фақат шунга лойиқ! Нима бўлганда ҳам, Альбер, сенинг дўстинг Александр Шони, собиқ парижлик олифта, театр премьераларининг кунда-шундаси, кўплаб клублар аъзоси собиқ помешчик коратанлиларга қулликка тушиб қолди, уларга сув ташиди, тарик янчди, улар учун пиво қайнатди, уларнинг бекаларига хизмат қилди, болаларига энагалик қилди. Бироқ ҳозир буларни кўя турайлик. Бошқа бир сафар ҳаммасини айтиб бераман. Афтидан рақибларимиз, тактикаларини ўзгартиришди, шекилли...

– Тўғри! Ҳозиргина очикчасига келишаётган эди, энди эса шох-шаббалар билан яшириниб олишибди.

– Ҳа, кўраяпман. Бу қўрқоқлар ҳамма шох-шаббаларини девор тагига қўйиб ёқиб юборишмоқчи. Улар бизни ковуришмоқчи. Йўқ, йигитлар, шошманглар! Биз ҳам аҳмок эмасмиз! Жозеф, сизда ҳамма нарсa тайёрми?

– Тайёр, месье Александр. Фақат бармоқ билан туртиб юборилса, бўлди.

– Менга қаранглар – деди Альбер. – Отгим келиб қўлим қичишиб кетаяпти. Бир нечта одамни маза қилиб отган бўлардим.

– Нега? Қўйсанг-чи. Бир неча дакикадан кейин улар нечта қовургалари синганини санаб ўгиришади.

Кичкина гарнизоннинг жим бўлиб қолганига кизикиб қолган бостириб келаётганлар ботирроқ бўлиб қолишди: қўлларидаги шох-шаббаларни ҳавода ўйнатиб, каттагина гуруҳ деворнинг айни тешик тайёрланган жойига яқин кела бошлади. Улар секин-аста яқинлашишарди. Айни пайтда бошқа гуруҳ карама-қарши томондан келаётиб, қаттиқ шовқин-солишарди. Улар, афтидан, қамалдагиларни алаҳситишмоқчи эди.

Шундан сўнг улар ҳеч қандай огоҳлантиришсиз шох-шаббаларни ёкиб юборишди. Ҳеч қандай айб такаш мумкин бўлмаган учта тирик одамни тутун ичида қолдириб, ёниб кетишга мажбур қилиш бу одамлар учун оддий ҳол эди. Тешиқлар орасидан тутун кира бошлади. Отлар безовталана бошлади.

— Мана! — деди Александр.

— Биз тайёрмиз! — бараварига жавоб беришди Жозеф ва Альбер.

— Иккалангиз биттадан от олинг. Уларни бир-бирига узунроқ аркон билан боғлаб, тешиқ олдида қўйинглар.

— Тайёр.

Александр ҳам бир жуфтни отни қўшиб боғлаб уларни ҳамроҳларининг отлари орқасига қўйди. Сўнгра олов ёкиб, пиликни ёндирди, ундан ҳар бирининг узунлиги икки сантиметр қилиб тўрт бўлак кесиб улар ёниб кетганда биттадан Альбер ва Жозефга берди.

— Менга кулоқ солинглар ва айтганларимни тўлиқ бажаринглар. «Олға» деганимда отларнинг тумшугини ушлаб туриб, уларнинг кулоқларига ёнаётган пиликни тикасизлар. Бу пайтда мен деворни йикитаман ва шунда сизлар отларни қўйиб юборасизлар. Тушунарлими?

— Тушунарли!

— Олға!

Александрнинг бор кучи билан итариши натижасида чопилган оғир девор қимирлаб, қарсиллаганча ёнаётган шох-шабба ва оловни баландлатишга уринаётган одамлар устига ағдарилди. Кутургудек бақир-чақир ва оғриқдан додлашлар сўкишлар билан аралашиб кетди. Отлар қўрқиб кетиб кишнаб юборишди. Улар кулоқларидаги олов бераётган оғриётган кутургудек бўлиб тўғри девор йиқилганден кейин ҳам оёғида тура олган одамлар устига отилишди. Бечора хайвонлар ҳар бири ўзи томонга интилар, бироқ бири иккинчисига боғлаб қўйилгани учун бир жойда топталиб, оёқлари билан ўлган ва ярадор бўл-

ганлар, қочишга улгурмай, ерда ағанаб ётганларни янчиб ташалашаётган эди.

— Отларга!

Александрнинг ранги оппоқ, юзидан бутунлай қон қочган, бироқ буйруқ бераётган овози қаттиқ ва хотир-жам эди.

Бурларнинг отлари сабрсизлик ва қўрқувдан пишқириб туришарди. Жозеф ўзининг тўриқ отида биринчи бўлиб югуришга тайёр эди.

— Яхши! — деди Александр. — Режамиз яхши амалга ошаяпти ва биз ярим йўлда тўхтаб қолмаймиз. Қаранглар, қанча одамни бурдалаб ташладик!

— Бунга ўзларидан бошқа ким айбдор? — деди Альбер.

У тез энгашиб, ўзи ҳам отларнинг кулоқларига ёнаётган пиликни тикди ва қўйиб юборди. Ёпирилаётганлар биринчи қўрқувдан энди ўзларига кела бошлашган эди. Улар қамалдаги учала француз улардан мана-мана қочиб кетишларини тушуниб, қандай қилиб ҳужумга ўтиш ҳақида ўйлаётган эдилар. Бироқ улгура олишмади. Янги отлар уларнинг устига бўрондек ёпирилиб келиб, тасвишлаб бўлмайдиган ваҳима бошланди. Бу ваҳима эди — ҳамма фақат бир нарсани — қандай қилиб қутулишни ўйлаётган эди.

Учала француз отларининг ёлига энгашиб олиб, тинмай отларини ниқташар ва кулоқларида ёнаётган пилик бор отлар очиб берган йўлдан кетиб боришар эди.

Де Вильрож қўлида револьвер билан, Александр қарабин билан уларни тўхтатишга ҳаракат қилган одамни отиб ташлашга тайёр эдилар.

Краалнинг дарвозаси очик экан. Орқаларидан кутур-гудек бакириқлар эшитилаётган учала отлик сакраб ўтиб, тезда кўздан йўқолишди.

— Тўтри Виктория шаршарасига, — бир неча дақиқадан кейин шимол томонда тўпланаётган булутларни кўрсатиб, деди Александр.

– Ҳа, бироқ бизнинг оркамиздан тушишади, – асосли равишда қаршилиқ қилди Альбер.

– Шубҳасиз.

– Агар Замбезига борсак, улар бизнинг изимиздан бо-ришса, тузоққа гушамиз.

– Тушунмаяпман! Илтимос, тушунтиргин.

– Жуда оддий. Виктория шаршараси олдида бизнинг Европа дарёларимиз ирмоқдан кагга эмас. Агар биз ўзи-мизни бу шаршарага тираб боришларига йўл қўйиб бер-сак, биз тактикада орқага чекиниш чизиғи деб аталадиган нарсани бой бериб қўямиз.

– Ишончинг комилми?

– Мабодо сен тажрибали лашкарбоши сифатида ҳам-ма нарсани олдиндан кўриб, кечиб ўтишни ўйлаб қўйма-ган бўлсанг.

– Биласанми, мен энди сизларни яна топаман, деб ўй-ламагандим. Шунинг учун, бўйнимга олишим керак – ҳеч қандай чора кўриб қўймаган эдим.

– Демак, бизларни ўраб олишади. Буни тушун!

– Секин, азизим Альбер. Секинроқ! Билмасдан туриб дўстингни айблама, аввал уни эшит!

– Гапира қолсанг-чи, золим! Одамни қийнамагин! Мен ўлиб қолай деяпман!

– Ўлма ва қулоқ сол! Мен чиндан ҳам қўп нарсани ол-диндан кўра олмаганман, бироқ мен бизда қутулиш им-конияти йўқ, деганим йўқ. Имконият бор ва уларни мен тайёрладим, бироқ бутунлай бошқа йўл билан.

– Айнан қандай?

– Агар ҳозир ҳурматли ҳамроҳларимиз рухоний ҳаз-ратлари ва мастер Виль шу ерда бўлишса, мен жавоб бер-маган бўлардим. Бироқ улар йўқ экан, мен бойлик яши-ринган оролга қайиқда бора олишни ташкил қилганимни бемалол айтаман.

– Кафр қиролларининг хазинасими?

– Жим! Биз ёлғиз эмасмиз.

– Салом, жаноблар! – кимнингдир жарангдор овози янгради.

Учала дўст отларини чоптириб кетишаётган бўлиб, айна пайтда ўннга, чўкинди кумлар орасида кўтарилиб турган қорамтир қоя томонга бурилишган эди. Ҳозир кумлар қурук бўлиб, бироқ афтидан, вақти-вақти билан сув босарди.

Кутилмаганда худди ердан чиккандек, юзи оқ мато билан ўралган баланд бўйли эркак пайдо бўлди.

– Салом, -- ҳурмат билан жавоб берди Александр, ҳар бир дақиқаси ҳисобда ва ортиқча гапириб ўтиришга вақти йўқ одам оҳангида.

– Жентелмен, бир оғиз сўз! – Александрнинг йўлини тўсиб, бироқ ҳали ҳеч қандай қўрқитиш оҳангисиз, деди нотаниш эркак.

– Биз шошилаяпмиз, – деди Альбер. – Бизнинг оптимиздан худди ипини узган иблислардек юзтадан кам бўлмаган одам қувлаб келаяпти. Биз эса улар билан мулоқат қилишни истамаймиз.

– Бироқ, мен ҳам шошилаяпман. Сизларга хизматга хизмат қилишни таклиф қиламан. Менга от керак.

– Сиз қулаяпсизми?..

– Мен сизларнинг ким ва қаердан эканлигингизни биламан ва қаерга кетаётганингизни ҳам сезиб турибман. Мен сизларнинг қайиғингиздан фойдаландим.

– Жин урсин! – алам билан хитоб қилди Александр. – Нима қилиб қўйдингиз? Бизни ушлаб олишларини хоҳлайсизми?

– Йўқ. Мен сизларни қутқараман. Дарёнинг қоқ ўртасидаги сув ости тошларига ёпишган кичкина оролни кўраяпсизларми? Мен ҳозиргина ўша ерга сизларнинг дўстларингизни – иккита европаликни жўнатдим.

– Бизнинг дўстларимиз?

– Ҳа. Биттаси миссионерга ўхшайди. Бошқаси эса девдек. Менимча, у конлардан бўлса керак. Мен қайикни у ердан олиб кетиб, яшириб қўйдим.

– Қаерга яширдингиз?

– Менга от беринглар. Ҳали кеч эмас. Мен эгарга сакрашим билан сизларнинг орқангиздан келаётган бутун тўда менинг орқамдан чопади.

– Яхши! – деди Александр. – Мана менинг отим. Қайик қаерда? Бизни алдашга ҳаракат қилманг! Уч юз қадам қўйишга улгурмай саккизинчи калибрли ўқ орқангизга тегади.

– Мени кўрқитманг. Менга ёрдам бермасанглар, ушлаб олишади. Қайик бу ердан юз қадам нарида, анави буга орқасида, кўраяпсизми? Эшкаклар ботқоққа тикиб қўйилган.

– Альбер, Жозеф, тушинглар, – карабинини ўқлай туриб, деди Александр. – Ўша ёққа югуринглар. Агар қайик ўша ерда ва бутун бўлса, менга бақириб юборасизлар.

Нотаниш одамга қараб, қўлиб қўйди:

– Акс ҳолда мен сизни отиб ташлайман, чунки сиз бизни ҳалок қилдингиз.

Нотаниш одам ҳали ҳам юзини очмай, елкасини қисиб қўйди.

Тез орада иккала йигитнинг хурсанд овози эшитилди:

– Қайик! Қайик бор! Эшкаклар ҳам!..

Нотаниш одам белбоғи орасидан буклама пичоқ олиб бир оғиз сўз демай Жозеф ва Альбернинг отларининг оёғидаги томирин кесди ва сакраб Александрнинг отига минди.

– Узр, жаноб, мен қассобнинг ишини қилдим, бироқ мен ҳам ўзимнинг жоним ҳақида ўйлашим керак.

Шу пайт шамол эсаб, нотаниш одамнинг юзидаги матони кўтариб юборди ва Александр қотиб қолди: у худди ойнага қарагандек, шунчалик ўзининг юзига ўхшаш юзни кўриб қолган эди.

Қувлаётганлар шовқин билан яқинлашиб қолишган эди. Энди тезроқ ҳаракат қилиш керак эди. Альбер ва Жозеф аллақачон қайикда ўтиришар эди.

– Боринг, месье, – деди нотаниш одам. – Мен иккинчи маротаба ҳаётим учун француздан қарздорман. Буни ҳеч қачон унутмайман.

– Сиз кимсиз ўзи?

– Бировлар мени қароқчи деб билишади. Бошқалар – тўғри, бунақалар кам – мендан қаҳрамон яшашмоқчи эди. Бироқ мен анча камтарман. Аслида, бунинг аҳамияти ҳам йўқ. Бироқ, сизга, масалан менинг ёмонотлик эканлигим ёмонлик келтириш мумкин, чунки сиз менга жуда ўхшар экансиз...

– Наҳотки сиз...

– Сэм Смятман!..

ТҮРТИНЧИ БОҒ

«Мози-оа-Тунья», ёки «У ерда тутун шовкин сола-
япти». – Замбези. – Мономотан ва Офирнинг кадимги им-
перияси. – Шоҳ Сулаймоннинг шаҳри. – Виктория шар-
шараси. – Юқори Замбези ороллари. – Табиат гўзаллиги.
– Боғ Орол. – Александр қайикчи бўлади. – Жозеф ҳали
ўзининг қасд олганидан коникқани йўқ. – Саёзликда. Ба-
токлар афсонаси. – Баримларга қурбонлик. – «Худолар
устуни». – Икки акация орол ва базальт кўрсаткичи.

* * *

Қахрамонларимиз бошидан кечирган қизик саргуза-
шглар бизга шу пайтгача юкоридаги ҳаракатлар бўлиб
ўтаётган жойларнинг ўзига хос томонларини айтиб ўтиш-
га ҳалал берди. Бу ўзига хослик 25°41' шимолий узунлик
ва 17°41'54" жанубий кенгликда жойлашган пунктдан
ўн олти километр бериданок эшитиладиган тўхтовсиз
гувуллаш овозидир. Замбези дарёсига яқинлашган сари
бу шовкин кучлироқ эшитилади. Бирок шовкин вулкон-
дан чиқаётгани йўқ – бу Жанубий Африка Ниагарасининг
шовқини. Махаллий аҳоли уни «Мози-оа-Тунья» деб
атайди. Уларнинг тилида бу «у ерда тутун шовкин сола-
япти» деган маънони билдиради. Ливингстон бу шарша-
рани Англия кироличаси шарафига Виктория деб атаган.

Муаллиф бу ажойиб манзарани тезроқ ва иложи бо-
рича ишонарли қилиб тасвирлашни жуда истайди. Бирок
шундай бўлса-да, у ўқувчидан бир лакиқа кутиб туришга
изн сўрайди: ҳикоямизни давом эттириш учун буюк Аф-
рика дарёси бўлмиш Замбези ҳақида бир нечта оғиз сўз
айтиб ўтиш керак бўлади.

Машҳур инглиз сайёҳи Ливингстоннинг айтишича,
бу дарёнинг асоси Гринвич бўйлаб 22° шимолий узун-

ликда ўн биринчи Жанубий параллелни кесиб ўтадиган нуқтадан жануброқда бошланади. Дарё Викториядан бир юз йигирма беш километр бўлган Шешеккача сал шимолга қиялаб, шимолдан жанубга қараб оқади.

Замбезининг узунлиги икки минг беш юз километр бўлиб, унга латин ҳарфи бўлган S шаклини берадиган иккита бурилиш қилади. Шешеккача бўлган юқоридаги оқимда у Лиамбия деб аталади ва қуйилишигача бўлган бутун узунлиги бўйлаб эса Замбези деб аталади.

Тўғри, бу дарё кесиб ўтадиган жойлардаги турли қабилалар уни ўзларича атайдилар: кимлардир Амбези, бошқа бировлар Ожимбези, гоҳида Лонамбежи ва Луамбези деб аташади. Номларнинг бу ҳар хиллиги чигалликни келтириб чиқаради. Бироқ ҳеч хоримайдиган Ливингстон буларнинг ҳаммасига аниқлик киритган.

Юқори Замбезия, ёки Лиамбия баротсе, баньетлар ва макололо қабилаларининг ерларини суғоради. Бу ерда асосий шаҳар Шешеке ҳисобланади. Бу қадимий шаҳардан юқорироқда ўз ирмоғи Хобедан сув олган дарё баҳайбат баландликдан ҳозир биз сизга тасвирлаб берадиган тор базальт дарага қуйилади ва батоклар, бапимпе, базизулу, батуклар ва баниаиларнинг ерларини кесиб ўтади ва португалияликларнинг Тете ва Сеннадаги ерларини суғоради. Замбезининг кўпсонли ирмоқлари ҳали тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Энг муҳимлари чап томонда: Надшита, Кафуз, Лоангва ва Ньясса кўлидан келиб чиқадиган Ширэ. Ўнг томондан дарёга Либа, Хобе, Чияйя ва Луже келиб қуйилади. Ниҳоят дарё кенг дельта ҳосил қилиб, Мозамбик бўғозига қуйилади. Дарёнинг муҳим шохобчалари бўлиб Миламбо, Кугус, Шимолий Луабо ва Монсело ҳисобланади.

Бошқа кўплаб Африка дарёлари каби Замбезида ҳам кўплаб остонатошлар ва шаршаралар бор, шу сабаб, унинг бутун узунлиги бўйлаб кемалар юришининг иложи йўқ. Бироқ қуруқ пайтда чўмилишнинг иложи бўлмасада, ёмғирлар фаслида кемалар ўта оладиган жойлар бор. Ма-

салан, Виктория шаршарасидан кейин бўлган Кебрабаса шаршараси шундай жойлардан ҳисобланади. Доимий тошишлар унинг ҳажмини йигирма беш метрга кўтаради. Шунинг учун бу ерда ҳам, оким бўйлаб тепароқда бўлган Морумба шаршараси орқали бўлгани каби, кемалар бемалол ўтиши ва тўғри Юқори Замбезига тушиши мумкин.

Бир пайтлар афсонавий Мономотана давлати (бизнинг давримизда – банъети қабиласи ерлари) ва Сулаймон подшоҳнинг бой шахри Офир (маника қабиласи ерлари) жойлашган бу қирғоқларга тараққиёт тезроқ етиб келиши керак. Бу ерларда олтин тикилиб ётибди; яқинда бу ерларда олмос зарралари ва тошқўмир конлари топилган. XVI, XVII ва XVIII асрларда португалияликлар Қуйи Замбези ҳавзаларида чўмилишган ва ерости бойликларидан фойдаланишган (олмосдан ташқари, албатта). Бу ҳақда ўша пайтдаги содда техникага ўз бойликларининг ҳаммасини топширмаган ташлаб кетилган кон ва шахталар айтиб турибди.

Инглизлар бирор кун келиб бу жойларни мустамлаканинг энг катта шахри билан боғлайдиган темир йўл ўтказишармикин? Улар Қуйи Замбезидаги ўз қудратларини мустаҳкамлай олармикинлар? Улар ўзлари уста бўлган бирор дипломатик айёрликлари билан португалияликларни сиқиб чиқаришга олармикин? Ҳозирча эса арзимаган ҳашарот, цеце пашшаси баҳайбат территорияларни қўл етмас қилаяпти ва бу нарса бу ерга юк ташувчи моллар ўрнига темир йўл ва кемалар келмас экан, шундай давом этаверади.

Нима бўлганда ҳам Замбези масаласи яна кўтарилди, ерли аҳоли «сувиллаган товуш чиқарадиган тутун»дан кўркиб бу жойларга яқин келишга ҳам юраги дов бермай ўтиришганда, биз юқорида айтиб ўтганимиз кўплаб кўркмаслар бу ерни кавлашга келишди. Доктор Линвингстон, виқор билан сувларини шовуллашиб жаҳаннамга тушириб, у ерда ҳайқирганча, чангга айланадиган Замбези манзарасини ҳайрат тўла ўз кўзлари билан кўрган бирин-

чи европалик эди. Биз ерли аҳоли шаршарага берган номнинг тарихини ана шу буюк тадқиқотчининг маълумотларидан олиб турамиз.

Ливингстон бир қанча вақт маколлола қабиласи орасида яшаган. Бир куни уларнинг сардори Себитуане тадқиқотчидан у ўз ватанида гумбурлайдиган тутунни кўрганми ёки йўқми, деб сўрайди. «Бизнинг одамларимиз ҳеч қачон шаршарага яқин келишмаган, — давом этади Себитуане. — Улар шаршарани жуда узок масофадан кўришган ва сув бугланишининг бешта устун ва доимий шовқинидан ҳайратда қолишганидан «Мози-оа-Тунья!» — «У ерда тутун гумбурлаяпти!» деб бакириб юборишган.

Бугланиш шу билан асосланадики, базальт остонатошларга урилган сув майда заррачаларга бўлиниб кетади. Улар чуқурликдан баҳайбат султон кўринишида кўтарилиб, ўзининг юмалоқ шаклини ва ўзаро тортишишини йўқотмаган ҳолда шамолда сатгина тебраниб туради. Сув паст бўлганда улар ўн километр масофадан кўриниб туради. Ёмғирлар фаслида сув кўтарилганда эса бундан икки баробар узок масофадан ҳам кўринади. Унинг асоси ёрқин садафранг бўлса, тепага қараб қорамтирлашади. Мана шу иккита ўзига хослик уларнинг тутунга ўхшашлигини кучайтиради.

Юрак ютиб қайиқда оқим бўйлаб уч, тўрт километр пастга туша олган сайёҳлар олдида одамни ҳаяжонга соладиган ажойиб манзара пайдо бўлади. У ҳар хил катталикдаги кўплаб орол ва оролчалар орасида оҳиста сузиб кетади. Бу орол ва оролчалар тропик ўсимликлар вакиллариининг энг ажойиб намуналари билан безатилган ҳисобсиз гулзорлардир. Улар бутун Замбезини, унинг бир ярим минг метр бўлган кенгликларини қоплаб олган. Ҳар бир шохи битта дарахтга тенг улкан баобаблар; гуж-гуж мевалари ёрқин-қизилранг бўлган мотсури; энг тепасида бир боғлам барглари бўлган тиккомат палмалар; кумушбаргли могононлар, назик мимозалар — ҳаммаси ана шу эртакнамо ҳосилдор ерларда бир-бирига чирмашиб кет-

ган, ҳаммаси куёшга интилади, ҳаммаси шабнам билан сугорилган.

Шаршаранинг шовкини таъсир қилмаётган жасур қайикчи сув унча баланд бўлмаган вақтда хавфли бўлмаган сувости тошлари ва ўпконлари орасидан секин ўтиб боради. Эшкакни бир неча бор эшилса бўлди ва у тоғ жинсларига ёпишган ва нариги томонида тубсиз жар ётган оролга етиб келади.

Агар қайикчи ҳаяжонини боса олса, агар унинг боши айланмаса, агар у жарнинг ёнигача келиб ўнг томонга қарай олса, у Замбезининг бор бўйи билан кенглиги ниҳоят олтмиш метр бўлган базальт ёруғига кириб кетаётганини кўради: одатда бильярд шари лузага шундай қулайди. Бу баҳайбат сув массаси ўзининг тор кафасида қутуради, ўкиради ва ниҳоят ўзидан қирқ метрча нарида торгина йўл топиб гулдураганча далага интилади.

Сувнинг ҳамма инжикикликларини кузатиб тура олишнинг иложи йўқ. У фақат булутни, кўпиртирилган олпоқ кўликнинг парчаларинигина фарқлайди. Булутдан баландлиги саккиз юз метрча бўлган буғ оқими кўтарилаяпти ва иккита яраклаётган камалак дарахтларда, сув ва қояларда акс этиб, ана шу олмос каби зарраларда ўйнаяпти.

Доктор Ливингстон Боғ Орол деб атаган бу марказий орол шаршаранинг юқори қўлтиғида жойлашган бўлиб, шаршарани икки қисмга бўлиб туради.

Сайёҳ чапга қарайдиган бўлса у кўпириб ётган масса-ни бемалолроқ кўриши мумкин: у айкириб ётган сув оқимининг иккала томонида турган тепаликларга интилади. Кузатувчи кўзи билан сув тушаётган қоянинг баландлигини ўлчаши мумкин. Ғорнинг иккала девори тикка кетган. Сувнинг кўп асрлик таъсири натижасида ички девор арра каби гадир-будир бўлиб кетган, бошқаси эса бутунлай текис. Яна бир неча кадам ташлаб сув кўпайган пайтда ювилиб кетган қорамтир қояларни кўриш мумкин.

Бу ерда табиий чуқурлик бўлиб, кузатувчи балконда ўтиргандек ўша ерда ўтириб олиши мумкин эди.

У баҳайбат оким ўз ўзанини ташлаб бирдан тубсизликка тушиб кетаётгани ва тошларга урилиб қуёшда кўз-ни олувчи фейерверк каби оппоқ кўпикка айланаётгани кўради.

Кузатувчи гўё чуқурликдан чиқиб келаётган буг устунларининг пайдо бўлишида ўзи ҳам иштирок этаётганга ўхшайди. Бу устунлар, афтидан, сувнинг сиқилиши натижасида, унинг оғирлиги тушиш тезлигига кўпайтирилиб, у жуда тор жойга тушиши сабаб пайдо бўлса керак.

Фақат шу ердангина кўринадиган жуда чиройли камалак буг устунларини ёғду билан ўраб туради.

Ўз кузатув пункти баландлигидан туриб сайёҳ тупроқ табиатининг бирдан ва бугунлай ўзгаришини кузата олиши мумкин.

Ўз ортидан бир неча метр нарида, оролларда у орасида узунтумшукли нозик ҳаворанг калао, худди жон кирган қимматбаҳо тошдек ҳаракатчан қолибри ва сайроқи тўтиқушлар юрган межтропик ўсимликларнинг ажойиб намуналарини кўриши мумкин. Пастда эса тупроқ геологик жараёнлар натижасида бутунлай бузилиб, унумсиз бўлиб қолган.

Александр енгилгина қайикни энг уста тубжойли одам эшкак эшгандан ҳам кўра усталик билан бошқарар экан, у тўлқинлар ичра аста сузиб кетди. Одатда, қоратанлилар фойдаланадиган узун белкуракни йигит бир жуфт енгил эшкакка алмаштириб уларни Роуинг-клуб лауреатининг усталиги билан ишлата кетди. Қайикча худди Аржантейл, Аньера ёки Жуанвиль-ле-Понда бўлаётган сув мусобақасида каби дарё оқими бўйлаб у ер бу ерда оролчалар сифатида ўсиб ётган кўплаб тропик гулзорлар орадаб енгил сузиб кетарди.

Иккала каталониялик ҳайратда эдилар.

– Эҳе! – хитоб қилди Альбер. – Ҳамма нарсага уста экансан-ку!

– Жим! Мақтама – кўзинг тегиб қолади.

– Мана, энди!

– Ишонмайсанми?... Ўқлар чийиллаётганини эшитмаяпсанми?

– Чиндан ҳам... Жин урсин! – деди Жозеф. – Мен уларнинг товушини жуда яхши танийман. Ҳозир бу товуш «Смит ва Вессон» системасидаги револьвердан чиқди. Ёмон қурол эмас. Бироқ бу моллар уни ишлатишни билишмайди.

– Сиз бунинг учун пушаймонмисиз?

– Аксинча, месье Александр. Мен дуэлда курашганим америкаликнинг глазомери яхшироқ бўлганда менинг каллам аллақачон майда-майда бўлиб кетган бўларди.

– Мана, кўрдингизми, ҳозир эса каллангиз жойида турибди.

– Карай!.. Бу тентак менинг бир стакан сувимни ағдариб юборди... Бунинг устига атайдан... Мен унга ҳеч қандай ёмонлик қилмаган эдим. Кейин эса у менинг устимдан очикчасига кула бошлади!

– Бироқ, бир нарсани тан олиш керакки, сиз уни бу иши учун жуда катта ҳақ тўлашга мажбур қилдингиз.

– Балки. Биласизми, мен ҳеч қачон ҳам яхшиликни, ҳам ёмонликни унутмайман.

– Бўлди, – деди крральдан ажойиб тарзда кутулишгандан сўнг куч-қуввати қайгаётган Альбер. – Александр, сен яхшиси, қаердан келиб қолганингни айтиб бергин.

– Кейин айтиб бераман. Сен ҳозир биз шаршарадан уч юз метр нарида Замбезини кесиб ўтаётганимизни сезмаяпсан ҳам, шекилли. Бу худди фокуснинг ўзи. Бахтимизга, сув камайган, акс ҳолда озгинагина туртки ва биз оролчалар ўртасидаги ирмоққа тушиб колардик. У ҳолда эса ҳалок бўлардик. Мен қайикни бошқара олмасдим ва биз бир юз эллик, икки юз метр баландликдан сакрашимизга тўғри келган бўларди. Менга мақололо қабиласидаги душманлари қувлаган батоклар қоратанлилар эҳтиётсизлик қилиб шу ерга чиқиб гирдобда ҳалок бўлишганини айтиб беришган.

– Сен, афтидан, бу ўлканинг тарихини ўрганиб чиқишга улгургансан, шекилли. Йўқ, нима десанг ҳам, сен ҳақиқий сайёҳ бўладиганлар сирасидансан.

– Сен ошириб юбораяпсан! Тўғри, мен батоклар тарихини озгина биламан. Улар шу ерларнинг аҳолиси бўлишган, бироқ қонли жанглардан кейин мақолола қабиласининг сардори ва доктор Ливингстоннинг дўсти бўлган Себитуане уларни бу ерлардан ҳайдаб юборган... Ах!

– Нима бўлди?

– Саёзликка чиқиб қолдик. Жим! Хотиржам бўлинглар, бу хавфли эмас. Тўғри, қайиғимизнинг ботгани йигирма беш сантиметрдан кўп эмас, бироқ сув шунчалик пастдаки, қайиғимизнинг таги тошларга суркалиб кетаяпти.

Александр қайикни чиқариш учун эшакларга ётиб олди. Альбер уни тўхтатди:

– Бир неча дақиқа тўхтагин. Мана бу гўзалликка тўйиб олишга қўйгин. Мен дунёни қанча кезиб қўйган бўлсам ҳам, ҳали бунақасини кўрмаган эдим.

– Хоҳлаганингча томоша қилавер, дўстим Альбер. Мен бу мўъжизани йигирманчи марта кўраяпман, бироқ у ҳали ҳам мени ҳайратга солади. Биз ҳозиргина бошимиздан кечирган бари қийинчиликлар учун бу бизга берилган мукофот. Биз бу ерда бизни қувиб келишаётганидан кўркмасак ҳам бўлади, ҳеч қандай ўқ бизга ета олмайди. Бемалол маза қилишнинг мумкин.

Альбер ва Жозеф олдиларида пайдо бўлган манзаранинг буюклигидан ҳайратда эдилар.

– Фақат, бир нарсага эътиборларингизни тортмоқчиман. У кўринишидан камтарона, бироқ ҳайратланса арзийди.

– Нима экан?

– Эшак билан кўрсатаётганим тарафга яхшилаб қарагин. Нимани кўраяпсан?

– Иккита баланд дарахтни. Биз ҳозиргина ташлаб кетганимиз унча ҳам меҳмондӯст бўлмаган жойдан юз метрча нарида.

– Сен булар қандай дарахт эканлигини биласанми?

– Йўқ.

– Булар акация дарахтлари.

– Бўлса бўлаверсин.

– Мен ҳам шундай дейман. Энди мен томонга ўгирилиб эшакнинг нариги учига диққат билан қара. Нимани кўраяпсан?

– Қора қояни. У худди ёдгорлик каби тикка, пастини эса сув бир оз ювиб кетган.

– Зўр. Анави икки нукта ўртасида эсачи?

– Мен яшил оролни кўраяпман. У саёзликка ёпишган.

– Жуда яхши! Бу уч нукта сенга ҳеч нарсани эслатмаяптими?

– Йўқ!

– Хотирамни кара-ю!.. Мен сенга ҳозир бир нарса айтиб бераман. Шунда эсларсан, балки... Бу воқеа жуда қадимда бўлиб ўтган. Бироқ у ҳамманинг эсида қолган ва мен ҳатто бу воқеани жуда яхши эслайдиган бир қарияни учратиб қолгандим. Батоклар қабиласининг учта сардори бу оролчани ибодат қилиб, барим худоларига қурбонлик келтирадиган жой қилиб танлашган. Ибодат пайтида улар юзларини жар ичидан чиқаётган булутларга каратиб, ўз дуоларини шаршаранинг овозига қўшиб айтишган. Табиийки одамни ўзига ром этадиган манзара уларда ҳаяжон ва қўрқув уйғотган. Ҳатто, маданийлашган одамлар ҳам бу ерда ўзларини хотиржам тута олишмаган бўларди. Батоклар жарлик устида тутаб турган бу бешта устунга қараб, кеча-ю-кундуз узоқ масофадан ҳам эшитилиб турадиган қар қилгудек шовқиннинг сабаби айнан шу устунлар, деб ҳисоблашган. Улар бунинг сабабларини тушунишмаган ва бу устунларни кўзга кўринмас баримлар ҳаракатлантиради ва айнан ўшалар гинмай жарнинг тубига уришади деб ўйлар эдилар. Шу-

нинг учун ҳам уларни «Мотсе-оа-Баримос» – «Худолар устунлари» деб аташган. Ибодатдан сўнг одамларни қурбон қилиш бошланган, балки шундан сўнг одамхўрлик ҳам бошлангандир. Оми одамлар ўлиб қолсалар ҳам бу оролчага яқинлаша олишмаган. Бу жой муқаддас саналган ва Ливингстонгача бу ерга ҳеч қандай европаликнинг оёғи етмаган. Кейин бу ерда овчи Болдуин бўлган; учинчи бўлиб эса доктор Ливингстоннинг акаси Чаръз бўлган; тўртинчи одам эса – машҳур инглиз табиатшуноси Томас Бейнс бўлган. Булар ҳаммаси йигирма йил бурун бўлиб ўтган ва ўшандан бери бизгача бу ерларда оқтанлилар бўлганми ёки йўқ, мен билмайман. Ҳар ҳолда, бу ерлардан мақололо қабиласи ҳайдаб чиқарган охириги батоклар бу ерларда ўзлари учун қимматбаҳо бўлган нарсани шу ерда қолдирган бўлишлари керак. Менинг бунга ишончим қомил. Шундай экан, Альбер, бу акациялар, сув устида қад кўтарган бу учли қоя, бу оролча... сенга ҳеч нарсани билдирмаяптими?..

– Хазина!.. Кафр қиролларининг хазинаси!..

– Батоклар ҳам худди мақололо қабиласи каби кафрлардир. Шундан келиб чиқиб, агар қайнатанг сенга берган қоратанли Лакмининг кўрсатмаларига кўра тузган харитаси тўғри бўлса, биз уларнинг қиролларининг беҳисоб хазинаси кўмилган жойда турибмиз, деб ишонч билан айтиш мумкин.

– Бироқ у уч акация ҳақида ҳеч нарса демаган!

– Бир ҳафтагина бурун улар учта эди. Биттасини мен йикитдим. Ҳар эҳтимолга қарши. Бу хазинани биздан бошқа қидираётганлар ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Улар хазинанинг изига туша олишмасин.

– Баракалла, дўстим! Бундай эҳтиёткорлигинг учун сени мақтамаса бўлмайди. Бироқ, шу ерда эканмиз, бу жойни харита билан солиштириб кўрмаймизми?

– Марҳамат, бироқ мен бунга эҳтиёж кўрмайман. Жозеф, сиз ҳужжатларни сақлаб қўйганмисиз?

– Мен уни кўзимнинг оку-корасидек асраяпман, месье Александр, – овчи курткасининг ички чўнтагини шоша-пиша кавлашга тушиб, деди каталониялик.

– Менга беринг, илтимос.

Йигитнинг юзи докадек окариб кетиб, у бўғиқ овозда баҳира кетди:

– Мен... мен... ёнимда йўқ, ўғирлаб кетишибди... Мени тунаб кетишибди... Кечагина ёнимда эди. Карай! Уни мен америкалик билан дуэлга тушганимдан сўнг олишган! Бу мени қўлларида осмонга отган бандитлардан бири олган.

– Нима ҳам қилардик, – файласуфона оҳангда деди Александр. – Энди ҳеч нарсa қилиб бўлмайди. Энди биз иложи борича тезрок ҳаракат қилишимиз керак, чунки бу сирни биладиган ёлғиз бизлар эмасмиз. Ва харитани олган одам нима қилаётганини, бу ҳужжат қандай қимматбаҳо эканини яхши билган.

– Бурлар! – ғазаб билан қичқирди Альбер. – Шу бандитлардан бошқа ҳеч ким олмаган!..

БЕШИНЧИ БОБ

Мастер Виль ва руҳоний ҳазратлари ҳақида суҳбат. — Оролда тушиб қолиш. — Александрнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган саргузаштлари. — Ажойиб топилма: тимсоҳнинг ошқозонида ов куртқаси. — Нарсаларни қандай қилиб ҳўл ўтмайдиган қилиш мумкин. — Ойлинда. — Драмадан сўнг — комедия. — Африка подшоҳи билан учрашув. — Магопо қироли олийларининг миннатдорлиги.

* * *

Қаттиқ бир туртишдан сўнг қайиқ саёзликдан чиқиб кетди.

— Ҳозиргина менинг ўхшашим менга бизнинг оролга иккита октанлини жўнатганини айтганди. Унинг тасвирилашича бу мастер Виль ва руҳоний ҳазратлари бўлиши керак.

— Чиндан ҳам! — деди Альбер. — Биз сенинг пайдо бўлиб қолганинг ва краалда бўлган ходисалардан шунчалик ҳайратда эдикки, бу сирли жанобнинг гапларига етарли эътибор ҳам берабмиз.

— Агар у одам ҳақида айтиладиган гапларга ишонадиган бўлсак, у катга йўлдаги қароқчи. Шунинг учун ҳам одамлар унга ўхшаганим учунгина ҳам мени жуда катта миқдорда пул тўлашга мажбур қилишмоқчи эди. Аблах! Ҳар ҳолда у орқамиздан қолмаётган бу иккитасини куруқ ерда қолдирса ҳам бўларди. Улар менинг жонимга тегиб кетишди.

— Менга-чи? Ахир, Қалахари бепоён-ку. Мен нега энди биз бу шубҳали миссионер ва ундан ҳам шубҳалироқ бўлган америкаликни ўзимиз билан олиб юришимиз кераклигини тушунмаяпман. Улар бизга чакамугдай ёпишиб олишди.

— Миссионер-ку майли, чидаса бўлади — ҳар ҳолда мақсадлари яхши, бىроқ нимани излаётгани номаълум

анави найнов-чи? Менинг асабимга тегиб кетаяпти. Масалан, конга ишлагани борса бўлмайдимми? Энди эса биз мана шу кичкинагина оролда ҳам унинг шу ерда эканига чидашимиз керак! Бир-биримизга бир оғиз сўз айта олиш учун бир дақиқа ҳам ёлғиз бўла олмаймиз.

– Бунинг йўлини топса бўлади. Тўғри оролга қараб сузишнинг ўрнига мана бу чиройли гулзорлардан бирида тушиб қолишимиз мумкин. Қара, улар қанча!

– Бўлади. Ёлғиз гаплашиб олишимиз керак.

– Демак, эртагача дам оламиз, эртага эса оролга қараб кетамиз. Биз тез орада у ерда бўлишимиз керак бўлади.

– Бизни у ерда қувлашлари мумкинлигидан хавотир олмайсанми?

– Билишимча, қирғоқда қайиқлар йўқ. Қоратанлиларда бўлмаса, агар. Бироқ қоратанлилар бизнинг олмос изловчиларимиздан тўйиб кетишган. Қоратанли қайиғига кондан келган одамларни ўтқазмайди, мабодо чўктириб юбориш нияти бўлмаса. Кейин, яна: тунда кесиб ўтишга ҳамманинг ҳам юраги дов бермайди. Агар улар кундуз куни келиб қолишса, биз бошлаб уларнинг адабини берамиз.

Чорак соатча ўтгандан сўнг учта калао ва учта кулранг тўтиқуш ерда чўзилиб ётарди.

– Демак, – гап бошлади Альбер, – сен қулликда бўлиб келганингдан кейин...

– Ҳозир, фикримни бир жойга жамлаб олай... Қандай саргузаштларни бошимдан кечирдим!.. Ахир биз бир биримизни мен яраланган антилопанинг изидан кетган куним йўкотгандик. Мен ўзимни умрида биринчи марта қуён отган боладек тутдим. Ўша кундан бери кўпи билан икки ой ўтди.

– Ҳа. Биз яна бушменлар «хопо» деб атайдиган қонли жангни ҳам томоша қилгандик.

– Мени қул савдоси билан шуғулланадиган португалияликлар тутиб олишганди. Ва бу айни тимсоҳ мени қуролсизлантирган вақтда юз берган эди.

– Буни биз биламиз. Биз, ҳатто сенинг карабинингни ҳам топиб олгандик. Сен учун жуда кўриб кетгандик.

– Мен шундай бўлишини сезгандим!

– Милтик қўндоғида тимсоҳ тишларининг изи турганини кўрганимиздан сўнг нима деб ўйлашимиз керак эди? Бироқ, шошма-чи! Биз бу карабинни анча бурун йўқотиб қўйгандик. У сенинг қўлингга қандай тушиб қолди?

– Ҳозир биласан. Қискача қилиб айтиб бераман. Краални ўтказиб юбораман, мени ва отимни чамбок билан уриб қийнаганларини ўтказиб юбораман, қочганим ва кетимдан бутун бир тимсоҳлар гўдаси қувлаганини ҳам ўтказиб юбораман. Ўрмондаги саргузаштларим, захарланган найзадан отимнинг ўлиб қолгани ва ҳ.к.з. лар ҳақида бугун гапириб ўтирмайман. Дарров асосийсига ўтавераман. Мен краалга олиб борадиган йўлни қидира туриб чарчаб қолдим ва бирпасгина ухлаб олиш учун ётдим, уйғонганимда эса бир талай қоратанлиларни кўрдим ва уларни дарров танидим. Бу муттаҳамлар менинг оёқ-қўлларимни боғлаб қўйишгани учун қимирлай ҳам олмаётган эдим.

– Улар ким экан?

– Миссионеримизнинг шериклари.

– Кўчманчи оркестрми?

– Худди шундай. Шериклари ёмон эмас! Аблахлар, қулжаллобларнинг ҳамтовоқлари! Ва улар яна ўзларини уларнинг қул етказиб берувчилари, деб аташади! Улар мен бушмен-қулларнинг озод қилинишида қатнашганимдан хабарлари бор экан, шунинг учун менга кунда қийғизиб, пирогога ўтказишди ва дарё оқими бўйлаб қўйиб юборишди.

– Хў-ўш?.. Кейин-чи?..

– Краалда мен қуллар нима қилиши керак бўлса, ҳамма ишни қилдим. Сизларга айтиб ўтганимдек тарик янчдим, уй ишларини қилдим – буниг учун мени чамбок билан сийлашди, сув ташидим, энагалик қилдим...

– Бу кўп давом этдими?

– Ўн икки кунча. Жуда жонимга тегди. Ва бир куни сув олгани дарёнинг олдига келганимда кўнгилни оздирадиган хидни сездим ва дарров шу яқин орада тимсоҳ борлигини билиб қолдим. Орқага карамай қочиш ўрнига, қаерда яшириниш мумкин экан, деб аланглай бошладим. Яхши ҳам дарров қочиб қолмаган эканман, чунки ҳўл қум устида баҳайбат тимсоҳ ётарди. Афтидан у анча илгари ўлган ва бутунлай ириб кетган эди. Шунда мен ўзимни кулгидан тия олмадим: бу баҳайбат махлуқнинг оғзида қандайдир тугун ётганди. Шунда мен тимсоҳни дарров танидим: эски таниш! Португалияликлар менинг отимнинг думига «бир оз шошмай тур» тиканагининг бир кучоғини боғлаб қўйишган эди, мен эса тиканакни курткамга ўраб, у менинг қандай мазали эканимни синаб кўрмоқчи бўлганда шундоқ тимсоҳнинг оғзига итариб юборгандим.

– Баракалла! Ва тиканаклар, албатта унинг томоғига тикилиб, у ўлган.

– Худди шундай! Бироқ энг қизиғи шундаки, куёшда у жуда тез чирийди, бундан эса газлар ҳосил бўлади, шунинг учун у сув устида худди қалқович белгидек турган экан. Чўкиш ўрнига у оқим бўйлаб аста сузиб кетган ва бахтга кўра мен тамом бўлаётган кишлок олдида бўлиб қолган.

– Мен бу ерда бахт қаерда эканлигини кўрмайпман...

– Сабр! Мен ахир сенга тиканаклар менинг курткамга ўралган эди, дедим-ку.

– Куртканг қай аҳволда бўлганини кўз олдимга келтираяпман.

– Оддийгина. Биринчи нав духобадан тикилган. Кейптаунга келганимизда мен сенга тикувчининг манзилни бераман. Тўғри, ҳамма ёғи тешилиб кетган эди, бироқ бунинг аҳамияти йўқ эди. Энг асосийси – чўнтаклари бутун эди. Шунинг учун мен биринчи бўлиб чўнтагини қарадим. У ердан олов ва пилик топдим. Тўғри, пилик ҳўл бўлиб кетганди, бироқ бу ернинг офтобида қуришиб

олиш кийин иш эмас. Кейин кичкина лупамни топдим – керак бўлиб қолган тақдирда чакмоқтош ўрнини босади. Ўнг устки чўнтагимда ўн иккита латун патрон билан Пертьюзе сочма ўқларини топдим. Бу латун гильзаларни жуда кўп марта ишлатиш мумкин.

– Бирок, азизим, порох нам бўлиб кашага айланиб кетган бўлса керак?

– Хато килаяписиз, азизим Альбер. Франциядан кетишдан олдин мен патронларнинг таги ва пилталарни каучук эритмаси ва олтингугуртли углерод билан мойлаб қўйгандим. Бу модданинг буғланиши намиқиши мумкин бўлган жойларда каучукнинг ингичка қаватини қолдирибди ва шу сабаб менинг патронларимга ҳўл таъсир қилмабди.

– Шундай ҳам дейлик. Пилталар-чи? Мен билишимча улар дарахтда ўсмайди...

– Сенинг хотиранг ёмон экан. Жозеф менинг каучукдан қилинган чап чўнтагим ҳам бор бўлганини яхши эсласа керак. Ва у сизлар Каталонияда «эчки териси» деб атайдиган чарм шишалардек ёпилиб қолибди.

– Ха, тўғри, эчки териси, – таъкидлади Жозеф.

– Ана ўша чўнтагимда уч юзта нам ўтмайдиган пилта бор эди. Ва бундан ташқари, ўқлар учун форма, гильзаларни тикиб қўйиш учун прибор ва саккизинчи калибрли сумба ҳам.

– Пижларни кесиш учун сумба? Бирок нимадан?

– Эҳ, граф Альбер де Вильрож, сен зўр сайёҳ бўлсанг ҳам, жуда ихтирочи эмассан. Мен пижларни нимадан қилдимми? Дарахт пўстлогидан, чармдан, ҳамма нарсадан! Порох билан кўрғошин эса ҳамма ерда топилади. Фургончилар бутун Жанубий Африкани таъминлаб туришади.

– Бу ҳаммаси тўғри, баҳслашмайман. Бирок, куроллинг, ҳеч бўлмаса оддийгина тўппончанг бўлмас экан сенинг бу приборларинг, латун гильзаларингдан нима фойда?

– Сен ўзинг кўз олдингга келтир: мен қоратанли хўжайинларимникида ишлаётганимга эндигина уч кун бўлганда кимдир бир тўп европа қуролларида олиб келди. Мен уларни кўриб, титраб кетдим: мен саккизинчи калибрили учта катта қарабинни кўриб, дарров танидим.

– Улар бизники бўлган бўлса керак, жин урсин! Улар мени қаергадир – ўзим ҳам қаергалигини билмайман, чунки иситмада қуйиб ёниб ётгандим, оқизиб кетган плотда ётганди... ва...

– ... ва плот ағанаб кетди. Бироқ қандай қутулиб қолганингни тушунаман. Сен буни ҳозир айтиб берасан. Нима бўлганда ҳам плотингизнинг бўлаклари менинг хўжайинларимнинг қўлига тушган. Мен сизларнинг қуроллариңиз ёнидаги ўзимнинг севимли қарабинимни кўрганимда менинг изимга тушганингни тушундим. Қарабиннинг тузилиши қоратанлиларни жуда қизиқтириб қолди. Улар кремнийли милтиқни сал-пал билишади, бироқ бу турдаги қуроллари ҳали кўришмаган. Улар қарабинларни ҳар қанақасига айлантириб кўришди, бироқ қандай отиш кераклигига ҳеч ақллари етмади. Хуллас иш шу билан тугадикн, улар қарабинларни пивога алмаштиришди. Ўз ўзидан тушунарлики, қарабинларнинг янги эгалари ҳам уларни нима қилишни билишмади ва ахири, улардан найза ва ўклар қилишни режалаштириб, ташлаб қўйишди. Ва менинг қарабиним нарсаларни бўлишаётганда мен энг кўп ишлаб бераётганим одамга тегди. Бу ажойиб қуролга мен қандай ҳасад билан қараганимни тушуниб турган бўлсанг керак. У агар менинг қўлимда бўлиб қолганда, албатта патронлари билан, мен бутун қабилани кўркувда ушлаб турган бўлардим!..

– Тасаввур қилаяпман! Сен қуртқангнинг чўнтақларидан бутун бир қурол-яроғ омборини топиб олдинг ва озод қилишларини талаб қилмоқчи бўлдинг! Азизим Александр, сен жуда омадлисан.

– Мен бундай деб ўйламайман. Мен яна кўп нарсаларга чидашимга тўғри келди. Бироқ омадим келиб қол-

ган экан, ундаи фойдаланиб колиш керак эди. Патронларим яхши ҳолатда эканини кўргач, мен карабинимни ўгирлаб олиб, стволини у тентаклар тиқиб қўйган ҳар хил нарсалардан бўшатиб, зарядлаб қўйдим ва ўз ўзимга «Нима бўлса бўлди!» дедим. Кейин ҳамма чуқур уйқуга кетгандан сўнг хотиржамгина шимолга қараб йўл олдим. Тун бўлса ҳам, ой ҳаммаскни ёритиб турганди.

– *Per amica silentia lunae*, – гап қўшди Альбер.

– Шунга ўхшаган. Қурбақа ва қарқаралар берилиб сайрашаётганди. Бирок цитата учун раҳмат. Уларни Замбезида эса олишаётганини билишса, классикларимиз жуда хурсанд бўлишарди. Хуллас, мен сувда юриш, тарик майдалаш ва маошини чамбоқ кўринишида олиш жонига теккан одам каби кетаётгандик. Ҳамма эҳтиёткорлигимга қарамай, мен қўрққан нарса содир бўлди. Қуёш чиққандан сўнг уч соатлар ўтар-ўтмас рўпарамда қуроолланган йигирматача одам пайдо бўлди. Улар шу ерлик аҳоли эди. Мен дарахт ортига яшириниб, ўйладим: агар жонимни сотадиган бўлсам, қиммат оламан. Улар эса бақириб, чақириб тўғри мен томонга келишаяпти. Мен қуrolимни ўқталиб туриб, балки улар тўхташар, деб ўйладим. Бирок у тентаклар, карабин барибир отмайди, қўрқадиган нарса йўқ, деб ўйлашаётган эди. Улар менга етишга йигирма қадам қолганда бақириб-чақириб, пайзаларини ўйната бошлашди. Энди ўйлаб ўтиришга вақт йўқ эди. Мен ўк уздим! Дўстим, худди пушкадан отгандек бўлди! Ўзинг ўйлаб кўр: ўн етти грамм инглиз порохи! Учта одам ерга йиқилди. Портловчи ўк нималар қилганига қарап даҳшат эди.

– Ишонаман! Бундай ўк билан филни ўлдирса бўлади!

– Бунинг устига улар бирин-кетин туришганди.

– Афсус!..

– Бечоралар!.. Бошқа отишимга тўғри келмади – ша-роит энди менинг қўлимда эди. Улар худди антилопалар

тўдасидек қочиб кетишиб, кўздан йўқолишди. Мен озод бўлдим.

Александр ўчоқ устида шитирлаётган хушбўй қуш гўшти тортилган сихни айлантириб қўйди.

– Пьесанинг иккинчи актига ўтаман. Драмадан сўнг – комедия. Бунинг устига ичак ичак узадиган даражада кулгили. Мен неча кунлигини ўзим ҳам билмайман, кетавердим, кетавердим ва бир куни кечкурун катта филни ов қилишаётганига дуч келдим. Юзтадан кўп қоратанли овчилар. Филга худди ниналар қадаладиган ёстиқчадек найзалар тикиб ташланган. Йиқилай-йиқилай деяётганга ўхшарди. Бу гўшт тоғига қараб овчилар хурсанд бўлиб бақиривчаётганди. Мени қуюқ буталар тўсиб турибди. Мен бу ишда қандай иштирок этишим кераклигини билмай, ерга ётиб, кута бошладим. Филда талваса бошланди. Узоқ бўлмади, лекин тоза даҳшатли эди. У охириги марта жуда кучли ҳаракат қилди, кулоқларини кўтариб, хартумини чўзиб шундай қарнай чалдики, мен титраб кетдим. Шундан сўнг у орасида бошига ўт ўчирувчиларнинг қизил каскасини ва қип-қизил инглиз генералининг мундирини кийиб олган одам турган гуруҳ томонга қараб отилди. Унга яна бир талай найзалар отган бу бечораларни эзгилаб ташлаш фил учун бир дақиқалик иш эди. Фақат ўт ўчирувчигина бир амаллаб оёғида туриб қолди. Фил хартуми билан уни ўраб, сиқа бошлади. Бечора жўжа каби ёрдамга муҳтож эди. Шунда аралашиниш учун менга навбат келди. Мен қарабинимни олиб, тепкини босдим. Ўқ товуши янгради, ўқ филнинг – фил суягига ўчлар учун энг яхши жой – кўзи билан қулоғи ўртасига теккан эди. Унинг мия суяги қовоқдек ёрилиб кетди. Фил аввалига хартумини бўшатиб, кейин орқа оёғига турди. Кейин ёнбошига ағанади, бу пайтда эса ўт ўчирувчи Жанубий Африка пантеонининг ҳамма тангриларга ёлвориб, ўрмалаб чиқиб келди. Мен шунда секин чиқиб келдим. Қу-ролимдан ҳали ҳам тутун чиқиб турарди ва ўт ўчирувчи мени кўриб, уни ким қўтқарганини тушунди. У тезгина

филнинг кучоғидан сўнг гижимланиб кетган мундирини текислаб, бошидаги каскасини гўғрилаб қўйди ва менга қўлини чўзиб, зўрга тушуниб бўладиган инглиз тилида менга миннатдорчилик билдира бошлади. Аслида гапларидан ҳам кўра унинг мимикаси ишонарлироқ эди. Муз эриган эди. Фил гўштининг бир қисмини шу ернинг ўзида бўлишди, мени эса ҳурмат билан сардори менинг янги танишим бўлган краалга караб олиб кетишди. Маълум бўлишича, менинг аралашувим Замбезининг юқори оқида яшовчи охирги батоклар ҳукмдори бўлган подшоҳ Магопонинг кимматли жонини сақлаб қолган экан

У ерга қандай етиб борганимиз ва бизларни қандай кутиб олишганини тасвирлаб ўтирмайман. Шундай қилиб, биз ўртасида Магопо жаноби олийларининг кулбаси турган краалга етиб келдик. Ҳақиқий сарой. У ердаги шароитни кўриб мен хайратга тушдим. Бир оз тинчланган монарх тахт ўрнатилган хонага ўтди. Ҳақиқий зал ва ҳақиқий тахт.

— Ҳазиллашаяпсан! -- хитоб килди Альбер.

Дўстининг бу ажойиб хикояси уни ёш боладек қизиқтириб қолган эди.

Жаноби олийлари жойлашиб ўтирган қирол тахти аноррангидаги духоба юлдуздек ярқираётган михлар билан қопланган ажойиб кресло экан. Ерга бўйра ташланган, бўйрага эса мени кулдириб юборай деган турлитуман предметлар ажойиб бетартиблик билан ташлаб қўйилган: у ерда кумушдан ясалган чой сервиси, бир пойлакланган шпорали этик, Инжил, катта, бутунлай яп-янги инглизча чемодан, юмалок никел гардишли металл барометр, шиша идишлар ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар. Улар орасида алоҳида бўлиб Флераннинг доктор Эгизье томонидан мукаммаллаштирилган суғориш прибори турибди.

Африканинг подшоҳлари меҳмондўст, уларнинг содадилликлари эса қўп ҳолларда этикет қоидаларига қарши боради. Бир дақиқа ўз тахтида ўтириб, Магопо худди

жиддий қарор қабул қилгандек ва тақдир ўйинлари ўзини қарздор қилиб қўйган одамга ўз саҳийлигини кўрсатмоқчидек, индамай ўрнидан турди. Гавдасини ғоз тутиб чемоданидан «Эгизье» системали наргилени ечиб, чемоданини очди ва унинг ичидан ... Йўқ, ўзинг топ!

– Олтин Руно ордениними?

– Йўқ! Кулоқли идишча!..

Альбер ва Жозеф кулавериб қотиб қолишди.

– Кулоқли идишча! – ҳикоясини тантана билан давом эттирди Александр. – Устига кумуш қопланган идиш. Битта флаконда тўқ қаҳрабо рангли, иккинчисида эса зумрад рангида товланаётган суюқлик бор эди. Саройнинг олийнасаб мансабдорлари чурқ этмай бу маросим қачон тугашини кутиб туришарди. Бироқ мен учун булар жуда қизиқиш уйғотаётган эди.

Магопо менга ҳурмат кўрсатди. У олтиндек суюқлик солинган флаконни очиб, финжонга қуйди ва ҳурмат билан менга узатди. Менинг иккиланиб турганимни кўриб, ўзи бир неча култум ичди, тилини тақиллатиб қўйиб, қолганини менга узатди. Кўнглим хотиржам бўлиб, шошмай ҳаммасини ичиб қўйдим. Сизларни кўп қийнамайман, кейин нима бўлганини билишга қизиқиб кетаётганингизни кўриб турибман. Бу ичимлик ажойиб турин вермути экан. Уни бу ерларга сайёҳлар олиб келишган. Монархнинг кўнглини олиш учун бу содда одамга ёқиши мумкин бўлган нарсани унга совға қилишган.

Иккинчи флаконда эса абсент экан, ҳақиқий Перно. Мен унинг зиёфатини қанчалик ҳурмат билан қабул қилаётганимни кўриб жаноби олийлари қандай хурсанд бўлганини кўрсангиз эди. У мени ҳар сафар у ичимликларнинг номини қайтаришга мажбур қиларди. Ниҳоят у флаконларнинг устини беркитиб, қайтиб чемоданига солиб қўйди Мен беихтиёр чемодан ичига қараб кўзларим қамашиб кетди. Мен олмос конида деярли бир йил ишлаган эдим, бироқ тошларнинг бундай ажойиб коллекциясини кўрмаган эдим. Магопо менинг беихтиёр қилган ҳа-

ракатимни сезиб қолди. Бир ховуч ялтираб турган тошни олиб, ўз тилида сўради:

«Оқлар бу тош нималигини билишадими?»

«Ҳа, — деб жавоб бердим мен. — Ва уни жуда қадрлайдилар».

«Унда ола қол, — деди у. — Чунки сен дўстсан».

Бироқ мен унинг нодонлигидан фойдаланиб, бундай қимматбаҳо совғани олишни истамадим. Рад қилдим. У эса сўради:

«Тегирмонтошларига ишлов бериш учун октанлиларга бундай оловли тошлар кўп керак бўлса керак, а? Бизга эса бир нечтаси ҳам етади».

«Йўқ, бундай эмас, — мен унга бизнинг цивилизациялашган дунёмизда олмос — катта бойлик эканини қандай тушунтиришни билмас эдим. — Гап шундаки, — дедим мен, — бу тошлар эвазига сен шунчалик кўп ичкилик олишинг мумкинки, улар билан бутун бир кенг ва чуқур қўлни тўлдириш ва бу қўлда беш юзта фил чўмилиши мумкин».

Менинг бу гапимдан сўнг жаноби олийлари ҳисоблашга берилиб кетди, бироқ сал ўтмай ақли етмаган меҳнатдан боши оғриб кетган одамдек, бошини силкиди. Сўнгра чемоданини очди ва энди мен ҳеч нарса қила олмадим, чўнтагимга олмослардан солиб, деди:

«Мен сен бу тошларни олишингни истаيمان. Октанлилар мамлакатига қайтиб борганингда менга абсенг ва вермут юборасан».

Альбер де Вильерж Жанубий Африкада гийбатни яхши кўришар экан, деган қарорга келади. — Омадсизлик. — Заколело қабиласининг батоклар мамлакатига бостириб кириши. — Ерли аҳолининг безгак билан курашиш усуллари. — Дудланган сайёҳ. — Очарчилик мамлакатида. — Бошидан ҳеч қачон саргузаштлар ўтмаган одамнинг ғаройиб саргузаштлари. — Жозефнинг одиссеяси. — Нотаниш одам билан учрашув. — Александрнинг ўхшаши хизмати учун қиммат ҳақ олади.

* * *

Қисқагина дам олиш пайти бўлиб, бу вақт давомида ажойиб тарзда яна қайта учрашган уч дўст иштаҳа билан овқатланиб олишди. Альбер бутун бир калао ва кулранг тўтикушнинг суякларигача тозалаб қўйди. Одатда, бундай тасодифий ва қисқа ўтиришларда одамлар тез ва индамай ейишади. Кўп гапиришнинг имкони ҳам йўқ: ноқулай шароит, энг оддий овқат, зираворлар йўқ, вино йўқ. Маълум бир шароитларни ҳисобламаса, бу пайтларда одамлар маза қилиш учун эмас, мажбурият юзасидан овқатланишади. Экспедицияларда одамлар ейишмайди, овқатланишади. Ва тезлик билан.

— Сенинг батоклар сардоринг менга ғалатироқ одамга ўхшаб кўринаяпти, — ўт устига чўзилар экан, деди Александр.

— Нима бўлганда ҳам ажойиб йигит, — жавоб берди Александр, — ва у ҳозир биз билан эмаслигидан афсусдаман.

— Унга нимадир қилдими? Бирор бахтсизлик содир бўлдими?

— Шундай бўлса керак, деб қўрқаман. Мен бу коратанли одамнинг нафақат меҳмони, балки дўсти ҳам бўлиб

қолганимни гапириб бериш ортиқча бўлса керак. У, билмадим, қандай қилиб, пикаколу илони чақиб олган бола ва ўша боланинг отаси бўлган бушменнинг озод қилингани тўғрисида эшитган экан. Ахир батокларнинг ери билан бизнинг бушмен дўстларимизнинг краали ўртасида қанча масофа бор. Менимча, етти градусдан кўпроқ бўлса керак, яъни саккиз юз километрча бор. Хуллас, ораси узоклигига ва алоқа қийинчиликларига қарамай, биз қилган иш Калахарини босиб, шу ерларгача етиб келибди.

– Ҳа, – унинг гапини бўлди Альбер, – Жанубий Африкада ғийбатлашишни яхши кўришар экан.

Александр қаттиқ овозда қувноқлик билан кулиб юборди.

– Ғийбатлашиш! Бу ажойиб қоратанлилар тўғрисида зўр гап бўлди.

– Мен фақат маҳаллий аҳолини кўзда тутмаяпман.

– Яна кимни?

– Ҳозир айтаман. Агар бизлар билан Калахарида нима бўлганини батоклар ва уларнинг сардоригина эшитган бўлса бир нави эди. Бироқ бизнинг отимизни олган сирли нотаниш кимса ҳам бизнинг кимлигимиз, қаерданмиз, қаерга ва нима учун кетаётганимизни билар экан. Шунини тушунмаяпман.

– Тўғри. Бу менга ўхшаш одам мени жуда қизиқтириб қўйди.

– Менимча у кафр қиролларининг хазинаси ҳақида билади ёки билиб олади. Афтидан, у бизга рақиб бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Агар у дўстинг Магопонинг чемоданида нима ётганининг исини олса, у ҳолда ...

– Мен ҳам айни шунини – Магопо йўқ бўлиб қолганини айтмоқчи эдим. Мен у танишимизнинг бу ишга алоқаси бор деб билмаяпман, бироқ хайрон бўлиб қолдим. Мен сенга айтиб ўтганимдек, батоклар менинг қоратанлиларга бўлган ихлосимни билиб мени яхши кўриб қолишди ва ўзларининг одами деб ҳисоблай бошлашди. Магопо борган сари ўзини менинг олдимда қарздор деб ҳи-

соблаб, мени баримларнинг сирларидан хабардор қила бошлади. Менга Ибодат қилиш Тантаналарида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Бу тантаналар ҳозир биз кетаётган оролда ўтказилар экан. Менга ана шу пирогани бериб, дарё бўйлаб юкорига ва пастга бемалол сузиш имкониятини беришди ва мен бундан бу жойни яхшилаб ўрганиб чиқишда фойдаландим. Айни мана шундай сайр қилишларнинг бирида мен оролдаги ёлғиз базальт стрелкасини, уч акация ва уларнинг ўзаро жойлашган ўрнини сезиб қолдим.? Шундай қилиб, мен қайнотанг кафр қабиласидан бўлган Лакмининг айтганларига асосланиб тузган харита тўғри эканига амин бўлдим. Бироқ бу жойларни яхшилаб ўрганиш учун менга вақт ва эҳтиёткорлик керак эди. Мен буларни Магопога айтишни хоҳламадим ва сизларни кута бошладим. Мен сабрсизлик билан, бироқ учрашишимизга ишончим қомил бўлган ҳолда кутдим.

– Нахотки? Сен ҳеч ҳам шубҳа қилмадингми?

– Бир дақиқа ҳам шубҳа қилмадим.

– Биз эса ҳалок бўлишимизга сал қолди.

– Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Бироқ биз омадсиз бўлишимиз мумкинми? Ва ниҳоят, ишонч яхши нарса. Ва, кўриб турганингдек, мен янглишмаган эканман – ахир биз бир биримизни топдик...

– Афтидан, сен тақдирга ишонувчисан, шекилли.

– Бу тақдирга ишониш – ўзимга ва сизларга ишониш.

Ҳар бир тадқиқотчининг кучи, омадининг асоси ана шунда. Биз Виктория шаршарасига бормоқчи эдик ва ҳеч нарсага қарамай, бора олдик. Бунда ғайритабиий ҳеч нарса йўқ, чунки инсон иродаси мўъжизалар яратишга қодир... Яна Магопога қайтаман. Менинг берилиб қидиришларим аввалига уни ажаблантирди. Бироқ сал ўтиб, назаримда у менинг тез-тез кетиб қолишларимга эътибор бермай қўйди. Бир ҳафтача бурун у мени четга тортиб, яқин кунларда баримларга янги қурбонлик қилишларини, агар бу экваториал худолар бизга хайрихоҳ бўлишадиган бўлса, у менга қизиқ бир сирни очишини айтди. Мен бу одам

ўзининг айёрлигини содда одам никоби остида яширмаётганмикин, аслида менинг айланишларим сирини билмасмикин, деб ўйлаб қолдим. Билмадим. Бироқ тантаналар эълон қилинган куни аскарлар ҳаллослаб келиб мақололо қабиласи аскарлари батокларнинг ерларини босиб олиш учун бостириб келишаётганини айтишди. Батоклар эса ўзларининг азалий рақибларига қаршилиқ кўрсатишни ўйлаганлари ҳам йўқ. Улар шоша-пиша қимматбаҳо нарсаларини пирогаларига солиб, кулбаларини ва олиб кета олмаётган ҳамма нарсаларини ёқиб юбориб, Замбези орқали сузиб кетиб, кўздан йўқ бўлиб кетишди. Магопо мен билан хайрлашиб, агар мақолололар кетишса, беш ойдан кейин кейин қайтиб келишга ваъда берди. Бундан ташқари, у менга шаршара яқинида қолишни маслаҳат бериб, мақололо қабиласи менга ёмонлик қилмаслигини, чунки доктор Ливингстон уларни оқтанлиларга ҳурматда бўлишни ўргатганини айтди. Мақололо қабиласидагилар менга ҳеч қандай ёмонлик қилишмади. Мен бемалол ўзимнинг ишимни қилиб юрдим, яъни кидирув ишларимни демоқчиман. Мен мақолололарнинг кетишларини сабр билан кутиб, ойнинг ҳаракатини кузатиб юрдим. Мен душманлари кетиши билан батоклар қайтиб келишади, деб умид қилаётгандим. Айни шу пайтда омад юлдузим мени конга олиб борди ва мен сизларни учратиб қолдим. Мана шунақа гаплар...

– Ажойиб! Сенинг ўғирланишинг, дўстим, асирлик, қочиш, Африка подшоҳининг қутқарилиши, унинг саройдаги эскифурушларникидек дўкони, бойлиги ва бир-биримизни топишимиз, сенга жуда ўхшаш дайди билан учрашиб қолганимиз – ҳаммаси жуда гаройиб.

– Энди эса, – гапида давом этди Александр, – сен ва Жозеф сизларга нима бўлгани ва қандай қилиб конга бориб қолганингизни гапириб беришинглар керак. Фақат ҳеч нарса қолдирмай! Менга ҳаммаси қизиқ. Биз яна бир соатча дам оламиз ва бизга ҳеч ким халал бермайди. Азим Жозеф, рақибларимизнинг қирғоғигиз қаранг-чи. У

ёқдан ортиқ ҳеч нарса эшитилмаяпти. Наҳотки, улар қувишдан воз кечишган бўлса? Мен қарши эмасдим...

– Месье Александр, ҳаммаёқ тинч, – ўзининг сарик сувларини кўз илғамас узоқларга оқизиб кетаётган дарёни тезгина кўздан кечириб, деди Жозеф.

– Яхши. Граф, сўзни сизга бераман.

– Менинг ҳикоямда энг қизиги, – гап бошлади Альбер де Вильрож, – бу унинг оддийлиги ва менинг босиб ўтган узоқ йўлимда ҳеч қандай алоҳида бир воқеа ёки тасодифларнинг бўлмаганидир. Сен йўқ бўлиб қолганингдан кейин биз Жозеф, Зуга ва бушмен билан сени қидиришга тушиб кетдик. Рухоний хазратлари ва мастер Виль ҳам, бу ўз ўзидан тушунарли, бизга қўшилишди. Ва бир кун биз кутуриб оқаётган дарёда плотда сузиб кетаётган эдик. Жала қуяётган, плотимизни пайраха каби оқизиб кетаётган эди. Шу пайтда мени безгак тутиб қолди. Ҳушимни йўқотдим ва қанча ётдим, билмайман Кўзимни очиб бушмен ва йўлбошловчимизни кўрдим. Плотдан ҳеч нарса қолмаган эди. Жозеф, рухоний хазратлари ва мастер Виль ғойиб бўлишган эди. Мен эса оёғимда зўрга турардим. Озгина ҳаракатдан ҳам бўшашиб кетаётган эдим. Бундан ташқари, кучли оғриқлар бўлиб, миямдан бошлаб бутун орқамга тарқалаётган эди. Жисмоний азобларга сизлардан хавотир олиш қўшилди. Хуллас, шароит жуда оғир эди. Менинг ажойиб қоратанли дўстларим мен беш кеча ва беш кундузни алаҳсираб ўтказганимни айтиб беришди. Сўнгра улар замбил ясаб, мени ётқизиб, саҳрода бирортаси учраб қолиб, ёрдам берар деган умидда кўтариб кетишади. Сизлар Зуганинг жуда ақлли ва юраги тоза йигит эканлигини сезган бўлсангиз керак. У менга жуда содиқлик билан қаради. Бушмен эса бу вақт ичида мени бушменлар усули бўйича даволади. У шохлардан кичкинагина чайла қуриб, устини катта барглари билан зич қилиб ёпиб чиқиб, бу қурилишга ари уяси шаклини берди ва мен бошимни чиқара олишим учун тешик қолдирди. Ҳамма нарса тайёр бўлганда у мени яланғоч қилиб,

чайлага олиб кирди. У ерда курук шохлар ва кандайдир хушбўй дарахтнинг бўлаклари ёниб ётар ва чайла тутунга тўла эди. Агар бошимни тешикдан чиқармасам, шу захоти нафасим қайтиб кетган бўларди. Мен дудлангандек бўлдим, натижада роса терладим – ҳамма ёғимдан тинмай тер оқарди. Бу бугхонадан чиқишга улгурмасимдан Зуга устимга муздек сувда ҳўлланган кўйлагимни ўради. Мен шу захоти хушимдан кетдим.

– Улар бундай қилиб сени ўлдириб қўйишлари мумкин эдику!

– Мен ҳам ўзимнинг қоратанли шифокоримга шуни айтдим. Бироқ у эътироз билдирди: «Сардор, сен кўрқма. Бу ажойиб даво: Дауднинг ўзи ҳам безгак бўлганда шундай даволанган. Ажойиб даво». Мен Ливингстоннинг ҳурмати олдида бош эгиб, ўзимни дудлаб, уқалаб, ишқалаб ва устимдан сув қўйишларига чидашдан бошқа чорам қолмади. Бироқ уч кунлик шундай ваҳшийларча даволашдан кейин мен соппа-соғ эдим. Сизларга яна нимани айтиб берсам экан. Мен кучга киришим билан йўлга тушдим. Шимолга томон йўл олдим. Ҳамроҳларим мени қўллаб-қувватлаб туришди, уларнинг содиқликлари бирор дақиқа бўлсин, қамаймади. Бахтга қарши, менда қурол йўқ эди – дарё бурилишларидан бирида плотимиз парчаланиб кетганда сувга тушиб кетган эди. Бироқ Зуга ва бушмен мен учун егулик топиб келишарди. Биз илдизлар билан, ёввойи мевалар, куртаклар ва ҳатто ҳашаротлар билан қорнимизни тўйдираддик.

– Тфу! – ирганиб хитоб қилди Александр.

Вильерж эътироз билдирди:

– Биз илгари қалтакесак ҳақида нималар ўйлаган ва нималар деган бўлмайлик, бироқ у – инсоннинг чин дўсти. Мен бунга тажрибамда ишондим. Кейин эса, вақти-вақти билан туяқушнинг уясини топганда ўзимизга зиёфат уюштирдик.

– Буниси яхшироқ.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Тўғри, туякушнинг тухуми жуда зўр ширинлик эмас, бироқ биз очликдан шундай азоб чеккан эдикки, бизга ўша тухумлар ҳам ажойибга ўхшаб туюларди. Кейин биз ёввойи қушларнинг қонига бориб қолдик ва уларни овлаб маза қилдик. Шундай қилиб кунлар ўта бошлади. Биз бир амаллаб олға юравердик ва кунлардан бирида мен шаршаранинг овозини эшитиб қолдим. Бу узун сайёхатдан менда учта таассурот қолди: безгак, очлик ва юриш.

– Шу ҳаммасими?

– Ҳаммаси.

– Ҳамроҳларингчи?

– Улар кондан нарироқда бўлсалар керак. Мен улардан хавотирда эмасман. Уларга ҳеч нарса бўлмайди, биз ҳали уларни яна кўрамиз. Мен бундай хилват жойларда қон ва оқтанлиларни кўраман, деб ўйламаган эдим. Шунинг учун ҳам разведкага ёлғиз жўнадим ва қоратанлиларга узок йўқ бўлиб кетсам хавотир олмасликларини айтдим. Чодирга кириб бўрганимда у ерда шовкин-сурон бўлаётган эди: бу бизнинг Жозефимиз ким биландир ҳақиқий шайгонлардек қурашаётган экан.

– Зўр, азизим Альбер! Ҳаммаси яхшилик билан тугабди. Энди сиз, Жозеф, бизга нималарни айтиб бера olasиз?

– Менда гапириб берадиган нарсанинг ўзи йўқ, месье Александр.

– Қанақасига гапириб берадиган нарса йўқ? Сиз осмондан тушмадингиз ва ҳаво шаридан йиқилиб тушмадингиз, шекилли?..

– Йўқ, мен зебра миниб келдим.

– Чинданми?

– Ҳа, месьеАлександр, зебрада, йўл-йўл от миниб келдим. У жуда тез чопар экан.

– Бундай отни қаердан олдингиз?

– Мен уни емоқчи бўлиб турган илонни ўлдирдим.. Илоннинг узунлиги саккиз метрдан кўп эди.

– Кейин уни нима қилдингиз?

– Терисини шилиб, зебра учун жилов ясадим.

– Жозеф, азизим, шошманг! Мен ниманидир тушунмадим. Тушунтириброқ гапиринг.

– Месъе Александр, ахир айтив вераяпман-ку. Зевра – бу оддий от эмас. Зебрани ўргатиш – бу жуда катта иш. У оёларини тапиллатив, осмонга сакрав, ерга ётив олив тишламоқчи бўлди. Бирок, Карай! Мен у шайтон вилан гаплашдим ба у мени тушунди...

Альбер кулиб юборди ва бу ҳикоячини бир оз хижолатга солиб қўйди.

– Биласанми, бизнинг Жозефимиз жуда ҳам гапдон эмас. Мана у яна «б» билан «в»ни чалкаштира бошлади, бу унинг ҳозир қанчалик ҳаяжонланаётганидан дарак бераяпти.

– Ҳечқиси йўқ, азизим Жозеф, давом этаверинг, – юмшоқлик билан деди Александр. – Биз ҳазиллашаётганимизни ўзингиз яхши биласиз.

– Хуллас, месъе Альбер плотда кетиб қолгандан сўнг мен ёлғиз ўзим қолдим. Мастер Виль ҳам қолди ва аравакашларга ўхшаб сўкина бошлади. У ўнг томонга кетди, мен эса чап томонга қараб кетдим, ва шундан сўнг бир-биримизни йўқотиб қўйдик. Эртаси куни мен каттакон илонни кўриб қолдим. У думи билан дарахтга ёпишиб олиб бечора зебрани ўраб олган экан. Бир ўқ билан мен у газандани ўлдириб, зебрани лиана билан боғлаб қўйдим. Бечора зебра оғир-оғир нафас олиб, худди тюлендек шишиб кетган эди. Мен унинг тўртала оёгини ҳам боғлаб қўйдим. «Яхши! – ўзимча ўйладим мен – Сен энди француз Каталаноиясилик бир зўр йигитни елкангда олиб юриш шарафига эга бўласан». Калта ўйлаган эканман! Энди устига чиқаман деганимда, ярамас типирчилай бошлади. Ох, бечора менинг бошим! Нима қиламан энди? Шунда бирдан хаёлимга илоннинг терисидан жилов ясаш мумкинлиги келиб қолди ва мен илонни счинтира бошладим! Карай! Жилов қилиб уни зебрага ўрнашгирдим

ва йўлга тушдим. Зебра манави жирафа деб аталадиган тўртоёқли туяқушдан ёмон юрмади. Тўғрироғи, у ҳатто манави туяқуш деб аталадиган икки оёқли жирафадан тезроқ ҳам юраркан.

– Наҳотки? Сиз мени ажаблантираяписиз.

– Мен ҳаммасини айтиб бердим. Фақат бир нарсани кўшиб кўйишни унутибман. Мен кўйлагимни ечиб, зебранинг кўзини боғлаб қўйдим. Кейин унинг қаншарининг пастки қисмига тешик қилиб, ўша ердан илон терисидан қилинган камарни ўтказиб қўйдим.

– Ие?

– Бу жуда яхши нарса. Мен шундай қилинган бирорта ҳам андалуз ҳачирининг гоҳ бўлганини эшитмаганман.

– Тасаввур қилаяпман!..

– Зебрам мени худди ўргатилгандек олиб кетди. Мен фақат жиловни ўнгга, чапга буриб турдим. Худди сувликдек...

– ...зебра чайнаб ташлай олмайдиган...

– Албатта. Мен йўлда кўп қоратанлиларни кўрдим ва улардан Виктория шаршарасига олиб борадиган йўлни сўрадим, бироқ улар ҳеч саволимга жавоб беришни исташмади. Улар менга худди мен осмондан тушгандек қараб, гапларимни мен поляк ёки оддий Оверни аҳолиси билан кастилча гаплашганимда улар мени қанчалик тушунишса, бу қоратанлилар ҳам мени шундай тушунишди. Шунда мен қуёшга қараб йўл олишга аҳд қилдим. Хуллас, биз учрашиб қолган қовокхонага етиб боргунча мен кетавердим, кетавердим.

– Шунинг ўзими?

– Шунинг ўзи, месье Александр. Ҳа, яна битта гап. Мен қоратанлиларимизни мактаб тўймайман, бироқ оқтанлиларимиз... Бу воқеа мен Олмос ўлкасига етиб келишимдан уч-тўрт кун бурун бўлган эди. Мен тоза чарчаб, оёғимни зўрға босиб келаётган эдим.

– Зебра каерда эди?

– Бу пайтга келиб зебранинг ўлганига ўттиз олти соат бўлган эди. У бечора овқат емай кўйган эди. Кейин бурнидаги яра йиринглай бошлади. Бу нарса биз бугун тун бўйи саҳродаги ёнгин орасидан ўтиб келганимиздан кейин бўлди.

– Сизлар ёнгинда қолдингларми?

– Бироқ менинг, ҳатто мўйловимга ҳам олов теккани йўқ. Отим антилопалар, шерлар, маймун ва туякушлар орасидан ўтди. Ҳайвонлар тикилиб ётган эди. Хоподагига ўхшаб. Зебра ниҳоят йикилиб қолди. Очликданми, ўлганиданми, ёки бошқа бир сабабми, билмайман. Мен яёв йўлимда давом этдим ва ҳўкизларга қўшилган катта фургонга дуч келдим. Мен ейишга овқат олиш учун уларга беш фунт стерлинг олтин... таклиф қилдим. Сиз менга олиб юриш учун берган пулдан... Пул ёнимда эди... Ҳўкизларни ҳайдаб кетаётган у ғалати одам эса мени қўпол сўзлар билан сўкиб, пулимни юзимга отиб юборди!.. Карай! Агар жуда чарчаган бўлмаганимда бугун америкаликни қилгандек, унинг ҳам адабини бериб қўйган бўлардим... Бироқ шу пайт фургон орқасидан кимдир отда кўринди ва мен уни ҳўриб қувончдан кичкириб юбордим. «Месье Александр! Сизмисиз?» деб бақирдим. У эса менга худди тентакка қарагандек қараб: «Сиз янглишдингиз!» деди. Мен ўзим ҳам буни тушунгандим. Овозидан. Кейин инглиз тилида ҳам кучли акцент билан гапираётган эди... Бўлмаса ҳатто сиз ўзингиз ҳам адаштириб юборган бўлардингиз. У мендан «Сизга нима керак?» деб сўради. Мен «Овқат керак. Албатта, пулга. Кейин менга Виктория шаршарасига йўлни кўрсатиб юборинг» дедим. У «Мана, энг» деб менга катта бўлак қуш гўштини берди. «Шаршарага бориш учун эса менинг кетимдан юринг. У ерга уч кунда етиб борамиз» деди. Мен овқатга ёпирилдим, у эса яқин одамига ёрдам берганидан хурсанд одамдек менга кулиб қараб турарди. Овқатланиб бўлиб, ундан «Месье, сизга қанча беришим керак?» деб сўрадим. У эса «Кейин узилишиб кетамиз.

Керак жойга борганда», деб жавоб берди. У ҳўкизларни бошқариб бораётган кўпол одамга нималардир деди ва биз юриб кетдик. Тан олишим керак, у жуда ажойиб одам экан. Менга ўз укасидек ғамхўрлик қилди, овқат берди, от берди... Мен унга қандай миннатдорчилик билдиришни билмаётган эдим. Ниҳоят биз узоқда, бир милча нарида оқ чодирларни кўрдик ва у менга қараб: «Биз энди шу ерда хайрлашамиз, ҳисоб-китоб қилиб олишимиз керак» деди. «Бажонидил, – ҳурмат билан дедим мен. – Месье, сизга қанча беришим керак? Гапимга ишонинг, мен сизга қанча тўламай, сиздан қарздор бўлиб қолавераман», – дедим. У менга қараб бепарволик билан «Йигирма минг франк» – деди. «Месье, сиз ҳазиллашаяпсиз», – дедим мен. У эса «Пул масаласида мен ҳеч қачон ҳазиллашмайман. Биласизми, тезроқ бўлинг», – деб, қарабинини ўқлай бошлади. – Мен, – дейди яна, – сизни ўзим сақлаб қолган ҳаётингиздан жудо қилишни хоҳламасдим. Бирок, агар сиз қаршилиқ қиладиган бўлсангиз, шундай қилишга мажбур бўламан. Мен бундан камроқ пул учун ҳам одам ўлдиришимга кўп марта тўғри келган» Менинг қулолим йўқ эди, шунинг учун бўйсунушга мажбур бўлдим.

– Қарабининг-чи? – сўради Альбер.

– Қарабинни мулатлар ўғирлаб кетишган эди. Улар мен ҳам улар билан бирга қул савдоси билан шуғулланишимни хоҳлашган эди. Улар менинг оқ терим уларнинг ишлари учун энг яхши кафил, дейишган эди.

– Шунча ишдан сўнг сизда ҳеч қандай саргузашт бўлмади, деб айтаяпсизми? – кулиб хитоб қилди Александр.

– Месье Александр, истаганингизча кулишингиз мумкин. Мен бўйсунушга мажбур бўлдим. Мен сизга йигирма минг франкка тушдим. Бу жуда қиммат.

– Қўйсаягиз-чи. Менимча, бу текин. Ҳа, бундан ташқари биз Сэм Смит билан ҳали ҳисоб-китоб қиламиз.

Қизик топилма. – Инжилнинг бўш варағига нима ёзилган эди. – Бандит ҳаяжонда. – Сэм Смит Дон Кихот ролда. – Фургон оркасида. – Клааснинг монологи. Оқтанли ёввойиннинг омадсизлиги. – Қаҳрамон аёл. – Заифларнинг кучи. – Клаас кўркаётганини бўйнига олади. – Корнелиснинг оти. – «Ўғрига ўлим!» – Хато.

* * *

– Жин урсин, ахир бу китоб-ку! Шундай жойда! Қоратанлилар саводсиз, бу ердаги оқтанлилар эса китоб ўқишга вақт кетказишмайди. Ғалати топилма! На қоратанлилар ва на бошқалар буни шу ерда, дарахт остида қолдириб кетган бўлишлари мумкин эмас. Қараб кўриш керак. Балки пиж учун яраб қолар?

Шундай деб ўйлаётган ёлғиз отлик, отдан енгилгина сакраб тушиб, китобни ердан кўтарди.

– Буни қаранг-а! – истехзо билан деди у. – Инжил-ку! Бу ердан бирорта миссионер ўтган шекилли. Афтидан, бу мукаддас одам изини мен ҳозиргина кўрганим фургонда ўтирган бўлса керак... У ҳолда мен вақтимни бекорга ўтказаяпман. Миссонерлар, одатда камбағал бўлишади ва мен унинг фургонига хужум қиладиган бўлсам, менга ибодатдан бошқа ҳеч нарса тегмайди. Ва бу уч кун ичида иккинчиси бўлади! Мен эса бунинг учун думалок ва цилиндрик шаклдаги ўқ кўринишидаги озгина кўргошин беришимга тўғри келса-да, бир неча унция олтинни афзал кўрардим.

Хафсаласи пир бўлган бошлиқ сабрсизлик билан сувлигини ғажийётган отига сакраб чиқди.

– Ҳечқиси йўқ! Ҳечқиси йўқ! – беихтиёр китобни варақлай туриб, тўнғиллади йигит.

– Ие, шошма-чи! – бирдан ҳитоб қилди у. – Бу ерда биринчи бетда нималардир ёзилган... Қандайдир ажи-

бужи ёзув. Худди қўл титраганга ўхшайди... бунинг устига сиёҳ ҳам қизил... Ёки луштироқми... Ёмон нарсанинг хиди келаяпти. Бу қон эмасми?.. Шубҳасиз, қон!..

Қизиқиб қолган йўловчи секин ўқинга бошлади:

«Сиз ким бўлсангиз ҳам, агар бу китобни топиб олсангиз, бандит асирликда ушлаб турган якки аёлга раҳмингиз келсин. Сизнинг онангиз, опангиз, қаллигингиз бордир...»

– Билмадим, билмадим, – атрофга қараб, деди йўловчи. – Энагага келадиган бўлсак, мен Британия флотига юнга бўлиб хизмат қилганимда «Атланта»да шкипер бўлган Год Браунни эслайман, холос. Мени тоза калтаклаганини эслайман... Менинг хотиним йўқ, бўйдоқман. Қаллиқ масаласига келсак – бу бошқа гап. Қаллигим бор: каноп аркон. Эртами, кечми, у билан бирлашамиз... Қани, кўрайликчи, давоми нима экан. «.. ёки қаллигингиз бордир. Сизни уларга боғлаб турадиган ҳислар ҳақи, ҳатто ўлиб ҳам қутула олмайдиган икки аёлга ёрдамга келинг.

Графиня Анна де Вильерж».

– Менинг бу билан нима ишим бор? – китобни ёпа туриб, қўпол товугда деди нотаниш йўловчи. – Қандайдир графиня Жанубий Африка кенгликларида изғиб юрибди! Менинг нима ишим бор? Саргузашт талаблар... Бирок бу мисраларга эътибор бериладиган бўлса унинг сайёҳати жуда ҳам завқли эмас! Э, бу нимаси, кўнглим бузилиб кетдими? Қандай тентаклик! Мен бир пайтлар шамол тегиримонлари билан курашган Дон-Кихот ҳақида эшитган эдим. Бу эртакни фрегатда француз ошпази гапириб берган эди. Йигитларимиз тоза кулишган эди! Ўзимизни Дон-Кихот қилиб қилиб кўрсатмаймиз... Нима бўлганда ҳам саҳронинг ўртасида ташлаб кетилган китоб денгизга ташланган шишани эслатади. Шиша қутураётган гўлқинлар орасида сузаяпти, унинг ичида эса мактуб, мактубда эса – балки ҳалокатга учраган денгизчининг охириги хоҳиши. Бундай мактуб – муқаддас нарса. Мен ўзим ҳам ана шундай шиша сабаб қутулиб қолмаганмидим? Тўғри, ме-

нинг қутқарувчиларим бориб турган аблахлар экан ва мен уларнинг мактабидан ўтиб улардан яхшироқ бўлмадим... Хўш, нима бўлибди? Бандит бўлишдан олдин ҳар ҳолда виждонли денгизчи эдим... Тўғри, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги фарқни сезиб бўлмайдиган пайтлар ҳам бўлади... Менимча, бу мактуб француз аёли томонидан ёзилган бўлса керак. Ёзуви айтиб турибди. Французлар ҳаётимда менга кўп яхшиликлар қилишган, мен эса миннатдорчилик билдирмаганман... шунчаки, ўрни бўлмаган эди... Аслида ҳаётимда кўп ёмонликлар қилган бўлсам-да, унақа яхшиликни билмайдиган эмасман. Мана, бу ишни бажарадиган пайти келди. Бунинг устига, ҳозир ишларим тўхтаб турибди ва нафақага чиққан адмирал каби жуда ҳам банд эмасман... Демак, масала ҳал! Мен бу икки аёлни кидиришни бошлайман. Ҳеч ким ҳеч қачон Сэм Смит Дон-Кихотни ўйнаганини билмайди. Мана бу излар бу қайгули хат ташланган фургонники... Олға!

Ўзининг жиноятчилик касбини вақтинча ташлаган қароқчини қўя туриб, бир неча километр олдинга юрамиз ва чарчаб кетган ҳўкизлар зўрға тортиб кетаётган фургонга етиб оламиз...

Бу мистер Смитсон ўлдирилгандан кейин бир неча соат ўтиб Брек-ривернинг ўнг ирмоқларидан бирида ташлаб кетилган краалда Клаас топган ўша фургон эди.

Ёндираётган иссиқ таъсир қилмайдиган оқтанли ёввойи фургоннинг олдида эчкилар билан ёнма-ён кадам ташлаб кетаяпти. Унинг кўзларигача тушиб турган кенг шляпаси сабаб, унинг фақат ғишт рангидаги юзига ёпиштириб қўйилгандек бўлган оқсарик, тўғрироғи қизғишранг соқолинигина кўриш мумкин. Қўлида жуда узун чамбок бўлиб, у вақти-вақти билан хавода чир айланиб, сўнгра худди тўппончадан ўқ отилгандек товуш чиқарганча ҳўкизларнинг ориқлаб кетган сағрисига тушади. Клаас афтидан, хавотирда эканга ўхшайди. У дам ўтмай ичидаги хавотири ва норозилигини билдириб турган гапларни қайтаради:

— Жин урсин бундай касбни! — тўнгилларди у. — Халлариди фақатгина мана бу ғилдирак устидаги камоқдан кутулиб кетишни орзу қилаётган иккита қушчани қорувуллаб юрганимга икки ой бўлди. Кунлар ўтиб бораёпти, бу қачон тугабини ҳам билмайман. Корнелис ва Питер эса парволарига ҳам келтиришмаяпти. Улар мен билан худди мен оила бошлиғи эмасдай муомала қилишади. Уларга иш битгани, хазина қаерга қўмилганини биладиган аёл менинг қўлимда эканлиги тўғрисида аллақачон хабар берилган эди. Бироқ ўзлари югуриб келиш ўрнига, улар менга Виктория шаршараси олдида учрашув белгилаб юришибди. У ерда улар нима қилишади? У ерда янги конлар очилган, дейишяпти. Бизга нима? Ахир биздек бизонлар учун конда ишлаш тўғри келадими? Ва ниҳоят, мен зерикаяпман. Мен бу аёлга осонлик билан эришаман ва у ипакдек мулойим бўлади, деб ўйлаган эдим... Қажма!... У менга қулдек муомала қилаёпти. Бунинг устига у қулга ҳам шунчалик нафрат билан гапирмаса керак. Мен эса сеҳрлангандекман. Ҳатто эътироз ҳам билдира олмайман. Унга қарашга ҳам юрагим дов бермайди. У менга тикилиб қарайдиган бўлса, тўппонча ўқталганга ўхшайди, мен эса шу заҳоти қочиб қоламан ва шерни кўрган шохолга ўхшаб увуллагим келади... Унинг кўзлари худди пўлатга ўхшаб ялтиллайди-ки, этим жунжикиб кетди. Иккинчиси, жухуд қиз-чи! Ундан кўра менга қоплонни қўлга ўргатишни буюришса эди! Европада қандай қилиб бундайларнинг олдига бора олишади?! Қарайдиган жойи йўқ — жуссаси кичкинагина, камишпояга ўхшайди, бироқ мендек эркакни қўлига олиб нима хохласа шуни қилади! Йўқ, бу ишни бир ёқлик қилиш керак!.. Бироқ қандай қилиб?.. Ҳой, хоним, бошингизни беркитинг!

— Сиз менга буйруқ бераёписизми? — аёл кишининг қатъийлик сезилиб турган оҳангдор товуши эшитилди.

— Йўқ... Буйруқ бермаяпман, — ўзини оқлади бур. — Мен илтимос қилаяпман...

– Менга барибир. Сиз бизлар фургонда димикиб ўлишимизни хохлаяпсизми?

– Куёш қандай қиздираётганини қаранг. Бу хавфли. Мен сиз учун қўрқаяпман.

– Мен билан нима ишингиз бор?

– Бу нима деганингиз – қандай ишим бор? Менинг қандай ишим борлигини билишни хохлаяпсизми?

– Йўк. Мен ҳаво хохлаяпман.

– Хоним, ҳозир бунинг иложи йўк. Туш пайтида бу жуда хавфли. Сизнинг ҳаётингиз эса мен учун жуда қимматли...

Клааснинг баландпарвоз гапларини аёлнинг нафрат тўла кулгиси бўлиб қўйди. Унинг юзи ғазабданми, уятданми кип-қизил бўлиб кетди.

– Менинг ҳаётим!.. Ха-ха! Жуда чиройли гапирдингиз, мастер Клаас! Яхшиси мен учун кафр қироллари хазинаси қўринишида товон олишга умид қилаётганингизни айтинг.

– Нима десангиз ҳам тўғри, хоним. Мен жуда ҳасисман. Бирок ҳасислик менинг ягона хислатим эмас. Сизнинг ёнингизда мен одамда бошқа хис-туйгулар ҳам бўлишини билдим. Ундан ҳам кучлироқ...

– Жим бўлинг!

– Менга қаранг, энди буниси ортикча! Ҳа, шундай бўла қолсин. Мен шунақаман. Шу пайтгача мен итдек бўйсуниб юрган эдим. Мен сизнинг европалик масхараболарингизга ўхшаб жентелмен бўлмоқчи эдим, энди эса тамом! Энди ҳеч ким қаршилиқ қила олмайдиган қўпол хайвон тилга кирди.

Фургоннинг ичидан йиғи овози эшитилди.

– Анна, опагон, нима қилиб қўйдингиз? Шу пайтгача бу махлуқни ўз вазминлигингиз билан бўйсундириб келаётган эдингиз, энди эса унинг жаҳлини чиқариб қўйдингиз!

– Эстер, болажоним, ҳеч нарсадан қўрқманг. Эртами, кечми, ўзи шундай бўладиган эди. Канча вақтли бўлса, шунча яхши! Тайёرمىсиз?

– Анна, ҳамма нарсага тайёрман. Буни ўзингиз яхши биласиз.

– Унда менга ҳаракат қилаверишга изожат беринг...

Клаас жаҳлдан қутургудек бўлиб чамбогини ерга ташлади ва бақириб ҳўкизларини тўхтатди. У фургоннинг орқа эшигига югуриб келганда аёллар жим бўлиб қолишган эди.

У эшик қулфланган деб ўйлаб, бор оғирлиги билан итариб очмоқчи бўлди. Бироқ ичкаридан эшикнинг зулфини гуширилган бўлиб, у ланг очилиб кетди.

Агар Клаас қаршиликка дуч келганда эди, газаби баттар кўзиб, ўн баравар кучга тўлиб кетган бўларди. Бироқ бу сўзсиз ён бериш уни ҳайрон қолдирди. У қоққан қозикдек туриб қолганди. Ҳар бир ёввойи қаби у ҳам тузоқни ҳис қилиб, хавотир ва шубҳа билан фургонни кўздан кечирди.

Ўз жасурликлари ва кўркмасликлари билан мағрур бўлган бу иккала аёл қуёшнинг ёрқин нурлари ёритиб турган эшик ўрнида туришарди. Эстер нозик юзи газаб ва қатъиятдан ўзгариб кетган Анна де Вильероужнинг елкасига суяниб турарди.

– Киришга уриниб кўринг, мастер Клаас, – истехзо билан кулиб, деди у.

Бу кулги бурни хипчин билан ургандек бўлиб, уни бутунлай издан чикарди: Клаас аёллар кўркиб кетиб, мулойим бўлиб қолишади, деб ўйлаган эди. Бироқ унинг иккиланишлари узоқ давом этмади. Дарров чекиниш учун у анча илгарилаб кетган эди. Бунинг устига ҳамма қони совук ҳайвонларда бўлгани қаби, унинг газаби секин кўзғар ва босилиши ҳам секин бўларди.

– Майли! – деди у бўғиқ товушда. – Мен сизга бўйсунаман. Бироқ, жин урсин, жўжани кузда санайдилар!

– Бироқ, мастер Клаас, мен сизни огоҳлантириб қўйишим керакки, сиз узоққа кетмайсиз ва бу бизнинг охириги учрашувимиз бўлади...бахтга кўра.

– Буни ҳали кўрамиз, – зинага чиқиб, фургонга киришга тайёрланар экан, деди Клаас.

Де Вильрож хоним бир қадам орқага чекинди, шунда Клаас унинг орқасида турган йигирма литрли бочкани кўрди. Аёл ўнг қўлини чўзар экан, қўлида нимадир ялтираб кетди.

Бандит титраб кетди, бироқ сал ўтиб қотиб қолди.

– Бу нимаси? – довлораклик билан деди аёл. – Тўхтаб қолдингизми? Яхшиси биз билан портлаб кетишдан кўркаётганингизни тан олинг!..

– Ҳа, хоним, мен кўрқаяпман, тан оламан... Мен сиз учун кўрқаяпман, чунки мен сизнинг яшашингизни хоҳлайман.

– Сиз бизнинг ҳамма нарсага тайёрлигимиз ва сизнинг дўкларингиздан ортиқ кўркмаслигимизни кўриб турибсиз. Кечагина биз сизнинг хайвонларча важоҳатингиздан ҳамма нарса бўлишини кутиб, кўрқиб ўтирган эдик. Мен кўрққанимдан ақлдан озгудек бўлиб: «ҳатто ўлимдан ҳам бошпана топа олмаётган икки аёлга ёрдам беринг» деб мактуб ёзган эдим. Бироқ бугун... бугун менинг қуролим бор... Мен бу револьверни сиз эътибор бермаганингиз қутидан топиб олдим. Бу бочка сизники бўлса керак. Мастер Класс, шундай қилиб биз сиздан кўркмаймиз. Хоҳласангиз кириңг, хоҳласангиз чиқинг, ўзингиз биласиз...

– Сиз мактуб ёздингизми? – сўради бур.

Де Вильрож хонимнинг юқорида айтган гаплари бурни аёлнинг кўрқитишларидан ҳам кўпроқ безовта қиларканди.

– Мен сизга мурувват кўрсатиб, саволингизга жавоб бераман. Ҳа, кеча ўз қоним билан охириги илтимосимни ёздим. Уни китоб саҳифасига ёзиб, китобни йўлда ташлаб юбордим. Буни йўлда бирорта кўнгилчан одам топиб олиб, бизга ёрдамга келади, деган умидда қилгандим. Сиз бизни қамокда олиб ўтирган бўлсангизда, мен йўлда кўп изларни кўрдим ва мен биз одамлар яшайдиган

жойда эканлигимизни сездим. Мана, каранг! Ахир кўзим алдамаяпти. Ўзингиз ҳам узоқда чангни кўраяпсиз. Кимдир отда келаяпти. Эҳтиёт бўлинг, мастер Клаас! Балки бу қасоскордир!

Бур қутургудек бўлиб пишкирди. У эшикни қаттиқ ёпиб фургоннинг олдига, ўзининг узун бир зарядли милтиги турган жойга қараб югурди.

– Жин урсин! – хитоб қилди у. – Энди жуда бўлмаганда эркак кишига рўпара бўламан. У менга ҳаммаси учун жавоб бермас экан, шайтоннинг бўйни узилсин!

Де Вильрож хоним хато қилмаган эди. Бир неча дақиқа ҳам ўтмай, отлик аниқ кўрина бошлади. Эҳтиёткор бўлгани ва уни яхши кутиб олишларига умид қилгани учун милтиқ ўқи етмайдиган масофада отидан ерга сакраб тушди ва аста-секин ўз отининг орқасида яшириниб, фургонга қараб юра бошлади. Бу эҳтиёткорлиги унинг ҳаётини сақлаб қолди, чунки қутуриб кетган Клаас уни қўлида милтиқ билан кутиб турар ва у билан ҳеч қандай гаплашмасдан туриб отиб юбормокчи бўлаётган эди. Бунга қўшимча қилиб айтиш керакки, Клаас жуда яхши мерган эди. Юз метр масофадан туриб шишани отиб тушириш унинг учун арзимаган иш эди. Бироқ нотаниш одам ҳам уришқоқ бурларнинг айёрликларини яхши билар эди. Шунинг учун ҳам у отининг орқасидан келаётган, бур эса уни нишонга ола олмай, нотаниш эркакнинг усталигига тан берса ҳам, ичида уни тоза сўқаётган эди.

– Зўр! Қойил! – қўлида бахайбат милтигини ўйинчокдек ушлаб туриб, тўнғиллади Клаас. – Бундай рақиб билан юзма-юз келиш ёқимли. Ҳечқиси йўқ, дўстим, тез орада кўриниб қоласан. Қаерингга кўргошин бўлагини ёпиштириш кераклигини кўришим билан, сен уни оласан.

Орадаги масофа борган сари қисқариб борарди.

Фургоннинг усти ёпилган брезентда кичкинагина тешик бор эди. Иккала аёл унга ёпишиб олиб, ҳаяжондан нафаслари оғзига тикилганча, ташқарида бўлаётган ҳодисани кузатиб туришарди.

Анна бу нотаниш одам у ташлаб кетган китобни топиб олганини тушунган эди, чунки афтидан, бу нотаниш одам кимга дуч келганини яхши биларди. Акс холда эҳтиёт чораларини кўрмаган бўларди. Анна нотаниш одамнинг ҳаётини хавф остига қўйгани учун алам устида қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлаётган эди.

Кўркувдан қотиб қолганча у ҳозир ўк товушини кутарди, бироқ уни ҳайрон қолдириб Клаас қувнок товушда нимадир деб хитоб қилди. Гап шундаки, у нотаниш одамнинг катта отини таниб қолган эди.

– Жин урсин, ахир бу Корнелисимнинг оти-ку! Бутун Ваальда бошқа бунақаси йўқ. Қимирлсанг-чи, тентак! Яширинишнинг ҳожати йўқ. Бу мен, Клаасман...

Нотаниш одам қадамини тезлатиб, кўп ўтмай яқин келиб қолди. Клаас эса милтиғини қўйиб, оғзини катта очганча, жилмайди.

Бироқ унинг қувончи кўпга чўзилмади. Нотаниш эркак бутун бўйи билан пайдо бўлганда Клаас қотиб қолди: у ўзининг бесўнақай укасининг ўрнига бу қомати келишган, баланд бўйли, юзининг нозик тузилиши Корнелисининг молдек башарасига асло ўхшамайдиган одамни кўраётганди.

– Аблах!.. – кутургудек бўқирди Клаас. – Акамнинг оти сенда... Демак, сен уни ўлдиргансан?! Ўлиб қол!..

У гавдаси гиппопотамникидек бўлган одамдан кутиш мумкин бўлмаган чаққонлик билан нотаниш эркакка қараб югурди ва милтиғини шундай кўкрагига тираб, тепкини босди.

Шарақлаган товуш эшитилди, бироқ ўк отилмади.

Шу пайт узоқдан бақир-чақир эшитилди: қарама-қарши томондан отликлар келаётганди. Улар ярим доира бўлиб фургонни қуршаб олишди ва бакира бошлашди:

– Сэм Смитга ўлим! Ўлим! Ўғрига ўлим!..

Ўқувчимиз аллақачон кимлигини сезгани Сэм Смит бунга парво ҳам қилмади. Бироқ яқинлашиб келаётган отликларнинг бақираётганларини эшитганда унинг юзи-

да аччик жилмайиш пайдо бўлди. Кейин уни мана-мана ушлаб олай дейишаётганини кўриб, бир сакрашда эгарга ўтирди ва шамолдек елиб кетар экан, ўзича деди:

– Яхши ишни қилиш осон эмас. Бир пайтлар шундай иш қилиш хаёлимга келиб қолиб, унинг учун жуда қиммат тўлашимга тўғри келиб қолган эди.

Қутулишга бўлган ёлғиз умиди поймол бўлганини кўрган Аннанинг ранги оқариб кетди. Дугонасининг юракни эзиб юборгудек йигиси уни ўгирилиб қарашга мажбур қилди.

– Қизи, бўлди, бўлди! Бардам бўл!

– Бу одам... бу одам... Ахир бу ўша!

– Ким?

– Ўз участкасини менинг отамга сотган француз...

Шу одам мени етим қилди. У – қотил!

САККИЗИНЧИ БОБ

Клаас — эпчил одам, унинг ишлари яхши кетаяпти. — Сахрода ёлғиз. — Клаас тактикасини ўзгартиради. — Оддий ходисанинг дахшатли натижалари. — Пикаколу илони нимадан хабар берган. — Бурларнинг элчиси. — Кайман. — Одамларни ейдиган кимса. — Синдирилган бош ва биркўзли Бизон. — «Ёлгон! Ҳаммаси ёлгон!». — Кайман шаршарага қайтиб келади. — Оқтанли ёввойиннинг қоратанли ёввойи билан учрашуви.

* * *

Ўқувчимиз бандитларнинг Нельсонс-Фонтейндан унча узоқ бўлмаган чайладаги музокараларини ва ўшанда Клаас ўйлаб қўйган жирканч комедияни яхши эслайди. Бандитлар кафр қироллари хазинаси ҳақида билиб қолишган ва нима қилиб бўлса-да, уни қўлга киритишга аҳд қилишган эди. Шунинг учун улар ўзларини ҳеч бир қийинчиликсиз ўша ерга олиб борадиган жирканч бир режани тузишган эди.

Бу режа бир қараганда жуда қийинга ўхшаб кўринар, аслида эса хавфли бандитлар тўртлигининг эпчиллиги ҳисобга олинса у жуда оддий эди.

Биринчи бўлиб Альбер де Вильрожга қарши шубҳа уйғотиш учун унинг қисқа вақтга олмос қонида эканлигидан фойдаланиб қолиш ва унинг нафақат Нельсонс-Фонтейнда, балки Англия мустамлакасининг бутун ҳудудида бўла олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш керак эди. Альбер ва Александрларнинг бирдан кетиб қолишларидан бир неча соат бурун юз берган савдогарнинг ўлими, Александр ўзининг ерини бу савдогарга сотгани ва бу тўрт бандитнинг ишонган одамлари тарқатган гап-сўзлар — ҳаммаси бандитлар режасининг биринчи қисми яхши тугаши учун ажойиб замин эди.

Французларнинг айбдор эканлигига нафақат омадсиз полициячи мастер Виль, балки конда ишлайдиганларнинг кўпчилиги ишонаётган эди.

Шундан сўнг учала бур ва уларнинг ўзларига ўхшаган шерикларига иложи борича тезлик билан французлар орасига ўзларининг одамини қўйишлари керак эди. Ва бу одам улар ортидан соядек эргашиб, улар умид қилаётган хазина яширилган жойгача улар билан бирга бориши керак эди. Ўқувчимиз руҳоний ҳазратлари бу нозик вазифани қандай бажарганидан хабари бор: у бу учала кўркмас сайёхни ўзига қарата олган ва ҳали уларнинг ишончларига кира олмаган бўлсада, ҳар ҳолда уни ўз ичларига қабул қилишган.

Нихоят, Клааснинг у қўлини сўраётган де Вильрож хонимни телбаларча севиб қолгани ҳам маълум.

Хазина ҳақидаги хаёл Клааснинг бутун борлигини эгаллаб олган эди. Бироқ ёш инглиз аёли тўғрисидаги фикр ҳам хаёлидан кетмасди.

У нима қилиб бўлса ҳам аёлни яна бир бор кўриш, эридан тортиб олиш, эрини йўқ қилиш, уни кўздан бутунлай йўқотиш, кейин эса бойиб кетиб ёш аёлни ўзининг краалига олиб кетишни хоҳлаётган эди. У ўз-ўзига ишонаётган ва ўзининг тез орада бева ҳолда кўришни умид қилаётган аёлни овута олишига шубҳа қилмаётган эди. У аёлнинг эри бўлишни режалаштираётган эди.

Бироқ Альбер де Вильрож ўша ерда кўмилган хазинани кидириш учун Замбези қирғоқларига кетган пайтда, унинг хотини Кейптаунда қолган ва у ерда отаси билан яшарди. Уни бу ерни ташлаб кетишга кўндириш қийин бўлган эди ва уни ўғирлаб кетиш осон бўлган ёввойи жойларга олиб келишнинг иложи бўлиши ҳам амри маҳол эди.

Бу ишда ҳам мараз Клаасга унинг топқирлиги ёрдам берди. Севиб қолгани ва очкўзлиги уни – бу нарса бир қарашда унинг ташқи кўриниши билан мос келмаса-да, жуда уста дипломат қилиб қўйган эди. Ва у Аннани уйдан олиб чиқиб кетишнинг йўлини топа олди.

Факат Аннани Альбер оғир яраланган ва унинг келишини ялиниб сўраётганига ишонтира олиш керак эди. Альбернинг табиатан қизиққонлигини ва унинг ҳаёти бу ёввойи ерларда хавфга тўла эканлигини ҳисобга олинадиган бўлса, бу ўйлаб топилган нарсга ҳақиқатдек кўриниши аниқ эди. Бутун шайка ичида ягона саводли бўлган рухоний ҳазратлари бирпасда мактубни ёзиб берди. Клааснинг ўзи эса отда узок ва тўхтамасдан юриб, мактубни Кейптаунга етказди.

Бу ёмон хабар акс этган мактубни олган де Вильрожд хоним, вақтни ўтказмай отаси билан Кейптаундан жўнаб кетди. Клаас эса уларни ҳеч бир қийинчиликсиз ўғирлаб кетиш мумкин бўлган пайтни кутиб, уларнинг изларидан жўнади.

Ўқувчимиз бу ўғирлик қандай содир бўлганини яхши эслайди: романимизнинг биринчи қисми шу билан тугаган эди.

Клаас таассурот қолдирадиган нарсаларни яхши кўрарди. У бир тўда дайдиларни ёллаб, уларни Анна де Вильрожд ва отаси кетаётган каретага хужум қилишни буюрди ва бу ишларни шовқин-сурон билан қилишни, отларни ўлдириш, сал бўлса-да қаршилик қилишадиган бўлса аравакаш ва кучерни ҳам ўлдиришни буюрди. Шу пайтда осмондан тушгандек бўлиб аёл ва отасини кутқариш учун Клаас пайдо бўлиши кўзда тутилган эди. У худди китоб қаҳрамонларидек бу қароқчиларни ҳайдаб юбориб, йиғлаётган гўзални кутқаради.

Бу ёлғондакам хужум қилиш бандитларга худди ҳаваскорлар спектаклидек қизиқ туюлди. Бирок улар ўз ишларини жуда қўполлик билан бажаришди. Комедия фожиаси билан тугаб, Брек-ривернинг қирғоқлари учта жасаднинг қони билан бўялди.

Анна эса ўзини уни ўғирлаган қароқчи қўлида кўрди.

Бу қўполдан-қўпол эркак уни ҳар қанақасига овутишга уринди, ажойиб тасодиф эса уни Пемпин-краалда эса у Эстерни, Альбер ва Александрни айблаш учун ўзи

личоклаган ўша савдогарнинг қизини кўриш уюштирилди. Тақдирларининг ўхшашлиги аёлларни бирлаштирди. Эстер Кейптаунга қайтиб кетаётган эди. У худди тугишган сингилдек Аннага ўз каретасидан жой берди ва уни Нельсонс-Фонтейнга олиб бориш учун орқага қайтишга рози бўлди.

Нихоят Аннани қўлга киритган Клааснинг Нельсонс-Фонтейнга боришни хаёлига ҳам келтирмаётганини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бироқ ўз режаларини бировга кўрсатиш учун у жуда айёр эди. У кутқарувчи сифатида қолишни афзал кўрди. Тўғри у аёл кўнглини олишга ҳаракат қилди, бироқ унинг ҳаракатлари кўпол, қовушмаган эди. Хуллас, унинг кўполлиги ва умуман ҳеч қандай тарбия олмагани Аннани унга ачиниб қарашга мажбур қилди.

Де Вильрож хоним жуда хавотирда бўлиб, вақт секин ўтаяпти, деб ўйлаётганди. Хўкизлар бурнинг ниқташига қарамай зўрға ҳаракат қилишарди. Де Вильрож хоним бурнинг ўзига қилган таклифни ёдидан чиқарган деб ҳисоблаб, унга худди ўзи учун на вақтини, на меҳнатини аямаётган ҳамроҳ, деб қараётган эди.

Клаас аввалига ўз асираларини укалари билан ижарага олган ерига олиб бормоқчи бўлди. У Нельсонс-Фонтейнни чапдан айланиб ўтиб тўғри шарқ томонга кетишни ўйлаб турганда, руҳоний ҳазратларининг кўрсатмасига биноан Корнелис юборган одам келиб, нима қилиб бўлса ҳам ва кечикмай Виктория шаршарасига боришни буюрди.

Рухоний ҳазратлари улар билан алоқани йўқотмаган эди. Европаликларнинг излғридан кетаётган кўчманчилар орқали у дам ўтмай ўзининг қаердалигини билдириб турарди. Клаас ҳал қилувчи дақиқа яқинлигини тушунди. У йўналишини ўзгартириб, ҳамтовоқларининг олдига шошилди.

Фургон аynи шу пайтда яқинда инглизлар босиб олган ва Англия ҳукумати ўз ҳокимиятини ўрнатган ҳудуддан чиқиб кетган эди.

Узоқ йўлга аллақачон ўрганиб қолган Де Вильрож хоним ва унинг дугонаси йўналиш ўзгарганидан ажабланиб, бу ҳақда Клаасга айтишди. Бироқ у ҳеч бир хижолат бўлмади.

– Бир неча кун бурун мен эрингиз ҳақида билиб келгани Нельсонс-Фонтейнга чопар юборган эдим. – тундлик билан жавоб берди у.

Анна ўзининг бу одамга бўлган ҳамма ишончсизлиги тарқаб кетаётганини ҳис қилиб, унга миннатдорчилик билдирди. Оқтанли ёввойи маданиятли одамлардек бўла билиш кўлидан келарди.

– Чопар қайтиб келди.

– У нима деяпти? Оҳ, илтимос қиламан, гапиринг!

– Графнинг ахволи гузук. Яраси улар олдин ўйлаганларичалик жиддий эмас экан. У шаршарага яқин жойда экан. Мана шу.

Бур ўзи хоҳламагандек зўрга айтган бир неча оғиз сўзни аёл худди мусика тинглагандек тинглади. Бу ёмон хабар эшитганидан бери унинг биринчи қувончи эди. Ўша кундан бери у қанча азоб чекди, қанча йигисини босди, қанча кўз ёш тўкди! Эвоҳ, Альберни топишга ҳаракати учун отаси ҳаётини беришга мажбур бўлди ва Альбер тириклиги тўғрисидаги яхши хабар келганда у ортиқ тирик эмас эди!

Аннанинг миннатдорчилиги бурни у ўз мақсадига етиш учун қилган ёмонликлари тўғрисидаги хотиралардан кўпроқ хаяжонга солмади. Клаас шу даражада ролига киришиб кетган эдики, яна бир оз вақт ва у ўзини чиндан ҳам Анна де Вильрожнинг валинеъмати деб ҳисоблаган бўларди.

– Ярадорни кўриш учун шунча узоқ юрган экансизлар, мен уни соғлом кўриш учун яна бир оз юришга рози бўласизлар деб ўйладим. Шунинг учун мен йўналишни ўзгартириб, Виктория томонга бурдим. Агар қарши бўлмасанглар, албатта – маъноли қилиб қулиб қўйди у.

Анна эрининг айни мана шу узок жойларга боришни кўзда тутганини яхши билар эди, шунинг учун бурнинг рост гапираётганига шубҳа қилмади. Ҳамроҳини норози қилиб қўймай деб, у Эстерга ўгирилиб, унинг розилигини олмоқчи бўлди.

— Сиз каерга десангиз, мен розиман, — юмшоклик билан деди қиз. — Мен сизни ўз туғишган опамдек яхши қўриб қолдим. Энди сиз менинг оилам ўрнидасиз. Бора-миз.

Бу одамсиз жойларга хос бўлган бир хилликда кунлар кетидан кунлар ўта бошлади. Интиқиб кутилаётган мақсадга етилишига озгина қолганда арзимаган бир воқеа сабаб иккала қиз ҳам ўзларининг қандай дахшатли шароитда эканликларини билиб қолишди.

Бир куни тунда ҳамма — одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам — ухлаб ётган пайтда Клаас фургоннинг тагига кириб ёнига пичоғи ва милтигини қўйиб қўйди. Тўғри у хуррак отар, бироқ бунинг аҳамияти йўқ, у ухламаётган — қулоқ тутаётган эди. Мана бир неча қадам нарида никаколу илонининг товуши эшитилди. Бундай товушни, одатда илон жаҳли чиққанда чиқаради. Бур бу ғаройиб товушни эшитди. Ўта совуққонлик билан, ўрнини ўзгартирмай, хуррак отини ҳам тўхтатмай, сал ҳаракат билан қўлига пичоғини олди. Бутун эшитиш қобилиятини ишга солиб, табиатнинг бу ўғли қулоғини ерга босди. Бироқ товуш кетма-кет эмас эди, бу илон эмас эди. Товуш маълум бир ораликдан сўнг тиниб қолаётган эди.

Клаас илжайиб қўйиб, ўзи ҳам шундай товуш чиқарди, фақат унинг товуши юмшоқроқ эди. Оёқ тагида қум гичирлагани эшитилди ва қўп ўтмай одам сояси кўринди. Юлдузлар ёруғида Клаас найзага тираниб турган бутунлай яланғоч қоратанлини кўрди.

— Кимсан? — аста сўради бур.

— Одамларни ёювчи кайман, бечуанлар қабиласининг кенжа сардори.

— Сени ким юборди?

- Тешилган бош ва Биркузли Бизон.
- Менинг укаларим. Яхши. Улар қаерда?
- Мози-оа-Тунья якинида.
- Буни биламан.
- Унда нега сўраяпсан?
- Сени чиндан ҳам улар юборганини билиш учун.
- Ахир мен сигнал бермадимми? Пикаколу ёлғиз биз учун хуштак чалмаяптими?
- Тўгри! Кайман – буюк сардор. укаларим мендан нима иштаяпти?
- Тешилган Бош қорасочли оқ аёлни талаб қилаяпти.
- Менинг шарафли Питерим шошиб қолибди. -- каттиқ кулиб, деди Клаас. -- У жуда бўлмаганда керак жойга етиб олишимга қўйиб берсин!
- Кунлар қисқа, эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди, чунки яқинда катта жанг бўлади, шунинг учун укангиз тезроқ оқтанли аёлга уйланишни иштаяпти, – тушунтирди Кайман.
- Жанг дейсанми? Уларга нимадир хавф солаяптими?
- Ким билади...
- Қани, айт-чи, сен руҳоний ҳазратларини кўрдингми?
- Ҳа.
- У сенга нима деди?
- Европалик уч оқтанли Олмосли ердан кетиб, яқинда Мози-оа-Туньяга келишларини айтди.
- Европалик уч оқтанли? Сен улар Альбер дейишади-ганни кўзда тутаяпсанми?
- Айни сенинг укангнинг бошини ёриб, Бизоннинг кўзини чиқарган Альбер. У яқинда анави иккитасига етиб олади. Ҳозир улар аллақачон бирга бўлишса керак.
- Сен буни қаердан биласан?
- Улар кондан кетишгандан бери мен одамларим билан уларнинг изларидан юрибман.
- Руҳоний ҳазратлари сизга уларни ушлаб, ўлдириш ва уларнинг ёнида бор нарсаларини олиб келишни буюрмадими?

– Буторди. Кейин эса фикридан кайтди. Афсус – Кайман ва унинг оғайнилари маза қилишган бўларди...

-- Октанлилага бу пайтда нима бўлди?

– Улар Калахарида бушменларникида меҳмон бўлишди. Кейин биз уларнинг биттасини, энг каттасини ушлаб олдик, у бизларга кул бўлди.

– Жуда яхши!

– Бироқ у кочиб кетди.

– Эҳ, сиз, тентаклар!

– Кейин у батоклар қабиласининг сардори Магопо билан дўстлашиб қолибди. Сен Альбер деяётганинг безгақдан ўлишига оз қолган экан, бироқ йўлбошловчилари унинг ҳаётини сақлаб қолишибди. Агар у хотини сенинг қўлингда асирликда эканини, сен уни ўз краалингда бека қилмокчи эканингни, ... ўлдирганингни билиб қолса...

Шу пайт фургоннинг ичидан инграган товуш эшитилди. Ранги оппоқ оҳариб кетган, ҳаяжондан ақлдан озгудек Анна тешик оркали бу гапларнинг ҳаммасини эшитган эди. Сухбат Калахарининг жанубий қисмида яшайдиган гарбий бечуан қабилаларидан бўлган ботлами тилида бораётган эди. Иккала суҳбагдош уларнинг гапларини ҳеч ким тушунмаслигига амин эдилар. Бироқ доим отаси билан юрган де Вильрож хоним маҳаллий тилни жуда яхши билар эди. У бу икки бадкирдорнинг гапларини бир оғиз ҳам қолдирмай барини эшитганди.

Шундай қилиб кутилмаганда у ҳеч қанакасига валинеъмат бўлмаган Клааснинг ҳамма режаларидан хабардор бўлиб қолди. У Аннанинг кўз олдида энди ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган аблах одамга айланди. Альбернинг ярадор бўлгани, уни топишга ҳаракатлари, эрининг янги жойда эканлиги – ҳаммаси ёлғон! Қароқчилар хужум қилишганда уларга ёрдам бергани – ҳаммаси ёлғон! Отасининг ўлими ва ўзи асирликда эканидан бошқа ҳаммаси ёлғон.

Қоратанли фургондан эшитилган инграшни эшитиб жим бўлиб қолди.

– Бизнинг гапларимизни эшитиб қолишди, – шивирлаб, деди у.

– Ҳа, бироқ тушунишмайди. Бор. укаларимга ҳаммаси яхши кетаётганини айт. Тешилган бош яқинда қорасочли аёлга эга бўлади. Сизлар эса бизга яхшилаб хизмат қилишда давом этаверинг. Вафодор бўлинглар ва сизда яқинда Мози-оа-Туньяда қанча сув бўлса шунча кап-бренди бўлади. Кайман, мени эшитаяпсанми?

– Эшитаяпман, – жавоб берди қоратанлиларнинг сардори: унинг овози ҳасисликдан титраб кетди.

– Кафрлар тегирмон тишига ишлов берадиган тошни топганимиздан сўнг бечуанларда бир умрга стадиган оқтанли одамларнинг оловли сувлари бўлади.

– Оловли сув ва милтиқлар ҳам.

– Ваъда бераман.

– Агар биз Альберни ва анави иккитасини ушлаб олсак, уларни баримларга қурбон қилиб, гўштини есак бўладими?

– Йўқ. Бечуанлар уларни бизга тириклайин беришади. Ундан олдин эса уларнинг ҳамма кийимларини ечиб, уларни ҳам бизга беришлари керак бўлади.

– Нега?

– Мен шуни хоҳлайман. Сен эса бажар! Акс ҳолда на милтиқ ва на кап-бренди бўлади.

– Яхши. Сенга сардорнинг сўзини бераман.

– Хайр.

Алам ва ғамдан титраб, де Вильрож хоним эшитган гапларининг ҳаммасини ҳамроҳига айтиб берди. Эстер унинг гапларидан даҳшатга тушди ва икковлари туни билан бу қопқондан қутилиш режасини тузиб чиқишди. Бу режалари жуда кескин бўлсада, бироқ рўёбга чиқиши мушкул режалар эди. Улар ҳеч нарса қила олмасдилар, ҳатто қочолмас ҳам эдилар.

Бу тунги ҳодиса қанчалик даҳшатли бўлмасин, унинг яхши томони ҳам бор эди: бу гаплардан Альбернинг тириклиги, у шу яқин орадалиги, Клаас унинг режасини би-

лиши ва у ҳам шаршарага кетаётганини билиб олишди. Тўғри, иккала аёл ҳам энди хавфсизликда эмасликларини билиб қолишди, бироқ энди улар бандит билан курашишлари, ёки жуда бўлмаганда ҳимояланишлари ва шароитлари тўғриланмаган ҳолда ўлимдан нажот топишлари мумкин эди.

Улар Клаасдан қанчалик қўрқишмасин, ўзларини тута олаётган эдилар. Клаас эрталаб уларнинг олдига саломлашгани кирганда аёллар ўзларини одатдагидан анча совуқ тутишди. Клаас ўзини жуда назокатли кавалер деб ҳисобларди.

Шунинг учун аёлларнинг муносабатларини қўриб, ҳўмрайганча фургоннинг олдида ўтирди ва ҳўкизларни чамбоқ билан савалай кетди: у газабини шу ҳайвонларга сочаётган эди.

Айни шу пайтда де Вильрож хоним инжилнинг тоза бетида Сэм Смит топиб олган мактубни қони билан ёзиш учун панжасига нина тикди.

Сўнгра агар яхшилаб қидиришса, фургонда бирорта қурол топа олишларига аниқ ишонган аёллар бутун кунни қидириш билан ўтказишди. «Қамоқхоначи» уларга араз қилиб ўтирарди, бироқ бу уларга ўз ишларини бемалол қилишларига ҳалал бермади. Ва бахтли тасодиф уларга ёрдам берди. Консерва банкаларининг ортида улар порохли бочкачани, ўлдирилган фургон эгасининг қогозлари ичидан кинида турган ўкланган револьверни топиб олишди.

Аннанинг қўлида пичоқ бўлиши Клаас учун игна ушлагандек гап эди. Бироқ ўқ отадиган қурол кимнинг қўлида бўлишидан қатъий назар, хавфли. Бундан ташқари, кўр-кўрона отилган ўқ балки унга тегмас ҳам, бироқ порохли бочканинг портлашидан у албатта ҳалок бўлган бўларди.

Сэм Смит ҳар томондан унга қараб «Сэм Смитга ўлим! Ўлим! Ўғрига ўлим!» деб қичкириб келаётганларни кўрганда шароит шундай эди.

ТҮҶҚИЗИНЧИ БОБ

Ака-ука душманлар. — Қирғин барот. — Бутун бир кабиланинг ҳалокати. — Жанубий Африканинг учта асосий халклари; кафрлар, готтентотлар, бушменлар. — Юқори Замбези бўйлаб хатарли сайёҳат. — Яна саёзликда!. — Жозефга қоялар ўрни алмашиб қолганга ўхшайди. — Қутурган гиппопотам билан учрашув. — Қон билан бўялган сувда сузиш. — Она севгиси. — Аламли қичқириқ.

* * *

Александрни қуюқ кутиб олган батоклар қабиласи ҳозирги пайтга келиб бутунлай йўқ бўлиб кетган, деб ҳисобланади. Бу камсонли халқлар бир пайтлар гуллаб-яшнаган ва қўшниларнинг ҳавасини келтирган ўзига яраша маданиятга эга бўлган. Бироқ бу гуллаб-яшаш доктор Ливингстоннинг сайёҳати даврига келиб пастга қараб кета бошлаган эди. Бир неча йиллар давомида ишлов берилган далаларни ўт босиб, қоратанли мулкдорлар меҳнати натижасида ўзгарган саҳро яна асли ҳолига қайта бошлаган эди. Шафқатсиз уруш, раҳм-шафқатни билмайдиган уруш бечора ерли аҳолининг сонини борган сари камайтирар эди.

Қабиланинг охириги қолган-қутганлари баримлар худосига топиниш маросимларини сақлаб қолган қабила сардорлари атрофида йиғилишади. Батоклар ўз ота-боболарининг эътиқодларига амал қилиб, шаршара атрофини ташлаб кетишни хоҳламасдилар. Батоклар сувнинг шаркираши, сув буғланишидан ҳосил бўладиган бешта устун ва камалакнинг ялтирашини соддаликлари ва нодонликлари туфайли ғайритабиий кучлар деб билишарди. Бу қабиладан қолганларнинг охиргиси «Мотсе-оа-Баримос», яъни «худодлар устуни»га қараб ўлишни орзу қилган экан.

Бироқ, эсиз, худолар макоколо кабиласидан бўлган мурасисиз душманлар келиб чиқишлари умумий эканлигига карамай аста-секин йўқ қилаётган ўзига эътикод қилувчи одамларнинг ёлворишларига бепарво эдилар.

Батоклар чиндан ҳам Жанубий Африка худудининг тўртдан уч қисмини эгаллаган кафрлар ирқига кирувчи катта бечуанлар оиласига мансуб, тўғрироғи, мансуб эди.

Гап Жанубий Африка ирқлари тўғрисида кегар экан, муаллиф этнография масалалари устида батафсилроқ тўхтаб ўтишга аҳд қилди. Бундан бизнинг ҳикоямиз фақат ютади, бинобарин бизни фақат драма эмас, география билимлари ҳам қизиқтиради.

Бу баҳайбат худудда яшовчи ҳисобсиз қабилалар умумий кўринишлари ва тилларидан келиб чиқиб учта алоҳида ирқларга бўлинишади. Булар кафрлар, гот-тентотлар ва бишоман ёки божъеман ҳам деб аталадиган бушменлардир. Кафрлар ўз номларини арабча сўз «кофир» – эътиқодсиз деган сўздан олишган. Бечунлар номининг этимологияси ҳақида бир неча оғизгина сўз айтамыз ва шимолдаги ирқларнинг охиргилари бўлган маколололарга ўтамыз.

«Бечуана» номи «чуана», яъни «ўхшаган» ва «бот» – «улар» олмошидан тузилган. Шундай қилиб «бечуана» сўзи «тенглар» ёки «ўртоқлар» деган маънони билдиради. Айтишларича, бир сайёҳ – унинг исми номаълум, бу одамлардан қўшни қабилалар тўғрисида сўраганда унга «бет чуана», яъни «улар ҳам бизга ўхшаган» деб жавоб беришган. Сайёҳ жавобни тушунмаган ва унга Апельсинранг дарё билан 16-Жанубий параллелда яшовчиларнинг номини айтишаяпти, деб ўйлаган.

Бироқ «тенглар», «ўхшаган» ва «ўртоқлар» бўлишиб, бечуанлар қабиласи бир-бирлари билан қаттиқ урушлар олиб боришган ва бунинг исботи батокларнинг бутунлай қирилиб кетишига сабаб бўлган батокларнинг маколололар билан бўлган қирғинбарот урушидир.

Биз ҳикоямизни шу урушнинг охирги эпизодларидан бирида тўхтаган жойимизга қайтамыз...

Яхшилаб овкатланиб олиб, бир-бирларига бошларидан кечирганларини айтиб берган Александр, Альбер ва Жозеф шаршаранинг юқори қисмида жойлашган оролчага, яъни рухоний ҳазратлари ва полициячи ўтиришлари керак бўлган жойга бормоқчи бўлишди.

— Кетдик, -- эшкакни қўлига ола туриб, ҳазиллашди Александр, — иккита сурбетимизнинг олдига борамиз...

— Боришга тўғри келади, -- жилмайиб давоб берди Альбер. — Бошқа иложимиз йўқ...

— Унда кетдик!

Кечиб ўтиш жуда эҳтиёткорлик билан ва жуда секин ўтаётганди. Дарё оролга ғаройиб бир тартибсиз тарзда оролга келтириб ташлаган баҳайбат дарахтлар орасидан ўтиш керак эди. Дарахтлар бир-бирининг устига чиқиб кетган ва бу хавфли эди. Омонат қайиқ баъзан сув ва қуёш ялтиратган кулранг қояларга тегиб кетар ва Александр, афтидан яхшилаб ўрганиб чиққан ирмоқлардан енгил сирпаниб сузиб кетарди. Альбер энди ўз ҳайратини ифодалашга тайёр турганда кескин силташдан у ҳам, қайиқча ҳам тўхтаб қолди.

— Жин урсин! — хитоб қилди Александр. — Ёки мен ақлдан оздим ёки қоялар бу ерда бир суткада ўсиб чиқади. Бу қоялар мен беш бармогимдек яхши билган ўтиш жойини тўсиб қўйибди!

Жозеф силтанишдан пастга мункиб кетди, бироқ тезда ўрнидан туриб, тўнгиллаб қўйди, бироқ орқаси билан кийга йиқилган Альбернинг туришга уриниши бекор кетди.

— Карай! — сўкинди каталониялик. — Мен кўкрагим билан урилиб кетдим. Яхши ҳам кўкрагим барабандек бақувват!..

— Пирога ҳам бақувват! — деди ниҳоят қаддини тиклаб олган Альбер.

Бироқ бу кўп давом этмади, чунки пирога иккинчи марта, биринчи мартадагидан ҳам қаттиқроқ силкиниб кетди.

– Эҳ, сени қара-ю, кайикчи! – Шароитларининг жиддийлигига қарамай, Александр ўзининг устидан кулди. – Сен афтидан пристадаги ирмоқни тозалашни унутгансан, шекилли?.. Ёки бир суткада баримлар сувнинг оқimini ўзгартириб қўйишдими?

– Жин урсин! – хитоб қилди Жозеф. – Месье Альбер, месье Александр, қаранглар: қоялар...

– Нима – қоялар?

– Улар юришаяпти...

Сув остидан қутурган буйволлар тўдасигина чиқара оладиган бўкирган товуш эшитилиб, шундайгина Жозефнинг бурни тагидан хунук калла кўринди.

– Уҳ, хайвон! -- калта, бироқ тошдек бақувват тишлар қадагган бахайбат оғиз ва хириллаган товуш эшитилаётган катта очилган бурун катакларини кўриб, хитоб қилди каталониялик.

– Шундай! – хотиржам товушда деди Александр. – Демак, бу сузадиган қоя эмас, шунчаки гиппопотам... Жим, дўстлар. хотиржам бўлинглар. Альбер, карабинингни ол ва тўппа-гўғри унинг оғзига қараб от... акс ҳолда...

Гиппопотам чуқур нафас олиб, учала дўстга кичкина йирткич кўзларини тикди ва тишлари билан қайикнинг бортини тишлаб олиб уни шундай куч билан тебрата бошладики, у бирпасда сувга тўлиб, сал қолса тўнкарилиб кетай деди. Бу ҳодиса сабаб учала француз ҳалок бўлай дейишди, бироқ бу қутулиб қолишларининг гарови ҳам бўлди. Сувга тўлган қайик оғирлашиб, тебранмайдиган бўлиб қолди.

Гиппопотам хужумини қайтармоқчи бўлди. У сувга шўнғиб, қайикнинг тагига сузиб бориш ва уни ўзининг кучли елкаси билан кўтариб ташлаш учун бир оз орқага сурилди. Агар у янглишганда ҳам унинг қайиқ устига бутун гавдаси билан ташланиб, эзиб ташлаш имконияти қолган бўларди.

– Отсанг-чи, ахир! – бакирди Александр.

Шу пайт шикоятомуз инграш эшитилиб сувнинг саргиш сатҳида катта қизил доғ пайдо бўлди. Териси қалин ҳайвон бир зум қотиб қоди: у хавотирланиб қолганди.

Альбер вақтдан фойдаланиб, ўқ узди. Зарбанинг товуши аниқ эшитилди: ўқ ҳайвоннинг курагини тешиб ўтган эди; қон отилиб, нимаданлиги номаълум, ўзи аввал ҳам қизил бўлган сув билан қўшилиб кетди.

— У яраланди! — ҳитоб қилди мерган. — Сувнинг таги-га кетаяпти...

Бирок, оғир ярасига қарамай, гиппопотам сув юзида ушланиб қолиш учун бор кучи билан ҳаракат қилаётган эди. Қизиги шундаки у энди яқиндагина уни газаблантирган қайикни кўрмаётгандек бўлиб, нурдан қолаётган кўзларида аввалги алам йўқ эди.

Альбер иккинчи кўндокдан отмоқчи бўлган эди, бироқ Александр уни тўхтатди.

— Кераги йўқ, — деди у. — Энди у хавфли эмас, охириги патронларни асраб тур.

— Қанақасига хавфли эмас?

— Ана, қарагин!..

Пироганинг орқа томонида қимирламаётган ҳайвон танаси кўриниб, уни оқим оқизиб кетди. Ҳозиргина Альбер ярадор қилган гиппопотам даҳшатли товуш билан ўкириб, ҳалиги ўлган ҳайвон орқасидан сузиб кетди. Бироқ ҳайвоннинг танаси тез оқимда сузиб кетаётган бўлиб, гиппопотамнинг унга етиб олиши қийин бўлаётган эди.

— Қандай яхши қутулиб қолдик! — енгил хўрсиниб, деди Александр.

— Сен хавф ўтиб кетди, деб ўйлаяпсанми?

— Сўзсиз! Фақат бахтли тасодиф туфайлигина шундай бўлди: биз гиппопотамнинг ургочисига дуч келган эканмиз. Агар эркаги бўлгандами, маза қилардик.

— Агар чиндан ҳам омадли бўлганимизда, йўлимизда жинсидан қатъий назар, ҳеч қандай териси қалин ҳайвонлар учрамаган бўларди.

— Тўғри, шундай. Бирок, бу бечора ҳайвоннинг қазаблангани бежиз бўлмаганига сен ҳам тан бергин.

-- Нега?

— Чунки онаси кафр қиролларининг хазинаси тўғрисида, ҳам бу хазина ортидан югураётган европаликлар тўғрисида ҳам ўйламай дарёда айланиб юрганда бизнинг пирогамизнинг тумшуги унинг устидаги боласини тилиб ташлади

— Боласини?

— Ҳа, шундай. Қарагин, боласига етиб олиш учун у канчалик ҳаракат қиляпти. Наҳотки, бир буюк куч уни бу жонсиз тана ортидан югуришга мажбур қилмаганда, у шунчалик ҳаракат қилармиди?

— Энди тушундим. Биринчи силкиниш бўлганда биз унинг боласига урилганмиз. Сувдан энди боши кўринган эди.

— Кейин эса бизни онаси туртди. У боласи йўқлигини сезиб, уни кидира бошлаганди.

Гиппопотамнинг танаси шаршарадан бир неча метр нарида қорайиб кўринаётганди. Боласи оппоқ кўпик қаърида қора нуқта бўлиб кўринарди. Бирок у бирдан йўқ бўлиб қолди. Онаси охириги марта ўқирди, бутун танасини ростлаб, охириги кучини йиғди-да, губсизликка ўзини отди.

— Бечора ҳайвон! — пичирлади Альбер.

— Жин урсин уни! — деди ўзи учун қасос олингандек хис қилаётган Жозеф.

— Ҳурматли жаноблар ва дўстлар, мараҳамат қилиб, тушинглар, — таклиф қилди Александр. — Биз етиб келдик.

Лианаларда чалкашиб ва қокилганча иккита одам улар томонга югуришди. Иккалалари суяк-суяқларигача ҳўл бўлиб кетишган, иккалаларининг соч-соқолларидан улар ҳозиргина ҳаммомдан чиққандек сув чакиллаб оқаётганди.

— Мастер Виль! Рухоний хазратлари!

– Ҳа, ҳа, жаноблар, бу биз! Ниҳоят сизларни кўрганимиздан бахтлимиз! Сизларнинг ўқ узганингизни эшитдик, ҳозиргина тубсизликка ағанаган бу махлук билан курашганингизни кўрдик. Хўп ҳаяжонландик-да! Шундай хавфли ҳайвондандан бизни қутқаргани учун тангрига шукур қилишимиз керак.

– Сиз жуда марҳаматлисиз, – нованиқ оҳангда деди Александр ва шу заҳоти сўради: – Менинг ўхшашим қани?

– У мараз одам, месье. У ўтакетган мараз! – тундлик билан жавоб берди мастер Виль.

– Секинроқ, оғайни, – манқаланиб, унинг гапини бўлди руҳоний ҳазратлари. – Бу йўлдан адашган қўй. Бунинг устига у бизга ёрдам берди.

«Эҳ, сен, риёкор!, – ўйлади Жозеф.

– У биздан ҳамёнимиз ёки ҳаётимизни беришни талаб қилишдан бошлади...– деб қўйди мастер Виль.

– Бироқ сизларнинг чўнтақларингизда ҳеч нарса бўлмагани учун у сизларга садақа қилдими?

– Йўқ. Бироқ у бизни бу ерга олиб ўтди. Фақат у қайикни қаердан ўғирлаганини билмайман.

– Бироқ у нега сизларни айнан шу оролга олиб келди, бошқасига эмас?

– Руҳоний ҳазратлари шунини истади, – тушунтирди мастер Виль. – У бандитга бировнинг молини ҳурмат қилиш тўғрисида ваъз ўқиб, кейин ундан бизни олиб ўтиб қўйишни сўради.

– Мастер Виль пишиқ бўла бошлабди, – Александрнинг қулоғига шиврлади Альбер.

– Бироқ, оғайни. – олдингидан ҳам баттарроқ манқаланиб гап бошлади руҳоний ҳазратлари, – қонга қайтиб кетишингизга ҳеч ким ҳалақит бермайди. Сиз у ерда ўз кучингизни ишлатиш учун бемалол шароит топа оласиз.

– Ҳап сеними! – четга қараб деди Александр.

– Менга келадиган бўлсак, – давом этди руҳоний ҳазратлари, – бу ерга келишни истаганимнинг жуда қўп

сабаблари бор. Сизлар, албатта, Жанубий Африкадаги Англия миссияларининг ҳурматли асосчиси машҳур Ливингстоннинг бу ерга келганидан хабардор бўлсангиз керак... Мен ҳам менинг ўлмас ватандошимнинг номи билан боғлиқ бўлган бу ерларни зиёрат қилишни хоҳлаб қолдим. «Боғ Орол» номини ҳам у киритган. Менинг бу ерларга келишни истаганим табиий.

– Албатта, табиий, руҳоний хазратлари.

– Ниҳоят, шунча қийинчиликлардан кейин мен сайёҳатимнинг мақсади сари етиб келдим! Мен маҳаллий аҳолига инжил нурини етказмоқчиман, бу бой ўлкани қуритаётган қон-қариндошлар урушига нукта қўймоқчиман. Қоратанли аҳолига маърифатни, муқаддас ўқишимизни ўргатмоқчиман, хуллас кучим етганча Давид Ливингстоннинг ишини тугатмоқчиман. Сиз нима дейсиз, миссионерлик марказини айнан шу ерда тузсаммикин?

– Чиндан ҳам тўғри бўлади, – бир вақтда дейишди ўз ҳамроҳларининг манқаланиб айтган гапларини жиддий қабул қилган Альбер ва Александр.

– Бироқ мен сизларнинг қайтиб келганларингиздан шунчалик қувониб кетганимдан, ўзингиз ҳақингизда сўраш эсимдан ҳам чиқибди. Мени кечирасизлар, жуда тўлқинланиб кетдим. Шундай қилиб, шунча вақт ичида сизлар нима қилдинглар?

Лианалар чирмашиб кетган дарахтлар ҳосил қилган қалин девор ортидан юракни орқага тортувчи бақирлар эшитилганда Альбер икки оғиз гап билан руҳонийга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлаётган эди.

Иккита қоратанли, афтидан плотнинг синган бўлаги бўлмиш тўсинга ёпишиб олганча, чинқириб ёрдамга чақиришарди. Бечораларнинг аҳволи борган сари даҳшатли бўлиб борарди: улар ёки қояга урилиб парчаланиб кетишлари ёки тубсизлик қаърига учиб кетишлари мумкин эди.

Александр ҳамма нарсани ҳисобга олиб кўриб, шаршаранинг овозини босиб кетгудек товушда бақирди:

– Уларни қутқариш керак!

ЎНИНЧИ БОБ

Рухоний ҳазратларининг иши айтганлари билан мос келмаяпти. — Ёрдам беришга тайёргарлик. — Яхши иш. — Эски танишлар. — Гэн ва Хорс. — Қоратанлилар хайратда. — Александр ўзининг ҳамма ерда бўла олиш қобилияти борлигидан хайратда. — Оқтанлиларнинг батоклар билан жанги. — Учала оқтанли ниҳоят рухоний ҳазратлари ва мастер Виль билан хайрлашишади. — Гэн — Макололо қиролининг элчиси. — Сарой жарчиси. — Африканча этикет.

* * *

Ўлим хавф солиб турган иккала қоратанлини кўрган Александр «Уларни қутқариш керак!» деб хитоб қилганда бу ерда турганларнинг ҳар бирида бу ишга нисбатан ўзининг фикри пайдо бўлган эди.

Қалби олтиндан бўлган жасур ва олийжаноб Альбер ва Жозеф иккалалари бир зумда ечиниб, сувга тушишга тайёрланишди.

Ҳозиргина айтаётган баландпарвоз гапларига қарамай рухоний ҳазратлари секингина қирғоқдан узоқлашди. Мастер Вильга келсак, у секингина елкасини қисиб, тиши орасидан мингирлаб кўйди:

— Қандайдир қоратанлиларни деб ўз жонини хатарга қўйиш учун француз бўлиш керак!

Жозеф полициячининг мингирлаганини эшитиб қолиб, жаҳли чикқанидан ранги оқариб кетди. Бирок шошилиш керак эди, шунинг учун мастер Вильнинг гапига жавоб қайтариб ўтиришни ўзига эп кўрмади, бирок эсида сақлаб қўйди.

— Дўстлар, — деди Александр, — фақат ўйламай иш қилмаймиз. Бу нарса аниқ бироқ бефойда ўлимга олиб келади. Сиз ўн қадам ҳам сузиб боришга улгурмай оқим сизни тортиб шаршарага олиб боради...

– Нима қилиш керак? – хавотирланиб деди Альбер. – Индамай томоша қилиб қараб тура олмаймиз-ку...

– Менга қаранглар. Ортиқча гап-сўзнинг кераги йўк. Альбер, бориб қарагин: пироғамиз бутунмикин. Жозеф, сиз мана бу лианалар осилиб турган дарахтга кўз очиб юмгунча чиқа оласизми?

– Чиқа оламан. Яна нима?

– Мана менинг пичоғим. Энг тепасига чиқиб икки-учта лиана кесиб олинг ва тезда пастга тушинг.

– Карай! Чиқаяпман. Ҳозир кўрасиз...

Бир неча сониядан сўнг йигит шаршарадан келаётган сув зарраларидан ҳўл бўлиб кетган барглар орасида йўк бўлиб қолди.

– Йигитлар, бардам бўлинглар! – Александр қоратанлиларга қараб инглиз тилида бақирди. – Ҳозир биз сизларга ёрдам берамиз!

Жозеф кесган ингичка, бироқ бақувват лианалар ерга тушди.

Шу пайт Альбер югурганча қайтиб келди. У ҳаяжонда эди.

– Пирога ишдан чиқибди! – узоқдан бақирди у. – Гиппопотам қайиқ бортини тишлаб ташлаган экан. Иккита жойидан сув кираяпти.

– Мен ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим, – совуққонлик билан деди Александр. – Шунинг учун ҳам Жозефга ҳар эҳтимолга қарши аркон топишни буюрдим. Эй, Жозеф, дўстим, туша қолинг!

– Хўп бўлади, месье Александр, – лианалар орасидан сирпаниб тушар экан, жавоб берди каталониялик.

– Мана, бўлди! Ҳаракат қилиш энди менинг навбатим. Альбер, сен мана бу лиананинг биттаси билан қўлтигимнинг тагидан яхшилаб ўраб, боғла. Кейин, мен қирғоқдан нарига сузганим сари уларни секин бўшат. Биттаси туғаганда унга иккинчисини улаб боғла. Сиз, мастер Виль, карабинни олиб қараб туринг. Мен яна гиппопотамга дуч келиб қолишим эҳтимолдан ҳоли эмас. У ҳолда отасиз.

— Э йўқ, месье Александр, — кизикконлик билан эътироз қилди Жозеф, — мен бунга йўл қўймайман. Қораган-лиларни мен ўзим олиб чиқаман.

— Мен-чи? — деди Альбер. — Наҳотки, сен бутун суякларинг синиши билан таваккал қиласанда, мени бу ерда арқон тўкиб ўтиради. деб ўйлаяпсанми?

— Альбер, бўлди қил.

— Ҳеч қачон!

— Жаноблар, келинлар, мен сизни яраштириб қўяман, — деди Жозеф. — Сиз, месье Альбер, Анна хоним учун ўзингизни асрашингиз керак, Месье Александр, сизнинг онангиз бор. Мен бугун эрталабнинг ўзида суякларим билан бунчалик муҳим бўлмаган иш бўйича таваккал қилдим. Хуллас, ортиқча гапнинг кераги йўқ — сувга мен тушаман.

— Майли! — деди Александр. — Агар кўнгишчанлик борасида узок баҳслашадиган бўлсак, бу анави икки қоратанли учун ёмон бўлади. Жозеф, бора қолинг. Бу мардонатор ҳаракат, мен сиздан қарздор бўлиб қоламан.

— Карай! Месье Александр, мен сизга ишонаман. Бир, икки...

Жасур каталониялик тўлкинлар ичига отилди ва қўллари билан ҳаракат қилиб, сузишдан чарчаган қоратанлилар томон сузиб кетди. Оқим эса у бечораларнинг плотларининг синикларини баттар парчалаб ташлаётган эди. Энди қутқарилишга бўлган умид куч берганига қарамай, улар зўрга туришарди.

Плотнинг охириги бўлагига қояга тегиб чил-парчин бўлганини кўрган Альбер ва Александр даҳшатдан кичкириб юборишди. Жозефнинг бутун жонбозлиги бекор бўлди. Э, йўқ. Уларнинг бахтига иккита тўсин ушланиб қолган бўлиб, чўқаётганлар ўшанга ёпишиб қолишди. Шу пайт Жозеф етиб келди. У худди кит каби оғир-оғир нафас олаётган эди.

— Ҳечқиси йўқ, йигитлар! Қўрқманлар! — кичкирди у. — Яна бир оз чидаб туринлар! Факат менга тегманлар,

акс қолда ёмон бўлади. Тўхта-тўхта, улар жавоб бершма-япти-ку! Ўлиб қолишмаганми? Карай! Кўкариб кетишибди-ку... Бу кўрқиб кетишганидан! Қани, йигитлар!...

У йигитларнинг иккаласининг сочидан ушлаб, орқага сузиб кетди. Уларнинг бахтига, оким уларга ёрдам берди. Агар тепага қараб сузишга тўғри келганда, чакқонлиги ва жасурлигига қарамай, Жозеф қутқарган одамлари билан пастга қулаган бўларди. Ҳозир эса сув уни оролчага тортиб кетаётган, бунинг устига Альбер ва Александр агар Жозефни сув четга тортиб кетган тақдирда тортиб олиш учун қўлларида лианани маҳкам ушлаб туришарди. Бироқ, сувда тура олиш қийин эди ва Жозеф иккала қоратанлини нима қилишни ўйлаб хавотирланаётган эди: улар икки мурда каби ёрдамга муҳтож эдилар.

Шаршаранинг шовқини унга Альбер ва Александро нима деяётганини эшитишга ҳалал бераётган, улар эса қоратанлиларнинг беҳуш эканликларини билмасдан, уларга лианага ўралиб олишни айтиб, қичқиришарди. Плотдан қолган иккита тўсиндан бирини сув аллақачон оқизиб кетган эди. Охирги биттаси қолган эди. Уларнинг бахтига ёғоч ғовак-ғовак эди.

Бошқа йўлини топа олмаган Жозеф тўсинни оёқлари билан маҳкам қисиб олиб, иккала қоратанлини қалин сочларидан ушлаганча, сузиб кетди.

Альбер билан Александр лиананинг қанчалик мустаҳкамлигини билмай, Жозефнинг бу маневрини даҳшат билан қузатиб туришарди. Агар лиана узилиб кетса, учаласи ҳам сўзсиз ҳалок бўлишади!

Бироқ бундай қаҳрамонлик мукофатланмасдан иложи йўқ. Учта одам айланиб, ўгирилиб оқиб борар, бироқ лиана мустаҳкам эди ва ниҳоят қолдан тойган ва ҳарсиллаётган Жозеф ҳали ҳам беҳуш бўлган иккала африкалик билан қирғоққача сузиб келди. Ва ўзи ҳам ҳушидан кетди.

Қоратанлилар тез-тез ҳушидан кетадиган нозиктабиатлардан эмас эдилар. Улар энтикишдан тўхташгач,

Альбер ва Александр уларнинг баданини ишкалашга бошлашганда улар тез орада оёқ-қўлларини кимирлатиб, қўзларини катта-катта очишди ва икковлари бир пайтнинг ўзида акса уришди. Бу уларнинг бутун ички аъзолари жойида эканлигининг исботи эди.

– Соғ бўлинглар! – уларни табриклади Жозеф. Ўзи ҳам бор овози билан акса уриб, ўзига ҳам гапириб қўйди: – Сен ҳам соғ бўл, дўстим Жозеф.

Кейин бирдан яна хитоб қилди:

– Жин урсин, мен жуда хурсандман! Шундай эмасми, месье Александр? Мен вақтида етиб келдим! Яна бир дақиқа ва улар жуда чиройли бўлиб чўкиб кетишган бўларди.

– Эҳ, Жозеф, Жозеф! Бизни кўрқитиб юбординг-ку! – деди эмикдош укаси ўзини қандай хатарга қўйганини эслаб хали ҳам титраётган Альбер. – Ҳаммаёғинг бутунми?

– Пра-де-Молс қалъасидек! Қоратанлилар эса, кўркувдан эслари бироз оғиб қолгандек, менимча. Қара, Александр, улар сенга тикилиб қолишди!..

– Жин урсин, ахир булар менинг эски танишларим-ку! Бу Гэн, Магопонинг ўғли ва унинг жияни Хорс. Кутилмаган ёқимли учрашув.

Бироқ ёш батоклар, кафрлар ирқига тегишли иккита келишган йигит бир оғиз ҳам сўз айта олишмай, шундай титрашардики, тишлари тишларига тегмасди. Фақат баримлар – шаршаранинг тангрилари билан учрашувгина уларни шу даражада ҳайратга солган бўлиши мумкин эди.

– Нима гап, йигитлар! – юмшоқлик билан деди Александр. – Тинчланинглар. Ахир мени биласиз-ку. Сизга ҳеч нарса хавф солмаяпти... Иккалангиз тириксиз, мен эса сизнинг дўстингизман...

– Сардор...Октанли сардор! – зўрға пичирлаб деди Гэн, Хорс эса афтидан ўзига ғайритабиий туюлган жон-

зотга кармаслик учун Замбезига қайтиб кетишга тайёр эди.

Александр олдинга бир қадам ташлаб, Гэнга қўлини дўстона узатди, бироқ у худди унга қизиган темир узатишгандек ўзини орқага ташлади.

– Ҳеч нарсга тушунмаяпман! – деди Александр. – Ақлдан озганми улар?

– Бу сардор, – зўрға дея олди Хорс.

– Ҳа! Буюк сардор, бизнинг дўстимиз! – тасдиқлади Гэн ва қаттиқ кулиб юборди.

Хорс ҳам унинг кетидан хохолаб кула бошлади ва улар анчагача кулишди.

– Демак, буюк сардор, сен батоклар билан эмассан?

– Кўриб турибсан...

– Кўриб турибман, албатта... Бироқ ишонгим келмаяпти...

– Менинг ишончим комил эмас!..– акс садодек қайтарди Хорс.

– Тушунтириб бер-чи, болакай!

– Ахир бугун эрталаб биз сени у ёқда қолдирганмиз, – у жанубга томон имлади. – Сен отам Магопо билан эдинг.

– Гэн, хато қилаяпсан.

– Йўк, сардор. Сен батокларни қўллаб-қувватлаган эдинг, филни отган сенинг карабининг эса душманларга қараб ёнди.

– Қандай, батоклар уришишдими?

– Уришишди, сардор. Даҳшатли жанг бўлди.

– Мақололлар биланми?

– Йўк, узун соқолли оқтанлилар билан

– Ва мен уларнинг орасида эдимми?

– Сен батоклар билан эдинг. Тўғри, биз кўпроқ эдик, бироқ оқтанлиларда қуроллар бор эди. Батоклар одам йўқотишмади... Сен эса отам Магопо билан қолдинг.

– Оқтанли сардор Магопо билан қолди, – таъкидлади ўзи ҳам бирор нима дейишни жуда хохлаётган Хорс.

– Кейин Магопо бизни маколлолар кетганини билиш учун шу ёкка юборди. Биз бутун кабилада энг тез чопадиган бечуанлармиз. Ва бизга баримларга илтижо килиб бизга ғамхўрлик килишни сўрашни буюришганди. Чунки биз иккаламиз баримлар билан қандай гаплашишни биламиз, – гурур билан деди қоратанли йигит.

– Мен бир нарсадан ташқари ҳаммасини тушундим: сен қандай килиб бугун эрталаб мени Магопонинг олдида кўрдинг?

– Биз чиндан ҳам сени кўрганмиз. Сен биз билан гаплашдинг. Ўзинг ўйлаб кўр, биз сени бу ерда кўриб, қанчалик хайрон бўлдик. Ахир биз билан чопишда тенглаша оладиган на қоратанли, на оқтанли одам йўқ бўлса... Сен эса бу ерга биздан олдин келибсан!... Демак, сен бир пайтнинг ўзида иккита жойда бўла оласанми?

– Оқтанли сардор ҳамма ерда бор... У баримларнинг дўсти. Балки унинг ўзи ҳам барим бўлса керак, – шеригининг гапини бўлди Хорс. У бу одам бир пайтнинг ўзида иккита жойда бўла олиши мумкинлигига жавоб топганидан хурсанд эди, чунки бу унинг ота-боболарининг содда эътиқодлари билан ҳам тўғри келарди.

– Бу ерда қандайдир бир ғалати сир бор, бироқ нималигини билмаяпман, – секин дўстларига қараб деди Александр. – Бир нарса эса аниқ: батоклар оқтанлилар билан курашишган. Улар биз билан ҳам курашган қондаги йигитлар эмасмикин? Шошманг! Ҳозир Магопонинг олдидаги ва уни деб менга бир пайтда ҳар хил жойда бўла олади, деган сифат ёпиштиришаётган одам-чи?! Бу фақат менинг ўхшашим, ифлос Сэм Смит бўлиши мумкин, ҳолос!.. Эҳ, жин урсин, Магопо албатта уни мен деб ўйлаётган бўлса керак! Бу ҳолда у бизнинг қоратанлилар билан яхши муносабатларимизни бузиб қўяди!..

– Вазият жиддий, – деди Альбер. – Смит уни сен деб ўйлашлари унинг учун қанчалик фойдали эканини дарров тушуниб олади. Ахир Магопо сенга хазинанинг сирини очмоқчи эди-ку...

— Тўғри. Шундай экан, вақтни ўтказмаслигимиз керак! Тезроқ батоклар олдига боришимиз керак, мистер Смит эса ўз ишлари билан машғул бўлаверсин... Жаноблар! — бўлаётган ҳодисаларни индамай кизиқиш билан кузатиб турган руҳоний ҳазратлари ва мастер Вильга қараб мурожаат қилди Александр. — Биз ҳозир материкка қайтамиз. Биз билан боришни хоҳлайсизларми ёки шу ерда қолишни афзал биласизми?

— Йўқ, йўқ! — бараварига жавоб беришди иккала инглиз. — Сизлар билан борамиз!..

Александр руҳоний ҳазратларининг бу жавоби у ҳозиргина гапирган гапларига мос келмаслигини истехзо билан айтмоқчи бўлди. Бироқ француз бошқа нарсани эслатиб қўйди:

— Пирога-чи? — хитоб қилди у. — Ахир гиппопотам уни синдириб ташлаган-ку!.. Қандай қилиб ўтамиз?

— Шунга қараб қолганимиз йўқ, — деди Альбер. — Батоклар менга ёрдам беришади ва мен бир соатда уни тузатаман. Агар гиппопотамнинг бир парча терисини шилиб ола олганимизда яхши бўларди. Бироқ бир бўлак дарахт пўстлогини олиб уни «бир оз шошмай тур»нинг тиканлари билан маҳкамласа бўлади. Бу гиппопотам терисининг ўрнига ўтади.

— Бироқ дарахтлар бу ерда жуда нам ва уларнинг пўстлоги қалин. Уларни қайик сув ўтказмайдиган қилиб ёпиштириш қийин бўлса керак, — деди Александр.

— Мен устки пўстлогидан фойдаланмоқчи эмасман. У намлик ва қуёшдан ёрилиб кетган. Мен дарахт ёғочини ўраб турадиган ички қобиғидан фойдаланмоқчиман. У худди пергамент каби ингичка ва чидамли.

— Зўр! Демак, ишга! Тезроқ дарахтларни шилиш керак...

Альбер қайикларни бундай тузатишни Апельсинранг республикасидаги бурлардан ўрганган эди. У кутганидек, бутун ишга бир соатдан ҳам камроқ вақт кетди ва кечиб ўтишлари муваффақиятли тугади. Бироқ, қаттиқ

ерга оёклари тегиши билан, Александр икки қоратанлини четга олиб чиқиб, улар билан сувни кечиб ўтиш пайтида ҳаёлига келган режани маслаҳатлашиб олди. Гэн ва Хорс бу режа уларга жуда ҳам ёқмасе-да, рози бўлишди...

Бу пайтга келиб эса мастер Виль ва руҳоний ҳазратлари агар энди ҳам французлардан қолмайдиган бўлсалар, бу шубҳали кўриниши мумкинлигига ақллари етди. Шунинг учун улар қонга кетмокчи эканликларини билдиришди. Хайрлашиш совук ўтди.

— Нихоят ёлғизмиз! — деди Альбер. — Нима қилишни ўйлаяпсан?

— Мана мен нимани ўйладим, — деди Александр. — Батоклар ва мақолололар ўртасида жанг бўлишига йўл қўймаслик керак. Бу уруш батокларнинг қирилиб кетишига олиб келади. Мен уларнинг сардорига хизмат қилиб қўйганимдан сўнг улар мени ҳурмат қилиб қолишган, бироқ айна пайтда мақололо қабиласи ҳам мени ҳурмат қилишади. Бу афтидан уларнинг бир пайтлар оқтанлилар билан қисман доктор Ливингстон билан бўлган муносабатларининг натижаси бўлса керак. Уларни тезроқ яраштириб қўйиш, ораларида тинчлик ўрнатиш керак. Шунинг учун Магопонинг ўғлини мақолололар сардори олдига элчи қилиб юбориш керак. Бу ҳолда унга ҳеч қандай ҳавф-хатар таҳдид қилмайди, қоратанлиларда бу мансаб — муқаддас ҳисобланади. У таваккал қилиши мумкин бўлган нарсаси — музокаралар ижобий натижасиз бўлиши мумкин, ҳолос.

— Жуда яхши. Бироқ нега сен ўзинг шу ишни қилмайсан? Нега шундай ишнинг ҳали бола бўлган тажрибасиз ёшгина йигитчага юқлаяпсан?

— Ҳавотир олма. Мен гапираман. Гэн фақат батокларнинг ниятлари яхши эканлигини таъкидлаши керак, ҳолос. Бундан ташқари, у ўзининг у ерда ҳозир бўлиши билан бу дипломатик конференцияга расмий тус беради. Кафрлар ҳар хил нарсаларга расмий тус беришни яхши кўришади. Мен бундай ишонч билдирилиши иккала қа-

биланинг ўзаро муносабатларига яхши таъсир қилади деб ўйлайман... Қалай, Гэн, дўстим, тайёرمىсан? Қўрк-маяпсанми?

— Сардор, мен сен билан кетишга тайёрман ва ҳеч нимадан қўркмайман.

— Яхши. Бир неча дақиқадан сўнг сен мақололо қабиласи олдига бўласан. Уларнинг сардорига нима дейишинг кераклиги сенга маълумми?

— Ҳа. Айтган сўзларинг ёдимда турибди.

— Мана бу пичокни ва мана бу яшил шохни ол. Мана, бундан ташқари, яшил баргда порох ва қўргошин бор. Буларнинг барини кўрсатиб ушла. Сен эса, Альбер, Жозеф, сизлар ҳам, Хорс билан ёнма-ён юринглар. Мен олдинда Гэн билан бораман. Мана, маросим тартибини ишлаб чиқдик, энди эса, олға!

Улар шу ҳолда Замбезининг оқими бўйлаб қирғоқдан юқорига қараб кетишди ва бир соатга етмай эҳтиёткор сардор разведкага юборган мақололо қабиласидан бўлган бечуанларни учратишди. Александр ўзини таништириб у билан европалик иккита оқтанли ҳам борлигини айтди ва қоратанли разведкачиларга сардорнинг олдига бориб унинг олдига батоклардан чопар келганини айтишни буюрди.

Разведкачилар таъзим қилишиб, бу яхши эканлигини айтишди ва қўшиб қўйишди:

— Батокларнинг чопари хуш келибди. Оқтанлилар Дадуннинг ўғли қаби қабул қилинади. Қоратанли одамларнинг дўсти оқтанлиларнинг сардори Магопонинг ўғлини Котлага олиб боришдан олдин бизнинг қайтиб келишимизни кутиб туради. Аёллар байялоа солинган идишларни олиб келишади, сўнгра жангчилар йиғилишади.

Шунчалик одамни тетиклантирадиган кириш сўзидан сўнг кўнсонли лашкарлар кўринди. Улар бақирганча яқинлашиб келишар экан, европалик бу нарса саломлашишми ёки кўркитиш эканлигини тушунолмаган бўлса-да, Гэн билан Хорсга юпатувчи таъсир қилди.

Юз қадамча нарида лашкарлар тўхтаб найзаларини ерга санчишди. Сўнгра баланд бўйли, бош кийимига туякуш патларидан тикиб олган қария тўртта аёлга имо қилиб, улар салкин ичимликлар келтиришди.

Бу қария Себитуананинг ўғли сардор Сешекенинг сарой хабарчиси эди. Улар икковлари, ота ва ўғил доктор Ливингстоннинг дўсти бўлишган эди. Хабарчи бу мансабда анча йиллардан бери ишлаётган бўлсада, ҳар сафар хизмат бурчини ўташга тўғри келганда ўзига ишончини ҳис қилмас эди.

Бироқ этикет ва маросим тадбирига тегишли нарсаларга нисбатан у жуда галабчан эди ва уларнинг заррача бўлса-да бузилишига йўл қўймас эди.

Шунинг учун у эшита олиш мумкин бўлган масофага яқин келгач, гап бошлади:

– Тангрим! Сардор Сешекенинг дўстлари бўлган бу оқтанли одамларга қара! Макололо қабиласи оғаларига қара! Тангрим! Маколололар – жасур жангчилар, улар ўзларининг душманлари бўлган батокларнинг ўғилларига қўлларини чўзаяптилар. Тангрим! Биз тинчликни истаймиз! Болаларингга тинчлик ато эт!

– Бошланиши ажойиб, – бир амаллаб бу саломлашишни таржима қилаётган Александрга шивирлаб деди Альбер.

– Албатта. Фақат бугун ишимизни кутилмаган ҳодиса бузиб қўймаса бўлди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Кутиб олиш маросими. — Маколололар сардори инглизларнинг давлат мадҳиясини ўзлаштириб олади. — Макололо қабиласи аёлларининг тўлалиги. — Нокулай безаклар. — Ғалати пиво. — Сардор Сешекенинг буюк фетиши. — Аравакаш плашининг ноодатий тақдири. — Африка монархининг байрам кийими. — Сешеке котильонда рақса тушади. — Шампанское. — Тинчлик музокараларини тузиш пайтидаги киноя — Янги хавотирлар.

* * *

Батоклар билан урушдан ўзи ҳам чарчаганми ёки оқтанлиларга ёқгиси келдими, Сешеке меҳмонларни яхши кутиб олиш учун роса ҳаракат қилганди. Меҳмонларни кутиб олиш учун махсус кийим кийган энг яхши лашкарлардан ташкил топган янги отряд чиққан эди. Қизилқум билан артилган найзаларининг темир учлари Европалик зобитларнинг милтиқ дасталаридек ялтирарди. Манчестернинг пахталик матосидан тикилган қалин белбоғлар қоратанли лашкарларнинг белини маҳкам боғлаб турар; қўл ва оёқларига тақилган жездан ясалган билакузуқлари олтиндек ялтирар; қизил лой билан акация смоласи қўшиб суртилган сочлари Наполеон гренадерларининг мўйнали калпоқларини эслатиб шишиб турар ва ниҳоят, ҳар бир лашкарнинг бурни ўртасидаги гўшти жайранинг тикани билан тешилган бўлиб, узоқдан мўйловга ўхшаб кўринарди.

Бу қирол гвардиясининг олдида кетаётган оркестр ниҳоятги тўртта ижрочидан ташкил топган эди. Бироқ улар қандай маҳоратли эдилар! Уларнинг сочларининг қизиллиги аввалига Жозефни ҳайрон қолдирди ва у Александрнинг диққатини шунга қаратди.

— Қаранг! — деди у. — Улар бизда Францияда драгунлар ва кирасирлар тақишадигандек от ёлини тақишар экан.

– Мана сизга, азизим Жозеф, бу осмон остида ҳеч нарсa янги эмас.

– Мeсье Александр, барабанлар-чи?

– Сизга бажонидил куагга терисидан қилинган барабанлар ва уларни битта таёкча билан уриш усулларини сизга бердим.

– Карнайлар-чи? Карай! Улар карнайларни бурниларига тикишаяпти!.. Горнчилар бурни билан чалганини ҳеч кўрганмисиз?

– Чиндан ҳам янгилик ва ўзига хос!..

– Ахир бурунларидан қон оқиб кетади-ку?

– Бу уларнинг иши! Бироқ, қаранг, капелмейстер нималар қилаяпти? Мана бу эса кўтариб юрадиган пианино!.. Қандай ажойиб мусиқа асбоби! У биз илгаридан билган рабукен, ромельпо, ньюм-ньюм ва бошқалар коллекциясини тўлдиради.

Куагганинг оловда қуритилган чарми қаттиқ тортилган, ичи говак ёғочдан ясалган галати барабанлар чидаб бўлмайдиган шовқин чиқараётган бўлса, агар асбобнинг ёнидаги кичкина тешиқни тортиб турган ўргимчак ини товушларни дўриллатиб чиқарадиган бўлса, у ҳолда Альбер кўтариб юрадиган пианино деб атаган бу асбоб чиндан ҳам, кўринишидан ҳам, овозидан ҳам ғайриоддийроқ эди.

Жанубий Африканинг бу қисмидаги аҳоли бу асбобни «маримбо» деб атайди ва ундан жуда кам ҳолларда фойдаланади. У ярим доира қилиб букилган иккита параллел брусokлардан ташкил топади. Бир-биридан йигирма бир сантиметр масофада кўндалангига узунлиги ҳар бири қирқ сантиметр ва кенглиги олтидан саккизгача сантиметр бўлган ёғоч клавишлар ўрнатилган. Товушнинг баландлиги клавишларнинг қалинлигига боғлиқ. Ҳар бир клавишнинг тагида бўш қовоқ бор. Унинг юқори қисмида кертиклар қилинган бўлиб, иккала брусok ҳам ўша ёриққа киргизилади. Ва ниҳоят, ҳар бир клавиш берадиган товушларнинг уйғунлиги қовоқнинг қатталигига

тўғри келади. Қовоқ бизнинг торли асбобларимиздагига ўхшаб, резонатор вазифасини ўтайди.

Маримбани иккита барабан тайёкчаси билан чалинади. У чиқарадиган товуш юмшок, ёқимли ва ижрочи кўп ҳолларда маҳоратли бўлади. Ҳозир маримбани чалаётган мусикачининг сочи худди пион гулидек ёниб турарди. У ўз серенадасини бош айлантирадиган даражадаги трель билан тугатиб янги мусикага ўтди ва Альбер билан Александр Англия ҳукумати мадҳияси «God save the queen» ни таниб, ниҳоятда ажабландилар.

Сешеке бу мусикани доктор Ливингстондан эшитган бўлиб, ҳеч тортиниб ўтирмай уни ўзининг тропик ҳокимиятининг мадҳияси қилиб ўзлаштириб олган эди. Қўл остидагилар ҳар бир тантанали маросимда буни эшитишга мажбур эдилар.

Аёлларнинг тўладан келган эканликлари уларнинг юқори табақадан эканликларини билдириб турарди. Улар ҳақиқий хонимлар эди. Уларнинг нозик қўллари оддий халқ аёллари қиладиган кўпол меҳнатни кўрмаган эди. Улар буқа терисидан тикилган калта юбка кийиб олишган эди. Ясан-тусанлари уларни келишган қилиб кўрсатарди. Сигир ёғи қалин қилиб суртилган ва қора дарахтдек ялтираб турган оёқ ва қўллари жез ва фил суягидан қилинган кўплаб билакузуклар билан деярли тўла эди. Баъзи бирлари бу безакларни шунчалик кўп тақибган эдики, ҳатто оёқларигача тақиб олган эдилар. Бироқ урф шундай! Урф эса Африкада ҳам, бизда ҳам — аёвсиз талабчан ва башангликнинг бу содда қурбонлари унинг учун қонлари билан тўлов тўлашган эди.

Улар қўлларида байялоа саватлари билан пайдо бўлишганда, тўпланганлар уларни шивир-шивир билан кутиб олишди.

— Уларнинг чиройлилигини қаранг! Териларининг ялтирашини-чи! Фил суяги устидаги қоннинг чиройлилигини! — шивирлашарди хайратга тушган томошабинлар.

Аёллар бўрдоқига боқилган ўрдаклардек юриш қилиб қадам ташлашарди.

Тропик жононлар Александрни меҳмон қилишди ва у фақат чанқов қийнаган ва хурофотдан йирок бўлган одамларгина пиво деб атайдиган ичимликни кўзини ҳам юммай ичиб юборди. Бу дурасаифи, яъни жўхоридан тайёрланадиган ювиндининг таркибида кўп ун бор. У жуда тўйимли, бироқ одамни тетиклантирмайди ва бу ерларда аёл зоти учун гўзалликнинг чўққиси бўлган семиришга олиб келади. Бироқ бу «пиво»ни ичиш учун бўғиз бакувват бўлиши керак.

Альбер ва айниқса Жозеф юзларини буриштиришдан ўзларини тия олмадилар.

— Карай! — пичирлади Жозеф. — Бу кепак! Тўтрими, месье Альбер? Кепак ва яна нимадир дорихонаники...

— Ҳм-м! — деди оғзи унга тўла Альбер. — Мен буни ҳайвонларни семиртириш учун бериладиган жўхори билан каштандан қилинган атала деган бўлардим.

— Шунинг учун ҳам бу хонимчалар гиппопотамга ўхшаптар экан-да.

«Хонимчалар» Жозефнинг беҳурматлик билан айтган гапларини тушунишмади. Улардан бири, йигитнинг иккиланаётганини кўриб, унинг кўлидан тўкилган идишни олиб бемалол оғзидан ича кетди.

Бироқ, бутун бу сидқидилдан кутиб олинисларига карамай, Александр ўта эҳтиёткорлик билан атрофини мансабдорлар ўраб олган сардорнинг ёнига томон бора бошлади. Буларнинг одатини яхши билгани учун, у ҳатто хўжайинининг олдига кетганига анча вақт бўлган хабарчининг келмаганидан бирмунча хавотирлана бошлади. Бу жуда тиришқоқ чиновник билан унинг ҳукмдорининг ўртасида узок музокаралар кетиб, кейин охири йўқ ўзаро саломлашишлар ва бир-бирига яхши ният тилашлар бошланиб кетди. Моноарх ниҳоят ўрнидан туриб, имо килди, даструмолча вазифасини бажарадиган шоқолнинг думини уч марта силкиди ва узок

кичқирди, бундан сўнг эса оркестрнинг ҳамма шовқинли асбоблари ишга тушди.

Александр енгил нафас олиб, пичирлаб қўйди:

– Нихоят! Энди хавотир ола бошлаган эдим.

– Сотқинлик қилишларидан хавотир олаётганминг? – сўради Альбер.

– Ахир ҳамма нарсани кутиш мумкин. Бизга-ку ҳеч қандай хавф таҳдид қилаётгани йўқ эдику-я. бироқ бизнинг икки мухтор элчимизни ҳайдаб юборишлари ёки асирга олишлари мумкин эди.

– Энди-чи?

– Энди уларга киришга рухсатнома беришади.

– Бундай ҳужжатлар қандай берилишини кўриш қизиқ бўлса керак.

– Ҳозир кўрасан. Мана, хабарчи келаяпти. У шундай қадам ташлаяпти-ки, худди унинг кўзларини боғлаб қўйишган ва ерга тухумлар ёйиб қўйилгандек.

– Унинг орқасидан иккитаси қўлида сават билан келаяпти.

– Яна ўша дабдала бемаза ичимлигимми?

– Йўқ. Афғидан, биттасида маниоки уни, иккинчисида эса қуритилган балиқ. Бу билан Гэнга ер ва сув унинг ихтиёрига берилаётганини айтишмоқчи.

– Яхши. Чиройли белги экан. Бироқ бизнинг олий коҳинимиз ҳурмат билан қандай ёдгорликни кўтариб келаяпти?

– Эҳ, жин урсин! – хурсанд бўлиб хитоб қилди Александр. – Ахир Сешеке бизни ўз тенги деб қабул қилаяпти-ку! Агар унинг амакиваччаси, Англиянинг қиролчаси, Ҳиндистон императори келган бўлганда уларга бунчалик ҳурмат кўрсатмас эди. Қара! Полума!..

– Ёғочдаги пўстинми?

– Худди шундай, йигитча! Сиамада оқ филнинг териси муқаддас саналгандек бу ерда ҳам муқаддас саналадиган ҳайвон бор. Бу байроқ, бу муқаддас, бу реликвия, бу асосий фетиш! Уни фақат айрим ҳоллардагина, масалан

кургокчилик вақтида ёмғир сўраб ялиниш керак бўлган-да...

– Ёки ёгингарчилик вақтида, қуёш сўрабми?

– Албатта. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Полума омадли овни, яхши балиқ овини таъминлайди, касалликлардан тузатади ва ғалаба олиб келади.

– Хуллас, Полума фетиш килиши керак бўлган ҳамма нарсани қилади!..

– Ва уни қўлида ушлаб турган одамнинг тўлиқ дахлсизлигини таъминлайди.

– Янглишмаётган бўлсам, бу шунчаки маймуннинг териси.

– Бироқ маймун оппоқ бўлган ёлидан бошқа ҳамма ёғи худди қўмир каби коп-қора эди. Бундай маймунларни фақат Матиамво – болонд қабиласининг олий сардориди қўриш мумкин.

– Наҳотки?

– Матиамво ўз ҳамкасб-подшоҳчаларига шундай туморларни танлаб-танлаб етказиб беради.

– У ҳолда уни шунчалик эҳтиром билан кўтариб кетишаётгани бежиз эмас экан...

– Гэн-чи! Гэнга қара! У қотиб қолибди. Чиндан ҳам қотиб қолибди! Тиззасини букаяпти, ерга таъзим қилаяпти!.. Мана у секин тураяпти... Қучоқлашаяпти!..

– Худди уни Олтин Руно ордени билан мукофотлашаётганга ўхшайди!..

– Тайёр! Энди Полума унинг қўлида. Энди биз бемалол кетсак бўлади – энди биз ўз уйимиздагидекмиз. Сешеке яхшиси ўз қабиласини кириб ташлаши мумкин, бироқ бизнинг икки батокимизнинг бир дона ҳам сочи тўкилишига йўл қўймайди...

Ҳали ҳам ҳаяжонда турган макололо қабиласининг сарой хабарчиси Котлага (сардорнинг қароргоҳи) киришдан олдин европаликларга бир дақиқа тўхташни ишора қилди. Шундан сўнг у чопиб кетиб, кулбалардан бирига киради ва у ердан бутунлай таниб бўлмайдиган аҳволда

чикиб келади. У ҳаммаёғига фетишлар, маржон ва туморлар осиб олган бўлиб, юзига индиго бўёғини суриб олган, бунинг устига ёнғок рангидаги европача пальтога ўхшаган кийимни кийиб олган ва унинг узун орқа этагини худди кирол мантиясининг шлейфини ушлаб кетаётган паж каби бир болакай кутариб турарди.

– Шошма-чи, ахир бу аравакашнинг плаши! – ажабланиб, хитоб қилди Альбер.

– Тўппа-тўғри, – таъкидлади Александр. – У бу ерга келиб қолган экан, бунинг галати тарихи бўлса керак. Бир нарсани тан олиш керак, бу плаш бу камергерга жуда ярашиб турибди.

– Бироқ бу мато қалин-ку. Бечора кизиб кетаётгандир!..

– Ҳечкиси йўқ, у эгнидан бу кийимни ечиб олганларидан кўра, терисини шилиб олишларига рози бўлади. Дикқат! Котлага кираяпмиз. Бу ерликларда бу нарса римликларда форум ва қадимги грекларда агорага ўхшаган гап.

Котла юз квадрат метр майдонни эгаллаган бўлиб, девор билан ўралган эди. Қарама-қарши томонларда барглари қуюқ иккита банан дарахти, уларнинг тагида эса – худди эстрадага ўхшаган кичкина тепалик бўлиб, коплон териси билан копланган эди. Эстраданинг бирида шахсан Сешекенинг ўзи ўтирибди. Унинг эгнида йигирма йиллар бурун букмекерлар кийган катак-катак куртка ва кизил йўл-йўли бор кулранг саржадан тикилган юбкаси бор эди. Шими йўқ, бироқ оёғига тагчарми йўқ бахайбат ботфорт кийиб олган. Бу кийимларга қўшимча кўплаб шиша маржонлар, елкасига осиб олган камарда бинокльнинг гилофи ва қадимда ҳарбийлар ўз хужжатларини сақлашган тунука трубка бор эди. Сешеке бошига жуда дид билан шиша маржонлардан ясалган каскага ўхшаган нарса кийиб олган. Каскага бир боғлам туякуш пати қадаб қўйилган. Қисқаси, бу опереттадаги Африка подшоҳининг ҳақиқий либоси.

Эстрада якинида учта ёш йигит ўтиришибди. Ҳар бирининг елкасида бир боғлам камалак ўки ва ҳар бирининг олдида ерда камалак ётибди. Хабарчи элчиларни олиб кирганда йигитлар камалак ипини кесишади.

Элчилар кўриниши билан Сешেকে ўрнидан туриб, имо қилади ва унинг олдида катта мис лаганда кул олиб киришади. Сешেকে кўкраги ва қўлларида кул суради ва лаганни европаликлар ва иккала батокка узатади ва улар ҳам ўз навбатида кўкрак ва қўлларида кул суришади.

Шу пайтда ҳамма томондан ҳеч бир огоҳлантиришсиз тишларигача қуролланган ҳарбийлар пайдо бўлишади. Улар бутун Котлани тўлдиришиб, афтидан Сешекенинг қудратини таъкидлаб кўрсатиш учун бўлса керак, берилиб бақиривади. Роса бақиривади, лашкарлар тинчишгач, ҳаммалари ўтиришади ва охири йўқ спорт машқлари бошланади, иш ҳақида эса гап йўқ.

Одат шундай: Жанубий Африка сардорлари ёки уларнинг вакилларининг учрашувлари шу билан ажралиб турадики, иш масаласининг тўғ аҳамияти йўқдек. Ўтиришлари билан улар фақат ичкилик ҳақида, ўйинлар ва кўнгилхушликлар ҳақида ўйлаб қолишади. Улар худди ёш болага ўхшашиди: кечагина ораларида арзимаган нарсадан пайдо бўлган душманлик бор эди, бугун эса ҳаммасини осонлик билан унутиб юборишган. Асосийси — уларни учрашишга мажбур қилиш, ўйин-кулги бошландими, у ҳолда бир-бирларига етказган озорлари қанчалик жиддий бўлмасин, ораларидаги суҳбатнинг натижаси муваффақиятли бўлади.

Буларни билган Александр тинчиб қолди ва дўстларини бу халқнинг ажойиб одатлари билан таништириб бошлади, улар эса жуда кам европаликларгина кўрган бу ажойиб манзарани қизиқиб томоша қила бошладилар.

Ҳозир бу ерда ажойиб кураш, югуриш, ўқ отиш мусобақалари, пантомима, рақс ва табиатнинг бу фарзандлари уста бўлган бошқа ҳар хил машқлар бўлаётган эди.

Ўйин-кулги Сешекенинг ўзининг алламабало ракси билан тугади. Унга оқ рангга бўялган катта қовоқ келтиришди. Ковокнинг устига соддагина рассомлар қўллари-дан келганча бурун, кўз, огиз ва кулокнинг расмини чизишган. Монарх бу бемаъни идишни бошига кийиб, танасини эса ёш новдалардан тўкилган бочкага ўхшаган нарсага тикди. Ташқарида оёқ ва қўллари-гина қолган эди. Бочка ҳам оқ ва қора рангларга бўялган, бундан ташқари унга буқанинг думи ва туякуш патлари осиб қўйилган эди. Ва бундан ташқари уни қўндалангига кесилган қизил саржанинг кенг парчаси безатиб турарди.

Лашкарлар бир қаторга тизилишиб, қарсак чалганча бир хил оҳангдаги ашулани чўзиб айта бошлашди. Сешек улардан ўттиз кадам нарида тури ғаройиб томошасини бошлади: у жаҳли чиққан хайвон ҳаракатларини қила бошлади – сакради, қўллари-ни силкиди, ҳақкалаб юрди, гулдурос қарсаклар эса унинг хореографик интилишини багтар кучайтирди. Ниҳоят у кучдан қолди. У кўздан йўқолиб, шу заҳотиёқ ўзининг одатий кийимида пайдо бўлди.

– Чиндан ҳам, мен тушимда ҳам бундай томошани кўрмаган эдим. Бундай ғаройиб томошани кўриш учун цивилизацияли мамлакатимизни ташлаб, Африкага келиш керак.

– Мен бу гапингга қўшилмайман, – ўзининг одатдаги истехзоли оҳангида деди Александр. – Бизда Францияда оксуяклар зиёфатларида ва кишлоқлардаги рақс кечаларида замонавий Терпсихоралар ҳам жуда аломат нарсаларни кўрсатиб қўйишади.

– Сен ҳазиллашаяпсан!

– Ҳеч ҳам. Замонавий кетильонларимизни эслагин. Раққослар эшакнинг бошини, чўчқаларнинг тумшуги ва яна бошқа нарсаларни кийиб олишиб бу ҳурматли мақолладан ҳам багтар аҳмоқона қилиқлар қилишади, фақат бунчалик усталик билан эмас.

– Ҳа, бу тўғри.

-- Ўзтибор қилгин, бундан ташқари бундай тантаналарда шампанское ҳам берилар экан.

-- Шампанское! Шу ердами?

-- Пақиллаётганини эшитаянсанми? Қовокдан қилинган бокалларда кўпириб турганини кўраянсанми? Кўрма, татиб кўргин! Бу ерда химия йўқ, бу вино ҳеч қандай анализга ҳам муҳтож эмас. Ма, ич!

Хизматчи бола Александрга бамбукнинг бўғимиغا ўхшаган шиша олиб келди. Шишанинг пўкаги қарсиллаб отилди.

-- Ажойиб вино! Редерердан қолишмайди! -- хитоб қилди Альбер. -- Менга қара, афтидан сен бу ерда ҳамма нарсани биласан, шекилли! Қандай тайёрланишини айтиб бер.

-- Редерер, Клико ёки Монтебелло -- уни хохлаганингча аташинг мумкин, бироқ у оддийгина шу ерда ўсадиган, аҳоли «пальмира» деб атайдиган пальманинг мевасидан тайёрланади. Энди, жим бўламиз -- муҳим дақиқалар яқинлашяпти.

Сешеке яхшигина ичиб олиб, қоллон териси сирилган эстрадасига ўтирди. Хабарчи европаликлар ва иккала батокни иккинчи эстрадага ўтиришга таклиф қилди, ҳамма ўтириб, тинчлик ўрнатилгандан кейин эса ўз хожаси ва унинг довурак кўшини шарафига узун мактов сўзларини айтди. Шундан сўнг у мақололо қабиласи ўз душманлари устидан қандай ғалабалар қозонгани, оқтанлиларнинг келиши тўғрисида гапирди ва ҳамма тинчлик тарафдори эканини кўшиб қўйиб, нутқини қуйидаги сўзлар билан тугатди:

-- Оқтанли одамлар меҳрибон, уларнинг қалблари тоза. Мақолололар ҳам яхши одамлар. Сешеке ҳеч қачон ҳеч кимга ёмонлик қилмаган. Оқтанли сардор Сешеке ва Магопонинг дўсти экан, у ҳолда батоклар ва мақолололар ака-укадек бирлашишлари керак. Гапим тамом.

Шундан сўнг у маҳаллий темирчилар ясаган темир белкурак келтириб чуқур қазий бошлади.

Сешеке баланд ўрнидан туриб, виқор билан чуқурнинг олдига келди ва бир боғлам найзани олиб, уларнинг учларини синдирди ва индамай уларни чуқурга ташлади. Гэн ўрнидан туриб у ҳам чуқур олдига келди ва Александр унга берган порох, ўк ва пичокни чуқурга ташлади.

Хабарчи чуқурни кўмди ва устига Гэн узатган ям-яшил шохни тикиб, хитоб қилди:

– Бундан буён батоклар ва мақолололар ўртасидаги дўстлик алоқалари узилгандан кўра шу ерда порох, ўклар ва пичоклар ўсиб чиқа қолсин. Батоклар мақолололарнинг душмани бўлгандан кўра бу дарахтнинг барглари тиканакларга айлана қолсин.

Шу пайт Сешеке Гэнга кўлини чўзиб, уни бағрига босди ва ўғлим деб атади.

Европаликларнинг ҳамма хоҳишлари амалга ошаётган ушбу одамнинг юрагига таъсир қиладиган маросим пайтида баланд бўйи сабаб Котланинг атрофини ўраган девор ортида нималар бўлаётганини кўриб турган Александр ўзини ажаблантирган ғалати ҳодисани кўриб қолди.

Мақололо қабиласидагилардан бир нечтаси кучи борица югуриб, дахшатдан бакира бошлашди, чунки европалик эканлиги кўриниб турган одам бошчилик қиляётган лашкарлар яқинлашиб келаётган эди.

Бостириб келаётганларнинг мақсади яхши эмаслиги аниқ кўриниб турарди, Александр дўстларига ўз хавотирини айтди.

– Гинчлик музокараларининг «омадли» тугалланиши! – хитоб қилди Александр. – Бу келаётган батоклар! Ҳозир бу ерда шундай нарсалар бошланадики!.. Бунга йўл қўйиб бўлмайди! Тузатиб бўлмайдиган фалокатнинг олдини олиш учун уларнинг олдига бориб огоҳлантириб қўйиш учун шошилиш керак!..

ЎН ИККИНЧИ БОБ

— Сэм Смитнинг Одиссеяси. — Хавфли касб. — Ғалати ўғри. — От билан бўлган воқеа. — Сэм Смитни қувлаш. — Пистирма. — Африка лашкарлари. — Сэм Смитнинг реванши. — Магопо ва батоклар. — Сэм Смит ўзининг Александрга ўхшашлигидан фойдаланади. — Мақололарга ўлим!..

* * *

Сэм Смит бирмунча вақтдан бери омадсизликка учраб келаётган эди. Бандитнинг Австралиядан кетишга мажбур бўлганини ўқувчимиз яхши билади: у бойишдан умид қилиб қилган бир қатор жиноятлари унга фақат катта салбий маънодаги шон-шараф келтирган эди. Унинг Жанубий Африкага келишидан мақсад у бу ерда иш қилиш осон бўлади деб умид қилган эди.

Аввалига унга омад кулиб боққандек бўлди. Нью-Раше, Олд-де-Бирсе ва Нельсонс-Фонтейнда олмос қидирувчилар унинг ботирлигидан шунчалик ҳўрқиб қолишган эдики, унга сўзсиз товлон тўлашар эди. Бирок тез орада бу уларнинг жонига тегди. Бу омадсиз қўлга тушмас аблахнинг ғалабаларига нуқта қўя олмаётган полициянинг ҳеч нарса қила олмаслиги ҳам жонларига тегди. Улар ўзимиз ўзимизни ҳимоя қилишимиз керак, деган қарорга келиб, бу қароқчиликка қарши ўзларининг иттифокларини тузадилар. Шундан сўнг биринчи бўлиб майда ўғрилар ўз фаолиятларини тугатишди, чунки конларда даҳшатли Линч судини киритишган бўлиб, гап-сўзсиз нафақат айбдорларни, балки шубҳа остидагиларни ҳам оша бошлашди. Тўғри, у ер, бу ерда ҳеч қандай айби йўқлар ҳам осилиб турарди, бирок, бу ҳаракат бекор кетмади, чунки йўқ бўлиб кетай деяётган ахлоқ-одоб қоидалари тезликда тикланди.

Сэм Смит унга ҳар қадамда қўйилган тузоқларни айланиб ўта олаётган эди, бироқ бунинг учун ўта эҳтиёткорлик талаб қилинар ва у бутунлай ёлғиз бўлган одамларгагина ҳужум қила олаётган эди. Бунинг устига Сэм Смит нафакат жасур одам эди, балки ўзига яраша ғалати одатлари ҳам бор эди. Ва шароит уни оддий ўғри даражасига тушириб қўйганда у синикиб қолди, бир пайтлар Австралияда уни афсонавий қилган шукуҳи хира тортди.

У ўзи доим орзу қилгандек маза қилиб яшаш, у ўғирлаган пулларини саҳийлик билан сочадиган виждони тоза бўлмаган одамлар орасидан ўзига шерик топиш ўрнига, одамлар кўнглига кўркув ва ҳайрат соладиган ҳеч кимга ўхшамаган қароқчи бўла олиш ўрнига, у ҳар қандай буюклик ва умидлардан мосуво бўлиб, зўрға ҳаёт кечиришга мажбур бўлаётган эди.

Шунинг учун у қаттиқ қўрикланадиган конларни ташлаб, хотиржамроқ жойларни қидира бошлади. Виктория шаршарасининг қаршисида, Замбезининг ўнг қирғоғида олмос кони топилганда унинг осмонида яна эски юлдузи яраклай бошлади. У бир неча марта қароқчилик қилиб, яхшигина ўлжасини ҳеч ким топа олмайдиган жойга беркигиб, уларни ёки Кейптаунда ёки, ҳатто Европада сотиш ва кейин ҳамма ишини ташлаб бутунлай тинч яшай бошлашни ўйлай бошлади. Олмос конида у аввал Австралияда бирга иш қилган бир нечта шерикларини учратиб қолди. Олмос конларида у Австралияда ўзи биргаликда ишлар қилган бир нечта одамни учратиб қолди. Бу одамлар у аввал уларга қилган ёмонликлардан ҳали ўзларига келишмаган бўлиб, гап-сўзсиз ўзларини шилишга қўйиб беришди. Бироқ буни билиб қолган бошқалар бу одамларни уришиб, уларнинг устидан кулишади. Ўзларининг меровликларини оклаш учун улар қароқчининг довругини оламга тарқата бошлашади. Уларнинг ўзлари унинг обрўсини тиклаб қўйишади ва Сэм Смит бундан унумли фейдалана олади.

Бирок кўп вақт тангана қилиш унга насиб қилмаган экан. Виктория қонида -- янги топилган қон шундай аталар эди -- ишчилар уларни кўрқувда ушлаб турган одамдан жуда жахллари чиқади ва улар ҳам жанубдаги дўстлари каби бирлашиб, бу одамдан тезроқ ўчларини олмоқчи бўлишди. Олмос ўлкасига кириш имконияти Сэм Смит учун яна ёпилди ва у энди қаерга боришни билмай қолди. Ўқувчимиз унинг охириги иши Жозефни тунаш бўлиб, у Александрга тегишли бўлган йигирма минг франкни ўғирлаганини яхши эслайди.

Агар шу бўлмаганда ҳаммаси бошқача тугаган бўларди. Яна Сэм Смитнинг рухоний хазратлари ва мастер Вильни ҳам тунамоқчи бўлганини эслатиб ўтамиз.

Ўзи қароқчи бўлагн миссионерга ташланиш ва чўнтагида ҳемири ёўқ полициячидан ҳамёнини талаб қилиш нафақат омадсизлик чўққиси, балки тақдирнинг унинг устидан қулгани эди.

Бирок Сэм Смит ўзининг иккинчи бор муваффақиятсизликка учрашига сабаб бўлган айбдорларига нисбатан ҳеч қандай алами йўқ эди. Бу ғалати одамнинг шундай одати бор эдики, бировни яхшилаб тунагандан сўнг, ўз қурбонига -- одам ишлай олиш имкониятини йўқотмаслиги учун нимадир ташлаб ҳам кетар эди. Ўзлари мухтож бўлган одамларга дуч келиб қолганда эса уларни боқар, баъзан хатто яхшигина пул ҳам бериб кетарди. Полициячида ҳам, сохта миссионерда ҳам бир чақа йўқ эди. Уларга одатдагидек садақа бериш имконияти бўлмай, у фақат уларга нима ёрдами тегиши мумкинлигини сўради. Рухоний хазратлари уларни Боғ Оролга олиб бориб қўйишни сўради.

Шаршара атрофида бир неча кундан бери айланиб юрган Сэм Смит бир пайдо бўлиб, бир кўздан йўқолаётган Александрга эътибор бериб қолди. Смит Александр пирогасини қаерда яшираётганига ҳам эътибор берди. Хавф-хатар тугилиб қолганда бу омонат қайикча ўтрига бошқа қирғоққа ўтишга ёрдам бериши мумкин эди, чун-

ки у отини йўқотган бўлиб, яёв юришга мажбур бўлаётган ва қачон энди янги тўрт оёқли дўст топиши номаълум эди.

Ҳар бир «станция»да юзлаб, хатто минглаб от топиш мумкин бўлган Австралияда Сэм Смит оёқларини тошларга уриб кўп юришига тўғри келмасди. Австралияда ҳамма от мина олади; бироқ Замбези қирғоқларида от кам учрайди. Шунинг учун Сэм Смит иккала йўловчини оролчага слиб бориб, ўша ерда қолдирди. Бироқ уларнинг ёлғиз қолиш истаклари унга ғалати туюлди.

Боғ Оролдан қайтаётиб у ўзларини қувлаб келаётган оломондан қочаётган Александр, Альбер ва Жозефни кўриб қолади.

«Бу от менга қандай ёрдам берган бўларди-я, — деди Александр миниб олган баҳайбат отни кўриб, қоянинг орқасига яшириниб олган Сэм Смит. — Э-ҳа, ахир бу пироганинг эгаси-ку! Зўр! У дўстлари билан дарёга қараб чопаяпти... Пирога турган жойга... Бироқ, азизларим, пирога у ерда йўқ! Агар сизга қайиқ керак бўлса, менга от керак... Уларга бирор нарса тўқиб айтаман...Улар жуда шошилишаяпти, ўйлаб ўтиришмайди».

Ва муттаҳам биз учинчи бобнинг охирида тасвирлаб ўтганимиздек, чиндан ҳам шундай ишонч билан алдаб, Корнелиснинг отига эга бўлди.

Тенги йўқ бу чопқир отнинг устида ўтираётиб, Смит қувлаб келаётганларнинг устидан кулмоқчи бўлди: улар Сэмни Александр деб ўйлаб, унинг йўлини тўсишмоқчи бўлишди, бироқ кўлларида келмади.

Бир неча дақиқадан сўнг у Клаас ва икки аёлни олиб кетаётган фургоннинг изини кўрди ва де Вильрож хонимнинг ёрдам беришни сўраб ёлворганлари ёзилган китобни топиб олди.

Қувиб келаётганлар аввалига уч европаликнинг йўқ бўлиб қолишганидан, кейин эса Смитнинг манёвридан ҳайратга тушишди. Краалда бошқа отлар ҳам бор эди. Уларни эгарлаш бир дақиқалик иш эди ва шу захоти қу-

виш бошланди. Кувишнинг бошида Корнелис билан Питер туришган эди. Кочкиннинг орқасидан бутун бир эскадрон кетаётганди.

Питер ва Корнелис бу ўз душманлари эканига ишончлари комил бўлиб, уни ўликми, тирикми қўлга туширишга оғт ичгандилар. Уларнинг табиатларида бундай нарса қурук гап эмасди, улар ҳамма нарсага қодир эдилар. Бу жанжалкаш уришқоклар ўз қурбонларини Кейптауннинг ўзигача қувиб боришлари мумкин эди.

Афтидан бу кун Сэм Смитнинг омадли кунларидан бири эди. Қароқчи Клаас уни жуда қўполлик билан қабул қилган пайтда қандай ёмон шароитда эканлиги қароқчининг ҳаёлига ҳам келмаётган эди.

Бирок шу пайт у кичкириқларни эшитиб қолди:

– Сэм Смитга ўлим! Қароқчига ўлим!

У шароити канчалик жиддийлигини тушуниб, отини ниқтади ва жануб томонда икки километрча нарида бошланган ўрмонга караб учиб кетди.

Қувиб кетаётганлар қочувчининг яширинишидан кўрқиб, отларини ниқтаб, бакириб икки баробар тезликда учиб кела бошлашди. Қувиш тез орада шундай тус олдики, буни кўрган югуриш ва отда чопишни яхши кўрадиган ҳар қандай европалик томошабин ҳайратланган бўларди. Чиндак ҳам, агар бизнинг ҳозирги спортчиларимиз зўрға нафас олаётган ва мана-мана қўлга тушай деяётган ҳайвон орқасидан қувишдан қандай завкланишса, одам овлаш канчалик кизиқ бўлар экан! Тўсиқлар ора отда чопиш ва ниҳоясида осилиш!

Сэм Смит «Ипсом» ва «Нью Маркет» сўзларининг ўзиданок юраги уриб кетадиган ҳақиқий инглиз сифатида айни пайтда бу ҳолатда ўзи ҳайвон ўрнида экани ва етиб олишларига йўл қўйиб бўлмаслигини бутунлай унутган эди. У билимдон ва ҳаваскор сифатида отларнинг югуришидан завқ олаётган эди.

– Гип-гип ура! – оловранг мўйловини тишлаб қичқирди у, орқасидан қувлаётган овчилар «Ўлим!» «Ўлим!» деб қичқиришар экан.

– Ўлим! Ўлим!

Чавандоз билагонлик билан хайдаб кетаётган катта от ҳали кучга тўла бўлиб, Смит мана-мана ўрмонга етиб қолай деган эди. Яна бир неча сония ва у хавфсизликда бўлган бўларди. У эндигина паст бўйли бутанинг устидан сакраб ўтаётган эди, бирдан кескин силкиниш бўлиб, отлик эгардан учиб кетай деди. Ҳар хил ҳодисаларга ўрганган отнинг сабабсиз асабийлашмаслигини тушунган Сэм отни уришиб ўтирмади. У отни силаб, сийпалаб, тинчлантириб, ўжарлигини синдирмокчи бўлди. Ҳаммаси бекор! От гўртала оёғи билан ерга тиралиб олиб, бошини қуйи солганча, пишқира бошлади.

Қувиб келаётганларнинг асабий қичкириклари яқинлашиб келарди. Смитга унга янги хавф-хатар таҳдид қилаётганга ўхшаб туюлди. Айнан қандай хавф-хатар эканлигини билмагани учун, айникса даҳшатлига ўхшаб кўринди. Бироқ совуққонлиги уни тарк этмаган эди. У карабинини ўқлаб, оти нимадан чўчиб кетганини кўриш учун ерга сакраб тушмокчи бўлаётганда бирдан от тикилиб турган буталар орасидан қочқиннинг кўзи олдида камон ва найзалар билан қуролланган қоратанли пайдо бўлди. Кейин ёнидаги бута, ундан кейин яна ёнидаги очилиб, ҳайратга тушган қароқчи буталар орқасидан уч юз, тўрт юзтача гиш-тирноғигача қуролланган африкаликлар чиқиб келаётганини кўрди. Қандайдир фантазмагория!

Смитнинг ажабланаётгани яна шундан эдики, бу жойнинг ўзи бу ерда бошпана ёки пистирма қилиш имкониятини бермасди. Смит кўпни кўрган одам эди, у эзилган ўтда антилопанинг зўрга кўриниб турган изини топа олиши мумкин эди, бироқ бу ерда шунча кўпсонли лашкарлар яшириниши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмаган эди. Қоратанли лашкарларни ҳис қилиш учун отнинг инстинкти бўлиши керак эди. Отга эса буни унинг олдинги эгаси қочоқ қулларни тутиш учун ўргатган эди.

Бошқа тарафга ўгирилишга кеч эди, чунки лашкарлар усталик билан ҳаракат қилишаётган ва Смит учун че-

кিনিшнинг ҳамма йўллари тўсилган эди. Булар ҳаммаси бутунлай жимликда ўтаётган эди.

Смит қўқоқлардан эмасди, бироқ бу одамларнинг кескин ҳаракатларини кўриб, кўпилаб найзаларни кўриб, бу оқ чиннига ўхшаган кўзларни, яраклаётган оппоқ тишларни кўриб, у титраб кетди.

– Мана, мен тутилдим! – файласуфона хотиржамлик билан мингирлади у. – Бу бўлиши керак нарса эди. Мени ёки бировлар осишади ёки бошқалари сийишади – мен тамом бўлган одамман. Бироқ бу қоратанлилар менга таклиф қилаётган ўлимдан кўра бир қулоч арқон яхшироқ. Осиб ўлдиришса ҳам майли эди... Эс-ҳушли одам бунга кўниши мумкин... агар унинг бошқа йўли йўқ бўлса... Масалан, бўлақларга бўлиниб бировларнинг ошқозонига кўмилиш ва бу гўрга ширин бататдан қилинган гарнир билан кириш, – йўқ, бундай ниҳоя чиройли эмас. Демак, таслим бўламиз!

– Ўлим! Ўлим! – кичқиришарди яқинлашиб қолган олмос изловчилар.

– Мана, жентелменлар! Мана сизларга! – хитоб қилди Смит ва тезлик билан отини бурди.

Бошида ёнғинда қиядиган каскаси борлиги ва инглиз генералининг қизил мундиридан сардорлиги кўриниб турган қоратанлилардан бири бир боғлам шоқолнинг думи осилган найзасини баланд кўтариб, баланд овозда бакира бошлади.

Отряд Шотландия киролик гвардиясининг истаган сержант-инструкторини хурсанд қила оладиган аниқлик билан битта одамдек қўзғалди. Фикр тезлигида ҳаракат қилиб, қоратанлилар бандитга томон югуришди, унинг олдида икки қатор бўлиб тизилишиб, ярим ўгирилишди ва Сэм Смитни қувиб келаётганлар ўз олдиларида диккайган даҳшатли найзаларни кўришди. Нималар бўлаётганини тушунмаётган Смит каренинг ўртасида, байроғини силкитишдан тўхтамаётган ва кўзида ҳеч қандай

одамхўрлик аломатлари йўқ сардорнинг ёнида бўлиб қолган эди.

– Отдан туш, – деди ниҳоят сардор бузук инглиз тилида.

Таклиф ўз вақтида қилинган эди, чунки бу қиёматдан башорат қилган отда ўтириб Смит ўзининг нима учун аралашганини ҳеч ҳам тушунмаётгани кутқарувчисидан бирмунча юқори турган эди.

Таклиф яна шунинг учун ҳам вақтида бўлган эдики, ўша заҳоти ўқ отилиб отлик деңгизчилар газабланган пайтда сўкадигандек сўкиниб, эгардан йиқилиб тушган эди.

– Ҳечқиси йўқ! – мингирлади у, осонгина ўрнидан туриб юзидаги конни артар экан. – Бу аблаҳлар кулоғимнинг бир бўлагини отиб туширишди!.. Бироқ башарамни бузиб қўйишгани учун улар ҳали катта ҳақ тўлашади.

У гапини тугатишга улгурмай туриб ҳаммаёқдан тарсиллаган отишмалар эшитила бошлади; бироқ бу отишмаларнинг натижаси қуюқ тутун билан каттиқ шовқин бўлди, холос.

Смит ўқларнинг визиллаётганини эшитиб, кулди.

– Бу тентаклар ҳали отда югурганларидан совушгани йўқ. Улар ҳатто шошилишни ҳам лозим топишмади. Бунинг устига улар ҳудди бокқолга ўхшаб отишар экан, Худо ўзи кечирсин. Қани, уларга ҳозир яхши милтик яхши қўлларда нима қилишини кўрсатиб қўямиз.

Сэм Смит иккистволли милтиғини бир зумда нишонга олиб, иккала стволидан отди. Иккита одам шу заҳоти йиқилишди. Бу йиқилиш билан бирга кутургудек бўкириш эшитилди. Бу отишга қарши қоратанлилар узоқ давом этган бақир-чақир билан жавоб бердилар ва ҳужум қилаётганларга найза ота бошладилар. Бироқ шу пайт сардор каттиқ қичқирди. Бу лашкарларга орқага чекиниш учун сигнал эди. Отряд аста-секинлик ва тартиб билан қуюқ чакалакзорга чекинди.

Такдирнинг қутилмаганда бошқа томонга ўзгариши Смитнинг кайфиятини кўтариб юборди, у яна мўъжиза сабаб дордан қутилиб қолган одамнинг хурсандчилигини туя бошлади. У ҳали ҳам озод қилганлар нима учун ўзи ва унинг душманлари ўргасига ёпирилишганини тушунмаётган ва тез орада ҳаммаси маълум бўлишини кутаётган эди. Айни пайтда эса у зўр овчи каби кетидан қувиб келганларни ўрдақдек отар эди

Қувиб келаётганлар эса маълум сабабларга кўра, чангалзор ичига чуқур киришмади. Найзалар билан аёвсиз тешиб ташланган, ўқлар билан яраланган бечоралар охири қочиш билан тугаган чекинишга мажбур эдилар.

Бу муваффақиятидан хурсанд бўлиб кетган қоратанлиларнинг сардори шишиниб кетиб, ўзини ҳар мақомга соларди. У афтидан, европалик уни мактаб кўяди, деган умидда эди.

Смит эса ўзининг қутулиб қолгани учун қандайдир тушунмовчилик сабаб деб тушунаётганди. У ўзининг халоскорлари орасида индамай турар ва нима қилишни ҳам билмаётган эди.

— Бу нимаси, — деди ниҳоят қоратанлилар тўдасининг сардори, — октанли одам батокларни танимаяптими? Наҳотки, у Замбези лашкарларининг сардори, ўз дўсти Магопони танимаётган бўлса? Магопо эса филни отиб, унинг ҳаётини қутқарган октанлини яхши эслайди. Магопонинг хотираси унинг кўзлари ва юрагида, чунки миннатдор бўла билиш — қоратанлиларнинг фазилати.

Смит ҳозир ўзини фақат жасурликкина қутқара олишини сезиб турарди. Ўрмонлар ва водийларда санкиб юрган пайтида у бу ерликларнинг тилини яхши ўрганиб олган бўлиб, ҳозир у қоратанлиларнинг сардори нима деганини жуда яхши тушунган эди.

«Афтидан, — ўйлади у, — мен филни ўлдириб, бу яхши одамни ўлимдан қутқарганман шекилли. Чуқур қавлаштириб ўтирмаймиз ва кўп ҳам сўзламаймиз».

— Ҳа, сардор, — деди у, — мен сени танидим, чунки мен сени кўркмас ва мард одам сифатида эслаб қолган-

ман. Сенинг ҳаётиггни саклаб қолганимни эсга олишни истаясанми — майли, бунинг учун миннатдорман. Бироқ оқтанли одамга у қилган яхшилигини эслатиш яхши эмас. Бунинг устига сен мени яхшигина мукофатладинг ва мен сенга қарздорман. Магопо — буюк лашкарбоши ва батоклар эса — жасур одамлар.

Бу умумий гаплар йиғиндисини шов-шув билан маъқуллаб туришди. Батоклар қаршиларида чиндан ҳам Александр турганига ишончлари комил бўлди. Улар бу ўхшаш одам эканлигига шубҳа ҳам қилишмади.

Аслида, Магопо ўзи ҳам билмаган тарзда ўз саволларининг жавобини соддалик билан ўзи бериб қўя қолган эди. Бу ҳолда истаган одам шароитдан чиқиб кетган бўларди. Смитга эса уни Александр деб билаётганларини сезиб олиш учун кўп вақт керак бўлгани йўқ.

Мастер Виль ва руҳоний ҳазратлариши Боғ Оролга олиб ўтиш пайтида улар гапирган бир неча оғиз гап унга ўхшаш одамининг ролини ўйнашига ёрдам берди. Уни фақат овози ва инглизча акценти билдириб қўйиши мумкин эди, бироқ африкаликлар буни жуда ҳам сезиб ўтиришмасди. Шундай қилиб, қутилмаганда кадрдон дўсти, оқтанлиларнинг сардори келиб қолганидан хурсанд бўлиб кетган Магопо дўстига у мақолололар элдида чекингандан сўнг бўлиб ўтган воқеаларни айтиб бера бошлади.

У батокларнинг қочганлари: улар шаршаранинг тепароғидаги одамюрмас жойларда санғиганларини; улар баримлар келиб турадиган оролчадан узокка кетишни хоҳламаганларини ва бу оролчада оқтанлилар жуда кадрлайдиган ва қоратанлилар тегирмонтошига ишлов бериш учун фойдаланадиган тошлар захираси сақланиши ҳақида гапириб берди.

Сэм Смит энди ҳамма гапга тушуна бошлаганди. У ҳам кафр қиролларининг битмас-туганмас хазинаси ҳақида эшитган эди, ҳозир омад уни шу сирнинг эгаси билан учраштирганини англаб турарди. Бироқ у ўзини қўлга олиб, ичини чулғаб олган ҳаяжонни босишга уринди.

– Ҳа-а, тегирмонтошига ишлов берадиган тошлар, – бепарволик билан деб қўйди у.

– Мен сенга берганларим эвазига сен менга қоратанлилар ичадиган оловли сув юборишни ваъда қилган эдинг, – очкўзлик билан унинг ёдига солди Магопо.

«Ҳа, мана гап нимада экан, – ўйлади бандит. – Менимча, у мен билан адаштираётган француз спиртли ичимликлар билан савдо қилади, шекилли...»

– Сен яқинда менинг ота-боболарим қолдирган ҳамма нарсани оласан...

– Бунинг учун нима қилишим керак? – қалбаки бепарволиги билан ҳеч ҳам қовушмаган шопша-шошарлик билан сўради Смит.

– Бунинг учун баримлар илтифотли бўлишлари ва мақолололар бизнинг еримиздан кетишлари керак. Ўғлим Гэн ҳозир Мози-оа-Туньяга жўнайди. Уни акамнинг ўғли Хорс кузатиб боради. Улар Мотсе-оа-Баримос олдида айтиладиган муқаддас сўзларни билишади. Ёш сардорларнинг ибодати дарё тангрилари учун ёқимли бўлади. Мақолололарга келсак...

– Биз уларни шартта ҳайдаб юборамиз! – унинг гапини кескин бўлди Смит.

– Улар кўп ва улар кўрқинчли...

– Бирок батоклар бечуанлар орасида энг жасур лашкарлар. Ахир улар ҳозиргина милтиғи ва отлари бўлган оқтанлиларни қочишга мажбур қилишмадими?

– Бу тўғри, – деди бу гапнинг ҳақлигидан хайратда қолган Магопо. – Фақат сен бизнинг сафимизга қўшилиб, ҳозиргина оқтанлиларни ўлдирганингдек, мақолололарни ҳам милтиғинг билан отиб ўлдиришинг керак бўлади.

– Албатта. Мен ҳам айнан шундай қилмоқчиман.

– Сен Дауд оқтанлиларга қоратанли одамларга қарши милтиқ ишлатишни ман қилиб қўйганини биласанми?

– Тўғри. Бирок қоратанли одамлар, масалан худди батоклардек, ҳақ иш учун курашаётганларида, мақолололар каби шафқатсиз одамлар уларни йўқ қилиб юбо-

ришмоқчи бўлса, октанлилар уларга ёрдамга келишлари керак... Кетдик, сардор. Ҳеч нарсадан кўркма! Бизни Дадуднинг ўзи қўриқлайди ва биз ғалаба қиламиз.

– Раҳмат! Сен довюраксан. Биз эртагаёк ишга киришамиз ва биз ютамиз...

«Мен эса кафр қиролларининг хазинасини қўлга киритаман», – ўзича деди Сэм Смит.

Гилдирак устидаги калъа. — Замбези ирмоғи. — Тропик манзара. — Жанубий Африканинг ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси. — Қуш-полициячи. — Одам ваҳима солади. — Ноқулай ракиб. — Икки парламентёр. — Ўзиникилар орасида. — Вақтинчалик сулҳ. — Азобли кутиш.

* * *

Икки аёл ва Клаас сайёҳат қилаётган оғир фургон Замбездан бир неча юз метр нарида, унча катта бўлмаган, буюк оқимга қўшилиб кетишдан олдин кўрфаз ҳосил қиладиган дарё кирғоғига келиб тўхтади. Қоялар орасидан жилдираганча қояларда садафдек кўпик парчаларини қолдириб тип-тиник сув жилдираб оқарди. Ирмок чуқур эмас, бироқ кўплаб силжишлар, оролчаларда тўпланган тоғ жинслари уюмлари, у ер бу ердаги ҳосилдор ерлар — ҳаммаси бирер нарса тушунадиган одамга бу камтаргина жилға баъзан кучли оқимга айланишини айтиб турарди. Эътиёткор сайёҳ бу билқиллаб турган тупрокка ишонмаган бўларди; у нарироқ ва баландроқда тўхтаган бўларди. Бироқ Клаас айна шу ерда, сув уриб кетишидан ҳимояланмаган ерда, кутилмаган жаладантошиб кетадиган ирмокнинг шундайгина кирғоғига жойлашди. Бунинг учун Клааснинг ёки қандайдир жиддий сабаблари бор эди ёки ўта бепарволик қилган эди...

У фургонни очик жойда, шундоқ қуёш ёндираётган ерда тўхтатди, бу ерда ҳавонинг чидаб бўлмас даражада дим бўлиши кўриниб турарди. Тўғри, Клаас фургоннинг брезент томи устига қалин қилиб яшил барглاردан солиб чиқди. Бироқ улар бирпасда қуриб қолди. Қуёшдан сақланиш эҳтиёт чораларига сувдан бўлмаса-да, жуда бўлмаганда йиртқич ҳайвонлар ҳужумидан ҳимоя қиладиган бир қатор ишлар қўшилди: бу ерда биз қозик ва

тўсинлардан қилинган девор ва девор ортига ташланган тошларни кўзда тутаялмиз. Афтидан, Клаас аллақандай жуда хавфли душманлардан кўркаётган эди.

Бу октанли ёввойини бир неча қадамгина наридаги калин ўсган ўсимликлар сабаб жаннатмонанд кўринаётган жойини рад этишга нима мажбур қилди экан?

Бу ерда асоси ингичка бўлиб юқорига кўтарилган сари катта попуги шамолда ҳилпираётган баҳайбат бамбук туплари ўсиб ётарди. Уларнинг нозик яшил барглари билан қопланган бакувват, цилиндрик шаклдаги бўғимли таналари сал шабада туриши билан тебранишади, уларнинг ғалати шивирлашини бир марта эшитган одам ҳеч қачон унутмайди. Бу яшил денгизнинг у ер бу ерида баланд кўтарилган қоши барглاردан ясалган кимир этмай турган устунлар каби ёлғиз пальмалар кўринади. Дарахтсимон папоротник ўзининг ажойиб барглари билан ёввойи хурмо дарахтининг баргларига ўралиб кетган; пўсти қизилроқ бўлган гвиаланинг мевалари индигонинг гулкосаси билан аралашиб кетган. Баргларининг пастки қисми ёрқин, тепа қисми эса кора нукталар билан чулганган смоковницалар эса шохлари қаттиқ, кенг ва текис барглари натижасида оғирлашган анжир дарахти ёнида қад кўтариб туради.

У ер бу ерда ёлғиз ўсган яшил баньянлар қад кўтариб турибди. Ҳисобсиз индизлари ердан унинг бутун намлигини сўриб оладиган бу баҳайбат тропик ўрмон дарахтининг соясида бошқа ҳеч қандай дарахт ўса олмайди. Унинг остига бутун бир қабила жойлашиши мумкин.

Бу ерда лола, амариллис ва бошқа гуллар билан безатилган қуюқ ва серсув ўтлар ажойиб гилам бўлиб ёйилган. Ҳар куни эрталаб ерни ажойиб ифорли қордек қоплайдиган оппоқ гул одамнинг эътиборини тортади. У фақат бир кунгина яшайди. Ерли аҳоли уни «тиаку-са-питсе» — «зебранинг оёғи» деб атайди. Унинг барглари очилганда худди жон қирган қимматбаҳо тошлар каби капалаклар ғаласини ўзига жалб қилади. Капалакларни эса ниначи-

лар, ишчан чумолилар, тўполончи ниначилар яшириниб кутиб туришади.

Катта ва кичик дарахтларда, дарахтларнинг танаси ва шохларида, қояларда, ирмоқлардан чиқиб турган тошларда ва ботқоқларда ўсимликлардан ҳам турли-туман бўлган бутун бир қушлар дунёси сакрайди, учади, ов қилади ва балиқ туғади.

Зумрадранг қанотлари сапфирранг билан ҳошияланган чиройли ниначилар бир-бирини қувлашиб, учишади. Ва сал шубҳали шитирлаш эшитилиши билан дарё қирғоғида улар ўзлари қазиган ва уларга уя бўлиб хизма қиладиган чуқурчаларга яшириниб олишади. Ҳаворанг ва апельсинранг кўкторғоқлар ўз ўлжаларини туғиб олиш учун худди ўқдек тезлик билан шўнгийдилар; ичида беш юзтача бўлган сақоқушлар тўдаси осмонга кўтарилиб, кўкда айлана ҳосил қилганча узоққа бориб қўнишади. Доимо жаҳли чиққан лайча итдек жаҳлдор, бироқ шердек кўркмас ҳаракатчан ва бакироқ ржақкалар юмшоқ кўнгилли эканликлари сабаб қушлар ўртасида тартиб ўрнатмоқчи бўлишади.

У кўркмай катталарини қувлайди, кичкиналарга ёрдам беради ва тўқнашувнинг олдини олади. Бироқ қанча ҳаракат, бақир-чақир! Бу ердаги энг тиниб тинчимайдиган шақилдоқлар — кичкина яшил тўтиқушлар жим бўлишга мажбур бўлишади.

Қора кийимдаги катта гозлар оёқлари остида чумоли тухумини қидираётган каклик ва цесаркалар билан бир қаторда овқат қидиради.

Вақти-вақти билан орқаси кулранг-ҳаворанг, кўкраги очранг катта қуш ёлғиз ўзи гладнатордек мағрур турган баландликдан пастга қараб шўнгийди. У чинқирган овоз чиқаради ва ўт устига тушади ва шу заҳотиёқ кўринмас рақиб билан кураш бошланади. Қуш худди қалқон билан тўсгандек, ўзини пихли қаноти билан яшириб олади. Унинг боши ва бўйнидаги патлари тикка туриб, қуш жаҳл билан тумшуғи билан чўкийди ва шундан сўнг чангалида

ўзи бошини майдалаб ташлаган илонни кўтарганча викор билан юқорига кўтарилади. Бу илон қуш деб ҳам аталадиган котиба-қуш.

Ниҳоят, ажойиб қизил тритон чиқарадиган арфа товушини эслатувчи титрок товушга Бюршел ржанкасининг «дзинь-дзинь-дзинь» товуши қўшилиб кетади. Бу товуш шу даражада сандон товушини эслатадики, ерли аҳоли уларни «сетулатсени» яъни «темирни босаяпти» деб аташади. Бу жониворнинг жарангли овози – тревогани билдиради: бу дегани қуш ҳозир акация шохига келиб қўнмоқчи бўлаётган оқбошли бургутни кўрди, дегани. Кутилмаганда бирдан патлари нозик-яшилранг чиройли қушлар шовкин билан учиб кетишади. Булар яшил каптарлар: сетулатсенининг кичкириги уларни яна ёввойи қушнинг чангалидан қутқариб қолди.

Хуллас, гапнинг қисқаси, бу ерда табиат тантана қилади, ҳаёт кайнайди. Гилдирак устидаги уйдаги одамлар эса худди бу ажойиб манзарани кўришни истамаётгандек ва димликдан кўрқмайдигандек бутунлай яшириниб олишган.

Бирок бу тропик ўрмонда яшовчилар нега бирдан ваҳимага тушиб қолишди? Улар бу ерда фургон борлигига ўрганишгандек эди. Бу қўшничилик уларнинг ҳаётлари ва озодликларига раҳна солмаётгандек эди. Бирок мана улар кичқирганча елдай учиб кетишаяпти.

Уларнинг бунчалик бирдан ва шошилиб кетиб қолишларининг сабаби тезда маълум бўлади. Одамлар овози, отларнинг тапир-тупурлари эшитилиб, ўрмон ёқасида искирт кийим кийган, юзлари бужмайиб, соқоллари ўсиб кетган кўпсонли отлиқлар тўдаси кўринди.

Отлиқларнинг иккита баҳайбати олдинга чиқишади. Улар «тўхта» деб буйруқ бериб, фургон ўралган девор ёнига яқин келишади. Эшик секин очилиб, Клааснинг тунд башараси кўринади.

У дарахт тагида турган янги келганларга тунд ва шубҳали назар ташлаб, қўлида узун голландча милтиғи-

ни тайёр қилиб ушлаганча, юзида катъий ифода билан фургондан чикиб келади.

– Корнелис, бу сизмисиз? Питер, бу сизмисиз? – тўнгиллайди у. – Сизларга нима керак?

– Оғам Клаас, – дейди бутун бошида айланасига чандиги бор Питер истехзо билан, – сиз жуда мулозамат қилмаяпсиз.

– Ва хотирангиз паст экан, – ўз томонидан кўшиб кўяди бир кўзли Корнелис.

– Бўйнингиз узилсин сизларнинг. Менинг сизлар билан чакчақлашиб ўтиришга вақтим йўқ, айниқса сизлар билан.

– Албатта... Сиз бутун назокатингизни манави икки хурилиқо учун сақлаб турибсиз...

– Жим бўл!... Сенга нима керак?

– Кўп нарсасиз эмас. Сиз жуда ажойиб режа тузиб, агар хотирам ланд бермаётган бўлса, буни бизга Нельсонс-Фонтейн атрофида жойлашган руҳоний ҳазратларининг чодирда айтган эдингиз.

– Кейин-чи.

– Сиз биз бу хазинага осонгина эга бўлишимиз ва кейин камида Англиянинг қироличасидек бой бўлиб кетишимиз мумкинлиги ҳақида гапирган эдингиз. Энди мақсадга етай деганимизда, бирдан сизнинг виждонингиз уйғониб, шундай овозда гапириб қолди-ки, бу овоз сотқиннинг овозига ўхшаяпти.

– Кейин-чи! – тўнгиллади бошига қон уришга бошлаган Клаас.

Энди Питер гап бошлади:

– Сиз бизнинг бойиб кетишимизни, ўзингиз эса бунга кўшимча душманимизнинг хотинини ҳам олишингизни айтган эдингиз. Бу бизга икки баробарига тўғри келаётган эди, чунки қасос – ёқимли ҳис... Бироқ қафр қиролларининг хазинаси!... – Қароқчининг кўзларида ҳасислик акс этди.

– Бирок, – Питернинг гапини бўлди Корнелис, – Клаас, бизни, ҳатто ичкарига киришга ҳам таклиф қилмай шу ерда гаплашишингиз бизга нисбатан беҳурматлик бўлиб туюлмаётими? Жин урсин, ахир биз қондош ака-укалармиз, душман эмас... Ҳар ҳолда, шу пайтгача орамизда душманлик бўлмаган эди!

– Сизга шу ҳам етади! – Корнелиснинг гапини бўлди Клаас. – Мен ҳеч кимга ишона олмайман. Сизга эса, айниқса бошқалардан кўра камроқ ишонаман.

Корнелис ва Питер кўполлик билан хоҳолаб кулишди. Уларнинг бу хоҳолашларида истехзо ҳам, кўркитиш ҳам бор эди. Корнелис писанда оҳангида деди:

– Бўлди, Клаас, энди нима қилиш кераклигини ўзимиз яхши биламиз. Сиз хазинани ҳам, хотинчани ҳам ўзингизга олмоқчисиз. Энди буниси ортиқча, дўстим! Сиз жуда хасис экансиз! Пушаймон бўлиб қолмасангиз эди!.. Нима бўлганда ҳам биз сизнинг олдингизга яхшилик ниятида келдик. Эртагача бизнинг гапларимизни ўйлаб кўринг.

– Сиз ўзи нима хоҳлаяпсизлар? – сўради азиз укаларининг кўркитишларидан хавотирга тушиб қолган Клаас.

– Ҳозир айтаман. Биз хазинанинг шу яқин атрофда кўмилганидан хабардормиз. Бирок буни биладиган ёлғиз биз эмасмиз. Афтидан сирни ёмон сақлашган, чунки уни Виктория қонидагиларнинг кўпчилиги билади. Одамлар ўз участкаларини ташлашиб, тўда ташкил қилишди ва бизни мажбуран бу ишга бош қилиб қўйишди. Энди улар ҳам биз билан бирга хазинани қидиришни бошлашмоқчи. Бунинг устига у бечоралар шошилишяпти. Хасислик – ёмон маслаҳатчи эканлигини эса ўзингиз яхши биласиз. Агар сиз фургонингизда бикичиб ўтираверсангиз, баҳс бойлашимизки, сизга ҳужум қилишди ва у ҳолда иккала қушчангиз бизнинг йититларга тегади...

– Уларнинг бошидаги сочларининг бир толасига тегиб кўришсин-чи! Ўлдираман!

– Балки. Битгасини, иккитасини, ўнгасини ота оларсиз. Бироқ қанчалик қаҳрамон бўлганингиз билан на Худони, на шайтонни биладиган, мақсадлари фақат хазинага эришиш бўлган бутун бир тўдага кучингиз етмаса керак?

– Хазина – бошқа гап. Аёлларнинг бу ерда нима гуноҳи бор?

– Клаас оға, сиз жуда гапга тушунмайдиган одамсиз. Мен шу пайтгача сиз оиламиздаги энг ақлли одамсиз, деб ўйлардим, адашган эканман... Нима, бу падарингга лаънат французнинг хотини олмослар қаерга кўмилганини билмайдими?

– Билади! Бироқ у айтмайди...

– Сиз уни мажбур қилишни билмайсиз. Сиз аёллар билан гаплашишни билмайсиз... Нахотки, бу ерда сиз хўжайин эмассиз? Ҳамма унинг олдида зир титрайдиган, ҳамма унга бўйсунадиган ярим хўжайин.

– Сизларнинг ишингиз нима?

– Бизнинг ишимиз шуки, агар сиз гапиртиришни билмасангиз, мен сизга ўргатаман... Йўллари кўп! Масалан, овқат бермайсиз, сув бермайсиз... Бармоқларини куйдирасиз... Мажбур қиладиган нарсалар озми?...

– Йўқ! – қатъий қилиб деди Клаас.

– Ўзингиз биласиз. У сизни сеҳрлаб қўйибди, шеклли. Бу сизнинг ишингиз!.. Мен фақат сизга шуни огоҳлантириб қўйишим керакки, икки кун ҳам ўтмай гўзал бизнинг қўлимизда бўлади ва ана ўшанда биз уни гапиртирамиз... Энди эса алвидо ёки тўғрироғи – хайр!..

Клаас елкасини қисиб, индамай милтигини ўйнатганча укаларига орқасини ўгириб, худди кучук каби фургоннинг тагига кириб кетди.

Бандитлар нари кетишди. Улар ўз шерикларига омадлари келмаганини айтиш учун кетишди. Дўстлари эса уларни сўкиб кутиб олишди. Тўдани шу заҳотиёқ фургонга хужум қилишдан ушлаб қолиш учун бурлар бутун обрўларини ишга солишлари керак бўлди.

– Майли! – тўнғиллади Клаас. – Қанча хоҳласанглар шунча бакираверинглар! Менинг олдимда хали бутун тун бор. Ўн икки соат ичида, бунинг устига шундай қоронғиликда, мендек одам кўп нарса қилишга улгуради...

Шу пайт у, фургонга бир нечта одам яқинлашиб келаётганини кўриб қолди. Улар қуроллари билан силкитиб, баланд овозда бакириб келишарди.

– Хали шунақами? – деди Клаас. – Улар Корнелис ва Питер билан қилинган вақтинча сулҳни бузишмоқчи эмасми? Бу мени ажаблантираятти. Укаларим ўта мараз одамлар, бироқ сўзларида турадиган йигитлар. Ҳой! Тўхта, отаман!..

Бироқ анавилар яқинлашишда давом этишди ва Клаас ўқ узди. Биттаси йиқилди, қолганлари бакиришдан тўхташмаган бўлса-да, жойларида туриб қолишди.

– Хазина!.. Бойлик!.. Биз қафр қиролларининг хазинасини хоҳлаймиз! – қутурғудек бакиришарди улар.

– Хазина! Майли. Эртагача кутиб туринглар. Хазинани оласизлар... Сизлар бунакасини кутмаганизлар ҳам!

Учала ака-уканинг учрашувлари шундай қонли воқеалар билан тугаганда, уларнинг суҳбатларини охиригача ҳар бир сўзини эшитган де Вильрож ва Эстер фургоннинг улар яшашлари учун ажратилган қисмида эдилар. Альбер шу яқин орада эканлигини билишгандан бери уларнинг иродалари яна ҳам қатъийлашган эди. Агар мабодо уларни қамоқда сақланишдан ўлим қутқармаса, тез орада ёрдам келишига ишонганлари учун улар бундай шароитда ҳар қандай иродаси мустаҳкам эркак ҳам қила олмайдиган даражада кўнгил хотиржамликларини ушлай ола олаётган эдилар.

Бир вақтнинг ўзида ҳам аёлни, ҳам хазинани йўқотишдан қўрққан Клаас ўзини қамоқхоначидан ҳам кўра содиқ хизматкордек тутаётган эди.

Тўғри, у де Вильрож хоним ўзининг пўписасини амалга ошириб, фургонни портлатиб юбориши мумкинлигини биларди. Бу нарса Сэм Смит пайдо бўлган пайтдан бери уни тўхтатиб турган эди.

– Эстер, сиз кўркмаяпсиза? – ўк отилгандан сакраб тушган дугонасидан сўради Анна.

– Йўк, опагон. Мен ҳеч нарсадан кўркмайман ва мен ишонаман.

– Мен ҳам. Мен тез орада Альбер келишига қаттиқ ишонаман ва менинг бу ишончим менга куч бераётти. У келади, мен бунга ҳис қилаяпман ва бизнинг азобларимиз тугайди. Кўрасиз ҳали, Эстер, у пайдо бўлиши билан бу кутурган бандитлар ҳар томонга қочиб қолишади. У кучли ва довурак ва булардан ҳеч бири унинг ўткир назарига дош бера олмайди. Бу бурларнинг ундан қанчалик кўркишларини билсангиз эди!..

– Мен сизга яна қайтараман: мен ишонаман. Аслида жуда кам вақтимиз қолаётган бўлса-да. Мўъжиза содир бўлиши керак...

– Альбер мўъжиза яратади.

– Бу ифлослар фақат хазинани қидиришаётган бўлса эди! Бироқ!.. Бизнинг қамқоначимиз бизни ичкарида ушлаб ўтирганига мана бир ҳафта бўлаяпти, бироқ улар биз шу ердалигимизни билишади. Улар ўша одам сабаб мен етим бўлиб қолган одамни қўлдан чиқариб юборганларида фургонга қандай қараганларини кўрдингизми. Мен олтин қидирувчилар орасида кўп яшаганман. Улар нимага қодирликларини жуда яхши биламан. Уларни ҳеч нарса ушлаб тура олмайди...

– Майли, биз ўлаемиз, бироқ ўзимизга доғ теккизмаймиз.

Бу пайтга келиб эса Корнелис ва Питернинг шериклари афтидан, тинчишди шекилли, ўз ишларининг тезроқ ҳал қилинишига умид қилганлари ҳолда қўшиқ айтишга бошлашди. Бир нечта одам Клаас отиб ўлдирган одамнинг жасадини олиб дарёга судраб кетишди. Бошқалар бу ғариб кўмиш маросимига кутургудек раксга тушишди ва «Кафр қиролларининг хазинаси!..» деб бақиршди.

Минг маротабалаб қайтарилган бу қичкирик ўрмон бўйлаб Замбези қирғоқларигача етиб борди.

ЎН ТҮРТИНЧИ БОБ

Клаас химоя режасини ишлаб чиқади -- Тунгги экспедицияга тайёргарлик. -- Бурнинг револьверлар ҳақидаги фикри. -- Клаас Жозефдан ўгирланган харита руҳоний хазратларининг қўлига тушганини билиб қолади. -- Ака-ука душманлар. -- Дарёнинг захарланиши. -- Чўмилишнинг дахшатли натижалари. -- Эвфорбияларнинг дахшатли хислати. -- Миниб борадиган нарса йўқ. -- Сув тошқини.

* * *

Клаас қўйнида ўз душманларидан халос бўлишни умид қилган тун киришини кутиб қўшиқ эшитилаётган томонга тикилиб ўтирар ва ўйлайвериб кийналиб кетган эди. Рўёбга чикмайдиган, деб бир нечта режалардан воз кечиб, у ёввойи одамнинг қатъияти билан яна янгидан янги, бири-биридан кучли режаларни тузар, бироқ улардан ҳам воз кечишига тўғри келаётган эди, чунки уларнинг бажарилиши учун бир киши камлик қилар ва вақт ҳам кам қолаётган эди. Қуёш ғарбга қараб тезгина ботиб, Клаас ўлимга ҳукм қилинган одамдек дақиқаларни санай бошлади. Унинг назари бирданига дарёгача етган қояларга тушганда у ўзини қўйинига жой гона олмаётган эди.

Бу очранг гранит тошларнинг устини ғалати ўсимлик қоплаган эди. У ҳамма эгри-бугри жойларни, ҳамма тешиқларни қоплаган эди. Бу оч-яшил рангдаги пояси каттиқ, шамдек тўппа-тўғри ва бирорта ҳам барги йўқ ўсимлик эди. Клааснинг кўкрагидан худди бизоннинг нафас олишига ўхшаш кучли хўрсиник отилиб чикди. Бур жилмайди ва буюк математикдек, хитоб қилди:

– Бўлди!

У ўткир тиканлари бор, бир пайтнинг ўзида ҳам ёғ, ҳам сут берадиган, одамлар ва хайвонларни ўлимга олиб келадиган эвфорбия ихрожини таниган эди. У қояларга

диққат билан тикилиб қаради, кўзи билан масофани ўлчади, у ердан душманлари ўтирган ергача жуда яқин масофа эканлигини сезиб, юзини буриштириб қўйди, сўнгра эса ўзига хос бўлган бепарволик билан «Ҳаммаси яхши бўлади. Кўрамиз!» дегандек елкасини қисиб қўйди.

Шундан сўнг у фургоннинг ўзи яшайдиган олди қисмига қайтиб келди. Бир неча дақиқадан у ердан сўнг бир қўлида иккита йирик калибрли револьвер, бошқа қўлида эса буйволнинг ёғи солинган меш билан чиқиб келди. Иккала револьвер ва патронга қараб у ҳаммаси жойидалигига ишонч ҳосил қилиб, тўнғиллаб қўйди:

– Бу ўйинчоқларни ёқтирмайман! Уларнинг қўлинда борлигини ҳис қилмайсан. Улардан яхши отиб бўлмайди. Бундан ташқари, бу ўқларни ҳам ёқтирмайман – мундигукдан ҳам ингичка. Ичкаригача кирмайди. Тангага ўхшаб пачақланиб кетади, одамни эса ишдан чиқара олмайди... Яхши милтиқ ва саккизинчи калибри ўқлар ва яна уларга озгина қалай қўшилган бўлса... Мана қачон ишласа бўлади! Бироқ менда танлов имконияти йўқ, ҳеч нарса қилиб бўлмайди... Бугун кечаси содиқ куролим хизмат қила олмайди. Мана бу қўйнинг оёқларидан эса, ҳар ҳолда ўн икки марта отиш мумкин... Майли, гап етар. Мана, қуёш ҳам ботаяпти. Тайёрланамиз...

У фургоннинг орқа эшигини қулфга ёпиб, ёғоч тўсик орқали иккала аёлга мурожаат қилди:

– Агар шовқин-сурон эшитиб қолсангиз, қўрқиб кетманг. Мен бу ердан чиқиб кетиш учун ҳамма ҳаракатни қиламан.

Ҳеч қандай жавоб бўлмади.

– Хоним, мени эшитаяпсизми? Қўрқманг: сизга ҳеч нарса хавф солмаяпти.

Иккала асира нафрат билан жим туришарди.

– Майли, майли! – тўнғиллади Клаас ва нари кетди. – Кейин ҳисоблашамиз. Онт ичиб айтаманки, Корнелис ва Питер ҳақ эканлар! Агар менга қулоқ солишга мажбур қила олмас эканман, мени жин урсин! Фургонни дарёга

ағанатиб порохли бочкани хўллаб кўйиш керак эди, бу иккала ургоч йўлбарс ўлиб кетса кетаверсин эди.

Тун тезлик билан кириб келди. У худди қора чодир каби, дарёни, водийни, ўрмонни чулғаб олди. Клаас чарм курткасини, жун кўйлагини, оёккийимини ечди. Фақат тор рейтузида қолди. Шундан сўнг у мешни очиб кафгани тўлдириб ёғ олди ва юзи, бадани, қўл ва оёқларига ва ҳатто устидаги ягона кийимига ҳам қалин қилиб ёғ суртди.

– Мана шундай! – деди у. – Яхши! Энди агар мен пистирмага дуч келиб қолсам ҳам, улар ўла қолса мени ушлаша олмайди. Қўлларидан худди илонбалиқ каби сирғалиб чиқиб кетаман ва ҳеч нарса мени ушлаб қола олмайди.

Ой ёруғида гулханда ўзларига овқат пишираётган душманлари жойлашган ерга яқинлашган сари унинг қадами секинлашди. Клаас пичоғини тишида тишлаб олиб, ўгга чўзилди ва мушукдек эпчиллик билан, пистирмага кетаётган илон каби нафас олмай ва шовқин чиқармай судралиб кета бошлади. У қуриган ўтлар орасида қўли билан шундай йўл очиб кетар эдики, қуриган ўтларнинг синаётгани эшитилмас эди; у ёввойи хайвонлар топтаб ташлаган сўқмоқлардан сирпаниб борар, ўзининг табиат ўғлони сифатидаги ҳамма эпчиллигини ишга солаётган эди. У ниҳоят душманлари олдигача етиб келди. Уларнинг баъзилари ётишар. бошқалар гулхан атрофида ўтиришиб гўшт пиширишар ва бу ерда олтинга тенг бўлган дабдала тамаки чекишар эди.

Суҳбатлари жуда жонли ва улар, албатта ҳозирги вазият ва эртага нима бўлиши мукинлиги тўғрисида гаплашишар эди.

– Йўк, ўзингиз ўйлаб кўринг, – деди биттаси. – Бу тўнка бутун хазинани ўзига олмоқчи экан.

– Хазина? Бу хазина чиндан ҳам борлигига ишончингиз қилими? – сўради қандайдир скептик.

– Сиз ақлдан озибсиз! – хайқирди оптимистлар хори.
– Ҳамма фақат шу хазина ҳақида гапираяпти! Шунча бойлик! Бутун колонияни сотиб олиш мумкин!..

– Аёллар-чи?.. У ёкда, фургонда аёллар бор. Бурни осганимиздан сўнг улар билан бир ўйнашамиз.

– Мен эса бир ҳовуч олмосни афзал кўраман...

– Бу мол ҳақиқий аёлларни олиб юрибди деб ким айтди? Булар қандайдир голландиялик идиш ювувчи хотинлар бўлса керак...

– Ҳеч ҳам-да!.. Булар ҳақиқий инглиз аёллари, дўстим. Ҳақиқий ледилар. Биз Смитнинг кетидан қувлаётганимизда у фургонни қандай эҳтиёт қилганини кўрдигларми?

– Чиндан ҳам.

– Сиз уларни кўрмаганмисиз??

– Йўқ, бироқ бу ҳақда менга Корнелис ва Питер гапириб беришган эди.

– Унинг укаларими?

– Ҳа. Бироқ уларнинг Клаасдан тоза жаҳллари чикқан.

– Ғалати оила экан-ку! Ака-ука-ку, бироқ бири иккинчисини ўлдиришга тайёр!

– Сизларга нима? Уларнинг меросларини бўлишиб оламиз!

– Анавиларга қаранг! Мана улар бир неча кун бурун конга келиб қолган миссионер билан берилиб гаплашишяпти.

Душманларининг режалари ҳақида унга ҳеч қандай умид қолдирмайдиган бу суҳбатни пинагини бузмай эшитган Клаас бошини ўгириб чиндан ҳам руҳоний хазратлари Корнелис ва Питернинг ёнида турганини кўрди.

Мана улар секин-аста бир четга ўтиб гулхан ёритиб турган ялангликнинг охирида тўхташди. Клаас бир сонияни ҳам ўтказиб юбормаётган эди. Ўз режаларини, бу режаларнинг амалга ошиши хусусида ўзининг қарашлари бўлса-да, ўртага ташлаётганларни ўз ҳолларига қўйиб, Клаас учта ярамас суҳбат қураётган томонга кетди.

У суҳбатнинг биринчи қисмини яхши эшитмади. бироқ иккинчи қисми жуда қизиқ экан.

– Клаасга келадиган бўлсак, -- деди руҳоний ҳазратлари шоқолнинг увуллаган товушини эслатадиган овозда, – биз ундан халос бўлишимиз керак.

– Йўқ! – қўпол товушда эътироз билдирди Корнелис. – Мен уни ўлдиришларини хоҳламайман. У оиламизда каттаси, у доим яхши дўст бўлган ва унинг ўлими...

– Қўйсангиз-чи! – унинг гапини бўлди Питер. – Корнелис, сиз ҳам эскичасига ўйлай бошлабсиз. Мен эса мана бундай одамман: агар менга халакит беришса мен қариндошми, бегонами, қараб ўтирмайман. Пак! – тайёр ва у йўқ! Менимча бундан яхши йўли йўқ.

– Бироқ Клаас бизга халал бермаяпти.

– У хазинанинг тўртдан бирини хоҳлаб қолади. Мен эса тўртга бўлгандан кўра, учга бўлган яхшироқ, деб ҳисоблайман.

– Питер, сиз ақлдан озибсиз! Сиз учга бўлишни гапираясиз...Биз билан юрган бутун бир тўда-чи?

Руҳоний ҳазратлари кулиб юборди.

– Чин сўзим, мен бу Корнелис каби тентакни хали учратмаганман!

– Менга қаранг, қари англиз шайтони, мен сиздан котлет қилишимни хоҳлаяпсизми?

– Қани, уриниб кўринг-чи, аҳмоқ! Мол! Мен сиздан кўркмайман! Менга қўл кўтаришга ҳаракат қилиб кўринг-чи!

– Ким менга халал берар экан?

– Мана бу!

Ва сохта миссионер сюртугининг ички чўнтагидан бир пайтлар дастрўмолча бўлганга ўхшаш гижимланган искирт латта чиқарди.

– Сиз кулаяпсизми? – хафа бўлди Корнелис.

– Умуман айтганда – ҳа! Бироқ айни пайтда мен сизга ўхшаган ёввойиларни ҳам ва менга ўхшаган маданий одамларни ҳам бирдек ақлдан оздирадиган хазина жой-

лашган ерни биладиган кимса сифатида бутунлай жиддийман.

– Нахотки шу латта...

– Бу латта кафр қиролларининг хазинаси қўмилган жойнинг харитаси.

Дарахтлар оркасида яшириниб турган Клаас худди ёнбошига биров сочма ўқ узгандек сакраб гушди.

– Харита?.. Харитани кўзда тутаяпсизми?

– Жим, хайвон! Бизни эшитиб қолишларини иста-япсизми? Мен улар билан бўлишишни кўзда тутаётганим йўқ...

– Бироқ, менга қаранг, сиз шу латта ёрдамида хазина-ни топишга ишонаётган бўлсангиз...

– Мен ишонаётганим йўқ – менинг ишончим комил.

– У ҳолда сиз Клаас ва бошқалар билан бўлишиш истагингиз йўқлигини тушунаман...

– Бироқ сиз бу латтани қаердан олдингиз?

– Клааснинг кўнгилчанлиги орқали...

– Йўқ, акамиз чиндан ҳам ақлдан озибди.

– Шошманг! Мен сизларга тушунтириб бераман. Бу харитани менга Клаас топиб берди, бироқ ўзи ҳеч нарса-дан хабари йўқ!..

– Бир чеккадан айтиб беринг.

– Икки оғиз сўз билан айтиб бераман. Клаас ҳозирги-на фургонга ҳужум бўлмоқчи бўлганларнинг биттасини ўлдирди. Мен ёрдам бермоқчи бўлгандек ўша одамга ка-раб югурганимни кўрдингиз...

– Бироқ унга ёрдамнинг кераги йўқ эди, чунки Клаас аниқ нишонга олади.

– Тўғри. Бечора нафас олишга ҳам улгурмай отиб ташланди. Мен эса яқинларимнинг чўнтагини титки-лаш бўйича маълум бир санъат даражасига чиққанман. Мен бу қобилиятимни шу сафар ҳам ишлатиб бир зумда мархумнинг ҳамма бойлигини ҳисобга олдим. Кейинги дақиқада эса чўнтагидаги ҳамма нарсани ўзимнинг чўн-тагимга олиб солдим. Мен ҳеч нарсани ўтказиб юбормас-

ликка ҳаракат қилдим чунки бу каби одамларда бутун бир бойликни искирт латталарда саклаш одатлари бор. Ва мен янглишмадим. Битта қарашимдаёқ бу маълум бир жойнинг харитаси эканини тушундим. Ахир мени шуни деб, шунга эга чиқиш учун уч ой французларнинг кетидан судралиб юрдим. Бу харита Клаас ўлдирган у тентакнинг чўнтагига қандай тушиб қолган, буни билмайман. Мухими, у ҳозир менда.

— Агар янглишмаётган бўлсам, — бир дақиқа ўйлаб туриб, деди Корнелис, — сиз вақтида тунаганингиз бу марҳум ўз вақтида бу харитани америкалик Дикни ўлдирган анави одамдан ўғирлаб олган. Мен ўша одамни қўлда кўтариб кетишаётганда биттаси унинг чўнтакларини кавлаётганини ўз кўзим билан кўргандим.

— Хўш, нима бўпти? Биз учун ҳозир муҳими — мана бу моллар билан хайрлашиб, ушланиб қолмасдан, мана бу харитада кўрсатилган жойга шошилишимиз керак.

— Менга қаранг, айтинг-чи, — соддалик билан деди Питер, — бу бойликни бўлишда сизни ҳисобга қўшмасак-чи?

Рухоний ҳазратлари қовоқларини секин кўтариб, Питерга тешиб юборгудек тикилди.

— Сиз бу ишни қила олмаслигингизга иккита сабаб бор. Биринчидан, сизлар иккалангизнинг ҳам саводингиз йўқ ва менсиз харитадан фойдалана олмайсизлар.

— Иккинчидан-чи?

— Иккинчидан, ўлдирилган одамнинг чўнтагида ўқланган «Нью-кольт» револьвери бор экан. Хазинани кавлаб олгандан кейин хазинани бўлаётган сизлар мени қуруқ қўймоқчи бўладиган бўлсангиз, мен иккалангизни ҳам отиб ўлдираман.

— Қўлингизни беринг, рухоний ҳазратлари. Сиз — ҳақиқий эркаксиз!

— Демак, ҳаммаси тушунарли. Биз ҳозирок бу ердан жўнаймиз ва вақтинчалик сулҳ вақти тугагандан сўнг бу тўда билан Клааснинг ўзи овора бўлиб ўтираверсин. Эр-

тага тонгда биз шаршара олдида, яъни мақсадимиздан бир неча кадам нарида бўламиз.

Бу очикчасига суҳбатни эшигган Клаас тутакиб кетди. Клаас каби сусткаш одамларда, айниқса бу ҳолат хавфли, чунки бу нарса уларнинг кучларини ошириб юборади.

Шундай дакика бўлдики, у суҳбатлашаётган учала ярамаснинг олдида бориб, улар нима гаплагини тушуниб етгунча каллаларини янчиб ташлагудек бўлди. Бирок бу бошқаларнинг диққатини тортган бўларди. Ундан кўра буларнинг орқасидан изма-из бориб, хазинани бўлишаётган пайтда бирдан пайдо бўлиб, хазинанинг тўртдан бирини талаб қилган яхши эмасми? Бирок у ҳолда фургондаги анави иккала асирани ҳам ташлаб кетишига – яъни бу тўданинг ихтиёрига, тўғри келади!.. Клааснинг калласида оғир кураш кетарди. Ниҳоят очқўзлик ютказди.

Клаас куч билан ўзини босди, аламини ичига ютиб, ўзига келди ва паст овозда пичирлаб қўйди:

– Майли. Олдинга кетаверинглар. Менга йўл очиб турунглар, мен эса керак пайтда олдингизда ҳозир бўламан.

Тун қоронғи, бирок юлдузлар чарақлаб турарди ва у иш бошлай олиши учун шу ёруғлик етарли эди. Клаас ҳар қанақасига тиканига тегиб кетмасликка ёки кесган жойларидан окиб тушаётган заҳарли шарбати қўлига окиб кетмаслигига ҳаракат қилиб, ўрганиб кетган қўли билан молочай кесиб олди. Ўтнинг поялари қоялардан сирпаниб дарёга тушиб, унинг заҳарли шарбати сувга аралашиб кетди.

Деярли бутун тун ана шу ишга кетди. Клаас эсон-омон фургонга қайтиб келганда тонг отишига бир неча соатгина қолган эди.

Ўз режасининг муваффақиятига ишонган ҳолда Клаас сабр билан энди ҳаммаси нима билан тугашини кута бошлади.

Одамлар саргузаштларга тўла ҳаёт кечиришганда, одатда улар кўп ухлай олмайдилар. Сахрода вақтли туришади; у ерда ёстиқ билан кураш нималигини тушуниш-

майди, жуда бўлмаганда ёстик бир кучок ўт, ёки ўтин ёки тош бўлгани учун ҳам. Тепаликлар ортидан қуёшнинг чиқишини қувноқ кичкириклар билан кутиб олишди. Чайлада ҳамма бир-бирини силкита бошлади ва бир дақиқадан сўнг бутун яланглик шовкин-сурон, ашула, сўкишлар билан тўлди.

Инглизлар кўп бўлган ҳамма жойда – Канада, Ҳиндистон ва Австралияда бўлгани каби Африкада ҳам – одамлар Бирлашган Қиролликлар аҳолисининг гигиена қондаларини қабул қилишади.

Агар яқин орада сув бўлса, кун албатта чўмилиш билан бошланади. Бугун ҳам шундай бўлди. Бирок шошилиш керак эди. Ҳамма тезгина ечиниб, кийимларини қирғоқдаги қум устига тахлаб, бир оз ўйнашишгандан сўнг, сувга қараб югуришди.

Ҳамма, бирор киши ҳам қолмай, шу ерда эди. Бунинг сабаби бор эди. Ҳамма ўғирликдан кўрқади ва ҳеч ким унинг кийимларини титишларини истамайди. Шунинг учун чўмилишга қарор қилганларида қирғоқда ҳеч ким қолмаслиги одат тусига кирган эди.

Бирдан қувноқ кичкирикларни кўрқинчли жимлик бузди, сўнгра эса жимликни бузиб даҳшатли кичкирик ва қутурғудек додлаш овозлари эшитилди.

Чўмилаётганлар даҳшатли оғрикни ҳис қилишди. Улар оғрикдан сакраб ва тиришиб, қўлларини бирдан кўр бўлиб қолган кўзларига олиб боришиб, ичиб олган одамдек, қирғоқни излай бошлашди.

Клааснинг ифлосларча қилигининг натижаси даҳшатли бўлган эди. У туни билан шунчалик даражада эвфорбия узган эдики, бутун сув заҳарланишга улгурган эди. Тажрибали кўз сув юзасида ёғли бўлгани учун эримайдиган яшилроқ қатламни кўриши мумкин эди.

Этни еб ташлайдиган бу шарбат териға текканда шу заҳоти терининг парчаланиши бошланади. Кўзнинг шиллик қаъати учун эса жуда ҳам хавфли, чунки деярли тузалмайдиган яллиғланишни чакиради.

Шундай қилиб, бурнинг кўркадиган нарсаси қолмаган эди: унинг ҳар қандай ёрдамдан маҳрум бўлган душманлари ўлимга маҳкум эдилар. Чидаб бўлмас дод-вой билан улар гўё Клаасга ўзларининг дахшатли шароитларидан хабар бераётгандек эдилар.

– Қалай, европалик жаноблар, қўлга тушдингизми? Кейинги сафар бизларни октанли ёввойилар, деб атайсизми? Энди эса олға! Кун яхши бошланди. Энди бу қарғиш теккан ердан тезроқ кетиб, жонажон укаларим ва руҳоний хазратларининг изига тушишим керак.

Клаас ҳўкизларини қўшгани бориб, зум ўтмай ўзи ҳам душманларидан кам бўлмаган дахшат ва алам билан бўкириб юборди: ҳамма ҳўкизлар қоринлари шишиб, тиллари осилган ва кўзлари жонсизлашган ҳолда ерда ётишарди. Баъзилари ўлиб бўлган, бошқалари ўлим талвасасида ётишарди. Уларнинг тағларида бир дона ҳам барги қолмаган яшил шохлар тўплами ётарди. Клаас бу тозаланган шохларни дарров таниди.

– Менинг ҳўкизларимни заҳарлашибди! – мушти билан бошига уриб, додлади у. – Мен йўғимда уларга лола дарахтининг шохини ташлашибди. Мен айбдорни топаман! Онт ичаман: унинг кўксидан юрагини сугуриб оламан!

Момақалдиروقнинг гумбурлаши унинг сўкишларини босиб кетди. Уфқда баҳайбат, смоладек қора булутлар кўтарилиб, борган сари яқинлашиб кела бошлаётган эди. Уларни бўрон ўз қанотида олиб келаётган эди. Дарахтлар ағдарилди, шохлар синиб, лианалар узилиб кетди. Тез орада ёмғирнинг оғир томчилари ҳавони тешиб ўтиб минглаб кўпиклар кўтарилаётган ирмоққа шапиллаб туша бошлади.

Момақалдиروق гумбурлаб, кўзни олгудек ёғду чиқариб, тинмай чақмоқ чакарди.

Клаас момақалдиروقнинг сўнг бўлиши мумкин бўлган оқибатларини ўйлаб, кўрқиб кетди. Ҳеч нарса момақалдиروقдан дарак бермаётган эди, одатда тропиклар-

да тез-тез бўлиб турадигандек, у бирдан бошланганди.

Тез орада дарёча кенгаяди ва даҳшатли, тезоқар дарёга айланади!

Хавф дақиқа сайин ошиб бораётганди. Фургон эса шундай жойда турган эдики, унинг чўкиб кетиши аниқ ва кейин чиқариб олишнинг имкони бўлмасди.

Клаас ўз ожизлигидан даҳшатга тушиб, муштарини дўлайгирди ва сўкина бошлади.

ҲАМОНЧИ БОБ

Оқтанлилар африкалик қоратанлиларда ғалати та-
ассурот қолдиришади. — Жозеф ўзини тунаган одамни
таниб қолади. — Батоклар ва мақолололар иккита Алек-
сандрни кўриб ҳайратдалар. — Сэм Смит шарт қўяди. —
Альбер хотинини ўғирлаб кетишганидан хабардор бўла-
ди. — Карабин учун юз минг франк. — Олға! — Уч бақодир.
— Дахшати тун. — Момақалдирик. — Сувошқини. — Дах-
шати қичқирик. — Фургон хавф остида. — Альбер Клаас-
ни таниб қолади.

* * *

Африка аҳолиси оқтанли одамни биринчи марта кўр-
ганида кўрқувни ҳис қилишади. Буни ҳурматга сазовор
сайёҳлар, шу жумладан Ливингстон ҳам таъкидлашган.
Қизиғи шундаки, уй ҳайвонлари ҳам шуни ҳис қилиша-
ди. Оқтанли одам краалда пайдо бўлиб қолса итлар уни
хавотир билан вовуллаб кутиб олишади. Улар худди ар-
воҳни кўргандек кўриб кетишади ва йўлларида учраган
ҳамма нарсани йиқитиб қочишади.

Ҳатто, тез-тез сайёҳларни кўриб туришгани боис у
ёки бу қабила оқтанлиларга ўрганиб қолган бўлса-да, ба-
рибир европалик одамнинг бирдан пайдо бўлиб қолиши
уларда доим ва, албатта ғалати ҳаяжон уйғотади. Қора-
танли оқтанли одамга ўрганиб, ўз ҳаётини, ўз одатларини
унга ишониб айта олиши учун кўп вақт ва муносабатлар
керак бўлади. Шунда ҳам унинг оқтанли одамга бўлган
ҳиссиётларида илгариги кўрқув, қандайдир ийманиш ва
таъзим қилгунга қадар ҳурмат аралашган бўлади.

Одатда, маҳаллий қабила сардорлари улардан талаб
қилгудек сўрасалар-да, европалик сайёҳлар қабилалар-
нинг ўзаро жанжалларига аралашмайдилар.

Батоклар қабиласининг сардори Магопо ҳам ўз қа-
биласининг кўп йиллик душмани бўлган мақолололарга

хужум қилишда бирга ҳаракат қилиш учун оқтанли дўстининг ваъдасини олиб қўймоқчи бўлиб, бир неча марта Александрга мурожаат қилганди. Бироқ Александр айёр Магопонинг кафр киролларининг хазинасини унга бериш ваъдасига қарамай, эҳтиётлик билан бу илтимосни рад қилиб келди. Ахири Магопо унга мақолололар билан урушда қатнашишда иштирок этиш шартини қўйди.

Сэм Смит эса бу масалага бошқа кўз билан қаради. Ўзининг Александрга ўхшашлигидан фойдаланиб, батокларнинг ишончига кириб олиб у ўзининг ролидан муваффақиятли фойдалана бошлади. У ўзининг омади келиб қолганини дарров тушуниб, Магопонинг ҳамма шартларига рози бўлишга қарор қилганди. Ўқувчимизга олдинги боблардан маълумки, мақолололарга қарши юриш масаласи дарров ҳал қилиниб, лашкарлар кечикмасдан дарҳол йўлга чиқишлари керак эди.

Умуман айтганда, Магопо жуда ҳам ўзига ишонмаётган эди, бироқ агар европалик ёнида бўлса ғалаба қозонишига шубҳа қилмасди.

Сэм Смит эса бошқа турдаги одам эди: у бу урушда ўзининг чўнтагини олмослар билан тўлдириш имконини кўраётган эди.

Магопонинг ўйлашича, агар оқтанли сардор у билан бирга ҳаракат қилишга қарши бўлмаса, у ҳолда баримлар Гэн ва Хорсга нисбатан шафқатли бўлишади. Шунинг учун у юришини бошлашга шошилаётган эди. Бутун маҳаллий одатларга амал қилган ҳолда Александр ишлаб чиққан ва тайёрлаган тинчлик келишуви тасдиқланган дақиқада иккала томон қутилмаганда учрашиб қолганини ўқувчимиз яхши эслайди.

Сешеке найзалар ва пагронлар ташланган чуқур олда туриб ҳали Гэннинг қўлини сиқиб турган эди, бостириб келаётганларни кўриб, қоратанли монарх қичқириб юборди.

— Оқтанли! — Александрга найзасини ўқталиб. бақирди у. — Оқтанли, сен мени сотдинг!..

Дўстлари қандай хавф остидалигини кўрган Альбер ва Жозеф унга ёрдамга шошилишди. Бироқ Александр ҳовлиқмасдан уларни четга тортди.

– Хотиржам бўлинглар, – деди у. – Менимча, гап ни-мадалигини тушунаялман, шекилли. Ҳаммаси қон тўки-лишсиз ҳал бўлади, деб ўйлайман.

– Шошилиш керак! – бараварига хитоб қилишди Альбер ва Жозеф.

– Сизлар, афтидан, батокларнинг олдида келаётган европаликни танимайсизлар, шекилли?

– Карай! – кичкирди Жозеф. – У қароқчи! Менинг йигирма минг франкимни ўша олган! Эҳ, ярамас! Месье Александр, менга бир дақиқага карабинингизни бериб туринг, мен бу ярамаснинг калласига бир марта отай!

– Йўқ, довюрак Жозеф, менинг ўхшашимга ўқ узмай-сиз.

– Тушунмаяпман...

– Нахотки, бу ярамас Сэм Смит ўзини мен деб атаб батокларни аладаётганини тушунмаган бўлсангиз? Бу га-лати тушунмовчиликка нуқта қўйиб, бундан фойдаланиб қолиш керак. Буни менга қўйиб беринглар.

Батоклар мақолололар орасида нафақат Гэн ва Хорс, балки учта европаликни ва уларнинг ичида ўзларига яхши таниш бўлган Александрни кўриб, кетиб қолиш-ди. Мақолололар ҳам ўз навбатида, бандит-инглиз билан сайёҳ француз ўртасидаги шунчалик ўхшашликни кўриб, ўз кўзларига ишонмай қолдилар.

Иккига Александр!

Кайси бири ҳақиқий ва қай бири сохта? Бу бир одам-нинг иккиланиши эмасми? Қораганлилар шунчалик ўзла-рини йўқотиб қўйишган эдики, ҳатто уруш ҳаракатлари-ни бошлашни ҳам унутиб қўйишган эди.

Сэм Смитнинг ўзи ҳам кам ҳайратда эмасди: у ҳозир ўзининг ҳамма обрўси гушиб кетиши ва ўзи режалаштир-ган молиявий операцияси зарар кўришини ҳис қилиб ту-рарди.

– Менга кулоқ сол, сардор, – хайратда қотиб қолган Сешেকেга қараб, ниҳоят деди Александр. – Биз вақтинчалик сулҳни виждонан туздик, чунки батоклар сардорининг ўғли ва жияни сенинг лашкарларинг орасида туришибди. Агар сен хоҳласанг, сулҳ бузилади. Батоклар билан гаплашиб олишга менга изн бер. Улар мени яхши кўришади, кўрасан, бир дақиқадан сўнг улар қуроллари-ни туширишади.

– Яхши, мен сенга ишонаман. Бор!

– Альбер, Жозеф, сизлар эса менинг кетимдан боринглар. Сэм Смитдан олдин тезроқ ҳаракат қилиб қолишимиз керак, акс ҳолда фалокат бўлади. Унинг ҳасислигидан фойдаланиб қоламиз.

Иккала отряд орасидаги масофа шундай эдики, айтилган гапларни ҳамма эшитиши мумкин эди.

Учала француз яна бир неча қадам ташлаб, тўхташди. Сэм Смит ҳам бир неча қадам ташлаб, у ҳам тўхтади.

– Чиндан ҳам, жаноблар, баъзан тасодиф шундай кутилмаган учрашувларни ташкил қиладики, тан олмай иложи йўқ.

– Чиндан ҳам шундай, мистер Смит, – деди Александр. – Бироқ вақтимиз жуда кам, шунинг учун, агар қарши бўлмасангиз, ортиқча гапларни қўйиб турамиз.

– Жаноблар, мен хизматингизга тайёрман. Бироқ, олдиндан айтиб қўяйки, сизлар менинг янги дўстларимнинг душманлари орасида эканлигингиз мен учун зарар келтиради.

– Биз бундан жуда афсусдамиз, мистер Смит ва сиз билан музокара олиб боришга тайёرمىз.

– Биласизми, жаноб, – унинг гапини кескин бўлди бандит, – сизга жуда ўхшашлигим сабаб мен бир сирни билиб олдим. У ўта муҳим сир ва мен ундан бутунлай фойдаланмоқчиман. Нима ҳақида гапираётганимни ўзингиз яхши биласиз. Кафр қироллариининг хазинаси ҳақида. Хуллас мен ҳаммасини хоҳлайман ... ёки ҳеч нарса. Мен сизга таклиф қилишим мумкин бўлган ягона шарт. Агар

сизлар менга халал бермасангиз ҳаммаси ёки ҳеч нарса, бу ҳолда сизлар фақат менинг курук гавдамга эга бўласизлар. Бу менинг охирги сўзим.

– Ҳозир мен бир бўлак кўргошин билан бу сурбетнинг овозини ўчираман! – тўнғиллади Альбер.

– Жаноблар, биласизми, мен ҳозир сизлар билан очикчасига гаплашаяпман. Сизлар шон-шуҳрат учунми ёки бошқа мен билмайдиган бир мақсад биланми, қилаётган нарсангизни мен пул учун қилаяпман ва қандай йўл билан қилаётганим тўғрисида ўйлаб ўтирмайман. Сизларнинг ёмон ниятларингиз йўқ, мен эса ҳасисман. Бу жойларнинг қоратанли аҳолиси ва уларнинг ўзаро урушлари билан сизларнинг нима ишингиз бор? Бу ерда узок бўлмаган жойда фалокатга, шундай фалокатки, агар менинг юрагим бор бўлганда ёрилиб кетган бўларди, – йўлиққан одамлар бор бўлиб турганда шуни деб ҳозир қон тўкилиши мумкин бўлган бир ҳовуч тош сизлар учун нима қилиб беради?

– Фалокатга йўлиққан деб кимларни айтаяпсиз? – Бир вақтнинг ўзида сўрашди, самиймий эканликларига ҳамма бирдек ишонадиган уч дўст.

– Агар шарққа қараб юрилса, икки кунлик пиёда йўлдан камроқ бўлган жойда ҳўкизларга қўшилган фургон ва бир ярамасни топасиз...

– Кейин!..

– Бу фургон – ғилдирак устидаги қамокхона. Унинг ичида иккита аёл бор, менимча, бу ярамас уларни қулф остида сақлаётганини назарда тутсак, улар жуда ёмон аҳволда ва менинг қўлимга тасодифан тушиб қолган бир хужжатга ишонадиган бўлсак...

– Иккита аёл?.. Иккита дедингизми? – қайта сўради хавотирга тушиб қолган Альбер

– Ҳа. Улардан биттаси, ҳеч бўлмаса исмидан, француз.

– Сиз у исмни эслайсизми?

– Очиги, мен исмларни хотирамда сақлаб қола олмаيمان. Бирок, агар бу сизни қизиқтираётган бўлса мана бу китобнинг биринчи саҳифасидаги бир неча огиз сўзни ўқинг. Уни нега сақлаб юрибман, ўзим ҳам билмайман. Буни сизга беришим мумкин... У менга текинга келган эди...

Бандит ўқувчимизга таниш бўлган китобни Альберга берди.

Де Вильрож уни қалтираётган қўллари билан очиб, қон билан ёзилган сатрларни ўқиди. Бутун бадани қалтираб кетди. Унинг дахшатдан қатта-қатта очилган кўзлари ҳеч нарсани кўрмас, нафаси бўғилиб, гандираклаб кетаётган эди. Жозеф уни йиқилишдан ушлаб қолди. Ҳали ҳеч нарсадан хабари бўлмай туриб, Александр дахшатли ҳодиса содир бўлганини ҳис қилди.

Де Вильрож ўзини зўрга босиб, китобни Александрга узатар экан, одамникига ўхшамаган товушда бақирди:

– Мана! Ўқи! Ўқи!...

Доим огир-вазмин бўлган Александр умидсизлик тўла сатрларни ярим товушда ўқиб чиқди. Агар Александрнинг товушидаги титраш ва юзининг оқариб кетгани бўлмаса, ягона бегона одам бўлган мистер Смит бу ҳодисанинг ўзига алоқаси бўлмагандек, Александрга ҳам барибир, деб айтган бўларди. Александр графиня Анна де Вильрож, деб хат ёзган одамнинг исмини ўқиганда Жозеф ўзини тута олмай, бўқиб юборди:

– Бу мадам Анна!.. Менинг валинеъмагим!.. Мен дунёда энг яхши кўрадиган одамимнинг хотини! У асирликда... Биздан икки қадамгина нарида... Уни ўғирлаганларнинг ҳолига вой! Мен улар учун шундай қийноқларни ўйлаб топаманки!.. Эҳ, қароқчилар! Унинг ҳар бир томчи кўз ёши учун улар менга бир пинта қонлари билан тўлайдилар... Унинг ҳар бир охи учун бир бўлакдан гўштларини кесиб оламан... Бу ҳам кам!..

– Кетдик! – бўғиқ товушда деди Альбер. – Бу одам икки кунлик юриш деяптими?.. Биз ўн икки соатда етиб

борамиз... Хушдан кетгунча югурамиз... Бирок етиб борамиз... Ўшанда...

– Кетдик, – бир овозда дейишди Александр ва Жозеф.

– Бирок, бизга аниқроқ йўналиш керак, – деди ҳеч қачон руҳини сўндирмайдиган Александр. – Ахир биз бошимиз оққан томонга кетавермаймиз-ку.

– Мен сизларга шаркка қараб, дедим, – жавоб берди Сэм Смит. У рақибларидан бунчалик осон кутуламан, деб ўйламаган эди. Уларнинг тез жўнаб кетишлари, – сабаби ўзини жуда қизиқтираётган бўлса-да, Смит учун жуда қулай эди. – Қуёш чиқадиған томонга қараб юраверинглар, тез орада ерда фургоннинг изларини кўрасизлар.

Учала дўстнинг бор қуроллари пичоқлар ва биттагина карабиндан иборат эди ва Александр Смитнинг милтигига ҳавас билан қараб қўйди.

– Жаноб, деди у, – Сиз бизга айтганларни гапиришга сизни нима мажбур қилди, бизга қоронғу. Биз қанчалик ҳаяжонланганимизни кўриб турибсиз. Вақт кам. Биз узок йўлга жўнашимиз керак, бирок бунга гайёр эмасмиз. Бизда қурол-аслаҳа етарли эмас. Бизга карабинингизни бериб тура олмайсизми?

– Бажонидил – истехзо билан жавоб берди бандит. – Албатта бериб тура оламан, агар сиз ҳозирнинг ўзида унинг учун эллик минг франк бера оласангиз. Чунки мен уни айнан шу пулга баҳолайман.

– Агар патронларини ҳам берсангиз мен сизга юз минг франк бераман, – хотиржамлик билан деди Александр.

Бандит ҳайратда эди.

– Розиман! – деди у Александрга милтиги ва тўла патронташини узата туриб.

– Олинг! – чўнтагидаги олмосларни олиб қилган ишидан ҳаяжонланиб кетган бандитнинг илми ичига тўкар экан, деди Александр. – Энди эса хайр! Сиздан миннатдорман, биз сизга қарздормиз. Сизга бир маслаҳат беришга изн беринг. Батоклар ва мақололлар фақат

тинчликда яшашни орзу қилишади. Уларни кон тўқишга мажбур қилманг. Улар билан қолинг. Яхшилик билан улардан истаган нарсангизни ола оласиз. Мени тушундингизми? Мен ҳаммасини айтдим... Сиз хоҳлаган нарсанинг ҳаммасини айтдим...

— Энди эса менинг бир саволимга жавоб берсангиз, — деди бандит. — Мен китобни берган дўстингизнинг исmini айтсангиз...

— Граф Альбер де Вильрож.

— Эҳ, жин урсин, мана гап нимада!.. Менимча, энди унинг хотинини ўғирлаб кетган анави тўнка соғ қолмайди... Майли, бу унинг иши, нима эккан бўлса шуни ўради. Менга келсак, мен зўр иш қилдим. Сиз жуда саҳийлик қилдингиз... Тўхта, тўхта, улар қаерга кетиб қолишди?..

Альбер, Александр ва Жозеф бандитга монологини ўзи ёлғиз тугатишига қўйиб, жўнаб бўлишган эди. Улар ўрмон ичига кириб кетиб, тез орада батокларни ҳам, маколололарни ҳам ажаблантириб, чакалакзор ичида йўқ бўлиб кетишди. Иккала қабила аъзолари ҳам кон тўқилишидан қутулиб қолганлари учун хурсанд эдилар ва тинчлик ўрнатилганини маза қилиб байрам қилишга тайёрлана бошлашди.

Учала дўст кучларини аямасдан қадам ташлаб кетишарди — улар учиб кетишарди десак тўғрироқ бўларди. Бир оғиз ҳам сўз айтилмади. Уларнинг олдида ҳозир биргина мақсад: боришаётган ерга тезроқ етиб бориш эди.

Оёқлари ботиб кетаётган балчиклар нима экан, қокилиб кетишаётгани тўнкалар нима экан, баданларини қонатиб юбораётган тиканаклар нима экан! Ҳашаротлар булути ёки ўрмондаги иссиқхона температураси нима экан! Ниҳоят, чарчов, чанқов, очлик нима экан!

Улар ҳамма тўсиқларни енгиб ўтишади: остида илонлар мизғиб ётган йиқилган дарахтлар орасидан ўтишади, ҳатто ёввойи ҳайвонлар ҳам орқага тисариладиган чакалакзор орасидан ўзларига йўл очадилар, чуқур дарёлар-

дан сузиб ўтадилар, бироқ фақат шарққа ва шарққа қараб йўлларида давом этадилар.

Улардан ҳали бири, ҳали иккинчиси олдинга ўтиб олади, ҳали бири, ҳали бошқаси йиқилиб тушади, чакалакзорда қолиб кетади. Ҳеч ким дам олишни ўйламайди. Кимдир тасодифан орқада қоладиган бўлса, унга хуштак товуши, ҳойҳойлаб чақиришлар, синган шохлар ёрламида, у тезда дўстларига етиб олади. Ака-укалик муносабатлари уларни бир мақсадга сари етаклайди. Улар ўзларининг бу тартибсиз ҳаракатларини тўхтатиш мумкин эмаслигини, чунки тўхташса кейин қайта давом эттириб бўлмаслигини яхши тушунишади. Улар ўз ҳавотирларидан куч олиб, оғир-оғир нафас олганча олға қараб юришида давом этишади.

Уларнинг бу югуришларини фақат тун тўхтата олди. Ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тўхташга мажбур бўлишди – тунда йўловчиларга жуда кўп хавф-хатар таҳдид қилади. Уччалари ёлғиз баньян тагида тўхташиб, оғир уйқуга кетишди. Одатда, қаттиқ чарчов ва рухий изтироблардан кейин шундай уйқуга кетилади ва туни билан кўрқинчли тушлар кўриб чиқилади.

Уларни даҳшатли момақалдирок гулдираши уйғотиб юборди. Яқин орада тонг отиши керак эди. Бироқ ўрмон эгалари бўлган қушлар тонг отишини ўзларининг одатдаги қўшиқлари билан кутиб олмаётган эдилар. Ҳамма кўрқувда, жим эди. Булутлар туфайли хиралашган тонг, пушканинг отилиши икки учрашган армияни яқинда жанг бошланишидан хабардор қилиб сесканишга мажбур қилгандек, йигитларни сескантириб юборди. Улар реал ҳаётга қайтгандек бўлиб, бир-бирларининг қўлларини қисишди ва Александр бир оғизгина сўз айтди:

– Олға!

Биринчи қадамларни қўйиш жуда оғир бўлди ва бутун баданлари қотиб қолган ва очлик қийнаётган учала дўст йўлларида давом этиша оладими, билмай қолишди. Баргларга йирик ёмғир томчилари ура бошлади ва салқин

кизиб ётган ҳавони тозалаб, уларга куч ва енгиллик берди. Сўнгра ўрмон устида жала қуйиб, ҳамма нарса — ўтлар, дарахтларнинг шохлари ва дарахтларнинг ўзи ҳам сув остида қолди.

— Бизни қандайдир лаънат таъкиб қилаяпти — деди дод деб юборай деяётган Альбер.

— Олға! — икки шамол оралиғида қичқирди Александр. — Юз қадамдан ортик юра олмасак ҳам олға!

— Олға! — қайтарди Жозеф.

Ва иродалари мустаҳкам, табиат ҳодисалари олдида матонатли учала йигит, баҳайбат ўрмон ичида йўк бўлиб кетган учала йигит йўл юришда давом этишди. Улар йўлларида илдизи билан қўпорилган баҳайбат дарахтларга дуч келишди, лианаларга ўралишиб қолишди, йиқилиб, яна туриб, борган сари кучга тўлаётгандек, йўлларида давом этишди.

Секин-аста ўрмон ёриша бошлади. Ёмғирдан юмшаган кумлар ўрнига ўрмоннинг баланд-паст ерлари бошланди. Бўрон тўхтаб, момакалдирок товуши ҳам тинди. Тез орада қуёш булутларни ҳайдаб туманнинг хира пардасини ёриб ўтиб ерни ёрқин нурлари билан ёрита бошлади. Дўстлар кенг ва бутунлай очик бўлган ялангликка чиқишди. Жаладан кейин кенгайиб кетган дарёча уларнинг оёқлари остида ҳар хил синиқлар сузиб юрган кум билан тўйинган сувни окизиб кетаётганди.

Оқимнинг кенглиги айни пайтда икки юз метрча бўлиб, афтидан, одатда оддийгина ирмоқ эди. Сувнинг нариги томонида оғир фургон турарди. Унинг ярми сувга чўкиб, худди дарахт ва брезентдан ясалган қоя каби сувнинг ўртасидан чиқиб турарди. Фургоннинг шароити жуда қалтис эди. Агар улар тошқиндан қочиб қутилишга улгурмаган бўлсалар, фургоннинг ичидагилар хавф-хатар остида эдилар.

Фургоннинг кўриниши Альберга ғалати таъсир қилди. Ўзи ҳам тушунмаган ҳолда у қўли билан Александрга

фургонни кўрсатди, бироқ дўсти бошини тебратиб, паст товушда деди:

– Ҳамма фуригонлар бир-бирига ўхшаш. Нега сен бу айнан ўша деб ўйлаяпсан?

– Нега бўлиши мумкин эмас?

– Сув пасайишини кутиш керак. Ўшанда кўрамиз.

– Мен кута олмайман.

– Сузиб бориш – бу аниқ ўлимга бориш демак. Бир неча соатдан кейин дарё ўзанига қайтади.

– Оқим бўйлаб юқорирокда торроқ жой қидириб кўрсак-чи?

– Жоним билан. Фақат шошилмасдан. Бунинг устига, менимча, фуригонда ҳеч ким йўқ...

Ёмгир ювган ҳаво шунчалик тоза эдики, худди орадаги масофа қисқаргандек энг майда нарсалар ҳам бемалол кўринаётганди. Учалалари ҳам сувдан чиқиб фуригоннинг олди қисмига кўтарилаётган инсон танасини аниқ кўришди.

– Қара! Қара! – ҳансираб, хитоб қилди Альбер.

Шундан сўнг сув устида ёрдам сўраб ёлвораётган аёл қичқиряи эшитилди.

Учалаларини титроқ босди.

Сувдан чикқан одам бор бўйи билан тик турди. Шу пайт Альбер газабдан бўкириб юборди: у бу кўпол гавдани таниган эди.

– Клаас! Бур Клаас!.. Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим!..

ҲОЛТИНЧИ БОБ

Рухий тушкунлик — Кутилмаган ёрдам. — Захарга қарши восита. — Моқундан малҳам. — Қароқчи даҳшат ичида. — Фургон сувга тўлади. — Фургон-кема. — Қутураётган оқим. — Сув тошқини. — Лагерда. — Жайдари шифокорлар. — Зуга ва бушмен. — Мастер Виль. — Сотқинлик. — Қотилликда айбланиш. — Фургон сув остида йўқолади.

* * *

Клаас ўйлаб топган ўзини ҳимоя қилиш воситасидан заҳарланган дарёда чўмилганларнинг ҳаммаси зарар кўришди, бироқ уларнинг баъзи бирларига сутлама унчалик кучли таъсир қилмаган эди. Ёндираётган оғриққа қарамай улар бутунлай кўриш қобилиятини йўқотганларга бир амаллаб ёрдам беришди. Агар шу ёрдам бўлмаса кўр бўлиб қолганлар сув тошқинида сўзсиз ҳалок бўлар эдилар. Ёрдамга муҳтож бўлганларнинг охиригиси айтиб билинган момақалдироқ бўлган пайтда қирғоққа олиб чиқилган эди.

Ҳозиргина хурсандчилик бўлган ялангликни тасвирлаш қийин ва тасвирлашнинг ҳам ҳолати йўқ эди. Ҳозир бу ерда барча тилларда сўқинишлар, алам ва умидсизликдан бақиришлар ва инграшлар аралашиб кетган эди. Жуда қаттиқ шикастланганлар қандай сирли сабаб таъсирида ўзлари шундай кунга қолганларини билишмас эди. Улар сўқиниш билан бирга ёрдам сўраб ёлворишар, бироқ қандай ёрдам беришни ҳеч ким билмас эди.

Бироқ ёмғирнинг биринчи томчилари уларнинг азобдан буришиб кетган юзларига тушиб, яра-чақа бўлиб кетган қовоқларини ювиб, бундан уларга бироз енгиллик бўлди. Бироқ бу вақтинчалик бўлиб, етарли ҳам эмас эди. Агар тезлик билан тўғри ёрдам бўлмаса, шикастланганларнинг кўпчилиги бир умрга кўр бўлиб қолишлари мумкин эди.

Айни шу пайтда бакирган товушларга жавобан ўрмонда сангиб юрган иккита одам – иккита қоратанли югуриб келишди. Уларнинг бор кийимлари тослари атрофига ўралган бир парча кўкранг ип матодангина ташкил топган эди. Ҳар бирининг камалаги, қоплон терисидан ясалган ўқдон ва бир боғлам найзалари бор эди. Улардан бири юзлари ақлли, гавдаси келишган, чиройли кафр эди. Иккинчисининг бўйи пастрок. Оёқлари қийшиқ, кўллари узун, миқтидан келган ва афтидан кучли ҳам бўлса керак. Унинг яссилаб қўйилгандек ялпоқ юзидан у баджаҳлга ўхшаб кўринади, бироқ ҳозир унинг юзидан ачиниб кетаётгани кўриниб турарди.

Кафр ҳамроҳига қараб ўзининг тилида узун бир гап айтди. У эса ҳамма халқларда «билмайман» маъносини англагадиган ишора билан жавоб берди. Шунда биринчи йигит шикастланганларнинг бири олдига борди, унинг кўзларига қараб, иккинчи одам, учинчи одамнинг олди-га борди ва уларнинг ҳаммасида бир хил аломатларни кўрди. Бошини маъноли қилиб чайқаб қўйиб, улардан камроқ шикастланганига қараб мурожаат қилди. Савол берилаётган кимса эса ундан нима сўралаётганини тушунади эмас, тўғрироғи, пайкайди. У ерли аҳолининг баъзи маҳаллий касалликларга қарши яхши воситалари борлигини яхши билади. У дарёни кўрсатиб, имо-ишора билан дарёда чўмилганлари сабаб шу ҳолга тушганларини тушунтиради. Қоратанли жилмаяди ва тезгина ёмғир уриб ётган дарёни кўздан кечириб, унга қўлини тикиб, панжасини ялаб кўради.

«Тўғри топибман», – у ҳам қўлини сувга тикиб, оғзига олиб бориб, юзини бужмайтирган ҳамроҳига қараб дегандек бўлади кафр.

Улар бир неча марта «моқун» сўзини ишлатиб бир-бирларига бир неча оғиз сўз қотишди. Сўнгра иккалалари югурганча ўрмонга қараб кетишди, бироқ кетаётиб «Биз қайтиб келамиз» демоқчи бўлгандек, қурол-аслаҳаларини қолдиришади. Бу гап қаратилган одам дарров

тинчланиб, атрофдагиларга ҳам таскин беради. Коратанлиларнинг йўк бўлиб кетишлари узокқа чўзилмайди. Улар тезда қайтиб келишади ва ҳар бирининг кўлида бир кучок барг билан куюк қопланган шохлар бор эди. Шу дақиқада чакмоқ чакиб, жала куя бошлайди. Бирок табиатнинг бу ходисасига коратанлилар эътибор бериб ўтиришмайди. Улар оғизларини ҳалиги барглар билан тўлдириб, чайнай бошлашади. Кейин оғизларидан яшил тупук оқиб чиқа бошлаганда улар, афтидан беморларга тегишли бўлса керак, ёмғир суви билан тўлган тоғорачани кўриб қолишади ва оғизларидаги бўтқага айланиб улгурган яшил сақични унга туфлаб, кўллари билан яна ҳам майдалай бошлашади. Улар мурожаат қилган биринчи бемор уларнинг ишларини сабрсизлик билан кузатиб туриб, уларнинг дори тайёрлашаётганини тушуниб етади. У ўз кўйлагидан бир бўлак йиртиб олиб умид билан уни бу ерликларнинг тайёрлаган дориларига ботириб олади ва кўзларига босади. Бирдан у кичкириб юборади, чунки мияга берган кучли оғриқни ҳис қилган эди. Бирок бу оғриқ бир дақиқага ҳам чўзилмайди, оғриқ бирдан сеҳр қилингандек тўхтаб қолади. У кўзидан лагтани олиб, севинчини яшира олмайди: унинг кўриш қобилияти қайтган эди. Кўзига кумми, киприкми кирганда бўладиган ёқимсиз оғриқни ҳисобламаса, кўзи сонпа-соғ.

– Дўстлар, бардам бўлинг! – момақалдирок овозини босгудек кичкиради у. – Бардам бўлинг, биз кутулдик!.. Иш қила оладиганлар, ишга! Мана бу ажойиб коратанлиларга ёрдам беринглар, улар ёлғиз улгура олишмаяпти. Шошиллинглар!

Бу сўзлар беморларга куч беради. Яна қайтадан умид уйғонгандек бўлади. Ҳаммага ҳовучлаб баргларни тарқатишади. Одамлар бор кучлари билан уларни чайнай бошлайдилар. Улар енгил тортишга шунчалик шошиладиларки, энди оғизларидаги сақични сувда эритиб ўтирмай, шундайлигича кўзларига босаверадилар. Аслида ҳеч нарса ўзгармайди, чунки ёмғир челақдан қуйгандек қу-

йиб ётибди; у кўзга тушиб доривор шарбатнинг кўзнинг ўйилиб кетган шиллиқ пардасининг ҳамма бурчакларига етиб боришини таъминлаяпти.

Қоратанлилар бир бемордан иккинчисига югуриб, тиним билмай уларга баргларни тарқатишади, кўзларидаги малҳамни алмаштиришади ва жала остида маза қилиб самимий кулишади.

Яқингинада янграган қутургудек бўкиришлар ўрнига бахтли хўрсиниқлар – ҳақиқий ибодат товушлари эшитилади. Кўриш қобилияти ҳаммага ҳам қайтмади, бироқ оғриқлар босилиб, тўлиқ даволаниш ҳали келади, деган умид бор эди. Бу жайдари шифокорларнинг биринчи бемори бўлган одам доривор ўсимликни қизиқиб кўздан кечиради ва уни танигандек бўлади.

– Мокун? – сўрайди у.

– Мокун, – жавоб беришади иккала қоратанли.

– Бироқ, агар янглишмасам, у хўкизларни ўлдирди-ку? Ҳа, албатта. Зўр! Ахир бу Корнелис ва Питер ўз қадрдон акаларининг хўкизларини ўлдирган баргларнинг ўзи-ку. Мен Биркўзлининг анави, ҳаммалари «Кайман – одамхўр» деб аташадиган одамга краалга мокунлар ташлашни буюрганини эшитган эдим. Хўкизлар учун! Улар мастер Клаасни ёмон қилишибди! Энди у пастликда қолиб кетади, чиқадиган ҳеч нарсаси йўқ, сув эса кўпайгандан кўпаяяпти. У бемалол чўкиб кетиши мумкин... Бироқ, нима бўлса ҳам, бу унинг иши! Унга ачинишга арзимаيدди! Нега у компанияга биз билан бирга виждонан киришни хоҳламади? Нега у тентакларга ўхшаб бу гилдирак устидаги уйга қамалиб олиб, ҳамма хазинани ўзига оламан, деб айтди? Агар у чўкиб кетса, ўзига ёмон, биз эса битта ортиқча рақибдан қутуламиз. Бироқ, барибир қизик: бизга нима бўлди ўзи? Бирортасининг ифлос қўли йўқми бу ерда? Айтганча, бурлар қаерга кетиб қолишди? Миссионер ҳам қани? Бу муттаҳамлар бизни сотишмадимиз? Улар Клаас тарафга ўтиб кетишмадимиз?

Ўқувчимиз бу одамнинг янглишмаганини кўриб турибди: Корнелис, Питер ва рухоний хазратлари чиндан ҳам бутун гуруҳни сотиб кетишган эди. Бироқ улар Клаас томонга ўтиб кетишмади, уларнинг каллаларида бошқа режа бор эди.

Клаас эса сув тошқини яқинлашиб келаётганини кўриб Эстер ва де Вильрож хонимни фургондан чиқариб, шу билан уларни аннқ ўлимдан кутқармокчи бўлди. Бироқ сув шундай тез кўтарилаётган эдики, у хатто улгуролмай қолди. Бу пастак жойда одамнинг кўзи олдида ҳамма нарса шунчалик тез ўзгараётган, бошқача тус олаётган эди. Ҳар томондан минглаб сув оқими босиб келаётган бўлиб, сув фургоннинг ўкигача кўтарилган эди. Клаас қиргоқ борган сари узоклашаётганини ва сузиб қутула олмаслигини – бундай тошқин билан курашишга унинг атлетлардек кучи етмасди, кўриб сўкинди.

Бир неча дакикадан сўнг денгизчилар жуда кўркадиган тўккизинчи валга ўхшаш кучли силкениш бўлди. Фургоннинг деворларига тўлқин урилган бўлиб, деворлар инграгандек бўлди. Бечора асиралар додлаб юборишди. Уларнинг шароитлари яна ҳам даҳшатли эдики, улар деярли қоронғида ўтиришарди.

Тушунтириб бўлмайдиган тасодиф туфайли фургон ағдарилиб кетмади ва сувнинг босими туфайли сочилиб кетмади, фақат худди соҳилдаги қумда қолиб сувнинг кўтарилиши туфайли кўтарилаётган кайиқ сингари, секин тебрана бошлади. Ҳеч қандай шубҳа йўқ – фургон сузиб кетган эди. Тўғри, у зўрға сузарди, бироқ энди унинг чўкиб кетиш хавфи йўқ эди. Унинг ботиши ҳам оғирлиги туфайли, айниқса табиий балласт бўлиб хизмат қилаётган ўки ва ғилдираклари сабаб жуда яхши эди.

Осилиб турган одам ўзи осилган арқон узилиб кетганда қанчалик ажабланса, Клаас ҳам шунчалик ажабланди. Бандик фургон кемага айлангандан сўнг кутилмаганда бак бўлиб қолган ўзининг бурчагига кирди ва кемани ўрганишга тушди. Бу иншоот кўринишидан қўпол, бироқ

хайратланарли тарзда мустаҳкам қилиб қурилган бўлиб, унинг олдинги эгасига тасаннолар айтса бўларди. Ҳақиқий ёввойи одам сифатида Клаас фургоннинг тузилиши сайёҳларни бу ерларда тез-тез бўлиб турадиган сув тошқинлари хавфидан ҳимоялаб туришини илгари сезмаган эди. Клаас фақат фургонни – колонияларнинг биринчи кунларидан бошлаб бу ерларда у ёқдан бу ёққа юрган фургоннигина кўрган эди.

– Эҳ, жин урсин, – дарров хотиржам тортиб, хитоб қилди у, – ҳаётда доим омадим келишини тан олишим керак! Ҳўкизларимни заҳарлаш даражасига борган одамлар албатта, фургон на цеце пашпасидан, на моқун баргларида кўркмайдиган двигатели туфайли ўрнидан қимирлашини тасаввур ҳам қилмаганлар. Бечора ҳўкизларим! Мана уларни сув окизиб кетаяпти. Тимсоҳлар учун қандай байрам! Айтганча, укаларим олиб келган урушқоқлар-чи? Уларга нима бўлди? Мен бақир-чақирларни эшитмаяпман. Улар чўкиб кетишмадами? Ғалати жимлик?... Ҳа, уларга нима бўлса бўлар, мен эса бу ердан чиқиб кетишим керак... Бўрон тинчияпти, ёмғир тўхтапти, куёш қиздира бошлади – йўлга тушиш учун айни вақт. Тўғри, менинг тажрибам йўқ, бироқ бу ажойиб кеманинг капитани бўлибманми, уни пристанга олиб бораман. Фақат тезроқ ва эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилиш керак. Ва ҳаммадан аввал нима билан эшишни топиш керак... Жуда бўлмаганда мана бу билан!...

Оқим ярим бузилиб кетган деворга бўронда юлинган дарахтларни келтириб урган эди. Клаасга фақат текис, узун ва бақувват шох топиш қолганди, холос. Шохни кесиб олиб, баргларида тозалаш бир дақиқалик иш эди. Паррак бўлиб эса бискевитдан бўшаган қутининг қопқоғи хизмат қилди. Мих ва болга гопилди.

Бўрон аллақачон тинган бўлса-да сув ҳали ҳам кўпаяётган эди. Яна бироз ва фургон девордан ҳам кўтарилади. Клаас ана шу вақтги қутишга қарор қилиб, унинг

бақувват организми ҳозир талаб қилаётган иш — овқатланиб олмоқчи бўлди.

Бу вақтда эса чарчаб ҳолдан тойган, очликдан силласи қуриган, хавотирдан азоб чекаётган Альбер, Александр ва Жозефлар Клаас захарли ўтларни юлган қоялар олдига етиб келишган эди. Соё кучли оқимга айланган бўлиб, хавфли бўлса-да, бироқ бу ерлар торроқ эди.

— Мана, қаердан кечиб ўтишимиз керак, — деди Александр, — ёки сув қачон пасайишини кутишимиз керак.

— Ҳозир кечиб ўтамыз, — деди ҳаяжонланганидан тишлари тақиллаётган Альбер. — Ва патронларни ҳўл қилиб қўйишимиз керак эмас: бизга керак бўлиб қолиши мумкин.

— Мен биринчи бўлиб бораман.

— Мен сенинг орқангдан бораман.

— Бирпас шошмай тур. Кўраёлсанми, бўрон кўчириб ташлаган дарахт оқиб келаяпти? Ҳаммаёғи лианалар билан ўралган. Ўшани ушлаш керак.

Александр ўзини сувга отди ва тинчроқ оқимга тушиб олиш учун бир шўнғиб, ўттиз метрлар наридан чиқди. У дарахтнинг сувости қоясига илиниб қолганини кўриб, хурсандликдан бақириб юборди. Ҳамроҳларининг кечиб ўтишларини осонлаштириш учун ва уларнинг милтиқ ва зарядларини қуруқ сақлашга ёрдам бериш учун у бир қўли билан сузиб, иккинчи қўли билан унинг ёрдамида қарама-қарши қирғоққа алоқа ўрнатиш учун лианани ушлаб олиб, қайтиб кетди. Лиананинг учи маҳкам қилиб боғланган эди. Дўстларининг ақлли фикрини тушунган Альбер ва Жозеф карабин ва патронларини елкаларига маҳкам боғлаб олиб, ясама трос орқали қарама-қарши қирғоққа ўтишди.

Улар яқингинада устида сутламалар ўсган қоянинг орқасида жойлашган бивуакка етиб келганларида уларнинг устиларидан сув шариллаб оқарди. Улар бу ерда яқиндагина иккита қоратанлининг ёрдами туфайлигина кўзлари очилиб ҳозир ибодат қилиб ётган бир гуруҳ

одамларнинг ичига тушиб қолишди. Қоратанлилар эса янги келганларни дарров танишди ва хурсандчиликдан кийкириб юборишди ва бунга жавобан келганлар ҳам қувнок кийкирик билан жавоб беришди.

– Оқ сардорлар!..

– Зуга! Сенмисан? Бушмен ҳам!.. Биродарлар!..

Улар ҳар қандай узун нутқдан ҳам ифодалироқ бўлган қўл қисишиб кўришишди.

Содикликларининг собитлиги ва кучларига улар аллақачон тан берган икки ёрдамчиларининг бирдан пайдо бўлиши французлар учун катта ёрдам эди.

Қоратанлиларга нима гап эканлигини тушунтириш учун икки оғиз гап кифоя қилиб, улар шу заҳотиёқ сувда бир маромда тебранаётган фургонга қараб отилишди.

Бирдан бир неча қадам нарида кичкириклар эшитилди. Қуролларини силкитганча бир гуруҳ европаликлар – одатда олмос қонидагилар кийинадиган кийим кийган элликтача одам чоғиб келаяпти. Уларнинг бошида бизнинг французлар дарров таниган мастер Виль. Бироқ французлар шунчалик ўз ишлари билан машғулларки, улар ўзларининг собиқ ҳамроҳлари ўзини ғалати тутаятганини сезишмайди ҳам. Улар у ё бу ёққа қарашга улгурмасларидан атрофларини кўринишлари шубҳали бўлган бир гуруҳ одамлар ўраб олишди.

– Мастер Виль, – хитоб қилди Альбер де Вильрож, – биз сизга қандайдир яхшиликлар қилгандик... Сиз ҳаётингиз учун биздан миннатдор бўлишингиз керак... Мен сизнинг ҳиссиётларингизга, юрагингизга мурожаат қилаяпман... Менинг хотинимни қароқчилар ўғирлаб кетишган... У бу ердан бир неча қадамгина нарида... Мана шу фургонда... Уни хавф-хатардан, уни асирликда ушлаб турган ярамаснинг қўлидан қутқариб олишга ёрдам беринг... Мастер Виль, ёрдам беринг!

Полициячи отрядига бош иргаб қўйиб, белидан револьверини чиқарди ва хотиржамлик билан тиши орасидан гапирди:

– Манави уч одамни қамокқа олинглар!

Альбер, Александр ва Жозеф хайратда эдилар, улар қотиб қолишганди, улар ўз кўзларига, ўз қулоқларига ишонишмаётган эди. Уларни атрофидагиларнинг кўполлик билан ўзларини ушламоқчи бўлганлари ўзларига келтирди. Ҳеч қандай шубҳа йўқ: бу нафратга лойиқ полиция ити уларни сотди... Нега? Нима мақсадда бундай қилди?

Бироқ бу французлар ҳеч қандай қаршилик кўрсатмасдан, ўзларини худди бир муттаҳамдек ушлаб кетишларига қўйиб қўядиган одамлар эмас. Улар қутурғудек қаршилик кўрсатишади, ерда думалашади, бефойда бўлса-да қутулишга ҳаракат қилишади. Ҳаммаси бекор. Уларни боғлаб, кўполлик билан ерга иргитишади ва озгина ҳаракат қила олиш имкониятидан ҳам маҳрум қилишади. Альбернинг кўзлари қонга тўлиб, оғзидан кўпик кела бошлади. У бўкирганча, қўлларини қисаётган арқонни тишламоқчи бўлади. У бир амаллаб ўрнидан туришга муваффақ бўлди. Ярим ақлдан озган назар билан дарё томонга қараб фургон тўлкинлараро секин сузиб кетаётганини кўрди. У охирги маротаба бир қичқириб, беҳуш йиқилади.

– Менга қаранг, ярамас, – мастер Вильга қараб бақиради Александр, – нега хизмат даражангиздан ифлослик йўлида фойдаланаяпсиз? Нега бизни қамадингиз? Ўзингиз кимсиз? Бизни нимада айблаяпсиз?

– Мен колониал полициясида ишлайман ва Нельсонс-Фонтейнга хизмат сафарига жўнатилганман. Мен сизнинг орқангиздан доим кузатиб келдим. Бу ерда ҳеч қанақа ҳукмронликни суистеъмол қилиш йўқ, чунки биз қиролича олияларининг еридамиз. Сиз қотиллик ва ўғирликда айбланасиз, булар иккови эса сизнинг ҳамтовоқларингиз... Сиз бу иккала жиноятингиз учун Британия одил судининг вакиллари олдида жавоб берасиз. Ва қонунга кўра...

Альбернинг олдида гўё унга ёрдам бермоқчи бўлгандек мексиканча кийим кийган одам келганда, Александр

қаршилиқ кўрсатишга бор кучи билан ҳаракат қилаётган эди. Бу одам Жозеф америкалик билан яккама-якка курашганда унга ёрдам берган одам эди. У Жозефни аста туртиб, унга секин испан тилида нимадир дейди. Каталониялик сесканиб кетиб, котиб қолади. Бирок мексикалик ҳали ҳам беҳуш ётган Альбернинг устига энгашганда, кутилмаган иттифокдош арқонларини билдирмай кесиб қўйган Жозеф сакраб ўрнидан туриб йўлида турган мастер Вильни туртиб юбориб, ўрмонга қараб югуриб қочади.

– Зуга, бу ёкка! – баланд овозда бақиради у. – Аваи! Аваи! Месье Александр, мен озодман! Сеними, шошмай тур, инглиз ити, ҳали терингни пилиб оламан! Анна хонимни эса қутқарамиз.

УЧИНЧИ ҚИСМ

ЖАНУБИЙ АФРИКАДАГИ МОЖАРОЛАР

БИРИНЧИ БОБ

Сув тошқини. — Рухоний ҳазратлари обрўсининг тўкилиши. — Питер саводли одамларга ишонмайди. — Уч маразнинг хайратланиши. — Боксер. — Ака-укалар таъзирини ейишади. — Нотаниш одам уларни ҳушига келтиради. — Корнелис ва Питер ўзларига хўжайин топадилар. — Тревога. — Яна Сэм Смит. — Қароқчининг тарихи. — Чақув. — Хипчин билан эллик марта уриш. — Филнинг тимсоҳдан ўч олиши. — Рухоний ҳазратларининг азобланиши. — Топишмоқ.

* * *

— Питер, оловни кавлаб қўйинг. Мен суяк — суягимга-ча совқотиб кетдим.

— Ҳа, чиндан ҳам бўрон ва сув тошқинидан кейин анча салқин...

— Брр! Ота-боболаримиз юрти Голландияда бир йилда олти ой шундай ҳаво дейишади... Агар чиндан ҳам шундай бўлса, мен колонияни афзал кўраман.

— Тўппа-тўғри, Корнелис! Эҳ, мен ҳозир маза қилиб бир пинта қайноққина кап-бренди ичган бўлардим.

Питер ўпкаси шамоллашдан азоб чекаётган хўкиздек йўталиб, ўрнидан турди ва кечаси учун тайёрлаб қўйилган шох-шаббалардан катта бир кучоқ олиб оловга ташлади. Смолали шохлар шитирлаб ёниб, тун қўйнида олов ўйнай бошлади.

— Сизлар, афтидан, якин атрофда изғиб юрган ҳамма дордан қочган октанли, қоратанлиларнинг диққатини тортмоқчисизлар, шекилли! — жаҳл билан хитоб қилди рухоний ҳазратлари.

Унинг эғнида ўзининг доимий тор сюртуғи бўлиб, афтидан айни пайтда уларни ўраб турган намлик унга бутунлай таъсир қилмаётган эди.

– Қизиқ, бизга ким ва қайси томондан ҳужум қилиши мумкин, билсам эди, – тунд товушда деди Корнелис. – Бироқ биз ўз хавфсизлигимиз учун жуда қиммат тўлаяпмиз. Ҳаммаси сизларни деб!.. Биз жуда ёмон аҳволга тушиб қолдик. Биз жиннига ўхшаб орқангиздан ана шу ергача келдик, чунки сиз берилиб мактаганингиз харитангизда белгиланган бир нуктани топишга ваъда берган эдингиз. Ўзингиз эса ҳеч нарса топа олмадингиз! Биз эса соҳилдан узилиб қолдик ва энди сув тошқини тугамагунча шу ерда қолишимизга тўғри келади.

– Харитада белгиланган учта акациядан бири йўқ бўлиб қолган бўлса, мен айбдорманми!? Сизлар, афтидан, хасисликдан миянгиз айниб қолибди, шекилли. Бу ерда ҳикиллаб ўтиргандан кўра қуёш чиққандан сўнг бу ердан қандай чикиб кетиб, янгидан қидирув ишларини бошлаш ҳақида ўйласанглар бўларди.

– Етар, қари муттаҳам! Бизга маслаҳат беришга ва биздан гина қилишга қандай ҳақингиз бор!.. Револьверга қўл чўзишнинг ҳождати йўқ! Ёиринг этишга улгурмайсиз: шундай аллигаторларнинг оғзига тушасиз. Ўзим бунинг ҳаракатини қиламан. Ана, улар, маза қилишаяпти! Билиб қўйинг!

– Сиз,а!

– Ҳа, мен, жин урсин сизни! Мени шу пайтгача нима ушлаб турибди, ўзим ҳам билмайман!.. Сизнинг ҳамма бўлмағур афсоналарингизга, анави исқирт латтангиз ҳақида валаклаганларингизга ишонганимни ўйласам!.. Сиз уни худди чиндан ҳам ўша орқали биз кидираётган хазинани топиш мумкин бўлган бир муқаддас нарсани яширгандек, яшираяпсиз!..

– Корнелис ҳақ, -- гапга қўшилди Питер. – Сиз европаликлар биздан ўз манфаатингиз йўлида фойдаланасизлар, бизларни шиласизлар... Умуман, саводли одамларга ишониш мумкин эмас.

– Тўппа-тўғри! – Питернинг гапини бўлди Корнелис.
– Шундай оёқ қўллари бор биздек йигитларга саводнинг нима кераги бор?

– Ўқ учун тўғри йўлни дарров топа оладиган одамларга унинг нима кераги бор?

– Ўттиз фунтлик болта сомондек туюладиганлар учун ҳам саводнинг нима кераги бор?

– Бизни акамизга қарши қайраб, орамизга душманлик уругини сочиб, кучимизни беҳудага сарфлагандан кўра, ҳаммамиз бирга ҳаракат қилсак яхшироқ бўлмасмиди?

Рухоний ҳазратлари йигитларнинг гапларини ўта хотиржамлик билан эшитди. У иккала йигитга ўтқир кўзлари билан тикилиб ўтирар ва ҳозир уларга қаттиқ зарба бермоқчига ўхшарди.

Бироқ шу пайт бирдан унинг орқасида қаттиқ кулги овози эшитилди ва рухоний ҳазратлари иккала бурга айтмоқчи гаплари бўғзида қолди.

Агар бирдан қуролланган қоратанлилар отряди пайдо бўлиб қолганда ёки ёввойи ҳайвонлар чанг солишса, бу учала оқтанли шунчалик қўрқиб кетишмаган бўларди, улар бу ҳолда ўзларини ҳимоя қилишга бошлашган бўларди. Бироқ шу пайтда, шу ерда янграган қувноқ кулги овозидан улар ҳушдан кетиб қолай дейишди. Айниса бурлар ҳайратда эдилар. Уларга бу ғайритабиий кучларнинг ишидек туюлаётганди. Рухоний ҳазратларига келсак, бундай болаларча камчиликлар унга бегона эди, бироқ ҳозир уни, балки умрида биринчи мартадир, қўрқув чулғаб олди ва у олдиндан қандайдир ёмонликни ҳис қилди.

Бу қўрқувни енгилшга рухоний ҳазратлари улуғурмай қолди – вақт етмади.

Кимнингдир оёқлари остида шохлар шитирлаб, ёруғда баланд бўйли, европача кийинган ва елкасида оғир карабин осиб олган одамнинг гавдаси кўринди. Шарпа тирик одам эканлигини кўрган ака-ука бурлар сакраб кетишди. Бироқ бу одамнинг ёлғизлигини кўриб,

куролларига қўл чўзишмади. Шунчаки унинг елкасига оғир қўлларини қўйишди, афтидан улар эркакнинг гавдаси атлетик тузилишига қарамай, уларнинг қўли остида қамишдек эгилиб кетади, деб ўйлашган эди.

Тўғри, Корнелис букани ҳам йиқита оларди, Питер учун эса югуриб кетаётган уч ёшли тойнинг орка оёғидан ушлаб тўхтатиб қолиш ўйинчок эди. Бироқ нотаниш одам худди темир устун каби бақувват экан. Оқтанли ёввойилар ҳайратда эдилар ва бу ерда ғайри-табiiй кучлар йўқми, деб яна ўйлаб қолишди.

Бироқ, олдиларида турган бу одам гўшт ва суякдан иборат эди. Корнелис ва Питер тез орада бунга ишонч ҳосил қилишди. Нотаниш одам ҳеч қандай уринишсиз уларнинг қўлларидан чиқиб олди, қўлларини кўксига қовуштириб, бокс позициясига туриб олди ва шу заҳоти бақувват қўллари билан Корнелис ва Питерни ура кетди.

Қорнига қаттиқ қалтак еган Корнелис «ох!» деб ингради ва худди бир қоп гўштдек ағанаб, бор бўйи билан чўзилиб қолди.

– Ўзи шундоқ ҳам биркўз, иккинчи кўзини уриб чиқазиш керак эмас, – тўнгиллади боксёр.

Питер тезлик билан четга кочиb қолмокчи бўлди, бироқ улгурмади: худди пешонасига тўқмоқ билан урилгандек мушт келиб тушди. Шу заҳотиёқ оёқлари қийшайиб, бакириб юборди ва ҳали ҳам ўзига келмаган акасининг устига йиқилди.

Боксёрнинг ўзи эса бу чиройли манзарани кўздан кечириб, тишлари қўрқувдан тақиллаётган руҳоний хазратларини сезмагандек, деди:

– Ажойиб икки ёклама зарба! Агар анави кекса Колкрафт Ньюгейтда унга охириги хизматини кўрсатган бўлмаганда, биринчи устозим Вильям Гаррисон бу зарбадан хурсанд бўлган бўларди.

Вильям Гаррисон исмини эшитиб руҳоний хазратлари худди қулоғи остида револьвердан отишгандек сакраб кетди.

– Вильям Гаррисон... дедингизми?..

– Жим бўл, муттаҳам! – жаҳл билан унинг гапини бўлди нотаниш одам. – Сендан сўрашганда гапирасан. Қуролни бу ёкка бер!.. Тезроқ!..

Рухоний ҳазратлари кўркканидан аклдан озгудек бўлиб, револьверини узатди.

– Яхши. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Менга ҳозиргина гапирганингиз жойнинг харитаси керак.

– Бироқ...

Рухоний ҳазратлари қаршилиқ қилишга уринди, бироқ унинг бутун сурбетлиги йўқолиб, бўйсунлишга мажбур бўлди.

– Тезроқ деяпман! – деди нотаниш кимса. – Мен ҳеч қачон бўйруғимни икки марта қайтармайман.

Рухоний ҳазратлари бутун гавдаси дир-дир титраб, харитани узатди.

– Яхши... Ҳозирча етади, – деди нотаниш одам. Бурларнинг ҳали ҳам қимир этмай ҳаракатсиз ётганини кўриб, қўшиб қўйди: – Уларни ҳушига келтириш керак. Нега улар бузокдек чўзилиб ётишибди:

Бироқ рухоний ҳазратлари шунчалик ҳолатда эдики, ундан нима хоҳлашаётганларини тушунмай қолди.

– Етар, олифтагарчилик қилмай қўя қол! – бақирди нотаниш кимса. – Бундай ҳолларда олтин конларида нима қилишларини биласан-ку!.. Қўркма, улар тирик! Мен хоҳлаган тақдиримдагина муштум билан уриб ўлдираман. Курткаларининг олдини еч. Қўйлақларини ҳам... Кўкрагини оч.. Энди эса чўғ олиб бос... қаттиқроқ... терисин қўйдургудек қилиб бос.

Вишиллаган товуш эшитилиб, ҳаммаёқни қуйган гўшт ҳиди тутиб кетди, бироқ бу усул Корнелис ва Питерни ҳаётга қайтарди ва улар худди аклдан озган каби бўқиришга бошлашди.

– Мана яхши бўлди! – истехзо билан қулиб, деди боксёр. – Энди ўрнингиздан туринг! Мени бу қўшигингиздан озод қилин! Акс ҳолда мен ҳозир бўғиб қўя қоламан!..

Корнелис ва Питер куйишнинг аччиқ оғриғига дош бериб, шу заҳоти жим бўлишди. Қолган воқеалар шундай тез содир бўлдики, ака-укаларга тушаётган зарбалар шунчалик кучли эдики, бурларнинг миёси ишламай ҳам қолди ва нафас олишлари ҳам қийинлашди.

Улар зўрга бир бирларидан нари кетишиб, қонгалашган кўзлари билан гулханга қарашди ва худди ичиб олган одамдек, секин ўтиришди.

– Чин сўзим, ўзимни шундай сезаяпманки, мени худди чавқар отим оёғи билан тепганга ўхшайди. – мингиллади Корнелис.

– Менга эса худди бошимга оғирлиги юз фунтлик тўсин тушганга ўхшайпти, – тўнгиллади Питер.

– Аслида эса камина қулингиз сизларни бир мартагина мушти билан сийлади, – мазах қилиб деди нотаниш одам. – Майли, етар, туриглар энди! Гаплашиб олишимиз керак. Ҳа, асосий гап: яна иккалангиз ҳурматли милтикларингизга қўл теккизишни ўйлаб ўтирманглар, акс ҳолда иккалангиз ҳам менинг карабинимнинг иккала стволидаги нарсани ютишингизга тўғри келади.

– Энди эса менга қулоқ солинглар, – деди нотаниш одам. – Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, энди сизлар менинг қўл остимдасизлар. Мен сизларга кўрсатиб қўйдим. Бу энг юмшоғи эди... Тан оламан, сал кескинлик қилдим, бироқ бошқачасига мумкин эмас эди... Ва ниҳоят, мен шунақасини хоҳладим. Бунинг устига сизларнинг миёларингиз учун узун нутқдан кўра шу нарса тушунарлироқ эди.

Корнелис ва Питер розилик аломатиденк қилиб, тўнгиллаб қўйишди.

– Мен буйруқ бераман, сизлар эса сўзсиз бўйсунасизлар. Чунки мен сизлардан кучлироқман. Ва ақллироқман. Маълум бир вақтгача сизлар ҳам жисмонан, ҳам руҳан менга тегишли бўласизлар. Бу узоқ давом этмайди, деб умид қиламан. Сизнинг содиқлигингизнинг гарови сизнинг ҳаётингиз ва ундан ҳам кўпроқ ўзингизнинг шахсий қизиқишингиз бўлади.

Молга ўхшаган иккала башара ҳам очилгандек бўлди, Питер эса юзининг кўкариб, шишганига қарамай, ҳатто жилмайишга уринди.

– Келишдик, жентелмен. – деди у. – Тўғри, кўлингиз оғир экан, бироқ гапларингиз олтиндек.

– Олмосдек демоқчисиз, дўстим!..

– Қизиқувчанлигим учун узр: сиз ҳам кафр кироллари-нинг хазинасини топмоқчимисиз?

Питернинг эҳтиётлик билан гапириши, ўзини қизиқтирган саволни ўйлаб бериши бу кўпол одамнинг ўйлаб муомала қила бошлаганининг исботи эди.

Нотаниш одам эса такаббурона оҳанг билан деди:

– Мен нафақат бу ҳақда ўйлаяпман, мен сизлар иккалангизни ёрдамчи қилиб олмоқчиман. Ўлжани эса қилган хизматингизга қараб ва ўзим лозим топганча сизлар билан бўлишаман. Бироқ сизлар менинг саҳийлигимга умид қилсангиз бўлади.

– Бўлади! Келишдик! – хитоб қилишди иккала бур ва кўлларини чўзишди.

– Кўлингизни тортинг, йигитлар! – уларнинг гапларини кескин бўлди нотаниш одам. – Мен бетакаллуфликни ёмон кўраман!

Уларнинг атрофларини ўраб турган яшил бута орқасида қандайдир товуш эшитилди.

Нотаниш одам бу товуш қаердан келаётганини билиш учун атрофга кулоқ сола бошлади.

– Питер сизмисиз? – бурларнинг бошида сочнинг фаркига ўхшаган чандиги бор бўлганига мурожаат қилди у.

– Ҳа, жентелмен.

– Милтигингизни олиб, дарё бўйигача боринг ва атрофни яхшилаб текширинг. Агар шубҳали бирор нарса кўриб қоладиган бўлсангиз, отинг ва шу заҳотиёқ орқага қайтинг. Очиги, мен ҳозиргина сизларни тўсатдан босганимдек, бизни тўсатдан ушлаб олишса ўта аҳмоқлик бўлади. Айтганча, мен бу ерга келганим пирога оролча-

нинг нариги томонида сувга ботиб турган тўнкага боғлаб қўйилибди. Жойидами, қараб келинг. Боринг!

Питер милтигини олиб баланд ўсган ўтлар орасида кўздан йўқолди.

У тахминан чорак соатларда қайтиб келди. Корнелис янги хўжайинларининг олдида турар, сохта миссионер эса ерда ўтирганча, қопконга илинган бўридек, атрофга қарарди.

– Ҳаммаёқ тинч, жентелмен, – ахборот берди Питер. – Пирога жойида. Биз эшитган шовкинга келсак, афтидан улар қумлоқ саёзликка чиқиб қолган иккита қайман сабаб бўлса керак. Мени кўриб, улар яшириниб олишди.

– Хў-ўш... Улар, бу қайманлар жуда қизиқувчан экан. Уларни кузатиб туриш керак. Мен ҳозиргина сизларга тез орада хазинага эга бўлишимиз ва уни учга бўлишимиз тўғрисида гапиргандим.

– Жаноблари тўртга демокчи эдилар... Бу жуда кўп...

– Жаноблари учга демокчи эдилар. Ва шундай дедилар ҳам. Гуруҳ уч кишидан иборат. Бу ерда ҳозир бўлганларнинг бири ўлжанинг бўлинишида иштирок этмайди...

Сохта миссионер бирдан бошини қўтарди.

– Мен сизлар «ҳазрати олийлари» деб атайдиган шахсни кўзда тутаяпман. Унинг бошқа номи бор. Шундай эмасми, Жемс Виллис?

– Раҳм қил! Сэм, менга шафқат қил, мени ўлдирма!

– Мен гапираётганда жим бўл! Мен сен ва дўстингни пирогада катта шаршара олдидаги оролчага ўтказиб қўйганимда сен мени танимадинг-а? Тўтри, бунинг учун мен ўзим қайғуриб, юзимни яшириб олган эдим. Шундай дақиқалар бўлдики, бошингни ёриб ургим келди. Бироқ бу ишни кейинги сафарга қолдиришга қарор қилдим. Яхши ҳам шундай қилган эканман, чунки мана яшириб юрганинг харитага эга бўлдим. Қўлимда қоғоз билан мен хазинани албатта топаман.

– Қанақасига? Жентелмен, харита сиздами? – ажабланиб, хитоб қилди Корнелис. – Демак, жаноблари саводли эканларда?

– Корнелис, сиз жуда кўп савол бераёйсиз. Мен буни ёктирмайман. Сизнинг кўзингиз битта, б'роқ кулогингиз иккита. Ўша кулоқларингизни очиб, мен нима деяётганимни яхшилаб эшитинг. Ҳа, жин урсин, инглиз миссионерси тузган харита менда. Бу муттаҳам уни чўнтагида олиб юрганини билиш қийин эмасди: ўзингиз қарқарага ўхшаб неча марта бу ҳақда бақирдингиз. Хуллас, йнги-лар, гапимни бўлмасдан, менга кулоқ солинглар...

Нотаниш одам сохта миссионерга қараб, гап бошлади:

– Жемс Виллис, энди сен билан шугулланамиз. Ахир биз эски дўстлармиз-ку, тўғрими? Биз биринчи марта учрашган кунни сен яхши эслайсана? Мен Торреса бўғозида сув ости қояларига урилиб чилпарчин бўлган «Аделаида» клипперида денгизчи эдим. Голландия байроғи остида сузиб юрган кема тирик қолган учта одамни қоялардан олиб кетади. Улар очликдан ўлай дейишаётган эди. Мен ана ўшаларнинг биттаси эдим. Мен ҳозирги кечи-раётганим даҳшатли ҳаётдан кўра суякларим ўша ерларда чириб, тошлар остида қолиб кетса яхшироқ бўларди, деб кўп марта ўйлаганман. Бироқ бўлар иш бўлди. Бизни қутқарган одамлар ниҳоят денгиз қароқчилари экан. Улар Австралия соҳилларида қароқчилик қилар эдилар. Сен буни жуда яхши биласан, чунки сен бу ишнинг хўжайинларидан бири эдинг. Сен мени ўз қалла-кесарларингга қўшилишга мажбур қилганинг учун мен сендан гина қилмайман. Мен рози бўлмаслигим ва қоядан тушмаслигим мумкин эди. Бироқ мен ёш эдим, яшагим келаётган эди... Ва ниҳоят, менда ўзи туғма нимадир бўлган эди шекилли, шунинг натижасида мен Сэм Смит бўлдим...

Бу даҳшатли ном тилга олинар экан, бурлар титраб кетишди.

– Жентелмен, бир оғиз гап, – қимтинибгина сўради Корнелис.

Смит унга гапиришга рухсат бергандек, бошини қимирлатди.

– Биз сизнинг номингиз ва шуҳратингиз ҳақида эшитганмиз ва сизга айтиб қўйишимиз керак: бизнинг душманимиз бор, у француз, ва бир куни сиз қилган ишлар учун айбни унга тўнкамоқчи бўлганмиз.

– Ҳа, биламан. Бизнинг бир биримизга шунчалик даражада ўхшашлигимиз сабаб у бир неча марта кўнгилсиз воқеаларга дуч келди.

– Жентелмен, бизга бошқа гапиришнинг ҳожати йўқ. Биз учун сизнинг номингизнинг ўзи энг яхши кафил. Бизга ишонаверинг. Биз сизга жон-танзимиз билан содиқмиз. Тўғрими, Питер?

– Тўғри, – жавоб берди Питер.

– Жентелмен бизни ўлдиришга ҳаракат қилишининг ҳожати йўқ эди. Номини айтса кифоя эди.

– Майли. Давом этамиз, – сабрсизлик билан унинг гапини бўлди Смит. – Жемс Виллис, умид қиламанки, сен мени эшитаяпсан. Сенинг ёқимли гуруҳинг орасида мен яна ўзимнинг собиқ боцманимни кўрдим. Унинг мансаби капитан ёрдамчиси эди. Вильям ҳеч қандай қийинчиликсиз менинг охириги иккиланишларимни йўққа чиқарди. Мен унинг изидан бориб, сенинг маслаҳатларига кулоқ сола бошладим. Шу сабаб тез кунда мен бутунлай аблах одамга айландим. Бироқ бизнинг компаниямиз таркаб кетди. Одатда кўп ҳолларда бўладигандек, кўнгилсиз ҳодиса юз берди: баъзилар қандайдир крейсернинг матрослари билан бўлган жанжалда ҳалок бўлишди, қолган баъзилар осилди, қолганларни Тасманияга ҳайдаб кетишди, мен эса қочишга улгурдим. Ўшандан бери мен яхшиликдан бошқа дунёдаги ҳамма ёмонликларни қилдим. Собиқ қароқчи талончига айланди. Мен бир неча йил давомида Австралиядаги олтин кидирувчилар учун даҳшат бўлдим. Бироқ мени колониал полиция ушлаб олди ва биз сен билан Хоббарт-Тоунда, сургунда учрашдик. Бироқ сен билан биздек одамлар камоқхоначилар кўриқчилиги остида кўп яшай олмайдилар. Биз қочишга қарор қилдик. Сен фитнанинг раҳбари эдинг. Ҳамма нарсая тай-

ёр бўлган эди. Мана-мана озодликка чиқай деб қолган эдик. Бирок қандайдир бир ифлос бизни сотибди. Мени эллик марта хивич билан савалашди. Тирик қолганимдан мен яшовчан эканман шекилли, чунки жаллод мени аямай савалаганди. Бирок, ҳар сафар хивич менинг бир бўлак гўшгимни шилиб чиққанда мен уни деб қамокқа қайтиб келишга ва яна шундай қийин жазога чидашга мажбур бўлганимга сабаб бўлган ифлосни топишга аҳд қилдим. Сотқинни аввалига бошқа қамокқа ўтказишди, кейин эса оқлаб юберишди. Ана шу нарса у сотган барча одамларнинг олдиди у ким эканлигини очиб қўйди. Мен икки йил панжара орқасида бўлдим, бирок фақат касос олиш учунгина яшадим. Ниҳоят, қоча олишга эришдим. Мен каби ҳайвонларни қафасда ушлаб туриш жуда қийин нарса. Мен бутун Австралияни кезиб чикдим ва ҳаммаёқда кўрқув уйғотдим. Бирок ҳаммаси бекор бўлди! Муттаҳам худди ерга кириб кетгандек эди. Йиллар ўтиб мен Европага қайтиб келдим ва бутун жиноятчилар дунёсини титкилаб чикдим. Яна бекор. Шундай қилиб, мен ҳеч нарсага эриша олмай, Австралияга қайтиб кетдим. Мен энди тушкунликка туша бошлагандим. Мен ниҳоят бу шахс ўлиб кетган бўлса керак, деб ўйлай бошлаганимда Кап колониясида унинг изини топдим. Биласизларми, мени ажаблантириш жуда қийин, бирок уни миссионер-руҳоний сифагида кўриб, мен қотиб қолдим. Бирок мен янглишмаган эдим: бу чиндан ҳам ўша эди. Ғарбий Грикалендда қоратанлиларга инжилдан дарс бериб юрган одам менинг сургундаги эски дўстим, ўша мени тутиб берган сотқин эди. Бу Жемс Виллис эди.

– Шафқат қил!.. Шафқат қил!.. – тили тутилганча пичирлади кўрқувдан бутунлай ақлдан озган сохта миссионер.

Сэм Смит эса қатъийлик билан гапида давом этди. Унинг хаяжони фақат у баъзи сўзларни таъкидлаб айтаётганидагина сезилиб турарди:

— Энди сен ўласан... аста-секин... ёлғизликда... Очликдан... сувсизликдан... кийнаиб ўласан... Ҳашоротлар... сенинг... терингни... чайнаб... ташлашади... Қуртлар... сени... тириклайин... ейишади. Қуёш... кўзларингни... ачиштиради... Миянг чаноғини да қайнайди; ўлимни чақирасан... бироқ... у келишга шошилмайди... Жемс Виллис, ахир сен фил ўзининг доимий душмани тимсоҳдан қандай ўч олишини биласан-ку. У тимсоҳни хартуми билан кўтариб олиб, ҳеч ким йўқ жойга олиб боради ва танаси ажралиб ётган дарахт орасига маҳкам қилиб тикиб қўяди. Шундан сўнг душманини секин ўлишга қўйиб, хотиржам қайтиб кетади. Мен ҳам сен учун айна шу жазони ўйлаб қўйганман.

Смит шу сўзлар билан қизил жундан қилинган узун белбоғини ечиб, уч бўлакка бўлди ва Корнелисга караб деди:

— Олинглар бу ифлосни. Эҳтиёт бўлинглар, у яна сизларни тимдалаб, тишлаб олмасин. Бу ҳайвон заҳарли...

Смитнинг ўнта бармоғи миссионернинг оғзини ёпди ва у қанчалик типирчилаб, қугулишга ҳаракат қилмасин, барибир бирорта ҳаракат қилиш имконияти қолмади. Смит жуда чакконлик билан унинг қўллари ва оёқларини боғлаб, оғзига нафас олиш имкониятини берадиган, бироқ овозини чиқармайдиган қилиб латта тикди. Сўнгра у сохта миссионерни худди ёш болани кўтаргандек осонлик билан кўтариб гулхан олдидан узоқда бўлмаган танаси ёрилиб ётган дарахтнинг устига кўтариб, икки бўлак орасига қистириб қўйди.

— Алвидо, Жемс Виллис! — истехзо билан деди у кетаётиб. — Қила олсанг тавба қил. Биз эса, йигитлар, ўз ишларимиз билан шуғулланамиз. Кетдик!

Корнелис ва Питер қанчалик ифлос бўлишмасин, бу тасвирлаб бўлмайдиган ўч олиш уларга кучли таъсир қилди. Улар қўрқинчли шерикларининг орқасида индамай бўйсуниб кетишмоқчи эди, бироқ у бирдан тўхтаб, ўтирилди.

– Яна бу ғалати шалоплаш эшитилаяпти! Қизик! Орқамиздан кузатишаяпти. Булар кайманлар эмас... Мабодо улар янги гўштнинг исини олишмаган бўлса. Кетдик!

Улар учовлари кирғокқа кетишар экан, ой ёруғида сувда кўриниб турган иккита кора йўлни кўришди. Улар силлиқ бўлиб, ойнадек текисланган ва ҳар бирининг узунлиги уч метрдан эди. Булар иккита ёғоч тўнкаси, ёки ерда юрувчи йирик ҳайвоннинг елкаси бўлиши мумкин эди. Улар бир чизикда бирин-кетин худди биринчиси иккинчисини судраб кетаётгандек, сувда зўрга кўринаётган доиралар ҳосил қилиб тебраниб туришар эди.

Смит дарров милтигини ўклаб, отди. Ўқ бу сирли нарсалардан бирига тегди, бўғиқ товуш эшитилди ва ўқ тўсинга тегдими ёки кайманнинг қалқони ташкил топган шох моддага тегдими -- энг тажрибали кулоқ ҳам ажрата олмасди.

Смит ва шериклари лов этган ёруғликдан бир зумда кўзлари қамашиб кетди ва атрофларини қуюқ тутун қоплаб, орғиқ ота олишмади. Қизик: иккала турган нарса ҳам эшқак эшганда чиқадиған, кайманнинг пардали панжалари чиқарадиған каби товуш чиқариб, орқага чекинишди. Улар бир зумда кирғок бўйлаб ўсган дарахтлар соясига яширинишди.

– Аллигаторлар, – яна сукунат чўмганда секин деди Питер.

– Улар сувга шўнғишмади, – деб қўйди Смит. У ўзини хотиржам тута билишига қарамай, хавотирини яшира олмади.

– Агар сувга шўнғишмаган бўлса, демак улар тўғри кирғокқа қараб чопишаяпти. Жентелмен, сизда қайиқ бор, келинг, шошилайлик. Балки, хали улгурармиз.

– Тўғри айтаяпсиз!

Улар ғазабдан хириллаб ётган рухоний ҳазратларининг олдидан чопиб ўтишди, бироқ у томонга кўз ташлаб ҳам қўйишмади. Сэм Смит қайиқ тўнкага боғлаб қўйил-

ган лианани қўлига олиб, тортди ва ғазаб билан сўқинди: лиана енгиллик билан тортилган, пирога эса жойида йўқ эди. Смитнинг қўлида лиананинг бир парчасигина гуларди, холос.

Қанчалик тажрибали эканлигига қарамай, Смит ҳам бурлар ҳам уларни ягона транспорт воситасидан маҳрум қилган ва сув камаймагунча шу оролчада қолишга мажбур қилган бу ғалати ҳодисани қандай тушунишни билишмаётган эди.

ИККИНЧИ БОБ

Судсиз жазолаш. — Линч конуни. — Ўғрига шафкат йўқ. — Ўрмонзордаги суд мажлиси. — Икки номусли француз судланувчилар курсисида. — Мастер Вильнинг яна битта ифлослиги. — Иккала дўст Нельсонс-Фонтейндаги савдогарнинг ўлими ҳақида энди эшитишади. — Кимни ошишмоқчи?. — Гувоҳни кўрсатма беришга мажбур қилишнинг йўли. — Альбернинг медальони. — Ҳеч қандай кечиктириш йўқ. — Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ. — Ҳаваскор жаллоднинг ғамгин нихояси.

* * *

— Рухсат этинг, буларнинг ҳаммасини аниқлаб олиш керак. Бу одам ким: ўғримиз ёки шунчаки қотилми?

— Мен иккиланмасдан уни ҳам ўғрилиқда, ҳам қотилликда айблайман.

— Қандай исботингиз бор? Нима асосида сиз бундай тахмин қилаяпсиз?

— Бу тахмин эмас, менинг ишончим комил.

— Кўрамыз. Ҳал қиламиз. Биз судьялармиз, душманлар эмас ва шунинг учун айбловчиларнинг ҳам, ҳимоячиларнинг ҳам далилларини ҳолисона кўриб чиқишимиз керак. Даҳшатли ҳукм чиқарамиз, шикоятга ўрин бўлмайди, ҳукм қилинганлар шу ернинг ўзида, шу дақиқанинг ўзида жазоланади. Мана шунинг учун ҳам, ҳамма нарсани виждонан ҳал қилиш учун ҳамма нарсани аниқ билишимиз керак. Линч суди қонунлари билан суд қилаётган одамларни, тан оламан, кўп ҳолларда асоссиз эмас, кизикқонлик қилишади, ўз ўринларидан фойдаланишади, ва айбсиз одамларни айблаб, тузатиб бўлмас хато қилишади, деб гуноҳкор қилишади. Бизлар албатта, қатъий бўлишга ҳакимиз бор, бироқ адолатли бўлган тақдиримиздагина. Шундай эмасми, жентелменлар?

Айтилган гапларни тасдиқлаган шов-шув ва қарсак товушлари эшитилди.

– Сиз ҳаммангиз бир овоздан менга суд раислиги ролини топширдингиз. Мен бу қийин вазифани, албатта кўнгилчанлик қилмасдан ва қизиқмасдан бажаришга уринаман. Айбловчи, айтинг-чи, айбдорнинг айбларига шунчалик ишончингиз комиллиги нимага асосланган?

– Жентелменлар, бир нарсани айтиб ўтишим керак. Жуда жиддий нарсани. Биз айни пайтда қиролича зоти олияларининг ҳудудида турибмиз. Тепамизда Британия байроғи ҳилрираб турибди...

– Нимага шама қилаяпсиз?

– Мана нимага шама қилаяпман: мен лорд губернатор томонидан тайинланган мансабдор шахсман ва сиз суд деб атаётган жараённинг қонунийлигини тан ола олмайман.

– Наҳотки?

– Албатта. Сизларнинг кўпчилигингиз олмос конида ишлайсизлар; бошқа сўз билан айтганда сизлар оддий халқсизлар ва ўз хоҳишларингиз билан судьяларнинг мажбуриятини бажара олмайсизлар.

– Давом этинг, – совуққина қилиб деди раис.

– Мен қонун номи билан уларни яқин орадаги шаҳарга олиб бориб, уларнинг ишларини қонунан ҳал қиладиган суд қаршисида бўлишлари учун айбланувчи ва унинг шеригини менга беришингизни талаб қиламан.

Турганлар бу талабни шовқин билан қарши олишди. Бақир-чақир бошланди, сўккан товушлар, ҳамма томондан Инжил тилидан анча йироқ бўлган тилда қаршилиқ қилган овозлар эшитилди.

Суд раиси шовқин-сурон босилишини кутиб туриб, сўнгра хотиржам овозда деди:

– Сиз иккала айбланувчини қонун номи билан сизга беришимизни талаб қилаяпсизми? У ҳолда бизга мурожаат қилмасдан уларни қонун номи билан ўзингиз ушлашингиз керак эди. Айни пайтда улар энди сизга тегиш-

ли эмас. Иккигадан бири: ёки улар гуноҳкор ва, демак бизнинг конимиз учун улар хавф туғдиради ва улардан қутулиш керак. Ёки улар айбсиз ва улардан қўрқишнинг ҳожати йўқ. Бу ҳолда уларни осиш учун қўл кўтармасдан, ҳар биримиз кардошларча уларнинг қўлларини кисиб қўямиз.

– Бироқ, наҳотки сиз қотиллик очилиши билан мен бу одамларнинг изидан тушганимни билмасангиз? Узоқ вақт давомида мен чарчаганимга карамай, иссиқ, ташналик ва очликни писанд қилмадим ва буларнинг ҳаммасини улардан бир қадам ҳам орқада қолмаслик учун, уларни ҳаммаёқда кузатиб юриш ва ниҳоят улар ўз айбларини ювишлари учун қилдим.

– Бу ҳаммаси сизни билармон ва тиришқоқ изкувар эканлигингизни исботлайди. Бироқ бунинг учун сизга маош тўлашади. Сиз фақат ўз бурчингизни бажаргансиз. Яна нима хоҳлайсиз? Келинг, мен сизга айтиб бераман. Сиз шуҳратпараст одамсиз ва хизмат поғоналаридан кўтарилмоқчисиз. Бунинг учун эса сиз содир бўлган жиноятдан, яъни қандайдир бир аблах қон тўқканидан фойдаланиб қолмоқчисиз. Полициячи, мен сизни жуда яхши тушундим! Ўзингиз учун ёмон. Биз шахсий маънодаги майда-чуйдаларни муҳокама қилмаймиз. Биз, ўз хоҳишимиз билан суд белгиладик ва бу ишни ўзимиз ҳал қиламиз. Сиз эса хоҳлаганингизни қилинг! Агар айбланувчиларнинг айби исботланса, сиз мукофотланасиз. Ҳар қандай меҳнат рағбатлантиришга лойиқ. Агар, акси бўлса, яъни улар ўзларини оқлай олишса, сизни ўттиз марта хивич билан уришади, чунки биз каби банд одамларнинг бошини қетириш жазосиз қолиши мумкин эмас. Яратганга шукурки, бизнинг қиладиган ишларимиз бор...

– Яхши, бошқа гапирмайман, – газаб билан деди полициячи. – Бироқ суд музокараларида катнашишдан қатъиян бош тортаман.

– Зўр! Бироқ Линч суди устидан ҳеч кимнинг қулишга ҳақи бўлмагани учун, мен сизни гапирмаслик учун қил-

ган аҳдингиздан қайтмагунингизгача хилчин билан сава-
лашни буюраман. Агар тилингиз шунда ҳам айланмаса, у
ҳолда бу ҳодиса сиз учун ёмон тугайди: сизни осишади.
Мен буюраман... Сизлар эса, жаноблар, ўтиринглар. Ҳо-
зирча сизлар фақат айбланувчиларсиз, балки ҳеч қандай
айбингиз йўқдир ҳам.

Бу, айти пайтда ҳам ҳурмат билан, ҳам қатъий ян-
граган сўзлар бу ерда турганларга, одатда мадани-
ятли халқларнинг суд музокараларида янграйдиган
бақир-чақирлар ва сийқаси чиққан гаплардан кўра куч-
лироқ таъсир қилди. Бундан ташқари, жойнинг ўзи, вақт,
судьянинг, маслаҳатчилар ва айбланувчиларнинг ташқи
кўринишлари – ҳаммаси бу манзарани гаройиб ва ёввойи
қилиб кўрсатаётганди.

Қоронғи тун. Йигирматача ярим доира қилиб қўйил-
ган машъалалар атрофга қизил нур таратиб, яшил гумбаз-
га ўхшаш баҳайбат баньян дарахтининг пастки шохла-
рини гаройиб тарзда ёритиб турарди. Бу ерда бошлари
очик, турли-туман кийимдаги Виктория конидан келган
одамлар туришарди. Уларнинг юзлари қуёшда куйган,
мушаклари арқон каби. Инглизлар, перуликлар, немис-
лар, мексикаликлар, ирландияликлар, австралиялик, ис-
панлар ва ҳатто хитойликлар умумий массада аралашиб
кетишган. Бир дақиқага ҳар қандай миллатчиликни, ҳар
қандай шихсий рақобатни эсдан чиқариб, ўзларини ич-
дан кемирадиган ҳасисликни, ўзларининг оғир меҳнат-
ларини унутиб улар ҳаммаси раиснинг нутқини эшитиш-
ди ва – балки ҳаётларида биринчи мартадир, судья Жон
Линч томонидан киритилган суд жараёни ҳар доим ҳам
қонли зиёфат, дор атрофида қувноқ рақс тушиш эмасли-
гини тушунишди.

Қийинчиликлар ва оғир меҳнат ўз изини қолдирган
уларнинг юзларида турли хил ҳиссиётлар акс этгаётган
эди: коннинг чанги ўз изини қолдирган кўзлар гоҳ судла-
нувчиларда, гоҳ суд раисда тўхтарди Раис эса уларнинг
рўпарасида катта тўнка устида орқаси билан баньян тана-
сига суяниб ўтирарди.

Бу одам пешонаси кенг, кирк ёшлардаги эркак бўлиб, унинг бужмайиб кетган, бироқ чиройли чехрасини ора-чира оқарган куюк қора соқоли яшириб турарди. Ҳеч ким унинг исмини билмасди. Унинг исми Инженер эди, чунки у ўқимишли ва ўзининг участкасида техникани яхши бишишини исбот қилган. Афтидан, ўртоқлари унга иш юзасидан шундай муҳим мажбуриятни юклашган экан, унга жуда ишонишса керак.

Унинг ўнг томонида — ўқувчимиз уни таниди, мастер Виль турарди. У баланд бўйини чўзганча, ўзига даҳл қилаётган хавф-хатарга қарамай, ўзини дадил тутиб турарди.

Нихоят, чап тарафда Альбер де Вильрож ва Александр Шони туришарди. Бу аблах мастер Виль бу одамлардан бир умр қарздор эканлигига қарамай, уларга ноҳақ айблов қўйишдан тортинмаяпти ҳам! Йигитлар жуда ғамгин, бироқ бошларини баланд кўтариб, атрофга мағрур қарашаяпти ва бу ижтимоий ҳаётдан тамоман узилиб қолган одамлар орасида зўр таассурот қолдиришаяпти.

Хавотир ичини кемираётган Альбер атрофида бўлаётган ишларга бепарводек кўринади. Хаёлан у, айниқса энг ёрдамга муҳтож пайтда машъум тақдир уларни ажратган суюкли хотини ёнида.

Бироқ, де Вильрож умидини йўқотмаган. Жозеф — Альбернинг ўзи чаққонлиги ва содиқлигига ҳеч қачон шубҳаси бўлмаган Жозефнинг озодликда экани унинг ёнида. Асосийси — бу ердан чикиб кета олиш. Альбер ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб, бир амаллаб хавотирини босишга уринади.

Бахтга кўра ўзини худди Парижда, қайсидир бир салонда юргандек тутаётган Александр унинг ёнида. У ўзини спектаклда бу масаланинг ечими ўзи учун ўлим билан тенг бўладиган одамдан кўра томошабиндек тутиб, саволларга жавоб бериш имконини кутар эди. Ҳозирги шароитлари унинг учун бошқа иложи йўқ шароит эмас

эди. Аксинча, атрофидаги оломон – одатда кам бўладиган ҳолиса, ўзини жуда яхши тутаяпти. Суд музокаралари айбланувчиларнинг тарафдорлари ва қарши томонлар орасида ҳеч қандай бақир-чақирсиз, сўкишлар ва муштлашувсиз ўтаётгани ғайриоддий ҳодиса эди. Агар бу ерда ҳеч нарсадан тап тортмайдиган одамлар йиғилганини ҳисобга олинадиган бўлса, ундан ҳам ажабланарлироқ эди.

– Мен ҳозиргина биз кўраётган иш ўғирлик билан боғлиқми ёки қотиллик биланми, деб сўрадим, – қатъий овозда гап бошлады суд раиси. – Ҳозир тушунтириб бераман. Бизнинг шаҳримиз энди ташкил топаяпти. Ва биз ҳаммадан бурун, агар бунинг учун охирги чораларни кўришга тўғри келса ҳам, эгалик ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз. Ўғирлик қилганларни ўлимга ҳукм қиламиз, бироқ айни пайтда муштлашувларда бундай ҳодисалар тез-тез такрорланиб турса-да, қотилликлар билан шуғулланиб ўтиришимизга ҳожат йўқ.

– Шуниси етмай турган эди! – деди ўтириб олиб ёғоч рандалаётган қандайдир янки. – Ахир кўпчилик маданиятлашган халқларда дуэль тушиш бор эмасми? Ўйин давомида ёки ичиб олганимизда доим, яъни ҳар куни, уруш чиқарамиз. Ҳеч кимга ёмонлик қилмаймиз, ўзимизнинг жонимизга келсак, хоҳлаганча қийнашимиз мумкин. Шундай эмасми, жентелменлар?

Янкининг гапидан бу ерда ўтирганларнинг кайфиятини билдириб, қаттиқ кулги кўтарилди.

– Мен ҳурматли раисимиз нимага шама қилаётганларини жуда яхши тушуниб турибман, – гапида давом этди янки. – Шундай бўлиб чиқиши мумкинки, сизлардан бирортангиз бу икки жентелменни ўз вақтида кондан кутилмаганда – мен тўсатдан деб айтган бўлардим, кетиб қолишларида айблаши мумкин. Жин урсин! Улар туфайли биз олган яралар ҳали бутунлай тузалиб кетгани йўқ. Мен ҳали ўзимнинг шеригим, пичоқ билан ўлдирилган марҳум Дик ҳақида гапираётганим йўқ. Тўғри, ҳеч нарсаси деб бўлмайди – ҳаммаси виждонан бўлган. Улар бизга

қараб милтиқдан отишди, краалда отхонанинг деворини бузиб устимизга йиқитишди, орқамиздан бизни топтаб ташлаган қутурган отлар тўдасини қўйиб юборишди. Бироқ, яна қайтараман, бу виждонан ўйин эди... Улар қандай чиройли чекинишди!.. Уларнинг орасида бўлиб қолиш учун мен ўзимнинг олмос участкамни берган бўлардим! Ахир биз ҳаммамиз хато қилдик-ку. Қандай қилиб биз шунчалик аҳмоқлик қилибмиз? Қандай қилиб биз бу жентелменни Смит деб ишонтиришга бор кучлари билан уринган бу маданиятсиз бурларга ишондик?

– Тўғри! Тўғри! – турли-туман тилларда хитоб қилди йигирматадан ортиқ товуш.

– Биз кейин Сэм Смитни кўрдик ва хатоимизни тан оламиз!.. Жентелмен мўъжиза билан қутилиб қолди. Бу нарса бизни кейинги сафар эҳтиёткорроқ бўлишга ўргатади.

– Сиз ҳақсиз, – нафрат билан сўз қотди мастер Виль. У раиснинг кўркитганини эслаб, ниҳоят гапиришга бошлади. – Бироқ қандай қилиб бўлса-да ўз ҳаётини ҳимоя қилиш – бир нарса, бироқ бойликларини тортиб олиш учун бир бечора қарияни тунда ўлдириб кетиш – бошқа нарса.

Александр елкасини қисиб, нафрат билан жилмайди.

– Жентелменлар, – гапида давом этди полициячи, – бу даҳшатли қотиллик содир этилган пайтда кўпларингиз Нельсонс-Фонтейндаги конда эдингиз. Қаерданлиги номаълум икки француз пайдо бўлишганда ўлдирилган одам конга келганига эндиgina бир неча кун бўлган эди. Бу французлардан бири қочиб қолди, иккинчиси ҳозир асосий айбланувчи билан ёнма-ён ўтирибди. Бу асосий айбланувчи эса конда ишларди ва биз уни қамаганимизда, ҳамма уни таниди. Бу одам ўша икки француз билан узоқ суҳбатлашишди, кейин эса тун кирганда улар савдогар қизи билан яшайдиган фургонга қараб кетишди. Сабаб, участкани сотиш эди. Харидор пулини тўлаган, учала француз эса шу заҳоти яширинишган. Эртаси куни

эрталаб эса савдогарни ўз қонига беланиб ётган ҳолда топишди. Унинг қизи ва хизматқори қўллари боғланган ҳолда фургоннинг ичида ётишар, касса синдирилган, моллари эса бетартиб сочилиб ётган эди.

Альбер ҳам Александр ҳам жўнаб кетишгандан кейин Нельсонс-Фонтейн билан ҳеч қандай боғланишмаган ва табиийки, қотиллик ҳақида ҳеч нарса билишмасди. Шунинг учун мастер Валь бошчилик қилган одамлар уларни ушлаб олишиб, мастер Вильнинг полициячи экани маълум бўлгач у йигитларни қотиллик ва ўғирликда айблаганда, Александр Сэм Смитнинг қилмишлари учун жавоб беришимга тўғри келади, деб ўйлаган эди. Уни таниган одамлар томонидан унинг шахси аниқлангач, Александр тушунмовчилик тезда гузатилади ва уни яна Сэм Смит билан адаштиришганини исботлайман, деб ўйлаётганди.

Бироқ полициячи қотиллик Смит Олмос ўлкасида бўлмаган пайтда содир бўлганини ишонарли қилиб айтиб берди. Иш жуда чигаллашиб кетганди. Александр Шонининг бошига жуда катта фалокат тушганди. Ўзининг доим вазмин эканлигига қарамай, Александр титраб кетди ва бўғик товушда хитоб қилди:

– Ўлдирилган? Нельсонс-Фонтейндаги савдогар-а?

– Ҳа, жаноб француз! Сиз ўз шерикларингиз билан шошганча кўздан йўқолишингиздан бир неча соат олдин ўлдирилган. Сизлар жуда соддалик қилгансизлар. Ҳеч бўлмаганда бир неча кун кутиб туриш керак эди, шунда ҳеч ким сизлардан гумонсирамас эди. Бироқ кондаги одамлар орасида фақат сизларгина изларингизни йўқотишга ҳаракат қилгансизлар. Афтидан, жиддий сабабларингиз бўлган, шекилли...

Александр ва Альбер ҳайратда эдилар ва нима деб жавоб беришга ҳам ҳайрон эдилар. Бироқ уларнинг индашмаётгани ва хавотирга тушиб қолишгани шу пайтгача уларга қайишиб турганларга салбий таъсир қилди.

– Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас! – тантана билан эъпон қилди мастер Виль. – Жиноятчилар қанчалик айёр бўлма-

ганлари билан, ҳамма нарсани ҳисобга ола олмайдилар. Ва шундай ҳоллар бўладики, жинойт содир этган жойларидан кета туриб, рад қилиб бўлмайдиган далилларни қолдирадилар. Мана, ҳурматли раис жаноблари, мана бу нарсани олиб қўйинг. Уни бу иккала жанобга кўрсатиб, улар бу нарсани танишадими ёки йўқми, деб сўранг...

Мастер Виль шу сўзлар билан узилиб кетган олтин занжирнинг икки бўлаги ҳали ҳам осилиб турган олтин медальонни раисга узатди.

Альбер ажабланганини яшира олмай, медальонни тортиб олиб, уни очди ва кичкириб юборди:

– Менинг медальоним!

Шундан сўнг у юрагига яқин бўлган инсоннинг расми-ни томоша қила бошлади. Мастер Вильнинг бир неча оғиз сўзи уни ўзига келтирди. Полициячининг юзида истехзоли кулги бор эди.

– Демак, – суд раисига мурожаат қилди у, – жентелмен медальон унга тегишли эканини тан олаяпти. У ҳатто медальоннинг яширин қулфини ҳам билади ва у ердаги расмдаги аёлни ҳам танийди. Биласизларми, мен медальонни қарерда ва қачон топганман? Қотиллик содир бўлган куннинг эртасига, жасаддан бир неча дюйм нарида. Сизлар исбот хоҳлаётган эдингизми? Мана улар! Энди бу одамларни суд қилиб, виждонан ва ақлан ҳукм чиқаринглар!..

Мастер Вильнинг усталиги одамларга таъсир қилди. Далиллар қанчалик кучсиз бўлгани билан айбланувчиларнинг айбдор эканлигига оломон энди шубҳа қилмаётган эди.

– Жим бўлинг, жентелменлар, – деди раис.

Бу ҳодиса унга ёмон таъсир қилган, бироқ бошқаларга нисбатан оғишмас эътиқодли бўлгани учун ҳали айбланувчиларни айбдор деб санамаётган эди.

– Хўш, жаноблар, ўзингизни химоя қилинг! – французлар томонга ўгирилиб, хитоб қилди у. – Сизлар буюк қалб эгаси бўлган миллатга мансубсизлар. Бундай жирканч жинойтлар французлар учун ёт нарсадир. Мен фран-

цузларни яхши кўраман ва ҳурмат қиламан, мен Францияни биламан, истилолар даврида унга садоқат билан хизмат қилганман. Французларнинг қандай матонат билан курашганлари ва ўз мағлубликларини бошларини баланд кўтариб қандай қарши олганларини ҳам кўрганман. Йўқ, инсоннинг номусли эканлиги доим ўзини билдиради! Мен сизларга яна бир бор қайтараман, ўзингизни ҳимоя қилинг, жаноблар! Буни сизлардан қуролдошингиз, ўз ватанини йўқотган ирландиялик айтаяпти...

— Менинг юзимга яхшилаб қаранглар! — ҳаяжондан овози гитраб хитоб қилди Александр. — Ҳадеб «Ўлим! Ўлим!» деб бақираяпсиз?.. Сизлар бу жирканч полициячига кўр-кўрона ишонаяпсизлар. Биз унга овқат бердик, ёрдам бердик, бир неча марта ўлимдан қутқардик. Мен қотил ёки талончига ўхшайманми? Биз сизлар билан иш бўйича дўст эдик. Мен сизларнинг ораларингизда юрганимда менинг ҳатти-ҳаракатимда бирорта бежо нарса сезганмисизлар? Мен яхши дўст эмасмидим? Ўзингиз ахир буни очиқчасига айтмасмидингиз? Наҳотки мендек ўтмиши топ-тоза бўлган одам ҳе йўқ, бе йўқ қотил ва талончи бўлиб кетаверса? Ва ниҳоят, менинг сўзларимнинг наҳотки мана шу гўё колониал полицияда хизмат қиладиган, бироқ ҳали буни ҳеч бир ишда исботламаган одамнинг гапларичалик обрўси бўлмаса? Нега энди биз менинг дўстимга тегишли медальоннинг чиндан ҳам сирли қотиллик қурбони бўлган одамнинг ёнидан топилганига ишонишимиз керак? Сиз уни биздан ўғирлаб олган бўлишингиз ёки биз билан яшаганингизда топган бўлишингиз мумкин эмасми?

Полициячи ўзининг мунофиқларча овози билан гап бошлади:

— Айбланувчи сизларга «Наҳотки мен қотил ва талончига ўхшасам?» деб савол берди. Бу болаларча гапга мен: Ҳа! деб жавоб бераман. Ахир сиз ўзларингиз уни Сэм Смитга, бир номининг ўзиёқ Австралия ва Африкада одамларни даҳшатга соладиган одамга ўхшатмадингиз-

ми? Айбланувчи шубҳали деб айтаётган менинг шахсимга келсак, уни Нельсонс-Фонтейндан биладиганлар мени ҳам яхши эслайдилар, чунки ҳамма мени хизмат вазифамни сидқидилдан бажараётганимни кўрган.

– Тўғри! – хитоб қилди америкалик. – Мен айниқса сизни яхши эслайман, чунки бир кун мени ҳам қандайдир бир муттаҳам каби ушламоқчи бўлганингизда тишингизни уриб синдирган эдим.

– Ҳар бир кўнгилсизликнинг яхши томони ҳам бор, – файласуфона жавоб берди мастер Виль, – ана шу кўнгилсизлик сабаб мен ўз хизмат доирам тўғрисида ҳеч кимни алдамаётганимни билса бўлади.

– Зўр хизмат экан-ку! – тўнғиллади янки.

– Мен бу иккала француз билан ўрнимни алмаштирмаган бўлардим.

– Ҳм!.. Мен ҳам алмаштирмайман. Улардан дорнинг иси келаяпти.

– Бироқ сизлар бундай адолатсизликни қилишни ўйламаётгандирсизлар?! – яна хитоб қилди Александр. – Бошқа пайт бўлганда биз ўлимга ҳеч қандай пушамонсиз тикка борган бўлар эдик, бироқ бугун биз яшашимиз керак!

– Ҳа! – бақирди Альбер. – Яшашимиз керак! Яна бир неча кун, жуда бўлмаганда яна бир неча соат.

– Жентелменлар, сизларнинг виждонларингизга мурожаат қилишга ижозат беринг, – деди Александр. – Менинг дўстим жуда азобда. Унинг хотинини ўғирлаб кетишган ва хотини ундан ёрдам беришни сўраб ёлворапти. Бизга муҳлат беринг. Бир неча кун. Биз бечора аёлни озод қилганимиздан сўнг ўзимиз олдингизга келиб, сизнинг қўлингизга ўзимизни топширамыз. Балки айбдор эмаслигимиз ҳақида бирор исбот ҳам келтирармыз. Чин француз ва дворянлик сўзим.

Бу гаплар бир неча одамга таъсир қилиб, «Баракалла!» деган товушлар эшитилди. Бироқ кўпчилик кўпол хохолаб қўйди: одамлар Александр Шонининг сўзлари-

да қанчалик виқор ва фидокорлик борлигини тушунишмаганиди. Бундан ташқари, бу эти котиб кетган одамлар айбланувчиларнинг дорга осилишни маза қилиб томоша қилишни хошлашаётган эди. Улар учун полициячиними, французларними – кимни осиб барибир эди. Бироқ полициячи ўзини оклай олдими, демак оломонга французлар томоша кўрсатишлари керак.

Суд раиси Альбер билан Александрнинг айбсиз эканлигига имони комил эди, бироқ уларнинг аҳволи ёмон эканлигини ҳам аниқ кўриб турарди. У жуда қисқа бўлсада бу йигитлар учун муҳлат олиб беришга ҳаракат қилаётган эди: Инженер шароитни ўзгартириб юборадиган нимадир ҳодиса бўлишига ичида ишонаётган эди.

– Жентелменлар, – одамларни тинчитиб бўлгандан сўнг гап бошладим у, – сизларга бир нарсани айтишга рухсат беринг. Мен қисқача қилиб натижаларни айтмоқчиман. Менинг фикримча, бу иш яна кўриб чиқишни талаб қилади. Ҳозир айтган гапларингиз бу одамларнинг жиноятчи эканликларини... .

– Французлар айбдор! Айбдор! Улар осилсин! Ҳозироқ осилсин!

– Эртага бўлади!

– Эртага нима бўлиши номаълум! Ҳозироқ осилсин!

– Арқон беринглар! Сизда арқон борми?

– Ҳа, ҳа, арқон беринглар!

– Баньянга ким чиқади? Мана, тайёр дор!

– Мен, мен чиқаман!

– Йўқ, мен чиқаман!

Судья ва ўтирганларни итариб, бир нечта одам дарахтга қараб югуришди. Америкалик елкасини тутиб турди ва унинг шерикларидан бири дарахтга чиқа бошлади.

Бу пайтда эса бошқалар Альбер ва Александрни ушлаб олишди. Улар эса бор кучлари билан ўзларини ҳимоя қила бошлашди ва ҳар сафар бор овози билан бақириб ўзларига ёпишаётганларнинг бир нечтасини иткитиб ташлашди.

– Арқонни узатинглар! – бакирди дарахт тепасига чиқиб олган йигит. У жуда ҳам дорни ўзи тайёрлагиси келаётган эди.

– Ушла! – дейишди унга пастдан.

Йигит арқонни ушлаб олиш учун қўлини чўзган пайтда бирдан томоғини ушлаб қолганини ҳамма кўрди. У бакириб юборди ва дарахтда ушланиб қолиш учун ҳаракат қилди, бироқ ўмболоқ ошганча ерга думалаб тушди.

Йигитнинг шериклари кўк пўлатрангидаги илон худди металл трос билан ўрагандек унга ўралиб олаётганини ва катта очилган оғзи билан ёпишиб олганини кўриб даҳшатдан қичқириб юборишди.

Шу пайтда баҳайбат дарахтнинг барглари орасида ғазабланган пикаколунинг вишиллагани эшитилди.

Илонларнинг бостириб келиши. — Ваҳима. — Тимсохлар овда. — Яна биргаликда. — Мастер Виль ваҳимада — Жозеф «тимсох бўлиш»ни ўрганаёпти. — Бакуэнларнинг одати. — Зуганинг иқтидори. — Дарёда. — Жозеф Смитнинг пирогасини олиб кочади — энди уларнинг оралари очик.

* * *

Баньян дарахтининг барглари орасида дахшатли Жанубий Африка судралувчисининг вишиллаган товуши эшитилганда бечора ҳаваскор жаллодга ёрдамга югурганлар секин орқага чекинишди. Пикаколунинг чақиши ўлимга тенг эканлигини ҳамма биларди. Ўлаётган одамнинг томоғига ёпишганча, очкўзлик билан унинг қонини сўраётган илонга яқинлашишга ҳеч кимнинг юраги дов бермётганди.

Шу орада яна бошқа вишиллаш эшитилди. Афтидан, баньяннинг қуюқ барглари орасида анча-мунча илон бор эди. Айбланувчиларни линч қилмоқчи бўлганлар ичида бошқа дор ясамоқчи бўлганлар топилмади. Ҳаваскор жаллоднинг бўйнида тирик бўйинбоғи билан дарахтдан йиқилишининг натижаси шу бўлдики, судья, мастер Виль ва французлар бошқалардан ажралиб қолишди, чунки ушбу ҳодиса бўлган пайтда улар дарахтга суяниб туришган эди.

Ҳозиргина ялангликни тўлдириб турган қутургудек товушлар ўрнига бирдан ўлик жимлик чўкди. Ҳамма янги илон судралиб чикиб келади, деган кўрқув билан ярим доира ҳосил қилиб, машъалалар ортида орқага чекина бошлаганди. Бу соддагина чироқларнинг алангаси баньяннинг шохларидан судралиб тушаётган илонларнинг диққатини тортиши мумкин эди.

Бирдан дарё томондан ўк овози эшитилди. Бу ўк товуши бир неча қадам нарида жилдираб оқаётган сув устида

момақалдирокдек янграб, одамларнинг бостириб келганидан тинчи бузилган ёвуз рухлар учун сигнал бўлгандек бўлди. Вишиллаш борган сари кучайиб, тезда авангард кўринди: биланглаганча лианалар бўйлаб дарахт тепасидан илонлар тушиб кела бошлади. Улар ўз халқларини ялқовлик билан бўшатиб ва кисаётган эдилар: афтидан чиройли бошларини ўнгга, чапга буришдан маза қилишаётган эди. Бу ҳаракатдан уларнинг ҳаворанг терилари кутилмаган бўёқлар билан товланаётган эди.

Улар шошмай, бирин-кетин судралиб тушишар, машғалаларга совуқ ва ҳаракатсиз кўзлари билан қараб, айри тилларини ғалати тезлик билан ўйнатишар ва вақт-вақти билан тўхтаб, думалок бўлиб олишар ва яна бор бўйлари билан чўзилишарди. Уларга ёқиб қолган дарахт остидаги шовқин аввалига уларни кўрқитиб юборганди, бироқ машғалалар эс-хушларини олиб қўйгандек, улар секин ўзларини тутиб ола бошлашди.

Уларнинг бир нечтаси аллақачон ерга тушишганди. Улар бошларини баланд кўтариб, худди ҳамма қардошларини чақиргандек, вишиллашдан тўхтамай, машғалалар томонга қараб судралиб кетишди.

Суд мажлисида қатнашаётганлар бу бостириб келаётганлардан чекина бошлашди; одамлар бу ерга нега келишганини унутиб қўйишгандек эди. Кўплар, ҳатто бу ердан тезроқ кетиш ва бўлиб қўйилган суд мажлисини бошқа сафар тугатиш кераклигини айта бошлашди. Бироқ янги ҳодиса бу чекинишни тезлаштириб, бетартиб қочишга айлантирди: бирдан линч қилаётганларнинг орқасида, дарё томондан янги туғилган чақалоқнинг йиғлаган товушига ўхшаш шикоятмуз кичкириклар эшитила бошлади. Тўлқинлар қирғоққа уриладиган пайтдаги ёки қирғоққа пироғаларнинг бутун бир флотилияси келган пайтдаги каби сувнинг шовуллаши эшитилди.

Бир марта бўлса-да эшитган одам бир умр эсидан чиқара олмайдиган бу чақалоқ йиғисини, бу шикоятмуз чинкирик товушини Замбезидаги бутун Африка китъасида энг кўрқинчли бўлган кайманлар чикаришади.

Ҳамма бу товушни таниди, бу товушнинг маъноси-ни ҳамма биларди: йиртқичлар одам ҳидини олишган. Улар буюк дарёнинг ҳаммаёғидан югуриб келишяпти. Шубҳасиз, ҳид билиш қобилиятлари уларга яқин орада ўлжа борлигини билдирган.

Бу одамлар қанчалик осиб ўлдиришни яхши кўра-диган бўлишмасин, кайманининг ошқозонида бўлиб қолиш ёки илон чақишидан ўлиш олдидаги кўркувдан кучлироқ бўлган қизиқиш йўқ.

Чўзиб бақирган товуш эшитилди:

– Тимсоҳлар! Тимсоҳлар! Қочинглар!

Ҳамма оркасига ўтирилиб, Виктория конига олиб бо-радиган йўлга қараб кочиб қолди.

Ҳали ҳам битталаб илонлар тушиб келаётган банъян тагида тўрттагина одам қолганди. Даҳшатдан тиши ти-шига тегмай титраётган мастер Виль хушидан кетай де-яётган эди. Французлар ва Инженер эса ўзларини йўқо-тиб қўйишмади.

– Жаноблар, – паст товушда деди Инженер, – очиги, мен масаланинг бундай осон ечимини кутмаган эдим. Ҳозирча сизлар одамларнинг ғазабидан четдасизлар, би-роқ заҳарли илонлар заҳаридан сакланинглар. Бизга жуда жиддий хавф таҳдид қилаяпти. Бироқ эҳтиёт бўлиб ҳара-кат қилсак, қутилиб қолиш имкониятимиз бор.

Ҳаяжонланиб кетган Александр ва Альбер бу виж-донли ирландияликка қўл чўзишди ва у ҳам йигитлар-нинг қўлини маҳкам қисиб қўйди.

– Ҳеч бўлмаса сиз бизнинг беайб эканлигимизга иш-онарсиз? – шивирлади Александр.

– Бўлмаса-чи! Мен суд мажлисини олиб боришим-дан буни сезган бўлишинглар керак. Бироқ ҳозир ишга ўтайлик. Мен ҳозир бу искирт жонзотлар учун энг зўр ку-рол бўлган учта эгилувчан хипчин кесаман. Кайманларга келсак, улар жимиб қолишди. Улар қуруқликда кўп юри-ша олмайди, деб ўйлайман. Жим туринглар, мен ҳозир хипчин кесаман.

– Йўқ, сардор, хипчин керак пикаколу учун, – бирдан бузук инглиз тилида деди кимдир. Бўғиздан чиққан товуш баланд ўсган ўтлар орқасидан келаётган, гапираётган одамнинг ўзи кўринмас эди. Учала европалик чўчиб тушишди.

– Қимирлама. Меники келаяпти.

Ўт қимирлаб, овоз яна қайтарди:

– Сардор, мен мана!

Қоп-қора бош кўринди. Бош қийшиқ оёқларда ҳаракат қилаётган ҳаддан ташқари катта танага ўрнашган эди. Бушмен дўстларини таниб, Александр ва Альбер ҳайратга тушишди.

Ажойиб африкалик ўзида йўқ хурсанд эди. Оғзи кулогига етгудек илжаяр, жонли кўзлари билан эса ялангликка қизиқиб қарарди.

– Яхши, – деди у ўз тилида, – Пикаколу ҳали ҳам шу ерда. Оқтанлилар кетишди. Илонлар ўз инларини сув тошқини туфайли ташлаб кетишган. Улар баньян устида жон сақлашди. Мен ҳаммасини кўрдим. Пикаколу оқтанли одамни чакиб олганда мен шу ерда эдим. Кўркмасдан оркамдан юринглар. Улар бизга тегишмайди. Мен улар кўрқадиган ўтни биламан.

– Кайманлар-чи?

– Кайманлардан кўркишнинг ҳожати йўқ. Месье Александр, кўркмай юраверинглар, – бир неча қадам нарида француз тилида хитоб қилди таниш овоз.

– Жозеф! Бу Жозеф!..

– Шахсан ўзимман ва хизматингизга тайёрман! Зуга билан! Эй, Зуга! Аваи! Аваи, дўстим!..

– Менинг азиз Жозефим! Қаердан келиб қолдинг? Қандай мўъжиза билан бу ерда пайдо бўлиб қолдинг? Нима қилаялсан?

– Карай! Мен ана у ердан келдим! – Жозеф қўли билан дарё томонни кўрсатиб деди. – Қандай мўъжиза билан пайдо бўлганимни сўраялсизми? Ҳеч қандай мўъжиза йўқ. Шунчаки биз сизларни кидирдик. Бу Зуга ажойиб

изкувар экан! Мен нима қилаётганимни сўраяпсизми? Бугун эрталабдан бери тимсоҳ бўлишни ўрганаёпман.

– Ақлдан озибсан!..

– Тўппа-тўтри!.. Ахир сизларни яна қайтадан кўриб турганимдан ақлдан озмайманми? Агар кастанъеталарим бўлганда ҳозир сизларга шундай фанданго ўйнаб берардим!.. Карай!..

– Нима гап?

– Илонлар. Ҳазилни нари қўйиб турайлик. Бу ярамаслар чақар экан!.. Шошманглар, ахир бу бизнинг инглизимиз-ку! Шошмай тур, ҳозир сени сўйиб ташлайман. Сўйиб ташлайман деб айтганмидим сенга, демак сўзимда туришим керак.

– Тинч қўй уни! Туришига қарагин. Бу кўрқиб кетганидан. У илонлардан кўрқиб кетди. Сехрлаб қўйилганга ўхшайди. Бирорга товуш чиқаришга ҳам ожиз. Илонлар орасида йикилиб тушмаса эди...

– Месье Александр! Инсонпарварлик юзасидан ва бу пасткаш бошқа йўлимиздан чиқиб қолмаслиги учун, пичоғимни кураги орасига бир тикиб олай, – гапида гуриб олди қасоскор каталониялик.

– Жаноблар кетдик, кетдик, – гап қўшди Инженер. – Шошилиш керак.

Бушмен уларнинг ҳар бирига бир ҳовучдан мажнун-толнинг баргларига ўхшаш оч яшил рангли барг бериб чиқди ва қўллари ва юзларини шу барглар билан қаттиқ-қаттиқ ишқалашни буюрди.

Маишғалалар ёниб тугаётган эди. Охирги алангалар ёруғида ҳамма линч қилмоқчи бўлганлар кетган томоннинг қарама-қаршисига қараб йўлга тушди. Жозеф охирги марта орқасига ўгирилиб, қотиб қолган мастер Виль томонга нафрат тўла кўзлари билан қаради.

– Бу нимаси? Бу ярамас ўлмаётган тураверадими? Эҳ, йўк, ўлади! Ниҳоят йиқилди... Уни чақадиган илонларга ачиниш кетаяпман.

Полициячи бўғик ингради ва кўрқиб кетганиданми, пикаколу чакқаниданми, чалқанчасига йиқилди.

– Энди каёққа борамиз?

– Дарёга! Яна қаерга бўларди? Қайиққа ўтириб, керак жойга борамиз!

– Қанақасига, сенда қайиқ борми?

– Қайикдан ташқари яна бир нарса бор... Биз бугун Зуга билан роса ишладик!..

– Тушунаман, азиз дўстим менинг! – йигитнинг қўлини маҳкам сиқиб, деди Александр. Сўнгра Инженерга қараб ўгирилди.

– Месъе, айти пайтда конда сизнинг имкониятларингиз қандай, билмадим, бироқ бизга нисбатан сиз ўзингизни ҳақиқий эркакдек тутдингиз. Сиз шошилишимиз кераклигини айтдингиз. Демак, ҳозир нутқ айтишнинг ўрни эмас. Биз билан бир ишни бажаришда иштирок этиш ва кейин тушган фойдани биз билан ака-укалардек бўлишишни истайсизми? Бироқ у ерда, конда сиз, албатта иштирок этишингиз керак бўлган ишларингиз бўлса, у ҳолда мен сизга «алвидо» эмас «хайр» дейман. Қаерда бўлсангиз ҳам бизнинг миннатдорчилигимизга ҳақингиз борлиги ва биз ўзимиз ҳам жисман, ҳам руҳан сизга тегишли эканлигимизни ёдингиздан чиқарманг.

– Месъе, сизнинг илиқ сўзларингиз менга қандай ёқаётганини айтсам ишонмайсиз, – шошмай, жиддийлик билан деди Инженер. – Бироқ, афсуски, мен бугун сизлар билан бирга бора олмайман. Мен иккита сабаб туфайли бугун конга боришим керак ва бу сизлар учун ҳам керак. Биринчидан, мен имкониятим борица ҳақиқатни тиклаб, сизларнинг беайб эканлигингизни исботлашим керак. Сиз бу ерликлар билан доимий душманликда юра олмайсиз, айниқса олмос бор ҳудудларда юришингизга тўғри келса. Иккинчидан, сизларда қуроли йўқ. Нима бўлганда ҳам мен сизларга қурол топиб бераман. Эртага кечаси мана шу баньян тагида сизлар уч комплект қурол-аслаҳа топасизлар. Уларни мен ўзим қўйиб қўяман. Менга мин-

натдорчилик билдирманг. Менинг ўзим ҳали сизларга хизмат юзасидан мурожаат қиламан. Қўлингизни беринг, жаноблар, хайр сизларга!

У тезгина ҳаммаёққа назар ташлаб, қирғодан оқим бўйлаб пастга – айбдорларни осийганини томоша қилиш учун келганлар кетган томонга қараб кетди.

– Энди жаноблар, ишга! – бир дақиқалик сукутдан сўнг деди Жозеф.

– Мана бизнинг қайик. Ўтиринглар. Мен фақат тимсоҳларимизни кема қуйруғига бойлаб қўйиб, сизлар билан ўтираман... Зуга, эшаклар қани!

– Мана улар.

– Яхши. Тайёرمىсизлар?

– Тайёرمىз.

– Кетдик!

Кафр ва бушменнинг кучли қўллари итариб кетаётган енгилгина қайик ҳўл кум устидан секин сувга тушиб, аста юқорига кўтарила бошлади. У оқим секинроқ бўлган қирғоққа яқинроқда сузиб, соҳилолди ўтлари қалин ўсган қоронғи жойлардан чиқмаётган эди.

– Аннага нима бўлди? – сўради ҳали ҳам хавотир олаётган Альбер. – Сенда қандай хабарлар бор?

– На яхши ва на ёмон хабар, месье Альбер. Қаллоб инглиз сизни қамоққа олган пайтда биз пайкаб қолган фургон худди шлюпка каби сузишда давом этаётти. Биз Зуга билан бугун эрталаб уни кўрдик. Уни бошқариб кетаётган мода шубҳа уйғотмаслик учун очиқчасига унинг кетидан кета олмадик. Бироқ у узоқ кетиб қолмаган бўлиши керак. Биз сизларни қутқариш учун ҳамма нарсани қилиб кўрмоқчи ёки сизлар билан бирга ўлмоқчи бўлдик. Албатта, бунинг учун жуда қиммат тўлашга мажбур қилган бўлардик! Карай!

– Менинг меҳрибон Жозефим! Бу сен томондан жуда катта мардлик, бироқ сен тентаксан.

– Билмадим, қанчалик мардлик, бироқ тентаклигим, билмадим, нима деса бўлади! Тўғрими, Зуга?

Эшкак эшишда давом эгар экан, кафр нимадир деб мингирлаб кўйди. Афтидан, у Жозефнинг гапини маъкуллади, шекилли.

– Бироқ сизлар нима кила олган бўлардинглар? – сўради Жозефнинг матонати ва қатъийлиги ҳайратга солган, бироқ ажаблантирмаган Александр.

– Ҳозир қиладиган ҳеч қандай ишимиз йўқ, шунинг учун ҳозир ҳаммасини бажонидил айтиб бераман. Бизнинг Зугамиз ҳамма каталониялик контрабандистларни бирга қўшганда ҳам улардан айёрроқ эканлигини биласизларми? Мени тимсоҳ бўлишга у ўргатди.

– Бу яна нима бало?

– Жуда оддий. Бизнинг Зугамиз тимсоҳларнинг товушини ўхшатиб, унинг ҳамма қилиқларини кила олади. У, ҳатто ўз иқтидоридан дарёда разведка қилиш учун ҳам фойдаланди. У ажойиб йигит. Ҳозир кўрасизлар. Ахир яқинда сиз ўзинглар ҳам энг зўр тимсоҳга айланасизлар. Ҳа, нимада тўхтаган эдим? Зуга мени дарё қўлтиқ ҳосил қилиб, ҳаммаёқ сув ўтлари билан қоплангани сабаб сув кўринмаётган жойга олиб борганини айтдим. Шу ерда Зуга ўтларни ёйиб ташлади ва мен бир учи тўнкаларга боғланган, бир учи сувга кетган лианаларни кўрдим. Зуганинг кўнгли тўлгандек ифода пайдо бўлди. Мен эса «Булар қандайдир қармоқ бўлса керак. Менинг ажойиб дўстим Зуга мени балиқ шўрва билан меҳмон қилмоқчи шекилли», – деб ўйладим. Жуда қизиқиб кетаётган бўлсам ҳам, ҳеч нарса сўрамай туришга қарор қилдим. Мен аллақачон ҳамма нарсани ўз кўзинг билан кўриш айниқса бу ерларда, яхшироқ эканига ишонч ҳосил қилган эдим. Зуга битта лианани торта бошлади. Мен эса бошқасини. Қарасам – оғир! Вой, ўйладим мен, мана бу балиқ! Тортдим, тортдим, нимани кўрдим денг?.. Қани, топинглар-чи...

– Тимсоҳми? – кулиб, сўради Александр.

– Мен ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Бироқ тезда ўзимга келдим, чунки чинакам тимсоҳ ўрнига, унга ўхшайдиган торгина қайикни кўрдим.

– Бўлиши мумкин эмас!

– Чин сўзим. Бурун томонида жуда ўхшатиб ўйилган тимсоҳнинг калласи, куйрук қисми эса лой билан тўлдирилган.

– Зўр ўйланибди?

– Бу ҳали ҳаммаси эмас. Асосийси олдинда.

– Кулогим сенда.

– Ҳаммасини яхшилаб тушуниб оласиз, чунки ўзингиз ҳам тимсоҳ бўласиз. Тўғрими, Зуга?

– Тўғри.

– Дўстимиз ўз ишининг буюк устаси, бироқ, очигини айтаман, осон иш эмас. Авваламбор, бу нарсанинг ичида пастга қараб ётасиз ва орқангиз билан кайманнинг орқасини тасвирлайсиз.

– Бироқ бизнинг теримиз оқ-ку, бунга тўғри келмайди.

– Ҳечкиси йўқ. Зуга менинг орқамга қора лой суриб қўйди. Буни хали узок кетказаман.

– Ажойиб!

– Хуллас, кайман-одам ҳаммаёғига лой суриб, қайиқ ичига ётади, қўлига эшкак олади ва уни сувга тушириб, қўлларини деярли қимирлатмай, бармоқлари билан секин эшкакни эшади. Бу жуда қийин. Чунки эшкак ўйилган тимсоҳ бошининг олдида чиқиб туради ва сузувчининг кафтидан бошқа тиргаги йўқ. Қўл тезда оғрий бошлайди, бироқ мақсадга етилади!..

– Бунга шубҳа йўқ, азизим Жозеф. Жуда ақлли усул, лекин янги эмас. Амазонка қиргоқларида баъзи қизилтанлилар қабиласи худди шундай килади. Бунинг учун улар «убас» деб аташадиган енгил қайиқлардан фойдаланишади – уларга ҳам кайман тусини беришади.

– Ҳа, бу усул дарёда разведка қилишнинг энг яхши усули. Сиз душманларингизнинг энг ичигача кириб боришингиз мумкин, улар эса буни сезишмайди ҳам. Масалан, биз анави жохиллар сизларни осиймоқчи бўлган жойдан сал нарида қирғоққа чиқмоқчи бўлганимизда ик-

кала бурни Сэм Смит ва руҳоний ҳазратлари билан бирга кўрдик.

– Руҳоний ҳазратлари билан? Жозеф, сиз янглиш-
япсиз.

– Месье Александр, узр сўрайман, бироқ мен уни
аник кўрдим ва бу хато бўлиши мумкин эмас. Улар, ме-
нимча, жуда топишишган ва бир-бирига мос.

– Смит ва бурлар – майли, бироқ, руҳоний ҳазратла-
ри?..

– Менимча, у ўта разил ярамас. Мен терисини шил-
моқчи бўлганимда сиз йўл қўймаганингиз мастер Виль
исмли ярамас каби... Бахтга қарши улар нима ҳақида гап-
лашишгаётганини эшита олиш учун бизлар уларга етар-
ли даражада яқин кела олмадик. Улар жуда эҳтиёткор
эдилар. Улардан бири, хатто менга бир бўлак кўрғошин
юборди, яхши ҳам у қайикнинг куйрук қисмига тегди, акс
қолда мен оёқсиз қолишим мумкин эди. Биз ҳозир ўтир-
ганимиз қайиқ Сэм Смитники деб ўйлашга асосим бўл-
гани учун, уни олиб туришга ҳақимиз бор, деб ўйладим.
У мендан олиб қўйган йигирма минг франк ҳисобидан.
Бизнинг мақсадимиз сизларни қидириб топиш эди. Биз
машғалаларга қараб йўл олдик. Шунда тўлиқ тимсоҳлик
таълимини олган Зуга бизнинг қирғоққа чиқишимизни
мусиқа билан тўлдирмоқчи бўлди. Бу нарса қандай таъ-
сир қилганини кўрдинглар. Мен ҳозир Зугадан ўргана-
пман, бироқ ҳали кўп нарсани билмайман. Ҳечкиси йўқ,
ўрганиб оламан.

– Афсус, биз бу ярамасларга яқин кела олмаймиз.
Улардан бир нарсаларни сўраб олган бўлардик.

– Тўғри, месье Александр, бироқ ҳозир вақтимиз йўқ.

– Ўзи асли бизни қаерга олиб кетаятсизлар?

– Э, хотиржам бўлинг. Зуга нима қилаётганини жуда
яхши билади. У бизни запас қайиқлар турган жойга олиб
борапти. Унда икки ёки учта бор, шекилли. Биз ҳозир
буксирда олиб кетаётганларимиз билан яхшигина флоти-
лия ҳосил бўлади.

– Яхши, кейин-чи?

– Кейин Анна хоним интизор бўлиб бизни кутиб ётган фургонни қидиришга тушамиз!

– Дўстлар, шошилайлик! Келинглар, шошилайлик! – хитоб қилди де Вильрож.

Жозефнинг охирги сўзлари мудҳиш ўйлардан ҳеч қутула олмаётган Альберни ўзига келтирганди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

Олмос васвасаси. — Кечиккан пушаймон. — Айгокчи ва полициячи. — Хавотирли тун. — Ғилдирак устидаги камокхонадан беш юз метр нарида. — Сабрсизлик. — Арзимаган предмет ҳам катта маъно касб этади. — Капалак қанотими ёки қоғоз бўлаги? — Альбернинг фаразлари. — Умидсизлик.

* * *

Афсонавий кафр қироллари хазинасини кидириш учун кўп одамлар йўлга тушишган, бироқ натижада фақат ҳафсалалари пир бўлишиб, кўплаб қурбонлар бўлган эди. Аммо, ҳар кадамда учраётган кийинчиликларга, сони ортиб бораётган хавф-хатарларга қарамай, олмос кидирувчиларнинг иштаҳалари борган сари ошиб бораётган эди. Бу гапдан воқиф бўлган бир неча одам асраб келаётган сир энди теги-зоти бетайин одамларнинг кўлига ўтиб, ушбу хазинани топиш улар учун ҳаёт-мамот масаласига айланган эди.

Хазинанинг қачон бўлмасин аниқ топилиши ҳақида улар албатта бўладиган ҳодиса каби гапиришар эди. Ҳатто, ўзларининг кундалик ишларини ташламаган одамлар ҳам қўлларидан чўкич ва белкуракларини қўймай, кўркув ва умид билан ҳар бир кесакни, ўзлари қазиган ҳар бир тупроқ уюмини диққат билан кўздан кечиришар, ҳар бир учраган одамдан «катта иш» нима бўлаётгани ҳақида сўрашар эди. Бу кабилар донишманд бўлишиб, бироқ улар, албатта камчиликни ташкил қилишарди. Бошқалар эса ҳамма нарсасини ташлаб келишган. Одамнинг нафасини қайтарадиган чангга тўла, қуёш қуйдириб ташлаган, ҳар дақиқада ўпирилиб тушиши мукин бўлган чуқурда худди кўрсичқон каби ер қавлаб ўтиришнинг нима кераги бор? Мана-мана бойлик қўлга қиради! Яхшиси ана шу бахтли дақиқаларни кутиб маза қилиб ичиб, ашула айғиб,

мушглашиб ўтирган яхши эмасми? Қовоқхоначи қарзга бериб туради: келгусида кўлга киритиладиган бойлик ҳисобга олинади. Яна бир оз вақт ўтиб имкониятлар худди биржадаги бойликлар каби сотила бошлайди. Бекорчи статистлар — улар ҳамма ерда тикилиб ётибди — бу ишда иштирок этаётганларнинг ҳар бирининг улуши қанча бўлиши мумкинлигини ҳисоблаб чиқишган. Рақамлар афсонавий эди. Бу рақамлар ичкилик орқасидан миялари шундоқ ҳам ишдан чиқиб қолган одамларни ақлдан оздирарди. Ҳеч ким бойлик қандай бўлишилади, уни ким бўлади, деган савол билан қизикмас эди. Афтидан, пичоқ ва револьверлар ишга тушади, шекилли. Албатта, қурбонларсиз бўлмайди, бироқ бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Вафот этганларнинг улуши ҳам бўлишга кетади.

Бироқ хазинани қидириш ёмон кетаяпти. Худди хазина ўзи топилиб қолиши керакдек. Хуллас, конда ҳукм сураётган муҳит соғлом эмас эди.

Бу гапни ким тарқатганини ҳеч ким билмайди. Бироқ унинг ҳаммани оёққа тургазиши учун бир неча соат етарли бўлган эди. Бунга Жозеф ва америкалик ўртасида бўлиб ўтган ғаройиб курашга олиб келган воқеалар пайтида ичиб олган бурларнинг ҳаддан ортиқ гапириб юборганлари сабаб бўлган, деб ҳисоблашга асос бор.

Бироқ бурларнинг тили жуда узунлиги рост бўладиган бўлса, у ҳолда улар биринчи ўринда ўзларининг винога бўлган ишқибозликлари учун пушаймон бўлишлари керак, чунки атрофларидаги одамларнинг очкўзликларини уйғотиб қўйиб, энди улар ўз хатоларини ҳеч қандай бахоналар билан оқлай олишмади. Улар шу ернинг ўзида, ўринларидан кимирламай туриб хазинани қидиришга бутун бир экспедиция бўлиб жўнашга қарор қилишган ва бошлиқ қилиб Корнелис ва Питерни сайлашган эди. Рад қилишнинг иложи йўқ эди, чунки бурларни шундай қўрқитиб қўйишган эдики, уларнинг бу бир вақтнинг ўзида ҳам хавфли ва бефойда бўлган вазифани бажаришга бош бўлишни қабул қилмасликларининг иложи йўқ

эди. Чиндан ҳам, идрок кила билиш қобилиятлари фақат дорга осиш ва револьвергагина етадиган одамлар билан қандай қилиб баҳслашиб бўлади?

Хуллас, шу одамларга бўйсунишга мажбур бўлган иккала ака-ука чиндан ҳам ўзларини шу сўралмаган шерикларига содиқ бўлмоқчидек кўрсата бошлашди. Улар қондаги оғир меҳнатдан кўра бу хавфли экспедиция даврида бўладиган ҳодисалар кўпроқ ёқадиган ҳамма каланги-қасангиларни оёққа турғизишди. Ҳаммалари бир-бирларига ўзаро содиқ бўлишга қасам ичишгач, бу воқеани байрам қилишди ва жой-жойларига жўнашди. Албатта, бурлар бу ёнишқоқ ҳамтовокларидан тезроқ қутулишни ўйлаб ётишган эди.

Кондан кетишгандан сўнг ўн икки соат ўтиб улар Клаасни учратишди. У ўзининг ориқлаб кетган ҳўкизларини Кайман кўрсатган учрашув жойига ҳайдаб келаётган эди.

Биз юкорида уч ака-уканинг биринчи учрашувлари қандай тугагани, Клааснинг ҳеч қандай келишув ҳақида эшитишни ҳам истамагани ҳақида гапириб ўтгандик. Шу билан бирга ўқувчимиз Клаас унинг энг буюк орзуларидан мосуво қилиб унга қилишлари мумкин бўлган ҳужумдан ўзини ҳимоя қилиш учун қандай чоралар кўрганини ҳам яхши эслайди.

Бироқ, Клаас айни вақтда ўз иродасига қарши укаларига ўзларининг ҳасис шерикларидан қугула олишларига ҳам йўл очиб берганди. Қутилмаган тасодиқ сабаб бурларнинг қўлига мистер Смитсон тузган харита тушиб қолиб, улар Клаас сувни захарлашидан бир неча соат бурун қочиб кетишади. Албатта, улар алдаб кетган одамлар кўр бўлиб қолишмаганда бурларнинг кегидан тушишган бўларди. Бечоралар, агар тасодиқан Зуга ва бушмен пайдо бўлишмаганда ҳаммалари, албатта ҳалок бўлган бўлишарди.

Корнелис ва Питер руҳоний билан бирга кетишган ва руҳоний ҳазратлари харитадан фойдаланиб, йўл топган эди.

Улар учаловлари аллақачон анча йироқлаб кетишган, бурлар эса қовоқхона эгалари одам ўзини тийиб тура олмайдиган нарсаларни сотадиган, вино иси билан одамнинг оғзидан чиқадиган ҳар бир нарсани илиб оладиган кулоқлар бор жойларга ҳали бери бормасликка қасам ичгандилар.

Мастер Виль ҳам кўлини қовуштириб ўтирмаганди. У бир неча кунни конда ўтказган, бироқ юқорида тасвирланган экспедиция ходимларидан узоқроқ юрганди. Унинг бутун дунё олмослари билан ҳеч қандай иши йўқ эди. Уни фақат Нельсон-Фонтейнда содир бўлган қотиллик айбдорлари қизиқтиришар эди, холос. Мастер Виль ўзи санъат деб ҳисоблайдиган ишини жуда яхши кўрар, ва маълум бир маънода бегараз инсон эди. Бироқ шуҳрат-парастлик унинг кўзини қамаштириб қўйган бўлиб, унга изкувар учун табиат берадиган ва ҳеч қаерда сотилмайдиган ҳис қила билиш қобилияти етишмас эди.

Изкуварлик аниқ ифодалаб бериш кийин бўлган ҳис қила билиш асосига қурилган бир санъатдир. Бу санъатга фақат китоблар орқали эришиш амри маҳол ва бу санъат қанчалик назокатни талаб қилса, шу даражада ақл ҳам керак.

Бироқ мастер Вильнинг калласи полициячилар тўғрисидаги романлар билан тўлган бўлиб, у ўзининг ғалабаларини романистлар чиройли қилиб тасвирлайдиган зўр изкуварлардан бири эканлигига сўзсиз ишончи комил эди. Унинг савдогарнинг сирли равишда ўлдирилиши тўғрисидаги қарашлари ҳеч ўзгармаган эди. Аксинча, нотўғри изга тушиб қолиб, у ҳамма ақли чегараланганлар каби ўз қарашларига ўжарлик билан ёпишиб олиб, Альбер ва Александрнинг қотил эканликларига ишончи комил эди. Нега ва нима учунлигини ундан сўрай кўрманг. Буни ўзи ҳам билмайди. Ўзининг ҳали ҳеч бир нарсада исботланмаган ва содда мағрурлигидан келиб чиқиб, у бу фикрини ўзининг буюк истеъдодининг бир кўриниши деб ҳисобларди.

Маълум бир нарсага асосланиб у учала французнинг Виктория конидан узок бўлмаган жойда бўлишлари кераклигини тахмин қилиб, таваккал қилишга қарор қилади. У экспедицияга қизиқмай кондаги ўз ишларида қолган одамларни йўлдан уриб, уларга ўзининг унвонини очади, ўзини муҳим бир одамдек тутиб, айти пайтда хавф таҳдид қилаётган жамоат хавфсизлиги ҳақида гапиради ва ниҳоят, ўғирликка қарши курашадиган бутун бир ихтиёрий отряд йига олишга эришади.

Кондан унча узок бўлмаган жойда Сэм Смитни кўрганлари ҳам мастер Вильга яхшигина ёрдам берганди. Кўнгилли полициячилар бу ишга ҳафтасига, кеча-ю-кундуз бир неча соат ажратиш мажбуриятини оладилар ва бу вақт давомида ўзига асосий бошлиқ ҳуқуқини ўзлаштириб олган мастер Виль ихтиёрида бўладилар. Тайёргарчилик ишларига бир неча кун кетади. Одамлар ташаббусга тўла бўлишиб, ҳаракат бошлашларини берилиб кутишаётганди.

Узок кутишларига тўғри келмади. Одамларини ҳамма бурчакларни титкилаб чиқишга мажбур қилган мастер Виль кутилмаганда Корнелис ва Питернинг одамлари ясаган кўналгага дуч келиб қолишади. Мастер Виль шу пайтда Клааснинг иши натижасида бир аҳволга тушган бечораларга ёрдам бераётган кўнгилли полициячиларини қайтариб олиб кетмокчи бўлаётган пайтда, улар уч французни кўриб қолишади. Уларга кўп нарсада қарздор бўлган мастер Вильнинг уларни худди қарокчилар каби ушлаб олгани тўғрисида айғиб ўтдик.

Жозеф қочиб кетган, Зуга ҳам унинг кетидан кетганди; тўполонда бушмен қандай яшириниб олганини ҳеч ким сезмади; Альбер ва Александрни эса ушлаб олиб, қонга олиб кетишди. Иш бўйича текширишнинг бир зумда ўтказиб, вақтни бекор ўтказмаслик учун суд музокарасини тунда ўтказмокчи бўлишди.

Судьялар жуда бўлмаганда ўз вазифаларини бажараётган пайтда ичкилик таъсирида бўлмасликлари учун суд

музокаралари учун жойни қовоқхоначи ўз ичкиликларини сотадиган чодирдан анча узоқроқдан танлашди.

Ва йигитлар учун энди ҳамма нарса тамом, дейилган дамда улар ўзларининг қутулиб қолганликлари учун миннатдор бўлишлари керак бўлган драматик ҳодисалар бошланганди.

Тун қоронғилигига қарамай, бушмен ва Зуганинг кучли қўллари бошқараётган қайик Замбези бўйлаб тез юкорига кўтарилаётган эди. Енгил қайик буксирида ажойиб пирогаларни олиб кетар ва ҳали айтиб ўтганимиздек, оқимдан четроқда, қирғоққа яқин жойда ҳаракат қилаётганди. Жозеф қайикнинг бурун қисмида тиззасида ўтириб олганча, қайикни бошқараётганди. Узун бамбук тайёғидан фойдаланиб, у қайикни қирғоқ четларига урилиб кетишдан ва лиана ва дарахтлар орасида чалкашиб кетишдан сақлар эди. Сузишлари бутунлай жимликда ўтар экан, Жозеф кутилмаганда паст товушда ҳуштак чалди. Бушмен ва Зуга қайикни бир оз олдинга чиқиб турган ва ўзлари бемалол яширина олишлари мумкин бўлган чакалакзорда тўхтатишди.

Уфқ ёришиб кела бошлаган; юлдузлар ҳали ҳам ёришиб турган сув устида енгил буг кўтариларди; тўтиқушлар бижирлашар, чағалайлар сув устида баланд овозда қичқирганча айланишар, қорни тўйган гиппопотамлар сувнинг энг тубига тушиб кетишган эди. Тез орада тонг отади.

– Ҳўш, қалай? – шивирлаб сўради бутун юзи ва кўйлагини шудрингдан ҳўл бўлиб кетганини ҳам сезмаётган Альбер. – Яқинлашиб қолдикми?

– Месье Альбер, ортиқ олдинга юришнинг иложи йўқ, – жавоб берди Жозеф.

– Нега?

– Чунки анави қароқчи ҳам фургонида ухлаб ётгани йўқ... Ўққа учраб қолишимиз мумкин.

– У шу ердалигига ишончинг қомилми ўзи?

– Мен кеча бу ерда бўлганман. Мана, исботи, қаранг: лианадаги анави тугунни кўраяписизми? Ўшани мен қилганман.

– Фургон бу ердан узоқда эмасмиди?

– Беш юз метрча нарида.

– Қандайдир беш юз метр ва мен ҳеч нарса қила олмайман! Мана шу ярамас полициячини деб бутун бир сутка йўқотиб ва яна қуролинг бўлмаслиги!..

– Азизим Альбер, тинчлан, – унинг гапини бўлди Александр. – Бизни ўлимдан мўъжизанинг ўзи қутқарди, мақсадга яқинлашаяпмиз, илтимос, ўзингни қўлга ол. Бир неча дақиқа дам ол – афтидан, яқинда роса кучимиз керак бўлади.

– Эҳ, айнан ҳаракатсизлик мени адо қилаяпти! Қийналиб кетдим...

– Бечора дўстим, наҳотки биз сенинг хавотирларингни тушунмаётган бўлсак? Ахир сенинг гаминг – бизнинг гамимиз эмасми?

– Ахир биз беш кишимиз, у ярамас эса, бир ўзи бўлса керак...

– Биз беш киши эканлигимиз тўғри, бироқ бизнинг ҳеч қандай қуролимиз йўқ. Қуруқ қўл билан бу қалъага қарши нима қила оламиз? Ярим йўлга бормасимиздан душман бизларни битталаб отиб ташлайди...

– Ва кейин Анна хонимни ҳеч ким қутқара олмайди, – билимдонлик қилиб гап қўшди Жозеф.

– Бу ҳолда эса биз бу жойларни яхшилаб ўрганиб чиқиб, ҳаракат режаларини тузиб оламиз ва тунда нимадир қилишимиз мумкин бўлади. Янги ирландиялик дўстимиз бизга қурол-аслаҳа топиб беришга ваъда қилди. Ярим кечага етмай Зуга ўзининг пирогасида у ерга жўнаши мумкин. У тезда қайтади. Биз уни атака боплашни мўлжаллаган жойимизда кутиб турамиз.

– Қарай! – хитоб қилди Жозеф. – Ғалаба ёки ўлим – мен учун бошқа йўл йўқ! Сизлар учун ҳам! Шундай эмасми? Ўша бур менинг қўлимга тушсин! Кейин ку-

туришдан ўлсам ҳам майли, бир бўлак гўштини тишлаб узиб оламан. Қаранглар, қуёш ҳам чиқди. Салом, қуёш!..

Зуга кескин ҳаракат қилиб юборганига кайик тебраниб кетди, бироқ қоратанли тезда унинг мувозанатини тўғрилаб, ҳаммани жим бўлишга чақиргандек, секин ҳуштак чалди.

– Нима гап? – шивирлаб сўради Александр.

– Тсс!

Қоратанли сувнинг ичидан ёғоч белкурагини чиқариб у билан тушунарсиз ҳаракат килди: у белкуракнинг юзи билан сув устида худди оқиб келаётган бир нарсани тутмокчидек бўлаётганди. У нарса жуда кичкина бўлгани учун европаликлар кўришмаган, бироқ у қоратанлининг кўзидан қочиб кутулмаганди. Зуга ўзига кадрдон жойлардаги ҳамма оқимларни яхши билгани сабаб кўзи ўрганиб кетгани учун сув ўрамасида айланаётган нарсани дарров пайкаганди.

Ҳамроҳлари бу табиат фарзандининг ички сезгисига тўлиқ ишонганлари учун, унга ҳалал беришмади.

– Мана! – у эшкакни аста кўтариб, Александрга узатди. – Қара! – у эшкакда турган кичкинагина, ғалати шаклдаги латта парчасини кўрсатди.

Александр ўша нарсани эшкакдан осонгина ажратиб олиб, кизиқиб каради, бармоқларининг учи билан ушлаб олиб унақасига ағдарди, бунақасига ағдарди ва ажабланганини яшира олмади.

– Нима гап? – сўради Альбер.

– Ишониб бўлмайди!.. Ишониб бўлмайдиган нарса! – саволга жавоб бермай пичирлади Александр.

– Оқ капалакнинг қанотига ўхшайди, деб кўйди Альбер.

– Ёки папирус қоғозининг парчасига ўхшайди.

– Дўстим, – жавоб берди Александр, – Альбер тўксон тўққиз фоиз ҳақ. Чунки тангақанотлилар бу ерларда ҳали ҳам учраб турсада, қоғоз, папирус қоғози бўлса ҳам, Африка қирғоқларида, айникса дарёнинг ўзида, учраши

табий ҳол эмас. Бироқ бундай бўлиши асло мумкин бўлмаган ҳолда ҳам...

— Мен топдим? Шундайми?

— Сиз фақат сифатига янглишдингиз...

— Бироқ бу қоғоз?

— Тўппа-тўғри. Унча катта бўлмаган китоб саҳифасидан йиртиб олинган қоғоз бўлаги.

— Тўппа-тўғри! — ҳаяжонланиб, деди Альбер. — Бу тўғри! Сенда зўр изқуварлик иктидори бор. Қоғознинг ҳар иккала томонида босма рақамлар кўриниб турибди. Бир томонида 120, иккинчи томонида 121 ёзилган. Бу саҳифаларнинг тартиб рақамлари эканлиги кўриниб турибди. Демак, қоғоз китобдан йиртиб олингани кўриниб турибди. Ва китобнинг ҳам жуда катта бўлмагани кўриниб турибди, чунки рақам биринчи қатор тугаган жойдаги ҳарфга жуда яқин турибди. Менинг ишончим комилки, — атрофга диққат билан қараб, гапида давом этди Альбер, — шу яқин орада қаердадир яна бир нарсa бўлиши керак. Гапимни тушундингми?

— Балки шундайдир.

— Менинг ишончим комил. Агар Замбези бўйлаб қоғоз парчаси сузиб юрган бўлса ва у яхши сақланган бўлса, демак уни атайдан ташлашган ва бунинг устига яқинда ташлашган.

— Яқинда ташлашган деганингга қўшиламан. Бироқ нега? Нима мақсадда?

— Мессье Альбер, сиз ҳақсиз. Мен ҳаммасини тушундим ва йўлбошловчимиз зийрак бўлгани учун Яратганга шукур қилишимиз керак. Бу митти болакай ҳақидаги эртақнинг ўзи, фақат фарқи шундаки бу ерда тошчалар ўрнига — қоғоз.

— Чиндан ҳам!

— Тўғри, — деди Александр. — Мен ҳам умидингизга шерикман. Бироқ мен яна бир шундай қоғоз бўлагини топишни жуда истардим.

— Қидирамиз. Биласанми, дўстим, мен ана шу охириги умидга ёпишиб олдим. Анна шу яқин орада. Бунга ишон-

чим комил. Юрагим сезиб турибди. У бечора қандайдир йўл билан биз якин орада эканимизни билиб қолган. Айнан Анна бизга ўзи тўтрисида хабар бераётганига ишончим комил. Жозеф фургон бу ердан беш юз метрлар нарида деяптими? Мана, Анна ташлаган қоғозни оқим олиб келган.

Шу пайт худди дарёга нимадир оғир нарса тушиб кетгандек урилган товуш эшитилди. Зуга сувга шўнғиган экан. У оқларнинг сардори бўлган дўсти нима деганини тушуниб, орқасида уларнинг пирогалари турган лиана ва шохлар чирмашиб ётган сувнинг нариги томонига сузиб ўтмоқчи бўлган эди. Йигит кўп йўқ бўлиб кетмади. Унинг меҳрибон кора чехраси шундайгина борт ёнида сувдан чиқди ва у сакраб жойига чиқди. Ёйилиб жилмайганча у сувдан олган уч қоғоз парчасини оғзидан чиқариб, кўлига қўйди. Улардан икkitаси бир-бирига тўғри келиши дарров кўзга ташланди.

– Мана, – асабийлашиб хитоб қилди Альбер. – Мен ҳақ бўлганимни ўзинг ҳам кўриб турибсан!

– Ва сен янглишмаганинг учун мен хурсандман! Ниҳоят энди кўр-кўрона ҳаракат қилмаяпмиз! Ва бугун тунда у қароқчи биздан нимадир олади.

– Бугун тунда! Вақт қандай секин ўтаяпти! Йўқ, мен бундай узоқ кута олмайман. Менга қара, яхшилаб қулоқ сол. Қирғоқда ўтлар қуюқ ўсган. Мен илондек ўрмалай оламан. Ҳар қандай қизилтанлидан ҳам яхшироқ ўрмалай оламан.

– Тентаклик қилмоқчимисан?

– Шундай бўла қолсин. Бироқ бу ақлли тентаклик. Бу бутун кун қийналгандан кўра яхшироқ. Мен билан бушмен бирга боради. У ўзи билан ўқ ёйини ҳам олади. Агар бирор шубҳали нарса сезсам, қайтиб келаман. Менинг қаммоқдаги азизамни қутқаришим кераклигини ўзинг яхши биласан, шунинг учун ҳаётимни бекорга гаровга қўймайман. Фақат разведкага бориб келаман. Икки соат у ёққа ва икки соат бу ёққа. Тўрт соат нимадир билан шуғулланган

бўламан. Ва бу айланиб келишим бекорга бўлмаслиги учун ҳаракат қиламан. Яна қайтариб айтаман: мендан ҳавотир олма.

Александр ва Жозеф бу дўстларининг калласига бирор фикр келиб қолса кейин уни калласидан чиқариб юбориш қийин эканлигини жуда яхши билишарди. Шунинг учун кўнишга мажбур бўлишди.

Орадан икки соат ўтди. Каталониялик пироганинг тумшук қисмида эмикдош акасини кутиб ўтирар экан, мизғиб олишга ҳаракат қиларди. Бироқ фойдаси бўлмади, чунки ҳавотир чарчовдан устун келиб, уйқуси келмади.

– Майли, – тинчлик бермаётган чивинларни ҳайдаб, ўз-ўзига деди у. -- Яқинда қайтиб келади.

Александр бирдан чакалакзор орасида йирик ҳайвон юраётгандек шовқинни эшитди. У дўстим ҳавф остида қолди деб, изидан бориш учун қирғоққа сакраб чиқмоқчи бўлганда Альбер пайдо бўлди. Унинг кўзлари ола-зарак бўлиб, юзи ва қўллари тимдаланган, кўйлаги йиртилиб кетган эди.

Александр фалокат юз берганини ҳис қилиб, савол беришга ҳам юраги бетламади. Альбер йиглаб юборди.

– Фургон бўш. У ерда ҳеч ким йўқ... Ҳеч қандай из ҳам йўқ... Ҳеч нарса!

БЕШИНЧИ БОБ

Сэм Смит «сафарга отланди». – Курашсиз юткизиш. – Қарокчи «Сэм Смит ва Ко» фирмасини таъсис қилмоқчи. – Учта из. – Сургундаги одамнинг юриши. – Жемс Виллисга нима бўлган. – Чумоли кислотаси. – Тириклайин ейишмоқчи бўлишган. – Чўкиб кетай деди. – Виктория шаршарасига йиқилган одамга нима бўлади.

* * *

Сэм Смитнинг бир пайтлар роса чараклаган юлдузи ҳозирда сўна бошлаган эди. Бу юлдузнинг оддий қора доғга айланиш хавфи бор эди. Смит, худди ҳақиқий файласуфлардек, Жанубий Африкага келиши унга фойда келтирмаганини ўзи тан олди. У батокларни мақололорлар билан жангга олиб кетаётганда уч француз билан бўлган учрашув унинг зарарига бўлган, чунки Александр иккита душман қабилани яраштириб қўйган эди.

Қоратанлилар, айникса Жанубий Африкалик қоратанлилар бир-бирларига нисбатан ёки бу олган мажбуриятлари уларнинг кундалик турмушларига оид бўлса, олган мажбуриятларини осонлик билан эсдан чиқариб юборадилар, бироқ агар бу танатали равишда қабул қилинган, айникса бу пайтда уларнинг қабилаларида қабул қилинган шартли анъаналар бажарилиб, уларнинг содагина эътиқодларининг тимсоли муҳокамага қўйилган бўлса, улар бу қасамларига ўта содиқ бўладилар. Айни ҳозирги ҳолда эса ўрага ўқ ва найзалар, порохлар кўмилган эди. Ўранинг устидаги дўнгликка эса тинчлик шохчаси қадаб қўйилган эди. Бунинг устига Гэнга Полума – ўз эгасига дахлсизлик ҳукукини берадиган фетиш берилган эди.

Сешеке ва Магопо – икки душман қабиланинг сардорлари дўст бўлиб қолишлари учун бу сабабларнинг

хаммаси керагидан ортиқ эди. Иккала подшоҳчалар тез орада ўрталарида ниҳояти тушунмовчилик бўлгани, энди ҳамма нарса ҳал бўлганини ган олганликлари ва энди бунинг учун ичиш кераклигини айтишди. Сэм Смит учун эса ўртада қурол ўйнаши кераклиги, иккала қабила одамлари бир-бирига душманларча отилиши керак эди. У баланд овозда иккала сардорни ивунга чақирди. Бироқ натижасиз эди.

Магопо унга бошқача назар билан қарай бошлаган бўлиб, агар қирғоқнинг бу бетидаги аҳолининг оқтанлиларга нисбатан ҳурмати бўлмаганда балки, Смитнинг боши омон қолмасди. Батокларнинг ҳукмдори ўз лашкарларининг камсонли эканлигини тан олар ва ўзининг рухсатисиз Гэн олиб борган музокаралар муваффақиятли тугаганини билиб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетганди. Бунинг устига у байялоа пивоси солинган тўкилган идишлар қатор турганини кўрганди. Кўзининг қувнагани ошқозонига қувонч олиб келди ва ҳурматли сардорда мақолололар қабиласига нисбатан ҳеч қандай душманлик ҳисси қолмади.

Бунинг устига ўғли Гэн қўлида Полумани ушлаб турар, бу эса дунёдаги ҳар нарсадан ҳам кўра мақолололарнинг режалари самимий эканлигини билдирарди. Бунинг устига Сешеке ҳам урушлардан чарчаган бўлиб, у ҳам жангларга нукта қўйишдан хурсанд эди, чунки ғалабалар унга жуда кўп йўқотишлар эвазига келаётган эди. Ниҳоят у ҳам, Магопо каби Александрни чин дилдан яхши кўриб қолган ва шу заҳотиёқ бу янги дўстига Сэм Смит қандай одам эканлигини айтиб берган эди. Магопо бу муттаҳамнинг қўлида ўйинчоқ бўлганини тушуниб қолиб, жуда аччиғи чиққан эди. Чунки бу унинг ҳамиятига жуда қаттиқ зарба эди. Сен Дауд бўлган каби кўркмас ва виждонли оқтанли одам билан бирга ҳаракат қилишга ишонсангда, мард ва беғараз дўст ўрнига бунинг аксига эга бўлсанг! Ахир бу ҳолатда энг вазмин кафрининг ҳам жаҳли чиқиб кетган бўлар эди.

Магопонинг хаёлидан анча-мунча фикрлар ўтди ва бу фикрларнинг бирортаси Сэм Смит фойдасига эмас эди. Александр нима қилиб бўлса ҳам қоратанлилар қабила-лари ўртасида тинчликни ушлаб туришга ҳаракат қилган, ичмаган, кам еган ва ҳеч қачон кафр қиролларининг хази-наси тўғрисида гап очмаган эди. Бу эса аксинча, бошидан бошлаб батокларни мақололларга қарши ундаб, Маго-пога ўз ёрдамини таклиф қилган эди. Бундан ташқари, у молдек ичар, овқатни ҳақиқий инглиз каби ер ва қачон карама баримлар оролида кўмилган хазина ҳақида савол-лар берар эди.

Йўқ, албатта бундай одамнинг оқтанлилар сардори билан юз тузилиши демаса, ҳеч қандай ўхшаш томони йўқ. Терисининг ранги уни жазодан қутқариб қоларди, бироқ иложи борича тезлик билан унга Котлага кириш йўлини беркитиш ва юмшоқлик билан кузатиб қўйиш ке-рак. Ва тезлик билан.

Ва ҳаммаси тезлик билан бўлиб кетди. Мастер Смит атрофи бўшаб қолаётганини бирдан сезиб қолди, ўйинда ютқазганини ва ҳар бир тиришиб-тортишиш унинг учун ёмон тугашини тушунди. Буни унга лашкарларнинг унга тикилиб турган нафрат тўла кўзлари айтиб турарди. У, айни пайтда ўзини бундай ҳис қилмаётган эса-да, ўзини бепарво тутишга ҳаракат қилиб, осон қутулиб қолганига шукур қилди. У мағрурлик билан ўгирилди-да дарё то-монга қараб кетди.

— Жуда бўлмаганда бугунги кун бекор кетгани йўқ, — ўзини овутишга ҳаракат қилиб, ўз ўзига деди у. — Мен бу французга милтикни жуда яхши нархга сотиб юбордим. Ҳа-ха! Виждонли савдогар бўлиб бораёман. Чиндан ҳам, ҳозир борган сари хатарли бўлиб бораётган касбим-дан кўра чинакам савдо билан шуғуллансам-чи? Ўйлаб кўриш керак. Кейин! Бу қоратанли тентак менга хазина ҳақида шунчалик кўп гапирдики, ёниб кетаяпман. Ўша хазинани топишга умид киламан, чунки менда аниқ маълумотлар бор... Ҳа, бироқ менда қурол йўқ. Бориб мах-

фий жойимдан кидириб кўришим керак. У ерда ажойиб кесма Гринер милтигим бор. Шундан кейин жиддийлик билан кидиришни бошлаш мумкин бўлади. Бахтга қарши, мен ёлғизман. Менинг кучим доим шунда бўлган, бироқ мен бугун умримда биринчи марта бунга афсус қилаятман. Агар мана шу французларга ўхшаган учта шерик топа олсам эди, тўрталамиз бутун бир подшоҳликни эгаллаган бўлар эдик! Бироқ афсус – бу жентелменларнинг хаёли бидъатга тўла! Тўхта-чи! Бурлар-чи? Менимча, жуда тўғри келадиган йигитлар! Жин урсин, ўйлаб кўрса бўлади. Улар шу яқин орада бирорта фойда келтирадиган иш қараб юришган бўлсалар керак. Уларни топиш керак. Бу кийин эмас. Афсус, уларни анави мараз Жемс Виллис бошқаради. У миссионерлардек кийиниб олган бўлса ҳам, уни дарров танидим. Қизик, қандай қилиб улар бирга бўлиб олишди экан? Ҳар ҳолда мен энди Жемс Виллисни тугатишим керак. Бу муттаҳамни аллақачон шундай қилиш керак эди. Ва мен нима қилиб бўлса ҳам унинг дабдаласини чиқараман. Анави тўнкалар унинг таъсирида бўлишмагандан кейин улар билан нима ҳоҳласам шуни қиламан. Демак, ҳаммаси жойида. Ғазнамга бориб келайчи, кейин «Смит ва унинг Компанияси» фирмаси билан шуғулланаман.

Смитнинг омади келган эди. Шаршарадан унча узок бўлмаган пана жойда у ўғирлаган нарсаларини сақлайдиган махфий жой бор эди. Смит ўша ердан қурол ва озиқ-овқат олиб қайтаётиб, соҳилдаги қумда оёқ изларини кўриб қолиб, қоққан қозикдек туриб қолди, сўнгра маза қилиб сўқинди ва бор овози билан хохлаб кулиб юборди. Бу ерда янглишиш мумкин эмас эди: аниқ кўриниб турган учга из тўғри дарёга қараб кетган эди. Улардан иккитаси истаган одамга бу ердан одамлар эмас, одам кўринишидаги мастодонтлар ўтганини айтиб турарди. Қадамлар одатдаги қадамлардан анча узун, баҳайбат оёқлардан қолган чуқур излар шунчалик катта эдики, уларга скрипканинг гилофини яшириш мумкин эди. Бун-

дай оёқлар жуда катта оғирликдаги ва баланд бўйли одам учун тиргак бўлиши керак эди. Учинчи из, қолган иккита изга караганда анча майда ва енгил бўлиб, афтидан ўрта бўйли, пилдираб юрадиган одамга тегишли бўлса керак.

– Иккита бур, – яна йўлга тушар экан, пичирлади Смит ва бўғиқ товушда кўшиб қўйди: – Ва Жемс Виллис ҳам.

Бу гапларни айтар экан, унинг пешонаси тиришиб кетди.

– Мараз! Юриши ҳам ўша-ўша, худди Трид-Миллагидек.

Сэм Смитнинг бу сўзлари ўқувчимизга бир оз тушунтириш беришни талаб қилади. Францияда 1873 йилга қадар сургундагиларни бир жуфт қилиб битта занжирга боғлаб қўйишарди. Бу занжирга оғир ядро ҳам боғланган бўлар ва сургундаги одам қамокда ўтказган бутун даври давомида ядрони ерда судраб юришга мажбур бўлар эди. Бунинг учун доимий зўриқиш қамокдагиларда ўзига хос юришни пайдо қилиб, улар бундай қадам ташлашдан, ҳатто озод бўлишгандан кейин ҳам қутула олмас эдилар. Улар эски одатлари бўйича бир пайтлар ядро осилган оёқларини судраб босишар эди. Полиция учун бу нарсa муҳим далил бўлиб, шу орқали улар ашаддий жиноятчиларни ушлашар эди.

Ахлоқ тузатиш тизими французларникидан фарқ қиладиган Англияда эса қамокдагиларга ҳаракат озодлиги берилади. Бироқ доим ўзларнинг инсонпарварликлари билан мақтанадиган инглизлар ўз қамокхоналарида жуда ширин ҳаёт яратиб қўйишган экан, деб ўйламанг. Ишбилармон киши сифатида улар одам кучини ядро судраб юриб бекорга сарф қилмай, бундан фойда чиқаришга қарор қилишган. Ҳар бир инглиз қамокхонасида бу мақсад учун бир нечта – сув тегирмонларини ҳаракатга келтирадиган каби катта гилдирақлар ўрнатилган. Ана шу нарсa Трид-Мил. Бунда англо-саксонларнинг ихтирочи эканликлари бор бўйи билан кўриниб турибди. Қамокдаги

одам бу ғилдиракни бир неча соат давомида айлантириши керак. Одамни плицага тургизиб қўйишади. Табиий, плица пастга тушади. Қамокдаги одам шу пайтда сакраб нариги плицага ўтиб олиши керак, акс ҳолда оёғи синади. Шундай қилиб, у ўз ишини тугатмагунча бу плицадан унисига сакраши керак бўлади. Ғилдирак тез айланади, қамокдаги одам уни секинлата олади, деб ўйламанг. Бу дўзахи плица шундай оёқлари тагидан узоқлашар экан, бошқаси келиб туради. У сакрашда давом этиши керак, акс ҳолда чўлоқ бўлиб қолади. Бу машқлар, ҳаракатланаётган текислик устидаги бу югуриш қамокдаги инглизларда майда, сакраб қадам қўйиш одатини келтириб чиқади.

Буларнинг ҳаммаси Сэм Смитга яхши таниш эди ва бу излар орқали асабий сакраб юрадиган – аслида Жемс Виллис бўлган руҳоний ҳазратларининг қанча ҳаракат қилганига қарамай қутула олмагани асабий, сакраб юришининг излари орқали уни дарров таниганди.

Сэм Смит бу учала одамни осонлик билан топишига ишонмаётган ҳам эди. Энди эса у ҳозир излар орқасидан юриб, дарёдан узоқ бўлмаган жойда уни эҳтиёт бўлишга мажбур қилган шовқинни эшитиб қолди.

– Мана менинг азаматларим! – тўнғиллади Смит. – Бироқ ҳаммаси қанчалик тентак-а! Ахир шундай баланд овозда бақариш мумкинми? Улар худди сув овозни акс эттириб, узоқдан эшитиладиган қилишини билмайдиганга ўхшашади.

Биз юқорида Смитнинг шаронгдан усталик билан фойдалангани, учта шерикдан сирни қандай билиб олгани, душманидан қандай қилиб даҳшатли ўч олгани ва уриб тишларини синдириш бурларнинг кўнглини забт этишга унга ёрдам берганини айтиб ўтган эдик.

Корнелис, Питер ва уларнинг янги хўжайини пироганинг йўқ бўлиб қолганини кўришгач ўзаро бефойда гап-сўзларга вақт сарф қилиб ўтиришмади. Учовлари ҳам уларни кузатишаётгани ва уларга ҳавф-хатар таҳдид

килаётганини дарров тушунишди. Улар айнан қандай ва қай томондан хавф таҳдид қилаётганини билишмас, бироқ бундан хавф-хатар баттар қаттага ўхшаб кўринарди. Уларнинг ҳар бири ўз қурол-аслаҳасини ҳалтага солиб, бошларига қўйиб олишди. Шу ҳолда уювлари секин сувга тушишди. Бир неча дақиқадан сўнг эса уювлари руҳоний ҳазратларини дарахтда қолдириб, эсон-омон қирғоққа чиқиб олишди. Унинг оғзига латта тиқилган бўлиб, нафаси қайтиб кетаётган эди. Айни пайтда ожизлигидан алам қилиб кетаётган ва бутун бадани оғриқдан қамқайган эди. Руҳоний ҳазратлари ўзини тамом бўлган одам ҳисоблаб, яқинлашиб келаётган ўлимни кўраётган бўлса-да, бирмунча вақтгагина бўлсада ўлмай туришга ҳаракат қилаётганди.

Бироқ, Смитни кўриб у қотиб қолган бўлса ҳам, қарқининг кетиши унинг ҳозирги шароитига ҳеч ҳам мос келмайдиган совуққон бўлиб олишига ёрдам берди. У шу заҳотиёқ сургунда ўрганган усулларини қўллаб ҳамма ёғини оғритиб юборган кишандан қутулмоқчи бўлди.

У бирдан паст овозда, бироқ тинмай эшитилаётган қисирлаш овозини эшитиб қолиб, даҳшатга тушди.

Бу ғалати товушлар Сэм Смит уни боғлаб кетган дарахт тагидан келаётган бўлиб, ақлдан озаётган пасторнинг кўзига яна илонларнинг босиб келаётгани кўрник кетди. Йўқ, илон дарахтда ўрмалаганда шитирлаш эшитилади, бундай товуш эмас. Айни пайтда пастор қандайдир ўзига ҳос, аста кўтарила бориб, заҳ ҳавони тўлдирган ўткир ҳидни туйди. Руҳоний ҳазратлари баъзи чумолилардан ажраладиган чумоли кислотасини дарҳол таниди. Агар бу даҳшатли ҳапаротлар унга ёпирилишадиган бўлса, уни қутаётган даҳшатли азобни ўйлаб, титраб кетди. Улар чиқарадиган чумоли кислотаси хавфли бўлгани учун эмас, бу африка чумолилари жуда очкўз бўлиб, хавф уларнинг ниҳоятда кўплигида эди. От, ҳўкиз ва ҳатто яраланган филлар каби йирик ҳайвонлар чумолилар колоннаси ўгадиган йўлда бўлиб қолганларида бир кеча-

да ҳалок бўлишган ҳоллар жуда кўп бўлган: миллионлаб кичкина ҳашаротлар уларни еб, суякларини топ-тоза қилиб қўйишган.

Рухоний ҳазратлари буни биларди. Ўткир хил у томонга қараб қанчалик кўп ҳашаротлар яқинлашиб келаётганини билдирарди. У ўзининг энди тириклайин еб би-тирилишини тушуниб турарди.

Ўқувчимиз биз ниманидир ошириб юбораяпмиз, деб ўйламасин. Доктор Ливингстон узунлиги йигирма беш миллиметр бўлган йирик қора чумолиларни кўп учратган. Маҳаллий аҳоли уларни «лешониа» деб атайди. Ўйлаб кўринг, узунлиги уч юз, ҳатто тўрт юз ва эни эллик метр бўлган майдонни босиб олган лешониа армияси ўзидан кейин нимани қолдиришини тасаввур қилаверинг. Шундагина сиз Жемс Виллиснинг қандай даҳшатга тушганини кўз олдингизга келтира оласиз.

Унинг оғзига нарса тикилган эди, шундай бўлса-да оёқларида минглаб бу жонзотларнинг ўрмалаб кетаётганини сезганда бўғиқ ўкириб юборди. У оёқларини пўлат қисқичлар чимчилаётгандек оғрикни ҳис қилди. Терисининг бир бўлаги узиб олиниб, чумолилар зиёфатларини бошлаб юборишган эди. Рухоний ҳазратлари бор кучи билан типирчилай бошлади ва қотиб қолган аъзоларини юмшатмокчи бўлди. Бироқ Сэм Смит уни боғлай туриб ўзининг бир вақтлардаги денгизчилик касбини эслаб қолиб, ҳеч қандай кучга бўйин бермайдиган тугунларни қилганди.

Қон исидан ҳаяжонланган чумолилар ҳаммаси очкўзлик билан қароқчининг танасини, кийими ва ҳатто чарм пойабзалини ҳам еб ётишганди. Уни чумолиларнинг бутун армияси қўлга олган бўлиб, пасторни бошидан оёғига эгаллаб олишган эди. Юкорида айтиб ўтганимиздек, унинг оғзига латта тикилган эди. Латтанинг бир учи унинг юзининг бир қисмини беркитиб турарди. Бироқ тез орада чумолилар унинг юзини ҳам тишлаб ташлайдилар, кейин тили, кўзини ҳам, у эса уни ушлаб олиб қўйиб

юбормаётган бу кичкина жағларга нисбатан ҳеч нарса қила олмайди.

Мана, Сэм Смитнинг қасоси!

Бу даҳшатли онларни узоқлаштириш учун Жемс Виллис беихтиёр бошини орқага ташлади, бир қаттиқ ҳаракат қилиб, бирдан қўллари бўшаганини ҳис қилди. Бу ерда ҳеч қандай ўз-ўзини алдаш бўлиши мумкин эмас, унинг иккала қўли бўшаган бўлиб, у энди бемалол ҳаракат қилаётган эди! Очофат ҳашаротлар у қила олмаган ишни қилишган эди. Тирик қисқичлар бир дақиқа ичида унинг билакларини қисиб турган бақувват арқонларни кукунга айлантиришган эди.

Ўзини ярим озод ҳолда кўрган пастор, авваламбор оғзидаги латтани олиб ташлаш ва оёқларини бўшатиб дарё томонга қараб чолишни ўйлади. Унинг учун ҳозир кайманларга, гиппопотам, чучук сувда яшайдиган акула ва сув илонларига дуч келиб қолиш нима бўлибди! Ҳозир асосий нарса – бу даҳшатли кийноқдан тезроқ озод бўлиш эди.

Бироқ у ўзининг бу режасини амалга оширишга улгурмади. У ўтирган дарахтнинг илдизини сув ювиб кетган бўлиб, у ҳозир тебрана бошлади ва шовқин билан ағабнаб тушди.

Дарахт қияликнинг энг охирида эди. Унинг ўртача қалинликдаги танасини куюқ яшил гумбаз ушлаб турарди. Жуда ажойиб тасодиф туфайли дарахт шохлари билан сувга ағабнаб тушгани сабаб руҳоний ҳазратларининг азоблари туғанди. Жемс Виллиснинг биринчи қилган иши ўзи ушлаб қолган шохга чиқиб олиш бўлди. Сувга тушиб чиққанидан сўнг хуши ўзига келиб олган пастор ўзининг бахтига ўзи ишонмаган ҳолда, оқимга тушиб қолган дарахтнинг секин айланганча шаршара томоғга қараб оқиб кетаётганини сезиб, даҳшатга тушди. Сохта миссионер жуда ёмон сўкинди. Бироқ шунда ҳам индамай турмаётган эди: шохни қўли билан ушлаганча оёғини чиқариб олишга ҳаракат қилаётганди. Агар шундай

кила олса у ёки дарёни кўндалангига сузиб ўта олар ёки бу дарёда тикилиб ётган оролчалардан бирига чиқиб ола олган бўларди.

Бироқ омад чиндан ҳам ундан юз ўгиргандек эди, чунки унинг ақлсиз кутқарувчилари фақатгина қўлидаги арконларнигина гажиб ташлашган эди. Қолганлари эса ҳали бутун бўлиб, сувда шишиб кетган ва тугунни ечишнинг умуман иложи йўқ эди. Бунинг устига Смит рухоний ҳазратларини бутунлай қуролсиз қолдирган, унга ҳеч йўқса пакки ҳам қолдирмаган эди. Ва ниҳоят, буларнинг ҳаммасининг устига у умид қилаётган оролчаларни сув босган бўлиб, ҳаммаси сув остига беркинган эди. Шу сабаб Жемс Виллис бутун умидини йўқотди.

Бу вақт орасида эса рухоний ҳазратларининг дарахти тўлкинларга ўйинчок бўлиб, борган сари ортиб бораётган, бош айлантирадиган даражадаги тезлик билан оқиб кетаётган эди. Қирғоққа уриладиган тўлкин доирасига тушиб қолган дарахт айланиб-айланиб оқа бошлади. Шаршаранинг юқори қўлтиғида у бир дақиқа туриб қолди, сўнгра ўз ўки атрофида икки-уч марта айланиб, рўпарадан келаётган оқимга тушиб қолди, тезлик билан ёндаги ирмоқда оқиб, тубсизликка шўнғиди. Нафаси қайтиб қолаёзган, гўмбурлаган товушдан қулоғи битиб, кўрқувдан қотиб қолган рухоний кўзларини юмиб олди ва ҳушини йўқотди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Инсон организмнинг кучи ва нозик томонлари. — Кўмир ғорида. — Кутилмаган ҳодиса. — Ер ости йўли. — Махфий ертўла. — Ердаги чуқурлик. — Яна бир махфий жой. — Анчоуслардан бўшаган бочкачада баъзан нима сақланади? — Султонлар ёки набобларга мос қутича. — Олтин!.. Олмос!.. — Бу Сэм Смитнинг махфий жойи эмасми?

* * *

Инсон организми шунчалик мўртки, баъзан уни ишдан чиқариш учун арзимаган нарса ҳам етарли бўлади. Оддий елвизак ўлимга олиб келадиган ўпка шамоллашига олиб келиши мумкин, бироқ кўкрагидан огир яраланган зобит тузалиб кетиб бир умр маза килиб соғлом яшаши мумкин. Йикилаётиб бошингизни бирор нарсага уриб олсангиз миянгиз лат еб, ўлимга олиб келиши мумкин. Айни пайтда эса мия чаногига снаряд парчаси кириб, мияни очиб қўйиши мумкин-да, бироқ бу одам ҳаётига хавф солмаслиги мумкин.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Нима бўлганда ҳам Сэм Смит деярли бўғиб кетган руҳоний ҳазратлари оғзига тиқиб кетилган латтадан нафаси қайтаётиб, чумолилар томонидан еб ташланиб, боғлаб қўйилган дарахти билан Замбезида оқиб кетган ва ниҳоят Виктория шаршарасига тушиб кетиб, эргаси куни эрталаб эса бу дунёнинг ҳамма лаззатларидан баҳраманд бўлиб ётганини билганда ўқувчимиз ҳайрон бўлиб қолади. Мантқан олиб қараганда руҳоний ҳазратлари баҳайбод сув оқими остида босилиб кетган бўлиши, кейин эса базальт қояларга урилиб мажақланиб кетган бўлиши керак эди.

Бироқ руҳоний ҳазратлари ажойиб тарзда ҳамма бу хатарлардан қутилиб қолганди. Эҳтимол, у баримларнинг овозлари эшитилиб турган бу жойлардан тирик ўта олган биринчи одам бўлса керак.

Бандитнинг ҳаётини сафлаб қолган тасодиф эса аслида жуда оддий эди. Ўқувчимиз руҳоний ҳазратларининг оёқлари боғланган тугунни ечишга урингани бесамар кетгани ва у чўкаётган одамнинг умидсизлиги билан дарахтга ёпишиб олганини яхши эсласа керак.

Унинг ўлимининг сабаби бўлиши керак бўлган нарса унинг қутқарилишининг сабабчисига айланганди. Гувоҳи бўлганимиздек, дарахт асосий шаршарадан қоялар билан ажралган ён ирмоқлар орқали сузиб кетиб, тубида сув шовқин билан айланаётган қудуққа тушгандек ағанаганди. Дарахтнинг қуюқ ўсган шох-шаббалари руҳонийни базальт қояларга урилишдан саклаб қолиб, у тирик қолганди. Бу ҳаммаси эмас. Базальт қатлам бу ерда осилиб турмай, балки кия текислик бўлиб, унда кенлиги уч метр бўлган шакли тўғри бўлмаган тешик кўриниб турарди. Бу тешик борлигидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Уни кўриш учун олдиндан ўз ихтиёрига қарши Жемс Виллис бажарган гимнастика машкени бажариш керак бўлар эди.

Кутилмаган тасодиф туфайли дарахт қуюқ яшил бутоклари билан шу тешикка урилиб, бир дақиқага уни ёпиб қўйганди. Сўнгга илдири юқорида бўлган ҳолда айланганча пастга учиб кетди. Тешикка кираверишда қисқа ушланиш бўлиб, шу пайтда оғирлик маркази жойини ўзгартиради. Шу сабаб қароқчи ушлаб турган шохни қўйиб юборади ва тортилиш кучи қонуни бўйича унинг танаси бундан олдин дарахт учиб келаётган эгри чизик бўйлаб учишда давом этади. Бу эгри чизик уни горнинг ер қаърида кўриниб турган марказига олиб тушади. У тешикнинг тубига ағанаб тушиб, қўлларини ёйганча ётарди.

Беҳушлик узок чўзилди. Ўзига келган Жемс Виллис гор устида булутдек турган сув чангини ва ёруғи таъсирида шаршара баҳайбат металл оқимига ўхшаб кўринаётган қуёшни кўрди.

Қароқчи кутилмаганда тирик эканлигига амин бўлгач нималарни ўйлаган бўлиши мумкинлигини, унинг

кувончи, ҳайрати қай даражада бўлганини ўқувчининг ўзига ҳавола қиламиз. Бир сония ичида унинг кўз олди-дан бир кеча давомида бошидан кечирганлари, даҳшатли дақиқалар ўтди; сўнгра унинг ҳаёлига яна қаердадир пастда шаршаранинг шовуллашини эшитгани ва ҳушидан кетгани келди. У ўзининг бу ғорга тушиб қолганини тушунтириб берадиган барча ҳодисаларни аста-секин ҳаёлидан ўтказа бошлади ва умуман, унинг тахминлари асоссиз эмасди.

Бандит даҳшатли хавфдан қутилиб қолган бўлса-да, бироқ ҳали яна юз бериши мумкин бўлган хавфли саргузаштлардан ҳимояланмаган эди. Бу хавотирли фикр унинг ҳаёлига вақтида келди.

– Қани-чи, – деди у зўрга ўтираётиб, – қани энди бу ердан қандай чиқиб кетишни ўйлаб кўрамиз. Бир умрга Виктория шаршарасида қолиб кетиш – бўлмаган нарсас. Мен бу ерда ҳеч қандай қулайликларни кўрмайман. Бироқ, аввал янги квартирамизни кўриб чиқай-чи. Бунинг устига, оёғимни ечадиган вақт ҳам келди. Бу мараз Сэм Смит берилиб ишлаган экан. Агар бу ердан омон чиқиб кета олсам, мана ким менинг кўзимга кўриниши керак эмас. Қора тошнинг мана бу бўлаклари менга керак бўлади. У билан мана бу арконларни кечиб ташлаб, разведкага бораман.

Жемс Виллис шундай бўлақлардан бирини ерга қаттиқ уриб синдирмоқчи бўлганди, тош майдаланиб кетди. Виллис тош деб ўйлаган нарсас тошқўмир бўлаклари экан.

– Жин урсин! – хурсанд бўлганидан бакириб юборди пастор. – Мен бир пайтлар португалияликлар ишлаган тошқўмир шахтасига тушиб қолмадимми ўзи? Бироқ бу ҳолда мен қутулдим! Асосий галереяни топсам, ўша ерда, албатта ташқарига чиқадиган йўл бўлади.

Ғорни тезгина кўздан кечириб чиқиб, у адашаётганига ишончи қотиб қолди. Ҳеч қаерда инсон меҳнатининг излари кўринмасди. Ғор, афтидан, сувнинг асрлар давомида ҳаракати натижасида бўлган силжиш туфайли

пайдо бўлган эди. Ёнидаги турлардан анча юмшоқ бўлган тошкўмир қатлами ўз-ўзидан силжиб, икки метр қалинликдаги ёрик ҳосил қилган эди.

Бир бўлак базальт топиш фикридан воз кечиб, рухоний ҳазратлари шу заҳоти арконларини ўзи ечишга ҳаракат қилишга тушди. Сабр билан ҳаракат қилиб, тирноқларини синдириб ва қаттиқ сўкинганча, у ниҳоят озод бўлди.

— Энди эса, олға! — томирларида қон яна соғлом айлана бошлагач, деди пастор.

У ўнг қўли билан деворни ушлаб, пайпаслаб ҳаракат қила бошлади, чунки бутунлай қоронги тушган эди. Шаршаранинг гумбурлаши борган сари кучсиз эшитила бошлаган ва рухоний энди унинг бу турмасидаги деворларни титратаётган гувуллашнингина эшитаётган эди.

Қоқилиб кетиб яна янги, кўзга кўринмаётган чуқурликка тушиб кетишдан қўрқиб, у ҳар бир қадамини оёгининг остида ер борлигига ишончи қомил бўлгачгина босаётган эди. Шу ҳолда юз метрларча юргач, беҳисоб эҳтиёт бўлавериш ва ҳар қадамда дуч келаётгани кийинчиликлардан ўлгудек чарчади. Бошидан кечирган кийинчиликлари ҳам унинг кўп кучини олиб қўйгани кундек равшан эди.

У ҳозир энди деярли ҳеч нарсага ишонмай ва ёлғиз орқасида гумбурлаётган чексиз тубсизликдан тезроқ қутулиш илинжидагина олдинга қараб ҳаракат қилаётган эди.

Дам ўтмай у чиқиб турган жойларига қоқилиб кетаётган табиий ерости галереяси бирдан бошқа томонга қайрилиб, бандитнинг кўксидан енгил тортгандек чуқур нафас чиқди: у узокда қаердандир тепадан горнинг тубига тушаётган оппоқ ёруғликни сезиб қолган эди. Ёруғлик! У ҳам ҳаёт каби! Пастор яна унга жуда узок туюлган бир қанча вақт давомида қадам ташлашда давом этди ва ниҳоят, ўзини кенг, доира шаклидаги майдончада кўрди.

Бу майдонча худди кўмир қатламида ётган каби бўлиб, бу ерга ёруғлик тўқ хаворанг осмон кўриниб турган думалоқ қувурга ўхшаган жойдан тушиб турарди. Қувурнинг узунлиги ўн метрча бўлиб, кенглиги икки метрча келар ва катта нур дастасини ўтказарди.

Рухоний ҳазратлари худди қуриб қолган қудук ичида тургандек эди. У турган жойининг ҳамма бурчак бурчакларини қараб чиқди ва кўзлари қамашиб кетди. Бошидан кечирган ҳамма саргузаштлардан кейин у энди ҳеч нарсага ажабланмаса ҳам бўладигандек эди, гўё. Бироқ у ҳайратда эди. Бу ҳайрат қувончдан эди, чунки унинг орзулари қандай бўлганидан қатъий назар у ҳозир кўз олдида ётган нарсаларни ҳеч қачон орзу ҳам қила олмаган эди. У ҳали ҳам асирликда бўлса-да, бироқ унинг қамокхонаси қандай ажойиб эди!

Умуман олганда, ўзингиз ўйлаб кўринг!..

Авваламбор девор бўйлаб яхшилаб тахлаб қўйилган милтиқлар коллекцияси. Коллекциядаги милтиқлар ҳалиги қувур сабаб бўлиб турган ҳаво айланиши натижасида куп-қуруқ эди. Қўндоқлари бронза билан қопланган бир нечта карабин «Мартини-Анри», «Винчестер», «Уэттэрли» русумли милтиқлар билан ёнма-ён турарди. Яъни, бу ерда замонавий милтиқларнинг энг яхши намуналари, техниканинг охириги намуналари тўпланган эди. Ов милтиқлари патронлар етишмаганда керак бўлиб қоладиган оддий пистонли милтиқлар билан бир қаторга қўйилган эди. Диққат билан сараланган қуроллар уларга атмосфера ўзгариши таъсир қилмаслиги учун смолаланган брезент бўлакларига ўраб қўйилган эди.

Қалин қилиб ёғ суртилган бу ҳужум қилиш ва ҳимоя воситалари билан бир қаторда рухоний ҳазратлари ичида галет печеньелари солинган кичкина қутилар, тамаки ва турли консервалар солинган чиройли этикеткалар билан безатилган оғир қутиларни ҳам кўриб, қувонди. Бундан сўнг турли-туман кийимлар кетарди: кўкранг жун курт-калар, худди шундай шимлар, пахмок қўйлақлар, отда

юриш учун этик ва ҳатто шлем бор эди. Булардан сўнг пичоклар, эгар-жабдуқларнинг тўла комплекти, компас, соатлар ва пардоз воситалари...

Бу ерости омборининг сирли эгаси нафакат коллекционер ва билагон, балки қулайликни ҳам яхши кўрадиган одам бўлса керак. Кичкинагина токчада энг олий навли мўйналар тахлаб қўйилган эди. Бу мўйналар қулайликларни яхши кўрадиган ҳар ким учун юмшоқкина ўрин ўрнига ўтиши мумкин эди.

Жемс Виллис ҳайратда эди. У бу бойликларни борган сари ортиб бораётган ажабланиш билан томоша қиларди. У ҳар хил хурофотлардан йироқ эди, бироқ айти пайтда мабодо шу яқин орада бошидан кечирган қийинчиликлар сабаб галлюцинация бошланмаган бўлса, унинг ҳаётига ғайриоддий кучлар аралашган, деб ўйлай бошлаган эди.

Йўқ, кўз олдидагилар бу нарсаларнинг ҳаммаси ҳақиқат эканлигини исботлаб турарди. У олдида турган турли-туман нарсаларнинг ҳаммасини қайта-қайтадан ушлаб кўрди ва бу ишониб бўлмайдиган саргузаштларда ҳеч қандай фантастика йўқлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилгач, тўштли консервалардан бирини очишга қарор қилди. Бироқ шу пайт кўзи афтидан, устидаги бир қават кўмирни аралаштирганлари сабабли бўлса керак, чуқурча бўлиб қолган ерга тушди.

Қизиқ – ҳозиргина очликдан ўлаётган ва овқат шундоқ қўл остида бўлгани сабаб, ягона орзуси яхшилаб еб олиш ва яхшилаб ухлаб олиш бўлиши керак бўлган, ҳозиргина даҳшатли шароитда бўлган бу одам айти пайтда фақат бир нарса тўғрисида – унга сирли бўлиб кўринаётган ушбу жойни казиб кўриш тўғрисида ўйлаётган эди. У консерва қутисини отиб юбориб, консервани очиш учун кўлига олган ханжарини кўмир ичига сукди.

Ички ҳиссиёти уни алдамаган эди. Кўмирнинг майдаланиб кетаётганини ҳисобга олинса, чиндан ҳам бу ер яқиндагина қавланган эди. Руҳоний ҳазратлари бу бой-

ликларнинг эгаси шундоқ ҳам яширин ва қўл етмайдиган жойда яна ҳам берилиб яширган экан, бу ерга кўмилган нарса ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигига ишончи комил эди. Жемс Виллис қўлидаги ханжари билан шунчалик берилиб ҳаракат қилаётган эдики, қорайиб кетган қўллари қонаб кетди.

Мана, ханжар қаттиқ нарсага тегди.

– Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйлаган эдим! – чуқур устига энгашиб пичирлади бандит. – Тўхта-чи! Бочка! Тузланган анчоусларнинг бочкаси. Хоҳлаган қовокхонада бундай бочкалар тикилиб ётибди. Анчоуслар одамни жуда тез чанқатади ва қовокхона эгаси ўзининг қиздирадиган ичимлигини осонлик билан одамларга ўтказади. Қани, бочканинг ичида нима бор экан, кўрайлик-чи. Ичида виски бўлмаса керак, ҳар ҳолда. Ўзи бу ернинг эгаси ичимликлар тўғрисида ғамхўрлик қилган бўлмаса керак.

Жемс Виллис бочкани чуқурдан зўрға олиб, ёруғ жойга қўйди.

Қароқчининг бочкани ханжари билан очишга уриши натижасиз бўлди. Ёғоч қаттиқ бўлиб, ханжарнинг тиги қисирлаб синиб кетди. Пулатдан ясалган американча болтага кўзи тушиб, қўлига олган пастор бор кучи билан уни бочканинг тубига урди.

Ёғоч қарсиллаб, гардиши синиб кетган бочка бўлақларга бўлиниб кетди.

Бандитнинг кўзлари қамашиб кетиб, махлиё бўлиб қолди. У кўз олдида пайдо бўлган манзарадан эси оғтудек бўлиб, ёввойиларча бакириб юборди.

Тасаввур қилинг: кутилмаганда кўз олдингизда султонларнинг қимматбаҳо зийнаглари яраклаб кетди ёки набобнинг камалакнинг барча рангида товланаётган сандиги очилди; тасаввур қилингки кўз олдингизда Голконданинг ажойиб тухфалари ранг-баранг бўлиб жилолана-япти, ва шу ҳолда ҳам бу қароқчи кутилмаганда топган хазинанинг қай даражадалигини тасаввур қила олмайсиз.

Бочкачадан юзлаб олмослар тўкилган эди. Кўмир устида тартибсиз сочилиб ётиб улар осмондан узилиб қора бахмал устига тушган юлдузлар каби ялтирар эди. Миссионер уларга ақлдан озган кўзлари билан қараб турар экан, кўксидан ёввойи хайвон овга чиққанда чиқарадиганга ўхшаган ўкириш чиқди. Шундан сўнг унинг кўзи яна бочкага тушди. Бу оддийгина идиш ярмигача ҳар хил қатталиқдаги қимматбаҳо тошлар ва сарик металл доирачалар — олтин тангалар билан тўлдирилган эди.

Тошларга ҳали ишлов берилмаган эди, уларга на ҳали сангтарошнинг, на ҳали диди нозик заргарнинг қўли тегмаган бўлса-да, улар жуда катта бойликни ташкил қиларди. Уларнинг юқоридан ёруғ тушиб турган қирралари ўзларида нурни тутиб қолаётган эди. Тасодифан олтин тангалар устига тушиб қолган баъзи тошлар йўлбарснинг ялтираётган кўзини ёдга соларди.

— Меники!.. Меники!.. Бари меники!.. — қўлларини олмосларнинг ичига тикиб, нафаси қайтгудек бўлиб, қайтарарди бандит. — Мен бойман!.. Ниҳоят!.. Мен бунинг учун хизмат қилиб қўйганман!

Рухоний ҳазратлари кафғини тўлдириб қимматбаҳо тошларни олди ва уларни шундай сикдики, тошлар кафтига ботди. Афтидан, бу ҳаракат унга бу нарсалар ҳаммаси ўнгида эканлигига амин бўлиш учун керак эди. Сўнг-ра, қолган нарсаларни ҳис қилмай, очликни, чанқов ва чарчовни унутиб, худди ёш болалар қум ўйнагани каби, у тошларни бир қўлидан иккинчисига солиб, ўйнай бошлади. Тошлар худди қуёш ёруғида ўйнаётган чивинлар галаси каби тирикдек эди.

Бу ялтираётган мўъжизани индамай томоша қилиш анча давом этди. Ниҳоят, рухоний ҳазратлари уйғонгандек (ўзига келгандек) бўлди. Ташқаридан бу ажойиб томошани кўриб турган одам бандит энди овқатга ўтирса керак, деб ўйлаган бўларди. Ҳеч ҳам-да. Бундай топилма — ҳеч йўқса вақтинча, босиши мумкин бўлган Очкўзлик галати кўринишда намоён бўлди. Бандит ҳамма олмослар-

ни қайтадан бочкага солар экан, улар шарақ-шуруқ овоз чиқариб тушди. Шундан сўнг у ер бу ерда қолиб кетган тошларни худди миришкор боғламдан тушиб қолган ҳар бир донни териб оладигандек қилиб териб олди.

Бу кулгили кўринган иш анча-мунча вақтини олган ва шунча бойликни томоша қилиш ҳаяжонга солиб, чарчатган, бироқ қорнини тўйдирмаган руҳоний ҳазратлари ниҳоят овқат ҳақида ўйлаб қолди. Бироқ шу пайт дарҳол эғалик қилиш ҳуқуқини хоҳлаб қолгани учун у олмос ва олтин тангаларни бочкадан олиб, чўнтагига сола бошлади. Шундан сўнг у бочка устига ўтириб олиб, оёғини чуқурга осилтирганча очкўзлик билан қуритилган печенье ва бир бўлак гўшт еб олди.

Шундан сўнггина у ўзининг шароитини ўйлаб кўриб, ҳамма нарсани тарозига сола бошлади.

– Хў-ўш, – бўриники каби ўткир тишлари билан қуруқ печеньега чайнаб экан, ўзига ўзи деди у, – бу ерда ўтириб олиб тақдирнинг бу тухфасидан ҳайратланиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Мен бир дақиқа ҳушимни йўқотгандек бўлдим. Тан олиш керак, бунинг арзирли сабаби бор эди. Менинг ўрнимда бошқаси ақлдан озиб қолган бўларди. Ақлли одамлардек ҳамма нарсани тарозига солиб кўриш керак бўлади. Мен кафр қиролларининг ҳазинасига тушиб қолдим деб ўйлаш ақлсизлик бўларди. Бу ерости горининг ҳамма жиҳозлари, бу ердаги бор нарсалар – ҳаммаси бу жойнинг хўжайини ёки бекаси европалик эканини айтиб турибди. Бунга шубҳа йўқ. Ҳаммаёқ батартиб, қиролларнинг ажойиб сақлангани, кийим-кечакларнинг тартиб билан сақлангани, озиқ-овқатларнинг сифати – булар ҳаммаси эгасининг бу ерга тез-тез келиб туришидан дарак бериб турибди. Мен чиқиш йўлини тона олмасам ҳам бу ерда кўп ушланиб тура олмайман. Албатта, чиқадиган йўл борку-я, бироқ ҳозир унинг қаердалигига менинг ақлим етмаяпти. Мана, шундай бошимнинг тепасида турибди бу қувургами ёки қудуқгами ўхшайдиган лаънати вертикаль лаҳлиз. Бу ернинг сирли эгалари

айнан ана шу жойдан фойдаланишади. Фақат тугунлари бор арқон керак бўлади. Ундан осонлик билан чиқиб, тушиш мумкин. Менимча, мен деворда тирналган жойларни ҳам кўраяпман, шекилли. Бу оёқ излари. Бироқ, жин урсин, ким бу хўжайинлар? Кондаги одамлар ўз меҳнатлари натижасини бундай қилиб яшириб ўтиришмасди. Улар бундай бойлиқни пулга айлантиришга шошилган бўлишарди. Қовоқхоначи ҳам ўз омборини бу ерга қуриб ўтирмаган бўларди. Кейин, ахир қандай тентак шунча олмосни яшириб қўйиб, пиёнисталарга ичкилик сотиб юрган бўларди? Фақат бирор миллионердагина шундай фантазия туғилиши мумкин. Миллионерда? Нима десам экан... Балки эҳтиёткор ўғридадир?.. Ўғрида?..

Бирдан Жемс Виллис ўзини тутта олмай хохолаб қулиб юборди.

– Жин урсин мени агар шундай бўлмаса! – кулгидан силкиниб, хитоб қилди у. – Бироқ бу ҳаддан ортиқ бўлган бўларди! Нега бўлиши мумкин эмас экан? Шу бир сутка давомида мен нималарни кўрмадим!.. Фақат дунёда биттагина ўғри шунчалик турли-туман коллекцияни йиға олиши ва шу тартибда сақлай олиши мумкин. Мен, олмослардан ташқари, албатта бундай нарсаларни биринчи марта кўраётганим йўқ. Австралияда катта йўлда иш кўрадиган бир жентелмен менга меҳмондўстлик кўрсатган эди. У мени ҳаётда керак бўладиган ҳамма нарса ажойиб дид билан тўпланган катта ғорда кутиб олган эди. Содик дўстим Сэм Смит жуда эҳтиёткор эди ва колониал полиция бизнинг изимизга тушгунга қадар биз у билан маза қилгандик. Тасодифан дўстим Сэмнинг дала ҳовлисига келиб қолмадиммикан? Дунёда ахир нималар бўлмайди!

«Сэм Смит ва Ко» фирмаси пайчиларининг биринчи йиғилиши. — Сэм одам бой бўлса виждонли бўлиши керак, деб ҳисоблайди. — Жанубий Африкада «тузланган хўкизлар» деганда нима кўзда тутилади. — Питерга от абзали сотиб олиш топширилади. — Жанубий африка молларининг ўзига хослиги. — Безакми ёки бадбашара кишилими?. — Ўлдирадиган захар ва ўлимдан сақлаб қоладиган захар. — Пастердан олдингилар.

* * *

Рухоний ҳазратлари Сэм Смитнинг дахшатли қасосидан қутулиб қолиб сирли горда ўтирар экан, Смит ўзининг янги шериклари билан маслаҳат олиб бораётган эди. Уччалари каттиқ ерга чиқиб олиб ўнг томонда Виктория конига олиб борадиган йўлни қолдириб, шаршарадан юқорирокда Замбезининг ирмоғини торайтирадиган базальт тепаликлар томонга қараб кетишган эди. Торгина сўкмоқ, тўғрироғи этагида сув айқириб ётган тоғнинг ёнбағрига ёпишган карниз уларни агрофини қалин ўсган алоэ, сутлама ва опунциялар ўраб олган майдончага олиб келди. Бу деворда тиканлар шундай кўп эдики, уларнинг олдида бутун бир зобитлар полки чекинган бўларди, бироқ ҳар ҳолда бир нечта ўтадиган жой бўлиб, шулар орқали йўловчиларимиз пастда чўзилган бепоён водийни кўришди.

Корнелис ва Питер олдиларига инглизларнинг пиёдалар взводини боқишга етадиган муздек катта бўлак қуш қўштидан қўйиб олиб, қўлларида пичокларини тутганча овқатланишга тайёрланишаётган эди. Смит эса қоя четига ўтириб олиб де Вильрож хонимнинг марҳум отаси рўмолчага чизиб берган харитани диққат билан ўрганар ва вақти-вақти билан атрофга диққат билан қараб кўярди.

– Бу факат шу ерда бўлиши мумкин, – мингирларди у. – Қаёққа ўгирилма – ҳаммаёқда шаршарадан юқори-роқда шимолдан жанубга кетаётган шу пунктир чизиги. Демак, шу ердан излаш керак. Майли! Тез орада кафр кироллариинг хазинаси тўғрисида бирор нарса билиб оламиз.

Бу охирги сўзлар иккала октанли ёввойини сакраб туришга мажбур қилди.

– Қандай қилиб? – овқатланишдан тўхтаб икковлари баравар хитоб қилишди.

Смит эса уларга ўзининг улардан юқори туришини билдириб қўймоқчидек, кибр билан жилмайиб қўйиб, деди:

– Ҳа, йигитлар, сакраб кетдинглар? Ёқиб тушдимиз?

Корнелис ва Питернинг оғизлари тўла эди. Улар фақат тасдиқлагандек бошларини ыргай олдилар, холос. Бу уларга оғизларидаги овқатларини ютиб олишга ёрдам берди ва улар шу заҳоти гапира оладиган бўлдилар.

– Албатта, жентелмен!

– Жуда яхши. Демак, илгариги фикрингизни ўзгартирмадингизми, деб сўраш ортиқча.

– Биз жон-танзимиз билан сизга тегишлимиз. Сиз буни жуда яхши биласиз.

– Энди узоқ кутмаймиз. Мен ёки жуда адашаяпман ёки мақсадга яқинлашаяпмиз.

– Буюринг, хўжайин. Биз ҳамма айтганингизни қиламиз. Бизнинг ўзаро қизиқишларимиз – сизга бўлган содиқлигимизга энг яхши кафилдир. Бироқ сизнинг эътироз қилиб бўлмайдиган ўз важдарингиз бор. – соддалик билан жавоб берди Корнелис.

– Сиз ақлсиз! – деб қўйди Смит.

– Билмадим. Бироқ мен жуда ҳам миллионер бўлгим келаяпти.

– Жуда яхши. Шундай экан, менга қулоқ солинглар. Сизлар агар мен сизни шу тик қияликка чиқишга мажбур қилган бўлсам бу оёқларингизнинг мустаҳкамлигини си-наб кўриш учун эмаслигини яхши тушуниб турибсиз.

– Сиз яхшироқ биласиз.

– Ва мен сизларни деярли одам оёғи тегмаган бу жойга сизлар тоғ хавосидан бахраманд бўлишларингиз учун ҳам олиб келганим йўқ.

– Бизга барибир.

– Бу ерда бизнинг штабимиз бўлади. Ва, ишонаверинг, мен бу ерни танлаган бўлсам, бежизга эмас.

Шу пайт Корнелиснинг ёдига Смит уни калтаклагани келди шекилли, деди:

– Сиз ҳамма нарсани қотириб қиласиз. Тўғрими, Питер?

Смитнинг юзи ёришди.

– Йигитлар, буни унутмаганингиз яхши. Бироқ, бекорчи гапларни гапиравериш етар. Ишга киришамиз! Биз ҳозир фақат менгина биладиган омбор яқинида турибмиз. Биз у ердан қурол-аслаҳа, кийим-кечак ва айникса, овқат топа оламиз. Ва шунчалик кўпки, бутун бир лашкарга етадиган даражада.

– Наҳотки? – қизиқишганча, хитоб қилишди ака-укалар.

– Демак, озиқ-овқат масаласи ҳал. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, биз хазинани қазиб олишимиз билан цивилизациялашган ўлкаларга жўнаб кетишни ўйлашимиз керак бўлади. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Бизга фургон керак бўлади – жуда бўлмаганда битта, ва йўлда касал бўлиб қолмайдиган яхши буқалар ҳам керак. Бу ердан тепадан туриб биз конга келиб кетадиган ҳамма фургонларни кўришимиз мумкин...

– ... ва биз фақат раҳматга оладиган фургонларни! – кўпол кулиб, кўшиб қўйди Питер.

– Менга каранг, дўстим! – совуққонлик билан унинг гапини бўлди Смит. – Мен Корнелиснинг ақлли эканлигини сездим. Афсуски, сиз эса, менимча ғирт тентак экансиз.

– Нега энди, жентелмен?

– Чунки бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун ҳам тўлаш керак бўла-

ди. Ва сахийлик билан тўлаш керак. Тушунарлими? Одам бой бўлганда номусли бўлиши керак. Ва виҳоят, кафр киролларининг хазинаси ҳақида ёлғиз биз билмаймиз ва фақат бизларгина уни қидираётганимиз йўқ.

– Ҳа, албатта. Учта француз бор...

– ...ва Клаас, сизларнинг қадрдон акангиз ҳам.

– Тўппа-тўғри! Биз эса уни бутунлай унутибмиз!

– Бироқ мен сизларнинг бошлигингизман ва ҳамма нарса тўғрисида ўйлашим керак! Демак, битталарингиз платодан ўнг томонга, иккинчингиз чап томонга ўтириб олиб, жануби-шарк ва жануби-ғарб орасидаги кенгликда кўринаётган ҳамма нарсани кузатасиз ва шаршарадан бошлаб дарёнинг юқори ва қуйи томонларини ҳам кўздан кочирмайсиз.

– Бу қийин эмас. Шуми?

– Ҳозирча шу.

– Мен бу «ҳозирча» жуда узоқ давом этмайди, деб умид қиламан.

– Нега?

– Чунки мен ўнг томонда, ўрмон яланглигида одамлар ва кўплаб молларни кўраяпман.

– Қандай одамлар?

– Қоратанлилар.

– Қандай моллар?

– Миниладиган ҳўкизлар.

– Ишончингиз комилми?

– Юз фоиз. Мана, улар тўхтаб қолишди. Менимча, улар шу ерда жойлашишмоқчи, шекилли.

– Иложи борица тезликда улар билан боғланиш керак. Уларнинг ҳўкизлари, сўзсиз ахта қилинган бўлса керак. Нима қилиб бўлса ҳам сотиб олиш керак! Фургонни эса кейин топамиз. Ҳўкизларни балки жиловлаш қийин бўлар, бироқ буни сизлар ўз бўйнингизга оласизлар.

– Бизга ишонаверинг, жентелмен.

– Питер, улар билан гаплашишни сизга юклайман. Паст тушаверинг ва кизганчиқлик қилманг. Мен алма-

шиш учун турли-туман молларни таклиф қилишим мумкин. Ва ҳақини ҳўкизларни қўлга киритгандан сўнг уч кундан кейин тўлайман. Айтганча, Виктория конидаги одамлар билан алокаларингиз қандай?

– Жуда ёмон. Улар биз Корнелис билан уларга хазина қаерда эканлигини кўрсатиб беришимизни талаб қилиб, бизни экспедицияга бошлик қилиб қўйишди, биз эса кетиб қолдик.

– Демак, янги рақиблар! – истехзо билан деди Смит. – Кўрамиз. Ҳозир эса, Питер, боринг. Ва эҳтиёт бўлинг. Ҳар қандай учрашувдан қочинг ва бизнинг келажақдаги сотувчиларимиздан ўрмон ичкарироғига киришни илтимос қилинг. Французларда буни бузқони олмай туриб, аркон сотиб олиш, деб аталади. Бироқ бизда танлов имконияти йўқ, дуч келган биринчи имкониятдан фойдаланиб қолишимиз керак. Боринг.

– Хайр, жентелмен.

– Хайр, дўстим.

Смит яна қўлидаги харитани ўрганишда давом этди, Корнелис ўз кузатув пунктига жойлашди, Питер эса хотиржамлик билан қия сўқмоқдан пастга тушиб кета бошлади.

У ҳўкиз эгаларининг олдига икки соатлар ичида етиб борди ва отлиқларни – агар шохли мол миниб юрадиганларни отлиқ деб аташ мумкин бўлса, шу заҳоти таниди: бу одамлар мақололо қабиласидан эди.

Питер бу одамларнинг тили ва одатларини биларди ва уларга бутун қонун-қондасини келтириб эҳтиром билан гапира бошлади. Уни жуда ҳурматини келтириб, бунинг устига у оқтанли бўлгани учун ҳам, кутиб олишди. Мақолололар хайвонларни яхши кўришларини билиб, у бутун подани кўздан кечирди ва худди билағонлардек, мақтаб қўйди.

Чиндан ҳам, унинг ўрнида истаган чорвадор кўраётган нарсасидан маза қилган бўларди. Жанубий Африканинг туб аҳолисининг молларни кўпайтириш усулларини эшитган ҳар қандай одам ҳам ажабланган бўларди.

Попада икки хил турдаги буқалар бор эди. Уларнинг бир турини «баток» деб аташар, чунки уларни батоклар кўпайтиришар эди. Бу буқаларнинг бўйи унча баланд эмас, қомати келишган ва жуда осонлик билан уйга ўргатса бўлиб, уларни бемалол миниб юриш мумкин. Улар ўзларининг қувноқликлари билан ажралиб туради. Подачи, агар у олдинда кетаётган бўлса, бир сакраса бўлди ва бутун пода сакрай бошлайди. Кечқурунлари эса улар гулхан атрофига келиб, ўз эгалари билан бирга ухлайдилар, уларни боғлаб қўйишнинг ҳам ҳожати йўқ.

Иккинчи тур молларни эса «бароти» деб – бу молларнинг ватани бўлмиш водий номи билан аталади. Бу буқаларнинг бўйлари баҳайбат. Ҳатто, бўйи туёғидан елкасигача икки метр бўлган нусхалари ҳам учрайди. Пайдор оёқлари узун ва шохларининг узунлиги икки ярим метргача етиши мумкин.

Хитойликлардан кўра сабрлироқ бўлган ва улар каби ғаройиб нарсаларни яхши кўрадиган кафрлар бу шохларга ғаройиб шакллар беришни яхши кўришади. Левайяндан бошлаб Ливингстонгача бўлган сайёҳлар думалок ва спираль шаклида бўлган буқа шохлари ҳақида ҳайрат билан ҳикоя қиладилар. Битта буқанинг тўрт, олти ва саккизта шохи бўлиши мумкин, бошқасининг эса шохлари қўшилиб кетиб ўсган ва бир шох кўринишини беради ва ҳоказо.

Левайян маҳаллий чорвадор-рассомлар бундай натижага қандай эришганларига қизиққан. У ҳам шу нарсани ўрганмоқчи бўлган ва ўзининг ҳазиллашиб айтишича, тўлиқ курсни ҳам ўтаган.

Кафрлар бузоқчаларни ҳали жуда кичкиналигида олишади. Шохчалари пайдо бўлиши билан пичоқми ёки бошқа бир кесадиган нарса билан шохда кўндалангига кесик қилишган. Шундай қилиб, ҳар бир шох иккига бўлинган. Бу ёшда тўқималар энди шаклланаётган бўлади, шунинг учун шохнинг иккала бўлаги биргалашиб кета олмайди, аксинча ажралиб бир-биридан алоҳида ўса бош-

лайди ва натижада иккига эмас тўртга шох пайдо бўлади. Агар молнинг эгаси тўртга эмас, олти ёки саккизга шох ўсишини хоҳласа, арра билан шунга яраша ишлаши керак бўлади. Агар шохнинг маълум бир қисми ёки ҳаммаси доира шаклида бўлишини хоҳласа, кафр шохнинг учи яқинидаги энг юқори қисмининг устки қаватини, шохнинг учига тегиб кетишдан эҳтиёт бўлиб, олиб ташлайди. Агар шу операцияни тез-тез қайтариб турилса, шох букила бошлай ва ниҳоят ҳайвоннинг шундоқ пешонаси устида асоси билан бирлашади ва шох юмалоқ шаклни олади. Бундай усул билан молнинг шохига саноксиз ва турли-туман шакллари бериш мумкин.

Молларнинг «Батока» турида шохлар ўсмайди, дейиш мумкин. Бирок кафрлар бундан хижолат чекишмайди. Улар ҳайвоннинг терисини ўзгартириш билан кўринишини ўзгартиришади. Улар ўз буқаларини зебрага ўхшатишлари мумкин. Бунинг учун улар ҳайвоннинг бўйни, сағри ва умуртқасига қиздирилган поналар қўйиб, жунини йўл-йўл қилиб куйдиришади. Баъзилар эса ҳайвоннинг боши атрофида, бели ва оёқларида чизиклар кесиб, яраларига эса жуда усталик билан чок қўйиб чиқишади, натижада зўрга кўринадиган чандиклар қолади, кесиб чиқилган терининг бўлаклари худди шокиладек, билакузукдек бўлиб осилиб ётади.

Бошқа усулларни қолдириб ўтаман.

Ҳайвонлар бу дахшатли операцияларни жуда гаройиб хотиржамлик билан ўтказадилар. Аслида бу ишни бажарадиганларнинг усталиги сабаб бу операциялар деярли оғриқсиз бўлади. Бу майиб қилиш бўйича усталар машҳур ёзувчи Виктор Гюго ўзининг «Кулаётган одам» асарида гапириб ўтган компрачикосларни эсга солади.

Кафрларнинг буқаларини эгарласа ҳам бўлади, бўйинтурук солса ҳам бўлади ва улар одамга чексиз хизмат кўрсатади. Тажрибали молбоқарлар қўллайдиган баъзи чоралар сабаб, бу молларга бутун подани йўқ қилиб ташлайдиган «буқалар касаллиги» деб аталадиган маҳал-

лий касалликлар якин келмайди. Балки бу касалликнинг номи жуда аниқ эмасдир, бироқ мен бу номни инглизлар Кап колониясида ва голландияликлар Ваалда ишлагадаган «ўпка касаллиги» деб аталадиган атамадан афзал кўраман. Бу касаллик маълум бир жойга ҳос касаллик бўлиб, бутун Жанубий Африка бўйлаб, айниқса 15° ва 27° жанубий кенгликлар орасида авжига чиқади. У бирдан кучли ўпка шамоллаши билан бошланиб ўндан етти ҳолда ўлим билан тугайди. Мен бу шамоллашнинг ҳолати ва сабабларини давримизнинг машҳур олимларидан бири бўлган Пастор тошган куйдирги касаллигига ўхшатаман.

Чиндан ҳам, ўлган молнинг гўштини еган одамлар куйдирги билан оғриганлар; касал молнинг қони теккан истаган жиҳоз қилган қилган яра-чақа ҳам куйдирги касаллигини чақирган. Миссионерларнинг айтишларига кўра, бундай ҳолатлар жуда кўп учраган, кафрлар эса ўлган ҳайвонларнинг териларидан ўзларига қалқон ясаб олганларидан сўнг эса жуда кўплаб вафот этишган.

Маҳаллий аҳоли уларнинг подалари учун вабо бўлган бу касалликка қарши ҳеч қандай даво топа олмаган, бироқ одамни ҳайратга сола оладиган эҳтиёт чораларини қила олишган. Шундай усуллардан бири эмлаш. Ҳа, ҳа, сиз янглишмадингиз – айнан эмлаш. Буюк Пастернинг ёзган назариялари тўғрилиги фақат якин кунлардагина исботланган тажрибаларидан анча илгарироқ бечора африкалик кафрлар бу касаллик билан фақат эмлаш орқалигина курашиш мумкинлигини топишган.

Биз табиатнинг энг қадимги фарзандларининг кўр-кўрона эмпиризмини Пастернинг илмий услублари билан солиштиришдан йироқмиз. Олим ўз назарияларининг бундай янги ича ва кутилмаган талқинидан фақат хурсанд бўлса кеарк.

Мана, кафрлар нима килишади.

Ҳалок бўлган ҳайвоннинг қорнини ёриб, ичидан ўпкасини олишади: касалликнинг кўзғалиши ана шу ўпкадан бошланади. Ўпкани паст оловда мис идишда қайна-

тишади. Қайнатилгандан сўнг олинган массани пахтадан қилинган тампонга шимдириб олиб, узун игна ёрдамида соғлом ҳайвон думининг пастки қисмига юборишади. Кейин тампонни жойида ушлаб қолиш учун чок солинади ва шу билан операция тугайди.

Тез орада эмлаш ўтказилган жойда озгина шамоллаш аломатлари кўринади, бироқ ҳайвон касалланмайди. У фақат думини йўқотади, кесилган жой баъзан озгина йиринглайди.

Таъкидлашларича, эмлаш ўтказилмаган молларда ўлим ҳолати ўндан етти қисмида бўлса, эмлангандан сўнг ўндан уч қисмидан ошмайди.

Пастернинг кашфиёти билан ким таниш бўлса, кафрларнинг бу усулларининг асосий хислати эмлашда эмас, балки вируснинг олдиндан қайнатиб олинишида. Ҳамма гап ана шунда. Агар вирус соғлом танга табиий ҳолда киритилганда у, албатта касаллик ва ўлим чакирган бўлар эди. Бироқ маълум бир даражадаги температура остида вирус ўз кучини йўқотади ва ҳайвон организмга кучсизланган вирусни киритилиши натижасида ҳайвон касалликни жуда енгил формада ўтказади ва бу касаллик қайталанмаслиги сабабли, ҳайвон яна касалланади, деган таваккал йўқ.

Бироқ мақололо қабиласига қайтамыз.

Уларнинг калта думи улар эмланганининг исботи эканини кўрсатиб турадиган буқалари қанчалик қимматбаҳо эканини англаб олиш қийин эмас. Аравага қўшилдиган бундай ҳайвонга эга бўлган сайёҳ кўнгли тортган номаълум жойларга бемалол йўлга тушиши мумкин. Бунинг устига у цеце пашшаси бор жойлардан нарироқ юрадиган бўлса, секинлик билан бўлса-да, у цивилизациялашган жойлардан йироқлашяптими ёки мўйналар, фил суяги ёки туякуш пати ортилган юк билан қайтиб келаётганидан қағъий назар, деярли ўз мақсадига етади.

Алоқа қилиш қийинлиги сабаб бу ерларда америкаликларнинг «вақт – бу пул» деган қондасига амал қилиш-

нинг деярли имкони йўқ. Бу тадқиқ қилинмаган ерларда на қоратанлилар учун, на оқтанлилар учун гўёки вақт тушунчаси йўқдек. Арзимаган олди-сотди ҳам узоқ чўзилади. Питер иш узоқ чўзилишини билиб, жуда бўлмаганда бу қабила одамлари билан вақтини яхши ўтказиш ғамини еб қўйган эди.

У етарли даражада айёр эди ва шоша-пиша таклиф киритиш мумкин эмаслигини яхши тушунарди: шошилиш бу ишнинг муваффақиятли тугашини йўққа чиқарарди. Сэм Смитнинг буйруғини ёдида тутиб, у қоратанлиларни Виктория конидан нарироққа кетказиш учун ўзининг ҳамма айёрлигини ишга солди. Унга бунда тасодиф ёрдам берди: бу ерларда мोकунлар кўп ўсган бўлиб, ўз ҳайвонлари учун қўрқиб кетган молларнинг эгалари ғамхўрлиги учун Питердан жуда миннатдор бўлишди. Шундан сўнг Питер жуда усталик билан қабиланинг сардоридан агар ундан поданинг бир қисмини беришини сўрашадиган бўлса у нима дейишини сўрай бошлади.

Жавоб қатъий даражада салбий эди. Бундан Питернинг хоҳиши янада кучайди. Қоратанлилар биттагина бўлса ҳам буқаларини сотишга ҳеч кўнишмади. Питер ўзининг норозилигини яшириб, ўйлаб қўйди:

«Майли! Сотишни истамаётган нарсангизни ҳали текинга берасизлар! Бу қораялоқларнинг ҳаммасини сўйиб ташлашга тўғри келса ҳам, буқалар меники бўлади!»

САККИЗИНЧИ БОБ

Кайф-сафо. — Клааснинг қурбонлари. — «Қуроллар қўлга олинсин!». — Катта оғизлик. Парламентёр. — Ультиматум. — «Октанлилар! Бу ердан кетинглар!». — Халқаро ҳуқуқлар бузилишининг оқибатлари. Қизил патли найзалар. — Ичкиликбозлик нима билан тугади. Питернинг ўчиши. — Кайманнинг янгидан пайдо бўлиши. — Одамхўрлар

* * *

Тунги суд мажлиси бирдан узилиб қолган пайтда, линч қилаётганлар илонларнинг бостириб келинаётганидан қўрқиб, югурганча ковокхоначининг уйига ёпирилишган эди. Бу ҳурматли савдогар ўзининг кунда-шундаларини яхши билгани учун, кеч бўлганига қарамай, ковокхонасини ёпмаган эди. У суд мажлиси давомида одамларнинг кизиқиб кетишлари ва жайдари суд ҳакамларининг доимий чанқоқликлари ҳаддан ошишини олдиндан кўра билган эди. Бундан ташқари, машъалалар ёруғида иккита одам осилиши кутилаётган эди. Одатда бундай томоша пайтида одамларда пайдо бўладиган ҳаяжон уларнинг ошқозонларида акс этиб, уларнинг бемаза ичкиликка бўлган бўлган талабларини оширарди. Олтин ва олмос конларида ўтказган узок умри давомида қаҳвахоначи бундай манзараларга тўйгани сабаб, ўз иш жойида қолган эди. Қаршилиқ қилишларига қарамай, у хизматкорларини ҳам ташқарига чиқармаган эди. Улар дорга осилишганини кўришни жуда ҳам хохлашаётган бўлсада, қолишга мажбур бўлишган, чунки ковокхоначи бўйи беш фунт-у ўн дюйм бўлган гавдали боксёрлар каби бақувват йиғит эди. Ҳамма мижозларнинг келишига тайёрланарди. Пунш солинган катта финжонлар шундай тагига гугурт чакилишини кутарди; қандайдир шубҳали

шампанское солинган шишаларни қатор қилиб тизиб, атрофига яраклатиб артилган қалайи финжонлар терилган эди. Кўплаб муҳрлар босилган қалин матодан тикилган қоплардан дудланган чўчка гўшти ва устида тузлари кўриниб турган апчоуслар чиқиб турарди. Шунинг орасида ошхонада юта олиш учун тунукадан қилинган ошқозонлар керак бўладиган ёндирадиган қоришмалар тайёрланар эди.

Бирдан узоқдан шовкин эшитилди. Хўжайин кулок солиб туриб кулокни теша удек овоз билан хизматкорларга бақирди:

– Ҳамма жой-жойига!

Одатда, «Қуроллар тайёрлансин!» деб артиллерия капитани шундай буйруқ беради.

Бир зумдан сўнг ҳамма хизматкорлар меҳмонларнинг очиб турган оғизларига спиртли ичимликлар оқимини қуйиш учун тайёр ҳолда ўз постида турарди. Шовкин қучайгандан қучайиб, гулдурашга айланиб кетди. Одамлар тушунтиришнинг ҳожати бўлмаган ҳаяжон билан югуриб кириб келишарди. Шу заҳоти пунш ловуллаб ёниб кетди, шампанское шишаларидан отилган пробкалар пақиллай бошлади. Фейерверклар жўрлигида салют отилаётганга ўхшарди.

Сўнгра ҳамма овқат ва ичкиликка ёпирилди.

Бундай ичкиликбозликни қонда шу пайтгача ҳали ҳеч ким кўрмаган эди.

Шовкин-сурон, кий-чув! Ҳамма барабар гапирарди, ҳеч ким эшитмайди; ҳамма тунги суднинг қутилмаган якунини ўзича тушунтирмоқчи бўлади. Байрамнинг тўлиқ бўлиши учун фақат биргина нарса етишмаётган эди: айбланувчиларни осиймаган эди! Бироқ, бунинг ўрнига илонлар, ҳаваскор жаллоднинг даҳшатли ўлими ва мастер Вильнинг деярли шубҳасиз вафоти бўлган эди. Бу ҳодисаларнинг бари ўтқир ҳиссийларни ёқтирадиганларнинг хоҳишларини вақтинча қондириб туриш учун етарлича қизиқдир. Айбланувчиларнинг кейинги ҳаёти билан қизиқиб кўриш, албатта ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам

келгани йўқ. Ҳатто, Инженернинг йўқлигини ҳам зўрга сезиб қолишди. Ўйлайдиган нарсаси етарли эди!

Бироқ, айбланувчилар чиндан ҳам айбдорми? Улар ўзларини жуда мардонавор тутишган ва бунга одамлар тан беришган эди, чунки бу турдаги қаланғи-қасанғи одамлар жасурлик нима эканлигини жуда яхши билишар эди.

Айбланувчилар ҳам илонлар бостириб келишнинг қурбони бўлишдими ёки кутула олишга эришишдими – нима бўлган тақдирда ҳам уларни яқин орада кўра олмасликлари учун гаров ўйнаш мумкин эди. Демак, улар тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам одамларнинг ичишдан бошқа ишлари йўқ эди. Базми-жамшид ҳар хил тилларда айтилаётган мастона қўшиқлар ва тинмай бақир-чақирлар билан давом этарди. Вақти-вақти билан тўйиб вино ичиб олган қандайдир пиёниста ўрнидан сирпаниб тушиб, қўлларини силкитганча стол тагига ағанарди. Унинг йиқилишини бақириб кулганча қарши олишар ва тез орада баланд овозда хириллаган хуррак товуши брезентдан қурилган бутун бинони тутган шовқинга қўшилиб кетаётган эди. Бу одамлар орасида ҳеч қандай меъёрни билмай ичиб ҳам маст бўлмайдиганлар бор эди. Бундайларга бошқа кўзгатувчи керак эди. Ковоқхоначи уларга бир пайтнинг ўзида ҳам ҳайрат ва илиқ ҳамдардлик билан қараб туриб, ниҳоят уларга ёғ босган қарта ҳамда ёғ, ичкилик ва балки кон доғлари билан қопланган мовут келтириб берди. Ўйин жуда жўшқин кетаётган эди. Рандаланмаган стол устига тўкилаётган тикилган пуллар шунчалик кўп эдики, буни кўрган, одатда ўз пулларини бизнинг номи кетган клубларимизда сарф қиладиган бирор бойвачча ҳасаддан қўйиб кетган бўларди. Қичқириқлар секин-аста тина бошлади. Тез орада фақат тикилган пулларгина тортилаётган кичкина тарозининг товуши билан понтерларнинг даққиларигина эшитилаётган эди.

Вақти-вақти билан сукунатни бирор ютқизаётган омадсиз ўйинчининг товуши ёки омади келиб ютган ўйинчининг қувонч билан қийқирган овози бузиб қоларди. Ҳаммаёқдан олмос оқиб келарди. Ҳамманинг қийшайиб кетган юзида, ҳамманинг кўзида очкўзлик акс этарди. Бойлик орттириб олиш ёки узоқ ва оғир меҳнати натижасини, шунча азобларининг мукофотини йўқотиш учун бир неча дақиқа кифоя эди.

Бой ўлжалар яширилган жойлар очилди ва ҳозиргина жуда катта миқдордаги бойлигини йўқотган ўйинчи ярим соатга йўқ бўлиб кетиб, бутунлай терга ботган, қўллари лой, бироқ чўнтаклари тўла ҳолда қайтиб келаётган эди.

Баъзилар омаднинг хатоси деб ҳисоблаганларини тўғриламакчи бўлишди.

— Муттаҳамлик қилинмасин! — уларга қараб қичқиришади ютқизганлар.

— Мен! Мен муттаҳамлик қилаяпманми? Ёлғон гапираяпсиз!

— Мен эса қартангиз белгилаб қўйилган, деяпман. Хўжайин, ушланг уни! У қаллоблик қилаяпти.

— Қўлингни торт ёки ҳозир қорнингни ёриб ташлайман!

— Жим! — аралашди ковоқхоначи. Унинг овози товуш пайларини бузиб қўйган атлетларникидек хиркирок эди. — Жим бўлинг, дўстим! Мен муштим билан бир уриб башарангизни ёриб ташлашим мумкин, бироқ мен мана бунга афзал кўраман... — У жанжал бошлаётган одамнинг шундай бурни остига «Бульдог» русумли револьверини суқиб, истеҳзо билан кўшиб қўйди: — Қани, йўқолинг бу ердан! Ёки тагингизда яшириб турган қартани кўрса-тинг. Тезроқ! Майнабозчилик қилишнинг ҳожати йўқ! Револьвер ҳам муштнинг ўзи, фақат йигирма беш қадам наридан уради. Мен бунга кафилман.

Қаллоб ўйинчи ўрнидан туриб, ёлғон билан ютганини қайтариб берди. Шундан сўнг ўйин, мабодо қаллоб ўйинчининг қайсарлиги тутиб қолмаса, яна худди шундай тугаган янги жанжалгача давом этди.

Бироқ шу куни ҳамма нарса жуда тез ҳал бўлди. Ўқ овози янграб, қаллоб ўйинчининг мияси кўшниларга сачраб кетди. Сўнгра оломон ичидан иккита одам жасаднинг боши ва оёғидан ушлаб эшик олдига олиб боришди. Ўлганларнинг сонини зиёфат охиридагина санашади.

Бу даҳшатли зиёфат бутун кун давом этди. Тун ҳам жуда тез ўтиб, ўйинчилар тарқалишни хаёлларига ҳам келтиришмаётганди. Тонг отди. Ичиб олганлар бирин-кетин уйгона бошлашди. Уларнинг бутун таналари оғриб, оғизлари қуриб кетган эди. Улар яна тўйиб ичиб олишгач, ҳамма нарса яна янгидан бошланди. Чўнтаги тўла бўлганлар ютқизганларнинг ўринларини эгаллашди, ютқизганлар эса ютганлар ҳисобига ичиб олишиб, стол остига думалашди. Одамлар шунчаки ўринларини алмаштиришаётган ва буни ҳеч ким сезмас, ҳеч ким бунга эътибор ҳам қилмаётган эди. Бориб ишлаш тўғрисидаку, гап ҳам бўлиши мумкин эмас, участкалар бўм-бўш, ҳеч зог йўқ эди.

Виктория кони, — тўғри у яқингинада очилган эди, ҳали бундай томошани кўрмаган эди. Бир ютқизиб, бир ютиш бу одамларга ёмон таъсир қилаётган эди. Пиёниста оғзидан тасодифан учган биргина оғиз сўз ва ҳамма, асосан меҳнаткаш бўлган одамлар ақлдан озгудек бўлишар эди. Кимлардир омад бир мартагина келиши, фақат бир мартагина ва кўз очиб юмгунча ҳеч қандай меҳнат қилмасдан эртақлардагидек бойликка эга бўлиш мумкинлигини таъкидлашар эди. Ахир икки кунгина бурун кўплар ҳамма шундай ишонч билан гапираётган эртақдаги хазинани қидиргани кетишмаганмиди?

— Ва эслаб кўринг, — гапида давом этди гапираётган одам, — улар кетишаётганда биз уларнинг устидан кулгандик ва уларнинг тезда қайтиб келишларини айтгандик, бироқ ҳеч ким қайтиб келмади! Ахир бу нарса хазинани қидиришлар биз ўйлагандек бекор эмаслигининг исботи эмасми?

Шу пайт бу сафсатабозликка чек қўйиб, ичиклик ва хасисликдан қизиб олган «Баракалла!» деб қичкираётган пиёнисталарни жим қилиб, кутилмаган ҳодиса рўй берди.

Қовоқхонага нотиқ ҳозиргина тилган олган одамлардан ўн иккитачаси кириб келди. Уларнинг қўйлаклари йиртилиб кетган, қўринишлари жуда ачинарли, бир-бирларини зўрға ушлаб туришар ва афтидан чарчов ва очликдан мана ҳозир йиқилиб тушадиганга ўхшашар эди. Бу ҳолат яна шуниси билан жуда даҳшатли қўринар эдики, бу одамларнинг уч-тўрттасининг кўкрак соҳаларида очик яралар бор эди. Бунинг устига уларнинг ҳаммаси деярли кўр эди: бу уларнинг қип-қизил бўлиб, йиринглаб кетган, тинмай учаётган қовокларидан қўриниб турарди.

Хонадаги қувноқлик кутилмаганда бўлиниб қолди. Ўрнига ўлик жимлик чўқди. Қимор ўйнаётганлар қарталарини ташлашди, ичкилик ичиб ўтирганлар финжонларини нари суришди, чунки бу шарпага ўхшаб қолган одамларда улар катта умидлар билан кафр кироллари-нинг хазинасини қидиришга жўнаб кетган ўз биродарларини таниган эдилар.

Шундан сўнг ҳар тарафдан хитоблар ёғила бошлади:

– Нима гап? Нима бўлди? Ахир улар оёғида зўрға туришибти!.. Хўжайин! Ичкилик келтиринг! Бу бечораларга ейиш– ичишга нарсa беринг! Тезрок!

Қовоқхона эгаси ғимирлаб қолди ва ўттиз олти соат тик оёқда туриб ишлаганларидан сўнг йиқилиб қолай дейётган хизматкорларига бақира бошлади.

– Жентелменлар, – зўрға гапирди янги келганлардан бири, – тревога!

– Бу билан нима демокчисиз?

– Қуролларингизни тайёрланг! Бизга ҳужум қилишадди! Орқамиздан қоратанлилар қувиб келишаяпти. Улар ҳамма шерикларимизни отиб ташлашди! Қуролларингизни тайёрланг!

Бир зумда ҳамманинг кайфи тарқаб кетиб, сакраб ўрнидан туришди. Қиморбозлар ютганларини бир зумда

беркитишиб, стол устида ётган револьвер ва пичокларини қўлларига олишди. Револьверларнинг барабанлари ва пичокларнинг пружиналари шақирлаётгани эшитилиб турарди.

— Қоратанлилар? Сизларга қоратанлилар ҳужум қилишди деяпсизларми? Қизиқ! Ким улар?

— Ҳаммасига Питер сабабчи! Мараз, у бизни сотиб кетди ва бизга қарши бутун бир қоратанлиларнинг лашкарларини гижгижлади.

— Ҳа, шунақами? Келиб кўришсин-чи! Биз уларни шундай кутиб олалики, узоқ эслаб юришди!

Ақли бор одам бундай мақтанчоқликни эшитиб, елкасини қисиб қўйган бўларди. Тўғри, бу ерда қоратанлиларни кутиб оладиган юз эллик, икки юзтача қуроолланган одам бор эди. Бироқ аynи пайтда бу одамларнинг жуда озчилигигина ҳимоя қила олиш қобилиятига эга эдилар. Ўта қуюқ бўлган ичкиликбозликдан кейин улар оёқларида зўрга туришар ва агар отишларига тўғри келадиган бўлса бу ҳолат уларнинг душманлари билан бирга шериклари учун ҳам хавфли шароит эди.

Бироқ, шу нарсани ҳам тан олиш керакки, оддий пайтларда бу одамлар нисбатан осон ишларни бажарганлар, тўқ яшаганлар ва атрофларида бутунлай беозор одамлар бўлган.

Умуман айтганда булар, кўпчилиги ўз ижтимоий ҳаётидан бутунлай узилиб қолган одамлар бўлса-да, оддий пионерлар эди, бироқ улар ўзларидан олдинги калифорниялик олтин қидирувчилардан фарқли ўлароқ, жасоратли эмасдилар. Калифорнияликлар доимо хушёр туришар, уларни ўзлари доим тинимсиз уруш ҳолатида бўлган жанговар қабилалар қуршаб туришар ва улар Шимоллий америкалик қизилтанлилардан уларнинг даҳшатли ҳужум қилиш ва ҳимояланиш усулларини ўзлаштиришган эди. Доимий курашдан иборат ҳаёт, доимо жазодан кўркиш, бошининг терисини сочлари билан шилиб олинишидан иборат доимий ваҳима улардан ҳар қандай душ-

манни киприк кокмай қарши олишга тайёр жангчиларни ясаган эди.

Қисқа қилиб айтганда, ўша мардонавор одамлар Виктория конига ҳужум қилмоқчи бўлган қоратанлиларни бир зумда енга олган бўлишларига гаров ўйнаш мумкин эди.

Бироқ бу коннинг аҳолиси фақат доим ёки ўлдириш билан ёки шунчаки муштлашув билан тугайдиган муштлашишга ўрганган эди. Улар Соноранинг вақтинча лашкарлари, одатда ғалаба билан чиқадиган киз-ин кураш олиб боришга қодир эмас эдилар.

Шундай бўлсада, улар ўзларига келиб олиб, ўзларини ҳимоя қилиш учун бир амаллаб тайёрлана бошладилар. Йўл-йўлакай улар ўз шерикларининг эвфорбия шарба-ти билан заҳарланган сувда чўмилаётганларида қандай бахтсизликка дуч келишгани ва шундан сўнг уларга Зуга ва бушимен ёрдам беришгани, конга қандай қайтиб келишгани, мақололо қабиласидагилар билан қандайдир музокаралар олиб бораётган Питерни учратишганини билиб олишди. Ўзларини қийин дақиқаларда ташлаб кетган ўзларининг собиқ йўлбошловчиларини кўриб, улар ғазабга минишган экан. Улар Питерни ушлаб олмоқчи бўлишган, ва бу ҳолда, албатта Питернинг холига маймунлар йиғлаган бўларди, бироқ кафрларнинг оқтанлилар жанжалларига аралашмаслик ҳақидаги одатларига қарамай, Питерга унинг қоратанли шериклари ёрдам беришибди. Улар қутилмаганда оқтанлилар устига ташланишиб, бир неча дақиқа ичида уларнинг тўртдан уч қисмини кириб ташлашибди. Кўпчилиги яраланган, тирик қолганлар эса, зўрга қочиб қолишибди.

Янги келганларнинг бу ғамгин ҳодиса ҳақидаги ҳикоялари тугар тугамас, ёввойи қичкириклар эшигила бошлади. Улар шу яқин орада, брезент деворнинг орқасида беш-олти кадам нарида эшитилаётган эди. Ҳужум бошланишини кутиб, ҳамма ўз қуролини тартибга келтирди ва ҳали ҳам зиёфатнинг қолдиқлари ётган столлар орқасига ўтиб олишди.

Бирдан қўполлик билан юлиб олинган хонага кираве-ришни тўсиб турган парда қўпол учиб кетди ва ҳаммани ажаблантириб хонага биргина одам — қоратанли кириб келди. Унинг эғнида, ҳатто оз вақт бўлса-да, маданиятлашган одамлар орасида бўлган қоратанлилар киядиган латта-путта ҳам йўқ эди. У ҳамманинг кўзи олдида кўҳна африкаликларнинг ажойиб кўриниши ҳолда пайдо бўлди: кўкраги олдинга чиққан, боши мағрур орқага ташланган, қўлида найза. Қора дарахтдан йўнилгандек бу жуссадор гавда, бу бақувват мушаклар, бу мардонавор юз ифодасини кўриб ҳамма ҳайратда қолди.

Баррикада ортига ўтиб олган одамларга, уларнинг револьверларига ва ялтираган пичоқларига ҳеч қандай эътибор ҳам бермасдан, у индамай олдинга қараб юриб, хонанинг ўртасида тўхтади. Бунчалик ўз-ўзига ишончдан ҳамма ҳайратда қолган, бироқ агар одам ўзини шунчалик баланд тутаётган бўлса, демак унинг орқасида катта Кучлар борлигини фараз қилиб, жим туришарди.

Қовоқхона эгаси ўзини гап бошлашга маъсул деб билиб, бир неча қадам ташлади ва бу кирган одам одатдаги миждоз каби, мулойимлик билан гап қотди:

— Нима хоҳлайсан?

Қоратанли бир дақиқа жим турди, ҳаммага бир-бир кўз ташлаб чиқди, найзасига яна ҳам қаттиқроқ суяниб, бузук, бироқ тушунарли инглиз тилида жавоб берди:

— Оқтанли одамлар бизнинг оталаримиз мамлакатига доим ҳўкизлар қўшилган катта фургонларда келишарди. Улар ов қилишар, фил суяги ва туякуш пати ўрнига бизга мато, маржонлар ва оловли сув беришар эди. Улар самий, оккўнгил оқтанлилар эди. Улар солиқ тўлашар ва бизнинг одатларимиз ва эътиқодимизни ҳурмат қилишар эди.

— Бу қораялоқ нималар деб тўнғиллаяпти? — қўполлик билан унинг гапини бўлди қовоқхона эгаси.

— Жим! Жим! — бакиришди ақллироқ меҳмонлар. Бу қоратанли воиз нима деяётганини эшитиб, улар ҳам-

ма нарсани арзимаган совға-салом билан жойига қўйиш мумкин, деб умид қилишаётганди.

Қоратанли эса қилт этмай, гапида давом этди:

– Сизларга келадиган бўлсак, айни дақиқада мен му-рожаат қилаётган октанлилар, биз нима ўйлашимизни сўраб ҳам ўтирмай, бизнинг ерларимизни босиб олдин-гиз. Сизлар олов пуркайдиган ҳар хил нарсаларингизни олиб келиб, бизларни ўз ерларимиздан ҳайдаб чикар-дингиз. Биз ҳаммасига чидадик, чунки Дауд бизни сабр қилишга ўргатган эди. Биз сизнинг олдингизда чекиниб, баримлар яшайдиган Мози-оа-Тунья яқинида паноҳ топ-дик. Сизлар эса яна олдинроққа ҳаракат қилдингиз ва айни пайтда Мотсе-оа-Баримосдан бир неча масофада турибсиз. Октанлилар! Сизларнинг бу ерларда бўлишин-гиз биз учун ҳақорат ва бизнинг худоларимизга нисба-тан шаккокликдир. Энди сизларга нафақат фил суяги ва туяқуш патлари, балки бизнинг ота-боболаримиз ху-доларимизнинг овози келадиган ғорларга кўмиб кетган тошлар ҳам керак бўлиб қолди. Ҳеч қачон бундай бўл-майди! Сизлар бу ердан кетасиз, бу жойларни қолдириб жанубдаги ерларга кетасиз. Октанлилар, мен сизга айт-дим, сиз эшитдингиз. Кетинглар! Шундай қилиш керак! Мен буюраман!

Қовокхона бўйлаб қаттиқ қахқаҳа янграб, бу виқор билан янграган ультиматумни босиб кетди. Ҳамманинг кайфи тарқаб кетди. Тинглаётганларга шу пайтгача ҳеч ким ёнини олмаётган одамнинг овозини бир зумда ўчи-риб қўйишадиганга ўхшаб туюлди. Ҳатто, бу қоратанли уларга тентакка ўхшаб кўриниб, қулгидан ичаклари узил-гудек бўлди. Тўрт томондан қалтис ҳазиллар эшитила бошлади.

– Тўғрисини айтсам, бундан зўр тулум ясаса бўлади?

– Йўқ, буни қаранг-а! Фойда келтириб турган қонни ташлаб кетиш!..

– Гўё биз уларнинг худочаларини сиқиб қўяётган-дек!..

– Хўжайин, унга бир шиллинг бериб юборинг!

– Унги яхшиси бир рюмка кап-бренди беринг...

Ўйламай айтилаётган бу хитобларни натижаси даҳшат бўлган воқеа тўхтатиб қўйди.

Афтидан, қўлида тинмай револьверини ўйнаб ўтирган пиёнисталардан бири эҳтиётсизлик қилиб унинг тепкисини босиб юборди. Гумбурлаган ўқ овози эшитилиб, ўқ тасодифан, қоратанлининг елкасига тегди.

Ўзининг яралангани қоратанлини қутуртириб юборди. У бутун гавдаси билан титраб, ранги, одатда қоратанлилар оқарадигандек оқариб кетди: териси кулранг тусга кирди. У ўзининг бахтсиз тасодиф қурбони бўлганини ҳазм қила олмаётган эди.

Бу қоратанли одам ушбу халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрларининг қўпол, бироқ афтидан, тасодифий бузилишида ифлослик ва разилликни кўрганди.

У даҳшат билан кичкириб юборди. Ўқдонидан оқ патли найза чиқариб уни ярасидан оқаётган қонга булғад ва уни ерга санчиб, кичкирди:

– Оқтанлилар! Мен урушни хоҳламаётган эдим! Бироқ сизлар буюк қабиланинг элчисини ярадор қилдингиз. Ҳаммангиз кириб ташланасиз. Сизларга қизил патли найзалар ёғилади.

Йўлбарсларга хос тарзда бир сакраб, қоратанли кўздан йўқолди. Ҳамма ҳайратда, нима қилишни ҳеч ким билмасди.

Қоратанли қилган пўписанинг амалга ошишини кўп кутишларига тўғри келмади. Бир неча дақиқа ўтмай, қоратанли пайдо бўлишидан сал олдин бўлганидек, яна янги куч билан бакир-чақир ва бўкиришлар бошланди. Бир сония ичида чодир юз еридан йиртилиб, ичкарига бир тўда шайтон киргандек бўлди. Ҳаммаси онадан янги туғилган чақалоқдек яланғоч, баданларига қалин қилиб буйвол ёғи суртилган, учига нгуа заҳари суртилган унча катта бўлмаган найзалар билан қуролланган оломон оқтанлилар устига ғазаб билан ёпирилишди.

– Ўлдир! Ўлдир! – кичкиришарди улар.

Хавони чийиллаб учаётган ўк товушлари тутиб кетди.

Ковокхона эгаси ҳозир моллари ҳам, миждозлари ҳам зарар кўриши мумкинлигини сезиб, стойка орқасига ўтди. Бу одам ҳеч нарсадан кўркмайдиган жасур одам эди. Ҳозир иккала қўлида револьвер ушлаб олган бўлиб, ўт очишга тайёр эди.

– Диккат, биродарлар, – ҳеч бир хаяжонланмай, деди у. – Фақат кўкракларини нишонга олиб, қарамай отаверинглар. Ўт очилсин!

Гумбурлаб бараварига ўк отилиб, отаётганларни аланга ва порох тутуни ўраб олди. Бир нечта қоратанли йиқилди, бироқ ҳеч ким чекинмади.

– Бардам бўлинг, дўстлар! Бардам бўлинг! – кичкирди атрофида чакмоқ чақаётгандек бўлаётган ковокхоначи.

Ҳаммаси бефойда эди. Хужум қилаётганларнинг ғазаби шу даражада эдики, камалдагилар, ҳатто ўзларининг қурол-аслаҳаларини ишлата ҳам олмадилар. Улар ўйламасдан ҳам туриб патронларини бўшатганларидан сўнг револьверларини қайта ўклашга вақтлари ҳам бўлгани йўқ.

Шундан сўнг аёвсиз қўл жанги бошланиб кетди. Фойда қоратанлилар томонида эди; улар чаккон бўлиб, баданларига сүрилган буйвол ёғи ракибларининг кучоғидан энчиллик билан чиқиб кетишларига ёрдам бераётган эди.

Оқтанлилар дахшатга тушиб қолишди. Улар ўзларини осонлик билан йўқ қилиб ташлашаётганини ва ракибларидан раҳм-шафкат сўраш бефойдалигини кўриб туришарди. Африкаликлар ўзларини пичоқ билан сўйиб ташлашаётгани, қоринларини чавақлаб ташлашаётганини сезмагандек, буйрукка кўр-кўрона амал қилишаётган эди. Ракиб жуда яқин турарди. Шунинг учун улар ўзларининг заҳарланган найзаларини олиб, силкитганча

душманларини сал бўлса-да ярадор қилишга қаракат қилишарди: шу ҳолда ҳам рақиблари учун бу ўлим билан тугарди.

Оқтанлилар қаршилик кўрсатиш бефойдалигини кўриб туришар ва баттар даҳшатга тушаётган эдилар. Улар қочишга ҳаракат қилиб, даҳшатли олишув кетаётган чодирдан шошиб чиқиб кетишга уринишар эди. Бироқ бари бекор. Ташқарига чиқиб, улар қовоқхоначининг чодирини ўраб олган қатор лашкарларга дуч келишди. Шафқатсиз қириш давом этар, оқтанлилар мутлақо ёрдамга муҳтож эдилар.

Қиргин худди энди ёнадиган нарса қолмагандан сўнг ёнгин тугагандек, бирдан тинди. Ўлдирилган ва жон бераётган оқтанлилар қон қўлмаклари ичида қоратанлилар билан аралашиб ётишарди.

Бу охиргилар, қаттиқ лат еганлар жанг майдонининг хўжайини бўлиб қолгандилар. Бироқ нима эвазига! Бир нечта одамгина зўрга оёғида турарди.

Шу пайт қоронғи бурчакдан баланд бўйли бир эркак чиқиб келиб, қовоқхона эгаси жон қийноғида ётган чодир ичкарисига қараб юрди. У бу даҳшатли манзарага қоникқандек қараб қўйиб, хуштак чалиб юборди.

— Питер! Бур Питер! — хириллади қовоқхона эгаси. — Жентелмен, ёрдам беринг, мен ўлаяман!

Питер -- чиндан ҳам бу Питер эди, кинояли жилмайиб, ундан ёрдам сўраб ялинаётган одамнинг кўксига пи-чогини дастасигача ботирди.

— Харом ўл, чўчка! Ҳамманг итдек харом ўлларинг!

Питер хуштак чалди. Бу шартли белги эди. Қоратанли югуриб келди.

— Кайман! Одамларинг шу ердами? — сўради қотил.

— Шу ерда, хўжайин.

— Улар нима қилишлари кераклигини биласанми?

— Кайманнинг эсида. Кайманнинг лашкарлари ҳозир нафас олаётганларнинг барини тугатади.

— Оқтанлиларни ҳам, қоратанлиларни ҳам тугат.

– Хўп бўлади. Тирик қолганларни-чи?

– Улар билан нима хоҳласанг шуни қил. Уларни ҳозир ўлдиришинг мумкин, олиб кетиб, кейин ейиш учун боқишинг мумкин. Фақат ёдингда тут – ҳаммаси йўқ бўлиши керак.

ТУҶКЗИНИҶИ БОБ

Жанубий Африкада кулдорлик. — Октанли ёввойилар. — Питернинг режаси. — Питер мақолололарнинг иримларидан фойдаланади. — Қоратанги қарокчи ва октанли қарокчи. — Катта жанг. — Ғалаба қозонганлар ҳам ютқизганлар ҳам. — Кайман каби. — Одамхўр бир умрга одам гўштининг мазасини унутди. — Сирли қасоскор. — Инженер. — Питер кабила сардори бўлади. — Хўкизлар бор, фургон керак.

* * *

Кап колониетлари — меҳнатсевар ва меҳмондўст деҳқонлардир. Бироқ инглиз колониясидан ташқарида ёки бир нечта мустақил округларда амал қилинадиган патриархал қонуналардан ташқарида яшовчи жоҳил қаланги-қасангилар ҳам бор бўлиб, бу қабилар ҳақиқий қарокчилардир. Улар бечора маҳаллий халқни, на уларнинг мол-мулкни, на ҳаётини аямай, доим талончилик қилишади.

Доктор Ливингстон улар бир қишлоққа келиб, уларнинг боғларида ишлаш учун йигирма бешта аёл беришларини талаб қилишганини ўз кўзи билан кўрган экан. Бечора аёллар бошларида овқатларини, орқаларида болалари ва меҳнат қуролларини кўтариб судралиб кетишар экан. Улар кун бўйи текинга ишлаб, уларни қалтак билан уришмаганда, ҳатто ўзларини бахтли ҳисоблашган экан.

Хўжайинлар бу нарсани табиий деб ҳисоблашган. Уларга бу ҳолни инсонийликдан эмас деб гапиришганда, улар «биз уларни, бизга ишлашга мажбур қилишимиз тўғри. Уларга иш ҳақи тўламаслигимиз ҳам тўғри. Бироқ улар нимадан шикоят қилишади? Ахир улар бизга ишлаганлари учун уларга бизнинг юртимизда яшашларига йўл қўйиб бермаямизми?» дейишган экан.

Ўзларига мол ёки хизматкор керак бўлганда улар ерли халқ устига юриш қилишади ва у ердан аралашига буқалар, эчки, қўй, аёллар ва болалар билан қайтишади. аини пайтда эса улар ўт қўйиб кетган краалда шафқатсизлик билан ўлдирилган эркакларнинг жасадлари ётган бўлади. Энг даҳшатлиси шуки, бу қароқчи – ажойиб оила бошлиғи, хотини ва болаларига эътиборли эркак ва улар ҳаммаси – тўғри, терисининг ранги бошқача бўлган, бироқ ҳиссиётлари ва яқинлик туйғуси ҳудди ўзлариникидек бўлган ҳеч қандай айби йўқ одамларни ўлдиргани кетишаётганда муваффақиятга эришиш учун яратганга ёлворишади.

Биз тасвирлаб бераётган уч ака-ука ҳам шундай одамлар. Мақсадига етиш учун нималарга қодир эканлигини Клаас исботлаб бўлди. Питер ҳам ҳали ўзини кўрсатади.

Буқалари Питерга керак бўлган мақололо қабиласи уни яхши қабул қилишди, бироқ унинг аравага қўшиш учун буқа беришни сўраб қилган илтимосларини рад қилишди. Бу мараз шунда бир дақиқа ичида ҳаракат режасини тузди. У аини пайтда ёлғиз эди, шунинг учун куч ишлатиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Питер ўзининг келгуси операцияларида Виктория қонидагилар ҳалал бериб қолишларидан кўркаётган эди. Уларнинг яқинликлари унга доимий хавф туғдирарди: қонда ишлаётганлар ўзларини сотқинларча ташлаб кетган одамни қилган иши учун ҳали жуда қиммат тўлов талаб қилишлари мумкин эди. Питер биринчи навбатда улардан қандай қутулишни ўйлаётган эди. Аини пайтда унинг режаси шундай эдики, у оқтанлилар ва қоратанлилар орасида жанжал чиқариб ва уларни – у томонни ҳам, бу томонни ҳам йўқ бўлишга олиб келадиган қилиб, уруш бошлаб қўйиш эди. Агар омад кулиб бокса унинг энди оқтанлилардан кўрқишининг ҳожати бўлмасди: жуда кам одам тирик қоларди, қолганлар ҳам қочиб қолишлари керак бўларди. Шу билан бирга қоратанлилар ҳам йўқ қилиниб, у ҳеч қандай қаршиликсиз ўзига энг яхши буқаларни танлаб олган бўларди.

Айни дамда ота-боболаридан колган асрий таомилларга амал қиладиган ерли халқ айни баримларнинг шаршарасига зиёратга бормокчи бўлишаётган эди. Ҳар бир эътиқодли кафр, мусулмонлар ўз пайғамбарларининг қабрини зиёрат қилишадигандек, ҳеч бўлмаса йилда бир марта бундай зиёратга бориши шарт. Питер ерли халқнинг бу содда эътиқодларидан фойдаланмокчи бўлди. Бу унга шу томондан ҳам қулай эдики, олмос кони Мо-зи-оа-Туньяга жуда яқин жойлашган эди. У қоратанли зиёратчиларни чақириб, улар олдида чиройли нутқ сўзлади, уларни оқтанлиларнинг яқинлиги баримлар учун ҳақорат эканлигига ва, айниқса оқтанлиларнинг бу муқаддас жойни кавлашаётгани ҳар дақиқада уларнинг ўлиб кетган ота-боболарининг руҳларини безовта қиляётганига ишонтирди. Шунинг учун, уларнинг сардори иложи бори-ча тезроқ улардан бу ерлардан кетишларини талаб қилиши, улар бу талабни рад қилган тақдирларида уларни куч билан кетишга мажбур қилиш кераклигини айтди.

Қоратанлилар бу жўшқин нутқни ўзларини зўрға тутиб туриб эшитишди. Улар қармоққа илинган эдилар. Умуман айтганда, аслида улардан бирортаси ҳам нафакат оқтанли одамга ёпишишга, балки ўзини ҳимоя қилиш учун унга қаршилиқ кўрсатишга ҳам ҳадди сизмасди. Бироқ айни пайтда улар газабланиб кетишаётган ва бир дақиқа ҳам иккиланиб ўтирмай уларнинг диний ақидаларига қилнаётган бундай бадкирдорликка қарши бир тан бир жон бўлиб курашга тайёр эдилар.

Питер қабила сардори билан тун киришини кутишга қарор қилди. Унинг айтишича, ультиматум янада ишонарли чиқар экан. Аслида эса у оқтанлиларнинг кечаси ишдан чарчаган бўлишлари ёки ичкилик сабаб хушларини йўқотган бўлишлари мумкинлиги учун уларни қўлга олиш осон бўлади, деб ҳисоблаётган эди. Бу мараз қовоқхоначининг ҳодирда одамлар қондагидан ҳам кўра кўпроқ бўлишини билар эди. Бунинг устига қароқчига тасодиф ёрдам берди. Ҳал қилувчи дақиқани кутиб ва

Ўзининг бўри каби одатига амал қилиб, Питер бивуак атрофида айланаётиб Кайманга – одамхўрга дуч келди.

Ўқувчимиз Кайманнинг Нельсонс-Фонтейндан узоқ бўлмаган жойда яшайдиган майда қабилалар орасида ўзи йиғган ўғрилар тўдаси бошлиғи эканини яхши эслайди. Бу тўда билан у сохта миссионер ва унинг икки шериги ортидан, худди шоколад йиртқич хайвон орқасидан унга ташланган суякни тозалаш учун юрадигандек, кузатиб кетаётган эди. Иккала қароқчи ҳам – оқтанли ва қоратанли, дўст эдилар. Бироқ Кайман Питердан гўра камтарроқ эди: унга фақат тўйгунча ичиб, тўйгунча овқатланса бўлди. Унинг фикрича, агар мақололорлар кондаги ҳамма оқтанлиларни ўлдириб тугатишса, у ҳолда Питер душманларидан қўрқмаса ҳам бўлади, бироқ бу дегани энди унинг буқалари бўлади, дегани эмас. Агар аксинча, қоратанлилар ютқизадиган бўлишса, у ҳолда Питер буқаларни олади, бироқ қўшниларидан кутилмайди ва улар сўзсиз, уни жазолашади. Кайманнинг пайдо бўлиши унинг ҳамма муаммоларини ҳал қилди. Кайман жанжал авжига чиққан пайтда пайдо бўлади. У енгаётганларни ҳам, енгиласганларни ҳам ўлдиради ва бу хизмати учун мукофот сифатида конда ўғирлик қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тақдир тақозоси билан тунги суд мажлисини бузган воқеалардан сўнг коннинг бутун аҳолиси қовоқхоначининг чодирда йиғилган эди. Ичиб олган бу одамлар кутурган африкаликлар учун ўлжа эди. Улар қаршилиқ кўрсатмаганлари учун эмас, сардор уларга уруш эълон қилиши биланок ҳужумнинг бирдан бошлангани ва қоратанли сардорнинг ультиматумини мақтанчоқлик деб қабул қилганлари учун. Ҳужум қилишнинг дахшатли усуллари – ҳамма ҳаммаси оқтанлиларнинг енгилишига олиб келди.

Қоратанлилар ҳам яхшигина шикастланишди. Револьвер ўқларидан уларнинг қаторлари анча сийраклашиб қолди. Уларнинг ғалабалари машғум ғалаба эканлиги кўричиб турарди. Чунки тирик қолганларнинг – бироқ улар жуда кам эди! – тантанали қичқирикларини ярадор

бўлганларнинг дод-войлари ва жон бераётганларнинг хирллашлари босиб кетганди.

Бироқ тез орада на ғалаба қозонганлар, на енгилганлар бўлишади. Бирдан кўтарилган заҳимали бақир-чақир жанг бўлаётган жойда эшитилаётган ҳамма товушларни босиб кетди.

Питер белги берганди. Найзаларини силкитиб, пичокларини ўйнатиб ва сакраганча даҳшатли фантастик шарпага ўхшаб, Кайманнинг қарокчилари пайдо бўлишди. Бир дақиқа ичида ҳамма нарса вайрон бўлди. Қаттиқ шарак-шуруқ билан стол ва ўриндиқлар синиб тушди; биринчи жанг пайтида бутун қолган ҳамма нарса пайрахага айланди. Ҳали оёғида турган рақиблар, октанлилар ҳам, қоратанлилар ҳам, қаттиқ зарбалар остида йиқилишди, уларнинг жонсиз таналари ўлган ва ўлаётганларнинг сонини орттирди, холос.

Шундан сўнг қирғин бошланди. У қизғин ва айни пайтда тартибли эди. Ҳамма қалтакланган, сўйилган, отилган эди. Ва буларнинг ҳаммаси учун ниҳояти ўн дақиқа етарли бўлган эди: қотилларнинг ғазаби шунчалик эди. Бошдан оёқ қонга беланган Кайман, бурун қатақлари кенгайганча, ёввойи ҳайвонникидек ўткир тишларини гичирлатиб, ўзи ҳозиргина сўйиб ташлаган октанлининг бошини сочидан ушлаб турарди. У оёғи остида ётган жасадларнинг устига чиқиб, қўлидагини силкитди ва ғалаба қилгандек узоқ ириллади.

У «Қалай, хўжайин, хурсандмисан?» демокчидек кўзлари билан Питерни қидира бошлади. Бироқ, ҳозиргина бу қонли базмга ҳиссиз кўзлари билан қараб турган Питер бу ерда йўқ эди.

Аслида Кайман учун унинг бор-йўқлигининг қандай аҳамияти бор эди? У ўзига юклатилган вазифани виждонан бажарди ва бунга мукофот сифатида қонни тунаш ҳуқуқига эга бўлгани учун, буни кейинга суриб ўтирмай, биринчи бўлиб, қовоқхонадаги бойликларга эга бўлишни хоҳлаб қолди. Албатта, биринчи бўлиб ичкиликка қараш

керак. Кийим-кечак, курол-аслаҳа, белкураклар, чўкич ва бошқалар тўғрисида кейинроқ ўйласа ҳам бўлади.

Кайман ўз тўдасини йиғиб, ишга киришмоқчи бўлди. У одамларига буйруқ бериш учун оғзини очар экан, шу пайт ўқ овози янгради. Кайман чир айланганча, ерга йиқилди: унинг бошини ўқ тешиб ўтган эди. Орадан бир-икки сония ўтиб иккинчи ва учинчи ўқ товушлари янграб, яна иккита қароқчи йиқилди: уларнинг ҳам каллаларини ўқ тешиб ўтган эди. Шундан сўнг бир маромда бошқаларни йўқ қилиш бошланди.

Ўқ отишлар бир жойдан келаётган эди. Уларнинг кетма-кетлиги ва товушидан битта одам отаётганини билиш мумкин эди. Афтидан, охириги дақиқаларда келиб қолган номаълум қасоскор чодирдан узоқда бўлмаган бирорта баракда яшириниб олган бўлиб, чодирнинг брезент деворлари парча-парча бўлиб кетгани сабаб ҳамма нарса унга кафтдек кўриниб турарди. Қотиллар сардорларини йўқотиб қўйиб, қаторлари сийраклашиб бораётганини кўришди. Шу заҳоти талончилик қилишни ҳам унутиб, даҳшатдан кичқирганча ура қочишди.

Уларнинг энг чопқирлари шу орада пикаколу чириллаганини эшитиб, тўхтаб қолишди. Бироқ ўрганган қулоқлари бу чириллаган илон эмаслигини айтиб турарди. Чириллаш қанчалик усталик билан бажарилганига қарамай, улар маълум бир фарқлардан бу ишни одам қилаётганини билиб олишди. Улар янглишмаётган эдилар. Жанг бўлган жойдан йигирма қадамча нарида улар Питерни кўришди.

Биринчи ўқ узилиши билан у могоканларга хос эҳтиёткорлик билан дарров ерга ётиб олди. У – балки асоссиз эмасдир – жанг пайтида омон қолган бирорта оқтанли отаётган бўлса керак, деб ўйлади. Бу қароқчи аввалига ўзининг ифлос режасининг натижаларидан ҳайратда эди, бироқ ҳозир бу жойда узоқ ушланиб қоладиган бўлса ҳаммасини йўқотиши мумкинлигини кўриб, у ўзини йўқотиб қўйган барча қоратанлиларни бир жойга тўплашга қарор қилди.

Энди у октанлилардан қўрқинининг хожати йўқ эди, маколелолар ҳам ҳаммаси ўлдирилган эди ва Питер хозир букаларни олиб Сэм Смитнинг олдига бориш ва унга ўзининг олиб борган музокаралари натижаси хақида хисоб бериш вақти келди, деб қарор қилди.

Пода бир нечта қариялар, аёллар ва болалар қарамоғига ташлаб кетилган эди. Демак, букаларни хайдаб кетиш қийин бўлмайди. Кайманнинг тўдасидан қолган одамлар масаласида эса, Питер улар керак бўлиб қолган тақдирда фойдаланиш учун ўзига олиб қолмоқчи бўлди. Улар, табиийки ўлдирилган маколелоларнинг ўрнини босиб, одатда бундай ҳолларда бўладигандек, ҳар бири тайёр оилага эга бўлган бўларди.

Чекиниш тартиб билан тугади. Котиллар янги ҳужумдан қўрқиниб турган эди ва, душманларининг сонини билмай туриб, тартибни сақлаш ўзлари учун муҳим эканлигини ҳис қилиб туришарди. Улар Питер атрофида тўпланиб олишиб, айна пайтда шунча бой ўлжани ташлаб кетишаётгани қон томонга қарашдан ўзларини тўхтата олмай, тез чекина бошлашди.

Саноксиз мурдалар ётган жанг майдонига икки стволли қарабин билан қуролланган одам пайдо бўлганда юқоридаги одамларнинг энг охиригиси кетаётган эди. Бу одамнинг даҳшат ва донг қотган юзига мўъжиза туфайли бутун қолган осма фонарнинг хира чироғи тушиб турарди. У бир нечта қадам қўйиб, қон тўпланиб қолган жойда сирпаниб кетди.

Бу балки қонда омон қолган ягона одамдир — Инженер эди. Уни илон пайдо бўлганидан қўриқиб кетган линч қилаётганлардан тасодиф қутқарган эди. Учта француз билан бўлган суҳбатдан сўнг у шошмасдан қонга қайтиб келиб, ўзининг тахтадан ясалган уйига кириб, эшикни қулфлаб олди. У, албатта, ичкилик базмида иштирок этишни хоҳламаётган эди. Қовоқхоначининг чодир томондан ўқ товуши ва бақир-чақир товушлари эшитилганда у ўрнида ётганди. У тезлик билан қуролни олиб, ўша

ёққа томон югурди, бироқ у етиб келганда тузагиб бўл-
майдиган бахтсизлик юз бериб бўлган эди.

У одамни титратиб юборадиган манзарани кўрди.
Унинг кондаги биродарлари ерда ўлиб ётишарди. Улар-
нинг ётишлари, даҳшатли яралари ва майибликлари бу
ерда бўлиб ўтган қонхўрликнинг даражаси ҳақида айтиб
турарди. Инженернинг кўксидан инграш отилиб чиқди,
тутиб қола олмаётган кўзёшлари отилиб чиқиб, унинг
окариб кетган юзидан оқиб туша бошлади.

– Бечоралар, – паст товушда деди у.

У яқингинада хунрезлик бўлиб ўтган бу ўлик сукунат-
аро карабинига суянганча қимирламай турарди.

– Нима қилиш керак? – бу ғамгин манзарага қараб,
деди у. – Буларга энди ҳеч қандай ёрдам бера олмайман.
Энди буларнинг қурбони бўлишларига сал қолганлар
тўғрисида ўйлаш керак. Тезроқ французларни топиб,
уларга берган ваъдамни бажаришим, уларга қурол етқа-
зиб беришим керак. Қурол уларга жуда керак.

Бу вақтда Питер ўрмондан умидга тўла мақолололар
чиқиб келган жойга етиб келган эди. Питер ўз қаллаке-
сарлари билан етиб келганда бу ерда нима бўлганини
тасаввур қилиш қийин эмас. Бироқ Питер аёллар ва бо-
лаларнинг шикоятмуз дод-войлари юрагига тегадиган
одамлар тоифасидан эмас эди.

– Жим! – қўпол қилиб бақирди у ва Кайманнинг
одамларига мурожаат қилди: – Бу ерда энди сизлар хў-
жайин бўласизлар! Мана бу бакироқларни жим қилинг!

Ўзича эса у ўйлади:

«Ахир мен бир ўк билан икки қуённи ўлдиришим
мумкин-ку! Буқаларим бор, энди менга фургон керак.
Фургон! Уни қаердан олишни биламан! Кадрдон-қиммат-
дон акам Клаасда бор... У менга рад қилмайди. Аксинча,
фақат хурсанд бўлади. Агар, қайсарлик қилиш ҳаёлига
келиб қоладиган бўлса, у ҳолда эҳтиёт бўл!.. Устига мана
бу йигитларнинг йигирматасини қўйиб юбораман, улар
акам билан ҳозир конда қилганларидек гаплашиб қўйи-
шади».

ЎНИНЧИ БОБ

Ташлаб кетилган фургон. — Бўрининг эҳтиёткорлиги. — Лат ейиш. — Умид учкуни. — Жозефнинг топилмаси. — Клааснинг плоти. — Кута билиш керак. — Жохиллик ва цивилизация. — Ғам ўргатиб қўяди. — Дурадгорлар, мисгарлар, тешик-тиркишларни бекитувчи усталар, сўнгра эса денгизчилар. — Александр водопроводни қандай тузатгани. — Темирсиз, оловсиз ва калайсиз пайванд қилишнинг ақлли йўли. — Фокус. — Ўқ овози.

* * *

Биз бир пайтнинг ўзида ҳар хил жойларда бўлиб ўтган кўнлаб воқеаларни тасвирлаб ўтдик ва шу сабаб вақтинча французларимизни ташлаб қўйишга тўғри келди. Зуга ва бушмен билан бирга улар ҳаммаси катта шаршарадан юқориқда дарёда эканликларидан ўқувчимизнинг хабари бор.

Де Вильрож хонимни фургонда туткинда ушлаб туришганига уларнинг ишончлари комил эди ва улар асирани кутқариш учун тунни кутишга қарор қилишган эди. Хавотир олавериб эзилиб кетган Альбер, ортиқ асаби дош бера олмай, разведкага кетган бўлиб, ғилдирак устига ўрнатилган уй бўш эканлигини кўргандаги унинг ҳолатини тасаввур қилса бўлади.

У югурганча орқага йўл олди ва ҳар қандай эҳтиёткорликни унутиб, ҳозиргина икки соатдан ортиқ яшириниб келгани чакалакзор оралаб орқага қайтиб келди.

У гангиб қолган ҳолда шерикларига ҳозиргина ўз кўзи билан кўрганларини гапириб берар экан, ҳамма таҳликага тушиб қолди. Бирок Альбер де Вильрож ойим-тиллалардан эмас эди. У фақат биринчи дақиқалардагина ўзини йўқотиб қўйган эди, бироқ тезда ўзини ўнглаб олиб, унинг хабаридан сўнг ўртага тушган жимликни биринчи бўлиб ўзи бузди.

— Кетиб қолибди! У кетиб қолган! — хотиржам товушда деди у. — Бироқ жуда узок кетиб қолган бўлиши мумкин эмас.

— Албатта, — унинг гапига қўшилди Александр. — Клас, афтидан биз уни тинч қўймаслигимизни яхши билади — биз ундайлардан эмас эканлигимизни яхши билади, шунинг учун у ҳам керакли чораларни кўриб қўйишга қарор қилган бўлса керак.

— У нима қилганда ҳам, масаланинг ечими яқинлашаяпти. Изини йўқотиб, биздан қочиб кета олмайди.

— Айниқса, бизнинг икки ёрдамчимиздан. Тўғрими, Зуга?

— Тўғри, сардор! — кўзларини ялтиратиб, Александрнинг гапини маъқуллади кафр.

— Биз ҳозирнинг ўзидаёқ йўлга тушамиз, фургонга етиб бориб, ўша жойни, ҳар бир ўтни, ҳар бир тошни яхшилаб ўрганамиз...

— Анна хоним ҳам бизга белги бериш учун иложи борица ҳаракат қилган бўлса керак, деб умид қиламиз, — деди индамай турган Жозеф. — У саҳро нима эканлигини жуда яхши билади ва аллақачон ақли ҳам қатъиятидан кам эмаслигини бизга исбот қилди.

— Кетдик! Кетдик!

— Айтганча, судья тунда баньян ёнида учрашишни белгилаган эди.

Ўзининг қанчалик жасурлигига қарамай, Александр бу сўзларни айта туриб, сесканиб кетди: кўз олдига тунги хотиралар келганди.

— Тўғри. У ерга бешовлон боришимиз керакми, йўқлигини кейин кўрамиз. Аввал, Александр, сен Зуга билан борасан, хўпми? Агар унинг қўлини қисиб қўйиш учун мен ўзим шахсан бора олмасам, у ажойиб инсонга қандай ташаккур билдириш кераклигини сенга ўргатишимнинг ҳожаги йўқ.

Қисқа-қисқа гушунтиришлардан сўнг улар кўз ва қулоқларини динг қилганча, бешовлари узокдан кўриниб турган фургонга қараб кета бошлашди.

Баҳайбат фургон тўртта ғилдирагида мустаҳкам тургани ва сув унинг ўкигача келиб турганини кўрган Александр хитоб килди:

– Сен менга бунни айтмаган эдинг!..

– Тўғри! Мен шунчалик сиқилиб кетгандим! Бироқ, кўриб турибсан, бу ер чуқур эмас. Фақат оёғимиз ҳўл бўлиши мумкин.

– Гап бунда эмас. Айтмоқчиманки, фургон узунасига уч юз метр, энига бир юз эллик метр бўлган кўлмак ичида турибди. Ҳеч қандай из топа олмаймиз...

– Мен Аннанинг топқирлигига умид қилаяпман.

– Миттивойнинг изи! – қувонч билан кўшиб кўйди Жозеф.

– Сувдами?

– Ахир биринчи марта эмас! Бунинг устига бу кўлтиқда оким деярли билинмайди. Кичкинагина нарса ҳам сув юзасида бўлиб, ҳеч ёққа оқиб кетмайди.

– Баракалла! Сенда ҳамма нарсага жавоб топилади! Сувга тушамиз! Атрофга қаранглар!..

Ўн дакикадан сўнг улар фургонга яқинлашишди. Фургоннинг олдинги ва орқа декорлари туширилган бўлиб, худди кўтарма кўприк каби занжирида осилиб турарди.

Бешовлари ҳам худди урушга кирган қизилтанлилар каби эҳтиёт эдилар. Улар ичкарига югуриб кириш ўрнига диққат билан фургон ташқарисини кузатишди ва балка ва обшивка бутунлигига, фургоннинг ҳамма қисмлари маҳкамлигига, агар ичкарига кириладиган бўлса бўлак-бўлак бўлиб кетмаслигига ишонч ҳосил қилишди.

Шуларнинг ҳаммасини килиб бўлишгач, Альбер худди ҳақиқий гимнастлар каби кўлида кўтарилиб орқа деворга чиқди. Александр ва Жозеф ҳам, кейин эса бушмен ва ниҳоят Зуга ҳам шундай қилишди. Сўнгра атрофни диққат билан қараб, шубҳали ҳеч нарса топишмагач, ичкарироққа ўтишди.

Қандайдир ташлаб кетилган, сувда ёлғиз турган ва ҳеч ким яшамайдиган фургонга кириш учун нега шунча эҳтиёткорлик керак эканлиги тушунарсиздир, балки.

Бу табиий саволга Альбернинг гапи жавоб беради:

— Сизлар ғайритабиий ҳеч нарсани кўрмаяпсизларми?

— Ҳеч нарсани. Аслида бундай шароитда бирор нарсани тушуниб олиш ҳам кийин. Ҳамма нарса бу ерда яшаган одамларнинг шоша-пиша кочганларидан дарак берапти.

— Ва шу ўринда олиб кетиш мумкин бўлмаган нарсаларни йўқ қилиб ташламоқчи бўлганларини ҳам.

— Демак, бундан келиб чиқадики, яхшилаб қарамасдан туриб, бу ерда кимирлаш ҳам мумкин эмас. Мен ҳамма нарсага тайёрман. Агар тепадан бошимизга болта тушса ҳам мен ажабланмайман. Ёки заҳарланган михни босиб олсак. Бу лаш-лушларнинг орасида бир учи милтиқ тепкисига боғланган арқон ётганига, битта ҳаракат ва милтиқ отилиб биз яхшигина сочма ўқ олиб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас.

— Балки. Бу мараз биздан кутулиш учун ҳар қандай ифлосликка тайёр. Бироқ у нимадир қила олган бўлиши амримаҳол: чунки қочиб қолиши учун вақти жуда кам эди. Ҳар ҳолда еб бўлиш мумкин бўлган ҳеч нарсага — албатта, консервалардан ташқари, — қўл теккизиш керак эмас.

Фургон ичини кўриб чиқиш узок давом этди, бироқ бу ҳаракатлари французларни душманларининг кураш одатда қонли ва бешафқат бўлган бу ерларда қилинадиган ваҳший чораларни қилишга улғурмаганига ишентирди.

Улар арзимаган, кичкина бўлса ҳам де Вильрож хоним қолдирган бирор нарсани топиб қолишдан умидларини ўзмаётган эдилар.

Фургонда узок саёҳат қилиш учун тайёрланган турли-туман нарсалар бор бўлиб, ҳозир уларнинг ҳаммаси

бетартиб ётарди. Ҳамма нарсa синдирилган, йиртилган ва битта уюмга ташланган эди. Кимдир ҳамма нарсани атай, билиб-билиб йўқ қилган эди. Бу ерда тартиб ўрнатиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Французлар ва иккала қоратанлига фақат синган бўлақларни олиб чиқиб, яхшилаб кўздан кечиргач, сувга ташлаб юбориш — узок давом этадиган ва тақдирланмайдиган ишни бажариш қолган эди.

— Нима бўлганда ҳам, ҳеч нарсa топа олмаган бўлишимиз мумкин эмас, — деди Альбер.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — унинг гапини маъқуллади Александр. — Қидириш керак.

Ўз одатига хилоф равишда оғзини очмаётган Жозеф, нимадандир хавотирдадек эди.

— Жаноблар, биласизларми, мен ҳозир нима тўғрисида ўйлаяпман

— Мен сезиб турибман, — деди Александр.

— Наҳотки?

— Жуда оддий: сиз бу ёлгончини фургондан кетишга нима мажбур қилди экан, деб ўйлаяпсиз?

— Месье Александр, ярмини тўғри топдингиз. Мен чиндан ҳам бунинг сабабини билмоқчиман. Бироқ менга унинг бу ердан қандай кетгани ҳам қизиқ.

— Азизим Жозеф, бунинг сабабини тушуниш қийин эмас. Бу баҳайбат фургонни олиб кетиш учун ҳўкизлари бўлмагани учун у қолдириб кетишга мажбур бўлган. Бу табиий. Бу ердан қандай чиқиб кетганига келсак, менимча, мана бундай бўлган. У беш ёки олти соатлар бурун кетган. Сув ҳали баланд бўлиб тургани учун у де Вильрож хоним ва унинг ҳамроҳини лагунанинг нарига қисмига олиб кета олмаган. Менимча, биз кўриб турган ўрмонгача у сузиб борган. У ерда эса қайик топган ёки плот ясаб, ўз асираларини олиб кетиш учун яна бу ерга қайтиб келган.

— Тўппа-тўғри! — қизиққонлик билан унинг гапини бўлди Альбер. — Бечора, Анна ҳозир нималарни бошидан

кечираётган экан!.. Нахотки мен бир умр ўз ахмоқона ре-
жамни лаънатлаб ўтаман...

– Ўзингни тут, дўстим! Руҳингни туширма. Биз унинг
ёлғиз эмаслигини биламиз. Кўр-кўрона тақдир сизларни
ажратибди, бироқ унга дугона инъом этибди. Икки киши-
га ҳар ҳолда осонроқ.

Унинг гапини Жозефнинг хитоби бўлиб қўйди:

– Аваи! Аваи!

– Жозеф, нима гап?

– Карай! – бисквит қутисининг темир допқоғини
силкитиб, жавоб берди каталониялик. – Сиз ҳақ экансиз!
Руҳни тушириш керак эмас! Қаранглар! Бу ерда нимадир
ёзилган! Тўғрироғи, тирналган.

– Жозеф, бера қолинг! Беринг тезроқ!

Ўзини хаяжон босган дўстидан кўра тузукроқ тутиб
турган Александр бир думалок, бир чўзинчоқ ҳарфлар
билан ёзилган бир нечта сўзни ўқий олди:

«У бизни плот...олиб кетаяпти... дарёни кесиб ўтаяп-
миз...»

– Мана, – деди у. – Демак, сизларнинг тахминларин-
гиз тўғри экан.

– Бу одам мен ўйлаганимдан ҳам аблаҳроқ ва тентак
экан-ку! – ўзини тута олмай хитоб қилди Альбер. – У қан-
дай қилиб бу таваккал ишга қўл урди экан? Кемадек суза-
диган фурғони бўлатуриб баҳайбат дарёни бир неча хода
устида кесиб ўтиш!..

– Бироқ бу қайикни битта одам эплай олмайди, – му-
лоҳаза қилиб, деди Александр. – Бунинг устига у сув ўт-
казмайдими, йўқми, биз билмаймиз. Менга, ҳатто ҳамма
юмшок нарсалар сувда шишиб кетганга ўхшаб туюла-
япти. Балки фурғоннинг қаеридир лат егандир: атай қи-
линганми ёки тасодифми... Келинглари, полнинг аҳволини
кўрайлик-чи.

– Нега? Биз тезроқ қайиғимиз ва Зуга билан бушмен-
нинг пирогаларини қолдирган жойга қайтиб боришимиз
керак. Замбезини кесиб ўтиб, қирғокни қараб чиқамиз...

– Ва қоя ортидами ёки дарахт орқасидами яшириниб турган Клаас бизни бирин-кетин каклик отгандек, отиб ташлайди... Альбер, мен сени чиндан ҳам танимай қолаяпман. Ахир сен ҳеч қачон ўйламасдан иш қилмайсан-ку. Сен жасур, ақл билан иш қиладиган одамсан.

– Сен нима маслаҳат берасан?

– Бугун тунда судья билан албатта учрашишимиз керак. Мен қўлимда карабин бўлишни хоҳлаяпман. Эртага эргалаб эса у киргоққа кесиб ўтамыз.

– Унгача нима қиламиз?

– Унгача сабр килиб турамыз. Фургоннинг ремонтини бошлаймиз. Ундан худди элакдан ўтган каби сув ўтаяпти. Қарагин, шундай эканлигини билгандим: бу тентак кеманнинг қопламасини бир нечта жойидан тешиб қўйган экан. Ҳечқиси йўқ, тешикларни беркитамиз! Бироқ, шошмай тур – мана бу нарса жиддийроқ.

-- Нима экан?

– Катта ёрик... Узунасига йигирма беш сантиметрдан кам эмас, энига ўн беш сантиметр...

Бир оз жим туриб, Александр қўшиб қўйди:

– Майли, ёрикни ҳам бир нарса қилармиз! Бугун кечқурунгача ҳаммаси жойида бўлади. Эҳ, Клаас, сиз шу ажойиб қурилмани бузишни ўйлаб ўтирибсиз! Биздан кўра айёрлик қилмоқчи бўлдингизми! Кўрамыз ким зўрроқ экан – сиз каби бир ёввойими ёки биз – маданиятлашган одамларми.

– Мен ортиқ ҳеч нарса тушунмаяпман! – бўйнига олди Альбер. – Нима қилмоқчи бўлганингни тушунмаяпман. Буюр, ҳаракат қил, мен сенга ишонаман ва тўғри қилаяпсан, деб ўйлайман. Фақат бир нарсани айтиб қўяй: шошилишимиз керак.

– Мана бу тўғри! Бироқ сен нариги киргоққа чириган пирогада ўгмоқчимисан? Ақлсизлик! Мен сенга сен бутунлай хавфсизликда бўладиган ва ҳеч қандай ўқ сенга етиб бора олмайдиган туйнуклари бор сузувчи калъа таклиф қилмоқчиман. Шу нарсалар учун бир неча соат ишласа арзийдими?

– Албатта! Ахир гап бу ердан кетиш эмас, у ёққа етиб бориш ҳақида...

– Ниҳоят мен яна исми Альбер де Вильрож бўлган кўркмас, бироқ ақлли одамнинг овозини эшитаяпман! Қалъа ёки каземат ёки фрегат – қандай атасанг ўзинг биласан, масаласига келсак, бу ўша фургон эканлигини тушуниб турибсан. Биз уни иложи борича бўшатамиз, эшкак ўрнатамиз...

– Ёриқларичи?

– Ахир сенга айтаяпманку, тузатамиз деб. Биз дурадгор каби, тешик-тирқишларни бекитувчи усталар каби ишлаймиз, шундан кейингина денгизчи бўламиз... Бироқ иш тугагандан сўнг мен Зуга билан судьянинг олдига жўнайман. Қайтишда эса пирога билан кайикни олиб келамиз. Шундай қилиб бизнинг кемамиз денгиз, тўғрироғи дарё ҳалокати рўй берган тақдирда кутқарув кайиклари билан таъминланган бўлади. Аслида, бу ердаги шароитда бири иккинчисига ҳалал бермайди. Тўғрими? Энди хурсандмисан?

– Ажойиб режа! Фақат мен бу режанинг амалга ошишига ишонмаяпман.

– Нега?

– Чунки ёриқлар жуда кўп, биттаси эса жуда катта!

– Биз эса ана шунисидан бошлаймиз. Катта пластирь ёпиштирамиз. Қани, оғайнилар, ҳамма ишга. Менга буйруқ беришга ижозат берасизлар.

– Ҳа, албатта.

– Ахиллик билан ҳаракат қилишимиз керак. Шунда иш тез кетади. Сув тез пасаяди. Демак, тузатишни тезроқ тугатишимиз керак, акс ҳолда қолиб кетамиз. Зуга билан бушмен фургондаги нарсаларнинг тўртдан бирини ташлаб юборишади. Булар ҳаммаси ортиқча юк. Ва мен бу ерда бирор қимматбаҳо нарсани кўрмаяпман. Жозеф, айтинг-чи, сизнинг дурадгорликдан хабарингиз борми?

– Нима ишлигига қараб.

– Менга пона ясаб бера оласизми? Бу ёввойи кузовда қилган тешикларни беркитиш керак. Қила оласизми?

— Албатта. Ёғоч билан асбоб бўлса бўлди.

— Ёғоч топилади. Ён томондаги тахтадан бир бўлак олса бўлади.

— Бўлади. Бироқ менда арзимаган пичоқ ҳам йўқ-ку!

— Мана болта. Тўғри, кичкина болта йўқлиги сабаб ишлаш ноқулай бўлади. Бироқ бошқа иложи йўқ. Биз иккаламизга келсак, дўстим Альбер, бизнинг вазифамиз қийинроқ.

— Кўриб турибман. Бу ёрикми? Ахир металл қаваг лат еган. Жуда қийин вазифа.

— Хато айтаяпсан. Агар менга ёрдам берсанг мен бу ерга бирор нарса пайвандлашга уриниб кўраман ва бир томчи ҳам сув кирмайди...

— Пайвандлаш? Сенда на қалай, на пайвандлаш асбоби, ҳатто олов ҳам йўқ, қандай қалайламоқчисан?

— Бизда фақат шуларгина йўқми? Бироқ, мен, қўлимиздан келади деб умид қиламан. Кел, бир чеккадан қиламиз. Мен ҳозиргина сариёғ солинган қутини кўргандим. Мана у. Менга консерва қутисига шу ёғдан солиб бергин. Энди бизга чилвир керак бўлади.

— Мана чилвир.

— Жуда яхши. Мен уни пилик каби ўрайман ва қалин қилиб ёғ сураман. Бу асбоб бизга қорачироқ бўлиб хизмат қилади. Ва бизга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Зуга, чакмоқтош сендами?

— Ҳа, сардор, менда, — деди европаликнинг ундан ерли халқ ҳеч қачон бусиз юрмайдиган нарсаларни сўраётганидан ниҳоятда ажабланган Зуга.

— Менга мана бу пилтани ёндириб бергин.

Кафр чакмоқтошини ёкди. Пилта аланга олди. Зуга унинг устига Жозеф қарағай ёғочидан олган бир нечта қириндини ташлаб, пуфлади ва кичкина гулхан аланга олди. Бир дақиқа ўтиб, ёғ суртилган пилик ҳам ёна бошлади. У шитирлаб ёнар экан, атрофни кўнгилни айнитадиган ҳид тутиб кетди.

— Вой сассигини! — деб қўйди Альбер.

– Сен буйволнинг ёғини бекор ёмонлаяпсан. Тюлень ёки кит ёғига нисбатан бу ладан-ку. Мана, энди ҳаммаси яхши кетаяпти. Тайёргарчиликни давом эттирамиз. Бу ёрикни биз хотининг ёзган тунука бўлаги билан ямаймиз. У ҳатто ёриқдан ҳам катта. Бу жуда яхши. Уни пайвандлаш қолади. Бизда қалай йўқку, деб сен жуда тўғри айтдинг. Усиз қилишимизга тўғри келади. Қўрғошин билан пайвандлашга ҳаракат қиламиз.

– Уни қандай қилиб эритасан? Ва, сенда қўрғошин борми?

– Мен бу ерга кираётиб биринчи дуч келган нарсам саккизинчи калибрли ўқлар солинган халтача бўлган эди. Афтидан, бу унинг милтигининг калибри бўлса керак. Мен халтачани дарров четга олиб қўйган эдим – жуда қамматбаҳо нарса. Дастрўмолинг борми?

– Дастрўмол? Худойим, дастрўмолнинг нима кераги бор? Дастрўмол нега?

– Ўқларни эритиш учун. Бахтимизга, менинг дастрўмолим бутун. Иккаламиз бирга ишласак, вақтдан юта-миз. Қара, қанчалик осон. Мен ўқни оламан, дастрўмолга ўрайман ва қўлимдаги мато ўққа қаттиқрок ўралиши учун уни қаттиқ сиқаман. Кейин дастрўмолни яхшилаб бураб оловнинг устига қўяман.

– Шунда ўқ эрийдими?

– Бир неча дақиқа ичида. Дастрўмолга эса ҳеч нарса қилмайди. Қўрғошин эриб, оқишни бошлаганда уни тунука бўлақларининг биз пайвандламоқчи бўлган жойига йўналтириш керак бўлади.

Ҳаммаси Александр айтгандек бўлди. Икки дақиқа ҳам ўтмай, шарча шаклини ўзгартира бошлади. Мато орасидан кумушранг суюқлик оқа бошлади. У ёрикни беркитиб турган тунука ямоқнинг четлари бўйлаб ёйилиб кетди.

– Баракалла! – ёш боладек хурсанд бўлиб кетган Альбер қичкириб юборди ва дўсти қилган ишни қайтарди. – Яна беш-олтита ўқни эритсак, бугунлай сув ўтмайдиган

бўлади. Азизим Александр, айтишим керакки, сен мени лол қолдирдинг!..

– Лол қолдирдиммиш! – камтарлик билан эътироз билдирди Шони. – Бу шунчаки қизиқарли физика фанидан тажрибалар. Фақат вақтида эсимга тушиб қолди. Хўш, Жозеф, сизларда нима гап?

– Тайёр, месье Александр! Қийинлик билан бўлса-да, бўлди.

– Яхши. Бу поналарни олиб бирорта латтага ўранг-да иложи борича маҳкам қилиб тешикларга тикиб чиқинг. Қораганли дўстларимиз берилиб ишлашганини кўриб турибман. Фургон деярли бўшабди.

– Ва бутунлай сув ўтмайдиган бўлди, -- хитоб қилди Альбер.

– Охирги иш қолди. Унинг учун куч ва эпчиллик керак бўлади.

– Сен фурунни сувга туширмоқчимисан? Бироқ у филдиракларида маҳкам турибди-ку? Арраимиз бўлганда эди иккала ўқини арралаб ташлаган бўлардик, ахир улар ёғочдан-ку. Бироқ бошқа йўли ҳам бор. – деди Альбер. – Филдираклар чекагага ўрнатилган. Уларни ечиш керак. Кейин тўрттамыз ричагларни олиб, филдиракларни итаришни бошлайди. Фақат биргаликда ҳаракат қилиш керак бўлади. Бешинчимиз буюриб туради.

– Бошқа йўли йўқ. Ҳозироқ ишга киришамиз.

Бу пайтда Александр фуруннинг орқасида, айна тушириб қўйилган орқа девор рўпарасида турарди. Унинг гапини ўткир ҳуштак товуши бўлиб қўйди ва шу заҳоти урилган товуш ҳам эшитилди. Ўқ унинг елкасини ялаб ўтиб, ёғоч деворни тешиб ўтганди. Ҳамма ёққа ёғоч бўлаклари отилиб кетди.

– Ким бу ўйнашаётган? – пинагини бузмай сўради Шони ва бироз сукутдан сўнг қўшиб қўйди: – Ким бўлганда ҳам, мен мўъжиза билан қутулиб қолдим!..

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Табиатан сайёҳ. — Жанубга учиб кетадиган кушлар.
— Ўқ отилгандан кейин. — Ҳарбий ҳийла. — Қамалда. —
Хавфли манёвр. — Омад. — Қайикда. — Замбезида. — Кафр
разведкага боради. Ўрмондаги излар. — Ялангликда.
— Ўчиб қолган гулхан. — Яна излар. — Югуриш. — Ўйла-
масдан иш қилиш.

* * *

Инсон, майли, фан, санъат ёки саноат дунёсига таал-
луқли бўлсин; майли у географ, инженер, табиатшунос,
хунарманд ёки янги очилган ерларнинг аҳолиси бўлсин;
майли, у яшаш учун кураш шартларига бўйсунсин, ха-
сислик ёки шуҳратпарастлик овозига қулоқ солсин — агар
жойини алмаштиришга етаклаётган сирли бир куч уни
узоқ мамлакатларга тортар экан, у аёвсиз тақдирнинг
ҳукмига тушиб қолади.

У ўзини помалдумлик гомон етаклаётган қучли
ҳис-туйғуга қаршилиқ қила олмайди ва буни хоҳламай-
ди ҳам. Шароитга қараб эртаги, кечми у кема палубаси-
да пайдо бўлади. Кеманинг металл бўғзидан буг чиқиб,
пушка отилади, байроқ хилпираб, денгиз паҳлавони ти-
траб, лангар кўтарилади ва кема секин йўлга тушади.
Алвидо оила, дўстлар! Алвидо Ватан!

Кема сафарига!.. Оқ йўл!..

Вақтисина алданган умидлар ёки кутилмаганда пай-
до бўлган хавф-хатар нима экан! Хатарли безгак, экватор-
нинг аёвсиз иссиғи, ўтиб бўлмайдиган кутб музликлари,
йиртқич хайвонларнинг тирноқлари, судралиб юрувчи-
ларнинг захарли ниналари, ҳар дақиқада турли-туман ва
қўрқинчли кўринишда пайдо бўладиган ўлимнинг ўзи
нима экан?.. Ахир цивилизацияга эришган дунёдан узил-
ган одам, бундай дунёнинг қулайликларидан воз кечиб

уни ёввойи мамлакатларда кутаётган ҳодисаларга қараб борган одам ўзидан кечган ҳисобланмайдими? Ахир – бу қўпол гапимни яратганнинг ўзи кечирсин – бу унинг ҳаёти жуда арзон туради, дегани эмасми?

Бироқ кетиш нега керак? Ватанни ташлаб кетиш нега? Ахир географ дунёнинг ҳамма бўрчакларидан илмий ташкилотларга келиб турадиган манбаларга қаноат қила олмайдими? Ахир инженер, она ватанини ташлаб кетмай туриб ўзига иш топа олмайдими? Ахир бизнинг борган сари ортиб бораётган маданиятимизнинг эҳтиёжлари учун ҳунарманд ва деҳқонларнинг меҳнатлари керак эмасми? Ахир Эски ва Янги Дунёнинг ажойиб ҳайвонот боғларида олимлар ўзлари учун ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг энг қизиқ ва турли-туман намуналарини топишмайдими?

Ҳамма гап шундаки, хонаки география билан манбаларни шахсан қидириш ўртасида жуда катта фарк бор. Бизнинг саноатчиларимиз чиндан ҳам рўёбга чиқарганларидан мағрурланадиган – бўйинларни кесиб каналлар ўтказиш, янги ороллар очиш, саҳрода темир йўллар ўтказиш, еростидан қимматбаҳо тошлар ва металллар қазиш – жасур ғоялардир. Камёб ҳашаротни тутган ёки янги ўсимлик топган, номаълум турдаги қушни ушлаган олимнинг хурсандчилигини ким тасвирлаб бера олади? Ахир ўз ерида чумчуқлар билан курашишга ўрганган миришкор ўз ҳосилини гиппопотам ва филлардан қўриқлашига тўғри келганда, қайноқ ҳаяжонни ҳис қилмайдими?

Йўқ, бу турдаги одамлар бизнинг бугунги зерикарли ҳаётимизда бемалол яшай олмайдилар. Уларга озодликнинг буюк иси келиб турган чегара билмайдиган кенгликлар керак! Уларга табиат уларнинг қаршиларида дақиқа сайин пайдо қиладиган ажойиб янги манзаралар керак. Уларга одам оёғи тегмаган, баъзан қўрқинчли, бироқ салобатли янги ерлар керак. Уларга хавфли кураш, одамни ҳаяжонга соладиган ғалабалар, эсдан чиқмайдиган хотиралар керак!

Булар ўзгаларга ўхшамайдиган одамлар, уларнинг истаклари алоҳида, ўзига хос талаблари бор. Улар Жан Ришпен ажойиб қилиб қуйлаган ўша учиб кетадиган қушларга ўхшайдилар.

Қаранглар! Кўм-кўк осмон қаърида, ердан, қулликдан, занжирлардан узоқда улар тоғларни сезмай, қутурган денгизларнинг даҳшатли гўлқинлари шовқинини ҳам сезмай улар ўқдек учишмоқда...

Улар қийналиб кетишган, орик, ва чарчаган...

Бироқ улар шундай енгил нафас олишмоқда!

Ва табиий кучларнинг ёввойи бўкириги улар учун ҳеч ҳам кўрқинчли эмас. Уларнинг қанотлари ҳар қандай шамолга кенг очилган.

Майли, бўрон патларини юлаверсин! Майли, ёмон об-ҳаво жаҳл қилаверсин! Майли жала уларни шалаббо қилсин, муздек дўл саваласин!

Одамга куч-қувват берадиган озошликнинг нурлари билан исиган сеҳрли, ёрқин ўлкаларга матонатли одамларгина интилади.

Биз бу чекинишни қилишдан мақсадимиз, саргузашт-талаб деб айтиб бўлмайдиган, чунки бу лақаб айтилган пайтда одамни ерга урадиган бўлиб қолган, бироқ тадқиқотчи олим деб ҳам ҳисоблаб бўлмайдиган одамларнинг табиатини яхшироқ очиб бериш учун эди.

Биз олмослар юртидаги саргузаштларини ҳикоя қилиб бераётганимиз уч француз ана шундай одамлар сира-сидандир.

Улар ҳам енгил бўлмайдиган бир куч таъсирида эдилар. Жанубий Африкага уларнинг ҳар бири ўз йўли билан келиб қолган ва ўйлагандан ҳам кўпроқ содир бўладиган тасодиқ туфайли учрашиб қолишган эди. Умумий эҳтиёжларига кўра бирлашган ва дўстлик ришталари билан боғланиб, улар иккиланиб ҳам ўтирмай, оқибатини ҳам ўйламай, уларга кўп мушкулликлар келтирадиган ва уларнинг ҳалок бўлишлари билан тугаши мумкин бўлган ишга қўл уришганди.

Улар ўзларининг шахсий қизиқишлари ҳақида ўйламайдилар. Шароит уларни доимий қийинчилик ва тинмай юз берадиган ҳавф-хатарлар ичида яшашга мажбур қилади. Бироқ улар энг кутилмаган фожиаларга қарши дадиллик билан туриб берадилар. Улар куч ва топқирликни табиатнинг ўзи бундай одамларга берадиган ўзига хосликдан олишади.

Қаҳрамонларимиз қанчалик қийинчилик билан, қандай оғир ва машаққатли меҳнат орқасида ниҳоят ҳимоя воситасини ясай олгандилар! Бироқ, мана, яна янги ҳавф пайдо бўлди.

Фургон мана-мана сузиб кетиши керак бўлган лагунанинг қирғоғида бир нечта одам кўринди. Улардан кимдир огоҳлантириб ўтирмасдан ўқ узди — демак уларнинг режаларига шубҳа қилмаса бўлади. Александр фақат мўъжиза туфайлигина тирик қолганди. Бироқ шошилиш керак, чунки сув пасаяди — яна бир оз вақт ва фургон қуруқликда қолади.

Мардонавор дўстлар ўзларини йўқотиб қўймайдилар. Ҳавф-хатар уларга янги куч беради, улар шу заҳотиёқ таваккал қилишга қарор қиладилар. Уларнинг бахтларига фургон дарёга кўндаланг эмас, узунасига турган эди. Бу ҳолда кузовнинг бир томони маълум бир даражада душманлари шубҳасиз, аямайдиган ўқлардан ҳимояланган.

Альбер ва Жозеф иккови ҳар бири ён деворлардан хари синдириб олиб, улар билан қуролланишди. Улар ўзларига ғилдиракларни ечиш бўйича ўйланган операцияни биринчи бўлиб бошлаш ҳуқуқи берилишини талаб қилишарди. Бу операция ҳар қандай ҳолда ҳам ҳавфли эди, ҳозир эса зарба бераётганларнинг кўзи олдида у юз баробар қийинроқ ва ҳавфлироқ эди. Ҳар эҳтимолга қарши ишни иккига бўлиб ва биринчи қисмда Замбези томонга қараган ғилдиракларни ечишга қарор қилинди. Александрнинг ўткир калласида янги режа туғилган эди. Фургондаги латта-путталар орасида бирорта эски куртка, йиртиқ иштон ва босилиб кетган шляпа топиш, уларни ёғочга

кийдириб, тулум ясаш Александр учун бир дақиқалик иш бўлди.

— Нима, сен полиздаги қаргаларни кўркитишни ўйлаб қолдингми? — сўради қизиқиб қолган Альбер. — У маразларга бизнинг жасадимиз керак, сен ясаган нарсани кўриб улар кўриқиб кетишмаса керак!...

— Мен бунга умид ҳам қилмаяпман! — кулиб, жавоб берди Александр. — Ҳозирча менга ҳалал берма. Бу иш бекор эмаслигини кейин кўрасан.

— Шундай бўлса-да?..

— Қамалда қолган гарнизон чиқиб кетмоқчи ёки лат еган жойларни тузатмоқчи бўлса, у биринчи бўлиб рақибининг диққатини чалғитмоқчи, уни бошқа нуқтага йўналтирмоқчи бўлади.

— Биламан.

— Мана шу стратегик вазифани мен тулумга юкламоқчиман.

— Баракалла! Тушундим! Қани, ишга! Жозеф, сен тайёрмисан?

— Тайёрман, месье Александр.

— Бир дақиқа, — гапида давом этди Александр. — Латтадан қилинган бу жентелменни мен орқа девор олдига қўяман. Сизлар эса бу пайтда олдинга сирпанасизлар. Гилдирак ортига яшириниб, чекларни ечиб олинглар. Душманларимиз ҳали-бери ҳужум қилишга ботиниша олмайди. Бизнинг индамаётганимиз уларни энг қизгин отишувдан ҳам кўра кўпроқ чўчитаяпти. Бир неча дақиқа қолди. Бу бизга керагидан ҳам ортиқ. Зуга, ўқ-ёй сендами?

— Ҳа, менда.

— Яхши!

— Биринчи бўлиб бошини чиқарган одамни отасан.

Ҳамма нарса айнан Александр ўйлагандек бўлди. Тулум пайдо бўлиши билан янгитдан ўқ узилди. Ўқ тулумни тешиб ўтди, бунинг ягона натижаси шу бўлдики, йиртиқ-ямоқдан ясалган тулумда яна битта тешик пайдо бўлди.

Бу пайтда эса Альбер ва Жозеф сувга тушинган эди. Уларни баланд огир гилдираклар пана қилиб турарди.

– Чиройли отиш бўлди, – пичирлади Александр. – Гумбурлашига ва тугунига кўра бу голландча милтиқ. Нахотки биз билан жанг қилаётган одам фургоннинг эгаси ёки унинг ака-укаларидан бири бўлса?

– Чеклар счиб олинди! – бир пайтнинг ўзида хабар беришди Альбер ва Жозеф.

– Яхши. Гилдираклар билан фургоннинг девори ўртасидаги ричагларни маҳкамлаб, менинг буйруғимни кутишлар.

– Тайёр.

– Фургон сиз томонга қийшаяди. Эҳтиёт бўлинглар.

– Яхши.

– Тайёرمىсизлар?

– Тайёرمىз.

– Бир, икки, уч.

Бахайбат ёғоч кути аввалига тебраниб турди, кейин эса худди дарёга ағанаб кетадигандек, ёнбошига қийшайиб кетди. У қийшайди, бироқ ағанамади. Ҳаммалари хурсанд бўлиб қийикриб юборишди. Бахайбат машина бир дақиқада ўз жойида мустаҳкам туриб олиб, сув юзасида секин тебраниб турарди.

Бу муваффақиятга эришиш уларга анча меҳнатга тушган иккала каталониялик терга ботганча фургонга сакраб чиқиб олишди. Бироқ уларнинг юзлари қувончдан порлаётган бўлиб, ўзлари худди ақлдан озгандек кичқиришарди:

– Сузаяпмиз! Сузаяпмиз! Биз қутулдик!..

Чиндан ҳам шундай эди. Енгил оқимга тушиб олган фургон чекинаётганларни ҳайратда қолдириб, кўз олдиларида қандай мўъжиза юз бераётганини тушуниб турганларни ажаблантириб, аста сузиб кетди.

Нихоят даҳшатли хавфдан қутилган уч дўст маҳкам қучоқлашишди. Энди улар бу ғайритабиий кемани бошқариш тўғрисида бош қотиришлари керак эди. Душман-

ларининг қутургудек бақир-чақирлари ва ўқ отишлари билан уларнинг нима ишлари бор?

Фургоннинг кема каби ҳаракатига ҳаммадан ҳам ки-зикиб қолган одам доим вазмин ва ҳамма нарсага ажаб-ланавермайдиган Александр эди. Бу сузадиган аравани чангак ёрдамида ҳаракатга келтирган Александр ана шу мустаҳкам чангакка суяниб туриб, арава қандай қилиб сузиб кетганига ҳеч ақли етмаётган эди.

Альбер тушунтира бошлади:

– Бу шунчаки тасодиф туфайли, демайман, бироқ шу сафар тоза омадимиз келди. Жозеф билан иккаламиз бир пайтда иккала чап гилдиракни итарганимизда фургон чапга қийшайиб кетганди. Арава ўқи четлари кўтара олмай, синиб қолди. Шунда кузов уни ушлаб турган нарсасини йўқотиб, яна тикланиб олди. Айтганча, кузов бутунлай сув ўтмайдиган экан. Бир томчи ҳам сув сизиб ўтмади.

– Бу баҳайбат арава ўзини кутганимиздан ҳам яхши тутаяпти.

– Тўппа-тўғри. Бу алмисокдан қолган кемамиз на катерга на шлюпкага ўхшамасада яхши сузиб кетаяпти.

– Жуда бўлмаганда на оддий кўмир ташийдиган кемага ҳам ўхшамайди.

– Мана, ниҳоят, дарёга ҳам тушамиз, – деди Александр. – Энди бир дақиқа ушланиб қолиб эшкак тайёрлаб олишимизга тўғри келади, акс ҳолда оким олиб кетиб қолади. Бунинг устига олдинда шаршара борлигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

– Эшкак?.. Мана битта эшкак. Уни афтидан хўжайин қолдирган бўлса керак. Бизга бундай эшкаклардан икки ёки учта керак бўлади. Учинчиси бизга руль бўлиб хизмат қилади.

– Мен озгина миҳ олиб қўйгандим. Кутилардан паррак ясаймиз. Ён томондаги тахталардан эса даста ясаймиз.

– Булар ҳаммаси шунчалик секин бўлаяпти-ки! – бу нарсаларнинг ясалаши учун яна канча вақт кетишини ўйлаб, хўрсинди Альбер.

– Ботиқа иложи йўқ, дўстим, хали жуда кўп вақт йўқотамиз. Ахир ҳеч қандай асбобларимиз йўқ-ку. Нима бўлганда ҳам, агар менга кулоқ солсанг, йўлга тунда ёки тўғрироғи эртага эрталаб, тонгда йўлга тушсак бўларди.

– Менга қара! – кизикқонлик билан хитоб қилди Альбер. – Наҳотки, сен мени бир умр қўлини ковуштириб ўтиради, деб ўйлаётган бўлсанг? Ахир ҳар бир дақиқа мен учун азоб!..

– Тушуниб турибман. Шунинг учун ҳам сени эс-хушингни йигиб олишга чақираяпман. Наҳотки, сен бу ердан бир неча юз метргина нарида қайиқларимиз турганини унутган бўлсанг? Кечаси судья билан учрашишимиз ва ундан қурол-аслаҳа олишимиз кераклиги ёдингдами? Мен ишларимиз ҳал бўлишига оз қолганини хис қилиб турибман. Менга ишон: ортиқча шошма-шошарлик шунчалик меҳнат билан эришганларимизнинг ҳаммасини пучга чиқариши мумкин.

– Йўқ, бунинг иложи йўқ! Мен ақлдан озаман! Ортиқ кута олмайман!

– Нима қилдик, майли, сен айтганча бўла қолсин, – ғамгинлик билан деди Александр. – Кетдик. Фақат кейин пушаймон қилмасак бўлди...

Ярим соат ичида бир эмаллаб эшаклар ясалди. Альбер улардан бирини олиб, фургоннинг орқа қисмига жойлашди. Александр ва Жозеф олдиндан фургон деворини кўтариб қўйиб, унинг орқасига яшириниб, олдинги қисмида жойлашишди. Энди эшакни чиқариб, уларга таянч нукта бериш учун фургоннинг ён томондаги деворларида иккита тешик қилиш қолган эди. Ниҳоят, бу ишни ҳам тугатишди.

Сабри чидамай тинмай типирчилаётган Альбер ниҳоят, жўнаш учун сигнал берди.

Бахайбат қурилма қийинчилик билан ўрнидан кўзга-либ, Замбезининг сарик сувлари бўйлаб дарёни кўндалангига қиялаб сузиб кетди. Ўзининг ғайриоддий шакли, оғирлигига, эшак эшаётганларнинг кучлари камлигига

қарамай, кема яхши кетаётган эди. Фақат у жуда секин ҳаракат қилар, шу секин ҳаракат ҳам эшкакчилардан катта меҳнат талаб қилаётган эди. Нима қилиб бўлса ҳам курсдан чикиб кетиш мумкин эмас ва иккала олдиндаги эшкакчилар жуда ҳолдан тойишган эди. Улар жуда бакувват бўлишса-да, оқим билан тинмай курашишдан бутун баданлари сиркираётган эди.

Бу пайтда эса Зуга ва бушмен олдинги девордаги тешикларга ёпишиб олганча қирғоққа қараб кетишар ва кўр-кўрона эшкак эшиб кетаётганларга команда беришарди.

Бу одамларнинг ҳаммасининг матонатлари ниҳоят, тақдирланди. Фургон ўлик зонага, яъни кўлмак сувга тушиб қолган эди. Бир неча юз метрлар нарида ўтиб бўлмайдиган чакалакзор бор эди. Дозорда турган қоратанлилар ҳеч қандай шубҳали нарсани кўрмаётганларини айтишди ва эшкакчилар қирғоқ яқинида тўхташди.

Зуга ва Александр нималарнидир гаплашиб олишгач, Зуга фуруннинг орқа девори олдига бориб ташкарига сувга сакради ва сув остида кўринмай қолди. У бир соатча йўқ бўлиб кетди. Французлар у кетган разведка қандай аҳамиятга эгалигини тушуниб туришар ва бу ишни ҳеч ким унингчалик бажара олмасдигини ҳам яхши билишарди. Шунинг учун ҳам кафрнинг қайтишини сабр билан индамай кутишарди. Ниҳоят бутун кутиш давомида ўрнидан қимирламаган Альбер бирдан сувнинг қимирлаганини сезиб қолди ва сувдан қоратанлининг калласи кўринди.

Зуганинг юзи ёришиб кетган, оғзи қулоғида эди.

— Кетдик! — Альбер бир нарса дейишга улгурмай, деди у.

— Хўш? Нима кўрдинг?

— Кетдик! Бўлди! — қайтарди африкалик ўзига хос товуши билан

Эшкакларини бир неча марта қаттиқ эшганларидан кейин фурун қирғоққа яқинлашиб, уни лианалар ёрда-

мида маҳкамлаб қўйишди. Бу ерда улар жуда кўп эди. Альбер, Александр ва Жозеф бутун қирғокни куюқ қоплаб олган ўтлар устига ёпирилишди. Бу қандай хавфли эканлиги тўғрисида ўйлашгани ҳам йўқ. Бушмен ҳам уларга қўшилди.

Бирок ҳаммалари шу заҳотиёқ сакраб туриб, бирин-кетин кета бошлашди. Олдинда Зуга кетарди. Сув ўтлари тугаб, куюқ ўсган баланд ўсимликларнинг синган ва эзилган поялари бу ерда яқиндагина одам ўтганидан гувоҳлик берарди. Улар бешовлари деярли ярим соат юришган бўлса-да, ниҳоят бир километрча юришган эди. Бунинг сабаби йўл қийин бўлгани учун эмас, йўлбошловчи уларни эҳтиётлик билан бошлаб кетаётган эди. Ниҳоят унча катта бўлмаган ялангликка етиб келишди ва у ерда ўчиб қолган гулхан қолдиқларини, бир нечта чала ёнган ўтин, кул, овқат қолдиқлари ва икки кучоқ ўтни кўришди. Ўтлар бироз эзилган бўлиб, афтидан бу ерда дам олиш учун тўхтаган одамларга ўриндик вазифасини ўтаган бўлса керак.

Альбер қулни диққат билан текшириб, ҳаяжонланганидан, ҳатто гапира олмай, бармоғи билан дўстига бир нечта аниқ кўриниб турган изларни кўрсатди. Бу филнинг изини ҳам босиб юборгудек излардан бирининг олдида фақат қимматбаҳо оёқ қийими киядиган аёл кишиникигина бўлиши мукин бўлган кичкина ўлчамдаги баланд пошнали туфлининг изи бор эди.

Гулханнинг нариги томонида, дарёга деярли параллел йўналишда бизнинг сайёҳларимиз келган сўқмоқнинг давоми кўриниб турарди.

— Ўша ердами? -- ҳаяжондан товуши титраб сўради Альбер.

— Ўша ерда, -- жавоб берди Зуга.

— У ҳолда, олға! -- хитоб қилди бутун ғайрати қайтиб келган Альбер.

У, ҳатто шериклари ортидан келишпаяптими деб ортига ҳам ўгирилиб қарамасдан ва қуроли йўқлигини ҳам

унутиб ўрмонга қараб югуриб кетди. Қолганлар бир дақиқа ўзларини йўқотиб қўйишса-да, бироқ хавотирга тушган ва фалокатни ҳис қилган ҳолда унинг орқасидан кетишди.

Бу югуриш узоқ давом этди. Бироқ Альберга етиб олишнинг иложи бўлмади. У жуда олдинда кетиб, йўл-йўлакай орасида эгри-бугри излар зўрға кўриниб турган буталарни синдириб кетарди

Бирдан ҳаммаёқ жимиб қолди. Альбернинг хавотир чулғаб олган тўрт шериги ўзларидан бир неча қадам нарида этни жулжиктирадиган қичқириқ товушини эшитишди.

Нима бўлганини тушунишнинг иложи йўқ эди.

УН ИККИНЧИ БОБ

Зиндонда. – Қочиш режаси. – Мажбурий кон казувчи.
– Арокдан шўрва. – Шамлар қандай ясалади. – Портлаш.
– Ёнгин. – «Ёрдамга!». – Сэм Смитнинг жаҳли чиккан.
– Кондаги газ. – «Тавба қилаётган гуноҳкорлар» ва «Ўт
ўчирувчилар». – Янги портлаш. – Қўлга тушишди!

* * *

Руҳоний ҳазратлари хавотир ола бошлади – у ҳали ҳам кўмир зиндонидан чиқиб кетишнинг йўлини топа олмаган эди. Соатлар ўтаётган, бироқ унга ҳеч қандай кутилмаган тасодиф ёрдамга келмаётган эди.

Ақлга сигмайдиган мўъжиза туфайли у тирик қолди, иккинчи мўъжиза сабаб унинг қўлига, ҳатто орзу ҳам қилиб бўлмайдиган катта бойлик кирди. Руҳоний ҳазратларининг жуда қувониб кетгани ажабланарли эмас.

Бу воқеалардан сўнг у бир оз ўзига келиб олгач, ўз шароитининг қийинлиги ва уни олдинда кутаётган хавф-хатарлар ҳақида ўйлай бошлади. У бу бойликларнинг сирли эгаси фойдаланадиган йўлни ҳеч қанакасига топа олмаслигини тушуниб турарди, шунинг учун ҳам унинг келишни кутишга қарор қилди: бирорта бурчакда яшириниб туради, у кириб келгач қарабинида отиб, унинг бошини пачаклаб ташлайди. Шундан сўнг кетса ҳам бўлади. Ҳа, бироқ бу ернинг эгаси анчагача келмаса-чи? У яраланган бўлса-чи? У қоратанлиларга асирга тушган бўлса-чи? Ўлган бўлса-чи?

Бу ҳаёллардан ҳозиргина ўлимдан қутулиб қолиб, яна жиноят қилиб ўз ҳаётини қутқариб қолмоқчи бўлаётган қаҳрамонимизнинг баданига титроқ кирди. Унинг ҳаёлига агар бу ерда кўп қолиб кетадиган бўлса озиқ-овқат захиралари тугаб қолиши мумкин-ку, деган фикр келди. У ҳолда тутқинликнинг азобларига очлик азоби ҳам қў-

шилади. Ва бу ҳаммаси ўлимларнинг энг азоблиси – очликдан ўлиш билан тугаган бўларди. Булар сенга тегишли деган фикрга ҳали кўникмай туриб, бойлик орасида ҳалок бўлиш!

– Йўқ, йўқ! – секин пичирлади у, – нима қилиб бўлса ҳам бу ердан чиқиб кетиш керак. Қанча тез бўлса, шунча яхши.

У терлаб кетган пешонасини артиб, кўмир бўлаги устига ўтирди ва хаёлга берилди.

– Фақат битта нарса қолди: ерости галереясини қозиш. Қани, мўлжаллаб кўришга ҳаракат қиламиз. Бу қийин эмас. Ҳозир мен шаршарага орқам билан турибман. Демак, Замбези чап томонимда. Менинг горим билан дарё ўзани орасидаги ер қатлами жуда қалин бўлиши мумкин эмас. Ўттиз метр, балки қирқ метрчадир. Олтмиш бўлақолсин! Узунлиги олтмиш метр бўлган ерости йўлини қозиш қийин иш эмас. Шундай қилиб, мен сув устида кўтарилган деворгача етиб бораман. Тўғри, девортик кўтарилган, бироқ у ерда зина кавлашга менга ким ҳалал беради? Шунда мен бу зиндонга олиб келадиган қудуққача кўтарилишим мумкин. Демак, ҳал қилдик! Шу заҳотиёқ ерости йўлини қазиймиз! Вақт ва меҳнат – ва мен яна ёруғликни кўраман! Худо ҳақи, Жемс Виллис ҳали яна бахтли кунларни кўради!.. Кўмир қаватининг устида базальт бўлса-чи? У ҳолда мен темир зирх олдида бўламан-ку! Бундай тўсикни ҳеч қандай чўкич, ҳеч қандай куч енга олмайди... Бироқ, жин урсин, мен бу ерда порох борлигини ёдимда чиқарибман, ахир! Бўлишнинг иложи йўқ нарсани портлатиш мумкин!

Бир пайт руҳонийнинг диққатини бир ҳолат ўзига тортди.

Кўмир қатламида тешилган бўлгани учун қоп-қора бўлган горга олиб кирувчи тешик ўнг томонда қандайдир оқ нарсага тегиб турарди. Бу тепаликнинг энг юқори қисмигача бирининг устига бири ўйилиб кирган ўртача қалинликдаги қатламни ҳосил қилган оҳақтош эди.

Табиатнинг ғалати инжикликлари сабаб негадир кўмир қатлами орасига сукилиб кириб қолган бу оҳактош тўнқарилиб тушган баҳайбат пона шаклида бўлиб, бурчаги ғорнинг тубига бориб тақалган, асоси эса борган сари кенгайиб, тепага қараб кетган эди. Унинг ўнг томонидан ҳам, чап томонидан ҳам кўмир чиқиб, унинг оппоқ ранги билан кескин фарқ қилиб, бу оҳактош қатламини сиқиб қўйган эди.

Жемс Виллис ўзича агар оҳактош чап тарафда бўлса бу унинг ишига яхшигина ҳалал берган бўлиши мумкинлигини ўйлаб қўйди. Шундан сўнг у омбор турган думалоқ майдончага қайтиб келиб, қўлига белкурак ва чўкич олиб, ишга киришди, яъни кўмир чопа бошлади. Бироқ шу пайт у борган сари ажабланганча оҳактош қатлами кўмир қатлами билан дарёга қараб кетган чизикда кесишганини сезиб қолди.

У янглишаётган бўлиши мумкин эмас эди, чунки омборхонанинг бир томон девори оҳактошдан эди.

— Қизик! — ўзича гапирди қароқчи. — Бу девор менга ниманидир эслатаётти. Агар ҳаёлан бу чизикни дарё бўйлаб шаршарадан юқорига давом эттирсак, у ҳолда... Тўхта-чи! Мен хато қилмаяпманми? Йўқ, хато қилмаяпман! У ҳолда мен бу ажойиб мистер Смитсоннинг харитасида белгиланган акациягача бораман. Харитада учта акация белгиланган эди. Мен фақат иккитасини кўрдим. Бироқ, учинчисини кесиб ташлаган бўлишлари мумкин! Бу омад деганлари мени бир кунда икки марта хурсанд қилмоқчи бўлмадими, ўзи?.. Ахир бундан одам ақлдан озиб қолиши мумкин.! Бошим ёрилиб кетай деяпти! Чидай олмайман! Буниси энди ҳаддан ортик!.. Жим, ўзингни бос! Мен бу харитани энг майда-чуйдаларигача кўриб турибман. Тен-так Сэм Смит! У мендан харитани олиб қўйиб мени қўлсиз, оёқсиз қилиб қўйдим, деб ўйлаётти. Акациялардан кетган пунктир чизик Боғ Оролни кесиб ўтади. Мистер Смитсоннинг чизмаларида кора доғ бор эди. Мен буни сиёҳ доғи деб ўйлаган эдим. У менинг ғоримни кўзда тут-

маганмикин? Ахир у, шубҳасиз бу ғор ҳақида билган... Бироқ, у ҳолда мен айнан керак жойга тушиб қолибман! Мен энди миллионер бўламан! Эҳ, жин урсин, фақат шу ердан чикиб кета олсам эди!

Рухоний ҳазратлари шунчалик кучи борлигини ўзи ҳам билмаган ҳолда чўкич билан кўмир қатламини ура кетди. Чўкич ҳар сафар кўмирга текканда худди қандайдир резонаторга теккандек бўғиқ товуш эшитила бошлады.

– Бу нимаси? – тўнгиллади, ҳайрон бўлган Жемс Виллис. – У ерда бўшлиқ борми? Мен яна бир форми ёки ерости йўлига дуч келмадимми, ишқилиб? Шундай бўлса ёмон бўлмасди. Иш дарров олдинга силжирди! Негаки, ўз-ўзимни алдашнинг ҳожаги йўқ – мендан яхши шахтёр чиқмас экан!..

У, аслида, ўз-ўзини камситаятган эди, чунки атрофида аллақачон кўмир уюми тўпланган бўлиб, энди зўрға кўринаётган галереяга кирадиган йўлни тўсиб қўйган эди.

Кекса қароқчи чарчагани сезмай, берилиб ишлаётган эди. Вақт тез ўтар, у қорни жуда очиб кетганини сезса-да, ишини тўхтата олмаятган эди. Бу орада унинг қўллари пўрсилдок бўлиб, улар ёрилиб, ичидан чиққан қон ва патос кўмир кукуни билан аралашиб белкуракнинг сопида қора доғлар ҳосил қилган эди.

Шунда унинг хаёлига ичкилик ичиб бақувват бўлиб олиш келди. У бренди шишасини очиб ични қиздирадиган бу суюқликдан яхшигина порциясини ичиб олди. Сўнгра тунука идиш кўриб қолиб, шишанинг ичидаги бор ичкиликни унга ағдарди. Ёнида печенье солинган тунука идиш турарди. Виллис бир дақиқа ичида уни очиб, қопқогини суғуриб олди ва бир нечта печеньеи қўлига олиб майда бўлақларга бўлди ва уларни ичкилик ичига солиб, қонда кўп марта кўргани «маст шўрва» ҳосил қилди.

У шу ҳолда ишини тўхтатмай туриб, бир неча марта куч тўплаб олди. Ҳар бир чарчаганидан сўнг у югуриб бориб очкўзлик билан аракда ивиган печеньени еб олиб қизиганча яна ишини давом эттирди.

Бундай овқатланишнинг натижаси куттириб ўтормади. Жемс Виллис аввалига кўзлари тиниб, боши оғирлашаётганини сизди. Сал ўтиб у бутунлай маст бўлиб қолди.

— Бўлди! — деди бу физиологик ҳолатнинг белгиларини яхши билган қароқчи. Ўзининг жўшқин ўтган ҳаёти давомида бу нарсани у жуда яхши ўрганган эди. — Бўлди! Акс ҳолда мен бутунлай ётиб қоладиган даражада маст бўлиб қоламан. Бу арақдан пиширилган шўрвани ичиш етар! Жин урсин, қўлларим ҳаммаси шилиниб кетибди. Ичкилик яраларнинг битишига ёрдам беради дейишади. Аҳмоққа ўхшаб ичавергунча буни қўлларимга суртсам яхши эмасми? Жин урсин, бу арақ эмас, эритилган қўрғошинга ўхшайди!

Туйнук қоронғилаша бошлади ва қароқчи кўмирни титкилаган махфий жойдан кўриб турган осмоннинг бир бўлаги шафақ алангаси таъсирида қизара бошлади. Тун қира бошлаган эди.

Рухоний ҳазратлари бурлар буйвол ёғидан жуда ажойиб усул билан тайёрлайдиган бир нечта шамни топиб олиб, жуда қувониб кетди.

Улар бир парча пахта ёки латтани эритилган ёғ солинган идишга ботиришади. Латта ёғни шимиб олгандан сўнг уни олиб бир чеккасидан қуриши учун осиб қўйишади. Бир неча дақиқадан кейин у қотади. Шунда уни яна ёғ ичига солиб, янги қават ҳосил қилишади. Уни яна қуриштишади. Бу ҳол шағам керакли қалинликда бўлгунча қайтарилади.

Сохта миссионер чақмоқлаб ёндириб, шамни ёқди ва яна қўлига чўкични олди. Оёғида зўрга турган бўлса-да, у бор кучи билан ишлаётган эди. Шу пайтда у вақт тушунчасини бутунлай йўқотган эди. Фордан чиқиб кетиш учун

Ўзига йўл қилиш мақсадида у тўғри йўналишдан кетаяпманми, йўқми деб ўйлаб ҳам ўтирмай чўкич билан ўннга, чапга ҳаракат қиларди.

Чўкич бирдан йўқ бўлиб қолди. У орқаси бўшлиқ бўлган ингичка тўсикни ёриб ўтган эди.

Рухоний ҳазратлари кучли вишиллаш товушини эшитди: қаердандир ҳавоми, газми кираётган эди. Унга шаминин: сариқ алангаси катталашиб ғалати ҳаворанг тусга кирганга ўхшаб кўринди. Жемс бу брендидан қилинган овқатнинг натижаси, деб ўйлади. У, ҳатто бу тўғрисида ҳазил гап ҳам айтмоқчи бўлди, бироқ улгурмади.

Зимистон бўшлиқда кўзни олгудек чакмоқ чакиб, қа-роқчи аланга ичида қолди, у даҳшатли портлашни эшитиб, аллақандай куч уни ҳавога итқитганини ҳис қилди.

У ортиқ ҳеч нарсани эсламасди – йикилаётиб у ҳушини йўқотган эди.

Рухоний ҳазратлари ҳушига келганда қуёш афтидан, аллақачон чиққан эди.

Шуниси ажабланарлики, у ичишидан олдин ва кейин нималар бўлганини аниқ эсларди. Бир сония ичида унинг кўз олдидан ҳамма воқеалар – ғорга тушиб қолганидан бошлаб сирли портлашгача – ўтди. Бироқ эс-ҳуши қанчалик жойида бўлса, танаси шунчалик аянчли ахволда эди. У секин ҳаракат қилиб кўрмоқчи бўлди, бироқ оғриқдан додлаб юборай деди. Ўрнидан турмоқчи бўлганда эса, оёқлари унга бўйсунмади. У кўмир уқоми устига ағанаб тушди. Бироқ бу кўмир атрофга захарли тутун таратиб, аста тутаб ётарди. Жемс Виллис, ҳатто олов баданини чақаётганини сизди, афтидан уни ҳушига келтирган нарсаси ҳам шу эди.

– Ёнаяпман! Мен ёнаяпман! – даҳшат ичра қичқирди у. – Ёнгин! Ёнгин! Чопиш керак! Бу ерда қолиш ўлим! Мен ёниб кетаман ёки нафасим қайтиб ўламан! Чопиш керак! Бироқ мен бир қадам ҳам қўя олмаяпман. Наҳотки, оёқларим синган бўлса?! У ҳолда мен тамом бўлдим-ку!

Нахотки, қасос онлари бошланган бўлса?.. Ёрдам беринг! Ёрдам!..

– Келаяпман! Келаяпман! – худди кудукдан келаятган каби истехзоли товуш эшитилди.

Овоз келган томондан тебранганча узун ва ингичка арқон тушиб келди. Сўнгра қандайдир қора нарса кўриниб, арқондан худди маймун каби эпчиллик билан бир одам тушиб келди.

– Бу нимаси? – хитоб қилди у. – Меникига ўғрилар тушдими? Бу ерда ёнгин бўлаяпти-ку! Яхши ҳам вақтида келибман!

Рухоний ҳазратлари бу овозни дарров таниди ва тасвирлаб бўлмайдиган даҳшат билан хитоб қилди:

– Сэм Смит! Мен тамом бўлдим!..

Бу чиндан ҳам Сэм Смит эди. Ўзининг сира ҳовлиқмайдиган одам эканлигига қарамай, у хайратга тушиб, сесканиб кетди.

– Жемс Виллис! Сен! Эҳ, сен муттаҳам, сенинг жонинг мингта шекилли! Умумий ҳомийимиз Вельзевул билан шартнома тузгансан шекилли! Мен сени чумолилзрга ем қилиб ташлаб кетган эдим, сен эса тилпа-тириксан! Афтидан, улар сенинг гўштингни ейишга ирганишган, шекилли! Бу ерга, менинг дала ҳовлимга қандай қилиб келиб қолдинг, шуни тушунмаяпман! Мен эса, ўз давримда кўп нарса кўрганман, шекилли!

– Раҳм қил! – хириллаб деди баданини кўрқув чулғаб олган сохта миссионер.

– Менга қара, оғайни. – унинг гапини кескин бўлиб, деди Сэм Смит, – мен сенга шуни айтиб қўйишим керакки, сен ўта кўрқоқ экансан. Бунинг устига кўрқувинг ҳам одамнинг гашига тегадиган ғалати кўрқув. Мени кўришинг билан йиғламсираб, ялинишга бошлайсан. Агар иложи бўлганда бу кўз ёшларинг сенинг шахсингга бўлган нафратимни оширган бўларди. Бошқа нарса ўйлаб топ, тўнкага ўхшаган!..

– Бўлди, мени битгада ўлдириб қўя қол! – тишларини гичирлатиб, хириллади Жемс Виллис.

– Мана! Буниси энди яхшироқ! Барибир сен ўлимга маҳкумсан. Демак, мард бўлиш керак... – Сэм Смит истеҳзо билан давом этди: – Билаянсанми, сен ҳали тириклар қаторидан ўчирилмаган бўлсанг ҳам, мен дўстларимга сени хизматкор сифатида ишга олишларини маслаҳат бермасдим. Қарагин, менинг уйимни нимага айлантирибсан! Қандай тартибсизлик!.. Бу ерни йиғиштиришга бир ҳафта кетади! Бироқ бу пайт орасида сен менинг карабинини олиб бошимга отиб қолишинг мумкин! Шунинг учун, қалланга ҳар хил аҳмоқона нарсалар келмаслиги учун яхшиси, сени боғлаб қўяман.

Рухоний ҳазратлари ҳали ҳам ҳаракатсиз эди. Бироқ Сэм Смит унинг оёқларини боғлаш учун ушлаганда у оғриқдан бакириб юборди.

Смитга ачиниш ҳисси бегона эди, шундай бўлса-да у тўхтаб, ўз-ўзига деди:

– Бечора! Оёқлари синибди!.. Бироқ бу ҳеч нарса эмас, судралиб юриши мумкин. Бундай аблахлар яшовчан бўлади. Улар ҳақиқий мард эмас, бироқ нафрат уларга куч беради. Қўлларини боғлаймиз.

У шундай қилди, сўнгра шам ёқиб горни кўздан кечири бошлади.

– Бу тўнканинг қандай килиб бу ерда ёнгин чиқаза олганига оқлим етмаяпти! Бу кўмирни бу ердан олиб ташлаш керак. Елвизакда ётиб, худди печкадек ёнаяпти! Бу қандай ерости йўли? Э, бу Жемс Виллис унчалик тентак эмас экан! У қудукдан қочишни билмай, ерости йўли қавлай бошлабди!.. Ҳа, бироқ у бу ерга қандай келиб қолди экан? Қани, шу ерости йўлини кўрайлик-чи, балки бирор нарса билиб олармиз.

У бир уюм кўмир устидан сакраб ўтиб Жемс Виллисининг чўкичи қилган тешикни кўрди ва табиийки, ўша ерга шамини яқинлаштирди. Ва шунда у ҳам шам алангаси шаклини ва рангини ўзгартирганини, ҳаворангрок бўлиб қолганини сизди.

– Тўхта! – деди Сэм Смит. – Биз тажрибали одамларданмиз, кўпни кўрганмиз, бу нарса билан танишмиз. Мен кон газини дарров сездим... Ҳа, мана нима экан, – истехзо билан деди у. – Демак, биз эски кадрдонимиз Сэм Смитга бу ерости йўлига яқинлашиш хавфлилигини, чунки у ерда газ борлигини айғиб қўйишни лозим кўрмадик. Мистер Жемс Виллис, бу сиз томондан нонкўрлик. Чунки мен киришим биланок сизни ўлдиришим мумкин эди ва сизгэ яшаб қолиш учун яна бир неча дақиқа бераётганим учун сиз мендан миннатдор бўлишингиз керак! Шундан кейин ҳам одамларга ишониб бўлса!

– Мен барибир ўлар эканман, жуда бўлмаганда сен билан бирга ўлиш мен учун овунч бўлган бўларди, – бўғик товушди мингиллади рухоний хазратлари.

– Ҳали шунақами? Сен чиндан ҳам ботир бўлиб кетаяпсан! Бироқ кеч! Афсуски, сени тарбиялаб ўтиришга менинг вақтим йўқ. Етар, валақлашиш. Тезроқ Австралияни ва мен кўмир конларида ўт ўчирувчи бўлганимни эслаш керак. Нима қилиб бўлса ҳам бу даҳшатли газдан қутулиш мумкин. Йўли бор.

Смит шундай бемалол айтган йўл жуда хавфли бўлиб, бу ишни қилмоқчи бўлган ботирни хавф остига қўярди.

Маълумки, кон газини, ёки углеводород ёруғ таъсирида аланга олиш хусусиятига эга ва, маълум бир пропорцияда атмосфера хавоси билан аралашиб, кучли портлашни юзага келтиради.

Қадимда, шахтёрлар лампочкаси ихтиро қилинишидан олдин газни ерости йўлига тарқалиши ва ҳаво билан аралашиб кетишига қўйиб беришган. Кейин эса, олдиндан ишчиларни узоқлаштириб, бу аралашмани ёқишган ва у портлаган. Маълум бир пайтгача газнинг ёндирилиши беихтиёр портлашининг олдини олган. Портлашни бажарган одамни Англияда «ёнгин ўчирувчи» деб, Францияда эса «пушаймон бўлаётган гуноҳкор» деб аташган. Ундай одамларга ҳўл кўйлак кийдиришган, кўзларнинг химояси учун ойнали ниқоб тақиб, қўлига учида машғала

бор узун чўп беришган. Шу ҳолда у ерга ётиб захарланган ерости йўлига судралиб борган. Портлаш рўй бермагунча ўша ерда бўлган

«Пушаймон бўлаётга гуноҳкор» кандай хавфли шароитда бўлишини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Колонизациянинг биринчи йилларида Австралияда бундай ишлар сургундагиларга юкланарди.

Мана, Сэм Смит нимани кўзда тутган экан.

У ҳазиллашиб дала ҳовли деб атайдиган ғорда узун ёғоч топилмади. Шунда у рухоний ҳазратлари яқиндагина «шўрва» солиб ичган тунука идишини олиб, уни чўғ бўлиб ётган кўмир билан тўлдирди ва бор кучи билан галерея томонга қараб отди ва ўзи эса шу заҳоти ерга ётиб олди.

Портлаш жуда кучли бўлди.

Бир зумда олов галереяни эгаллаб, метеор каби юмалоқ майдончадан ўтиб, иккала тешик ўртасида пайдо бўлган елвизак хайдаб шовкин билан Сэм Смитга кириш йўли бўлиб хизмат қиладиган қудукка кириб борди.

Бу ҳаммаси бир неча сониягина давом этди. Сўнгра сукунат чўмди.

– Мана, бўлди, рухоний ҳазратлари, – ўрнидан тураётиб деди Смит. – Хавф тугади, энди дўстингиз Сэм сизнинг ишингиз билан танишгани боради.

Шу сўзларни айтаётиб Смит беҳосдан бошини кўтариб, аламдан қичкириб юборай деди: унга нарвон бўлиб хизмат қилаётган арқонни аланганинг тили ялаётган эди.

Энди иккала қароқчи учун ҳам ташки дунё билан алоқа қилиш имкони йўқолган эди.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Сэм Смит турган жойларини ўрганишда давом этади. — Кўмир қатламидаги оқ чизик. — Компас учун. — Сэм Смит ўз дала ҳовлисига қандай киради. — Ақлдан озиш приступи. — Руҳонийнинг азоблари. — Кафр қиролларининг хазинаси. — Таҳқирланган мақбара. — Портлашнинг янги натижалари. — Ўлганлар ётган жой тириклар учун бошпана. — Ёнгин.

* * *

Питер Сэм Смит учун буқалар топар экан — қандай йўл билан эканлигини биз жуда яхши биламиз — Смит тепаликнинг чўккисида Корнелис билан қолиб, кутаётган эди.

Икки оғиз гапни қўшиб гапира олмайдиган қўпол эркак билан ўтириш оғир эди, шунинг учун ҳам Смит жим бўлиб, ўз хаёлларига берилган эди.

У охирига пайтларда бўлиб ўтган ғалати ҳодисалар ва, айниқса кафр қиролларининг хазинаси билан боғлиқ воқеалар ҳақида ўйлаётган эди.

Қароқчи ўз кучига жуда ишонар эди; бунинг устига кутилмаган тасодиф туфайли унинг кўлига қимматбаҳо ҳужжат тушиб қолган бўлиб, бу унга хазинани қидираётган бошқа одамлар олдида устунлик бераётган эди. Келажак унинг кўзига жуда чиройли кўринаётган бўлиб, у эртакнамо бойликка эга бўлганидан кейин ўз олдида пайдо бўладиган имкониятларни хаёлан санаб ўтарди.

У айни пайтда харитага тиззасига ёзиб олиб, харитадаги шартли белгиларни ушбу жойдаги предметлар билан солиштирётганди. Уни харитадаги иккита қора чизик ўртасидаги оқ чизик хавотирга солаётган эди. Бу жойларда у бундай нарсани кўрмаётган эди.

«Бу чизик бу ерда нима қиляпти?» — тинмай ўз-ўзидан сўрарди у. — Бу нимани билдиради? Қидирув ишлари-

ни олиб бориш керак бўлган жойними? Ёки ердаги чукурликними? Ёки ерости йўлими? Ерости йўли! Эҳ, жин урсин! Мен бу йўналишда кетган биттагина ерости йўлини биламан: менинг дала ҳовлимда! У ерда дахлиз бор. У дахлиз шаршара устида осилиб турган туртиб чикқан жойга олиб боради. Бу зўр иш бўлган бўларди! Текшириб кўриш керак. Харитадан шикоят қилиб ўтиришнинг кераги йўқ. Компасим бўлганда эди, бу ноаниқликнинг тегига етган бўлардим. Компас!.. Ахир омборимда бер нечтаси ётибди! Бирок бу тентак бурнинг мен қаерга боришимни кўришини истамайман. Эҳ, иложи йўқ, боришга тўғри келади! Мен унга шу ерда коровуллаб ўтириши кераклигини айтаман. У мендан ўлгудек кўркади ва ўрнидан кўзгалмай ўтиради. Ахир кўп қолиб кетмайман».

– Эй, Корнелис!

– Нима буюрасиз, жентелмен?

– Мана нима гап! Озиқ-овқат заҳираларимиз тугаяпти, менинг эса қорним итдек оч. Ва чанқаб кетаяпман.

– Жентелмен, менинг қорним доим ўлгудек оч ва доим ўлгудек чанқаган бўламан.

– Шунинг учун ҳам овқат ҳақида ўйлаш керак.

– Хизматингизга тайёрман. Ҳоҳлайсизми, бориб антилопанинг оёғини қидириб кўраман ва бир-икки пинт сув ҳам олиб келаман?

– Мен сизга бундан яхшироқ нарсани таклиф қилмоқчиман. Бир қути қуритилган гўшт, бир бўлак чўчка гўшти ва бир жуфт бренди шишасига нима дердингиз?

– Жентелмен, нима деган бўлардим? Жуда оддий. Виктория шаршарасидаги ковокхоначиникини кавлаб кўрилмаса ва афсун қилмасдан туриб бундай зиёфатни орзу қилмаса ҳам бўлади...

– Унда мени афсунгар деб ҳисоблай қолинг, чунки мен конга бормайман – бунинг сабаблари бор, бироқ икки соатдан сўнг сизнинг хоҳишингиз бажарилади...

– Сиз мени ҳеч нарса билан ажаблантира олмайсиз. Мен сизнинг бошқалар қила олмайдиган ишларни қила олишингизни яхши биламан.

– Балки. Мен кетаяпман. Сиз эса шу ерда ўтириб, ҳамма ёқни кузатиб тулинг. Ва нима юз бермасин, бу ердан кетманг. Бу бизнинг хавфсизлигимиз масаласигина эмас, балки келажакдаги яхши ҳаётимиз гарови ҳамдир.

– Менга ишонаверинг, жентелмен. Мен тошдек қотиб ўтираман. Қулоқларимни динг қилиб, шубҳали бирор шитирлашни ҳам ўтказиб юбормайман. Иккала томонга қараб ўтириш масаласида эса, кўзим битга бўлса ҳам, мени уялтириб қўймайди.

– Яхши, кўришгунча, оғайни.

Смит карабинини камарига кистириб, бошидаги шлемини тўғрилаб қўйди, дўнгликдан ўтиб, кактус ва эвфорбия шохларини Питер каби очиб кета бошлади ва тезда кўздан йўқолди. Бироқ у Питер каби пастга, водийга тушмади. У гоҳ тикан билан қопланган ўтлар орасида судралиб, гоҳ қоялар орқасида яшириниб, гоҳ қоронғи чакалзор орасида йўқолиб, кета бошлади.

Афтидан, у ўзи жуда ҳам ишонмайдиган Корнелисни чалғитмоқчи эди, шекилли. Ниҳоят у дарё томонга қараган тоғ ёнбағрига етиб келди. Шу ерда тўхтаб, юзидан оқиб тушаётган терларини артди ва диққат билан атрофга қаради.

Шубҳали ҳеч нарса йўқ. Бу ердан баландда учиб юрган бир нечта калхатгина уни кўриши мумкин бўлган ягона жонзотлар эди. Бироқ у қандай чарчаб кетди! Бу ерга билдирмасдан келиш учун қанча эҳтиёткорлик қилишига тўғри келди.

Қияликда унча чуқур бўлмаган чуқурлик бўлиб, унинг энг тагида – диаметри бир метрча бўлган думалок тешик бор эди. У қудукка ўхшарди. Унинг галати ўзига хослиги – четлари қора бўлиб, бироқ ғарбдан шарққа қараб бир оз ичига ботган оқ йўл кесиб ўтган эди.

Сэм бу геологик ўзига хосликка орзумандлик билан қараб қўйиб, мингирлади:

– Бу қандай оқ йўл ўзи? Мен биринчи марта қўмиргориға келган қунимоқ бунга эътибор берган эдим. Ме-

нимча, бу ерда ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас: кўмир қатлами орасида чиқиб турган оҳақтош, — харитада белгиланган оқ чизик ана шу. Қизик! Ҳаммасини текширадиган пайт келди, мен эса иккиланиб ўтирибман!.. Ахир, нимадани йўқотаман! Ҳали у даражада бой эмасманми? Агар ишимиз юришмаса овуна олишим учун менинг бор бойлигим етмайдими? Йўқ. мен барибир омадим келмаслигидан кўрқаяпман. Компас ўки бутунлай бошқа томонни кўрсатиб қолишидан кўрқаман... Эҳ, бу компаснинг ўки! Мен ундан заҳар суртилган найзадан ҳам кўпроқ кўрқаяпман! Ахир мен таваккал қиляпман! Агар компас менинг тахминларимни тасдиқласа, қўлимга ҳисобсиз бойлик тушади. Чарм, ёг ёки пахта сотиб бой бўлган савдогарларники каби бойлик эмас, набобларнинг ақлдан оздиргудек бойликлари бўлади. Бироқ мен каби одамларга факат шу ярашади. Агар бундай бўлиб чиқмаса — менинги бутун шиддатли ўтган ҳаётимнинг натижаси майда судхўрнинг камтаргина яшаши бўлади. Агар шундай бўлса ҳамма орзуларимнинг қанчалик бечора якуни бўлган бўларди. Ахир бу орзуларнинг рўёбга чиқиши учун мен ҳамма нарсани, ҳатто иложи йўқ нарсани ҳам қилдим!.. Энди, кўнгилчанлик қилиб ўтириш етар! Тугатиш керак!..

Шу сўзлар билан Смит қудуқ яқинида қазилиб, кўмир билан тўлдирилган унча катта бўлмаган чуқурни оёғи билан қавлади. Кўмирнинг энг тагида одам қўлидан қалин бўлмаган ва узунлиги икки метрли қаттиқ турдаги ёғоч бўлаги ётарди. Сэм ёғочни олиб қудуққа кираверишнинг қок ўртасига кўндаланг қилиб қўйди.

Шундан сўнг у белида белбоғ ўрнига боғлаб юрадиган ингичка чизимчани ечиб, ёғоч тўсинга маҳкамлаб, қаттиқ боғлади ва бўш учини пастга туширди.

— Мана бўлди! — деди у. — Ҳоримга туша туриб ҳеч қачон шунчалик ҳаяжонланмаганман шекилли. Бироқ бир неча кундан, балки бир неча соатдан кейин архимиллионер бўлиши мумкин бўлган одамнинг ҳаяжонланишга ҳамма асоси бор.

Шундан сўнг у бир қўли билан арқонни, иккинчи қўли билан тўсинни ушлаб ўзи ҳазиллашиб дала ҳовли деб атайдиган уясига туша бошлади. Қолган воқеаларни ўқувчимиз яхши билади. Ўқувчимиз ўзи чумолиларга ем бўлган деб ҳисоблаётган миссионерни кўриб Сэм Смитнинг қанчалик ажабланганини, портлашдан кейин горда юз берган бетартибликни кўриб қанчалик жаҳли чиққанини, ташқарига чиқадиغان арқони ёниб кетиб, ташқи дунё билан мулоқатни бутунлай йўқ қилган иккинчи портлашдан кейин унинг буткул тушқунликка тушганидан ўқувчимиз хабардор.

Мастер Смит Жемс Виллис билан бирга қамалиб қолган эди.

Бир неча дақиқа саросимада ўтиб, тақдирнинг ҳамма ўйинларидан хабардор ва ҳеч умидини йўқотмайдиган мастер Смит бир оз ўзига кела бошлади.

– Хўш, нима бўпти? – ҳали ҳам шайтон кулгиси билан кулишда давом этаётган сохта миссионерга деди у. – Биз қўлга тушдик. Бироқ, бу биринчи марта эмас шекиллиа? Хоҳлаганингча кулиб, маза қилишинг ва мен ҳам сенингдек шароитда эканлигимни ўйлашинг мумкин. Хато қиласан, дўстим! Мен қочиб кетаман! Бу нарса қўп марта қўлимдан келган. Ва у пайтларда ҳозиргидек имкониятим бўлмаган эди.

Бошқа томонга қараб эса, у пичирлади:

– Факат битта нарса ёкмай турибди. Менинг ҳисоб-китобимга қарамай, ёнғин ўчмади. Олов шип бўйлаб кенгаяпти. Тўғри, бу унчалик хавfli эмас. Бироқ тепангда олов ёниб турганда ишлаш жуда ҳам ёқимли эмас. Бунинг устига бу ерда порох захираси бор. Уларни тезроқ хавфсиз жойга олиб чиқиш керак. Бироқ аввал қадардан газ чиққанини кўрайлик-чи.

Смит янги шам олиб уни ёқди ва яқиндагина портлаш бўлиб, Жемс Виллисни отиб юборган ёриққа кирди.

У ниҳоят беш дақиқа йўқ бўлиб, сўнг пайдо бўлди. Бироқ унинг кўриниши! Юзи ўликниқидек қонсиз, кўз-

лари косасидан чикиб кетай дер, оғзи кийшайиб кетган, кўллари титрар, оёқлари зўрға кадам ташларди.

У шамни қандайдир тешикка тикиб қўйди, кейин иккала кўли билан бошини ушлаб, сочларини юла бошлади, сўнгра кулиб, бақириб, ашула айта бошлади, кейин эса подлаб йиғлай бошлади. У худди акудан озган одамга ўхшарди.

Нихоят гапира оладиган даражага етганда қандайдир сўзларни айта бошлади, бироқ руҳоний ҳазратлари бундан ҳеч нарсани тушунмади.

– Чиндан ҳам шундай! Мен ҳақ эканман! Улар ҳам!.. Сен ҳам!.. Муттаҳам, сенга бу ерда нима керак эди! Мен сени майда-майда қилиб ташлайман!.. Ҳаммасига айбдорсан... Менинг мастлигимга ҳам... Мен шу даражага етганимга ҳам!.. Мен сени ўлдираман!.. Йўқ, бу жуда кам! Мен сени тириклайин майда-майда килгим келаяпти! Мен гўштингни қайнатиб ўз кўзинг олдида ейман... Йўқ, йўқ!.. Сен менинг эски ошнамсан! Мен сени акамдек яхши кўраман. Сени кучоклагим келаяпти... Тузатгим... Ҳаммасини эсдан чиқарамиз... Ҳа: ҳаммасини!.. Мен сени кечирдим. Гип! Шип! Ура! God save the queen! Ашулани айт! Айта қол! Rule, Britannia! Сургундаги ашулалардан бирини айт! Ёки Яратганга сиғин! Ёки сўкин!... Бирортасининг овози... Факат менинг ўзимники эмас. Ўзимникидан оғриқ тураяпти! Кетдик! Кетдик, ахир!.. Ўша ёкка!.. Ўша ёкка, галереяга... Сен юра олмаяпсанми? Ҳеч нарсадан кўркма! Сен ҳаммасини ўз кўзинг билан кўришинг керак, Жемс!..

Сэм Смит руҳонийни ёш боладек кўлига кўтарди ва шамни олиб, галереяга қараб югурди ва ўн беш қадамча чопгач, қоққан қозиеқдек қотиб қолди.

– Қара! – бақирди у. – Қарагин-да, менга айт: шундай манзара олдида эски душманлигимизни, ғазаб ва нафратимизни эсдан чиқарсак арзимайдими?

– Бу ерда нимани кўрдинг ўзи? Бу ерда нима бор? – бўғиқ товушда сўради Жемс Виллис.

— Бизнинг бойлигимиз!.. Бизнинг кўз кўриб, кулок эшитмаган бойлигимиз!.. Ақлдан оздиргудек бойлигимиз!

— Нима?

— Ахир бу кафр қиролларининг хазинаси-ку! Мана нима учун мен эсимни йўқотиб қўйгудек бўлдим ва ҳагто сенинг пасткашлигингни ҳам кечирдим. Бироқ хотиржам бўл, мен сўзимда турадиган одамман. Кечирдим дедим-ми, демак кечирдим. Фақат шу ғордан чиқиб кета олсак эди — чиқиб кетамиз, ва тез орада, шунда мен ўз бойлигимни сен билан бўлишаман. Чунки сен буларнинг топилишида, асосий бўлмаса-да, сабабчисан.

— Бироқ мен ҳеч нарса кўрмайман, — эътироз билдирди бу дўстона гаплар ва шароитнинг кутилмаганда бошқачасига айланиб кетганидан дарров овуниб қолган руҳоний ҳазратлари. — Мен фақат скелетларни, қуриб кетган мумиё ва қоратанлиларнинг қурол-аслаҳаларининг гина кўраяпман...

— Марҳумларнинг ёнида турган анави сопол кўзалар-чи, сенингча уларда нима бор?

Смит кескин ҳаракат қилар экан, иккала оёғи осилиб ётган Жемс Виллис оғриқдан бақириб юборди. Сэм уни ерга қўйиб, шағамни боши устига кўтариб, деди:

— Бу ерда олмослар тикилиб ётибди, дўстим! Сен мени тушунаяпсанми? Олмослар! Яна қанақаси!.. Сен мен кўмир уюми тагига яшириб қўйган ҳамма олмосларимни топиб олишга улгурибсан! Бироқ уларни мана бу олмосларга солиштириладиган бўлса, улар қанчалик арзимаган! Ма, қара!..

Смит бутун гавдаси билан олдинга энгашиб, ерда ўтирган скелетнинг чалишган оёқлари орасидаги катта сопол идишни оёғи билан кучи борича тепди. Идиш чилчил синиб атрофга сочилиб кетди, айна пайтда скелет ҳам синиб, ерда олмослар ялтираб кетди.

Бу кутилмаган топилманинг очилиши ва бунда тасодифнинг роли қандай катта эканлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Жемс Виллис дарё қирғоғига чикиб олиш учун ўзига йўл оча туриб, қон газ бор қатламга дуч келган эди. Чўкич билан уриб у резервуарнинг деворини тешиб қўйган. Шундан сўнг эҳтиётсизлик билан у ерга шамни олиб бориб, портлашга сабаб бўлган. Натижада, девор ағанаб тушиб, Виллиснинг оёғини синдирган эди.

Сэм Смит айнан ҳамма томондан яна янгидан ва кўпроқ газ чиқа бошлаган пайтда келиб қолади. У шу заҳотиёқ шароит жуда хавфли эканлигини ҳис қилиб, бундай пайтда қилиш мумкин бўлган ягона чора эсига тушади.

У «пушаймон бўлаётган гуноҳқор» чорасини қўллаб, ёнгин чақириши керак бўлган иккинчи портлашни қилади — чиндан ҳам ҳамма озод газ ёниб кетади. Портлаш пайтида орқага урилиш рўй бериб, бу нарса газ резервуарини бошқа, орқасидаги, яъни дарёдаги яқинроқдаги гордан ажратиб турган нисбатан нигичка деворга урилади. Девор қулаб тушиб, айни пайтда қароқчиларимиз турган жой очилиб қолади.

Кўмир қатлами синган бўлақлар билан бекилиб қолган кираверишдан бир неча сантиметр нарида тугарди. Гор базальт қоянинг ичкарисида жойлашган эди. У яхшигина кенг бўлиб, думалок шаклда эди. Бу нарса уни қоя ҳали эриб турган ҳолда эканлигида деворлари ёпилиб қолган қатга ҳаво шарига ўхшатиб қўйган эди.

Тинмай гувиллаш дарё яқинлигидан, кўзга кўринмас ёриқлардан кираётган тоза ҳаво эса озод атмосфера узок эмаслигидан дарак бериб турарди. Ниҳоят, ўлганларнинг бу яшаш жойида агар бир нечта бўлмаса, ҳеч бўлмаганда битта қулай чиқиш жойи бўлиши керак эди.

Горда йигирматадан кам бўлмаган марҳумларнинг жасади бор эди. Улар ҳаммаси деворлардаги тоқчаларга ўтқазиб қўйилган ва айлананинг тўртдан уч қисмини машғул қилган эди. Баъзиларидан фақат скелетигина қолган бўлса, бироқ кўпчилиги мумиёланиб, қуриб қолган эди. Бу нарса уларнинг нисбатан яқинда кўмилгани-

дан далолат бериб, уларнинг муваффақиятли бальзамланганидан дарак эди.

Мархумларнинг ҳар бирида коплон терисидан тикилган ўқдон, найзалар ва темир дарахтидан қилинган унча катта бўлмаган ёйлари бўлиб, бу нәрсаларнинг ҳаммаси чириб кетган ҳолда шу ерда ётарди.

Ҳар бир скелетнинг бармоғи сардор найзасини қисиб турар, гўшти қолмаган бўйин умурткасида шиша маржонлар осилиб турар, маржондан ясалган диадемалар кўз косалари бўш бўлган калла чанокларини сиқиб турарди – афтидан, бу қолдиқлар бир пайтлар олий насабли кимсаларга тегишли бўлган бўлса керак.

Ва ниҳоят – бу нарса иккала худосизни қизиқтираётган эди: уларнинг ҳар бирининг олдида бу жойда яшайдиганлар ишлатадиганга ўхшаш сопол идишлар турарди.

Портлаш ўликлар ғоридаги тартибни ҳеч ҳам бузмаган эди. Фақат биттагина идиш синиб, ичидагилар ағдарилиб чиққан эди. Смит шу пайтгача ҳеч ким қирмаган бу жойга кириб, томоша қила бошлаганда унинг кўзи фақат олмос ялтирагандагина чиқадиган чакнашга тушганди.

Шубҳаланишга ўрин йўқ эди. Мистер Смитсонга кафр Лакми берган кўрсатмалар аниқ эди. Мархум миссионер тузган харита энг майда-чуйдаларигача тўғри эди ва иккала карокчи ҳозир чиндан ҳам кафр қироллари бир неча юз йиллар давомида йигган хазина олдида туришарди.

Ҳар бир идиш жуда бўлмаганда ярмигача ажойиб олмослар билан тўла эди. Кафрлар, табиатнинг бу содда фарзандлари уларни жуда узоқ вақтлардан бери йиғишар ва уларни тегирмонтошга ишлов берувчи предмет сифатидагина кадрлашар эди. Олмоснинг ҳақиқий, замонавий қиймати ҳақида улар, ҳатто тасаввурга ҳам эга эмас эдилар. Хазинанинг қасрдалиги сир сакланар ва бу сир отадан ўгилга ўғиб келар эди. Сешеке ва Магополарнинг ярим-чала айтганларидан хулоса қилиш мумкинки, за-

монавий қабила сардорлари ҳам олмос керак бўлганда вақт-бевақт бу сирли горга кириб туришар экан.

Хазинани кўргач, Смитнинг аклдан озгудек бўлган ҳолати аста-секин ўта бошлади. У сал-пал ўзига келиб, кўраётганлари туш эмас, ҳақиқат эканига амин бўлгач, томоша қилишни тўхтатган эди.

Бироқ ҳозир у хавотирга тушиб қолган эди. «Минг бир кеча»даги бу горни қачондир ташлаб кетишини ўйлаб қолгани учун эмас, балки олов борган сари катталашиб кетаётган эди.

– Сен шу ерда туриб тур, – деди у Жемсга. – Мен озик-овқат ва қурол-аслаҳаларни тезда бошқа ерга ташиб қўяман. Ер остидаги сағанага жойлашамиз. Бизга бу ерда ёмон бўлмайди. Кейин манави ўлган жентелменларни бу ерга олиб киришадиган йўлни топишга ҳаракат қиламиз – ахир булар ойдан тушган эмас-ку! Кейин эса чўнтақларимизни тўлдириб олиб, бу ердан чиқиб кетишга ҳаракат қиламиз. Бир оз сабр керак! Мен жарроҳ эмасман, бироқ оёғинг учун аппарат ясаб беришга ҳаракат қиламан. Қўтиларнинг қопқоғидан қиламан.

Смит тезда ташқарига чиқиб, олов у ўйлагандан ҳам тез ёйилаётганини кўриб, даҳшатга тушди. Шип шунчалик ёнар эдики, гувиллаган товуш эшитилар, бироқ ерга ҳали ҳеч нарса қилмаган эди. Бу ғалати ҳодисанинг сабабини Смит қудук билан яқиндагина қилинган тешик ўртасидаги елвизакдан кўрди.

У порох солинган кутини қалин мўйналарга ўраб, тепадан тушаётган ёнаётган кўмир ва кизиб кетган тошлар орасидан олиб ўтиб, сақлаб қолмоқчи бўлди.

ЎН ТҲРТИНЧИ БОҒ

Клаас куч ишлатишга тайёр, бирок ишонтира оладиган сўзлар билан мақсадига етади. — Бур умрида биринчи марта ўзига ишончни йўқотади. — Ёввойи. — «Шармандаликдан қўра ўлган яхши!»

— Жанговор чакирик. — Учрашув. — Кураш. — Клаасни соколи адо килади. — Хурсанд бўлганидан Жозеф яна «б» ва «в»ни чалкаштира бошлайди. — Қароқчини жазолашга вақт йўқ, уни осиб қўя қолиш керак. — Видолашув. — Клааснинг охири вой бўлиши керак эди.

* * *

Биз тасвирлаган воқеалар жуда тезлик билан ва бир вақтнинг ўзида бир неча ерда рўй бераётган эди. Шу сабаб бир оз вақтга Клааснинг жирканч шахси билан хайрлашиб туришимизга тўғри келган эди.

Бу мараз изидан келаётганларни ифлослик билан жазолаган бўлиб, бирок бунинг, албатта бўлиши мумкин бўлган натижасидан қўрқаётганди.

У кондаги одамларни қандай биродарлик боғлаб туришини яхши билар ва агар бу азобланганларнинг дўстлари унинг қилган ишини билиб қолишса ўзини соғ қўймасликларидан қўрқар эди. Шунинг учун унинг биринчи қилган иши ўзини қўл етмайдиган қилиб ўртага тўсиқ қўйиш бўлган эди. Бундай тўсиқ бўлиб дахшатли жалалар натижасида тўлиб-тошиб бутун водийни сув бостирган Замбезининг кучли окими бўлиши мумкин эди.

Клаас аввалига кутилмаганда сувда ҳам тура оладиган ўз фурғонида дарёни кесиб ўта олишига умид килаётган эди. Бирок унинг бу умиди сувнинг кескин пасайиши натижасида йўққа чиқди: фурғон саёзликда туриб қолди.

Фурғонни чиқара олишга Клааснинг на вақти ва на кучи бор бўлиб, у бошқа нарса ўйлаб топди. Альбер ва

Александр тўғри топганларидек у қирғоққача бориб, бир нечта дарахтларни кесиб, йикитди. Жисмонан жуда кучли бўла туриб ва дурадгорлик ишларини яхши билгани сабаб – аслида ҳамма бурлар – зўр дурадгор, у бир зумда плот ясаб, устига барглардан иккала асираси баданни ёндирадиган қуёш нуридан яширина олиши мумкин бўлган кулба қурди.

Шундан сўнг у хавотирдан адо бўлаёзган бечора иккала аёл ўтирган фургонга қайтиб келди. У, агар бу аёллар плотга ўтишга қаршилик қилишадиган бўлишса уларнинг қаршиликларини қандай йўл билан бўлса ҳам синдиришга қарор қилган, бироқ шундай бўлса-да, ўйлаган режасининг муваффақиятли чиқишига ўзи ҳам шубҳаланаётганди.

Иродачарининг кучига аввал ҳам тан бергани бу икки заифа билан тўқнашганда одатдаги совуққонлиги ва матонати уни тарк этди.

Клаас уларни кўндиришга, уларнинг ақл-идрокларига мурожаат қилишга қарор қилган ва куч билан эриша олмайдиган нарсасига шу йўл билан эришишга қарор қилган эди.

У фургоннинг орқа девори олдига келиб плотда турганча иложи борица юмшоқ гапиришга ҳаракат қилиб, ичкарига кириш учун рухсат сўради.

Унинг учун кутилмаганда ичкаридан эшикнинг лўкидони кўтарилиб, Клаас де Вильрож хонимнинг оҳангдор, бироқ қатъий овозини эшитди.

– Кириг!

Клаас шарнирларни бураб, деворни туширди ва уни занжирга маҳкамлаб қўйди. Бироқ у таклифдан фойдаланмай, плотда қолса-да, Анна ва Эстерни кўриб титроғини ушлай олмади.

– Яна нима хоҳлайсиз! – сўради де Вильрож хоним. – Сизга бу ерда бизни ҳар бир инсоннинг озодликка эга бўлиш ҳуқуқига қарамай ушлаб турганингиз каммидики, яна бу ерда жирканч тарзда пайдо бўлишингиз билан

шундай ҳам дахшатли шароитимизни батгаррок чуқурлаштирсангиз? Жавоб беринг! Сизга нима керак?

– Хоним, Худо ҳақи, менга қулоқ тутинг! Сиз ҳам, ойимтилла! Қочиш керак... Ва иложи борича тезроқ!.. Бизга дахшатли хатар хавф солаяпти...

– Жуда ҳам яхши!..

– Тўғри, Анна! Тўғри, опагон! – Аннанинг гапларини маъқуллади Эстер. – Шунча қийинчиликдан кейин биз учун янги хавф-хатар нима экан? Биз учун ўлим нима? Ахир биз ҳамма нарсасига тайёр эдик-ку?..

– Бирок сизлар билмайсиз... Улар қон, ғазаб ва ичкиликдан маст ҳолда келишади...

– Ким?

– Кондаги одамлар. Биз улардан муъжиза билан қутулиб қолдик...

– «Биз» қутулиб қолдик деяписизми? Мен сизга икки баробар ачинаман. Булар – меҳнаткаш одамлар. Улар очик кўнгли бўлсалар керак. Агар биз уларга мурожаат қилсак, бизни бу ерда аблахларча тутиб турганингиз учун улар сизнинг адабингизни беришган бўларди.

– Афтидан сиз уларнинг кўпчилиги ҳеч қандай муқаддас нарсаси йўқ қароқчилар эканлигини билмайсиз, шекилли. Булар – қаланги-қасангилар. Улар конда ишлаганлари билан ҳаммаси ўғри ва қароқчилар! Уларнинг виждони йўқ, улар «меники» билан «сеники» ўртасидаги фарқни билишмайди. Қизишиб кетганларида эса улар ҳеч қандай жиноятдан қайтишмайди.

– Демак, улар худди сизга ўхшаган одамлар эканда! – қўрқмай эътироз билдирди аёл.

Бурнинг ранги оқариб кетди, у муштумларини туғиб олди.

– Шундай бўла қолсин, – ичидан қайнаб келаётган ғазабни босишга ҳаракат қилиб, деди у. – Илтимос, хоним, мен қандай бўлганим ва ҳозир қандайлигим тўғрисида баҳс бойлашмайлик. Мен-ку ҳурматингизни жойинга қўйдим... Улар ҳурмат қилиб ўтиришмайди... Ва мен сиз-

га ҳеч қандай ёрдам бера олмайман... Сизни ҳимоя қила туриб, вафот этсам, сиз уларга ўлжа бўласиз. Хоним, эшитаяписизми? Сиз ана шу раҳм-шафқатни билмайдиган одамлар учун ўлжа бўласиз. Шундай қилиб, ҳал қилинг. Ўйлаб кўринг ва агар ҳаётингизни ва номусингизни қутқаришни истасангиз, ўзингиз ҳал қилинг...

– Сиз рост гапираяписизми? – сўради де Вильрож хоним. У Клааснинг товушида самимийликни сезиб, иккиланиб қолган эди.

– Онам ва виждоним билан қасам ичаман! – чўқина туриб, жавоб берди бур.

– Эстер, сиз нима дейсиз? – дугонасидан сўради де Вильрож хоним.

– Икки мушқул аҳволдан енгилрогини танлаймиз

– Тўғри айтасиз. Бунинг устига биз учун муҳими – вақтдан ютиш. Альбер шу яқин орада бўлиши керак... Яхши! – бурга мурожаат қилиб, деди у. – Биз изингиздан борамиз. Тайёрланиб олишимиз учун бизга бир неча дақиқа беринг...

Клаас индамай таъзим қилиб, фургоннинг олд тарафига қараб юрди. У чўкич билан полнинг устини кўчириб, ўзи билан олиб кета олмайдиган ҳамма нарсани синдирди ва бузиш ишларини тугатиб, ўз асираларига плотга ўтиб олишлари учун ёрдам беришга кетди.

Де Вильрож хоним бу пайтдан консерва қутисига бир нечта сўз ёзиб олиш учун фойдаланди. У бу билан ўзининг изини топишда эрига ёрдам бера олишига ишонарди.

Улар дарёдан жуда эҳтиётлик билан, секин, бироқ муваффақиятли ўтиб олишди. Қирғоқда Клаас плотни бузиб, ажратилган бўлақларни оқимга қўйиб юборди; карокчи у қайси йўналишда яширинганини кўрсатиши мумкин бўлган ҳеч нарсани қолдиришни истамасди.

Шундан сўнг у бақувват елкасига кўтара олиши мумкин бўлганча озик-овқат, иккита кўрпа, болта, пичок ва ўзининг вафодор милтигини ортиди.

Айни шу пайтда бизнинг дўстларимиз бўлган французлар ва коратанлилар бўш фургонни топишган эди. Уни ремонт қилиб бўлгач, тўхтаб қолган қидириш ишларини давом эттиришга тушишди.

Клаас эса бир километрча ичкарига кириб ўнгга қайилди — яъни Замбези оқимига параллель ҳолда олдинга қараб юриб кетди. У шаршарадан узок бўлмаган жойда базальт қатламда ғор борлигини билар ва у осонгина ярашиб олишга умид қилаётган укаларини қидириб келгунча иккала асира уни шу ерда кутиб туришларига умид қилаётганди.

Нонушта қилиб олиш учун тўхташиб, гулхан ёкишди, сўнгра яна йўлларида давом этишди.

Ўзига ишонадиганга ўхшаб кўринаётганига қарамай, ҳеч қандай асос бўлмасада, негадир бурнинг юраги ғаш эди. Қандайдир тушунарсиз хавотир ҳеч қачон пушаймонлик билмаган юрагини эзиб турарди. Балки бу ашаддий ва бегам қотил умрида биринчи бор совуққонлик билан иккита қарияни ўлдирганидан сўнг кўринишларининг ўзиёқ унга маломат қилаётгандек бўлиши керак бўлган икки аёл билан ёнма-ён хотиржам яшаётгани ёдига тушгандир.

Ўзи иродасизлик деб ҳисоблайдиган бу ҳиссиётлар учун у ўзидан ўзи жаҳли чиқиб, бошини силкиб қўйди ва қадамини тезлатди.

Бирок Анна ва Эстерларнинг ҳоли қолмаган эди. Улар юришдан тўхташди ва қағъий қилиб энди ортиқ юрмасликларини айтишди.

Шунда кароқчининг сабри тугади. Ғазаби қайнаб кетди. Хунук сўкиниб, бақирди:

— Ҳали шунақами? Юришни хоҳламайсизларми? Кўрамиз! Худога шукурки, менинг елкам иккалангизни кўтариб кета олишга кодир. Оёқларим ҳам бақувват, — мен етиб бора оламан!... Демак, бир, икки... Юрасизларми?

Бечора аёллар унинг бу қадар ғазабланганини кўриб, кўркувдан баданлари музлаб кетди. Улар жавоб беришга қодир эмас эдилар...

Аблаҳ қароқчи буни, улар менинг гапини рад қилишарди, деб ўйлаб, муштини кўтарганча уларга яқинроқ келди. Бу ҳолда ифлосларча куч ишлатиш содир бўлган бўларди.

Дугонасининг ҳаёти учун кўрқаётган Эстер бир дақиқа ҳам иккиланиб ўтирмади. У фидокорлик билан олдинга югуриб ўтиб, қўлларини ёйганча, Аннани ўз вужуди билан ҳимоя қилди. Сўнгра аламдан чакнаган катта-қора қора кўзлари билан баланд овозда хитоб қилди:

– Қўлингдан келмайди! Биздек аёлларни уриш мумкин эмас! Бизни ўлдириш мумкин!

– Шундай бўлади ҳам! – ўқирди ақлдан озаёзган ёввойи ва пичоғини кўтарди. – Факат уни эмас, сени, итнинг боласи! Ҳа, мен сени сўйиб ташлайман! Ўшанда қонда отангни сўйиб ташлаган каби...

Бу даҳшатли сўзларни эшитган киз, кучи уни тарк этаётганини ҳис қилди. Юзи девордек оқариб, ерга хушсиз йиқилди.

– Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар! Тезроқ! Альбер! – бақирди даҳшатдан ўзини йўқотиб қўяёзган Анна.

Бу даҳшат тўла қичкирикка жавобан одамникига ҳеч ўхшамайдиган ёввойи бўқириш эшитилди. Бу овоз Узоқ Ғарбнинг даҳшатли жангчилари қонли зиёфатда шол-хуррамлик пайтида қиладиган хитоб эди.

Дарахт шоҳлари синиб, тасвирланаётган ҳодиса содир бўлаётган ялангликка одам сакраб тушди.

Бир пайтнинг ўзида иккита қичкирик янгради:

– Анна!

– Альбер! Оҳ, қутулдим!..

Альбер де Вильержнинг кучи қутуриб кетганидан юз баробар ошиб кетгандек бўлди ва у йўлбарсдек сакраб, Клаас билан юзма-юз келди. У эса пичоқ уришга тайёр бўлиб, ўзини орқага ташлаганча турарди. Бироқ, кўкра-

гидан мушт еб, у мувозанатини йўқотиб қўйди ва пичоги қўлидан тушиб кетди. Альбернинг қўлида эса ҳеч қандай пичоги йўқ эди. У шунчаки аблахнинг ёқасидан олди, кейин эса иккала қўли билан унинг томоғидан бўға бошлади.

Клаас хириллай бошлади. У қўлларини тушириб, рақибини ёнидан ушлаб олди ва бор кучи билан киса бошлади. Иккалалари хансирай бошлашган, бироқ ҳар бири иккинчисини билиб олишга улгурган ва бир-бирига бўлган нафратдан куч олишаётган эди... Икковлари бир-бирларини борган сари кучлироқ қисишарди.

Бурнинг сўзсиз устунлиги унинг буйволнинг оғирлигини қўшиб ҳисоблагандаги ғайриоддий кучида эди. Бироқ Альбернинг позицияси унинг фойдасига эди. Аслида, у писанд килмаса бўладиган рақиблардан эмас эди: Альбер де Вильрожнинг гавдаси худди антик ҳайкалларникидек бўлиб, мушаклари бақувват эди.

Тез орада иккала рақиб ҳам кучдан қола бошлади. Улар ерга йиқилган дамда уларнинг олдига Александр, Жозеф ва иккала қоратанли югуриб келишди. Шу пайтгача бўлгани фақат кириш қисми экан, ҳақиқий аёвсиз жанг энди бошланган эди. Рақиблар бир-бирларига илондек чирмашиб олишган эди. Улар юзларини бир-бирларига яқинлаштириб, бири иккинчисини тишлаб олишга ҳаракат қиларди; улар ерда думалашар ва ҳар бири гоҳ рақибининг устида бўлса, гоҳ остида бўларди; икковининг ҳам қўйлаги парча-парча бўлиб кетган, бутун бадани конга беланган эди. Бироқ иккаласи ҳам бир-бирини шунчалик ёввойи куч билан маҳкам ушлаб олишган эдики, де Вильрожнинг дўстлари, ҳатто ёрдам беришга ҳаракат ҳам қила олишмади.

Кўзлари конга тўлганига қарамай, Клаас олдиларига келган одамларни кўра олди. У тамом бўлганини ҳис қилиб, ҳамма нарсани қилиб кўришга ҳаракат қилди. Унинг ягона интилиши бир дақиқага бўлса ҳам рақибини кимирлай олмайдиган қилиб қўйиш ва бир марта солиш

эди. Қолгани муҳим эмас. Бир марта урса бўлди — Альбер тамом бўлади.

Бу машъум режа рўёбга чиқиш арафасида эди. Де Вильрож кечирса бўладиган эҳтиётсизлик қилди: у кўзлари билан севимли хотинини қидира бошлади ва шу онда қароқчи бир сонияга ажралишга эришиб, унинг кўкрагидан ушлаб боши устига муштини шундай чўзди-ки, бу мушт билан Альбернинг бош чаноғини майдалаб ташлаши мумкин эди. Бироқ Альбер беихтиёр чап қўли билан ракибининг узун соқолидан ушлаб олиб, кучи борича пастга тортди.

Бу шунчалик огрикли эдики, Клаас шу заҳотиёқ ракибини қўйиб юбориб, бўкириб юборди. Бироқ Альбер уни қўйиб юбормади. У ўнг қўли билан қароқчининг иягига ғазаб билан тинмай урарди. Бирдан ниманингдир қисирлагани эшитилди. Қароқчининг пастки жағи суставидан чиқиб кетиб, йиртилган пайлар зўрға ушлаб турган холда осилиб қолди.

Альбер ҳеч бир кийинчиликсиз душманини ўзидан итариб юбориб, қўрқув ва хавотирдан қотиб қолган хотинининг кучоғига отилар экан, бу манзаранинг гувоҳи бўлганларнинг шодиёна хитоблари янгради.

Бу ходисалар шунчалик тезлик билан бўлдики, Александрнинг кўзи ҳали ҳам беҳуш ётган Эстерга эндигина тушди.

— Жозеф, бушмен ва сен, Зуга, — деди у, — бу аблахни олинглар ва маҳкам боғланглар. Агар қаршилик кўрсатадиган бўлса, нима қилиш кераклигини ўзингиз биласиз. Мен эса бу бечора кизга ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

— Қарай, месье Александр, сизни ишонтирив айтманки, ҳозир мен вирос нарса қиламан. Мен ақлдан озаяпман. Мен яна Анна хонимни, себимли векамни кўраяпман!.. Аваи, аваи! Мен бир вақтнинг ўзида ҳам йиғлаяпман, ҳам кулаяпман. Худойим, хурсандчиликдан титрав кетаяпман!..

Асабийлашганидан Анна эрининг саволларига жавоб бера олмаётган эди. У титраб-қақшаб йиғлаётди, назокат

билан қўлини вафодор хизматкорига чўзар экан, у хурмат билан бу қўлни ўпиб қўйди.

Бу пайтда эса Зуга ва бушмен бурни боғлаб қўйишга улгуришган бўлиб, бур қаггик яраланган бизон каби бўкириб ётарди.

— Анна! Менинг азизам Анна! — деди Альбер. — Мана бу менинг дўстим Александр, сени озод қилишда катта ёрдам берган акам Александр. Сени яна қўриш бахтига мушарраф бўлганим учун мен ундан ва Жозефдан қарздорман.

— Мен сизга сингил бўламан, — бу юрагининг туб-тубидан чиққан бир неча оғиз сўзга ўзининг бутун эҳтиромини қўшиб оддийгина қилиб деди Анна.

— Мен яна бу оқсўнгил қоратанлиларни ҳам унутмайман, — гапида давом этди Альбер. — Агар уларнинг чин вафодорликлари бўлмаганда, биз ҳеч нима қила олмаган бўлардик!

— Жин урсин, мистер Альбер! — унинг гапини бўлди Жозеф. — Наҳотки, шу ерда туриб қолсак? Аёлларни фургонга кузатиб қўйинглар, мен эса Зуга ва бушмен билан шу ерда бир дақиқа қолиб, бу аблаҳ билан ҳисоб-китоб қиламиз. Мен бир пайтлар унга тириклайин терисини шилиб олишга ваъда берган эдим. Ва яна уни ва яна кимларнидир бир оз қовуриб олиш мажбуриятини ҳам олган эдим. Бироқ вақтимиз камроқ бўлгани учун уни осиб қўя қоламиз. Чумчуқларни кўрkitиб осилиб тураверсин. Нима дейсизлар?

— Альбер, дўстим, — майин ва ғамгин товушда деди Анна. — Мен суюкли отам ўлганидан бери биринчи марта хурсанд бўлиб турибман...

— У ўлди ми?.. Отамиз ўлди ми? — қайгу билан ҳитоб қилди Альбер де Вильрож.

— Уни сени қидириб йўлга тушган пайтимизда ўлдиришди... Бу қандай даҳшатли фалокат бўлганини мен бирор кун сенга айтиб бераман. Бутун умрини одамларни кечиримли бўлишга чақирган отам оталик муҳаббати-

нинг қурбони бўлди. Охирги нафаси чиқаётиб у ўзининг қотилларининг гуноҳини сўраб ибодат қилди. Альбер, отам энди йўқ, бироқ у эътиқод қилган маънавият ҳақи менинг қотилим бўлмиш одамни кечирайлик. Жуда бўлмаганда унга пушаймон бўлиш учун имконият берайлик.

— Сенингча бўла қолсин, — қора кўзларида учқунлаган нафратини босишга ҳаракат қилиб, деди де Вильрож. — Мен қурбоннинг ўзидан ҳам кўра мурасасизроқ бўла олмайман. Мен кечирдим.

— Бироқ, мен кечирмайман! — қутилмаганда кимнингдир ғазаб билан дегани эшитилди. — Бу одам менинг отамни ўлдирган! Бунинг учун у жавоб бериши керак!..

Бу сўзларни Александр хушига келтирган, ранги оқариб кетган, ғазабланган ҳолда ҳам гўзал бўлган Эстер айтган эди.

— Мен у берган азобларни, хўрликларини унутишим мумкин. Бироқ мен ҳурмат қилган ва севган отамнинг ўлдирилиши жазосиз қолиши керак эмас. Сизлар матонатли, кўркмас одамсизлар. Ким менга ёрдам беради, ким менинг нафратимнинг қуроли бўлади?

Учала француз ҳам бошларини эгиб, жавоб беришмади.

— Бу нимаси? — чинқироқ товуш билан хитоб қилди қиз. — Жимсизларми? Наҳотки қасос олиш қонуни бажарилиши учун бу ялтираётган пичокни мен ўзим кўтаришим керак бўлса? Наҳотки душманнинг қонини мен ўзим тўкишим керак бўлса?

— Йўқ! — синик товушда қизнинг гапини бўлди Анна. — Йўқ, Эстер, суюкли синглим менинг!.. Бизнинг дўстлигимизга қон доғи тегиши керак эмас. Бу ифлос одамга ҳаёт берингки, уни виждон азоби қийнаб ўтсин. Худди сиз каби юрагида битмас яраси бор аёлнинг илтимосини рад қилманг...

Оғир сукунат ичида орадан бир неча сония ўтди.

— Оҳ, опажоним, сен ютдинг! — бирдан хитоб қилди Эстер ва йиглаб юборди. — У тинчгина кетаверсин. Бироқ

бу ердан тезроқ кетайлик. Агар қоладиган бўлсам, фикрим ўзгариб қолиши мумкин. У ҳолда мен эртага бугун кечирганимни ўйлаб хурсанд бўла олмайман.

Клааснинг кўриниши бир аҳволда эди. Унинг ҳаёт мамот масаласи ҳал бўлар экан, у ҳаммаёғи қон ва лат еган ҳолда, тундлик билан индамай турарди. Ҳамма эшитганларидан унинг тушунган нарсаси уни ўлдирмасликлари бўлди.

Унга ҳаракат қилиш имкониятини беришармикин, баданини кўкартириб юборган арқонларни ечишармикин? Унинг олийжаноб рақиби хотинини топганидан шунчалик бахтли эдики, шундай ёнларида турган ўқланган милтиқ ёдида ҳам йўқ эди. Пичок ҳам ўт устида ялтираб ётарди.

Чиндан ҳам, бемаъни одам экан бу француз. Мана у эмикдош укасига Клаасни ечиб, бошқаларга етиб олишни буюраяпти. Ҳа, худди шундай. Клаас озод. Қотиб қолган аъзоларини ҳаракатга келтириш учун бир неча дақиқа етарли. Шундан сўнг уларга етиб олади ва ҳеч қандай ачинишсиз эрининг қўлига ишонч билан суяниб кетаётган бу чиройли ёш аёлни ўлдиради.

Бунинг учун унинг ўзини ҳам ўлдиришади-ку? Нима бўлибди? Унинг жағи синган. У барибир ҳали анчагача овқат ея олмайди. Сал олдин, сал кейин – барибир ўлимга маҳкум. Шундай экан, бу олийжаноб душманидан ўч олиб ўлгани яхши эмасми?

Бахтига қарши, Клаас режа тузар экан, Жозефни эсидан чиқарган эди. Каталониялик эса табиатан Клаасдан кам қасоскор эмасди. Жозеф кечиришга кечирган эди-я, бироқ Клааснинг афсус чекишига ишонмаётган эди.

Уни бўшатар экан, каталониялик бушменга Клааснинг орқасидан билдирмай соядек боришни, у томонидан қандайдир қалтис ҳаракат бўлишига йўл қўймасликини буюрди. Бушмен бу гапга кўнган каби нималардир деб, чакалакзор орасида йўқ бўлди.

Орадан икки соат ўтган бўлса-да, ундан ҳали ҳам дарак йўқ эди. Шериклари дарё қирғоғида маза қилиб дам олиб бўлиб, энди ундан хавотирлана бошлашган пайтда у пайдо бўлиб қолди. Унинг эғнида чарм куртка бўлиб, елкасига баҳайбат ов халта осиб олган, қўлида эса жуда узун милтик кўтариб олган эди.

– Бу қанака ёввойи юриш, дўстим? – сўради Александр.

– Жим! – бармоғини лабига босганча французни четга тортиб, деди қоратанли.

– Нима гап?

– Бур оқтанли аёлни отмоқчи бўлаётган эди. У энди мўлжаллаётган эди...

– Гапир!.

– Мени барглар тўсиб турганди, бироқ мен унинг кўзлари қандай чакнаётганини кўрдим. Шунда захарланган ўқни олдим. Ўгуа захари. Мен ўқ-ёйни тортдим ва ўқ учиб кетди. Ўқ унинг кўзига тегди. Оқтанли ўлди... Мен унинг нарсаларини олдим...

– Сен вафодор хизматкорсан. Менинг дўстим хотинининг ҳаёти учун сендан қарздор...

– Ахир менинг боламини пикаколу чақиб олганда сен қутқармаганмидинг?..

Бахтнинг биринчи дақиқалари. — Альбер хазинани кидиришдан воз кечади. — Буйвол ёғи бушменга нега керак бўлиб қолди? — Шубҳали гуруҳ. — Қоратанлилар оқтанли одам йўлбошчилигида. — Фургон қурбон қилинди. — Ўлжа ва соя. — Маҳаллий аҳолининг янги гуруҳи. — Бушменнинг йўқлиги. — Флотилия ва плот. — Магопо.

* * *

Буюк Жанубий Африка дарёларининг қирғоқларида ўсадиган бахайбат дарахтлар бино бўлганидан бери биринчи марта бахтиёр одамларга бошпана бераётган эди. Агар йўқотганлари тўғрисидаги хотиралар бузмаганда уларнинг бахтлари тўлиқ бўлган бўларди. Чарчок, яралар, касаллик, қамок, жисмоний оғриқлар ва рухий азоблар — кутилмаган учрашув ва нозик дил изҳорлари орасида ҳамма — ҳаммаси унутилган эди.

Жанубий Африка бўйлаб узоқ ва азобли тентирашган иккала ёш аёл бошларидан нималарни ўтказганларини ипидан игнасиғача гапириб беришар экан, уларнинг ҳикоялари тингловчиларини даҳшатдан ва ийиб кетганларидан титрашга мажбур қилди.

Эстер отаси қурбони бўлган тунгги хужум ҳақида, бу сирли қотилликнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган даражада даҳшатли эканлигини, мастер Вильнинг гумонлари ва у ўзи қотил деб ҳисоблагани уч французни кидириб кетганини гапириб берди. У соддалик билан ўзи ҳам шу шубҳага бурганини бўйнига олди. Қиз яна Сэм Смит де Вильрож хонимнинг Инжилани топиб олиб фургонга етиб олганда уни Александр деб ўйлаганини ҳам эслаб ўтди.

Анна ҳам ўз томонидан қароқчиларнинг Пемпин-краал ёнида уларга пасткашларча хужум қилишгани, ўзининг ҳам тўғрисида ва уни танимаган Эстернинг унга

кучоғини очгани ва унга ўзида бор нарсани таклиф қилиб, ўз хоҳиши билан камокнинг ҳамма азобларини бирга тортганини гапириб берди.

Суҳбат узоқ давом этди, бу пайтда эса иккала қоратанли кенг чайла қуриб, кечки овкат тайёрлаш билан банд бўлишди. Уларга ҳамма бир овоздан мажордомлик вазифасини топширган Жозеф бош бўлаётган эди.

Альбер ва Александр ҳозирча чап қирғоқда бўлиб туришга қарор қилишди — бу ердан шаршаранинг тепасидаги жойларни кузатиш осонроқ эди. Улар фургонга ўтириб, қўлтиқдан чиқиб кетаётганларида қиминган хужумни ҳали эсдан чиқаришгани йўқ эди.

Энди улар эҳтиёт чораларини кўриб қўймоқчи бўлишаётган эди.

— Бир неча кун кутамиз, — деди ўз бахтидан масрур де Вильрож. — Ахир дам олишга муҳтожмиз, айниқса бечора аёллар. Кейин эса Виктория конига жўнаймиз. Биз энди у ердаги Линч суди аъзоларига гуноҳсизлигимизнинг рад этиб бўлмайдиган далилларини кўрсатишимиз мумкин. Ва, умид қиламанки бу бечора полициячи бизнинг далилларимизни шубҳа остига ола олмайди. Бу далиллар шундай гувоҳлар кўрсатмалари билан тасдикланадики...

— Бу молларнинг олдига қайтиб боришнинг нима кераги бор? — сўради Александр.

— Жуда бўлмаганда тезроқ цивилизациялашган мамлакатларга қайтиб кетиш имкониятига эришиш учун. Сенга виждонан айтадиган бўлсам, мен том остидаги уйда яшашни, бизга ўхшаб чувринди кийим киймаган одамларни кўришни ва олдийгина — нон ейишга бўлган эҳтиёжни ҳис қиляпман.

— Сен ҳақсан! Кўринишимиз жуда зўр эмас. Ҳақиқий сайёҳлардан кўра биз қандайдир дайдиларга ўхшаймиз. Бироқ сен Кейптаунга қайтишни хоҳлаяпсанми? Экспедициямиз-чи, унинг мақсади-чи?

— Амалга ошмаган режаларимиз даб бўлсин. Мен ҳеч нарсага эришмаган бўлсам ҳам, Францияга, Вильрожга

қайтаман. Бир амаллаб кун кўрарман. Ота-боболаримнинг қасрини жиҳозлаб, чиройли ҳовлимда яшай олмайман... Қисқача айтганда, мен қадрли Аннамга ўзимизнинг ажойиб меҳмондўстлигимизни намоён қила олмайман... Менинг бор нарсам – чайла ва юрагим, холос.

– Сен тўғри айтаяпсан ва мен сени бутунлай қўлаб-қувватлайман. Азизим Альбер, Францияга қайтавер. Мен эса бир қанча вақт шу ерда ушланаман. Мен яна қўлимга чўкич олишим керак. Ахир менда бир чақа ҳам йўқ. Кафр қироллари хазинасига келсак, энди бу ҳақда гаплашмаймиз. Мен бу хазинага қўл силтадим. Уларни деб қанча қон тўкилди!..

– Ва ниҳоят, биз ҳаддимиздан олганимиз йўқ. Бизнинг саргардончиликларимиз бизга қўл нарса берди. Эй, Жозеф!

– Лаббай, месье Альбер.

– Сен Александр батоклар олдидан қайтгандан сўнг берган олмослар солинган чарм халтачани сақлаб қўйганмисан?

– Албатта, сақлаб қўйганман. Мен уни буйволнинг томири билан ички чўнтагимга тикиб қўйганман. Мана у, месье Альбер.

Де Вильрож халтани очар экан Магопонинг совғаси – ажойиб олмослар ялтираб кетди.

– Азизим Александр, бу ерда икки минг франклик тош бор. Менга йўлга етиши мумкин бўлганини олишга изи бериб, қолганини чўнтагинга қайтиб солиб қўй. Бу ўн минг бўлган бир йиллик соф фойда. Нонга ва нондан бошқа яна нимагадир етади...

– Буни кейин кўрамиз, – жилмайиб жавоб берди Александр. – Биз Замбези қирғоқларида эканлигимиз ва атрофимизни хатарли душманлар ўраб олганини унутмаслик керак, Кейптаунгача эса бир неча минг километрлик йўл.

– Тўғри, – тан олди Альбер. – Экспедициямиз аъзолари мана бу иккита ажойиб аёлга кўпайганидан сўнг мен бутунлай калламни йўқотиб қўйдим. Сен биз бугун

кечкурун судья билан учрашишимиз кераклигини эсимга солиб қўйдинг. Мен яхши карабин ёки ҳеч бўлмаса оддий милтиқ ва бир неча юз ўк учун ҳамма нарсамни берган бўлардим.

– Айни муддао бўлган бўларди. Айни пайтда эса бизнинг бор химоя воситамиз бушмен жанг майдонидан олиб кетишга ақли етиб қолган мана бу эски пушканинг ўзи. Айтганча, бу қутурган бизон билан олишиб роса чарчаган бўлсанг керак...

– Йўқ, йўқ. Фақат баданим сал зиркираб турибди. Ҳар ҳолда, ҳозир мен ҳис қилаётганим бахтиёрлик ҳисси ҳар қандай оғриқни йўқ қилиб юборади.

– Барибир, сенга бир оз дам олиб олишни маслаҳат бераман. Мен эса қоровуллаб тураман.

– Ухлаш? Сен қулаясанми? Ахир мен энди бир ҳафта кўз юма олмайман!

Альбер мақтанчоқ эмас эди. У адашаётган эди. Инсон кучи чегараланган. Ярим соат ҳам ўтмай у бўшашиб, дарё томондан эсаётган шабада хуш ёқиб, ўлган ўликдек ухлаб қолди.

Александр дарахтга суянганча уйғок ўтирарди. Жозеф ов қилгани ўрмонга кетган Зуга ва бушменни кутиб, хўжалик ишлари бўйича гимирилаб юрарди.

Бир оз вақт ўтиб Зуга ва бушмен елкаларидаги ўлжанинг оғирлигидан икки букилганча, пайдо бўлишди.

Ўзларининг беҳато инстинктлари оркали улар бахайбат буйволни топиб, ўлдиришган эди. Бушмен буйволнинг гўштларини нимталаб, энг яхши бўлақларни терисига ўраб қўйди. Шундай қилишни хоҳлагани учунми, бирор мақсади бормиди, оқганлилар тушуна олишмади, африкалик йигит терисининг қалинлиги мақолга айланиб кетган бу ҳайвоннинг гўштини терисидан ажратиш учун жуда ажойиб усулни қўллаган эди. Жуда эпчиллик билан айтиш мумкинки, истаган табиатшунос ҳавас қиладиган даражада жуда зўр маҳорат билан терини тескари ўгирди. Ҳайвоннинг танаси бўйин қисмидаги қатта тешиқдан бу-

тунлигин чикди ва териси катта, бутунлай сув ўтказмайдиган халтага ўхшаб қолди.

Александр терини билагон назари билан қараб чикиб, ишнинг жуда усталик билан бажарилганига баҳо берди. У бушмендан унга бу кўтариб юриш жуда оғир бўлган — бунинг устига қиздираётган қуёш тагида, — нарса нима учун кераклигини сўрамоқчи бўлаётган пайтда бирдан Замбезининг қарама-қарши қирғоғида қандайдир одамлар кўринди.

Александр диққат ва хавотир билан уларнинг ҳар бир ҳаракатларини кузата бошлади.

Тез орада у орқасида қаттиқ нафас олинаётганини эшитиб қолди. Ўгирилиб қараб у ажабланганча иккала қоратанлининг говак қамиш билан қуролланиб олиб, бор кучлари билан буйволнинг терисини пуфлашаётганини кўрди.

Бушмен олдиндан терининг тешигини тикиб, атай қилинган тешикларга иккита найчани тикиб қўйган ва Зуга ўпкасининг кучи етганча унга ёрдам бера бошлаганди. Иккала йигит бор кучлари билан пуфлашар, кучанишганидан кўзлари косасидан чикиб кетгудек бўлиб, иккалалари терга ботган. бўйниларидаги томирлари ёрилиб кетгудек бўлиб шишиб кетган, бироқ тери буйволнинг ўзидан ҳам катта бўлиб кетган эди. Ниҳоят у шишиб, худди барабан каби даранглай бошлаганда бушмен найчаларни чиқариб, тешикларни тикиб қўйди. Энди уларда баҳайбат меш бор эди.

Бу ғайриоддий идиш нима учун ишлатилади, Александр сўрашга улгурмади. Унинг эътиборини нотаниш одамлар тортаётган эди. Улар аста-секин яқинлашиб келишар ва борган сари аниқ кўринишаётган эди.

Ҳеч қандай шубҳа йўқ — булар бир гуруҳ маҳаллий одамлар эди. Александрнинг ўткир кўзлари энди аниқ фигураларни ва, ҳатто уларнинг қора дарахтдан йўнилангандек қоп-қора таналарини оқ чизик каби иккига бўлиб турган белларидаги белбоғларини ҳам аниқ кўраётган эди.

Бу одамлар окизиладиган ёгочни эслатаётган деярли сув босган майдончада бўлишиб, эшкак билан берилиб ишлаганча ҳали ҳам қалин ўсган сув ўтлари орасида турган фургонга караб кетишаётган эди.

Александр уларнинг дўстми ёки душманликларини гушунмаётган эди. Дарахтларнинг орқасида яшириниб гуриб, у ҳар эҳтимолга қарши марҳум Клааснинг милтигини олиб, нишонга ола бошлади. Бироқ милтик нишонни қаратилган одам европалик эди. У африкалик шериклари орасида кескин ажралиб турарди.

— Жин урсин, — тўнгиллади Александр. — Қоратанлилар октанли йўлбошчилигида кетишаяпти! Ва тўтри бизнинг флагман кемамиз томонга караб кетишаяпти!.. Иш чигаллашаяпти!.. Балки мен янглишаётгандирман, бироқ булар биз лантарни кўтарганда бизнинг шарафимизга салют берган одамларга ўхшашаяпти. Уларга нима керак? Наҳотки, фургоннинг ўзи бўлса? Кўрамиз! Жин урсин, улар борган сари яқинлашашаяпти! Агар истасам бу октанли шахсни худди гилсдан ишланган қўғирчоқни бўлган каби, бўлақларга бўлиб ташлаган бўлардим... Тўхта-чи! Агар мен уларни яқин келишларига қўйиб берсам ва улар бизга ҳужум қилишса, биз уларни ҳайдаб юборишимиз жуда кийин бўлади. Агар мен ҳеч бир сабабсиз мана бу милтик ичидаги нарсани уларга қўйиб юборсам, ҳеч бир айби йўқ одамларни ярадор қиламан ва бечора Альберни ҳам уйғотиб юбораман. Албатта, бу фургон-кема бизга керак бўлиб қолиши мумкин, бироқ жуда ҳам зарурат йўқ. Агар хавфли тўқнашув бўлмаслиги учун уни қурбон қилиш керак бўлса, яхшиси унга қўл силкиб қўя қолган маъкул.

Александрнинг нимага қарор қилса, ўша ишни шу заҳотиёқ бажариш одати бор эди. У милтиқни қўйиб, сувўтлари орасидан ўрмалаб бориб, секин сувга тушди, фургонни боғлаб қўйилган лианаларни қиркиб юборди ва фургонни итариб юбориб, яна эҳтиёткорлик билан жойига қайтиб келди.

Оқим ён томондан фургонни тортиб, у секин ўрнидан кўзгалди, икки марта ўз ўки атрофида айланиб, тебраниб кетди, бироқ тез орада тўғриланиб олди. Сўнгра тезликни ошира бориб, тўлкинга эргашганча, дарё бўйлаб пастга сузиб кетди.

Александрнинг ўйлаган режаси муваффақиятли чиққанди. Фургон жойидан кўзгалиши билан одамлар ўтирган ва гўё киргоққа қараб келаётган плот кескин бошқа томонга қараб бурилди.

Қаттиқ бақир-чақир эшитилиб, оқтанли бошлиқ мажбур қилаётган эшакчилар бор кучлари билан фургонга етиб олиш учун ҳаракат қилиб, эшакка ётиб олишди.

Александр аёрлиги иш берганидан ҳайратда эди. У овоз чиқармай кулганча, ўз кузатув жойига қайтиб кетди.

«Уни қувиб етиб олинг, азизларим, етиб олинг, – ўзига ўзи деди у. – Шаршарагача етиб олинг! Ярим соатдан сўнг у пастга учади. Истасангиз, унинг кетидан шўнгинг. Оқ йўл! Бизга келсак, бу ердан тезда жўнашимиз керак! Ва узоқроққа! Менимча, бу соғлом жой эмас. Эҳ, ёнимда элликтача баток дўстларим бўлганда эди! Айтганча, бушмен меши билан қаерга йўқ бўлди? Бу ажойиб йнгитнинг бугун негадир кўриниши сирли! У ниманидир ўйлаб қўйганига баҳс бойлашим мумкин. Тез орада нималигини кўрамиз...»

Александр Альберни уйғотиб, тезроқ кетиш кераклигини айтмоқчи бўлар экан, унинг нима қилмоқчи эканлигини сезган Зуга уни тўхтатди.

– Оқтанли сардор ухлайверсин, – деди у. – Ҳали вақтимиз бор. Қоронғи тушгунча сен яна бир нарсани кўрасан.

– Нимани?

– Кўрасан! – сирли қилиб деди қафр.

Орадан икки соат ўтди. Бу орада шу ерлик халқларнинг усули бўйича ҳидли ўтлар солиб тайёрланган кип-қизил жарқоб ҳам пишди.

Ушбу овкатдан таралаётган ҳушбўй ҳидлар Альберни уйғотиб юборди. У керишиб, маза қилиб эснар экан, хитоб қилди:

– Эҳ, қандай ажойиб ҳид!.. Ошқозонимда жунглининг бутун вампирлари йигилишганга ўхшайди! Аёлларимизни дастурхонга таклиф қиламан. Александр, пушкани ташла. Овкат тайёр. Постингни қолдирсанг бўлади.

– Мен бир кўзим билан қараб, иккита одам учун ейман. Чунки, агар хато қилмаётган бўлсам, тез орада бир қизиқ нарсани кўрамиз...

– Шундайми?

– Сен шаршара томонга қарагин. Факат сездирмай!..

– Яна нима бўлди? – хавотирланиб сўради де Вильерж хоним.

– Арзимаган гап, болакай. Ўттизтача қоратанли ва битта оқтанли, шекилли...

– Душманларми?

– Ҳозирча билмайман. Бирок Александр анчадан бери уларни кузатапти. У, афтидан, яхшироқ билади.

– Менимча, булар биз лангар кўтарганимизда бизга қараб отган одамлар бўлса керак. Мен уларни биз қизиқтираяпмизми ёки фургонми эканлигини билмай, ҳар эҳтимолга қарши уни бўшатиб юбордим. Оқим уни шаршарага қараб ҳайдаб кетди. Шунда бу сирли одамлар плотларида унинг орқасидан кетишди. Шундай қилиб, биз икки соат ютдик. Бу вақт орасида сен уйкуга тўйиб олдинг ва бизнинг жарқопимиз ҳам пишди.

– Қолганини ўзим топаман. Фургон шаршарадан пастга зўр сакрайди, одамлар эса улар билан ким бундай ҳазиллашганини кўриш учун қайтиб келишади.

– Балки! Агар улар ўз плотларида оқимга тесқари қараб кўтариладиган бўлишса, улар энг секин юрадиган топбақадан ҳам секинроқ кўтарилишади. Биз овқатланиб олишга улгураамиз. Кейин эса ҳимоя чораларини кўриб оламиз.

– Сен улар хужум тайёрлашаяпти, деб ўйлаяпсанми?

– Нима учун бўлиши мумкин эмас? Бироқ, умуман айтганда, мен кўркмаяпман. Улар менга жуда кўркинчли бўлиб туюлишмаяпти. Зуга ва бушмен чакалакзор орасида яхшилиб беркиниб олиб, уларни йўқ қилишади. Уларга буйруқ бераётган оқтанлига келсак, ўзидан кўрсин. Агар бизга нисбатан бирорга ёмонлик қиладиган бўлса, мен уни оддий қуёнга ўхшаб отиб ташлайман.

Қоратанли эшкакчилар борган сари яқинлашиб келишарди. Улар эшкак эшишар ва эшкак оҳангига мослаб қандайдир ёввойи қўшиқни куйлашаётган эди.

Улар бу ерда оқтанлилар борлигини сезишганимикин? Уларнинг диққатини овқатнинг ҳиди ва оловнинг тутуни тортганимикин? Уларнинг кўзлари ўткирлиги ва хид билиш қобилиятлари кучлилигини ҳисобга олинса, шудай деб ўйлаш мумкин эди. Ҳар ҳолда улар бизнинг дўстларимиз овқатланишни тугатаётган бурчакка қараб йўналишганди.

– Диққат! – паст овозда деди Александр. – Мухим дақиқа яқинлашмаяпти. Қимирламанг!

– Жин урсин! – хитоб қилди Альбер.

– Нима гап?

– Бу оқтанли... бу Питер... У билан биз сохта миссионер – «руҳоний ҳазратлари» деб агаганимиз аблах билан кўрганимиз анави тўда...

– Хў-ўш, у ҳолда ҳозир кизиб кетамиз. Бироқ бушменимиз қани? Унинг ўқ-ёйи ҳозир роса иш берган бўларди. Ахир бизда фақат биттагина милтиқ бор...

Александр елкасида кимнингдир қўлини сезди. Орқасига ўгирилиб, Зугани кўрди. У индамай қўли билан ўнг томонни кўрсатди.

– Эҳ, жин урсин! – хитоб қилди Александр. – Бугун, афтидан Замбезида яхт-клубнинг мусобақалари, шекилли. Қара, қанча пирога! Бугун бир флотилия!

– Эшкакчилари ҳам жиддий! – деди Альбер. – Қара, пирогалари қандай қатъий тартиб билан кетаяпти. Тўғри-бурчакли учбурчак ва биз унинг тепасимиз! Уларнинг

қандай яқдиллик билан эшкак эшаётганларини-чи! Қара, кўпик қандай чиройли кўтарилаяпти!.. Питер орасида бўлган биринчи кетаётганларга келсак, шубҳа йўқки, улар душманлар. Мен уларнинг режалари нима эканлигини билиш учун олмос ва юз фунт стерлинг берган бўлардим.

Асабийлашганидан Зуганинг юзи қотиб қолган бўлиб, у яқинлашиб келаётган флотилияга диққат билан қараб турарди. Бироқ, мана у жилмайиб, биттагина сўз айтди:

– Магопо!..

Шундан сўнг у қўли билан пироганинг олдида сувда қалқовчи белгидек тебранаётган шарсимон массани кўрсатди. Ўша нарсанинг орқасида одам сузиб борарди. У берилиб эшкак эшарди. Зуга деди:

– Бушмен.

– Магопо! – хитоб қилди Александр. – Қадрдон дўстим, батоклар сардори! Мана бизнинг олдимизга кимни олиб келибди, ажойиб бушмен. Энди биз озодмиз! Энди бу уятсиз ўғриларни бошлаб жазолаймиз! Бу нафратга лойик бурни қилган ҳамма гуноҳлари учун жазо беришга мажбур қиламиз.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Бушменнинг қаҳрамонликлари. — Магопо кафр учун «дўстлик» сўзи оддий нарса эмаслигини исботлайди. — Сирли тутун. — Баримлар қазабда. — Магопо ўзини қурбон қилади. — Даҳшат ва бидъат. — Момақалди роқ. — Оловсиз тутун. — Ўқ отилиши.

* * *

Ихтирочи бушмен оқтанлиларни яна бир бор ўлим хавфидан қутқарди.

Бу ажойиб африкалик ўзининг бу оқтанли дўстлари эртами, кечми яна янги зарбага дуч келишларини тушуниб тургани учун, ҳар эҳтимолга қарши қарама-қарши қирғоқдагилар билан алоқа қилиш имкониятини кўриб қўйишга қарор қилганди.

Чиндан ҳам, уларнинг қутилишлари фақат шу орқали бўлиши мумкин эди. Питер ва унинг шерикларидан қочиб шимолга қараб кетиш ҳақида ўйламаса ҳам бўларди: аёллар яёв ҳолда озгина бўлса ҳам юра оладиган ҳоллари йўқ эди. Демак, бирор бошқа нарса тўғрисида ўйлаб кўриш керак эди ва тезлик билан. Бушменимиз айнан шу иш билан шугулланган эди.

Унинг қайиқ ва пирогаси қондан унча узок бўлмаган чакалакзор яшириб турган бухтада яшириб қўйилган эди. Энг содда бўлса-да, қайиқча ясашга ҳам уларнинг вақтлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам бушмен Зуга билан бирга пуфлаб шиширганлари буйволнинг терисидан фойдаланмоқчи бўлди. У сувда бемалол турар ва унинг максадига жавоб бера оларди.

Маҳаллий халқ дарёни кечиб ўтаётганда бундай буйлардан доим фойдаланади. Ҳамманинг ҳам қўлидан келмаса-да, бу жуда оддий. Бир қўл билан пуфлаб шиширилган ҳайвоннинг думидан ушлаб олиб, иккинчи қўл

билан эшкак эшгандек эшиб, оёқлар билан қаттик-қаттик итаргандек ҳаракатлар қилинади.

Бу нарсанинг фойдалилиги шундаки, у сузувчига тиргак бўлиб, олдинга куч сарф қилмай ҳаракат қилишига ва Африка дарёларида тикилиб ётган қайманлардан қочинишга ёрдам беради.

Айнан ана шу жирканчли, ҳам сувда ҳам қуруқда яшовчилар билан учрашиб қолиш мумкинлиги дарёни кечиб ўтишни қийинлаштиради. Чунки бу жонзотнинг кўринишига ўрганиб, уларнинг этни жунжиктирувчи қалин териларига тегиб кетишга чидаганининг қам — уларнинг нима қилмоқчи эканлиги ва уларнинг қилиқларини ҳам била билиш керак.

Бундан келиб чиқиб, дарёни сузиб ўтмоқчи бўлган ботир одам ҳам сузиш, ҳам шўнғишни яхши билиши керак.

Ўзининг ғайриоддий ҳаракат қилиш воситасига эга бўлган бушмен энди тимсоҳлар ҳақида худди қалтаке-сак ҳақида ўйлагандек ўйларди. Бироқ у европаликларни ташлаб қўйиладиган бўлса, улар чап қирғокда қолиб кетишлари мумкинлигини тушунарди. Шунинг учун ҳам у орқага суриб ўтирмай нариги қирғокқа ўтиб, ўзларига иттифокчи қидириб кўриш учун ўзининг бу сузувчи буйидан фойдаланмоқчи бўлди. Уларни қийналмасдан топа олишига бушмен шубҳа қилмаётган эди.

Ўзининг режалари ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса демай, у билдирмай сувга тушиб, бир зумда дарёни муваффақиятли кесиб ўтиб, Магопони қидириб кетди.

Унга бахтли тасодиф ёрдам берди.

Жангчи батоклар ва уларнинг сардори Магопонинг диққатини Мози-оа-Туньядан узоқ бўлмаган жойда бўлаётган ғалати нарса тортганди. Улар ҳаммаси ўз бошпаналарини ташлаб, ғазабланган баримларга қурбонлик қилиш учун боришмоқчи бўлаётган шаршарага қараб кетишаётганди.

Магопога тан бериш керакки, бушмендан европаликларга хавф-хатар таҳдид солаётганини эшитиши билан у

бир сония ҳам иккиланиб утирмай, ёрдамга шошилди. У ҳатто шуни деб ўз эътиқодига кўра жуда қисқа вақт ичида қилиши керак бўлган тантанали одатни ҳам ортга сурди.

Магопо вақтида етиб келган эди. Фақат унинг қутилмаган пайдо бўлишигина Питер ўйлаб қўйган режаси бўйича қилинмокчи бўлаётган ҳужумга ҳалал бериши мумкин эди.

Қоратанли сардор билан саломлашишар экан, Альбер ва Александр доим қувноқ бўлган бу одамнинг кайфи йўқлигини пайқашди. Унинг ташвиши сабабини сўрашганда Магопо шарқ томонни кўрсатди.

Шаршара тепасида сув зарралари бўлиб, гувуллаган овоз эшитилиб турарди.

Бироқ шаршаранинг орқа томонида қуюқ кора тугун кўтарилаётгани оdatий ҳол эмас эди. Тугун спираль тарзида кўтарилиб, маълум бир юкориликка чиққандан сўнг булутдек ёйилиб, сув зарралари устида осилиб қолаётган эди.

– Дарёнинг худолари газабда, – бўғиқ овозда деди африкалик ҳукмрон, – шунинг учун Мотсе-оа Баримоснинг ёрқин буғланишига ерости оловининг қора тугуни аралашиб кетаяпти. Агар тубсизликда алангаланаётган оловки деб ота-боболаримиз ёнида яшаган дарёнинг суви қуриб қоладиган бўлса, баримларнинг охири авлодининг холига вой!.. Агар олов уларнинг жасадларининг қолдиқларини ялаб кетадиган бўлса, бизнинг холимизга вой! Баримларнинг қўлларидан уларнинг мангу қудратли эканликларининг белгилари тушиб кетадиган бўлса бизнинг холимизга вой!..

– Бу ҳодиса чиндан ҳам ғалати, – личирлади Александр. – Қизик, гап нимада экан?

– Дўстимизнинг хафалигини тушуниш мумкин, – деди Альбер. – Бу ерда илгари бундай ҳодиса бўлмаган бўлса керак.

– Мен ҳайрон қолаяпман. Тутун гўё бутунлай яланғоч қоядан чиқаётганга ўхшайди. Мен буни ёнгин деб ўйла-

маяпман. Бу ерда ёниши мумкин бўлган нарсанинг ўзи кўринмаяпти...

– Вулқон отилганга ўхшайди.

– Ўхшашга-ку ўхшайди, бироқ бу эҳтимолни нари суриш керак: бу ерда тупроқ ундай эмас... жойнинг кўри-нишининг ўзи ҳам...

– Дўстим, гапинга қўшилмасликка ва «оловсиз ту-тун бўлмайди» деган мақолни ҳам рад қилишга изн бер. Биз кўраётган тутун – батоклар уни Мози-оа-Тунья деб аташади, унинг келиб чиқиши сувдан. Буни яқинда ҳам-мамиз кўрамиз, чунки агар хато қилмаётган бўлсам Ма-гопо ўзи шахсан ўша ёққа бормоқчи. Биз ҳам у билан бирга, албатта боришимиз керак. Биз Виктория конига борамиз ва унинг отряди йўлда бизни қўриқлаб кетади. Бизнинг у билан биргалигимиз, бизнинг европалик экан-лигимизнинг ўзигина бу ажойиб йигитга мадад бўлади. Менимча, у ўлгудек қўриқиб кетган. Мен унинг ўзини бу-тунлай йўқотиб қўйиб, бирорта аҳмоқлик қилиб қўйиши-дан қўрқаяпман. Биз бундай бўлишига ҳалал беришимиз керак.

– Кейин эса, – кизикконлик билан гап қўшди Жозеф, – бу тутун таркагандан сўнг – у бутунлай турмайди, деб умид қиламан, анави икки бурни қидириб кўрамиз. Улар шу яқин атрофда. Менинг улар билан эски ҳисоб-китоб-бим бор. Биз уларни, албатта топамиз ва агар хоҳласанг-лар, бошқаларга ибрат бўлиши учун уларни осишимиз ҳам мумкин. Уларга ачинишнинг ҳожати йўқ. Улардан яхшилик кутиб бўлмайди.

Магопо борган сари тундлашиб борарди. У йўлга ту-шишга шошилаётган эди. Ҳамма ўз пирогасига ўтиргач, бу ерлардан тезроқ кетишга шошилаётган европаликлар-ни хурсанд қилиб, флотилия йўлга тушди ва чорак кам бир соатларда улар қарама қарши кирғоққа етиб борди-лар.

Питер ва Кайманнинг шайкалари ҳам деярли бир вақтда етиб келишди. Батокларнинг ёнида европаликлар ҳам борлигини кўриб, улар қочиб қолишди.

Пирогалар киргокдаги ўт-ўланлар орасига яширилиб, жангчи батоклар бошларини қуйи эгганча ўз сардорлари олдида саф тортишди ва ҳаммалари бир пайтда найзаларини ерга сукишди.

Гэн ва Хорс эса катордан чикиб, юзи қатъий қарор қилган одамники каби ёришиб кетган Магопонинг ёнига туришди.

Магопо баланд бўйини ростлаб, қоп-қора кўксини мағрурлик билан олдинга чиқариб, иккала кўлини Альбер ва Александрга узатди.

— Алвидо, — тангана билан деди у. — Алвидо, октанлилар. Дауд, бизнинг ҳурматли отамиз, менга «Сардор! Ҳамма одамлар — биродардир. Менинг халқимнинг одамлари — сизнинг биродарларингиздир. Уларни севинг. Улар ҳам сизни севишади», — деган эди. Мен отамнинг сўзларига кулоқ тутдим ва сизларнинг дўстлигингиз менга мукофот бўлди. Дауд тўғри айтган: ҳамма одамлар — биродар. Қоратанли одамнинг томирларида оқаётган қон окганлиларники каби — қизилдир. Мен ҳозир халқим учун ўз қонимни бераман, чунки мен — сардорман. Мен худоларимизнинг кўнглини юмшатиш учун ўламан. Гэн ва Хорс мен билан бирга баримларнинг охириг авлодларимиз. Гэн ва Хорс ҳам ҳалок бўлишади! Болаларим, кетдик! Бизни баримлар кутишаяпти!

Европаликлар бир пайтнинг ўзида ҳам фидокорона ва бефойда бўлган бу вафодорликдан ҳайратда эдилар. Бироқ уларнинг Магопонинг қарорини ўзгартириш учун қилган ҳамма ҳаракатлари бекор эди. Ялиниб ёлворишлар, ишонтиришлар — ҳаммаси бекор, сардор ўз аҳдида қатъий эди.

— Менга кулоқ сол, дўстим! — ҳамма далиллар гугач, деди Александр. — Сен шу пайтгача октанли одамларнинг гапларига ишониб келгансан. Улар сени ҳеч қачон алдашмаган. Менга Дауднинг ўзига ишонганингдек ишон. Сенинг халқингнинг ҳаёти хавф остида эмас. Сенинг ўлиминг бефойда бўлади ва сенинг ажойиб юр-

тингга, мардонавор лашкарларингга «алвидо» деганинг бекор бўлади... Ҳеч бўлмаганда эртагача кутгин. Биз сен жонингни фидо қилмасингдан ҳам газабланган худоларни юмшатиш йўлини топамиз.

– Миннатдорман, октанли сардор. – жавоб берди Магопо. – Сен оққўнгилсан ва мени ушлаб қолиш учун қилаётган ҳаракатинг сен дўстим эканлигининг исботидир. Бироқ сен баримларни билмайсан. Мени бурчим чақираётган жойга боришга қўйиб бер. Кейин эса, ким билади, балки мен ҳалок бўлмасман. Мен Гэн ва Хорс билан Мози-оа-Тунья ҳукмронлик қиладиган тепаликка жўнайман. Биз худолар марҳамат қиладиган сўзларни айтамыз. Бу пайтда эса менинг лашкарларим бу лаънати тутун чиқаётган баландликка чиқишади. У ердан улар қора булутларга қараб отишади. Уларнинг найзалари нгуа захари билан захарланган. Агар улар махлукни ерга қайтиб тушира олсалар, агар баримлар менинг овозимни эшитишса, агар Мози-оа-Туньянинг бугланиши яна қарқаранинг пўпаги каби оққа айланса ва ёрқин айланаларни акс эттирса, мен сизларнинг олдингизга бахтли ва мағрур ҳолда қолиб бўлиб қайтаман. Агар бундай бўлмаса биз учаламиз ўзимизни тубсизликка ташлаймиз... Мен айтдим. Сизлар сардорнинг сўзини эшитдингиз.

Октанлилар бу қатъийликдан тушкунликка тушдилар. Улар охирги марта айна пайтда мўъжизага – аслида, бундан ҳеч қандай хабар бўлмай – ўзлари ҳам буни яратишга қодир эмас эдилар, ишонишдан тўхтамай, Магопонинг қўлини қисиб қўйишди.

Магопо ва иккала йигит яна пирогага ўтиришди ва эшқакка ёпишиб олиб кўндалангига дарёни кесиб ўта бошлашди, маълум бир жойда оқимнинг ўзи уларни Боғ Оролга олиб кетди.

Сал ўтиб улар гулзорга ўхшаган, унча катта бўлмаган, тропик флоранинг бутун гўзаллигини ўзида акс эттирган кўнлаб оролчалар орасида кўздан йўқолишди.

Қоратанли сардор ёрдамчисига баъзи бир буйруқларни берди, у эса буйруқларни аниқ бажарди: у европаликларга энг яхши лашкарлардан сокчилар бириктириб, асосий кучни орада бир километр бўлган шаршарага жўнатди.

Шуниси ғалати эдики, Магопонинг қарори ҳамма батокларга шундай қатъийлик бағишладикки, ҳозиргина бу сирли тутун кўркитаётган лашкарлар энди уни яқиндан кўриш хоҳиши билан ёнишаётган эди.

Улар шаршара ёнига тушиб, дарани айланиб ўтишди, бир хил ораликни саклаб ярим доира бўлиб жойлашиб олишиб, тинмай қора тутун чиқиб турган тепаликнинг чўққисига кўтарила бошлашди.

Сўнгра, олдинга қараб яхшигина кўтарилишгандан сўнг улар, афтидан, борлигидан қуюқ тутун гувоҳлик бериб турган кўзга кўринмас махлукни кўрkitиш учун бўлса керак, найзаларини силкитганча, жазавага тушиб қичқира бошлашди.

Де Вильрож хоним, унинг дугонаси, Альбер, Александр, Жозеф ҳамда бушмен билан Зуга ёриқнинг четида Худолар Устунни орасига жойлашиб ўтириб олишган эди. Улар Магопони, иккала йигитни ва тепаликни хужум билан олаётган лашкарларни кўриб туришарди.

Батоклар тасаввурларидаги душман билан курашишар экан, европаликлар хавотир ва сабрсизлик билан бу ишнинг ечимини кутиб, қимир этмай туришарди. Улар агар дўстларига ҳаёлий эмас, чиндан ҳам хавф-хагар таҳдид солаётган бўлса кўркмасдан ёрдамга отилишган бўлишлари ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Ўзларининг ҳаракатчан эканликларига қарамай, иккала аёл ҳам мана бир қанча вақтдан бери ўта чарчовни хис қилишарди. Ва, бу ернинг иссигига ўрганган эркаклар ҳам дим ҳавога зўрға чидашаётган эди. Аслида, бундай иссиққа саламандра ҳам чидай олмаган бўларди.

Тўғри, шаршара томондан шабада эсиб турган эди, бироқ бирдан ушнинг салқини домна печининг иссиқ нафасига айланди.

Одамларнинг нафаси қайтиб, уларни тер боса бошлади. Ўсимликлар, ҳатто кум ва қоялар ўсимликлари бўлган эвфорбия ва кактуслар ҳам шалпайиб, сўлиб қолаётган эди.

— Уф! — ярим овозда минғирлади Жозеф. — Чидай олмаيمان! Худди қизиган кўргашинини ютаётганга ўхшайди одам!

— Момақалдирок яқинлашаяпти, — деди Альбер.

— Яна қанақаси денг! Қаранглар, ҳатто анави жин ургур ўт-ўланлар ҳам унинг яқинлашаётганини сезиб, гужанак бўлиб олишибди.

— Бирорта бошпана топсак яхши бўларди, — деб қўйди Александр.

— Жуда бўлмаганда қоядаги мана бу ўпирилган жой. Аёллар сиғишади, биз эса ташқарида ҳам қолишимиз мумкин...

— Баток дўстларимиз-чи?

— Улар ҳали ҳам тепага қараб тирмашишаяпти. Сен уларни кўраяпсанми?

— Кўраяпман! Одам эмас, бир балога ўхшашади. Шундай иссиқда-я!

— Афтидан кўз кўриб қупок эшитмаган момақалдирок бўлса керак.

— Бу ер қаърида гувуллаётган сирли оловни жала ўчирса ҳам майли эди. Бечора Магопо дўстимиз соғ-омон қайтиб келган бўларди.

— Барим жаноблар учун ўзларининг ҳамма нарсага қодирликларини исботлаш ва Магопонинг бу гўзал, биروق, бефойда қурбонлигининг олдини олиш учун зўр ша-роит яратиб берилаяпти.

— Қадрдон Магопо! Агар у ҳалок бўлса алам қилади!

— Мана момақалдирок ҳам бошланаяпти! Хонимларимиздан бошпана остига ўтишни сўраймиз. Ҳозир бу ердан ажойиб ва кўркинчли манзара кўринади.

Атмосферанинг бирдан ўзгариши хабарчиси бўлган бўрон метеор тезлиги билан яқинлашиб келарди. Муъта-

дил минтақа аҳолиси бўроннинг бундай кучи ва тезлигини тасаввур ҳам қила олмайди.

Уфқла, дарёнинг яраклаётган акси осмоннинг кўм-кўк ранги билан тутшиб кетган жойда қора нуқта пайдо бўлди. У катталаша бориб, бир зумда доғга айланди. Осмон оқариб кетган эди.

Қуёш кип-қизил бўлиб, бинафшаранг доғлар билан қопланган ва гўё булутлар ортидан кўз қисаётганга ўхшарди.

Мана, осмондаги доғ қора булутга айланди. Водийга мотамсаро жимлик чўкди. Табиат гўё босиб келаётган фалокатга қарши ўзининг бутун кучини йиғаётгандек каби эди.

Ҳамма нарса — одамлар ва ҳайвонлар жим бўлиб қолган эди. Ҳатто, шаршаранинг гувиллаши ҳам тиниб қолгандек эди. Мози-оа-Туньянинг буғлари яна ҳам қуюклашган, бироқ қийинчилик билан кўтарилар ва қора фонда кўзни олгудек оппоқ бўлиб яркирарди.

Бири устига бири судралиб кетаётган ва электр токига тўйинган булутларни чакмоқ кесиб ўтди. Дарё устида момақалдироқ бўғиқ гумбурлаб, унинг суви бир зумда қорамтир бўлиб қолди.

Иссиқ шамол олтингугурт хиди билан тўйинган, эвфорбияларнинг танаси энгашиб қолган эди. Тутун айланар ва африкаликлар унга яқинлашиб қолишган эди.

Пастликни қоронғилик бурқаб олган эди; бироқ бу ғира-ширадан кейин тушадиган ва тун бошланишидан салгина олдин бўладиган қоронғилик эмас эди. Бу, тўғрироғи, ҳавонинг етишмаслиги ўпкага оғриқ берадигандек, етишмаслиги кўзга оғриқ берадиган қундузги ёруғликнинг сийраклашуви эди. Бу қуёш тугилишининг шира-шираси эди. Улар илиқликни ушлаб қолган бўлиб, хали яна бир қанча вақт ялтираб туриши мумкин.

Агар чакмоқ бўлмаганда тун зим-зиё эди. Чакмоқнинг ёруғи вақти-вақти билан батокларни кўра олиш им-

кониятини бераётган эди. Батоклар иккиланганча тўхтаб қолишгандек эди.

Улар ҳозиргина тутун чикиб турган тепаликнинг чўққисида қандайдир ғалати ва янги нарса содир бўлаётганини кўриб қолишди: ёмғирли булут орасидан аланганинг узун тили, оловнинг қип-кизил шуъласи кўринди.

Бечора батоклар шу пайтгача ўзларини яхши тутиб келишаётган эди. Бироқ улар ўзларининг содда хурофотларидан келиб чиқиб, махлуқнинг нафаси деб ҳисоблашадигани тутун билангина курашмоқчи бўлишаётган эдилар. Энди эса бу сирли душманларнинг газаби қанчалик ошиб кетганидан дарак бераётган аланга билан курашишларига тўғри келаяпти.

Александр уларнинг иккиланаётганлари сабабини дарров тушунди. У батокларнинг ўзларини йўқотиб қўйишлари мумкинлиги ва бундан сўнг уларнинг ораларида ваҳима бошланишини мумкинлигини сизди.

У батокларнинг олдига югуриб бориб уларни қўлаб-қувватлашга, керак бўлса уларга бош бўлишга аҳд қилди. Бироқ тепаликнинг чўққисидан бирдан лов этиб олов чиқиб, шараклаган овоз эшитилди.

Бир сониялик жимлик ўқ отилганидан дарак берди. Ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас эди, чунки жангчилардан бири қўлларини ёзганча икки марта айла-ниб, ерга қулади.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ.

Питернинг оғир кўргиликлари. – Келишувнинг бузилиши. – Корнелис ва Питер қутулиб қолишни хоҳлайдилар. – Камондан отиш. – Тропик жала. – Баримлар тинчиб қолишди. – Жозеф сут қайнаётган чашмани кўради. – Шахгада портлаш. – Сэм Смит. – Зилзилами?

* * *

Плот секин кетаётганидан Питернинг жони чиқиб кетаётган эди. Бироқ бур хозир фургоннинг кетидан юрганлари вақтини бекор йўқотиш бўлганига ишончи комил бўлган эди: Александр фургонни оқимга қўйиб юборган эди. Питерга жуда ҳам алам қилиб кетди.

Замбези бўйлаб плотда, яна шаршара яқинлигидан оқим ўн баробар тез бўлган жойда, яна орқага қараб кўтарилиш осон иш эмас эди.

Шундай қилиб Питер фақат омади келмаганидан габда эмас эди – у энди ўз устига юкланган вазифанинг натижасидан ҳам хавотирланиб қолган эди.

У Кайманнинг одамлари сувада ва курукликда узоқ юрганлари сабаб ҳолдан тойишганини кўрмаганга солар, қачон карама уларни сўкиб «руҳларини кўтарар», ҳатто унинг гапларини тушунмаганларни қалтаклаб ҳам қоларди.

Питер ўрамалар, оролчалар, сувости қояларини айланиб ўтиб, мана, сокин сувларга етиб келди. Айнан шундан сўнг, яъни бўш фургонни қувлаб ва олдинги жойига қайтиб келиш учун уч соат йўқотгандан сўнггина, Питер эшакка энгашиб олганча, афтидан, у кетаётган жойга кетаётган батоклар флотилиясини кўриб қолди.

Питер у ерда фургонни оқимга қўйиб юборган европаликлар бор эканлигига шубҳа қилмаётган эди. Бироқ бу одамларни Магопонинг лашкарлари қўриқлашар экан,

ўзининг кароқчилари ўта бечораҳол бўла туриб уларга хужум қилишга унинг юраги дов бермаётган эди.

У батоклар унга хужум қилмай туриб, шоша-пиша чекинишга мажбур бўлди: батоклар унинг кароқчиларини аяб ўтиришмасди.

Питер алам қилганидан титраб кетаётган эди, бироқ у бошқа томонга қайрилишга буйруқ берди. Бу сафар у ўз одамларини «рағбатлантириши» шарт бўлмади: батоклар пайдо бўлганидан одамларининг ўзи қўриқиб кетишган эди. Питер қирғоққача эсон-омон етиб борди, бироқ ўз одамларини ҳеч қандай куч билан ушлаб қола олмасди: улар оёқлари қаттиқ ерга тегиши билан ҳар томонга қараб қочиш қилишди.

Питер бир вақтнинг ўзида ҳам ғазабланиб, ҳам тушқунликка тушиб қолди ва у Корнелис билан Сэм Смитни қолдирган жойга қайтиб боришга қарор қилди. Питер — бу вақт мобайнида Смитга нима бўлганни билмас эди, у билан маслаҳатлашмоқчи бўлди.

У қандай қилиб европаликлардан ўч олишни ўйлаганча тепаликка чиқиб борди. У, ҳатто режа ҳам тузиб қўйди.

Ана шу пайтда биз олдинги бобда тасвирлаб ўтган ходисалар бўлиб ўтган эди. Улар шу билан тугадики, тепалик батоклар томонидан машғул этилиб, уларнинг сардори эса Бог Оролга жўнаган эди.

Қоядан қуюқ тутун чиқаётганини кўрганда Питерни ҳам даҳшат чулғаб олди. Октанли ёввойи старли даражада тоблангани учун жисмоний хавфдан қўрқмасди, бироқ сабаби унга тушунарсиз бўлган, натижаси эса даҳшатли бўлиши мумкин бўлган ходисани кўриб у ёш боладек титраётган эди.

У Корнелисни дарров топди. У ҳам тоза қўриқиб кетган бўлиб, ўзининг эвфорбия, алоҳ ва баҳайбат кактуслар билан ҳимояланган жойини ташлаб кета олмайётган эди.

— Аҳа, келдингизми? Яхши! — деди Корнелис.

— Сизни кўрганимдан хурсанд бўлмаётган бўлсам, кўзларим оқиб тушсин!

– Қаерларда сангиб юрган эдингиз?

– Ўзингиз нима килиб ўтирган эдингиз? Менинг орқамдан Замбезининг қирғокларида яшайдиган ҳамма қоратанли иблислар қувлаб келаётганда сиз худди пис-тирмада турган қоплондек яшириниб ўтирибсиз, шекилли! Мастер Смит кани?

– Сиз бундан қанчалик хабардор бўлсангиз, мен ҳам шунчалик хабардорман, – тундлик билан жавоб берди Корнелис. – У ейишга нарсани олиб келиш учун кетганига бир неча соат бўлди ва мен унинг қаерга кетганини ҳам билмайман.

– Корнелис, иш жиддийга ўхшайди!

– Питер, чиндан ҳам жуда жиддий.

– Ҳаммаси чигаллашиб кетаяпти. Нима деб ўйлашни ҳам билмайман.

– Клаас кетгандан бери ҳеч ким бизни ўйламаяпти ва ҳамма нарсани тескари бўлиб кетаяпти.

– Афтидан, биз Клаас билан бекор уришиб қолиб, уни ташлаб кетдик. Ахир, у бизнинг акамиз ва ҳар доим бизга тўғри маслаҳат берган.

– Маслаҳат ва ёрдам берган.

– Мастер Смитнинг сирли равишда йўқ бўлиб қолиши мени ҳаммадан ҳам хавотирга солаяпти. Демак, сиз у ҳақида ҳеч нарсани билмайсизми?

– Ҳеч нарсани.

– Қайси томонга қараб кетган эди?

– Билмайман. Битта нарсани айтишим мумкин: у водийга тушгани йўқ. Менимча, у биз турган тепаликдан тушгани йўқ.

– Сирпаниб кетиб, жарликка куламаганимикин?

– Билмайман. Битта нарсани мени хавотирга солаяпти: у йўқ бўлиб қолгандан кейин паға-паға тутун кўринди. Худди ер тагидан чиқаётганга ўхшайди.

– Виждонан айтадиган бўлсам, менга бу нарсалар ёқмаяпти. Мен кўрқиб кетаяпман.

– Менга ҳам ёқмаяпти. Оёғим остида ер ёнаётганга

ўхшайди. Бу тутундан кўркиб кетаяпман. Ёлғизликдан ҳам юрагим увушиб кетаяпти. Кетдик бу ердан.

– Тўғри! Кетдик бу ердан! Бизнинг мастер Смит билан келишувимиз бекор қилинади, чунки мастер Смит йўқолиб қолди. Бу ерда ўтиришимизнинг ҳождати йўқ.

– Орқага сурилган нарса йўқолган бўлмайди, дейишади. Яқинда хазинани қидиришни давом эттирамиз.

-- Жин урсин!

-- Нима гап?

-- Кета олмаймиз: бизни ўраб олишган!

-- Ўраб олишган?

– Қоратанлиларга қаранг! Найзаларини силкитиб, хужумга ўғишаяпти!

– Э, ҳа, ахир улар ниҳоят қоратанлилар-ку. Уларга кучимиз есади... Қандай қора булут келаётганига қаранг! Ҳозир момақалдироқ бўлиб, биз уларнинг ораларига суқилиб кириб олишимиз мумкин.

– Тўғри айтдингиз. Яқинроқ келишсин. Шунда олов очамиз.

Иккала мараз қуроллари тайёрлаб, чакалакзор ичига яширинишди.

Қоратанли лашкарлар яқинлашиб келишарди. Момақалдироқ шундай гумбурладики, айти шу пайтда Питер батоклардан бирига милтиғини бўшатди.

Бирок батоклар шериклари йиқилганда кўркиб кетишди эмас, аксинча баггарроқ ғазабланиб бақира бошлашди. Йиқилганининг ўрнини дарров бошқа одам эгаллади. Биринчи ўқдан кейин яна бошқаси бўлиши мумкинлигини тушунган батоклар тактикани ўзгартиришди: улар ерга ётиб олиб, олдинга судралиб кета бошлашди.

Шундан сўнг улар, афтидан буйрукка бўйсуниб, ҳаммалари битта одамдек, ҳатто бизнинг энг сара Европа ҳарбийлари ҳавас қилса арзийдиган аниқ ҳаракат билан камонларини ва ўқдонларидан заҳарланган найзаларни олишди ва ўқ янграшидан олдан олов чакнаган жойга найзалар ёмғири ёғди.

Бурлар багоқлар орасидан югуриб ўтишни мўлжаллашаётган эди, бироқ ҳозир ўлим элчиларини ҳавода вириллаб учаётганини эшитиб, улар тўхташди.

— Ўлай агар, Питер, сиз эҳтиётсизлик қилдингиз! Қаранг, бу шайтонлар қоронғилигига қарамай қандай эпчиллик билан отишаяпти. Бутамиз худди жайранинг тиканларига ўхшаб, найзалар билан тўлиб кетди. Менга тегиб кетай деди.

— Жин урсин, нима қиламиз? Ақлим етмаяпти.

— Анави кизил аланга чиқаётган жойга борамиз!

— Нима деяётганингизни ўйлаб кўрдингизми?

— Шунчалик ўйладимки, ҳозирок бормоқчиман. Агар сизни заҳарланган найзаларга суқишларини хоҳласангиз, қола беринг. Мен эса нгуадан қийналиб ўлгандан кўра озгина қовурилишни афзал кўраман.

— Корнелис, сиз ҳақсиз. Бунинг устига жала бошлана-япти. У ҳам бизга дарёга билдирмай бориб олишимизга ёрдам беради. Ким билади, балки у ерда биз бу қармоқдан чиқиб кета олармиз.

Бур жала деб атаган нарса ҳақиқий тошқин эди.

Базальт қояларни босган сувнинг миқдорини тасаввур қилиш қийин. Бу сув гирдоби эди. У қар қилгудек гувуллаб, дарахтларни ағдарди, тошларни кўчириб, бир зумда ҳаммаёқни сув босди.

Батоклар ниманинг иложи бўлса, ўшанга ёпишиб олишди, бироқ орқага кочишмади, европаликлар эса бир-бирларига ёпишиб олиб жаладан сақланишди.

Бахтга кўра табиатнинг бундай ақлсизлик хуружлари, одатда уларнинг ғазабига тескари пропорцияда бўлади. Буларнинг ҳаммаси қандайдир чорак соатда бўлиб ўтди.

Момақалдирок гумбурлашдан тўхтади, чақмоқ энди осмонни кесиб ўтмай кўйди. Қоп-қора булут дарров тарқала бошлади ва осмон ёриша бошлаб, ёмғир тўхтади.

Охирги кучли шамол қора булутларни тарқатиб, уларни ғарбга ҳайдаб кетди; у шаршара устида ушланиб турган буғ устуиларини эгиб кўйди, бироқ улар тезда

тўғриланиб яна ўзининг виқор билан туришини тиклаб олди.

Шу пайт куёш кўринди. У хар доимгидан ҳам чараклаб кўринаётган эди; кўм-кўк осмон тип-тиник бўлиб, жала уни ювиб, ажойиб плаффофлик берган эди.

Европаликлар ҳам, африкаликлар ҳам бундай тез ўзгаришдан бирдек ажабланиб, хурсандчилик ва ҳайратдан қичқиришдан ўзларини тия олишмаётган эди.

Ҳамманинг назари ҳозиргина ердан чиқаётган сирли аланга кизариб турган томонга қартилган эди.

У энди йўқ эди. Олов ҳам тутун ҳам йўқ эди. Қоя одатдаги кўринишида эди.

Агар сув тепаликдан ингичка ирмоқ бўлиб оқмаганда, алоо, эвфорбия ва кактуслар одатдагидан кўра баркираб кўринмаганда, бу ерда нимадир содир бўлганига ишониш қийин эди.

Буюк Африка дарёси қирғоклари атрофида яшовчи қабилаларини хавотирга солган сирли ҳодисадан ҳеч нарса қолмаган эди.

Баримлар тинчиб қолишган ва Мози-оа-Тунья уларнинг охирги авлодларини ютиб юборишга ҳожат қолмаган эди. Айтиб ўтганимиздек, куюн (гирдоб) худолар Устунини ерга эгиб қўйган эди. Шунда ҳавонинг ғайриоддий тиниклиги туфайли Боғ Орол аниқ кўриниб турганди.

Сувнинг кўп асрлик таъсири натижасида оқариб кетган сувости қоясининг тепасида учта қора гавда турарди. Улар мағрур, ҳаракатсиз туришар, узокдан учта катта ундов белгисига ўхшашарди.

Булар Магопо, Гэн ва Хорс эди.

Батокларнинг энди разведкаларини давом эттиришга ҳожат йўқ эди: разведка қилишни талаб қиладиган сабаб энди йўқ эди.

Жасоратли қоратанли лашкарлар кучоклашиб, хурсандчиликдан, ҳатто сакраб, сардор ва иккала ёш йигитни қарши олиш учун ўз тепаликларидан тушишга тайёрланишди.

Европаликлар суяк-суякларигача ҳўл бўлиб кетишган эди, бироқ куёш уларга бирпасда ижобий таъсир қил-

ди. Улар батокларга қўшилиб, сал қолса ўзлари ҳалок бўлай деган қоядан кетишга қарор қилишди.

Ёлғиз Жозефгина нимадандир хавотирда эди.

– Карай, месье Александр! Мен бу ердан кетишга розиман, бироқ мен ундан олдин иккига нарсани билмоқчи эдим.

– Қандай нарсани?

– Анави отишган бечора қоратанли қаерга йўқ бўлди?

– Отиб ташлашган? Сенга шундай тушолгандир?

– Йўқ! Мен кўрдим ва эшитдим. Сизлар яшириниб ўтирганингизда мен ташқарида эдим.

– Майли, баҳслашмаймиз. Дейлик, кимдир отди ва битта одам йиқилди.

– Мен ана ўша битта йиқилган одам қаерга кетганини билмоқчиман. Афтидан, унинг ўртоқлари унга нима бўлганига бутундунё кўргазмасига қизиққандан ортиқ қизиқишмас экан. Мен яна уни ким отганини ҳам билмоқчи эдим.

– Мана бу тўғри! Агар сен янглишмаётган бўлсанг, бу сирли мерган шу яқин орада бўлса керак.

– Мен ҳам шундай деяпман. Демак, рухсат берсангиз сиз ёмғирдан яширинган жойга чиқиб, атрофни қараб кўришга ҳаракат қиламан.

– Фақат эҳтиёт бўл.

– Майли. Бир амаллайман...

Каталониялик ҳамма ишни тез ва эпчиллик билан бажарди. У юқорига чиқиб, ҳаммаёқни кузатиб келди. Шунинг ҳаммасига бир неча дақиқагина кетди. Бироқ пастга тушгач у берилиб бошини каший бошлади – бу унинг жуда ҳаяжонда эканлигининг белгиси эди.

– У ерда нима кўрдингиз? – сўради Александр.

– Ҳозир тушунтираман. Тўғрироғи, тушунтирмайман, чунки ўзим ҳеч нарса тушунмадим. Шунчаки нима кўрганимни айтиб бераман.

– Эҳ, қанақа эзмасана! – хитоб қилди Альбер. – Чўзма, тезроқ айта қол!

– Ҳеч бўлмаса бошлашга қўй, -- кулиб маслаҳат берди Александр.

– Демак, ган бундай, – давом этди Жозеф. – Тасаввур қилинг, чапдан ўнгга, агар дарадан, яъни тўғри оқим бўйлаб, кетилса, кора коя узун оқ йўл билан кесилган. Унинг кенглиги тўрт метрча, узунаси эса биздан ўнгга – уч юз – тўрт юз метр.

– Жуда яхши. Ҳозирча ҳаммаси тушунарли. Афтидан, базальт қаватдан оҳактош ўтган бўлса керак. Шунанқаси бўлади.

– Шундай. Мен сизга ишонаман, чунки сиз дунёдаги ҳамма нарсани ва яна бошқа нарсаларни ҳам биласиз, – ганида давом этди Жозеф. – Бирок мен сизга бу оқ йўлнинг қандай кўринишда эканлигини айтсам, сиз ҳам, бу ғалатилигини айтасиз. У унча чуқур бўлмаган жарнинг тубида, бўрон пайтида тепаликдан тушган ҳамма сув шу жарликка тушган ва уни тўлдирган. Бирок мана нима тушунарсиз: сув оппоқ оқариб кетган ва шундай қайна-яптики, буг кўтарилаяпти... Худди ярмоқда сутли овқат қайнаётганга ўхшайди. Печка қани? Устида бу идиш қайнаётган слов қани? Кўринмаяпти. Мана шу гап. Ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангиз, юкорига чиқинг. Қийин эмас.

– Чиндан ҳам чиқаман. Кўнглимни хотиржам қилиш учун! – хитоб қилди, табиатнинг яна бир тушунарсиз ҳодисаси кизиктириб қўйган Александр.

Замбезининг ўнг қирғоғида портлаш эшитилганда Александр тепага чиқишга тайёр бўлиб турган эди.

Бу ғалати ҳодисани кўрганлар узоқда бўлиб, уларга ҳеч қандай хатар хавф солмаётган бўлсада, қотиб қолишди.

– Худди шахтадаги портлашга ўхшайди. Бошқача эмас, – деди биринчи бўлиб жимликни бузган Жозеф.

– Бундай бўлиши мумкин эмас! – хитоб қилди Альбер. Тутун таркади.

– Мана шахтёрларнинг ўзлари! – деди портлаш натижасида пайдо бўлган ёриқдан кийимлари йиртилиб, ҳам-

маёғи искирт бўлиб кетган одамнинг чикиб келаётганини кўриб Жозеф. Бошқа иккитаси эса қаердандир пайдо бўлишиб, эсхонаси чикиб кетгандек югуришди.

Александр ва Альбер бу кутилмаганда ва ғаройиб ҳолда пайдо бўлганларни дарров танишди ва иккалалари бир вақтнинг ўзида хитоб қилишди:

– Сэм Смит!

– Бурлар!

Шу пайт батоклар югуриб келишди. Улар ҳам портлашни эшитишган ва уларга ёрдам бериш учун, уларни янги хавфдан ҳимоя қилиш учун югуриб келишган эди.

Мана улар, Жозефнинг чиройли қилиб тасвирлаб беришича оҳак худди сутли овқатдек қайнаган жойдан сал нарида бир қатор тизилишиб туришди.

Сэм Смит атрофни қараб, иккала бурни кўриб қолди ва уларни кескин чақирди.

Бурлар шу заҳоти тўхташиб, у билан суҳбатга киришгандек бўлди.

Бу пайтда Александр Магопонинг адъютантини чакириб, бу учала маразни қандай ушлашни маслаҳатлаша бошлади.

Бирдан шаршаранинг шовқинини кулоқни битиргудек овоз босиб кетди. Сўнгра ер қимирлашга ўхшаш иккинчи силкиниш бўлиб, бутун тепалик қимирлаб кетди.

Французлар ва батоклар оёқларида зўрга туришарди. Йиқилиб кетмаслик учун улар, ҳатто ўтириб олишларига тўғри келди.

Шундан сўнг бир неча сония давомида бирин-кетин яна кучли силкинишлар қайтарилди. Силкиниш баробарида қаттиқ гумбурлаш ҳам эшитиларди.

Ҳаммага – французларга ҳам, африкаликларга ҳам, худди оёқлари остидаги ер ёрилиб, ўзлари ер қаърига учиб кетишаётгандек туюларди.

Чиндан ҳам шундай эди. Тепаликнинг дарёни ўнгдан сиқиб турган қисми қаттиқ ердан узилиб секин сирпаниб кета бошлаганди.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Кўмир шахталаридан фойдаланишдаги янгиликлар.
— Порохли миналар ва ўлдирилмаган оҳакдан килинган мина. — Ушбу миналарнинг афзаллиги. — Упирилиш.
— Тўрт аблаҳнинг тугатилиши. — Батоклар яшайди! — Хотима.

* * *

Кўмир шахталарида ишлаётганда кўпинча портлашлар ўтказишга тўғри келади: шунда чукичга бўйин бермайдиган баҳайбат бўлаклар қаттиқ қатламдан узилиб, майдаланади.

Анча пайтларгача порох асосий портловчи модда бўлиб ҳисобланиб келган эди. Бироқ унинг анча-мунча хавфли томонлари бор, айниқса анча чуқурликда ётган қатламларни портлатиш керак бўлса.

Орттирилган тажриба ва бутун эҳтиёткорликларга қарамай портлашнинг қўпол кучини тартибга солиб бўлмайди.

Бир хил зарядли, бир хил йўл билан портлатилган иккита мина ҳар хил натижа беради: биттаси бутун бир қатламни портлатади, бутун галерея бўйлаб ёриқлар пайдо бўлади ва шахтёрларнинг ҳаёти хавф остида қолади, иккинчиси эса фақат шовқин солиб, тутун пайдо қилади. Бироқ иккаласи ҳам кон газининг яхшигина миқдорини ёндириб, фалокат чиқариши мумкин.

Порохни бошқа моддалар билан алмаштиришга кўп ҳаракатлар килинган, бироқ уринишлар беҳуда бўлган.

Ҳозирги замон кимё соҳасидаги ҳамма янгиликлар бир оддий меҳнаткаш у кузатувчанлиги сабаб бир тасодиф туфайли бу масаланинг ечимини топмагунча, ушбу масалада бефойда бўлган.

Бу янгилик шундай эди. Бу принцип ўлдирилмаган оҳакнинг сув таъсирида ҳажмининг кўпайишига асосланган. Бу процесс жуда тез давом этади.

Шундай қилиб, порохни ўлдирилган оҳак билан алмаштириш фикри туғилади. Кўмир қатламида бир-биридан бир ярим метр масофада чуқурлиги бир метр, диаметри етти-саккиз сантиметр бўлган керакли миқдордаги скважиналар пармаланади. Сўнгра ана шу чуқурларга оҳакли патронлар солинади.

Патронлар ингичка қоғоз ёки очиқрангли матолардан қилинади. Уларни кукун ҳолидаги ўлдирилмаган оҳак билан тўлдирилади. Жуда ҳам босиб тўлдирилмаган патроннинг узунаси бўйлаб унча катта бўлмаган ёриқ бор, у ерга кранли темир қувурча қўйилади.

Минаялар зарядланганда уларга қўл насоси орқали сув қўйилади ва етарли бўлгач, сув юбориш тўхтатилади.

Оҳак шу заҳоти реакцияга киришади, шишади, уни сиқиб турган кўмир жинсини шишира бошлайди ва аста-секин, силкинишларсиз ўпира бошлайди ва скважиналар билан ўралган палахса бир неча дақиқада портлашсиз, тутунсиз ва яна муҳими, кон газини ёқиб юборишга таваккалсиз, кўчиб тушади.

Бу услубнинг афзаллигини узоқ тушунтириб ўтириш шарт эмас — шусиз ҳам бу услуб шахтёрларнинг оғир меҳнатини анча енгиллаштиради.

Ўқувчимиз қаҳрамонларимиз Замбези кирғокларида хатарли шароитда ўтирган пайтларида нега кўмир саноати соҳасига ўтиб кетдик, деб хайрон бўлаётгандир.

Чунки, деб жавоб берамиз биз, бу қаҳрамонларимизга уларни шундай хавfli шароитга тушиб қолишларининг сабаби ва унинг оқибатларини тушунтириб беришнинг оддий йўлидир.

Ўқувчимиз драманинг охириги кўриниши ўйналиши керак бўлган жойнинг рельефини эсдан чиқармаган бўлса керак. Шаршарадан юқорида, Замбези кирғокларида ер юзасига яқин жойда ер остига номаълум чуқурликка қараб кетган кўмир катлами ётади. Қатламнинг марказида Сэм Смит ўзига омбор қилиб олган табиий ғор бор. Ўзининг жўшқин ҳаётидаги тасодиф сабаб у бу ерда, ўз

навбатида бир қанча кўргиликлардан сўнг бу ерга тушиб қолган руҳоний ҳазратлари билан учрашиб қолади.

Ўқувчи оҳак бўлиб чиққан кўмир каватидаги оқ йўлни ҳам яхши эслайди.

Нихоят, ўқувчимиз руҳоний ҳазратларининг айби билан бўлган қон газининг портлашини ва шу портлаш натижаси бўлган даҳшатли ёнғинни ва кучли елвизак туфайли ёнғин тез тарқалганини ҳамда бу ёнғиннинг туғунини кўрган батокларнинг даҳшатга тушганини яхши эслайди.

Кўмир, оҳак ва олов. Қисқа вақт ўтади ва уларга сув қўшилади. Сув жала кўринишида келади. Ва шунда Европада кўмир қонларида оҳак билан зарядланган миналар қўйиб бажариладиган ҳодиса юз беради.

Бироқ қандай катта қўламда!..

Ёнғин бир неча соат давомида ловуллаб турди. Ғор ҳақиқий оҳак пиширадиган печга айланган эди. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган аланга бутун оҳактош қатламини ёндириб юборди. Олов таъсирида оҳактош парчаланиб кўмир кислотаси ажралиб, ўлдирилмаган оҳак пайдо бўлади. Энди унга маълум миқдордаги сув қўшилиши қолганди.

Худди шундай бўлди. Момақалдиروقдан кейин қўйган жала бу баҳайбат ўлдирилмаган оҳак массасини бўқтиради ва у шишиб, катта куч билан ўзини сиқиб турган кўмирни жар томонга итара бошлайди. Сэм Смитнинг ғори турган қатламнинг қафр қиролларининг даҳмаси ва уларнинг хазинаси турган қисми аста-секин, бироқ гумбурлаш билан ажрала бошлаган бўлиб, бу нарса европалик дўстларимизни шунчалик кўрқитиб юборган эди.

Сэм Смит унга қандай хавф таҳдид қилаётганини, албатта, сезмаган ҳам эди. Орзу қилган хазинасини кўриб у иложи борица тезлик билан бу қоронғи зиндондан қутулмоқчи бўлди. Орзулари рўёбга чиққанда энди айниқса, у бунга мухтож эди. Шунинг учун ҳам кўмир қатламининг ўзига чиқиб кетишга ҳалақит бераётган қисмини портлатмоқчи бўлди. У чуқур ёрик топиб, ярмигача порох би-

лан тўлдирди, пилта ясади ва уни ёндириб, портлашини кутиб нари кетди.

Биз портлаш ўпирилиш бошланишидан бир неча сония бурун рўй берганини кўрдик.

Сэм Смит боши тепасида кўм-кўк осмоннинг бир бўлагини кўрганда қандай қувонганини тасвирлаш қийин. У худди пружина каби отилиб кетганди. У тубида минглаб афсонавий олимслар ярқираб ётган гордан югуриб чиқар экан, батоклар билан учралиб қолишдан қочиб кетаётган бурлар билан тўқнаш келиб қолди.

Улар кўп гаплаша олишмади: учовлари ҳам оёқлари остидаги ер бориб келаётганини ҳис қилишди. Ўлгудек қўрқиб кетиб, улар қочмоқчи бўлишди. Бироқ иложи йўқ. Қандайдир сирли куч натижасида оёқларида тура олмай, сувга чўкаётган одам ҳалокатга учраган кеманинг синиқларига ёпишгандек, улар қоянинг четларини ушлаб олишди.

Ҳамма аъзолари қотиб қолган, нафаслари тикилиб, бирор нарса ўйлаш, ёрдамга чақириш, бақиришга ҳам ҳоллари келмай, улар олдиларида катга очилган тубсизликни кўришди, бу тубсизлик уларни чақираётганини ва улар пастга учиб кетишаётганини кўришди.

Чиндан ҳам портлаш бўлган жой ҳаммаси ўпирилиб, қаергадир пастга сипаниб тушаётганди.

Сўнгра сирпаниш тўхтади. Худди ушбу масса ўрнашиб олгандек эди. Сўнгра у яна борган сари ошиб бораётган тезлик билан тубида базальт сиқиб қўйган Замбези айқираётган жарликка кулади.

Дўстона кулги овози бу даҳшатли манзарадан қотиб қолган европаликларни ҳушига келтирди.

Бутунлай ўзгарган, юзлари ёришиб кетган Магопо кўринди. Гэн ва Хорс ҳам у билан эдилар. Ёриқ кўриниб турган чўққини, оҳақтош таъсирида сутга ўхшаб қолган Замбезининг сувларини кўрсатаётиб, Магопо ўзинга хос товуш билан бақирди:

– Бу ерда вафот этган кафр қироллари ўз хазиналари билан ётишар эди. Оқтанли муртадлар уларнинг дахмаларини оёк ости қилишиб, хазинани ўғирламоқчи бўлишди. Баримлар бундай шаккоклик бўлишига йўл қўйишмади. Баримлар – қўрқинчли худолардир. Ота-боболаримизнинг ҳоклари менинг халқимнинг марҳаматли ҳомийси бўлган дарё сувларида тинч ётсин! Мози-оа-Тунья сувлари сотилмайдиган қўриқчиларди. Улар қуриб қолмас экан, ҳеч ким энди шаккоклик қилиб менинг халқим устига баримларнинг ғазабини ёғдира олмайди. Ё-гоклар яшайди!..

ЭПИЛОГ

Факат мўъжиза туфайлигина европаликлар улардан узок вақтдан бери нафратланиб ва уларнинг изларидан юрганлар билан тубсизликка кулашмади.

Ўпирилиш улардан беш-олти метргина нарида тўхтаган эди. Уларнинг хаяжонларини тушуниш мумкин. Бироқ улар ҳақиқатга айланишига оз колган даҳшатли тушдан кутулишган эди! Улар бурлар, руҳоний ҳазратлари ва Сэм Смит қиёфасидаги доимий қўрқувдан халос бўлишган эди. Энди улар Виктория конига етиб боришлари керак эди: улар у ерда цивилизациялашган мамлакатларга чикиб кетишга умид қилишаётган эди.

Кафр қиролларининг хазинаси йўқ бўлишига улар бутунлай бефарк муносабатда бўлишди.

Альбер бойиб кетишга бўлган умидини йўқотган бўлса-да, хотинини топганидан бахтиёр эди. Агар Анна-нинг отасининг ўлими бўлмаганда эди, бахтлари тўлиқ бўлган бўлар эди.

Жозеф ҳақиқий каталониялик каби соғлом фикрларди. У ўзининг эмикдош акаси билан бўлса ҳар доим ва ҳар ерда ўзини яхши сезаверар эди. Унинг учун дунёнинг олмослари нима экан! Дўстона қалб ва севги бўлса бўлди!

Александрга келсак, унинг фалсафаси ҳаётга, унинг кийинчиликлари ва шодликларига қадим донишмандларга хос хотиржамлик билан қарашга ундарди.

— Мана, ҳеч нарсасиз қолдим, — хотиржамлик билан деди у. — Демак, яна қўлимга чўкич олишим керак. Бошқа участка топаман. Бойлик тўплаб олганимдан сўнг Пиренеяга бориб, сизларга қўшни бўламан. Ҳозир эса энг муҳими — Нельсонс-Фонтейнга етиб бориш. Бироқ унгача ҳали узок.

— Эсон-омон етиб борамиз, деб умид қиламан, — деди Альбер. — Қадрдон дўстимиз Магопо жон-жон деб биз-

ни етарли соқчилар билан кузатиб қўяди. Шундай экан, бу ерларда тикилиб ётган қароқчилардан кўркмасак ҳам бўлади.

Шундай қилиб, улар Викториягача етиб келишди. Коннинг кўриниши бир аҳволда эди. Судья уларга Викторияни бўшатган ҳамма охирги воқеаларни айтиб берди.

Биринчи бўлиб, жасадлари ёввойи ҳайвонларга ем бўлмаслиги учун, бурларнинг қурбони бўлганларни қўмишмоқчи бўлишди.

Батоклар ўз ёрдамларини таклиф қилишди ва сиз орада брезентга ўралган бечораларнинг жасадлари олмос қонидаги ташландиқ бир жойга кўмилди.

Бу ишларни тугатишгандан сўнг европаликлар ва батоклар жанубга қараб кетишди. Магопо ҳайратланарли даражада меҳрибон эди. У одамларнинг ҳар бирига эгарланган ҳўкиз берди ва шу сабаб йўл уларни толиқтириб қўймади.

Саёҳат хурсандчилик билан ўтарди. Эстер ва де Вильрож хонимнинг ўз ҳайвонларининг устида ўтириб кетишаётганини кўриш чиндан ҳам завқли эди. Эстер билан Александр, Анна билан эса эри бирга кетишаётган эди. Эркаклар латания барглари билан қуролланиб олишган бўлиб, ажойиб амазонкаларини қуёшнинг ёндираётган нуридан ҳимоя қилиб кетишаётганди.

Конда бўлиб ўтган қонли воқеалардан сўнг ягона тирик қолган одам бўлган судья, ўзининг янги дўстларидан ажралишни истамай, улар билан Нельсонс-Фонтейнга қараб кетди. Бошқаларга ҳалал бермаслик учун у Жозеф билан ҳамроҳ бўлиб олди.

Улардан сўнг Зуга ва бушмен кетишарди. Охирида эса баток лашкарлари отряди кетарди.

Александр Эстерга ошиқ бўлиб қолган ва бошқалар, шу жумладан қизнинг ўзи ҳам буни табиий қабул қилаётган эди.

Нега бундай бўлиши мумкин эмас экан? Иккалалари ёш, чиройли, ростгўй ва ҳалол. Иккала юрак бир-бирига

талпиниб, бир хил нарсани ҳис қилишаётган бўлса, бунинг нимаси ажабланарли?

– Яқинда уларнинг тўйини қиламиз! – бу ажойиб жуфтликка кулиб қараб кетаётган эрига шивирлади де Вильрож хоним.

Шундай бўлиши керак эди ва шундай бўлди ҳам.

Нельсон-Фонтейнга келишгач, қанчалик жасурлигига қарамай, Эстерга унга хотин бўлишга розилигини сўраётганда ранги оппоқ ва титрар эди.

Қиз кип-қизариб кетиб, бошини эгди ва эшитилар-эшитилмас «Ҳа» деди.

Никоҳ маросимини яқин кунларда инглиз қонунлари бўйича ўтказиш, кейин эса Франциянинг расмий ваколатхонасида тасдиқлаб олишга келишилди.

Тўй тантанаси кўпсонли қон ишчилари олдида бўлиб ўтди. Тўйи бўлаётганларнинг яқинда қандай саргузаштларни бошидан кечирганларини ҳамма билар эди. Бу воқеаларнинг бундай яхшилик билан хотима топаётганидан ҳамма хурсандчилигини қувноқ бақир-чақирлар билан ифодалади.

Бутун қонни хаяжонга солган бу байрамни жуда ғалати ва оғир ходиса бузиб қўйишига оз қолди. Ёшлар ва уларнинг ҳамроҳлари уларнинг никоҳларини қайд қилган Британия ҳукуматининг вакили олдидан қайғишаётганда қандайдир бир эркак Александрга отилиб, унинг ёқасидан олмоқчи бўлди. Бу нотаниш кимсанинг эғнида угада кийимлар бўлиб, соқоли патак бўлиб кетган, кўзлари эса олма-кесак терарди. У бўғик товуш билан ўкирди:

– Қонун номи билан сизни қамоққа оламан!

Бу мастер Виль эди.

У пикаколунинг чақишидан мўъжиза билан омон қолган эди. Бироқ у бу газанданинг баданига тегиб кетишининг ўзиданоқ бошидан кечирган қўрқув шунчалик даҳшатли эдики, бечора ақлдан озиб қолган эди.

У саҳрода адашиб юрганда уни қандайдир дайди кафрлар топиб олишади. Қоратанлиларнинг кўз олдида

телбалик муқаддас саналади. Бунинг устига бу телба европалик бўлиб улар мастер Вильни оқтанлилар олдига кузатиб қўйишади.

– Буни қаранглар! – ҳитоб қилди Жозеф. – Ахир бу бизнинг полициячи-ку! Вой, бечора! Бизга нисбатан ўта инсофсизлик қилган бўлса ҳам, мен унга ачинаяпман. Месье Альбер, уни Кейптаунга жўнатиб юбормаймизми? Уни махсус касалхонага ётқизиб, пулини тўласак бўлади.

– Бўлади, менинг меҳрибон Жозефим. Сенинг бу «қасосингга» бутун жон-танзим билан қўшилишаман.

– Эртага почта келади, ва биз ўша билан жўнатиб юборамиз.

Эртаси куни почта одамнинг ҳавасини келтирадиган инглизларга хос бўлган аниқлик билан белгиланган пайтда етиб келди. У Альберга қалингина пакет келтирган эди. Манзил нотаниш дастхат билан бироқ, тўлиқ қилиб ёзилган бўлиб, де Вильрож кулиб қўйди:

– Фақат нотариусларгина шундай ёзишади, – пичирлади у. – Менга мерос теккани тўғрисида ёзишмаганмикин?

У айнаи мўлжалга теккан эди. Қандайдир узоқдан узоқ, фамилияси Альберга зўрға таниш бўлган кариндоши унга ўз бойлигини мерос қолдириб, ўлган экан. Бу ҳаддан ташқари кўп бойлик эди. Чиндан ҳам нотариусдан келган хатда айтилишича, бу бойлик миллионлар билан ҳисобланар экан.

Кариндоши юз ёшга яқин бўлиб, Альбер болалигини ҳар қанақасига эслаб кўрса-да, бу одамни эслай олмади. Шундай қилиб, қутилмаган бу совғага хурсанд бўлишига ҳеч нарса ҳалал бермади.

– Нима қилардик, ярми сенга, – Александрга қараб деди у. – Мен Вильрож қасрини қураман ва сен хотининг билан у ерда яшашга келасан.

Альбернинг бу укаларча таклифига дўстона рад жавобини берай деб турганда, уларнинг олдига судья келиб

қолди. У кечадан бери конда концессия кидириб юрган эди. Айни пайтда эса у жуда хаяжонда эди.

Альбернинг охирги сўзларини эшитиб қолган бўлиб, ҳозир у ҳам Александрга мурожаат қилди:

– Сизларнинг суҳбатингизга огоҳлантирмасдан ҳалал бераётганим учун кечирасиз. Бунинг учун чин кўнгилдан узр сўрайман. Мен сизни шубҳасиз хурсанд қиладиган хабар олиб келдим.

– Биз сизни кўрганимиздан доим хурсанд эканлигимизни ўзингиз яхши биласиз. Биз сизни ўз оиламиз аъзоси деб биламиз. Гапиринг.

– Мен кеча ўзим учун тўғри келадиган участка кидирган эдим ва бутун кун, асосан ташландиқ участкаларни кидириб, конда юрган эдим. Улардан бири, дарров менинг диққатимни тортди. Мен бу нарсани жуда яхши тушунаман ва маълум бир белгилар сабаб, бу жой жуда бой эканлигини тушундим. Шу заҳотиёқ текшириш учун кавлаш ишларини ўтказдим. Натижалар одамни қол қиладиган даражада эди. Шунда мен бу участка чиндан ҳам ташландиқми, билиш учун рўйхатга олиш идорасига югуриб бордим. Мен сотиб олган бўлардим. Идора бошқарувчиси менга бу жой Александр Шони томонидан Самуэль Бернгеймга сотилганини айтди...

– Менинг участкам! – хитоб қилди Александр.

– ... ва энди бу жой Эстер Бернгейм, эри томонидан Шони хонимга мерос бўлиб ўтибди. Шундай қилиб, сизларни чин қалбимдан табриклашга рухсат этинг. Мен бу ажойиб участка кимники бўлганини аниқлай олганимдан хурсандман. Энди сиз Крез каби бойсиз ва концессия учун қанча хоҳласангиз талаб қилишингиз мумкин.

– Мен бу ерда ишлашни ўзим давом эттирмоқчиман, – жилмайиб, деди Шони. – Фақат менга ишбилармон ва виждонли бошқарувчи керак бўлади. Мен фойда қанча бўлишидан қатъи назар, унга ярмини таклиф қилардим. Кавласин, кидирсин, нима хоҳласа шуни қилсин. Мен унинг ҳаракатларини чекламайман, чунки ўзим Франция-

га қайтишга қарор қилдим. Сиз, албатта бошқарувчи бўлишга розилик берасиза?

— Мен?.. Ахир сиз менга бойлик таклиф қилаясиз!

— Ундан ҳам яхши. Сиз бойликни қаерга ишлатишни жуда яхши биласиз. Якин орада сиз бу ерга яхшилаб ўрнашиб оласиз ва бу нарса сизга бир нечта ажойиб инглиз тадқиқотчилари бошлаган хайрли ишни давом эттиришга ёрдам беради. Умид қиламанки, сиз уларнинг қулликдан озод бўлишларига ва мустақилликларини қайтиб олишларига ёрдам берасиз.

ТАМОМ!

ЛУИ БУССЕНАР

ОЛМОС ЎҒРИЛАРИ

Роман

Таржимон: Мухаббат Исмоилова

Муҳаррир: Абдуқайом Йўлдошев
Техник муҳаррир ва
саҳифаловчи: Дилшод Акрамов
Мусахҳих: Зафар Расулов

26.08.2021 йилдаги
№1159-7861-273е-9284-6494-7282-0777
рақамли тасдиқнома.

Босишга рухсат этилди: 02.03.2022.

Бичими 84x108_{1/16}

“Times New Roman” гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди.

Босма табағи: 17,5.

Адади: 1000 нусха.

Буюртма № 10.

«MAX PRISTIL» МЧЖ наизриётида тайёрланди
ва чоп этилди. Тошкент шаҳри Олмазор тумани



Зиё кўчаси 6-уй.

Тел: (+99899) 171-69-62

e-mail: maxpristil@mail.ru

*Бу ерда олмослар тиқилиб ётибди, дустим!
Сен мени тушунаётсанми? Олмослар! Яна қанақаси!..
Сен менинг қумир уюми тағига яшириб қўйган ҳамма
олмосларимни топиб олишга улгурибсан! Бироқ мана
бу олмосларга солиштирадиган бўлса, улар қанчалик
арзимас! Мана, қара!..*

*Смит бутун гавдаси билан олдинга энгашиб,
ердаги скелетнинг чалишган оёқлари орасидаги катта
сопол идишни кучи бориचा тепди. Идиш чил-чил сиииб
атрофга сочилди, айни пайтда скелет ҳам
парчаланиб, олмослар ялтираб кетди.*



ISBN 978-9943-7958-0-8



9 789943 795808